

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O‘RTA MAXSUS  
TA‘LIM VAZIRLIGI**

**URGANCH DAVLAT UNIVERSITETI**

# **ILM SARCHASHMALARI**

*Jurnal O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasining FILOLOGIYA, FALSAFA, FIZIKA-MATEMATIKA hamda PEDAGOGIKA fanlari bo‘yicha doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrdir.*

**7.2021**

**научно-теоритический методический журнал  
Издаётся с 2001 года**

**Urganch – 2021**



Акмалов Аббос (Низомий номидаги ТДПУ Математика ва уни ўқитиш кафедраси  
мудир, педагогика фанлари номзода, доцент)

**АЛ-ХОРАЗМИЙ – АЛГОРИТМ, АЛГЕБРА ФАНЛАРИ АСОСЧИСИ**

***Аннотация.** Мақолада қомусий олим Муҳаммад ал-Хоразмийнинг алгебра ва алгоритм фанларини асосчиси сифатдаги фаолияти, унинг илмий асарларидаги математика тушунчалар баён қилинади.*

***Аннотация.** В статье изложены вопросы о научной деятельности, великого учёного Мухаммеда ал-Хорезми, изложены основные понятия и достижения его произведений как основателя науки алгебра и алгоритм.*

***Annotation.** The article presents questions about the scientific activity of the great scientist Muhammad al-Khwarizmi, the main concepts and achievements of his works as the founder of the science of algebra and algorithm.*

**Калим сўзлар:** илм, фан, алгебра, алгоритм, квадрат тенглама.

**Ключевые слова:** знания, наука, алгебра, алгоритм, квадратные уравнения.

**Key words:** knowledge, science, algebra, algorithm, quadratic equations.

Талаба ва ёш олимларга **илм** – арабча сўз бўлиб – ўзбек тилида – ўқиш, ўрганиш ҳамда ҳаётнинг тажриба асосида орттирилган билим ва малакалар мажмуини англатади.

**Билим** – табиат ва жа-мият ҳодисалари ҳақида ҳосил қилинган маълумотларни инсон тафаккурида воқеликка мутаносиб, етарли даражада моҳиятини ишончли билиш ва маълумотларни далиллар билан асосланган ҳолда очишнинг акс этиши.

**Фан** – дунё ҳақидаги билимлар тизими, ижтимоий онг шаклларида бири бўлиб, инсон билимларининг айрим соҳаларини ифодалаб, бевосита мақсади – ўзининг ўрганиш предмети ҳисобланган воқеликнинг қонуналарини кашф этиш асосида шу воқеликнинг жараён ва ҳодисаларини таърифлаш, тушунтириш, илмий асослаш экани тушунтириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Аллома бобомизнинг тўлиқ исми Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий ал-Мажусий ал-Қатрабулий. “Абу Абдуллоҳ Муҳаммад” – ўша даврда ислом динини қабул қилганларнинг исмларига қўшиш анъана бўлган, “Ибн Мусо”, “Мусонинг ўғли” демакдир. XIII аср тарихчиси Ибн ал-Қифтий (1172–1248)нинг “Китаб ахбар ал-улама би-ахбар ал-Ҳукама” асарида Хоразмийни Бағдодга келиб, у ердаги Қутрабул маҳалласида яшаганлиги ва “Байт ул-Ҳикма”нинг кутубхонасига мудирлик қилгани ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Унинг туғилган ва вафот этган йиллари ҳақида турли манбаларда кўрсатилишича, Хоразмий 783 йили Хоразмда туғилиб, 850 йили Бағдодда вафот этган.

Буюк мутафаккир, аллома аждоқларимизнинг фанлар соҳасида яратган кашфиётлари билан ёшларни кенг таништириш, илмий изланишларида таянч манба сифатида мурожаат қилишга йўналтириш мақсадида юртимизда Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологияларни йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб ташкил этилган, “Тошкент Ахборот технологиялари университетининг фаолиятини янада такомил-лаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан Тошкент Ахборот технологиялари университетида Муҳаммад ал-Хоразмий номи берилди, иқтидорли талабалар учун Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги давлат степендиясини жорий этилди ва “Муҳаммад ал-Хоразмий авлодлари” илмий журналининг таъсис этилиб, мутафаккир алломаларнинг бебаҳо илмий меросини ўрганиш, тарғиб қилиш, замонавий фанлар соҳасида илмий тадқиқот билан шуғулланувчи ёш олим ва илмий изланувчиларнинг илмий мақолаларини даврий равишда эълон қилиб боришларига кенг имкониятлар яратилди.

“Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 майдаги 4708-сонли қарорида “Математика соҳасидаги фундаментал ва амалий илмий изланишлари натижаларига кўра, амалиётдаги муайян муаммонинг ечимини таклиф этган олимларни мукофотлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги халқаро мукофоти таъсис этилди. Мукофот билан Ўзбекистон Республикаси, чет фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам тақдирланиши эътироф этилган. Мукофот икки йилда бир марта Ўзбе-

кистон Республикаси Президенти томонидан Фан ва технологиялар бўйича республика кенгашининг таклифига кўра, учта йўналиш (фундаментал соҳадаги тадқиқот, ёшлар ўртасидаги тадқиқот ва иқтисодийнинг реал секторидаги муаммонинг ечимини таъминлаган тадқиқот) бўйича берилди. Ҳар бир йўналиш бўйича Мукофот совриндорларига белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 50 минг АҚШ доллари эквивалентидаги пул мукофоти берилиши назарда тутилган.

Президентимиз “Ёшлар форуми”да: “Куни кеча олис Испаниянинг Мадрид шаҳридаги Комплутенсе университетида аллома бобомизнинг ҳайкали ўрнатилгани ҳам бу халқаро эътирофнинг яққол исботидир. Машҳур аждодимиз хотирасига кўрсатилган бундай улкан эҳтиромни, биз айтишда халқимизга, унинг қадимий тарихи ва бой маданиятига кўрсатилган юксак ҳурмат рамзи сифатида қабул қилишимиз керак”, дея эътироф этгани бу буюк алломанининг илм-фан йўлидаги бекиёс хизматлари нақадар юксаклигини кўрсатиб турибди.

2021 йил 3 мартда Туркия пойтахти Анқара шаҳрининг Кечиўрен туманидаги машҳур боғлардан бири – “Жўка водийси” (“Ihlamur Vadisi”) худудида алгебра фанининг асосчиси Муҳаммад ал-Хоразмий ҳайкаlining ўрнатилиши “Хива – туркий дунёнинг маданият пойтахти” халқаро дастури доирасида амалга оширилди. Очилиш маросимида Туркияга амалий ташриф билан келган Хоразм вилояти ҳокими Фарҳод Эрмонов бошчилигидаги делегация аъзоларидан Урганч Давлат университети ректори ва бошқалар иштирок этдилар.

Ал-Хоразмийнинг арифметик ва алгебраик асарлари математика тарихида янги даврни – ўрта асрлар математикаси даврига тамал тошини қўйган ва асрлар ўта бир неча авлодлар математик маълумотларни шу асарлардан ўрганишларида, илмий тадқиқотлар учун таянч вазифасини ўтади, даврлар оша олимлар унинг асарларини шарҳлаб, айрим қисмларини бошқа асарлар таркибига киритдилар.

Мутафаккир ўзининг математик асарларида ўз давридаги халифаликнинг кун тартибида турган ҳаёт талаблари ва ҳўжалик эҳтиёжлари, ислом, шариат қонунларига кўра юзага келадиган масалаларни эътиборга олган ҳолда олимлар, хунармандлар учун ҳам зарур бўлган муаммоларни ўрганиши ва ечимларини излаш қоидалари-алгоритм усулларини содда ибораларда ифодалаб берган.

Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий **“Ал-китоб ал-мухтасар фи ҳисоб ал-жабр вал-муқобала”** (“Алжабр алмуқобала ҳисоби ҳақида қисқача китоб”) рисоласида илм, фаннинг тараққиётидаги олимлар фаолияти ҳақида ва тенгламаларни квалификациялари ва ечимларини излаш қоидалари, алгоритм усулларини ифодалаб берган.

Ал-Хоразмий мазкур рисоланинг муқаддимасида ўтмиш даврларда ўтган олимларнинг ишларини табиати бўйича уч гуруҳга бўлиб: “...Ўтмиш даврларда ўтган халқларнинг олимлари фаннинг турли тармоқлари ва фалсафанинг турли бўлимлари соҳасида асарлар ёзишдан тийилмас эдилар. Бу билан улар ўзларидан кейин келадиганларни назарда тутардилар ва булар томонидан ўзларига сарф қилган кучларига муносиб мукофот бўлар деган умид тутардилар ҳамда шон-шараф ва ёд тутиш билан мукофотланардилар, ростгўй лаблардан мактовлар айтилади деб ишонардилар. Чунки улар бунга нисбатан фаннинг махфий сирларини очиш учун ўз бўйниларига олган қийинчиликлар ва меҳнатлари арзимас бир нарса деб билардилар. Улардан бири ўзидан аввалгилар қилган ишларни амалга оширишда бошқалардан ўзиб кетади ва уни ўзидан кейин келувчиларга мерос қилиб қолдиради. Бошқаси ўзидан аввалгиларнинг асарларини шарҳлайди ва бу билан қийинчиликларни осонлаштиради, ёпикни очади, йўлни ёритади ва уни тушунарлироқ қилади. Ёки бу айрим китобларда нуқсонлар топадиган ва сочилиб ётганини тўплайдиган одам бўлиб, у ўзидан аввалгилар ҳақида яхши фикрда бўлади, такаббурлик қилмайди ва ўзи қилган ишдан мағрурланмайди...”. – деган фикрлари, келажак даврларнинг олимлари, тадқиқотчилари ўзларидан олдин ўтган олимларнинг илмий асарларини ўрганиб, ўзлаштириб, янгиликлар билан бойитиб боришларида таянч манбаалар вазифасини ўташини эътироф этган.

**Ал-Хоразмий нисбасидан – “алгоритм:”** ҳисоблаш тарихида абакистлар ва алгористлар деб аталган ҳисобчилар бўлган. Абакистлар деб абака тахтасида соққа билан ҳисобловчиларга айтилган бўлса, уларга қарши ўлароқ, алгористлар ёзув воситасида ҳисоблаганлар. Лекин алгорист сўзининг ўзаги нимани ифодалаши, бинобарин, алгоритм, алгорифм, алгоризм, сўзларининг луғавий маъноси XIX асргача номаълум эди. 1849 йили шарқшунос Ж.Рейно бу термин “Алхоразмий” сўзидан келиб чиққанини аниқлади. “Алгоритм” – “Алхоразмий” сўзининг лотинча транскрипцияси натижасида ҳосил бўлган экан. Алгоритм сўзи, даставвал, Хоразмийнинг лотинча *Algoritmi de numero indorum* (“Алгорзми хинд ҳисоби ҳақида”) деб номланган қўлёзмасининг биринчи бетидеги

сўзлар Dixit Aigorizmi, яъни “Алгорзми деди” ибораси билан бошланган. Муҳаммад Мусо ал-Хоразмийнинг нисбаси Хоразмий, ал-Хоразмий, лотин траскрипциясида турлича шаклларда ёзилиб ва айтилиб келди. Чунончи, Algorihtmus, Algoismus, Alchocharithmus, Alhorisus, Alkauresmus. Бу сўзлардан алгористчилар, алгоритм, алгорфм ёки алгоритм терминлари келиб чиқди. Бундан ташқари, Муҳаммад Хоразмий адабиётларда ал-Хуваризмий, Ховаризми, Бен – Муза деб ҳам юртилади.

Алгоритм – берилган маълумотлардан изланаётган натижага ўтиш жараёнини кўрсатиб берувчи аниқ қоида (кўрсатма). Қоида – алгоритм бўлиши учун ушбу хоссаларга эга бўлиши зарур: аниқлик, яъни ихтиёрийликка ўрин қолдирмайдиган, ҳаммага тушунарли ва тайинлик хоссаси; оммавийлик, яъни берилган маълумотлар маълум чегараларда ўзгариш имкониятига эга бўлиши; самарадорлик, яъни изланаётган натижага эришишга йўналганлик.

Алгоритм тушунчаси билан боғлиқ бўлган масалалар йирик “алгоритмлар назарияси”га айланди. Бугунги кунда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари жамиятнинг давлат бошқаруви, таълим, тиббиёт каби барча соҳаларига жорий этилмоқда.

**Алжабрдан–“алгебра”.** Тенгламаларни ечимни топишда бажарилган алжабр қоидаларнинг номи рисола сарлавҳасида бўлиб, тез орада алжабр сўзи янги фаннинг номига айланиб қолади. Умар Хайём (1048–1131) рисолаларида “алжабр усули”, “алжабр масалалари” ҳамда “алжабри-йун”, яъни алгебраистлар ҳақида сўз юритади, сабаби бу даврга келиб, Шарқда ўша замон алгебраси шаклланиб бўлган эди.

Профессор О.Файзуллаев “Муҳаммад Хоразмий” рисоласида “алжабр” сўзи Европага ғарбий араблар орқали ўтган. Ғарбий араблар эса “ж”ни “г” деб талаффуз қилдилар. Шу йўсинда “алжабр” сўзини ғарбий араблар “алгабр” деб, Европада эса алгебра деб юритиладиган бўлди, деб изоҳлайди. Хоразмий рисоласининг XII асрда бажарилган лотинча таржималарида “алжабр” сўзи “algebra” шаклида ёзилиб, Европада ҳам янги фаннинг номи XIV асрдан бошлаб “алгебра” атама-сида қўлланила бошланади.

Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий: “**Ал-китоб ал-мухтасар фи ҳисоб ал-жабр вал-муқобала**” (“Алжабр алмуқобала ҳисоби ҳақида қисқача китоб”)идан: “...Мен кўрдимки, алжабр ва алмуқобала ҳисобида эҳтиёж тушадиган сонлар уч хил бўлар экан: илдишлар, квадратлар ва илдишга ҳам, квадратга ҳам муносабатда бўлмаган оддий сонлар. Илдиш – бу ўзига кўпайтириладиган ҳар қандай нарса, хоҳ бирдан катта ёки унга тенг сон, ёки хоҳ ундан кичик каср бўлади. Квадрат – бу илдишни ўзига кўпайтишдан ҳосил бўладиган нарсадир. Оддий сон – бу ҳар қандай сон бўлиб, илдиш ёки квадратга муносабатсиз, сўз билан аталади. Бу уч навнинг орасида шундайлари ҳам борки, улар бир-бирига тенгдир.

**Масалан: сен мана бундай дейсан: квадратлар илдишларга тенг, квадратлар сонга тенг ёки илдишлар сонга тенг.**

**Квадратлар илдишга тенг;** ҳозирги белгилашда  $cx^2 = bx$ ;

**Квадратлар сонга тенг;** ҳозирги белгилашда  $cx^2 = a$ ;

**Сонга тенг илдишлар;** ҳозирги белгилашда  $bx = a$ ; **Квадратлар ва илдишлар сонларга тенг;** ҳозирги белгилашларда:  $cx^2 + bx = a$ ;

**Квадратлар ва сон илдишларга тенг;** ҳозирги белгилашларда:  $cx^2 + a = bx$ ; **Илдишлар ва сон квадратларга тенг;** ҳозирги белгилашларда:  $bx + a = cx^2$ ; бу ерда  $a, b, c$  – мусбат сонлар.

Хоразмий юқорида келтирилган ҳар бир тенгламаларнинг ечимлари қоидалари (алгоритмлари)ни мисолларда сўзлар ва геометрик усулда баён қилган.

*“Квадратлар ва илдишларнинг сонга тенг эканлигига келсак, агар, масалан, сен айтсангки: квадрат ва ўнта илдиш ўттиз тўққиз дирҳамга тенг, /десанг/, у ҳолда бу, агар бирор квадратга ўнта илдишга тенг нарсани қўшилса, ўттиз тўққиз ҳосил бўлишини англалади.*

**Қоида бундай:** илдишлар/сонини/иккила, бу масалада беш ҳосил бўлади, буни ўзига тенгига кўпайтир, йигирма беш бўлади. Буни ўттиз тўққизга қўш, олтмиш тўрт бўлади. Бундан илдиш чиқар, саккиз бўлади, ундан илдишлар/сонининг/ярмини, яъни бешни айир, уч қолади: мана шу сен қидирган квадрат илдизи бўлади, квадрат эса тўққиз.

*Квадратлар ва сонларнинг илдишларга тенглигига келсак, агар сен, масалан, квадрат ва йигирма бир дирҳам сон унинг ўнта илдишга тенг десанг, бу ушбуни англади: агар квадратга йигирма бир дирҳам қўшилса, шу квадратнинг ўнта илдишга тенг ҳосил бўлади.*

*Бунинг қоидаси бундай:* илдизлар/сонини/иккила, беш ҳосил бўлади. Буни ўзига тенгига кўпайтир, йигирма беш бўлади. Ундан айтилгандек, квадрат билан бирга бўлган йигирма бирни айир, тўрт қолади. Бундан илдиз чиқар, икки бўлади. Уни илдизлар/сонининг/ярмидан, яъни бешдан айир, уч қолади. Мана шу сен қидирган квадрат илдизи бўлади. Унинг квадрати тўққиз. Агар хоҳласанг, шу илдизни илдизлар/сонининг/ярмига кўш, етти бўлади; бу/ҳам/сен қидирган квадрат илдизидир, унинг квадрати қирқ тўққиз.

Ҳозирги белгилашларда:  $x^2 + 21 = 10x$ .

Ечими:  $x = \frac{10}{2} \pm \sqrt{\left(\frac{10}{2}\right)^2 - 21} = 5 \pm \sqrt{4} = 5 \pm 2$ ;  $x_1 = 3$ ,  $x_2 = 7$ .

$x_1^2 = 9$ ;  $x_2^2 = 49$ .

Ал-Хоразмий бу масалани ечимига кўшимча қуйидагиларни баён қилади: “Агар сен сени шу бобга олиб келадиган масалага дуч келсанг, унинг тўғри ечимини кўшиш ёрдамида топишга уриниб кўр, агар бу натижа бермаса, айириш зарур. Бу бобда кўшиш ҳам, айириш ҳам қўлланилади; у учта бобнинг қолганларида бу йўқ бўлиб, уларда илдизлар/сони/иккиланади. Билгинки, агар бу бобда илдизлар/сонини/иккилаб, уни ўзига тенгига кўпайтирганда кўпайтма дирҳамлар сонининг квадрат билан кўшилганидан кичик бўлса, масалани ечишнинг иложи йўқ.

(ҳозирги қоидалар бўйича  $x^2 + a = bx$  тенглама  $\left(\frac{b}{2}\right)^2 < a$  да иккита мавҳум илдизга эга бўлади.) Агар у дирҳамлар/сонига/айнан тенг бўлса, квадратнинг илдизи илдизлар /сонинг/ярмига кўшиш ва айиришсиз тенг ( $x^2 + a = bx$  тенглама  $\left(\frac{b}{2}\right)^2 = a$  да  $x = \frac{b}{2}$  илдизга эга бўлади). Ҳар қачон сенга иккита квадрат ёки кўп, ёки кам дуч келганида, уларни, мен сенга биринчи бобда баён қилганимга ўхшаш, битта квадратга келтир.

Квадрат тенгламаларни классификациялаб ечимларининг қоидалари (алгоритмлари), геометрик исботларини Умар Хайём, Ал-Кархий, Абу Комил, Собит ибн Қурра, Насриддин Тусий, Абу Жаъфар ал-Хозин, Баҳоуддин ал-Омилий, Улуғбек академиясининг олимлари Қозизода Румий, Жамшид Коший, Али Қушчи ва бошқа кўплаб шарқ олимлари алгебраик тенгламаларнинг ечимларини топишда Хоразмий усули “**ал-жабр вал-муқобала**” амалини ривожлантириб ёзган асарларида баён қилишган.

Хоразмийдан кейин яшаган шарқнинг машҳур математиги Абу Комил Фужоъ ибн Аслам буюк касбдоши ҳақида бундай деган эди: “Мен ҳисоб олимларининг китобларини кўп ўқидим. Бу китоб орасида Муҳаммад Мусо Хоразмийнинг “Ал-жабр ва ал-муқобала” китобини энг соғлом қоидали ва энг тўғри қиёсли деб топдим. Шундай бўлгач, Хоразмий китобини олдинга кўйиш, унинг билим ва фазилатига иқрор бўлишимиз лозим. Чунки Хоразмий бу китобни биринчи бўлиб ёзган кишидир. У ихтиро қилган қоидалар орқали “Ал-жабр ва ал-муқобала”нинг бекик қолган жойларини ўргандик, ақлдан узоқларини ақлга мувофиқлаштирдик, қийинларини осонлаштирдик...”.

Хоразмий ўз алгебрасида қандай манбаларга асосланганлиги маълум эмас. У арифметикасини ҳинд олимларининг ишларига асосланганлигини эътироф этган, лекин алгебрасининг янгилиги, қатор хусусиятлари билан ажралиб туради. Ал-Хоразмий келтирган қоидалар (алгоритмлар) бўйича квадрат тенгламаларни ечимини излаш деярли XVI асргача қўлланиб келди.

Европада квадрат тенгламаларни Ал-Хоразмий усулида ечимларини топиш италиялик математик Леонардо Фибоначчининг 1202 йилда ёзилган “Абак китоби”да баён қилинган. Бу асарда қадимги Юностон, Ҳиндистон, Шарқ олимларининг математика соҳасидаги, жумладан квадрат тенгламаларнинг ечимларини шарҳлари аниқ, раво баён қилинган. Леонардо Фибоначчи мустақил равишда янги алгебраик мисол ва масалалар ечимларини топиш методларини яратиш билан бир қаторда, биринчи бўлиб Европада манфий сонлар тушунчасини киритган.

$x^2 + bx = c$  кўринишдаги квадрат тенгламани  $b$ ,  $c$  коэффициентларнинг турли комбинацияларида умумий ечимларини топиш қоидалари Европада 1544 йил М.Штифель томонидан киритилган.

Квадрат тенгламаларнинг ечимларини топишнинг умумий формуласи Франсуа Виетнинг 1591 йилдаги асарларида теорема сифатида исбот қилинган бўлиб, Виет ҳам фақат тенгламаларнинг мусбат илдизларини топиш билан чегараланган. Бунинг сабабларидан бири тенгламаларнинг бизга одат бўлиб қолган ҳарфий ёзилиши  $ax^2 + bx + c = 0$  XVI асрда узил-кесил шаклланганидир. Ҳарфий ёзилиши ва илдизларнинг ҳисоблашларни асосчилари Рене Декарт (1596–1662) ва

Франсуа Виетни (1540–1603) ҳисобланишади. Виетнинг квадрат тенгламаларни ҳарфий белгилашда  $x^2 + px + q = 0$  кўриниши ҳосил бўлади ва  $x_1$  ҳамда  $x_2$  унинг илдизлари деб белгиланади.

Бу ҳолда  $(x - x_1)(x - x_2) = x^2 + px + q$  бундан:

$$x^2 - (x_1 + x_2)x + x_1 \cdot x_2 = x^2 + px + q; \quad x_1 \cdot x_2 = q; \quad (x_1 + x_2) = -p.$$

Бу келтирилган квадрат тенгламалар учун Виет теоремаси дейилади.

XVI асрнинг ўрталарида италиялик математиклар Тарталья, Кардано, Бомбелли тенгламаларнинг мусбат ва манфий илдизларини эътироф этганлар.

XVII асрда Жирар, Декарт, Ньютон ва бошқа олимларнинг асарларида квадрат тенгламаларнинг ҳарфий ифодаланиши  $ax^2 + bx + c = 0$ ; бунда  $a, b$  ва  $c$  ҳақиқий сонлар ва илдизларини топиш усуллари ва формуллари

$$x = \frac{-b \pm \sqrt{b^2 - 4ac}}{2a}, \quad b^2 - 4ac > 0 \text{ бўлса, иккита ҳақиқий илдизи мавжуд, } b^2 - 4ac < 0 \text{ бўл-$$

ганда ҳақиқий илдизлари мавжуд эмас ҳисоблаганлар.

1572 йилда италиян алгебрачиси Р.Бомбеллининг бундай сонлар устида арифметик амалларнинг дастлабки қоидалари берилган китоби чиқди. “Мавҳум сонлар” номини 1637 йилда Р. Декарт киритди, 1777 йилда эса XVIII асрнинг буюк математикларидан бири Л.Эйлер 1 сонни белгилаш учун француз “imaginaire” (“мавҳум”) сўзининг биринчи  $i$  ҳарфидан фойдаланишни таклиф этди.  $i$  симболи К.Гаусс асарлари орқали кенг тарқалди.

Квадрат тенгламанинг илдизларини топиш босқичлари: қадимги бобиллик, юнон, хитойлик, ҳинд, шарқ ва XVI асргача европа математиклари мусбат илдизлари, кейинроқ нол ва манфий, яъни ҳақиқий сонлардаги илдизларни топиш йўллари изладилар топдилар, XIX асрда мавҳум илдизларини топиш қоидаларини исботлаб бердилар.

Машҳур инглиз математик тарихшуноси Г.Сартон ўзининг уч томлик фан тарихида жаҳон илми ривожланишини тадқиқ қилиб, Хоразмий “Ўз замонасининг энг буюк математики ва агар ҳамма жиҳатлар эътиборга олинса, барча замонларнинг энг улуғ математикларидан биридир” деб ўзининг ҳурматини изҳор этган. Италиялик С.А.Наллинонинг таъкидлашича, “Европадаги бирон халқ ўз илмий ижодининг бўсағасида бундай асарлар яратишга қобил эмас эди,” деб Хоразмий асарларига юксак баҳо берган.

Америкалик математик С.Гандц Хоразмийнинг “Алжабр”и ҳақида гапириб, “бу асар алгебра фанининг фундаменти”, деган. Математик Поль Таннери: “Хоразмий номи Европада абадийлашиб қолди”, деб таъкидлаб ўтган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Алгебраик тенгламалар, шу жумладан, квадрат тенгламаларнинг ечимларини топиш қоидалари асрлар давомида бир неча марта “қайта кашф этилган” бўлса-да, Ал-Хоразмийнинг квадрат тенгламаларни системали классификациялаб, ечимлари алгоритмларини шакллантирилгани, геометрик исботларини баёни асрлар давомида муҳим илмий аҳамиятга эга бўлиб келди.

Тошкент, Хива ва Урганч шаҳарларида ўрнатилган ҳайкаллардаги Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий сиймоси Ватанимиз ва жаҳон халқлари қалбида абадий яшайди ва номини ҳурмат билан тилга оладилар.

Муҳаммад Мусо ал-Хоразмийнинг асарлари ва номи илмий давраларда фаол қўлланиб келаётган “алгоритм” ва “алгебра” каби замонавий илмий атамаларда абадийлаштирилгани сабабли ўқувчими, талабам, олимми, “алгебра” деса, компьютерда ишловчи ҳар бир мутахассис “алгоритм” деяр экан, унинг буюк сиймоси кўз олдига келади, дейилса, муболаға бўлмайди.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон ёшлари форумидаги нутқи. *Lex.uz.*
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тошкент Ахборот технологиялари университетининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. *Lex.uz.*
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 майдаги “Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. *Lex.uz.*
4. 2021 йил 3 мартда Туркия пойтахти Анқара шаҳрида алгебра фанининг асосчиси Муҳаммад ал-Хоразмий ҳайкалнинг ўрнатилиш маросими. *Lex.uz.*
5. Булгаков П.Г., Розенфельд Б.А., Аҳмедов А.А. Муҳаммад ал-Хорезми. М., 1983.

6. Сиражиддинов С.Х., Матвиевская Г.П. Ал-Хорезми – выдающийся математик и астроном средневековья. М., 1983.

7. Мухаммад ибн Мусо ал-Хоразмий. Танланган асарлар. Т., 1983.

8. Файзуллаев О. Мухаммад Хоразмий. Т., 1965.

9. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 9-том, Т., 2005.

**Alisher Yaxshimuratov (Muhammad al-Xorazmiy nomidagi TATU Urganch filiali),  
Ollabergan Matyoqubov, Islom Xusainov (UrDU)  
AJRALMAGAN CHEGARAVIY SHARTLI SHTURM-LIUUVILL MASALASINING  
REGULARLASHTIRILGAN IZINI HISOBLASH**

***Annotatsiya.** Bu ishda simmetrik potentsialli ajralmagan chegaraviy shartli o‘z-o‘ziga qo‘shma bitta Shturm-Liuivill chegaraviy masalasining regularlashtirilgan izi B.M.Levitan usulida keltirib chiqarilgan.*

***Аннотация.** В этой работе методом Б.М.Левитана вычислен регуляризованный след для одной самосопряженной граничной задачи Штурма-Лиувилля с симметричным потенциалом и не распадающимися граничными условиями.*

***Annotation.** In this article, the regularized trace for the one self-adjoint boundary problem of Sturm -Liouville with symmetrical potential and nonseparated boundary conditions is calculated by the method of B.M.Levitan.*

***Kalit so‘zlar:** Shturm-Liuivill masalasi, xos qiymat, xos funksiya, regularlashtirilgan izlar formula-si, simmetrik potentsial, ajralmagan chegaraviy shartlar.*

***Ключевые слова:** задача Штурма-Лиувилля, собственное значение, собственная функция, формула регуляризованных следов, симметричный потенциал, не разделенные граничные условия.*

***Key words:** Sturm-Liouville problem, eigenvalue, eigenfunction, formula of regularized traces, symmetric potential, nonseparated boundary conditions.*

Ilk bor 1953-yilda I.M.Gelfand va B.M.Levitan [1] tomonidan ajralgan chegaraviy shartli Shturm-Liuivill masalasi uchun regularlashtirilgan izlar formulasi keltirib chiqarilgan. Shundan so‘ng, L.A.Dikiy [2,3] ajralgan chegaraviy shartli Shturm-Liuivill operatorining barcha darajalari uchun regularlashtirilgan izlar formulasini keltirib chiqarishga muvaffaq bo‘lgan. Bu sohada keyingi muhim qadam V.B.Lidskiy va V.A.Sadovnichiy [4] tomonidan amalga oshirilgan. Hozirgi kunda ajralgan chegaraviy shartli Shturm-Liuivill masalasi uchun regularlashtirilgan izlar formulasini keltirib chiqarishning bir qator usullari mavjud [5–8]. Biz bu maqolada ajralmagan chegaraviy shartli simmetrik potentsialli o‘z-o‘ziga qo‘shma bitta Shturm-Liuivill chegaraviy masalasining regularlashtirilgan izini B.M.Levitan usulida hisoblaymiz. Shuni ham aytib o‘tish joizki, bu masala uchun teskari spektral masala [9] ishda yaxshi o‘rganilgan.

Quyidagi Shturm-Liuivill chegaraviy masalasini ko‘rib chiqamiz

$$-y'' + q(x)y = \lambda y, \quad 0 \leq x \leq \pi \quad (1)$$

$$\begin{cases} y'(0) + h[y(\pi) - y(0)] = 0 \\ y'(\pi) + h[y(\pi) - y(0)] = 0. \end{cases} \quad (2)$$

Bu yerda  $q(x) \in C^2[0, \pi]$  haqiqiy funksiya  $q(\pi - x) \equiv q(x)$  shartni qanoatlantiradi va  $h$  haqiqiy son.  $h = 0$  bo‘lganida (2) shartlar ajralgan chegaraviy shartlarga, ya‘ni  $y'(0) = 0, \quad y'(\pi) = 0$  shartlarga aylanadi. Bu hol [5] ishda yaxshi o‘rganilganligi sababli biz  $h \neq 0$

deb hisoblaymiz. Bu masalada  $q(\pi - x) \equiv q(x)$  shartga asosan,  $q(x)$  funksiyaning grafigi  $x = \frac{\pi}{2}$  o‘qqa nisbatan simmetrik bo‘ladi.

(1)+(2) masalaning xos qiymatlarini  $\lambda_n, \quad n = 0, 1, 2, \dots$  orqali belgilaymiz. Bu masalaning xos qiymatlari haqiqiy bo‘lishi, ayrim xos qiymatlar ikki karrali bo‘lishi ham mumkin ekanligi hamda xos qiymatlar uchun ushbu



$$\lambda_n = n^2 + c_n + \frac{\gamma_n}{n}, \quad \{\gamma_n\} \in l_2$$

asimptotik formula A.B.Hasanovning [10] monografiyasidagi kabi isbot qilinadi. Bu yerda

$$c_n = \frac{1}{\pi} \int_0^\pi q(t) dt + \frac{4h}{\pi} [1 - (-1)^n].$$

Bunga ko'ra, quyidagi sonli qator yaqinlashuvchi bo'ladi

$$\sum_{n=0}^{\infty} (\lambda_n - n^2 - c_n) < \infty.$$

Bu qatorning yig'indisiga (1)+(2) Shturm-Liuwill chegaraviy masalasining regularlashtirilgan izi deyiladi.

$c(x, \lambda)$  va  $s(x, \lambda)$  orqali (1) tenglamaning quyidagi

$$\begin{cases} c(0, \lambda) = 1 \\ c'(0, \lambda) = 0 \end{cases} \quad \text{va} \quad \begin{cases} s(0, \lambda) = 0 \\ s'(0, \lambda) = 1 \end{cases}$$

boshlang'ich shartlarni qanoatlantiruvchi yechimlarini belgilaymiz. Bu yechimlar chiziqli erkli bo'lganligi uchun (1) tenglamaning ixtiyoriy yechimi ular orqali chiziqli ifodalanadi  $y = c_1 c(x, \lambda) + c_2 s(x, \lambda)$ . Ushbu ifodani (2) chegaraviy shartga qo'ysak,  $c_1$  va  $c_2$  larga nisbatan quyidagi tenglamalar sistemasi hosil bo'ladi:

$$\begin{cases} c_1 h [c(\pi, \lambda) - 1] + c_2 [1 + h s(\pi, \lambda)] = 0 \\ c_1 [c'(\pi, \lambda) + h c(\pi, \lambda) - h] + c_2 [s'(\pi, \lambda) + h s(\pi, \lambda)] = 0. \end{cases}$$

Bu sistema nolmas yechimga ega bo'lishi uchun uning asosiy determinanti nol bo'lishi zarur va yetarli

$$\begin{vmatrix} hc(\pi, \lambda) - h & 1 + hs(\pi, \lambda) \\ c'(\pi, \lambda) + hc(\pi, \lambda) - h & s'(\pi, \lambda) + hs(\pi, \lambda) \end{vmatrix} = 0,$$

ya'ni

$$\Delta(\lambda) \equiv c'(\pi, \lambda) + h[c(\pi, \lambda) + s'(\pi, \lambda) - 2] = 0. \quad (3)$$

Bu yerdagi  $\Delta(\lambda)$  funksiyaga (1)+(2) masalaning xarakteristik funksiyasi, (3) tenglamaga esa xarakteristik tenglamasi deyiladi. Uning ildizlari xos qiymatlar bilan ustma-ust tushadi. Xos qiymatlar haqiqiy bo'lgani uchun (3) tenglamaning ildizlari ham haqiqiy bo'ladi.

Quyidagi lemmani isbotlash qiyin emas.

**1-lemma.** Agar  $q(x) \in C[0, \pi]$  funksiya uchun  $q(\pi - x) \equiv q(x)$  ayniyat bajarilsa, u holda ushbu

$$\begin{aligned} c(\pi - x, \lambda) &= c(\pi, \lambda)c(x, \lambda) - c'(\pi, \lambda)s(x, \lambda), \\ s(\pi - x, \lambda) &= s(\pi, \lambda)c(x, \lambda) - s'(\pi, \lambda)c(x, \lambda) \end{aligned}$$

tengliklar o'rinli bo'ladi.

Bu tengliklardan foydalanib, [9] ishda quyidagi lemma isbotlangan.

**2-lemma.**  $q(x) \in C[0, \pi]$  funksiya uchun  $q(\pi - x) \equiv q(x)$  ayniyat bajarilishi uchun  $\lambda$  ning ixtiyoriy qiymatida ushbu  $c(\pi, \lambda) = s'(\pi, \lambda)$  tenglik o'rinli bo'lishi zarur va yetarli.

**Natija.** Ushbu  $s'(\pi, \lambda) = c(\pi, \lambda)$  tenglikdan foydalansak,  $\Delta(\lambda)$  xarakteristik funksiya quyidagi ko'rinishni oladi  $\Delta(\lambda) \equiv c'(\pi, \lambda) + 2hc(\pi, \lambda) - 2h$ .

**Teorema.** (1)+(2) Shturm-Liuwill masalasining regularlashtirilgan izi uchun quyidagi formula o'rinli

$$\sum_{n=0}^{\infty} (\lambda_n - n^2 - c_n) = \frac{1}{4} [q(0) + q(\pi)] - \frac{c_0}{2} - 2h^2. \quad (4)$$

Isbot. **Ushbu**

$$\Delta(\lambda) = \pi(\lambda_0 - \lambda) \prod_{n=1}^{\infty} \frac{\lambda_n - \lambda}{n^2}$$

yoyilmani [10] ishdagi kabi keltirib chiqarish mumkin. Biz  $\lambda \rightarrow -\infty$  bo'lganda, bu tenglik ikkala tomonining asimptotikasini o'rganamiz va ularni taqqoslaymiz.

Qulaylik uchun  $\lambda = -\mu$  belgilashni kiritib olamiz. Bu holda

$$\Delta(-\mu) = \pi(\lambda_0 + \mu) \prod_{n=1}^{\infty} \frac{\lambda_n + \mu}{n^2}.$$

Ushbu

$$\frac{sh\pi\sqrt{\mu}}{\pi\sqrt{\mu}} = \prod_{n=1}^{\infty} \frac{n^2 + \mu}{n^2}$$

formula yordamida quyidagi

$$\begin{aligned} \Delta(-\mu) &= \frac{\pi(\lambda_0 + \mu) \prod_{n=1}^{\infty} \frac{\lambda_n + \mu}{n^2}}{\prod_{n=1}^{\infty} \frac{n^2 + \mu}{n^2}} \cdot \frac{sh\pi\sqrt{\mu}}{\pi\sqrt{\mu}} = \\ &= \left( \frac{\lambda_0}{\sqrt{\mu}} + \sqrt{\mu} \right) \cdot sh\pi\sqrt{\mu} \cdot \prod_{n=1}^{\infty} \frac{\lambda_n + \mu}{n^2 + \mu} = \\ &= \left( \frac{\lambda_0}{\sqrt{\mu}} + \sqrt{\mu} \right) \cdot sh\pi\sqrt{\mu} \cdot \prod_{n=1}^{\infty} \left( 1 - \frac{n^2 - \lambda_n}{n^2 + \mu} \right) \end{aligned} \quad (5)$$

tenglikni hosil qilamiz va

$$\psi(\mu) = \prod_{n=1}^{\infty} \left( 1 - \frac{n^2 - \lambda_n}{n^2 + \mu} \right)$$

funksiyaning  $\mu \rightarrow +\infty$  dagi asimptotikasini o'rganamiz. Buning uchun ushbu

$$\ln \psi(\mu) = \sum_{n=1}^{\infty} \ln \left( 1 - \frac{n^2 - \lambda_n}{\mu + n^2} \right) = - \sum_{n=1}^{\infty} \sum_{k=1}^{\infty} \frac{1}{k} \left( \frac{n^2 - \lambda_n}{\mu + n^2} \right)^k = - \sum_{k=1}^{\infty} \frac{1}{k} \sum_{n=1}^{\infty} \left( \frac{n^2 - \lambda_n}{\mu + n^2} \right)^k \quad (6)$$

tenglik va quyidagi lemmadan foydalanamiz.

**3-lemma.** Agar  $|n^2 - \lambda_n| \leq a$  bo'lsa, u holda ushbu

$$\sum_{n=1}^{\infty} \frac{|n^2 - \lambda_n|^k}{(\mu + n^2)^k} \leq \frac{\pi}{2} \cdot \frac{a^k}{\mu^{k-\frac{1}{2}}}, \quad k = 1, 2, 3, \dots \quad (7)$$

baholashlar o'rinli bo'ladi.

**Isbot.** Quyidagicha baholashlarni bajaramiz:

$$\sum_{n=1}^{\infty} \frac{|n^2 - \lambda_n|^k}{(\mu + n^2)^k} \leq a^k \sum_{n=1}^{\infty} \frac{1}{(\mu + n^2)^k} \leq a^k \int_0^{\infty} \frac{dx}{(\mu + x^2)^k} =$$

$$= \frac{a^k}{\mu^{k-\frac{1}{2}}} \int_0^\infty \frac{dt}{(1+t^2)^k} \leq \frac{a^k}{\mu^{k-\frac{1}{2}}} \int_0^\infty \frac{dt}{1+t^2} = \frac{\pi}{2} \cdot \frac{a^k}{\mu^{k-\frac{1}{2}}}. \text{ Lemma isbotlandi.}$$

(7) baholashga asosan

$$\sum_{k=2}^\infty \frac{1}{k} \sum_{n=1}^\infty \frac{|n^2 - \lambda_n|^k}{(\mu + n^2)^k} \leq \frac{\pi}{2} \cdot \sum_{k=2}^\infty \frac{a^k}{\mu^{k-\frac{1}{2}}} = \frac{\pi}{2} \cdot \frac{a^2}{\mu^{\frac{3}{2}}} \cdot \sum_{k=0}^\infty \left(\frac{a}{\mu}\right)^k = O\left(\mu^{-\frac{3}{2}}\right) \quad (8)$$

bo'ladi. Ushbu

$$\begin{aligned} -\sum_{n=1}^\infty \frac{n^2 - \lambda_n}{\mu + n^2} &= \sum_{n=1}^\infty \frac{\lambda_n - n^2}{\mu + n^2} = \sum_{n=1}^\infty (\lambda_n - n^2 - c_n) \cdot \frac{1}{\mu + n^2} + \sum_{n=1}^\infty \frac{c_n}{\mu + n^2} = \\ &= \sum_{n=1}^\infty \frac{c_n}{\mu + n^2} + \frac{1}{\mu} \sum_{n=1}^\infty (\lambda_n - n^2 - c_n) - \frac{1}{\mu} \sum_{n=1}^\infty (\lambda_n - n^2 - c_n) n^2 \cdot \frac{1}{\mu + n^2} \end{aligned} \quad (9)$$

ayniyat bajarilishi ravshan.

Quyidagi

$$\sum_{n=1}^\infty \frac{1}{\mu + n^2} = \frac{\pi \operatorname{cth} \pi \sqrt{\mu}}{2\sqrt{\mu}} - \frac{1}{2\mu} = \frac{\pi}{2\sqrt{\mu}} - \frac{1}{2\mu} + O(e^{-2\pi\sqrt{\mu}}) \quad (10)$$

tenglik o'rinli bo'lishi ma'lum ([10], 193-bet). Bunga ko'ra,

$$\begin{aligned} \sum_{n=1}^\infty \frac{c_n}{\mu + n^2} &= \sum_{n=1}^\infty \frac{1}{\mu + n^2} \left\{ \frac{1}{\pi} \int_0^\pi q(t) dt + \frac{4h}{\pi} [1 - (-1)^n] \right\} = \\ &= \left\{ \frac{1}{\pi} \int_0^\pi q(t) dt + \frac{8h}{\pi} \right\} \sum_{n=1}^\infty \frac{1}{\mu + n^2} - \frac{4h}{\pi} \sum_{n=1}^\infty \frac{1 + (-1)^n}{\mu + n^2} = \\ &= \left\{ \frac{1}{\pi} \int_0^\pi q(t) dt + \frac{8h}{\pi} \right\} \sum_{n=1}^\infty \frac{1}{\mu + n^2} - \frac{2h}{\pi} \sum_{n=1}^\infty \frac{1}{\frac{\mu}{4} + n^2} = \\ &= \left\{ \frac{1}{\pi} \int_0^\pi q(t) dt + \frac{8h}{\pi} \right\} \left\{ \frac{\pi}{2\sqrt{\mu}} - \frac{1}{2\mu} + O(e^{-2\pi\sqrt{\mu}}) \right\} - \frac{2h}{\pi} \left\{ \frac{\pi}{\sqrt{\mu}} - \frac{2}{\mu} + O(e^{-\pi\sqrt{\mu}}) \right\} = \\ &= \left\{ \frac{1}{2} \int_0^\pi q(t) dt + 2h \right\} \frac{1}{\sqrt{\mu}} - \left\{ \frac{1}{2\pi} \int_0^\pi q(t) dt \right\} \frac{1}{\mu} + O(e^{-\pi\sqrt{\mu}}). \end{aligned} \quad (11)$$

Ushbu  $\sup_n |(\lambda_n - n^2 - c_n)n^2| < \infty$  munosabat bajarilishi xos qiymatlarning asimptotik formuladan kelib chiqadi. Bunga muvofiq, (10) tenglikdan

$$\frac{1}{\mu} \sum_{n=1}^\infty (\lambda_n - n^2 - c_n) n^2 \cdot \frac{1}{\mu + n^2} = O\left(\mu^{-\frac{3}{2}}\right) \quad (12)$$

kelib chiqadi.

(8), (9), (11), (12) ifodalarni (6) tenglikka qo'yib, quyidagi asimptotikani hosil qilamiz:

$$\ln \psi(\mu) = \frac{1}{\sqrt{\mu}} \left( \frac{\pi}{2} c_0 + 2h \right) + \frac{1}{\mu} \left( S_\lambda - \lambda_0 + \frac{c_0}{2} \right) + O\left(\mu^{-\frac{3}{2}}\right). \quad (13)$$

Bu yerda

$$S_\lambda = \sum_{n=0}^{\infty} (\lambda_n - n^2 - c_n)$$

belgilash kiritildi. (13) tenglikdan esa

$$\begin{aligned} \psi(\mu) &= \exp \left\{ \frac{1}{\sqrt{\mu}} \left( \frac{\pi}{2} c_0 + 2h \right) + \frac{1}{\mu} \left( S_\lambda - \lambda_0 + \frac{c_0}{2} \right) + O \left( \mu^{-\frac{3}{2}} \right) \right\} = \\ &= 1 + \frac{1}{\sqrt{\mu}} \left( \frac{\pi}{2} c_0 + 2h \right) + \frac{1}{\mu} \left( S_\lambda - \lambda_0 + \frac{c_0}{2} + \frac{c_0^2 \pi^2}{8} + 2h^2 + \pi h c_0 \right) + O \left( \mu^{-\frac{3}{2}} \right) \end{aligned}$$

kelib chiqadi. Bunga ko'ra, (5) funksiya uchun quyidagi asimptotik formula o'rinli bo'ladi:

$$\begin{aligned} \Delta(-\mu) &= \left( \sqrt{\mu} + \frac{\lambda_0}{\sqrt{\mu}} \right) \cdot sh\pi\sqrt{\mu} \cdot \left\{ 1 + \frac{1}{\sqrt{\mu}} \left( \frac{\pi}{2} c_0 + 2h \right) + \right. \\ &\quad \left. + \frac{1}{\mu} \left( S_\lambda - \lambda_0 + \frac{c_0}{2} + \frac{c_0^2 \pi^2}{8} + 2h^2 + \pi h c_0 \right) + O \left( \mu^{-\frac{3}{2}} \right) \right\} = \\ &= \frac{1}{2} \cdot e^{\pi\sqrt{\mu}} \cdot \left\{ \sqrt{\mu} + \frac{\pi}{2} c_0 + 2h + \frac{1}{\sqrt{\mu}} \left( S_\lambda + \frac{c_0}{2} + \frac{c_0^2 \pi^2}{8} + 2h^2 + \pi h c_0 \right) + O \left( \mu^{-1} \right) \right\}. \end{aligned} \quad (14)$$

Endi  $\Delta(-\mu) = c'(\pi, -\mu) + 2hc(\pi, -\mu) - 2h$  funksiyaning  $\mu \rightarrow +\infty$  dagi asimptotikasini yechimlarning asimptotikalaridan foydalanib o'rganamiz. Yechim va uning hosilasi uchun asimptotik formulalarga [10] ko'ra,

$$c(\pi, -\mu) = \frac{1}{2} e^{\pi\sqrt{\mu}} \left\{ 1 + \frac{1}{2\sqrt{\mu}} \pi c_0 + O \left( \frac{1}{\mu} \right) \right\}, \quad (15)$$

$$c'(\pi, -\mu) = \frac{1}{2} e^{\pi\sqrt{\mu}} \left\{ \sqrt{\mu} + \frac{\pi c_0}{2} + \frac{1}{\sqrt{\mu}} \left[ \frac{1}{4} q(0) + \frac{1}{4} q(\pi) + \frac{\pi^2 c_0^2}{8} \right] + O \left( \frac{1}{\mu} \right) \right\}. \quad (16)$$

(15) va (16) tengliklarga asosan, ushbu

$$\Delta(-\mu) = \frac{1}{2} e^{\pi\sqrt{\mu}} \left\{ \sqrt{\mu} + \frac{\pi c_0}{2} + 2h + \frac{1}{\sqrt{\mu}} \left[ \frac{1}{4} q(0) + \frac{1}{4} q(\pi) + \frac{\pi^2 c_0^2}{8} + \pi h c_0 \right] + O \left( \frac{1}{\mu} \right) \right\} \quad (17)$$

formula o'rinli bo'ladi.

(14) va (17) tengliklarni taqqoslasak, ushbu

$$S_\lambda + \frac{c_0}{2} + 2h^2 = \frac{1}{4} q(0) + \frac{1}{4} q(\pi),$$

ya'ni (4) formula kelib chiqadi. Teorema isbotlandi.

#### Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Гельфанд И.М., Левитан Б.М. Об одном простом тождестве для собственных значений дифференциального оператора второго порядка. ДАН СССР, 1953, т. 88, № 4, с. 953 – 956.
2. Дикий Л.А. Дзета-функция обыкновенного дифференциального уравнения на конечном отрезке. Изв. АН СССР, сер. Матем., 1955, т. 19, № 4, с. 187 – 200.
3. Дикий Л.А. Формулы следов для дифференциальных операторов Штурма-Лиувилля. УМН, 1958, т. 13, № 3, с. 111 – 143.

4. Лидский В.Б., Садовничий В.А. Регуляризованные суммы корней одного класса целых функций. Функц. анализ и его прил., 1967, т. 1, № 2, с. 52 – 59.
5. Левитан Б.М. Вычисление регуляризованного следа для оператора Штурма-Лиувилля. УМН. 1964. т. 19, вып. 1(115), с. 161 – 165.
6. Гусейнов Г.Ш., Левитан Б.М. О формулах следов для оператора Штурма-Лиувилля. Вестн. МГУ. Сер. математика, механика, 1978, № 1, с. 40 – 49.
7. Lax P.D. Trace formulas for the Schrodinger operator. Comm. Pure and Appl. Math. 1994, v. 47, № 4, p. 503 – 512.
8. Садовничий В.А., Подольский В.Е. Следы операторов. УМН, 2006, т. 61. вып. 5(371), с. 89 –156.
9. Гусейнов И.М., Набиев И.М. Определение дифференциального оператора по спектру. Матем. заметки, 1994, т. 56, вып. 4, с. 59–66.
10. Hasanov A.B. Shturm-Liuvill chegaraviy masalasi nazariyasiga kirish. I qism, Toshkent, “Fan”, 2011, 500-bet.

**Djumayozov Umidjon Zafarjonovich (Samarkand branch of Tashkent University of Information Technologies; email: [djumayozov@bk.ru](mailto:djumayozov@bk.ru))**

### NUMERICAL SOLUTION OF ONE-DIMENSIONAL BOUNDARY VALUE PROBLEMS OF ELASTICITY THEORY IN FINITE DEFORMATIONS

***Аннотация.** Мақолада ҳар хил чегара шароитида аниқ ва кичик деформацияларда эластиклик назариясининг бир ўлчовли чегара масалалари тузилган. Грид тенгламалари аниқ фарқлар усули билан тузилган. Чизиқли бўлмаган грид тенгламаларини ечиши учун чизиқли бўлмаган атама-ларни ҳисобга олган ҳолда изланаётган қийматларга нисбатан аниқ фарқ тенгламалари ва чегара шартлари ечимига асосланган самарали такрорий усул таклиф этилади. Кўчиришларнинг маълум бир соҳада тақсимланиши ўрганилган ва рақамли натижалар бошқа усуллар билан олинган натижалар, шунингдек, кичик деформацияларда эластиклик назариясининг чегара масалалари ечим-лари билан таққосланган.*

***Аннотация.** В статье сформулирована одномерная краевая задача теории упругости в конечных деформациях и малых деформациях с граничными условиями. Сеточные уравнение составлены конечно-разностным методом. Для решения нелинейных сеточных уравнений предложен эффективный итерационный метод и для сравнения полученных результатов метод прогонки, основанный на разрешении конечно-разностных уравнений и граничных условий относительно искомым узловых величин с учетом нелинейных слагаемых. Исследованы распределение перемещений в заданной области и, численные результаты сравнены с результатами, полученными в край-вых задачах теории упругости при малых деформациях.*

***Annotation.** The article formulates one-dimensional boundary value problems of the theory of elasticity in finite and small deformations under various boundary conditions. The grid equations are compiled by the finite-difference method. To solve nonlinear grid equations, an effective iterative method is proposed based on the solution of finite difference equations and boundary conditions with respect to the sought nodal values, taking into account nonlinear terms. The distribution of displacements in a given area is investigated and the numerical results are compared with the results obtained by other methods, as well as solutions of boundary value problems of the theory of elasticity at small deformations.*

***Kalit so‘zlar:** oxirgi o‘zgarish, egiluchanlik, aralash tirmoq, kuchlanish, chetdagi vazifa, ayirma tenglama.*

***Ключевое слово:** конечная деформация, упругость, перемещение, напряжение, краевая за-дача, разностное уравнение.*

***Key words:** finite deformation, elasticity, displacement, stress, boundary value problem, difference equation.*

**1. Introduction.** Currently, engineers and researchers have to deal with the tasks of determining the stress-strain state (SSS) of elements of modern structures and mechanisms, which are under conditions of significantly large deformations. Usually, such problems do not seem to be solved analytically, and the use of modern computing technologies is required. The existing packages of applied programs, widely

used in many fields of science and technology, allowing to study the SSS of technically important objects, have been developed mainly on the basis of the finite element method.

The formulation of boundary value problems for deformable solids in finite deformations is based on the following fundamental works [6,7,10,13,15,17].

The numerical solution of problems of the theory of elasticity and plasticity in finite deformations is a problem in the mechanics of a deformable solid. In this area, the following works can be noted [18, 19, 20].

In this paper, to solve boundary value problems of the theory of elasticity in finite strains and small strains, we propose a finite-difference method in combination with the method of successive approximations.

The work consists of an introduction, two paragraphs, a conclusion and a list of used literature.

In the second section, the boundary value problem of the theory of elasticity in finite and small deformations is formulated. The problem of a rectangle with pinched sides is considered. Numerical results of the problem of the theory of elasticity in finite and small deformations are compared. The finite-difference equations resolved with respect to the nodal values of the desired quantities are solved in combination by the iterative method, as well as for comparison by the sweep method.

Comparison of the numerical results, which was solved by the iteration method and the sweep method, show the validity of the results obtained.

**2. Boundary value problems of elasticity theory in finite and small deformations.** This section is devoted to the formulation of boundary value problems in the theory of elasticity under finite and small deformations. The statement of the boundary value problem of elasticity theory in finite deformations is based on the Lagrange formulation. At the same time, based on the second Pioli-Kirchhoff stress tensor and the Green-Lagrange strain tensor, the Saint-Venant-Kirchhoff model is used, which looks similar to the linear law of the theory of elasticity at small deformations.

We consider the boundary value problem of the nonlinear theory of elasticity on the Lagrangian formulation, i.e.

$$x_i(X_i, t)_i = X_i + u_i(X, t), \quad (x = XI + u) \quad (1)$$

where  $X_i, x_i$  – are the coordinates of material and spatial before and after deformation, respectively. From relation (1), one can find that [6]

$$\frac{\partial x_i}{\partial x_j} = \delta_{ij} + \frac{\partial u_i}{\partial x_j} \quad (2)$$

or

$$F = I + \nabla_x u \quad (3)$$

The last expression is the relationship between the deformation gradient  $F$  and the displacement gradients  $\nabla_x u$ ,  $I$  – where is the unit tensor. Green's strain tensor of the first  $C$  and the second  $E$  has the form i.e.

$$C = F^T \cdot F, \quad C_{ij} = \frac{\partial x_k}{\partial x_i} \cdot \frac{\partial x_k}{\partial x_j} \quad (4)$$

$$E = \frac{1}{2}(C - I), \quad E_{ij} = \frac{1}{2}(C_{ij} - \delta_{ij}) \quad (5)$$

taking into account relation (2), of the Green's strain tensor  $E$  (5) takes the following form

$$E_{\alpha\beta} = \frac{1}{2}(u_{i,\beta}\delta_{i\alpha} + u_{i,\alpha}\delta_{i\beta} + u_{i,\alpha}u_{i,\beta}) \quad (6)$$

$$E_{\alpha\beta} = \frac{1}{2}\left(\frac{\partial u_\alpha}{\partial x_\beta} + \frac{\partial u_\beta}{\partial x_\alpha} + \frac{\partial u_i}{\partial x_\alpha} \frac{\partial u_i}{\partial x_\beta}\right) \quad (7)$$

The first  $P_{ij}$  and second  $S_{ij}$  Piola-Kirchhoff tensors are related as follows [2]

$$P_{ij} = (\delta_{ik} + \frac{\partial u_i}{\partial x_k}) S_{kj}, \quad P = F \cdot S \quad (8)$$

Then the relationship between the Kirchhoff  $S_{ij}$  stress tensor and Green's strain tensor  $E_{ij}$  takes a form similar to the usual linear relation in small strains, i.e.

$$S_{ij} = \lambda E_{kk} \delta_{ij} + 2\mu E_{ij} \quad (9)$$

Further, for the prostate together  $S_{ij}$  with and  $E_{ij}$ , we will use the designations adopted in the theory of elasticity  $\sigma_{ij}$  and  $\varepsilon_{ij}$ , respectively. Then the boundary value problem of the theory of elasticity in finite deformations has the form.

**2.1. Statement of the boundary value problem of the theory of elasticity in finite deformations.** Then the equilibrium equation [8]

$$\sum_{j=1}^3 P_{ij,j} + X_i = 0 \quad (10)$$

$P_{ij}$  is the first stress tensor of Pioli Kirchhoff

$$P_{ij} = \sum_{k=1}^3 (\delta_{ik} + u_{i,k}) \sigma_{kj} \quad (11)$$

Hooke's law

$$\sigma_{ij} = \lambda \theta \delta_{ij} \sum_{k=1}^3 \varepsilon_{kk} + 2\mu \varepsilon_{ij} \quad (12)$$

Cauchy-Green strain tensor in a classical continuous medium [18]

$$\varepsilon_{ij} = \frac{1}{2} (u_{i,j} + u_{j,i} + \sum_{k=1}^3 u_{k,i} u_{k,j}) \quad (13)$$

the corresponding boundary conditions

$$u_i |_{\Sigma_1} = u_i^0, \quad \sum_{j=1}^3 P_{ij} n_j |_{\Sigma_2} = S_i^0 \quad (14)$$

**2.2. Statement of the boundary value problem of the theory of elasticity at small deformations.** Equilibrium equations

$$\sum_{j=1}^3 \frac{\partial \sigma_{ij}}{\partial x_j} + X_i = 0, \quad i = 1, 3 \quad (15)$$

the constitutive relation of the Ilyushin deformation theory [2]

$$\sigma_{ij} = \lambda \theta \delta_{ij} + 2\mu \varepsilon_{ij} \quad (16)$$

Cauchy relations

$$\varepsilon_{ij} = \frac{1}{2} \left( \frac{\partial u_i}{\partial x_j} + \frac{\partial u_j}{\partial x_i} \right) \quad (17)$$

the boundary conditions at the sides, respectively, take the form

$$u_i |_{\Sigma_1} = u_i^0, \quad \sum_{j=1}^3 \sigma_{ij} n_j |_{\Sigma_2} = S_i^0 \quad (18)$$

where,  $\sigma_{ij}$  – the stress tensor,  $\varepsilon_{ij}$  – the tensor of deformations,  $u_i$  – displacements,  $\lambda, \mu$  – are the Lamé elastic constants,  $X_i$  – is the bulk force,  $\delta_{ij}$  – is the Kronecker symbol,  $n_j$  – is the external normal to the surface,  $\Sigma_2, S_1, S_2, S_3$  – are the components of the external load vector.

**3. Numerical solutions of the boundary value problem of the theory of elasticity for finite and small deformations.**

**3.1. Numerical solutions of the boundary value problem of the theory of elasticity under finite deformations.** Mathematical and numerical models of the one-dimensional theory of elasticity of isotropic bodies in finite deformations with boundary conditions are considered.

To solve one boundary-value problem of elasticity in finite deformations, a difference scheme is proposed that is resolved with respect to the nodal functions  $u_i$ , which, in combination with the iterative method, makes it possible to find the desired quantities [1].

Let us write equations (10) – (13) for the one-dimensional case of the equilibrium equation

$$\frac{\partial P_{11}}{\partial x} + X_1 = 0 \quad (19)$$

$P_{ij}$  is the first stress tensor of Pioli Kirchhoff

$$P_{11} = \sigma_{11} + \frac{\partial u_1}{\partial x_1} \sigma_{11} \quad (20)$$

Hooke's law

$$\sigma_{11} = (\lambda + 2\mu)\varepsilon_{11} \quad (21)$$

the Cauchy-Green strain tensor in the one-dimensional case of a nonlinear geometric relation

$$\varepsilon_{11} = \frac{1}{2} \left( \frac{\partial u_1}{\partial x_1} + \frac{\partial u_1}{\partial x_1} + \frac{\partial u_1}{\partial x_1} \frac{\partial u_1}{\partial x_1} \right) \quad (22)$$

and, the boundary conditions, respectively, take the form

$$u_1|_{r_1} = u_1^o, \quad (\sigma_{11} n_1)|_{r_1} = S_1. \quad (23)$$

Substituting (22) into (21) and (21) into (20) and obtained in (19), we wake up to have equilibrium equations with respect to displacements, taking the following notation  $u_1 = u$ ,  $x_1 = x$

$$(\lambda + 2\mu)A(u) \frac{\partial^2 u}{\partial x^2} + X_1 = 0 \quad (24)$$

where,  $A(u) = 1 + 3 \frac{\partial u}{\partial x} + \frac{3}{2} \left( \frac{\partial u}{\partial x} \right)^2$ .

Equations (24), for simplicity, we consider in a rectangular region  $\Omega = \{0 \leq x \leq l_1\}$  with the following boundary conditions

$$\begin{aligned} u(x)|_{x=0} &= 0 \\ u(x)|_{x=l_1} &= 0 \end{aligned} \quad (25)$$

To construct a finite-difference scheme for a two-dimensional boundary value problem of the theory of elasticity (24-25), dividing the  $l_k$  lengths of the sides of a rectangular  $n_k$  region by, we can find that  $h_k = l_k/n_k$ , where  $k=1$ . Then the nodal points have the form [11]

$$x_i = h_1 \cdot i, \quad i = \overline{0, n_1}.$$

Further, replacing the derivatives in equations (24) with the corresponding difference relations, we can find the following finite-difference equations

$$(\lambda + 2\mu)A(u) \frac{u_{i+1} - 2u_i + u_{i-1}}{h^2} + X_1 = 0 \quad (26)$$

where,  $A(u) = 1 + 3 \frac{u_{i+1} - u_{i-1}}{2h} + \frac{3}{2} \left( \frac{u_{i+1} - u_{i-1}}{2h} \right)^2$

Boundary conditions (25) with respect to the nodal points have the form i.e.

$$u_0 = 0, \quad u_i = 0 \quad (27)$$

Note that the order of approximation of the finite-difference scheme  $O(h^2)$ . According to the difference equation (26) can be considered as a linear, symmetric and positive definite operator. Then, by the Lax-Milgram theorem, the convergence of the difference scheme is ensured.

The scheme of difference equations (26) is solved with respect to  $u_i$  displacements, i.e.

$$u_i = \frac{u_{i+1} + u_{i-1}}{2} + \frac{h^2 X_1}{2A(u)(\lambda + 2\mu)} \quad (28)$$



Further, on the basis of relations (28), we organize the following iterative process by the index  $k = 0, 1, 2, \dots$

$$u_i^{(k+1)} = \frac{u_{i+1}^{(k)} + u_{i-1}^{(k)}}{2} + \frac{h^2 X_1}{2A(u)(\lambda + 2\mu)} \quad (29)$$

where,  $A(u) = 1 + 3\frac{u_{i+1}^{(k)} - u_{i-1}^{(k)}}{2h} + \frac{3}{2}\left(\frac{u_{i+1}^{(k)} - u_{i-1}^{(k)}}{2h}\right)^2$

taking into account the boundary conditions (27)

$$u_0^0 = 0, u_n^0 = 0 \quad (30)$$

At zero approximation, i.e. at  $k = 0$ , the nodal values of the sought quantities  $u_i^0$ , at the boundary of the rectangular region  $\Omega$ , are known from the boundary conditions (30). At internal nodes, zero-order displacement values ( $k = 0$ ) are considered trivial.

Further, continuing the iterative process, one can find the desired displacement values  $u_i$  with a given accuracy  $\varepsilon$ . The convergence of the iterative method is achieved according to the generalized convergence theorem for iterative methods.


The iterative process (29–30) continues until the following condition  $\|\vec{u}^{(k+1)} - \vec{u}^{(k)}\| \leq \varepsilon$  is satisfied, where  $\|\cdot\|$  is the quadratic norm of successive approximations of the difference of the displacement vector  $\vec{u}$  in space  $L_2$ .

The problem was solved for the following parameter values  $\mu = 0.5$ ,  $\lambda = 0.8$ ,  $l_1 = l_2 = 1$ ,  $N_1 = N_2 = 10$ ,  $X_1 = -\sin \frac{2\pi x_i}{l}$ .

**Table 1**

**Values of the function  $u(x)$  at  $\varepsilon = 0.001$**

$x_i$	0	0.1	0.2	0.3	0.4	0.5	0.6	0.7	0.8	0.9	1
$u_i$	0.0000	0.0081	0.0136	0.0142	0.0092	0.0000	-	-	-	-	0.0000
							0.0092	0.0142	0.0136	0.0081	



**Fig. 1. The graph of the distribution of the values of the function  $u(x)$  at  $\varepsilon = 0.001$**

Replacing the derivatives in equations (24) with the corresponding difference relations, we can find the following finite difference equations

$$(\lambda + 2\mu)A(u) \frac{u_{i+1} - 2u_i + u_{i-1}}{h^2} + X_1 = 0 \quad (31)$$

where,  $A(u) = 1 + 3 \frac{u_{i+1} - u_{i-1}}{2h} + \frac{3}{2} \left( \frac{u_{i+1} - u_{i-1}}{2h} \right)^2$

Boundary conditions (25) with respect to the nodal points have the form i.e.

$$u_0 = 0, u_l = 0 \quad (32)$$

where,  $i = \overline{1, n_1}, j = \overline{0, n_2}$ .

Note that the order of approximation of the finite-difference scheme is  $O(h^2)$ . According to the difference equation (31) can be considered as a linear, symmetric and positive definite operator. Then, by the Lax-Milgram theorem, the convergence of the difference scheme is ensured [14].

Equations (31), which approximates the boundary value problem for the theory of elasticity of second-order differential equations, usually has the following form

$$\begin{cases} a_i u_{i+1} + b_i u_i + c_i u_{i-1} = f_i \\ \alpha_{01} u_0 + \beta_{01} u_1 = \gamma_{01} \\ \alpha_{02} u_{n-1} + \beta_{02} u_n = \gamma_{02} \end{cases} \quad (33)$$

where,  $a_i, b_i, c_i, \alpha_{0k}, \beta_{0k}, \gamma_{0k}, f_{ij}$  - some numbers.

$$\begin{aligned} a_i &= \frac{\lambda + 2\mu}{h^2} A(u), b_i = \frac{-2(\lambda + 2\mu)}{h^2} A(u), c_i = \frac{\lambda + 2\mu}{h^2} A(u), \\ \alpha_{01} &= 1, \alpha_{02} = 0, \beta_{01} = 0, \beta_{02} = 1, \gamma_{01} = 0, \gamma_{02} = 0. \\ f_{ij} &= -X_1 \end{aligned}$$

The solution to system (31) by the elimination method is as follows:

1) find values

$$X_1 = -\frac{\beta_{01}}{\alpha_{01}}, Z_1 = \frac{\gamma_{01}}{\alpha_{01}}$$

2) by recurrent formulas

$$X_{i+1} = -\frac{a_i}{b_i + c_i X_i}, Z_{i+1} = \frac{f_i - c_i Z_i}{b_i + c_i X_i}$$

we calculate sequentially  $X_2, Z_2, X_3, Z_3, \dots, X_n, Z_n$ ;

3) find

$$u_{n,j} = \frac{\gamma_{02} - \alpha_{02} Z_n}{\beta_{02} + \alpha_{02} X_n}$$

4) using the formula

$$u_{i-1} = X_i u_i + Z_i$$

calculate  $u_{n-1}, u_{n-2}, \dots, u_0$ ;

The problem was solved for the following parameter values

$$\mu = 0.5, \lambda = 0.8, l_1 = l_2 = 1, N_1 = N_2 = 10, X_1 = -\sin \frac{2\pi x_i}{l}.$$

**Table 2**

**Values of the function  $u(x)$  at  $\varepsilon = 0.001$**

$x_i$	0	0.1	0.2	0.3	0.4	0.5	0.6	0.7	0.8	0.9	1
$u_i$	0.0000	0.0081	0.0136	0.0142	0.0091	0.0000	-	-	-	-	0.0000
							0.0091	0.0142	0.0136	0.0081	




Fig. 2. The graph of the distribution of the values of the function  $u(x)$  at  $\varepsilon = 0.001$

**3.2. Numerical solutions of the boundary value problem of the theory of elasticity at small deformations.** Let us write equations (15) - (17) for the one-dimensional case: then the equilibrium equation

$$\frac{\partial \sigma_{11}}{\partial x_1} + X_1 = 0 \quad (34)$$

Hooke's law

$$\sigma_{11} = \lambda \varepsilon_{11} + 2\mu \varepsilon_{11} = (\lambda + 2\mu) \varepsilon_{11} \quad (35)$$

Cauchy relations

$$\varepsilon_{11} = \frac{\partial u_1}{\partial x_1} \quad (36)$$

the boundary conditions at the sides, respectively, take the form

$$u_1|_{r_1} = u_1^o, (\sigma_{11} n_1)|_{r_1} = S_1 \quad (37)$$

Substituting (36) into (35) and obtained in (34), we will have the equilibrium equations for displacements [3]

$$(\lambda + 2\mu) \frac{\partial^2 u}{\partial x^2} + X_1 = 0 \quad (38)$$

Equations (38), with the following boundary conditions:

$$\begin{aligned} u(x)|_{x=0} &= 0 \\ u(x)|_{x=l_1} &= 0 \end{aligned} \quad (39)$$

In equations (38), the following finite-difference equations can be found with the corresponding difference relations

$$u_i = \frac{u_{i+1} + u_{i-1}}{2} + \frac{h^2 X_1}{2(\lambda + 2\mu)} \quad (40)$$

Next, based on relations (40), we organize the following iterative process

$$u_i^{(k+1)} = \frac{u_{i+1}^{(k)} + u_{i-1}^{(k)}}{2} + \frac{h^2 X_1}{(\lambda + 2\mu)} \quad (41)$$

taking into account the boundary conditions (39)

$$u_0^0 = 0, u_n^0 = 0 \quad (42)$$

The problem was solved for the following parameter values  $\mu = 0.5$ ,  $\lambda = 0.8$ ,  $l_1 = l_2 = 1$ ,  $N_1 = N_2 = 10$ ,  $X_1 = -\sin \frac{2\pi x_i}{l}$ .

Table 3

Values of the function  $u(x)$  at  $\varepsilon = 0.001$

$x_i$	0	0.1	0.2	0.3	0.4	0.5	0.6	0.7	0.8	0.9	1
$u_i$	0.0000	0.0085	0.0138	0.0138	0.0085	0.0000	- 0.0085	- 0.0138	- 0.0138	- 0.0085	0.0000




Fig. 3. The graph of the distribution of the values of the function  $u(x)$  at  $\varepsilon = 0.001$

Equation (38) can be reduced to the following tridiagonal form, solved by the elimination method

$$\begin{cases} a_i u_{i+1} + b_i u_i + c_i u_{i-1} = f_i \\ \alpha_{01} u_0 + \beta_{01} u_1 = \gamma_{01} \\ \alpha_{02} u_{n-1} + \beta_{02} u_n = \gamma_{02} \end{cases} \quad (43)$$

where,

$$\begin{aligned} a_i &= \frac{\lambda + 2\mu}{h^2}, \quad b_i = \frac{-2(\lambda + 2\mu)}{h^2}, \quad c_i = \frac{\lambda + 2\mu}{h^2}, \quad f_i = -X_1, \\ \alpha_{01} &= 1, \quad \alpha_{02} = 0, \quad \beta_{01} = 0, \quad \beta_{02} = 1, \quad \gamma_{01} = 0, \quad \gamma_{02} = 0. \end{aligned}$$

The implicit difference schemes of the boundary value problem of the theory of elasticity were solved by recurrence relations and the sweep method, respectively, under the following boundary conditions:


$$u_0 = 0, \quad u_l = 0 \quad (44)$$

and, the initial constants  $\mu = 0.5$ ,  $\lambda = 0.8$ ,  $l_1 = l_2 = 1$ ,  $N_1 = N_2 = 10$ ,  $X_1 = -\sin \frac{2\pi x_i}{l}$ .

Table 4

Values of the function  $u(x)$  at  $\varepsilon = 0.001$

$x_i$	0	0.1	0.2	0.3	0.4	0.5	0.6	0.7	0.8	0.9	1
$u_i$	0.0000	0.0085	0.0138	0.0138	0.0085	0.0000	- 0.0085	- 0.0138	- 0.0138	- 0.0085	0.0000



**Fig. 4.** The graph of the distribution of the values of the function  $u(x)$  at  $\varepsilon = 0.001$

**4. Conclusion.** The article proposes an effective finite-difference method for solving one-dimensional boundary value problems of the theory of elasticity for finite and small deformations. To ensure the reliability of the results obtained, a one-dimensional boundary value problem of the theory of elasticity was formulated and solved using the elimination methods. Boundary value problems of the theory of elasticity at finite and small deformations for a rectangle with natural boundary conditions. The distribution of displacements in a rectangle is investigated. Comparison of the numerical results and analysis of the results obtained show the validity of the results obtained.

#### References:

1. Pobedrya B.E. Numerical methods in the theory of elasticity and plasticity. M., Moscow State University, 1996, p. 343.
2. D.Kolarov, A.Baltov, N.Boncheva. Mechanics of plastic media. M., "MIR", 1979, p. 294.
3. Khaldjigitov A.A., Babadjanov M.R., Kalandarov A.A., Khudazarov R.S. Coupled dynamic thermoelasticity problem for transversely isotropic parallelepiped. IJETER. Vol.8, №7, 2020, p. 3958 – 3964.
4. Khaldjigitov A.A., Yusupov Y.S., Khudazarov R.S. and Sadullaeva D.A. On the thermoplasticity constitutive relations for isotropic and transversely isotropic materials. International Journal of Mechanical and Production Engineering Research and Development (IJMPERD), 2019, Vol.9, Issue 4, p. 467 – 478.
5. Khaldjigitov A.A., Qalandarov A., Nik M. A. Asri Long., Eshquvatov Z. Numerical solution of 1D and 2D thermoelastic coupled problems. International journal of modern physics. Vol.9, p. 503–510, (2012).
6. Green A. Large elastic deformations and nonlinear mechanics of continuous medium. M., "Mir", 1965, p. 456.
7. Eliseev V.V. Mechanics of Elastic Bodies. SPb., Publishing house of SPbSTU, 1999, p. 341.
8. A.A.Khaldjigitov, U.Z.Djumayozov, A.A.Alisherov. A simple iterative method for finite difference equations of applied problems. International Conference on Recent Advances in Applied Mathematics 2020 4–6 February 2020, Kuala Lumpur, MALAYSIA.
9. A.A.Khaldjigitov, U.Z.Djumayozov, Sh.R.Ibodulloev. Effective finite-difference method for elastoplastic boundary value problems. Uzbekistan-Malaysia international online conference on "Computational Models and Technologies" August, 24 – 25, 2020.
10. Korobeynikov S.N. Nonlinear deformation of solids. Novosibirsk. Publishing house of the SB RAS, 2000, 262 p.

11. Qalandarov A.A., Khaldjigitov A.A. Mathematical and numerical modeling of the coupled dynamic thermoelastic problem for isotropic bodies. TWMS Journal of Pure and Applied Mathematics. Vol.11, №.1, 2020, p. 119–126.
12. Adambaev U.E., Kalandarov A.A., Kalandarov A. Numerical solution of the coupled problem of thermoelasticity for anisotropic bodies. Bulletin of NUUZ, Tashkent, 2017, №2/1, FROM, 48–53.
13. Lurie A.I. Nonlinear theory of elasticity. M., “Science” 1980, 512 p.
14. Khaldjigitov A.A., Khudazarov R.S., Sagdullaeva D.A. Theories of plasticity and thermoplasticity of anisotropic bodies. Tashkent, “Fan va texnologiya”, 2015.
15. Auden D. Finite elements in nonlinear mechanics of continuous media. M., “Mir”, 1976, 464 p.
16. Khaldzhigitov A.A., Kalandarov A.A., Yusupov Y.S. Related problems of thermoelasticity and thermoplasticity. Tashkent, “Fan va texnologiya”, 2019, p. 204.
17. Golovanov A.I., Sagdatullin M.K. Nonlinear problem of hyperelastic deformation of a polylinear finite element of a shell of average thickness. News of higher educational institutions. Volga region. Physical and mathematical sciences. 2010, № 4 (16), s. 39 – 49.
18. Papadopoulos Jia Lu. A general framework for the numerical solution of problems in finite elasto-plasticity. Computer Methods in Applied Mechanics and Engineering. 159 (1998), p. 1–18.
19. Reese S., Wriggers P. A finite element method for stability problems in finite elasticity International Journal for Numerical Methods in Engineering. Vol. 38, 17, 1995, p. 1171–1200.
20. Chamberland E., Fortin A., Fortin M. Comparison of the performance of some finite element discretization for large deformation elasticity problems. Computers and Structures, 2010.
21. V.Novatsky. The theory of elasticity. M., “Mir”, 1975, p. 872.

Sayyora Xushnudovna Babadjanova (UrDU dotsenti),  
Yashnar Maqsudboyevich Artikov (UrDU magistranti)

### XORAZM VOHASI SUV HAVZALARIDAGI KARPSIMON BALIQLARDA UCHRAYDIGAN KASALLIKLARI VA ULARNI KELTIRIB CHIQARUVCHI ORGANIZMLAR

**Annotatsiya.** Maqolada Xorazm vohasi suv havzalaridagi karpsimon baliqlarning rivolanishiga salbiy ta'sir ko'rsatuvchi omillar hamda ularda uchraydigan ayrim kasalliklar va ularni keltirib chiqaruvchi organizmlar haqidagi ma'lumotlar keltirilgan.

**Annotatsiya.** В данной статье обсуждаются факторы, неблагоприятно влияющие на развитие карповидных рыб в водоеме Хорезмского оазиса, а также сведения о некоторых встречающихся у них болезнях и их возбудителях.

**Annotation.** This article discusses the factors that adversely affect the development of carp-like fish in the reservoir of Khorezm oasis, as well as information about some of their diseases and their pathogens.

**Kalit so'zlar:** infeksiyon, invazion, daktilogiroz, aeromonoz, ligulez, diplostomoz, etiologiya.

**Ключевые слова:** инфекция, инвазия, дактилогироз, аеромоноз, лигулез, диплостомоз, этиология.

**Key words:** infection, invasion, dactilogiros, aeromonoz, diplostomiasis, ligulosis, etiology.

Hozirgi vaqtda xalqimizning oziq-ovqat mahsulotlariga bo'lgan talabini qoniqtirish maqsadida chorva mollari bilan bir qatorda, tabiiy va sun'iy suv havzalarida baliqchilikni rivojlantirishga katta ahamiyat berilmoqda. Bu muommani hal etish, tabiiy va sun'iy suv havzalarining ekologik holatini, ixtioparazitofaunaning paydo bo'lish yo'llarini o'rganish, baliq mahsuldorligini oshirish bo'yicha chuqur ilmiy tadqiqot ishlarini olib borish bilan bog'liq. Baliqlar insonga qaraganda ancha qadimgi hayvonlardir, ularning evolutsiyasi bir necha million yil davom etgan. Bu vaqt ichida baliqlar yashash sharoitlariga mukammal moslashgan va parazit organizmlar bilan bo'lgan aloqalari yuzaga kelgan, barqaror va juda kamdan kam hollarda, egasining o'limi bilan tugagan. Biz o'rganadigan baliqlarning barcha kasalliklari, aksariyat hollarda, yetishtirish va saqlash sharoitlarining qo'pol buzilishi natijasida, asosan, baliqlarning immuniteti pasayadi. Ushbu tartibsizliklarni bartaraf etish va baliqni stressdan xalos qilish orqali biz kasallik muammosini abadiy hal qilishimiz mumkin. Zamonaviy ixtiopatologiyada bu hukmron nazariya bo'lib, bu holat kasallangan baliqlarning o'limiga olib kelishi mumkin. Muayyan kasalliklarning klinik ko'rinishi, odatda, o'ziga xos xususiyatlarga ega. Biroq, ko'p hollarda, turli kasalliklarning klinik ko'rinishlari juda o'xshash. Chuchuk suv baliqlari gipoosmotik muhitda yashaganligi sababli, har qanday metabolik kasalliklar introduksiya-tuz metabolizmining buzilishiga olib keladi: baliqlar ko'zining puchayishi, qizarish, tangachalarida o'zgarishlar paydo bo'ladi. Faqat ixtiopatologiyada klinik belgilar asosida tashxis qo'yish mumkin emas. Misol uchun, baliq tanasida yaralar har doim qizil emas. Baliq jabralari kasalligida –baliqchilikda yetishtirilgan baliqlarning katta o'limiga olib kelishi mumkin bo'lgan eng xavfli kasalliklardan biridir. Kasallik yozning boshida va o'rtalarida namoyon bo'ladi, kuzda u susayadi. Ko'pincha, ikki yillik baliqlar kasal bo'ladi. Hovuzlarda va tabiiy suv havzalarida baliqlarning barcha kasalliklari o'z tabiatiga ko'ra, ikkita asosiy guruhga bo'linadi: yuqumli va yuqumsiz.

Yuqumli bo'lmagan kasalliklar tashqi muhitning kuchli o'zgarishi natijasida yoki moddalar almashinuvi buzilishi natijasida sodir bo'ladi.

Yuqumli kasalliklar, asosan, bakteriyalar, viruslar, zamburug'lar, suv o'tlari ta'sirida va invazion-umurtqasiz hayvonlar ishtirokida paydo bo'ladi. Hovuz xo'jaligida paydo bo'ladigan yuqumli kasalliklarning asosiy sababi bu, eng avval, tig'iz baliq o'tkazish bilan bog'liq. Shu jumladan, qo'shimcha oziqlantirish, hovuzni o'g'itlash va suv olish havzasining maydoni bilan ham bog'liq. Bundan boshqa baliqlar polikulturasi kabi omillar keskin ravishda tashqi muhit faktorlarni o'zgartiradi va kasallik paydo bo'lish xavfini namoyon qiladi. Buning natijasida moddalar almashinuvining buzilishi sodir bo'lib, yuqumli bo'lmagan kasalliklar paydo bo'ladi. Baliqlarning turli xil kasalliklarga beriluvchanligi, parazitlarga yem bo'lishi, asosan, tashqi faktorlar (mavsum, areal, parazit) va organizm holatining yomonlashuvi, baliq turi va yoshiga bog'liq. Baliqlarning kasallanishi ham immunitetga bog'liq. Ba'zi bir baliqlar barcha parazitlarga o'lja obyekt bo'lmaydi. Demak, har bir tur baliqning o'ziga xos paraziti, kasalligi bo'ladi. Shu bilan bir qatorda, baliqlar ba'zi bir kasalliklarga nisbatan chidamlilik xususiyatiga ega. Masalan, krasnuxa

(qizilcha) yuqumli kasalligiga nisbatan kumushtovon, karas chidamli bo'ladi, xuddi shunday xususiyatga oq amur ham ega. Qolgan baliqlar – karp, zog'ara, lesh yuqumli kasalliklarga beriluvchan bo'ladi. Baliqlarning kasalliklarga beriluvchanligi ularning yoshiga ham bog'liq va bu kasallik "Yosh davr" kasalligi deyiladi.

Yuqumli kasalliklar, o'z navbatida, infeksiyon va invazion kasalliklarga bo'linadi. Infeksiyon kasalliklarni viruslar, bakteriyalar va zamburug'lar keltirib chiqaradi. Invazion kasalliklarni sodda hayvonlar (bir hujayrali organizmlar, xivchin oyoqlilar, miksosproidiyalar, mikrosporidiyalar, infuzoriyalar va b.) gelmintlar (tremotodlar, monogeneyalar, lentasimon chuvalchanglar, zuluklar va b.), qisqichbaqalar (eshkakoyoqli va teng oyoqli qisqichbaqalar), molluskalar keltirib chiqaradi.

**Daktilogiroz** – bu baliqlarning o'tkir oqimda kechuvchi invazion kasalligi bo'lib, uni *Dactylogyrus* avlodiga mansub monogenetik so'rg'ichlilar (trematodalar) tomonidan qo'zg'atiladi. Hozirda chuchuk suv baliqlarida 150 dan ortiq monogeniy turlari parazitlik qiladi. Shundan eng patogenlisi *Dactylogyrus vastator*. *D.extensus* va *D.anchoratus* turlaridir. Ushbu tur vakillari ko'proq hovuzlarda urchitilayotgan baliqlarda uchrab, ularda kasallikni avj olib ketishi va ommaviy ravishda nobud bo'lishiga sabab bo'ladi. Ko'proq karp turdagi va o'simlikxo'r baliqlar, ayniqsa, ularning yoshlari kasallikka chalinadi. Boshqa turdagi monogeniyalar, asosan, tabiiy suv havzalaridagi baliqlarda uchrab, ular orasida daktilogiroz kasalligining avj olishini keltirib chiqarmaydi. Karp turdagi baliqlarning daktilogirozi – bu *Dactylogyridae* oilasiga mansub *Dactylogylus vastator*, *D.extensus* va *D.anchoratus* trematodalarni parazitlik qilishi oqibatida sodir bo'ladi. Bu qo'zg'atuvchilar karp, sazan va ularning gibridlarining jabra bo'lmalarida parazitlik qiladi.

Diplostomoz – *Diplostomum* turiga mansub trematod lichinkalari baliqlar ko'zlariga joylashib oluvchisi keltirib chiqaradigan kasallik bo'lib, bir necha shakllari ma'lum. Ko'z xrustaliga joylashib oluvchi metatserkariyalar tomonidan yuqtiriladigan parazit katarakta keng tarqalgan. Diplostomoz qo'zg'atuvchilari hovuz baliqlarining barcha turlarida parazitlik qiladi, lekin karp bunga eng kam, oq do'ngpeshona va oq amur eng ko'p chalinadi. Kasallangan baliqlarda gavharining qisman yoki to'liq xiralanishi (oqarishi) qayd etiladi. Kuchli zararlanish hollarida baliqlar ko'r bo'lib qoladi. Ba'zan ekzoftalmiya (ko'zning cho'qchayishi), gavharining tushib qolishi kuzatiladi.

Zararlangan baliq suvning ustki qatlamida turadi, uning harakatlarini muvofiqlashtirish buzilgan. Metatserkariyalarning parazitlik qilishi baliqlarda ko'rlikni keltirib chiqaradi. Kasal baliqlarda o'sish sur'atlari ham pasayadi, uzunligi va tanasining vazni kamayadi. Zararlangan baliq baliqxo'r qushlar va yirtqich baliqlar uchun oson o'ljaga aylanadi. Kasallik baliqlarning ommaviy qirilishi bilan kuzatilishi mumkin.

**Baliqlarning shamollashi** – Haddan tashqari sovib ketish issiqni sevuvchi baliqlarda qish davrida asosan shu yilgi zotlarida kuzatiladi. Uzoq vaqt mobaynida past haroratlar (0,20 C dan past) ta'siri ostida shu yilgi baliqlar harakat muvofiqlashuvini yo'qotadi, yonbosh bo'lib suzadi, bunda baliq tanasining ustki qatlami xiralashadi va teri yuzasida yassi yaralar hosil bo'ladi. Oyquloqlarda shishish kuzatiladi. Haddan tashqari sovib ketgan, muzlagan uchastkalarga (ko'pincha, boshning yuqori qismida, oyquloqlarda) parazit zamburug'lar, bakteriyalar va boshqa parazitlar joylashib oladi.

**Bronxiomikoz** – turli turdagi baliqlarning o'ta yuqumli kasalligi bo'lib, jabra apparatidagi qon tomirlarning zararlanishi va jabra to'qimasining nekrozlanib tushib qolishi bilan xarakterlanadi. Karp, sazan va ularning gibridlari, karas turdagi baliqlarning bronxiomikoz kasallik qo'zg'atuvchisi bu *Bronchiomyces sanguinis* (Plehn) zambo'rug'lar parazitlik qilishadi.

Epizootologik ma'lumotlar. Bronxiomikoz qo'zg'atuvchisi tabiatda keng tarqalgan. Biroq, bu kasallikni epizootiya va enzootiya ko'rinishi tabiiy suv havzalarida qayd qilinmaydi. Kasallik, asosan, sun'iy suv havzalarida urchitilayotgan baliqlar orasida kelib chiqadi, qaysikim, bunday suv havzalarida qo'zg'atuvchining rivojlanishi uchun qulay sharoit mavjud. Bular, birinchidan, hovuz va suv havzalari antisaniitariya holatida va veterinariya-sanitariya madaniyati juda ham past darajada bo'lganida kelib chiqadi.

**Amurlarning bakterial enteriti** – (*seudomonas* bakteriya kasallik qo'zg'atuvchisi hisoblanadi. *Intestinalis* – bir xivchinli qisqacha harakatchan tayoqcha. Bu kasallikka bir yillik va ikki yoshli oq va qora amurlar tez chalinadi. Kasallikning eng rivojlanishi yilning eng issiq davrida, suv harorati 22–26 C<sup>0</sup> bo'lgan vaqtga to'g'ri keladi va baliqlarning 90 foizigacha nobud bo'lishi bilan kuzatiladi. Kasallanishning avj olishiga suvning yuqori harorati va ozuqaning etishmasligi sabab bo'ladi. Kasallangan baliq ozuqani og'ziga olmaydi, qirg'oqlarga yaqinlashadi, oson tutiladi. Tanasining ustki qatlami diyarli qop-qora bo'ladi. Tashqi teshik atrofida shishik va qizarishlar ko'zga tashlanadi. Qornidan bosilganda tashqi teshikdan qonning to'dalari va sariq shilimshiqalar ajralib chiqadi. Kasal baliqni yorishda qorin bo'shlig'ida



ekssudat to‘dalari qayd etiladi. Jigar va taloq giperemirlangan. Ichaklar kuchli yallig‘langan va qizil-bi-nafsharangda bo‘ladi.

**Karplar aeromonozi – *Aeromonas punctata*** (Zimmermann 1890) karplar qizamig‘i, gemorragik septitsemiya, infeksiyon assit (vodyanka), lublin kasalligi) – karpsimon baliq turlaridagi, baliqlarning infeksiyon kasalliklari, teri qoplamasining yallig‘lanishi, qon quyilishi o‘chog‘lari hisoblanadi, ya‘ni assit (Qorin bo‘shlig‘ida tiniq rangsiz yoki och sariq suyuqlik yig‘ilishi), tangalarni xo‘rpayishi, ko‘zning chaqchayib turishi, mushak to‘qimasi va barcha ichki organlarning gidratatsiyasi bilan xarakterlanadi.

**Etiologiyasi.** Qo‘zg‘atuvchi – *Aeromonas hydrophila* – qisqa, tomonlari yumaloqlangan, ko‘chib yuradigan grammanfiy tayoqcha, qobiq hosil qilmaydi. MPB o‘sishi davrida suv tubida bir tekis xiralashish, silkinganda parcha-parcha to‘lqinlar, oq-kulrang cho‘kma hosil bo‘ladi. Muhitning yuqori qismida yupqa parda hosil bo‘ladi.

**Ligulez–*Ligula intestinalis*** (Linnaeus, 1758). Kasallikni chuchuk suv baliqlarining ko‘plab turlari, ayniqsa karp baliqlarining tana bo‘shlig‘ida parazitlik qiluvchi *Ligula* turidagi tasmasimon qurtlar keltirib chiqaradi. Jinsiy yetilgan zotlar baliqxo‘r qushlarning ichaklarida yashaydi. Hovuz xo‘jaliklarida kasallik, asosan, oq va chipor do‘ngpeshonalarda, oq amurda qayd etiladi. Qo‘zg‘atuvchilar *Ligula intestinalis* turidagi plerotserkoidlar – uzunligi 10–120 sm bo‘lgan oq rangli yirik, muskulli qayishsimon gelmintlar. Tasmasimon qurtlarning rivojlanishi murakkab va ikkita oraliq xo‘jayinning ishtirokida kechadi. Invaziyaning manbasi bo‘lib baliqxo‘r qushlar hisoblanadi.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. B.G.Komilov, R.B.Qurbonov, T.V.Salixov. O‘zbekistonda karp baliqlarini ko‘paytirish. T., 2003, 30-bet.
2. S.Q.Husenov, D.S.Niyozov, G‘.M.Sayfullayev Baliqchilik asoslari. “Buxoro” nashriyoti, 2010. 143-bet.
3. Haqberdiyev P.S., Tursunqulov A.R. Baliqlarning yuqumli va yuqumsiz kasalliklari. Samarqand, 2010, 17-bet.
4. S.Q.Husenov, D.S.Niyozov. Baliqchilik. Toshkent, 2013, 262-bet.
5. Haqberdiyev P.S. Umumiy Ixtiologiya. Toshkent, 2013, 59-bet.

Шавкат Джабборов Раззоқович, Хушвақт Намозов Қорахонович (Тошкент Давлат Аграр университети; [pamozov1965@mail.ru](mailto:pamozov1965@mail.ru); [djabborov86@inbox.ru](mailto:djabborov86@inbox.ru))  
**ҚАРШИ ЧЎЛИ СУҒОРИЛАДИГАН ТУПРОҚЛАРИНИНГ ҲОЗИРГИ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИНИ БАҲОЛАШ**

**Аннотация.** Мақолада, асосан, Қарши чўлида шўрланган ерларда олиб борилган илмий тадқиқот натижалари баён этилган. Бундан 50–55 йил муқаддам бошланган ўзлаштириш ва суғориш ишлари чўлнинг гидрогеологик шароитларини тубдан ўзгартириб юборди. Катта миқдордаги суғориш сувларининг суғориш тармоқлари ва суғориладиган майдонлардан сизиб ўтиши натижасида минераллашган сизот сувларининг сатҳи кескин кўтарилди, ер ости сувлари оқимининг ўта камлиги ва деярли йўқлиги боис уларнинг асосий қисмининг буғланишига сарфланиши оқибатида иккиламчи шўрланиш жараёнлари содир бўлди.

**Аннотация.** В статье изложены многолетние исследования процессов засоления почвы, мелиоративных свойств орошаемых почв Каршинского степя, представляющего собой геоструктурную межгорную впадину заполненную аллювием. Охарактеризовано почвенно-мелиоративное состояние почвогрунтов с учетом природных условий и антропогенных факторов, выявлены причины, закономерности формирования и географического распространения засоленных почв.

**Annotation.** The article presents long-term studies of soil formation processes, reclamation properties of irrigated soils of the river basin. Karshi, which is a geostructural intermountain basin filled with alluvium. Characterized the soil-reclamation state of soil taking into account natural conditions and anthropogenic factors, revealed the causes, patterns of formation and geographical distribution of saline soils. The regional features of salt accumulation, the intensity and orientation of the processes of salinization and desalinization of soils are established. A clear dependence of salt accumulation is shown in connection with the dynamics of changes in the depth and salinity of groundwater.

**Калим сўзлар:** суғориладиган ерлар, ер ости суви, тузланиш, шўрланиш, мелиоратив ҳолат, мелиорация.

**Ключевые слова:** орошаемые земли, подземные воды, засоление, соленакопление, мелиоративное состояние, мелиорация.

**Key words:** irrigated soils, groundwater, salinity, salt accumulation, ameliorative condition, melioration.

**Кириш.** Марказий Осиёда, шу жумладан, Ўзбекистонда табиий шўрланишнинг асосий шарты бу жойнинг кучсиз зовурлашганлиги ва ер ости сувларининг ер юзасига яқин жойлашганлиги шароитида буғланишнинг атмосфера ёғинлари миқдоридан устунлиги бўлиб, табиий туз тўпланишининг иккинчи омили – бу тузларнинг шамол ёрдамида олиб келиниши.

Антропоген шўрланишнинг асосий сабаби эса тупроқ ва ландшафтларнинг бир бутунликда бузилиши билан боғлиқ бўлиб, бунда техноген ва агроген ифлосланиш ёки табиий жараёнлар йўналишининг салбий томонга ўзгариши натижасида сувда осон эрувчи тузларнинг тупроқ қопламларига қўшимча манба сифатида кириб келиши ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, дарё суғориш сувларини катта-кичик каналлар, ариқлар ва суғориш далаларидан катта миқдорда йўқотилиши ҳамда грунт сувлари сатҳи кўтарилишини келтириб чиқарувчи зовурлар тармоқлари параметрларини гектар бирлигида етишмаслигидир. Афсуски, зовурларнинг етишмаслиги, мавжудларидан тўғри фойдаланмаслик тузларни сув ушловчи чуқур горизонтлардан юқорига ҳаракатланишини яна-да тезлаштиради.

Иккиламчи шўрланиш ҳаддан ташқари ортиқча суғориш ва шўр ювиш натижасида грунт сувларининг тез кўтарилишининг олдини олувчи зовурлар билан етарлича таъминланмаган шароитда содир бўлади. Ҳозирги вақтда иккиламчи шўрланишнинг жадаллиги қурғоқчил экотизимлар хавфсизлиги учун жиддий муаммони келтириб чиқармоқда.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Ахмедов А., Намозов Х., Тошпулатов С., Қорахонов А. Проблемы засоления и мелиорации земель Узбекистана. “Почвоведение и агрохимия”, №2, 2017, Алматы, с. 53 – 61.

Суғориладиган тупроқларнинг туз режими кўп жиҳатдан сизот сувлари режимига боғлиқ бўлади, шу боис тупроқ мелиорацияси муаммоларини ҳал қилишда бу масалага ҳам гидрогеологлар, ҳам тупроқшунослар алоҳида эътибор қаратадилар.

А.М.Расулов (1976) кўрсатишича, Яккабоғ станциясидан Қарши шаҳри оралиғи Қашқадарёнинг чап қирғоғи худудида сизот сувлари 10–20 м. чуқурликда (лалмикор ва суғорилмайдиган худудларда), суғориладиган майдонларда 2–5 м., айрим ҳолларда, Китоб-Шаҳрисабз ботиғининг суғориладиган марказий қисмларида сизот сувлари сатҳи 0,5–0,2 м. ўртасида (баъзан сизот сувлари ер устига ҳам чиқади) тебраниб туради.

Қашқадарёнинг ўнг қирғоғи худудларида Китоб шаҳридан Қарши шаҳригача суғорилмайдиган ва лалмикор майдонларда сизот сувлари 5–10 м., суғориладиган майдонларда 1,5–2,5 м., Девхона супасида 10–30 м. ва тўлқинсимон ўнқир-чўнқир лёссли майдонларда 30–40 м. ва ундан чуқурликда ётади.

Вилоятда суғориладиган тупроқларга нисбатан чўл минтақаси тупроқлари, лалми тупроқлар ва баландлик минтақасининг тупроқлари кўпроқ тарқалган. Суғориладиган тупроқларнинг шўрланиши бўйича кўпроқ кучсиз ва ўртача шўрланган тупроқлар, кучли ва жуда кучли даражада шўрланган тупроқлар унчалик кўп эмас. Суғориладиган тупроқларнинг ярмидан кўпининг сифат баҳо-си юқори ҳисобланади. Суғориладиган тупроқлар шўрланишида табиий омиллардан кўра инсон омилининг ўрни катта. Қуйида вилоят бўйича суғориладиган тупроқларнинг тегишли туманлар кесимида таҳлили келтирилади (1-жадвал).

*1-жадвал*

**Қашқадарё вилояти суғориладиган тупроқларининг шўрланиш ҳолати ва тавсифи**

Т/р	Туманлар номи	Суғориладиган ер майдони, га	Шўрланган ерлар		Ўртача ва кучли шўрланган ерлар		
					Жами суғориладиган майдонларга нисбатан		Жами шўрланган майдонларга нисбатан
			га.	%	га.	%	%
1.	Косон	63727,0	39397,4	61,82	7715,1	12,11	19,58
2.	Қамаши	30052,7	7916,0	26,34	1190,7	3,96	15,04
3.	Қарши	43360,0	21650,4	49,93	6731,0	15,52	31,09
4.	Касби	46319,0	34555,4	74,60	4300,2	9,28	12,44
5.	Муборак	32183,0	27350,7	84,98	13343,7	41,46	48,79
6.	Миришкор	56523,0	40197,0	71,12	7081,8	12,53	17,62
7.	Нишон	53713,0	34690,3	64,58	11625,8	21,64	33,51
Жами:		325877,7	205757,2	63,2	51988,3	16,0	25,3

Жазирама ва қуруқ иқлимли минтақаларда суғориш жойининг табиий шароитларни ва тупроқ унумдорлигини унинг хоссаларини яхшилаш туфайли тубдан ўзгартиради, шу билан бир қаторда, суғориш айрим майдонларда ва катта-катта территорияларда қатор салбий, ноқулай жараёнларни келтириб чиқаради. Бу, ўз навбатида, суғориш сувларидан оқилона фойдаланилмаганда, коллектор-зовур тармоқларининг иш ҳолатига боғлиқ бўлади.

Қарши чўлида бундан 50–55 йил муқаддам бошланган ерларни ўзлаштириш ва суғориш худудининг гидрогеологик шароитларини тубдан ўзгартириб юборди. Суғориш бошланиши билан сизот сувларининг табиий манбаларига суғориш майдонлари ва тармоқларидан сизиб ўтаётган сувлар қўшилиши оқибатида чўлнинг асосий суғориладиган майдонларида сизот сувларининг кўтарилиши ва минералланишининг ортиши юз беради (5–20 г/л).

Шуни таъкидлаш керакки, худуднинг асосий қисмида сизот сувларининг сатҳи сунъий дренаштириш ҳисобига критик чуқурликдан деярли ошмаса-да, барча суғориладиган майдонларда вегетация давридаги суғориш таъсирида даврий ирригацион-грунт сувларининг кўтарилган сатҳи вужудга келди. Бу жараён вегетация даври тугагунча давом этади, юқори минерализациядаги бу сувлар вақти-вақти билан (суғориш оралиқларида) тупроқда шўрхокланиш жараёнини содир этади.

**Хулоса.** Тадқиқотлар ўтказилган ҳудуднинг мураккаб геоморфологик тузилиши, гидрогеологик жараёнларининг ўта мураккаб бўлишига ҳам олиб келади. Массивнинг ҳозирги гидрогеологик шароитлари ҳосил бўлган ер ости сувларининг катта миқдори ҳудуд ташқарисига оқиб чиқиб кетишига имкон бермайди. Натижада бу сувларнинг асосий қисмида туз тўпланишининг жадаллашишига, ўз навбатида, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини умумий ёмонлашувига олиб келади. Суғориш сувларининг каналлардан, суғориш тармоқларидан ва суғорилаётган майдонлардан сизиб ўтиши натижасида сизот сувларнинг сатҳи кескин кўтарилади. Бу, айниқса, жадал суғориладиган ва коллектор зовур тармоқлари билан яхши таъминланмаган ва кучсиз дренашган (зовурлашган) майдонларда сезиларли даражада содир бўлади. Тадқиқот ўтказилган ҳудуднинг асосий қисмида (70–75% майдонларда) сизот сувларнинг сатҳи критик чуқурликдан (2,5–3,0 м) юқори бўлиб, хлорид-сульфатли типдаги шўрланган сизот сувлар 2,7–30,3 г/л.ни ташкил этади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган “Шўрланган ерларни хариталаштириш, ҳисобга олиш ва шўр ювиш меъёрларини аниқлаш бўйича услубий кўрсатмалар”. Тошкент, 2014.
2. Ахмедов А., Намозов Х., Тошпулатов С., Корахонов А. Проблемы засоления и мелиорации земель Узбекистана. №2, 2017, Алматы, с. 53–61.
3. FAO SPUSA (2000) Extent and causes of salt affected soils in participating Countries. Global Network on Integrated Soil Management for Sustainable Use of Salt – Affected Soils FAO – AGL website, p. 136–139.
4. Засуха. Оценка управления и смягчения эффектов для стран Центральной Азии и Кавказа, 2005. Отчет № 31998 – ЕСА, Всемирный Банк, с. 58 – 63.
5. Намозов Х. Суғориладиган тупроқларнинг мелиоратив ҳолати. Т., 2001, 76–81-бетлар.
6. Намозов Х., Холбоев Б. Актуальные проблемы засоления и мелиорации Узбекистана. Международная научно-практическая конференция, посвященная году экологии. Россия. 2017, с. 468 – 472.
7. Турсунов Л., Бобоноров Р., Вакилов А., Юсупов С. Қашқадарё ҳавзаси ҳудуди тупроқлари. Тошкент, “Турон-Иқбол”, 2008, 248-бет.
8. Расулов А.М. Почвы Каршинской степи, пути их усвоения и повышения плодородия. Ташкент, “Фан”, 1976, 298 с.
9. Юлдошева Х., Намозов Х. Суғориладиган ҳудудлар тупроқларнинг ҳозирги мелиоратив ҳолати ва уларнинг унумдорлигини биологик усуллар билан ошириш йўллари.”Фан ва технология” нашриёти, 2020, 284–298-бетлар.
10. Зокирова С.К. Қашқадарё куйи оқими тақирсимон ва тақирли-ўтлоқи тупроқларининг антропоген омил таъсирида ўзгариши. 06.01.03-Агротупроқшунослик ва агрофизика иқтисослиги қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси. дисс. автореферати, Тошкент, 2018, 26-бет.

Яздонов Улуғбек Тошмуротович (Тошкент Давлат Аграр университети Самарқанд филиали, Ижтимоий ва гуманитар фанлар кафедраси мудири, фалсафа фанлар доктори, доцент),  
Таникулов Жанибек Аширкулович (Самарқанд Давлат университети тадқиқотчиси;  
e-mail: yaz-81@mail.ru)

### ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИДА “ҒИЙБАТ ҲИКМАТЛАРИ”ГА МУНОСАБАТ

**Аннотация.** Ушбу мақолада асрлар давомида инсоният ҳаётининг ажралмас қисми бўлиб келаётган муомала, муносабат маданиятининг ўзаги – “ғийбат ҳикматлари”га нисбатан шаклланиб келаётган жамоатчилик фикри (жамоатчилик фикри – ижтимоий воқеаларга, турли гуруҳлар, ташилотлар ва айрим шахслар фаолиятига бўлган яширин ва ошкора муносабатларни ўз ичига олувчи оммавий онг шакли бўлиб, у кучли психологик таъсирга эга бўлган ижтимоий жараён ҳисобланади) ҳақида мулоҳаза юритилади. Шунингдек, бу тушунчанинг мазмун-моҳияти, турли қарашлар тизимидаги ўрни, хусусан, диний ва дунёвий адабиётларда кенг қамровли шарҳланиши, жумладан, диний илмда *ғийбат* – инсонни маънавий қашшоқлик, ахлоқий тубанлик сари етаклашига урғу берилиши, дунёвий илм-тафаккур тарзида *ғийбат* – инсоний (шахслараро) муносабатга киришишида шахс мартабасига нутур етказиши, *ғийбат* қилишни касб этган инсон, аввало, ўз-ўзини обрўсизлантириши, яъни жамият олдида (жамоатчилик фикрида) қадрсизланиши, йиллар давомида мисқоллаб йиққан эл-улус ичидаги обрў-мартабасидан мосуво бўлиши илмий-назарий фактлар асосида ижтимоий-фалсафий таҳлил қилинган.

**Аннотация.** В данной статье излагаются соображения о “сокровенном смысле сплетни” который на протяжении многих веков является неотъемлемой частью жизни человечества, стержнем культуры отношений, в которых формируется общественное мнение (общественное мнение – является формой общественного сознания включающая в себя скрытое и гласное отношение к социальным событиям, различным группам, организациям и деятельности некоторых личностей, это считается социальным процессом обладающим сильным психологическим влиянием). Также описывается смысл и содержание этого понятия, его место в системе различных взглядов, в том числе, всестороннее толкование в религиозной и светской литературе, в частности: сплетни в религиозной науке – это упор на ведение человека к духовной нищете, моральной безнравственности, в светских науках сплетни – это деградация позиции личности при вступлении в человеческие (межличностные) отношения, проделан социально-философский анализ, основанный на научных и теоретических фактах.

**Annotation.** This article sets out considerations about “gossip” which for many centuries have been an integral part of the life of mankind, the core of the culture of relations – in relation to “gossip” public opinion is formed (public opinion is a form of public consciousness that includes a hidden and open attitude to social events, various groups, organizations and activities of some individuals, this is considered a social process with strong psychological influence). It also describes the meaning and content of this concept, its place in the system of various views, including a comprehensive interpretation in religious and secular literature, in particular: gossip in religious science is an emphasis on leading a person to spiritual poverty, moral immorality, in secular sciences gossip is a degradation of the position of a person when entering into human (interpersonal) relations, a socio-philosophical analysis based on scientific and theoretical facts has been done.

**Калим сўзлар:** инсон, *ғийбат*, *ҳикмат*, дунёвий илм, диний илм, ислом дини, Қуръон, Ҳадис, эътиқод, тафаккур, ислоҳ, ахлоқ-одоб, хулқ-атвор, тушунуши, билиши, табиат ва жамият.

**Ключевые слова:** человек, сплетни, сокровенный смысл, мировая наука, религиозная наука, исламская религия, Коран, Хадисы, вера, идеология, реформа, нравственность, поведение, понимание, знание, природа и общество.

**Key words:** man, gossips, quote, world science, religious science, Koran, Hadith, faith, ideology, reform, morality, behavior, knowledge, nature and society.

**Кириш.** Инсон мавжудодлар ичида энг улуғдир. Бу ҳақда ислом динининг муқаддас китоби Қуръони каримда шундай дейилган: “Аллоҳ Таоло Одамга барча нарсаларнинг исмларини

ўргатди”<sup>1</sup> Қуръонда инсонга берилган илмнинг ҳудудсиз эканлигига ишора бор. Одам фарзанди, яъни инсон тажриба орқали ҳамма нарсани тушуниш ва билиш қуввати билан бутун борлиқларга ҳоким бўлиш учун яратилган. Қуръонда инсоннинг билим даражаси фаришталарникидан устун эканлиги кўрсатилган.<sup>2</sup> Аммо бугунги кунда инсонга, унинг хулқ-атвори, ахлоқ-одоби, ўз-ўзига ҳамда ўзгаларга, яъни табиат ва жамиятга бўлган муносабати нуқтаи назаридан баҳо берилганда, уни Оллоҳ яратган бошқа мавжудодлар ичида энг улуғдир, дейишга лойиқмикан!

Бизнинг фикримизча, инсон қуйидаги хусусиятларига кўра, бошқа тирик жонзотлардан ажралиб туради:

*Биринчи жавоб* – тафаккур этиш имконияти мавжудлиги.

*Иккинчи жавоб* – масала юзасидан бошқа инсонлар билан муҳокамага кириша олиш имконияти мавжудлиги.

*Учинчи жавоб* – муаммо ёки масаланинг моҳиятини онгли равишда англаш имконияти мавжудлиги.

*Тўртинчи жавоб* – тажрибасизлиги оқибатида дуч келган муаммосининг қайтарилмаслигини таъминлаш имконияти мавжудлиги.

*Бешинчи жавоб* – ўз ўзини қийнаётган масала ечими юзасидан авлодлар колдирган меросдан фойдалана олиш қобилияти мавжудлиги.

*Олтинчи жавоб* – онг ва қалбида эътиқод тушунчасининг мавжудлиги.

*Еттинчи жавоб* – “ғийбат қилиш” имконияти мавжудлиги.<sup>3</sup>

**Материаллар ва методлар.** Жамоатчилик фикрида “ғийбат ҳикматлари”га муносабат турли адабиётларда турлича талқин этилиб келинмоқда. Хусусан, Ал-Фақиҳ Абу Лайс Самарқандийнинг “Бўстон ул-орифийн” асарида ғийбат – инсон ўз елкасига гуноҳни (ўз-ўзига ёмонликни раво кўриш) “ортиб” олиши учун энг муҳим сабаблардан бири ҳисобланиши киёсий таҳлил услубида кўрсатилган.<sup>4</sup> Имом Исмоил ал-Бухорийнинг “Ал-адаб ал-муфрад” асарида ғийбат – инсон ва жамият ҳаётида нифоқ (ёмонлик) уруғини сочишда асосий воситачи эканлиги, бу иллат авж олган диёрда нафақат шахс ахлоқий тубанлигини ошишига, балки ушбу жамиятда маънавий таназулани ҳам кучайтишига олиб келиши тарихийлик, мантиқийлик услубида очиб берилган.<sup>5</sup> Абдулла Авлонийнинг “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” асарида жамиятда ҳукм сураётган ижтимоий муносабатларда (халқ ахлоқида) “ғийбат ҳикмати” қарор топиши натижасида – инсон камолотини, жамият таянчини белгилаб турган жамики фазилатлар таназулга юз тутиб, жамиятда маънавий қашшоқлик қарор топиши қарама-қаршилик, зиддият ва инкорни инкор этиш категорияси асосида ёритилган.<sup>6</sup> Муҳаммад Собирнинг “Ҳикматли латифалар ва нишонга урилган сўзлар” номли рисоласида “ғийбат ҳикмати”нинг таъсири натижасида шахс ахлоқидаги ўзгаришлар тақлид, ҳажвий ва ўхшатиш услубида кўрсатилган.<sup>7</sup>

Айрим адабиётларда, истисно тариқасида, ғийбатдан ҳам “ҳикмати”ни излаш мумкинлиги кўрсатилган. Жумладан, Ал-фақиҳ Абу Закариё Яҳё ибн Шараф ан-Нававийнинг “Ал-Азкор” асарида қандай ҳолатда киши ғийбат асносида, ижтимоий муносабат билдириши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган.<sup>8</sup>

**Муҳокама ва натижалар.** Инсонни юқорида келтириб ўтилган олти хусусиятига кўра, “улуғ жонзот” дейиш мумкин. Аммо инсоннинг еттинчи хусусияти уни нафақат олти хусусиятидан маҳрум этади, балки инсон сифатида ўз ўзини сақлаб қолишига ҳам путур етказди.

*Асос:* дунё ва охират памғамбари Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи ва салламдан шундай ҳадис бор: Аллоҳ таоло бандаларидаги гуноҳни (ёздирмай) қўйган (яъни, уларни гуноҳқор қилавермай-

<sup>1</sup> Раҳматуллоҳ қори Обидов. Қуръон ва тафсир илмлари. Т., “Ислом университети”, 2003, 5-бет.

<sup>2</sup> Ўша манба. 468-бет.

<sup>3</sup> Язданов У.Т. (2015). Уровень рентабельности формирования общественного мнения. “Наука и Мир”, 2(5), 153 – 155-бетлар.

<sup>4</sup> Ал-Фақиҳ Абу Лайс Самарқандий. Бўстон ул-орифийн. Т., “Мовароуннаҳр”, 2008, 25-бет.

<sup>5</sup> Имом Исмоил ал-Бухорий. Ал-адаб ал-муфрад. Т., “Ўзбекистон”, 1990, 49-бет.

<sup>6</sup> Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. Т., “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi”, 2004, 17-бет.

<sup>7</sup> Муҳаммад Собир. Ҳикматли латифалар ва нишонга урилган сўзлар. Т., “Чўлпон”, 1996, 24-бет.

<sup>8</sup> Ал-фақиҳ Абу Закариё Яҳё ибн Шараф ан-Нававий. Ал-Азкор. Т., “Ғафур Ғулом”, 2005, 28-бет.

ди). Аммо бир киши иккинчи кишини ғийбат қилиб зулм қилса, уни кечирмайди. У гуноҳкор бўлади ва, албатта, ҳалокатга учраши муқаррардир.<sup>1</sup>

*Савол:* ғийбат диний илмда қораланган, бунга кўплаб манбаларни кўрсатиш мумкин. Аммо дунёвий илмда нима дейилган?

*Мулоҳаза:* бизнинг фикримизча, ғийбат ҳеч бир илмда ёқланмайди. Масалан, диний ва дунёвий илмда қаттиқ қораланган ўғирликнинг ҳам ғийбатга нисбатан “тан нархи” енгилдир. Бу хусусида Саъдий Шерозий ҳикматидан:

*“Ҳазилми?” – дедим, кимса сўзлар эди,*

*ўғирликни ғийбатдан аъло, деди.*

*Дедим унга: “Эй фикри хом, беақл,*

*ишонмайди бу қиссага ақлу дил.*

*Ўғирликда не фазл кўрган эдинг,*

*ўғирликни ғийбатдан афзал дединг?”*

*Деди: “Чунки ўғри жасорат қилур.*

*у мардлик кучи-ла қорин тўйгазур.*

*не орттирди ғийбатчи ғийбат қилиб?*

*фақат қолди ўзи хижолат бўлиб”.*<sup>2</sup>

*Савол:*

– инсон нима учун ғийбат қилади?

– инсон ғийбат қилиш асносида олган фойдаси кўпми ёки зарари?

– ғийбатда ҳикмат борми?

*Жавоб:* биринчи ва иккинчи саволга берилиши керак бўлган жавоб ҳар кимнинг виждони билан белгиланади. Аммо учинчи саволга нисбатан шундай фикрлар ҳам мавжуд: ғийбат ҳаром бўлса-да, баъзи ҳолатларда, ислоҳ учун рухсат этилган. Ана шу ислоҳ саҳиҳ, шаръий мақсадда бўлиб, ундан бошқа йўл билан етишиш мумкин бўлмаса, ўшанда рухсат этилган. Яъни:

*Биринчиси – инсонни тўғри йўлга қайтариш учун ёрдам сўраш.* Масалан, султонга ёки қозига фалон киши бундай ишларни қилиб юрибди, уни бундан тўхтатиб қўйинг, деб арз қилиш.

*Иккинчиси – фикр-мулоҳаза сўраш.* Масалан, отам, иним ёки фалончи менга зулм қилди, ундан халос бўлиш ва зулмни ўзимдан даф этиш йўли қанақа? деб сўраш.<sup>3</sup>

*Фикр:* умуман, бугун шиддат билан ўзгариб бораётган замонда юқорида зикр этилган икки сабаб ўз мавқеини сақлаб қолмоқ. Яъни, бири давлатнинг ижро органи (маҳалла, ҳокимият, прокуратура, суд ва ҳ.к.) мажбуриятида бўлса, иккинчиси давлат ва нодавлат ташкилотлар (адвокатура, марказлар, диний муассаса ва ҳ.к.) фаолиятида амалга оширилмоқда.

*Мақсад:* ғийбат мавзусини кўтаришимизнинг асосий сабаби шуки, бугун *ғийбат* кундалик ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб бормоқда. Масалан, суҳбат, муносабат, таққослаш, ўхшатиш, ўз-ўзимизга тасалли бериш, ўз-ўзимизга баҳо бериш, ўз устунлигимизни билдириш, ўзганинг ожизлигини исботлаш ва ҳоказо шаклида намоён бўлиб келаётганлиги, биринчидан, инсонлар ўртасидаги меҳр оқибатни емирилишига сабаб бўлмоқда; иккинчидан, инсоний туйғулар устидан “нафсоний, ҳайвоний” ҳирсларнинг ошиб боришига олиб келмоқда. Бу ҳолат инсон ва унинг келажаги учун яхшими ёки ёмон!

*Савол:* инсонда инсонийлик туйғулари (хислатлари)нинг емирилиши “Уни” қандай ҳолатга туширади?

*Жавоб:*

– инсонда “мен” тушунчаси муқаррар ўрнашади;

– инсон ўзгалар ҳаққини ўзлаштиришни касб этади;

– инсон ризқ топишда ҳалол-ҳаромнинг фарқини йўқотади;

– инсон ўзгалар ҳисобидан яшай бошлайди;

– инсон маънавиятсизлик, маданиятсизлик сари йўл олади;

– инсон ўзлигини йўқотади;

– инсон ҳалок бўлади (инсоният учун қиёмат келади).

<sup>1</sup> Имом Исмоил ал-Бухорий. Ал-адаб ал-муфрад. Т., “Ўзбекистон”, 1990, 95-бет.

<sup>2</sup> Саъдий Шерозий. Ғазал, рубоий, ҳикматлар. Т., “Шарқ”, 2007, 114-бет.

<sup>3</sup> Ал-фақиҳ Абу Закариё Яҳё ибн Шараф ан-Нававий. Ал-Азкор. Т., 2005, 240-бет.

*Изоҳ:* диний илмда инсонийлик туйғуларининг емирилишига сабаб бўлувчи ғийбат “баҳо-сига” шундай муносабат билдирилган. Абу Ҳурайра айтдилар: Моиз ибн Молик Асламий келди, уни Расулуллоҳ (с.а.в.) “Робиъа” деган жойда ражм (тошбўрон) қилдирдилар. Расулуллоҳ (с.а.в.) бир сафар саҳобийлар билан ўша ердан ўтдилар. Улардан бири: мана шу ҳалок бўлган одам Набий (а.с.)нинг олдиларига бир неча бор келди, ҳар сафар келганида ул зот уни қайтардилар, мана, қаранги, итдек ўлиб кетди, деди. Расулуллоҳ (с.а.в.) ўлиб, оёқлари қуриб ётган эшакнинг ёнидан ўт-гунча индамадилар, сўнг ҳалиги кишига: мана бундан енглар! дедилар. Шу ўлган эшакдан-а, Расулаллоҳ? деб сўрашди. Ул зот: Сизлар ўлган биродарингиз обрўсини тўкишдан эришган нарсангиз, буни ейишдан оғирроқ гуноҳдир, дедилар.<sup>1</sup> Эй инсон мулоҳаза юритиб кўр-чи, ўз шаккоклиги сабабли жазоланган инсонга ҳам ғийбат тошини отиш жоизмикан!

Аксинча, ғийбат аломатини ўзидан фориғ тутган инсонга нисбатан ҳикмат кўпдир. Мисол, Ибн умму Абд айтдиларки, қайси бир инсон олдида ғийбат қилинганда у ўша ғийбатни тўхтатса, Аллоҳ таоло уни дунё ва охиратда мукофотлайди. Қайси бир инсон олдида бўлаётган ғийбатни тўхтатмаса, Аллоҳ таоло уни дунё ва охиратда жазолайди!<sup>2</sup>

*Жазо:* Жобир ибн Абдуллоҳ (р.а.) айтдилар: Расулуллоҳ (с.а.в.) билан бирга эдик. Ул зот эгалари азобланаётган икки қабр тепасига келиб, бу иккиси катта гуноҳ сабабли азобланаётгани йўқ, улардан бири одамларни ғийбат қилиб юрарди, иккинчиси эса сийдикдан эҳтиёт бўлмасди, дедилар.<sup>3</sup>

**Хулоса. Биринчидан,** инсон ўз мақомини сақлаб қолиши учун нима қилиши керак! У шайтон (ёмон ниятли кишилар) амалидан ўзини фориғ тутмоғи лозим.<sup>4</sup> Шайтон амаллари: Иблис айтди: Эй Раббим, мени одам сабабли жаннатдан чиқардинг, энди менинг уйим қаерда? Аллоҳ таоло айтди – сенинг уйинг ҳаммомдир. Иблис айтди: мажлисим қаерда? Аллоҳ таоло айтди – сенинг мажлисинг бозордир. Иблис айтди: ўқийдиган нарсам нима? Аллоҳ таоло айтди – ўқийдиган нарсанг шеърдир. Иблис айтди: тузоғим нима? Аллоҳ таоло айтди – тузоғинг аёллардир. Иблис айтди: сўзим нима? Аллоҳ таоло айтди – сўзинг ғийбат ва ёлғондир.<sup>5</sup>

**Иккинчидан,** инсон қачон ғийбатдан ўзини сақлайди! У чин илм соҳиби бўлса, бу хусусида Абдулла Авлоний шундай дейди: Илм инсон учун ғоят олий ва муқаддас бир фазилатдур. Зеро, илм бизга ўз аҳволимизни, ҳаракатимизни ойна каби кўрсатур. Илм савобни гуноҳдан, ҳалолни ҳаромдан, тозани мурдордан ажуроб берур, тўғри йўлга раҳнамолик қилуб, дунё ва охиратда масъуд бўлишимизга сабаб бўлур.

Илмсиз инсон мевасиз дарахт кабудур. Чунки илмсиз кишилар ота-онасига, қариндош-уруғига, ёр-дўстига, дин ва миллатига фойда еткурмак бир тарафда турсун, ўз устига лозим бўлган ибодат ва тоатни ҳам лойиқича қила олмас.<sup>6</sup>

**Учинчидан,** инсон қачон ғийбат “чархини” ушламайди! У бағрикенг бўлса. Бу хусусида Ҳасан Басрий (қ.с.) ҳикматидан: бир киши Ҳасан Басрий (қ.с.) ҳазратларининг олдиларига келиб, “Фалончи сенинг ҳаққингда фалондай пистондай номаъқул гапларни гапирди”, дебди.

- Қачон?
- Бугун.
- Қаерда?
- Уйида.
- Унинг уйида нима қилаётган эдинг?
- Зиёфатга борувдим.
- Зиёфатда нима единг?

Ҳалиги киши саккиз хил таомнинг номини санади. Шунда Ҳасан Басрий (қ.с.):

– Ўша одамнинг саккиз хил таоми қорнингга сиғдию бир оғиз сўзи сиғмадимми? Тур, кет, бу ердан! – деди ва ғийбатчини даргоҳларидан қувиб чиқарди.<sup>7</sup>

<sup>1</sup> Имом Исмоил ал-Бухорий. Ал-адаб ал-муфрад. Т., “Ўзбекистон”, 1990, 118-бет.

<sup>2</sup> Ўша манба. 117-бет.

<sup>3</sup> Ўша манба. 118-бет.

<sup>4</sup> Yazdanov U.T. (2013). Cross-national relations from the public opinion point of view. Science and Society, (2), p. 153–156.

<sup>5</sup> Ал-Фақиҳ Абу Лайс Самарқандий. Бўстон ул-орифийн. Т., “Мовароуннаҳр”, 2008, 25-бет.

<sup>6</sup> Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. Т., “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi”, 2004, 11-бет.

<sup>7</sup> Муҳаммад Собир. Ҳикматли латифалар ва нишонга урилган сўзлар. Т., “Чўлпон”, 1996, 2-бет.



**Тўртинчидан**, инсон қачон ғийбат ботқоғига ботмайди! У қалбан пок бўлса. Бу борада Имом ал-Бухорий тўплаган ҳадисда шундай фикр бор: Жобир ибн Абдуллоҳ (р.а.) айтдилар: Расулulloҳ (с.а.в.) билан бирга эдик. Қандайдир сассиқ хид таралди. Шунда Расулulloҳ (с.а.в.): Биласизларми бу нима? Бу мўминлар ғийбатининг хидидир, дедилар.<sup>1</sup>

**Бешинчидан**, умуман, инсон мукамал иймон соҳибиди, жисми ва руҳи пок бўлса, у, албатта, ғийбат гирдобиди ўзини қурбон этмайди.<sup>2</sup> Бу ҳолат, биринчидан, унга икки дунё мукофотини берса, иккинчидан, яшашида фароғат, юришида жасорат, қилмишидан ҳикмат топади.

**Ибрагимова Найира Анваровна (Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),  
Тошкент Ахборот технологиялари университети доценти; e-mail: nayira@inbox.ru)  
ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИККА МУТАСАДДИ ИНСТИТУТЛАРНИ  
СТРУКТУРАВИЙ-ФУНКЦИОНАЛ ИНТЕГРАЦИЯЛАШТИРИШ ВАЗИФАЛАРИ**

**Аннотация.** Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этишида: миллий хавфсизлик, шу жумладан, экологик хавфсизликни таъминлашнинг институционал тизимини яратиши ва уларнинг функционал интеграциясини таъминлашга боғлиқлигини кўрсатиб берди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон давлатининг истиқболлини белгилашда экологик хавфсизликка мутасадди институционал тизимини шакллантиришга ва уларнинг фуқаролик дифференциацияси ҳамда интеграциясига катта эътибор берилди. Мазкур институтлар фаолиятини ташиқлаштириши, бошқариши ва назорат қилишида экологик хавфсизликка мутасадди институтлар фаолиятини функционал интеграциялаштиришининг аҳамияти каттадир. Экологик хавфсизликни таъминлашга дахлдор давлат органлари ва ташиқлотлари бевосита мутасадди ҳамда билвосита алоқадор институтларга ажратиб ўрганилган. Барқарор экологик хавфсизликни сақлашга мутасадди давлат ташиқлотлари, оммавий фуқаролик институтлари фаолиятини мувофиқлаштириши, уларнинг ўзаро функционал интеграциялашуви ва глобаллашувининг умуминсоният манфаатларига адекватлиги тадқиқ қилинган.

**Аннотация.** Создание сильного гражданского общества и правового демократического государства тесно связано с национальной безопасностью, а наряду с этим, с созданием институциональной системы по обеспечению экологической безопасности и их функциональной интеграцией. Поэтому, при определении перспектив Республики Узбекистан, было отведено большое сосредоточенное внимания созданию институциональной системы, ответственной за экологическую безопасность, а также их функциональной дифференциации и интеграции. Функциональная интеграция деятельности таких институтов, ответственных за обеспечение экологической безопасности, играет большую роль в процессе их управления, контроля и в процессе всей деятельности. На основе разделения на непосредственно ответственных и непосредственно связанных институтов, были изучены государственные органы и предприятия, ответственные за обеспечение экологической безопасности. Стало ясно, что улучшение деятельности массовых гражданских институтов и государственных организаций, ответственных за обеспечение стабильной экологической безопасности, а также их взаимная функциональная интеграция и глобализация являются адекватными к общечеловеческим интересам.

**Annotation.** The creation of a strong civil society and a rule of law democratic state are closely connected with national security, and at the same time, with the creation of an institutional system ensuring environmental safety and its functional integration. Therefore, in determining the prospects of the Republic of Uzbekistan, great attention was paid to the creation of the institutional system responsible for environmental safety, as well as its functional differentiation and integration. The functional integration of the activities of such institutions responsible for environmental safety plays a big role in the process of management, control of all activities. On the basis of division into directly responsible and directly related institutions, the government bodies and enterprises responsible for ensuring environmental safety are studied. It became clear that the improvement of the activities of mass civic institutions and state organizations responsible for ensuring stable environmental safety, as well as their mutual functional integration and globalization, are adequate to human interests.

<sup>1</sup> Имом Исмоил ал-Бухорий. Ал-адаб ал-муфрад. Т., “Ўзбекистон”, 1990, 117-бет.

<sup>2</sup> Yazdanov U.T. (2014). Democracy of governing: state, society and public opinion. European science review, (3-4), p. 184 – 187.

**Калим сўзлар:** институционал тизим, мутасадди, интеграция, глобаллашув, атроф-муҳит, экологик хавфсизлик, функционал, таҳдид, табиий ресурслар.

**Ключевые слова:** институциональная система, ответственный, интеграция, глобализация, окружающая среда, экологическая безопасность, функциональный, угроза, природные ресурсы.

**Key words:** institutional system, responsible, integration, globalization, environment, environmental safety, functional, threat, natural resources.

**Кириш.** Сўнги йилларда кучли фуқаролик жамияти куришга, хусусий мулк устуворлигига, эркин бозор муносабатларига асосланган иқтисодий ривожлантиришга, халқнинг осойишта ва фаровон ҳаёт кечириши учун зарур шарт-шароитлар яратилди. Хусусан, иқтисодий ривожлантиришда атроф-муҳит муҳофазаси ва табиат ресурсларидан оқилона фойдаланишга мутасадди мавжуд давлат ва нодавлат ноижорат ташкилотлари, оммавий фуқаролик институтлари модернизациясига, янгиларини ташкил қилишга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилди.

**Асосий қисм.** “Ҳаракатлар стратегияси”нинг хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш, деб номланган бешинчи йўналиши экологик хавфсизликка мутасадди институтларнинг структуравий-функционал тузилишини яна-да такомиллаштиришда катта аҳамиятга эга. Зеро, давлат сиёсатида экологик хавфсизликни таъминлаш стратегиясининг ижтимоий моҳият-мазмунини, амалий аҳамияти, мустақиллик йиллари қабул қилинган қонун ва қарорларни ҳаётга изчил жорий қилишда намоён бўлади.

Дарҳақиқат, давлатни ривожлантириш “Ҳаракатлар стратегияси”да республикамизнинг конституциявий тизимини, суверинитетлигини, табиий атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, Орол фожияси оқибатларини юмшатиш, миллатлараро, давлатлараро, конфессиялараро ижтимоий муносабатларни ривожлантиришнинг устувор йўналишилари вазифаларини режалаштириш ва уларни амалга оширишнинг асосий мақсади – инсон эҳтиёжларини қондириш, манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, миллий хавфсизлик концепциясининг таркибий қисми ва конкретлашган кўринишидир.<sup>1</sup>

Мамлакатимизда мазкур институтларни ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат қилиш фаолиятини экологик хавфсизликка таҳдидлар олдини олиш, оқибатларини бартараф этишда функционал интеграциялаштиришнинг аҳамияти, жамиятнинг экологик, иқтисодий ва ижтимоий манфаатларига зид фаолиятларни қонуний-ҳуқуқий, маъмурий чегаралаш, тақиқлаш, жазолаш чораларини қўллашдан иборат бўлиб:

- мамлакатда табиий атроф-муҳитни ифлослантирадиган ва инсон сихат-саломатлигига зарар етказадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришини таъқиқлаш, мавжудларини зарарсизлантириш;

- импорт маҳсулотларининг экологик стандартларга мослигини ва одамлар саломатлигига зарар келтирмаслигини аниқлаш ҳамда уларнинг мамлакатга кириб келишининг олдини олиш;

- қурилиш лойиҳаларини, корхоналарини жойлаштиришни, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни экологик экспертизадан ўтказиш мажбурийлиги ва сифатини таъминлаш;

- аҳолининг экологик саводхонлигини, маданиятини ошириш учун улар ўртасида янги замонавий тарғибот-ташвиқот технологияларидан фойдаланиб, фаоллиги ва масъулиятини ошириш вазифаларни комплекс-системали бажаришдир.

Бу вазифалар экологик хавфсизликни таъминлашга мутасадди давлат ташкилотлари, оммавий фуқаролик институтлари фаолият йўналишларини функционал конкретлаштиришга хизмат қилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Экология ва табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси тўғрисидаги Низомнинг 12-бандида Табиатни муҳофаза қилиш борасида унинг вазифалари белгиланган. Яъни:

- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланишда иқтисодий усулларини, ресурсларни тежайдиган, камчиқит ва чиқитсиз технологиялар қўлланилишини рағбатлантиради;

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. “Ўзбекистон Республикасини ривожланишнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. Тошкент, “Адолат”, 2017, 112-бет.

– табиатни муҳофаза қилиш ва ресурсларидан рационал фойдаланишда фан-техника тараққиёти ютуқларини амалиётга жорий этиш асосида экологик хавфсизликка таҳдидларни бартараф қилади;

– республикада табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш бўйича экологик нормативларни, қоида ва стандартларни ишлаб чиқишни ва ҳаётга жорий этишни ташкил этади;

– турли ташкилот ва институтларнинг табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини метрология жиҳатидан таъминлаш юзасидан иш олиб боради;

– барча турдаги табиий ресурсларни хўжалик оборотига жалб этиш кўламини тартибга солиш мақсадида табиий атроф-муҳит ҳолатига антропоген фаолиятнинг таъсирини таҳлил қилади;

– Олий Мажлисга, Вазирлар Маҳкамаси ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, табиатдан фойдаланувчиларга табиатни муҳофаза қилишга доир чора-тадбирларини бажаришларига оид таклифлар беради;

– вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар ва табиатдан фойдаланувчи бошқа ташкилотларнинг табиатни муҳофаза қилишга доир илмий тадқиқот ишлари дастурларини мувофиқлаштиради;

– моддий ишлаб чиқариш корхоналарининг табиатни ифлослантирувчи моддаларни чиқариб ташлаши ҳамда оқизиши нормативларини ва чиқиндиларни жойлаштириш лимитларини белгилайди;

– атроф-муҳитни ифлослантирганлик учун юридик ва жисмоний шахслардан компенсация тўловларини, жарималарни ундиради ва улардан белгиланган тартибда фойдаланади;

– Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси, вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар билан биргаликда ифлослантирувчи манбалар ва уларнинг атроф-муҳитга зарарли таъсирлари (табиий таъсирлардан ташқари) ҳисобини юритади, деб кўрсатилган.<sup>1</sup>

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тизимидаги илмий текшириш институтлари фаолиятини экологиялаштириш: алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш, уларнинг давлат кадастрини тузиш; йўқолиб кетиш эҳтимоли юқори бўлган ўсимлик ва ҳайвон турларининг “Қизил китоби”ни яратиш ва уларни муҳофаза қилишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш; табиатни ифлослантирувчи моддалар таркибини ва уларнинг тарқалиш ареалини аниқлаш; илмий тадқиқотларнинг экологик аҳамиятини оширишни, асосий мақсадлардан бирига айлантириши керак.

Экологик хавфсизликни таъминлашга дахлдор давлат органлари ва ташкилотларини, шартли равишда, бевосита мутасадди ҳамда билвосита алоқадор институтларга ажратиш мумкин, Соғлиқни сақлаш, Қишлоқ ва сув хўжалиги, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ушбу соҳага масъулдирлар. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 19 сентябрда тасдиқланган қарори билан “2008–2012 йилларда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишлари дастури” қабул қилингандан кейин Мудофаа вазирлиги ҳам бу ишга масъул, деб белгиланди.

Республика Экология ва табиатни муҳофаза қилиш Давлат кўмитасига ҳисобот берадиган асосий ташкилотлар:

– Фавқулодда вазиятлар вазирлиги;

– Соғлиқни сақлаш вазирлиги;

– Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги;

– Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри Давлат кўмитаси;

– Геология ва минерал ресурслар Давлат кўмитаси;

– Ўзбекистон гидрометеорология хизмати;

– Глобал экологик жамғарма ва Орол денгизи ҳавзаси дастурини бажариш агентликлари.

Булардан ташқари: Иқтисодиёт вазирлиги, Чет эл иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Адлия вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри Дав-

<sup>1</sup> ЎзР 30.08.2003. 535 II сонли Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида.

лат кўмитаси экологик хавфсизликни таъминлаш ишига дахлдор ва масъул ташкилотлар ҳисобланади.<sup>1</sup>

Республика Экология ва табиатни муҳофаза қилиш Давлат кўмитасининг ҳар йили Олий Мажлис юқори палатаси – Сенатига ҳисобот бериши мамлакат экологик хавфсизлигига таҳдидлар олдини олишда марказлашган институт (хусусан, Олий Мажлис палаталари – қонунчилик ва Сенати, ижро ва суд ҳокимияти)нинг ташкилотчилиги ва назорат фаолиятини, давлатни ижтимоий-экологик барқарор ривожлантириш кафолати сифатида қаралиши лозим.

Умуман, давлатнинг миллий экологик хавфсизлигини таъминлашга мутасадди ташкилотлари: оммавий фуқаролик институтлари, норасмий ”тўртинчи ҳокимият” – ОАВ, “бешинчи ҳокимият” – жамоатчилик фикри ва “халқ дипломатияси” билан уйғунликдаги фаолияти қутилган натижани бериши мумкин.

Бунда давлат, норасмий ҳокимият шакллари ва оммавий фуқаролик институтларининг функционал интеграцияси:

– экологик хавфсизликка таҳдидлар олдини олиш, табиатни муҳофаза қилиш, ресурсларидан оқилона фойдаланиш мақсадида реал экологик вазиятни аниқлаш учун, идоралараро ваколатли илмий-техникавий эксперт кенгашлари ва комиссиялари фаолияти самарадорлигини оширади;

– табиатни муҳофаза қилишнинг яқин ва узоқ муддатли дастурларини, ҳудудий комплекс режаларини, лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга мутасадди давлат инспекцияси, вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралар фаолиятини мувофиқлаштиришга хизмат қилади;

– табиат муҳофазасига ихтисослашган институтлар, юридик ва жисмоний шахслар, корхона раҳбарлари тасарруфидаги объектларда экологик хавфсизлик чора-тадбирларни амалга ошириш учун шахсий жавобгарлиги ва масъулиятини кучайтириш имконияти, омили ҳисобланади;

– табиатни ифлослантирганлик, табиий ресурслардан оқилона фойдаланмасдан етказилган зиённи қоплаш учун юридик ва жисмоний шахслардан ундирилган жарима суммаларни, бевосита табиатни муҳофаза қилиш тадбирларига сарфлаш тартибларини ва манзилни белгилайди;

– молия-банк муассасаларига экологик хавфсизлик тўғрисидаги қонун ва расмий ҳужжатларга риоя қилмаганлиги, нормативлар қоида ва стандартларни бузилганлиги учун ишлаб чиқариш объектларини лойиҳалаш, қуриш ва кенгайтиришни маблағ билан таъминлашни тўхтатади;

– корхоналар, муассасалар ва ташкилот раҳбарларини табиатни ифлослантиргани, ресурслардан нооқилона фойдаланганлиги учун тегишли органларга маъмурий, жиноий жавобгарликка тортиш ёки, аксинча, экологик фаолиятларини рағбатлантириш тўғрисида тақдимномалар кириштиш ваколатини беради.

Шу талабга асосан, 2017–2021 йилларда Оролбўйи ҳудудини ривожлантиришнинг Давлат дастури ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори қабул қилиниши катта тарихий аҳамиятга эга бўлди. Яъни, бу дастурда ҳудуддаги ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий масалалар ҳар томонлама қамраб олинган. Хусусан, янги иш жойларни ташкил этиш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, хўжалик чиқиндиларни утилизация қилиш ва санитария аҳолини, транспорт, инфраструктурани яхшилаш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш, соғлиқни сақлаш ва аҳоли генофондини сақлаш, фан, маданият ва таълим тизимини ривожлантириш каби соҳаларни комплекс ривожлантириш масалалари ўз ифодасини топган.

Мазкур давлат дастурини самарали бажариш учун Молия, Иқтисодиёт, Соғлиқни сақлаш, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги ва сув, Экология ва табиатни муҳофаза қилиш, Ўзбекистон Республикаси Архитектура ва қурилиш Давлат кўмиталари, “Ўзкоммунхизмат” ва хўжалик бирлашмалари доимий ҳаракатдаги ишчи гуруҳларни туздилар.<sup>2</sup> Уларнинг интегратив фаолияти Оролбўйи экологик муаммосини юмшатишда қаратилган тарихий аҳамиятга эга бўлди.

Ўзбекистон давлатида экологик хавфсизликни таъминлаш институтларининг структуравий-функционал интеграцияси:

● бир томондан, экологик хавфсизликни таъминлашга доир қабул қилинган Президент фармонлари, ҳукумат қарорлари ва тегишли қонунлар экологик муаммоларни ҳал этишнинг самарали йўлларини ишлаб чиқиш ва уларни ҳаётга жорий этишга;

<sup>1</sup> Бирлашган Миллатлар Ташкилоти. Нью-Йорк ва Женева, 2010, 28-бет.

<sup>2</sup> Постановление Президента Республики Узбекистан о государственной программе развития региона Приаралья на 2017–2021 годы. Собрание законодательства Республики Узбекистан., 2017 год, №4, с. 49.

• иккинчи томондан, барқарор экологик хавфсизликни таъминлаш мамлакат иқтисодиёти ривожланишига, ижтимоий ҳаётини яхшилашга, халқ фаровонлигини ошириш ва инсон манфаатларини кондирити билан характерланади.

Республикамининг барқарор ривожланиш ва хавфсизлик концепциясида ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий кўрсаткичлари индексини белгилашда экологик хавфсизликни таъминлаш даражасига алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, институционал тизими самарадорлигини белгилайдиган индектив метод (экологик таҳдид кучайиши ёки камайишини билдиради) асосида мамлакатда экологик хавф даражаси аниқланиб, унинг: куйи, ўрта, юқори, инқирозли ва ҳалокатли даражалари белгиланади.

**Хулоса.** Умумлаштириб айтганда, Ўзбекистон Республикаси миллий экологик хавфсизлик концепциясини амалга оширишга мутасадди институтлар фаолиятини структуравий-функционал интеграциялаштириш, уларнинг ваколати доирасида:

• биринчидан, турли фан соҳалари ва таълим-тарбия институтлариинг ишлаб чиқариш амалиёти билан интеграциялашуви, экологик хавфсизликни муҳофаза қилиш фаолияти комплекс-системалилигини таъминлайди;

• иккинчидан, миллий экологик хавфсизлик сиёсатини амалга ошириш стратегияси ва тактикаси самарадорлиги, Ўзбекистон Конституцияси ва қонунларининг халқаро ҳуқуқ меъёрларига уйғунлаштирилишга боғлиқдир;

• учинчидан, экологик хавфсизликка мутасадди давлат ва нодавлат-нотижорат ташкилотлар фаолиятини уйғунлаштиришда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий асосларини комплекс ривожлантириш катта роль ўйнайди;

• тўртинчидан, Ўзбекистонда миллий тараққиётнинг 2017–2021 йилларга мўлжалланган “Харакатлар стратегияси” да белгиланган экологик вазифаларини эътиборга олиб, концепцияни доимий такомиллаштириб бориш муҳим амалий аҳамиятга эга. Зеро, давлатнинг барқарор тараққиёти, унинг экологик хавфсизлигини таъминлашга боғлиқдир.

**Бўриев Мансур Рахматуллаевич (Тошкент Кимё-Технология институти Ижтимоий-сиёсий фанлар кафедраси ўқитувчиси)**

## **ЖАМИЯТНИНГ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШУВИ ШАРОИТИДА ЁШЛАРНИ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ЖИҲАТДАН ТАРБИЯЛАШ МАСАЛАЛАРИ**

**Аннотация.** Ушбу мақолада Жамиятнинг модернизациялашуви шароитида ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш масалаларини амалга ошириш, баркамол ёшларни тарбиялашдан масалалари ёритилган. Ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш ақлий, ахлоқий ва маънавий тарбияни қўшиб олиб бориш кўзланган мақсадга эришининг йўли сифатида эътироф этилган. Жамиятнинг модернизациялашуви даврида барча иллатларнинг асосий сабаби илмсизлик, тарихий хотирага эътиборсизлик ва миллий ўзликни англамаслик эканлиги ёритилган.

**Аннотация.** В статье рассматривается реализация вопросов духовно-нравственного воспитания молодежи в условиях модернизации общества, воспитания гармонично развитой молодежи. Духовно-нравственное воспитание молодежи признано способом достижения поставленной цели путем сочетания умственного, нравственного и духовного воспитания. Указывается, что в период модернизации общества основной причиной всех пороков является незнание, пренебрежение исторической памятью и непонимание национальной идентичности.

**Annotation.** This article deals with the implementation of the issues of spiritual and moral education of youth in the context of modernization of society, the education of harmoniously developed youth. Spiritual and moral upbringing of young people is recognized as a way to achieve the intended goal by combining mental, moral and spiritual education. It is pointed out that in the period of modernization of society, the main cause of all vices is ignorance, disregard for historical memory and lack of understanding of national identity.

**Калим сўзлар:** жамият, модернизация, модернизм, ахлоқ, ахлоқий тарбия, инсон тарбияси, маънавият, фан, маърифатли киши, ақлий тарбия, жамиятнинг модернизациялашуви, таълим-тарбия, “Авесто”, дин, миллий ўзлик, тарих, эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал, “Алпомиш”, “Широқ”, “Тўмарис” достонлари, Форобий, Ибн Сино, Беруний асарлари, тарихий анъаналар, Имом Исмоил Бухорий, Имом Термизий, Нажмиддин Кубро, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд таълимотлари, ҳалоллик, поклик, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик.

**Ключевые слова:** общество, модернизация, модернизм, мораль, нравственное воспитание, человеческое воспитание, духовность, наука, просвещенный человек, умственное воспитание, модернизация общества, образование, “Авесто”, религия, национальная идентичность, история, хорошие мысли, добрые слова, добрые дела, «Алпомиш», эпосы «Ширак», «Томарис», произведения Фороби, Ибн Сино, Беруни, исторические традиции, учение имама Исмаила Бухари, Имама Термези, Наджмиддина Кубро, Ахмада Яссави, Бахоуддина Накиббанда, честность, чистота, трудолюбие, человечность.

**Key words:** society, modernization, modernism, morality, moral education, human education, spirituality, science, enlightened person, mental education, modernization of society, education, Avesto, religion, national identity, history, good thought, good word, good deed, “Alpomish”, “Shirak”, “Tomaris” epics, works of Forobi, Ibn Sino, Beruni, historical traditions, teachings of Imam Ismail Bukhari, Imam Termezi, Najmiddin Kubro, Ahmad Yassavi, Bahouddin Naqshband, honesty, purity, diligence, humanity.

Бугунги янги Ўзбекистонни барпо этишда, маълумки, ҳамма соҳаларда модернизация жараёнлари бўлмоқда ва инновацион ғоялар амалга оширилмоқда. Бу миллий менталитетга ва ёшларнинг маънавий-ахлоқига қандай таъсир кўрсатмоқда, шу мақсадда, аввало, модернизацияни маданиятга ва санъатга таъсирини тарихига назар солсак. Модернизм деганда, одатда, XIX аср охирилари – XX аср ўрталарига қадар Ғарб санъатида мавжуд бўлган импрессионизм, экспрессионизм, неоимпрессионизм, фовизм, кубизм, футуризм каби оқимлар назарда тутилади. Бу оқимлар мумтоз анъаналарни қайта ишловдан ўтказиш керак, деган фикрини олдинга сурган авангардизм оқимининг илк босқичидир (Бу оқим 1863 йил Парижда очилган “Инкор этилганлар салони” очилиши муносабати билан шакллланган бўлиб, рассомлар томонидан дунёни янгича кўришга интиланган оқим эди). Модернизмнинг асосий мақсади муаллифнинг ички эркинлигига ва оламни ўзига хос кўришига асосланган ва тасвирий тилнинг янги ифодаланиш шакллари билан юзага келтирилган, кўпинча, аввал қарор топган қоидаларга намойишкорона қарши чиқиш билан юзага келадиган “бошқача санъат” сифатида майдонга чиққан эди.

Модернизм модерн даврининг махсулидир. Қомусий луғатларда келтиришича, “модерн” инглизча modernity атамаси – “ҳозирги давр” маъносини англатувчи тушунча бўлиб, капиталистик тузум қарор топиши, индустриаллашув, урбанлашув,<sup>1</sup> секуляришув,<sup>2</sup> давлат институтларининг ривожланиши каби жараёнлар натижасида жамиятда содир бўлган ўзгаришларни ифодалайди. Тарихий аҳлиларда бу жамиятлар анъанавий жамиятларга, шунингдек, постмодерн (модерндан кейинги жамиятларга ҳам) қарши қўйилади.<sup>3</sup> Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоиздан зиёдини ёшлар ташкил этади. Бу навқирон миллат сифатида катта интеллектуал имкониятлар Ўзбекистонда мавжуд эканлигини кўрсатади.

Ёшлиқда – бу ахлоқий идеални излаш, мақсадларни ва ҳаётий позицияни шакллантириш, касб танлаш, оилавий ҳаётга тайёргарлик палласидир. Ҳаётга қадам қўяётган йигит-қизлар учун улар фаолияти фойдали бўлишигина эмас, балки бу фаолият ўз шахсий мақсадларига мувофиқлиги, ҳаёт режаларининг амалга ошишига мумкин қадар тўлароқ кўмаклашиши ҳам ғоят муҳимдир.

Бугунги жамиятнинг модернизациялашуви шароитида жамиятимиз олдида турган асосий вазифа мустақил фикрловчи эркин шахсни шакллантиришдан иборат. Бу ўз кадр-қимматини англайдиган, иродаси бакуват, иймони бутун, ҳаётда аниқ мақсадга эга бўлган инсонларни тарбиялашдан иборат. Бундай ёшлар уюшган жамиятни, улар барпо этган маънавий-руҳий муҳитни сохта ақидалар билан бузиб бўлмаслигига ишонадилар.

Хориждаги айрим сиёсий кучлар жамиятимизнинг истикболи бўлган ёшларимизни ўз таъсирига олишга уринаётган, айни замонда, таълим-тарбия тизимини ёшлар муаммоларини ҳал қилишга қаратишимиз керак.

<sup>1</sup> Лотинча urbanus – шаҳарлилашув маъносини ифодалайди. Бу жараён индустрия ва меҳнат тақсимоли тарраққиети натижаси ўлароқ, жамият тарраққиетида шаҳарлар ролининг ортиши, кўп сонли аҳолининг ишга жойлашув мақсадида ва бошқа маданий эҳтиёжларга кўра, шаҳарларга оқиб кириши, кичик шаҳарларнинг йирик шаҳарларга айланиши ва ҳ.к. ташкил топган жараён.

<sup>2</sup> Маънавиятнинг диндан узоклашиши, инсонлар онгининг дунёвийлашуви.

<sup>3</sup> Ш.Б.Қаҳҳорова. “Руҳий баркамоллик – умумбашарий инқироздан халос бўлишнинг ягона йўли”. 2019 йил. Фалсафий суҳбат. Facebook.

Ёшларни ҳар хил салбий оқимларга кириб кетишини олдини олишда маънавий-ахлоқий тарбиянинг ўрни каттадир. Маънавий-ахлоқий тарбия жамият тараққиётида катта аҳамиятга эга. "Ахлоқ" тушунчаси арабча "хулқ-атвор" деган маънони англатади. Ахлоқ – ижтимоий онг шакллари-дан бири, ижтимоий тартиб-қоида бўлиб, бу тартиб-қоида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида кишиларнинг хатти-ҳаракатларини тартибга солиш вазифасини бажаради.

Маънавий-ахлоқий тарбияни ташкил этиш ижтимоий тарбиянинг муваффақиятини таъминловчи энг муҳим омил ҳисобланади. Маънавий-ахлоқий тарбияни ташкил этиш мураккаб жараён бўлиб ҳисобланади. Бу жараён нафақат ижобий хислатларни шакллантиришни, балки салбий сифатларни бартараф этишни, ҳар қандай ахлоқсиз хатти-ҳаракатларга қарши курашга ёшларни ундашни ҳам кўзда тутати. Жамиятнинг модернизациялашуви шароитида маънавий-ахлоқий тарбиянинг мазмуни, аввало, ёшларнинг амалий фаолиятларида, ўқиш, меҳнат, жамоатчилик ишларида, уларнинг хулқ-атвор меъёрларини ўзлаштиришларида намоён бўлади. Маънавий-ахлоқий тарбияни ташкил этишнинг усул ва воситалари жуда хилма-хилдир. Бунда маънавий-ахлоқий мавзудаги суҳбатлар катта аҳамиятга эга. Бундай суҳбатлар мазмун жиҳатидан ранг-баранг бўлиши мумкин. Шунингдек, маъруза, семинарлар ташкил қилиш, намуна кўрсатиш, учрашувларни ташкил қилиш усулларида ҳам фойдаланиш мумкин.

Ахлоқий тарбияни ташкил этишда болаларнинг ёши, уларнинг шахсий ахлоқий тажрибалари, ахлоқ соҳасидаги ўзлаштирган билимларнинг ахлоқий талаблари билан муносабатини ҳисобга олиш зарур.

Ўзбекистонда таълим-тарбия ишларини тўғри йўлга қўйиш миллий ва умуминсоний кадрларнинг барча имкониятларидан тўла ва самарали фойдаланишни тақозо қилади. Жаҳон халқларининг илғор маданияти миллий маънавиятимизни яна-да юксак даражага кўтаришга ижобий таъсир этиши мумкинлигини инкор этиб бўлмайди. Таълим-тарбия жараёнида бошқа халқлар меросининг ижобий томонларидан қанчалик фойдаланмайлик, барибир, ўзбек миллий кадрлари маънавий-ахлоқий тарбиянинг асоси бўлиб қолади. Бундай вазифаларни амалга оширишда шарқ мутафаккирлари асарларининг аҳамияти каттадир.

Маҳмуд Кошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб асарларида маънавий-ахлоқий тарбиянинг назарий ва амалий масалалари билан боғлиқ кўпгина муҳим муаммолар илгари сурилган. Булар ҳозирги кунда ҳам катта аҳамиятга эга бўлган тарбиявий омиллардир. Форобий, Ибн Сино, Беруний асарларида ҳам миллий ўзига хос тарихий анъаналар ифодаланган. Шунингдек, Имом Исмоил Бухорий, Имом Термезий, Нажмиддин Кубро, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд таълимотида ҳам ёшларни ҳалоллик, поклик, меҳнатсеварлик ва инсонпарварликка чорловчи ғоялар жуда кўп учрайди.

Тарихий ёдгорликлар орасида бундан қарийб 3 минг йил муқаддам Хоразм воҳаси ҳудудида яратилган "Авесто" бебаҳо маънавий мерос бўлиб ҳисобланади. Бу ноёб ёдгорлик биз яшаб турган заминда буюк маданият мавжуд бўлганидан далолатдир. "Авесто"нинг туб маъно-моҳиятини белгилаб берадиган "Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал" деган тамойил, ҳозирги замон учун ҳам беҳад ибратли бўлган жамият ҳаётининг устувор ғояси ҳисобланади. Маълумки, ҳар қайси миллатнинг ўз афсонавий қахрамонлари, ўзи ардоқлаган кишилари бўлади. Халқ оғзаки ижодининг ноёб дурдоналари бўлган "Алпомиш", "Широк", "Тўмарис" дostonлари миллатимизнинг ўзлигини намоён этадиган, авлоддан-авлодларга ўтиб келаётган дostonлардир. "Алпомиш" дostonи бизга ватанпарварликни, ўз юртимизни, оиламизни асраб авайлашни ўргатади.

Ўзбек миллатида болаларни фақат ота-оналар эмас, балки қариндош-уруғлари, маҳалла ҳам тарбиялайди. Ёшларнинг ахлоқий қиёфаси шаклланишида ҳамма даврларда ҳам атроф-муҳит катта таъсир кўрсатиб келган. Кўп болали оилаларда болалар ҳалол меҳнат қилишга, ота-онасига, қўни-қўшнига ёрдам беришга ёшлигиданок одатланидилар. Ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашда яна бир мезон – муқаддас динимиз ҳам юксак маънавиятли шахсни шакллантиришда катта аҳамиятга эгадир. Дин азалдан инсон маънавиятининг таркибий қисми сифатида одамзодни яхшилик ва эзгуликка чорлайди.

Дин – инсон маънавияти ривожланишининг муҳим омили. Диний қарашларни кимлардир ўз хоҳиши ва истаги билан яратган эмас. Ҳар қандай диний таълимотлар жамият тараққиётининг муайян босқичида объектив ва субъектив эҳтиёжлар, заруриятлар асосида келиб чиқади. Қуръон, ҳадислар, шариат қоидалари, ислом ҳуқуқи асосларида олдинга сурилган барча ғоялар заминиди руҳий покланиш, иймон, виждон эътиқод билан боғлиқ бўлган дунёвий муаммолар ўртага қўйилган.

Бугунги кунда ислом динига нисбатан бутун дунёда қизиқиш ва интилиш кучайиб, уни хайрихоҳ ва тарафдорлари кўпайиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Муқаддас ислом динимизни пок сақлаш, уни турли хил ғаразли тухмат ва бўҳтонлардан ҳимоя қилиш, унинг асл моҳиятини ёш авлодларга тушунтириш, ислом маданиятининг эзгу ғояларини кенг тарғиб этиш вазифаси ҳамон долзарб бўлиб қолмоқда.

Халқимизнинг асрлар давомида шаклланган бой маданий ва маънавий меросидан, ахлоқ, одоб, тарбия борасидаги анъаналаридан қанчалик самарали фойдалансак, бугунги жамятимизнинг модернизациялашуви шароитида миллий мустақиллигимизнинг чинакам фидойиси бўлган ёшларни тарбиялаш борасида шунчалик сезиларли ютуқларга эришамиз. Маънавий-ахлоқий тарбия жараёнида баркамол шахс тарбияланиб вояга етказилади.



Киличов Назарбай (PhD, ҚҚДУ), Дилфуза Каримова (ҚҚДУ талабаси)  
**ТУРКИЙ ТИЛЛАРДАГИ БАЪЗИ ҲОЛАТ ФЕЪЛЛАРИ СЕМАЛАРИ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ**

**Аннотация.** Ушбу мақолада турмоқ феълининг ўзбек, қорақалпоқ, туркман тилларидаги семалари таҳлил қилинади. Умумтуркий тур асосга эга бўлган феълининг туркий тиллардаги фарқли ва муштарак маънолари ёритилган. Ушбу феълининг маъно тараққиёти аниқ манбалар асосида далилланган. Шунингдек, омоним ва синонимлик хусусиятлари алоҳида мисоллар билан изоҳлаб ўтилган. Мақолада мазкур сўзнинг туркий тиллардаги валентлик имкониятлари ҳам ўрганилган.

**Аннотация.** В статье анализируется семантика глаголов действия в узбекском, каракалпакском и туркменском языках. Различные и общие значения глагола, на котором общетюркское кореное тур, объясняются в тюркских языках. Семантическое развитие на глагола тур доказывается на основе определенных источников. Особенности омонимии и синонимии также поясняются отдельными примерами. Также были изучены валентные возможности этого слова.

**Annotation.** The article analyzes the semantics of action verbs in the Uzbek, Karakalpak and Turkmen languages. Various and common meanings of the verb, in which the common Turkic root is “tur”, are explained in the Turkic languages. The semantic development of the verb “tur” is proved on the basis of certain sources. The features of homonymy and synonymy are also illustrated with separate examples. The valence possibilities of this word were also studied.

**Kalit soʻzlar:** turkiy tillar, feʼl, semantika, qadimgi turkiy til, soʻz turkumlari, shakldoshlik, maʼno taraqqiyoti, integral sema, differensial sema, valentlik, frazema.

**Ключевые слова:** тюркские языки, глаголы, семантика, древнетюркский язык, части речи, омонимии, семантическое развитие, интегральная сема, дифференциальная сема, валентность, фразема.

**Key words:** Turkic languages, verbs, semantics, ancient Turkic language, word groups, formation, semantic development, integral seme, differential seme, valence, phraseme.

Сўзларни семантик жиҳатдан ўрганиш тилшунослик фани олдида турган марказий масалалардан бири ҳисобланади. Чунки сўз маъноларини тадқиқ қилиш ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан муҳимдир. Замонавий таълимда, бир томондан, она тили ўқитишда грамматизмдан чекиниб, ўқувчининг ўз фикрини ёзма ва оғзаки шаклда эркин ифодалаш кўникма ва малакаларини шакллантириш, компьютер лингвистикасидаги морфологик-синтактик-семантик таҳлил, машина таржимаси, автоматик таҳрирлаш, автоматик анализ ва синтез жараёнларидаги тезарус хизмати кабилар тилни семантик таҳлил асосида ўрганиш зарурлигини кўрсатса, иккинчи томондан, ҳар бир миллат, халқ ҳаётидаги оламнинг лисоний манзараси, миллат лисоний такомиллидаги лингвомаданий хусусиятларнинг тил бирликларида акс этишини ўрганиш, тилларнинг бир-бирига таъсири ва фарқли жиҳатларини тадқиқ қилиш лисоний бирликларни назарий томондан тадқиқ қилиш заруратини далолатлайди.

Шу маънода аксар қисми туркий тилларнинг ўз катламига мансуб бўлган туб феълларни ҳар томонлама тадқиқ қилиш туркийшунослик, умумий тилшунослик олдида турган долзарб масалалардан биридир.

*Қолмоқ/қалыў/galmak* феъли умумтуркий асосга эга бўлиб, туркий тилларда маъносига кўра, давомли ҳолат феъли луғавий-мавзувий гуруҳига киради. Шуни таъкидлаш керакки, феъл луғавий-мавзувий гуруҳлари таянч маъноси билан барча туркий тилларда бир хил гуруҳга бирлашса ҳам, хусусий маънолари билан алоҳида луғавий-мавзувий гуруҳга мансуб бўлади, шунингдек, баъзи семалар бошқа шакллар (феъллар) ёрдамида ҳосил қилинади. Бу ҳолни туркий тилларнинг қадимги даврлари, туркий диалектларнинг дифференциацияга учраган даврларидан буён алоҳида диалектларга ҳосланганлиги билан далиллаш мумкин. Мазкур жараён нафақат феъл сўз туркуми, балки от, сифат, равиш каби сўзлар семаларида ҳам учрайди. Ушбу жараён, айниқса, феъл семалари тараққиёти билан боғлиқ ҳолда ҳаракат, ҳолат, нутқ маъноларининг ҳар қайси тилда турли феъллар билан юзага чиқишига асос бўлди: соч олдирум (ўзб.), шаш қийдырмак (ққал.), saç sığdırtmak (турк.) каби.

Қадимги туркий тилда *qal* (қол) феълининг 1) «қолмоқ (йўқ бўлмоқ)»; 2) «жойида, ўрнида қолмоқ»; 3) «вақт, масофа (макон ва замон) нуқтаи назаридан мавжуд, бор бўлиш ёки йўқ бўлиш»;

4) «бирор нарса, хусусият, хоссанинг ўзида сақланиши, қолиши»; 5) «ўйинда ютказмоқ, бой бермоқ»; 6) кўмакчи феъл вазифасида келиб, турли хил маъно муносабатларини юзага чиқаради ва х.к. (ДС. 1969, 448).

Замонавий туркий тилларда *қа:л* феъли куйидаги умумтуркий маъноларга эга: 1) «бирор жойдан жилмаслик, кўзгалмаслик»; 2) «бирор ҳолатга тушмоқ»; 3) «мерос тариқасида қолмоқ», «ворисийлик»; 4) «орқада қолмоқ»; 5) «бирор ҳуқуқдан, нарсадан, хусусиятдан бенасиб бўлиш»; 6) «ўтказиб юбормоқ (иш, ўқиш)»; 7) «тўхтаб, тиниб, тугаб қолмоқ»; 8) «ўйинда ютказмоқ»; 9) «бошқа муддатга қолдирилмоқ»; 10) «тиқилиб қолмоқ (суяк ҳақида)»; 11) «эскирмоқ (кийим ҳақида)»; 12) «ҳалок бўлмоқ», «ўлмоқ» (ЭСТЯ. 1997, 224). Ушбу маънолар туркий тилларнинг барчаси учун хос эмас, балки ҳар бир туркий тилда алоҳида маъноларга эга.

Туркий тилларда *қолмоқ/қалыў/galmak* феъли мустақил феъл, кўмакчи феъл вазифаларида, шунингдек, кўмакчи феълли бирикмалар таркибида келиб, турли хил маъно қирраларини намоён қилади. Шу билан бирга, турғун боғланмалар таркибида келиб, ўзига хос маъно муносабатларни ҳосил қилади. Изоҳли луғатларда кўрсатилишича, ўзбек тилида *қолмоқ* феъли 16 хил, қорақалпоқ тилида *қалыў* феъли 4 хил сема эга (аммо мазкур феъл семалари қорақалпоқ тилининг изоҳли луғатида тўлиқ қамраб олинмаган, бизнингча), туркман тилида *galmak* феъли омонимик муносабат ҳосил қилиб, икки хил шакл орқали жами 18 та маъноларни ифодалайди. Туркман тилида туркий тилларнинг диалектик гуруҳлари орасидаги, аниқроғи, ўғуз гуруҳи тилларидаги умумтуркий жанрэнгиз ундошларнинг сўз бошида жанрэнглилашуви сифатида  $m < d$  га ўтган.

Куйида *қолмоқ/қалыў/galmak* феълнинг туркий тиллардаги семаларининг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини таҳлилга тортамыз.

*Қолмоқ* феълнинг бирламчи маъноси «бошқа жойга кетмай, бормай, жилмай, кўзгалмай, ўз жойида бўлмоқ», «жойини тарк этмаслик» семаларини ифодалайди: уйида қолмоқ, кутубхонада қолди. Мажлис бўлган жойда ўша гапирган одаму яна бир неча киши қолди (А.Қаҳҳор. Қўшчинор чироқлари (ЎТИЛ, 2008, 198).

Қорақалпоқ тилининг изоҳли луғатида *қалыў* феълнинг ушбу маъноси кўрсатилмаган, аммо мазкур маъно қорақалпоқ тилида мавжуд. Масалан: *ўйинде қалды, мекемеде қалды* (ёки *қалып қойды*) каби. *Қалыў* феълнинг ушбу семасини қорақалпоқ тили изоҳли луғатининг кейинги нашрларида кўшилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Туркман тилида *galmak* феъли «бир жойдан иккинчи жойга кетмай қолиш ёки олиб кетилмаслик, олдинги жойида қолиш» семаларини ифодалайди ва ушбу сема ўзбек, қорақалпоқ тилларидаги маъно билан бир хилдир: *Arwananyň ýüki galmaz, Ýola girseň ner biläni* (Magtymguly) (ТДДС. 2015, 356).

Ўзбек, қорақалпоқ, туркман тилларидаги *қолмоқ/қалыў/galmak* ҳолат феълларининг агенци ушбу семаси билан, асосан, инсон (шахс)ларни, шунингдек, жонли-жонзот (хайвон, қуш)ларни ҳам, нарса-предметларни ҳам «жойида қолиш» умумий семасининг ифодаланишидир.

Ўзбек тилида *қолмоқ* феълнинг кейинги маъноси «бор, мавжуд ҳолатда бўлмоқ; бор (инкор шаклида йўқ ҳолатни, йўқ эканликни билдиради)» тарзида изоҳланади: Ёнимда юз сўм қолди. Уйда кўк чой қолмабди. От ағанаган ерда жун қолар (Мақол. ЎТИЛ. 2008, 326)

Қорақалпоқ тилининг изоҳли луғатида *қалыў* феълнинг бу маъноси ҳам кўрсатилмаган ва мазкур маъно ҳам қорақалпоқ тилида мавжуд. Масалан, *ўйден алып шыққан жуз мың ақшадан бес мыңы қалды* каби.

Туркман тилида ушбу сема «сарфланган, ишлатилган бутундан маълум бир қисми қолиши» маъносида ифодаланади: *100 müň manatdan 50 müň manat galdy* (ТДДС. 2015, 356).

*Қолмоқ* феълнинг агенци ушбу семаси билан, одатда, пулга, шунингдек, бутун-қисм муносабатини ифодалайдиган жонли-жонсиз нарсаларга хосдир.

Туркий тилларда *қолмоқ/қалыў/galmak* феъли белги билдирувчи сўзлар, яъни сифат ва равиш сўзлардан олдин келиб, «бирор ҳолат, вазият, макон (жой) ва ш.к.да мавжуд бўлмоқ» маъносини ифодаловчи бирикмаларни ҳосил қилади. Ўзбек тилида: ёлғиз қолмоқ; жим қолмоқ; виждон азобида қолмоқ; оч қолмоқ; иш чала қолди (ЎТИЛ. 2008, 326).

Қорақалпоқ тилида: аман қалыў; аш қалыў.

Туркман тилида: *aman galmak; ölmän galmak*.

Туркий тилларда *қолмоқ/қалыў/galmak* феълнинг навбатдаги маъноси чиқиш келишиги шаклидаги сўзлардан сўнг келиб, «ишлатиш, фойдаланиш ва ш.к.дан холи бўлиб, сақланмоқ, ортмоқ; шу тариқа, кейингилар ихтиёрига ўтмоқ, мерос бўлмоқ» семасидир. Ўзбек тилида: Бу иморат

отангиздан қолган бўлса керак? (ЎТИЛ. 2008, 326). Қорақалпоқ тилида: *Бердақтан қалган адабий мийрас*. Туркман тилида: *Bu ýer meniň atamdan galan miras ýerdir* («Türkmen halk ertekileri») (ТДДС. 2015, 99).

Ўзбек тилида *қолмоқ* феъли турғун бирикмалар таркибида келиб, бирикма умумий маъносида «дучор бўлмоқ», «гирифтор бўлмоқ», «йўлиқмоқ» маъноларини англатади: Балоба қолмоқ. Маломатга қолмоқ. Тухматга қолмоқ. Ташвишга қолмоқ. У ҳам кишилар олдида бу бахтсиз қизининг таънасига қолмасин (А.Қодирий. Ўтган кунлар (ЎТИЛ. 2008, 326). Қорақалпоқ тилида ушбу сема алоҳида сўзлар орқали ифодаланadi. Туркман тилида ҳам худди шу маънода қўлланилади: *hasrata galmak, syrkawlap galmak, utanja galmak* кабилар.

Ўзбек тилида кейинги маъно «бирор нарсадан бенасиб, бебахра қолмоқ» семасидир. Масалан: Тўйдан қолмоқ. Фойдадан қолмоқ (ЎТИЛ. 2008, 327). Қорақалпоқ тилида ушбу сема алоҳида феълли бирикувлар асосида юзага келади. Масалан: *тойга баралмаў* каби. Туркман тилида ҳам «тўхтамоқ», «ҳаракатсиз қолмоқ», «фойдадан қолмоқ» маъноларини ифодалайди: – *Meniň dükanda söwdam galar – diýip, Myrat aganyň ýüzüne seretdi* (H.Derýaýew).

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида «сўзлашув тилида» белгиси билан «юткизмоқ», «мағлубиятга учрамоқ (ўйинда)» маънолари изоҳланади. Аслида, *қолмоқ* феълнинг ушбу семаси туркий тиллар учун архисема бўлиб, қорақалпоқ, туркман тилларди ҳам айнан ифодаланadi. Ўзбек тилда: У мендан беш марта қолди.

Қорақалпоқ тилининг изоҳли луғатида «кўчма маъноли (аўыспалы)» белгиси билан «ўйинда юткимок», «енгилмоқ» маъноларида келтирилади: *Жуўырыснада Марат қалды* (ҚТТС.1988, 112).

Туркман тилининг изоҳли луғатида «мусобақада охирида келмоқ», «иш-фаолиятда ва ш.к.ларда орқада қолмоқ, қоқоқ бўлиш» маъносида: *Atlaryň hemmesi birinji aýlawda gyr atdan galdy* (ТДДС. 2015, 356).

Боғли бўлмоқ, қараб турмоқ (бирор иш, масала ва ш.к. ҳақида). Ҳамма иш менда қолди. Иш пулга қараб қолди.

Қорақалпоқ тилида: *Жумыслардың бәри маған қарап қалды*.

Туркман тилида: *pulsyz galmak, işsiz galmak*.

*Қолмоқ* феъли ўзбек тилида кўмакчи феълли сўз қўшилмалари ва иборалар таркибида келиб, турли хил маъно муносабатини юзага келтиради. Ҳаракат номига қўшилиб, шу ишни бажариш лозимлигини, шундай вазифа, мажбурият борлигини билдиради: *Ош пишди, фақат уни сузиш қолди*.

Умуман, феълларни киёсий-тарихий усулда ўрганиш туркийшунослик, хусусан, ўзбек тилшунослиги учун катта материал беради. Туркий тиллар тарихий тараққиётида юзага келган феъл семантикасидаги маъно торайиши, маъно кенгайиши, эскириш-янгилиниш каби жараёнларга аниқлик киритади.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Расулов Р. Ўзбек тилидаги ҳолат феъллари ва уларнинг облигатор валентликлари. Т., «Фан», 1989.
2. ДС – Древнетюркский словарь. Ленинград, «Наука», 1969, с. 475.
3. ЭСТЯ – Этимологический словарь тюркских языков (Общетюркские и межтюркские лексические основы на буквы К, Қ). М., «Языки русской культуры», 1997, с. 224.
6. ЎТИЛ – Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик, V жилд, Т., «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти, 2008, 362-бет.
7. ҚТТС – Қарақалпақ тилининг түсиндирме сөзлиги. 4 томлық, III том, Нукус, «Қарақалпақстан», 1988, 97 – 98-бетлар.
8. ТДДС – Türkmen diliniň düşündirişli sözlügi. Iki tomluk, I tom, Aşgabat, “Ylym”, 2016, 486–493-s.
9. Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи. Т., «Ўзбекистон», 2002, 88-бет.

**Жалолова Феруза Нормуродовна (ЎзМУ Инглиз филологияси кафедраси  
ўқитувчиси; [missjalolova@mail.ru](mailto:missjalolova@mail.ru))  
ОЛАМНИНГ МИЛЛИЙ ЛИСОНИЙ МАНЗАРАСИ ТАСВИРИДА «ЎГАЙ ОНА»  
КОНЦЕПТИ**

***Аннотация.** Мақолада когнитив ва лингвокультурал тадқиқотлар муаммолари тилшунос-ликнинг асосий йўналишларидан бири сифатида кўриб чиқилган. Мақола объекти сифатида “ўгай она” концепти таҳлил қилинди. Илмий атамаларни таърифлашда таниқли европа ва ўзбек тилшунослиги назарияларига таянилди.*

***Аннотация.** В статье рассматриваются проблемы когнитивных и лингвокультурологических исследований как одного из основных направлений лингвистики. В качестве объекта статьи проанализирован концепт «мачеха». При определении научных терминов опирались на известные теории Европейского и Узбекского языкознания.*

***Annotation.** The article deals with the problems of cognitive and linguocultural studies as one of the main directions in linguistics. The concept “stepmother” has been analyzed as the object of the article. In the definition of scientific terms were relied on the theories of well-known European and Uzbek linguistics.*

***Калим сўзлар:** концепт, маданият, когнитив лингвистика, миллий менталитет, концептосфера.*

***Ключевые слова:** концепт, культура, когнитивная лингвистика, национальный менталитет, концептосфера.*

***Key words:** concept, culture, Cognitive linguistics, national mentality, conceptosphere.*

Ҳозирги кун тилшунослигида концептологик тадқиқотларнинг фаоллашуви концепт тушунчасининг тилшунос олимларни XVIII асрдан буён қизиқтириб келаётган ижтимоий фанларда мавжуд бўлган тил ва тафаккур ўртасидаги боғлиқлик ҳақидаги доимий саволга ойдинлик киритиш имкониятига эгаллиги билан изоҳланади (М.В.Ломоносов, А.Х.Востоков, А.А.Потебня, В.Гумбольдт, Э.Бенвенист, Э.Сэпир, Л.П.Якубинский, Ф.И.Буслаев, В.А.Богородицкий, А.А.Шахматов, А.М.Пешковский ва бошқалар). Замонавий тилшунослиқда концепт турли фанлар ва йўналишлар нуктаи назаридан тадқиқ қилинмоқда. Концептнинг психология, фалсафа, педагогика, социология ва бошқа фан соҳалари доирасида кенг қамровли ўрганилаётганлиги маълум, концептология, культурология, социолингвистика каби лисоний йўналишларда концепт муаммоси изланишлар объектига айланиб улгурган. Концептологиянинг муаммоли бўлиб қолаётган саволларидан бири – бу ўзгариб бораётган ҳаёт тарзи таъсирида инсонларнинг лисоний шуурида пайдо бўлаётган янги концептларнинг шаклланиши ҳисобланади.

Миллий ва лингвомаданий концептларнинг таҳлили миллий ғоя ҳамда халқнинг олам лисоний манзараси спецификасини аниқлашга имкон беради. Афсуски, “концепт” атамасининг таърифи ҳанузгача бир хил ёндашув мавжуд эмас. В.И.Карасик, Г.Г.Слишкинлар концептни “мажозий ва хулқ-атворга оид белгиларга эга бўлган қиймат асосида шакланган ақлий тушунча” деб таърифлайдилар.<sup>1</sup> В.В.Колесовнинг фикрига кўра, “концепт – бу асл маъно, яъни янги шакл олмаган, сўзнинг ўз мазмун шаклларида: конструктив нуктаи назардан, тимсол ва рамзларда, структура жиҳатдан эса тушунчаларда намоён бўладиган моҳиятидир”.<sup>2</sup> В.П.Москвин маданий концептнинг белгиларга асосланган лисоний табиати унинг воқеланиши маълум воситаларга боғлиқ, яъни ушбу воситаларнинг яқдиллиги лексик-семантик майдоннинг ифодаланишини доминант атрофида шакланган (ядро) ва тушунчанинг номи билан ифодаланган концепт (атама-сўз) билан мослаштирилади дея тахмин қилади.<sup>3</sup> Концепт икки томонлама тушунчани англатади: концептуал ва мажозий. Концептуал томони концептнинг лисоний фиксацияси бўлиб, у ўз ичига тавсиф, ифода, белгилар асосидаги структура (тузилиш) ва таърифни олади. Концептнинг мажозий томони – бу хотирамизда акс этадиган, кўриш, эшитиш, ҳид билиш сезгиси орқали қабул қилинадиган нарсалар, ҳодисалар, воқеалар, яъни амалий билимларга боғлиқ бўлган белгилардир. Қиймат нуктаи назардан қа-

<sup>1</sup> Карасик В.И. Языковой круг: личность, концепты, дискурс. М., “Тнозис”, 2004, 96-бет.

<sup>2</sup> Колесов В.В. Язык и ментальность. Санкт-Петербург, издательство СПбГУ, 2004, с. 23.

<sup>3</sup> Москвин В.П., Н.Ф.Алефиренко. Спорные проблемы семантики. Рецензия, “ВЯ”, 2000, с. 138.

раладиган бўлса, худди жамоа сингари алоҳида олинган маълум индивидларнинг ҳам психологик шаклланиши муҳим аҳамиятга молик эканлигини белгилаб беради.<sup>1</sup>

Биз ўз тадқиқотимизда “концепт” атамасининг қуйидаги таърифига эргашишни маъқул топдик: концепт – бу шахснинг ўзи, теварак-атрофидаги нарсалар, ҳодисалар ҳақидаги ғояларини ўз ичига олган, тил менталитетида аҳамиятга эга бўлган ақлий шаклланиш бўлиб, ўраб турган борлик, бошқача қилиб айтганда, лингвокогнитив фаолиятни билишнинг барча аспекти натижаларини умумлаштирувчи бирликдир. Концепт баҳолаш ва долзарблик каби аспекти ўз ичига олган қиймат элементига эга. Баҳолаш аспекти концепт денотатида баҳоловчи таркибий қисмлар мавжудлиги билан ифодаланади. Долзарблик аспекти концепт таркибига кирувчи тил бирликларининг микдори, уларнинг реал коммуникацияда иштирок этишида намоён бўлади.

Тадқиқотчилар концепт структурасида миллий кўрсаткичга эга компонент мавжудлигини эътироф этадилар, айни пайтда, концептлар универсал бўлиши мумкинлигини, яъни барча маданиятларга хос бўлишини ҳам таъкидлайдилар. В.И.Карасикнинг фикрича, “у ёки бу лингвомаданиятда концептнинг бутунлай мавжуд бўлмаслиги муайян бир концептни бир сўз билан ифодалаш мумкин эмаслигига нисбатан кам учрайдиган ҳолатдир”.<sup>2</sup> С.Г.Воркачев эса концепт, албатта, маданий жиҳатдан белгиланган бўлиши лозимлигини, акс ҳолда, у концепт эмаслигини таъкидлайди. Унинг фикрича, концептларни универсал концептларга ва миллий концептларга бўлиш бутунлай шартли ҳодисадир, чунки миллий ўзига хослик универсал концептларда ҳам мавжуд. Биз тадқиқ қилаётган “ўгай она” концепти айнан шу категорияга киради, бу концептнинг танланиши ҳам тасодифий эмас. Чунки анъанавий жамиятнинг тафаккур тизимида ушбу концепт ўз ўрнига эга. Тасаввурлар умумий бўлиб кўринса-да, ҳар бир лингвомаданиятда “ўгай она” концепти тузилишида ўзига хос хусусиятлар мавжуд.

С.Г.Воркачевнинг фикрича, лингвомаданий концептлар эмоционал, мавҳумлашган ва ҳодисавий кутблар оралиғида жойлашган бўлади. Концептни таҳлил қилмасдан туриб, этномаданиятни тўлиқ талқин қилиш мумкин эмас. Чунки ҳар қандай реалиянинг маданий қадриятлар тизимидаги ўрни бу реалияга инсон қандай муносабатда эканлигига қараб аниқланади.

Концептларни қиёслаб ўрганиш ҳам худди тилшуносликнинг ўзи каби онг, тафаккур ва тил ўртасидаги алоқа фиксациясидир, шу билан бир қаторда, тилга алоҳида ёндашувни ифодалайди – бу лингвомаданий таҳлил бўлиб, таркибий қисмларини чуқур ўрганиш ва олам лисоний манзарасининг шаклланиш механизмини тасвирлаш орқали амалга оширилади. Ҳар бир тилнинг олам манзараси ўзига хос хусусиятларга эга, бу хусусиятлар инсон тафаккур фаолияти жараёнлари билан бевосита боғлиқ, бу, ўз навбатида, маълум халқ маданий анъаналарига асосланиб шакллантирилган ноёб олам лисоний манзараси яратилишига олиб келади – унда жамият менталитети акс этади. Ҳар бир лисоний бирликда ўша тилда гапирувчи халқнинг маданияти акс этади, бу бирликларда халқнинг моддий маънавий ҳаёти универсал хусусиятларидан кўра, алоҳида хусусиятлари мавжуд бўлиб, улар этномаданий ахборотга эгадирлар.

Ушбу ишимизда концепт онг ва хотира оператив бирлиги сифатида талқин қилинади, зеро, лисоний бирлик сифатида концепт ўз табиатига кўра антропоцентриқ ва маданият нуқтаи назаридан олдиндан аниқ, чунки у юқори даражадаги мавҳумлик, умуман, конкрет лисоний шахс ҳамда жамоавий онгда мавжуд бўлган олам манзараси ҳақидаги бебаҳо ахборотни ташиш хусусиятига эга.

“Ўгай” сўзи Ўзбек тилининг изоҳли луғатида қуйидагича таърифланади:

1. *Ўгай* – Олдинги эр ёки хотиндан бўлган фарзандлар ҳозирги эр ёки хотинга ҳамда уларнинг қариндошларига нисбатан, шунингдек, ҳозирги эр ёки хотин ва уларнинг қариндошлари олдинги эр ёки хотиндан бўлган болаларга нисбатан ишлатиладиган сўз. Масалан, *Ўгай набира. Ўгай ота. Ўгай хола.*

–*Ўгай қайнана ёши олтмишларга борган, семиз, забардаст, димоғдор кампир эди* (Ойбек. Танланган асарлар).

2. Бир онадан туғилмаган ёки бир отадан бўлмаган, отаси ёки онаси бошқа, туғишмаган фарзандлар (бир-бирига нисбатан ўгай деб юритилади). Масалан, *Ўгай ака.*

<sup>1</sup>Карасик В.И., Слышкин Г.Г. Лингвокультурный концепт как единица исследования. Методологические проблемы когнитивной лингвистики: Сб. науч. тр. Под ред. И.А.Стернина. Воронеж, 2001, с. 75–80.

<sup>2</sup> Шу манба.

–*Ботиржон акамнинг ўғай синглиси бор, оти Адолатхон, шу ўғил туғибди* (Н.Сафаров. Ҳаёт мактаби).

3 (кўчма). Ўзиники бўлмаган; ёт, бегона.

–*Бобур ўзига улуғ бир мураббий топдим, деб суюниб юрганида, ўғай тақдир уни бу мададоқ-ридан ҳам жудо қилган эди* (П.Қодиров. Юлдузли тунлар).

–*«Ўғай» экинларнинг ҳолидан ҳеч ким хабар олмади* (Газетадан).

*Булбул ўғай эрур зоғлар орасида, Юсурик сув ўғай тоғлар орасида* (А.Орипов. Рухим).

Она сўзига эса худди шу манбада куйидагича изоҳ берилади:

1. **Она** – фарзанди ёки фарзандлари бўлган хотин (ўз туккан фарзандларига нисбатан); болали хотин. Масалан, *Кўп болали она*.

–*Қиз эрталаб туриб, дарров онасига разм солди* (Ойбек. Танланган асарлар).

2. Оила бошлиғи, тарбиячиси. *Сиз ҳаммасининг онаси, у киши – ота. Уста болани жуда яхши кўрадилар* (А.Қахҳор. Томошабоғ).

3. Кекса аёлларга хурмат юзасидан уларнинг номига қўшилиб ишлатилади, масалан, *Тожи-хон она, Норжон она*.

4. Кекса аёлларга хурмат билан мурожаат этиш формаси.

5. Бола туккан жонивор. *Тойчоқнинг онаси. Она кўй*.

6. (кўчма). Яратувчи, вужудга келтирувчи. *Ер – ҳаётнинг онаси*.<sup>1</sup>

“Она” ва “ўғай” сўзлари бир-бирларидан фарқли равишда мустақил субъектларни ифодалайди. Мана шу маъно жиҳатидан бир-бирига мутлақо яқин келмайдиган икки сўзнинг бирикувидан ҳосил бўлган “ўғай она” концепти тадқиқотимиз объекти ҳисобланади.

Ўзбекистон миллий энциклопедиясида “ўғай она”га куйидагича изоҳ берилади:

Ўғай она – бошқа никоҳдан бўлган боланинг онаси. Оила қонунчилигида Ўғай она билан ўғай бола ўртасидаги муайян ҳуқуқий муносабатлар кўрсатиб ўтилган. Ўзбекистон Республикаси ОКга кўра, Ўғай онанинг тарбиясида ёки таъминотида бўлган вояга етмаган ўғай ўғил ва ўғай қизларнинг ота-онаси йўқ бўлса ёхуд ўз ота-онасидан етарли маблағ ололмаётган бўлса, уларга таъминот бериш мажбурияти Ўғай она зиммасига юклатилиши мумкин. Ўз навбатида, ўғай болалар зиммасига ҳам улар вояга етганда шундай мажбурият юкланиши мумкин. Ўғай онага ўғай ўғил ва ўғай қиздан алимент ундиришни талаб қилиш ҳуқуқини берадиган асосли шартларга қонун қуйидагиларни киритади. Ўғай онанинг меҳнатга лаёқатсизлиги (яъни, умумий пенсия ёшига етганлик ёки 1, 2-гуруҳ ногиронлиги, истисно тариқасида – 3-гуруҳ ногиронлиги), шунингдек, ўғай онанинг ўз ўғай ўғиллари ёки ўғай қизларига камида беш йил тарбия ва таъминот берганлиги факти тасдиқланган бўлиши керак.<sup>2</sup>

Ҳар бир маданият фақат унинг ўзигагина оид кадриятлар ва категориялар системасига эга. Бундай кадрият ва категориялар кўплаб маданиятларда такрорлансалар-да, улар турлича иерархик тизимларга ва фаолликка эга. Тил олам манзарасини баён қилиш тизимида алоҳида ўринга эга.

Ўз туғишган отасининг ҳозирдаги рафиқаси ва у болалар учун биологик она бўла олмайди деб таъриф берилган ўғай она рус маданиятида оддий ва фожиавий равишда қабул қилинган. Ўғай оналарнинг пайдо бўлиш тарихи ўрта асрларга бориб тақалади, саноат ҳали шаклланмаган ўша даврларда ҳаёт-мамот масаласи оиланинг тўлиқ бўлишига боғлиқ бўлган. Чунки ҳосил етиштириш ва йиғиб-териб олиш, рўзғорни саранжом-сариништа тутиш каби вазифаларнинг тўғри ва тўлиқ тақсимланиши эвазигагина оилада тартиб сақланган. Шунинг учун ҳам бева қолган эркак киши мотам маросимлари тугаган захотиёқ дарров қайта уйланган. Ўғай оналар, кўп ҳолларда, ўзларининг олдинги никоҳларидан туғилган болалари билан қабул қилинган.

Эрининг олдинги хотинидан туғилган болаларининг ҳаётини захарлаш эвазига ўғай оналар ўзлари билан олиб келган болаларининг ҳаётларини йўлга қўйишга ҳаракат қилганлар. Ҳали вояга етмаган гўдақларга ҳам шафқатсизларча муомалада бўлишган. Ҳужжатларда қайд этилган бундай воқеалар Россиянинг шимолий губернияларида, ҳатто XIX асрнинг охириларида ҳам учраган. Ўшга пайтдаги очарчилик ўғай оналарга жуда қўл келган, ўғай болаларидан бирортасининг очликдан ҳалок бўлиши ўз боласининг яшаб кетишига шароит яратиб берган. XIV асрнинг охири – XV асрнинг ўрталарига тўғри келган очарчилик Европа давлатларида ўғай оналарнинг болалардан қуту-

<sup>1</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдди, ЎзРФА А.Навоий номидаги Тил ва адабиёти ин-ти, А. Мадвалиев таҳрири остида, Тошкент, Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006–2008, 125-бет.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. 1998, 127–128-моддалари.

лиш учун уларни бирор ёкка, ўрмонга ўтин териб келишга, совуқ пайти юпун кийим билан ташқарида қолдиришга ва “ортиқча оғиз” муаммосини ҳал қилишларига ёрдам берган. Албатта, бу каби хатти-ҳаракатлар эрлари уйда бўлмаган вақтда амалга оширилган, кейинчалик, ўғай оналар ҳақида эртақлар яратиш учун яхшигина манба бўлиб хизмат қилган. Шу ўринда, инглиз ёзувчиси Жеймс Гринвуд қаламига мансуб, Лондонда 1866 йилда илк мартаба чоп этилган “Жулдур кийимли бола” асарини келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади. Муаллиф кичкина бола ҳаётида ўғай она қандай катта салбий ўзгаришларга сабаб бўлганини маҳорат билан тасвирлаб беради. Айнан ўғай онанинг кирдикорлари туфайли асар қаҳрамони, олти ёшли Жимми исмли болакайнинг бошига тушган кўргуликлар, охир-оқибат унинг уйдан қочиб кетиши билан якун топиши, аммо болакайнинг тақдири бутунлай ўзгариб кетишига сабаб бўлганлигига гувоҳ бўламиз.

Инглиз маданиятида ҳам “ўғай она” ёвуз ва маккора аёл сифатида талқин қилинади. Асосан, қуйидаги “фазилат”лар ушбу концептга ҳамроҳлик қилади: жисмоний ёки руҳий зўравонлик ишлатишга мойиллик; жоду илмидан бохабарлик; хатти-ҳаракатида моддий мотивациянинг доминантлик қилиши; зарар берувчи; албатта, пассив ота образининг ҳамроҳлик қилиши. Ўғай она кўз олдимизда шакллантириш учун барча хусусиятларини санаб ўтиш шарт эмас. Асосий моддий мотивация кўп ҳолларда ўзиники бўлмаган болалардан қутулиш учун қилинадиган ҳаракатлар, яъни бойлик ёки меросга эга чиқиш учун қилинадиган курашлар тарзида мавжуд бўлган.

Лисоний онг ядросини таҳлил қилганимизда “ўғай она” концептида, асосан, маъно турли-туманлиги кузатилмайди, барча сўзловчилар гуруҳлари инсонни жамият билан боғлиқ ҳолда талқин қиладилар ва у *бераҳм, бешафқат, ёвуз аёл* эканлигини таъкидлайдилар.

“Ўғай она” концептининг лисоний таҳлили кўрсатишича, инглиз ва ўзбек тилларида “ўғай она” концептининг *бераҳм, бешафқат, ёвуз аёл* сифатида идрок қилинишида умумийлик аниқланди. Ўзбек ва инглиз лисоний онги ядросида *ўғай она* концепти персонификациялашган ҳолда *бераҳм, бешафқат, ёвуз аёл* сўзлари ҳамда кишиларнинг ижтимоий мавқеини билдирувчи *уй бекаси / housewife, рафиқа/wife* сўзлари орқали ифодаланади.

Бундай тушунчалар мазмунининг ўзига хослиги шундаки, уларда персонанинг, алоҳида шахс сифатида аёлнинг образи ифодаланади. Ўзбеклар дунёқараши турмушда халқнинг ролига, этноснинг, наслнинг яхлитлиги ва яшовчанлигига алоҳида аҳамият берилиши билан характерланади. Бунда *ўғай она*, биринчи навбатда, тирик мавжудот, одамлар уюшмасининг аъзоси сифатида идрок қилинади.

Шундай қилиб, муайян бир тил соҳибларининг лисоний онги оламини ўзига хос тарзда акс эттиради. Табиийки бундай дунёқарашда бошқа тил вакиллари томонидан оламнинг идрок қилинишига нисбатан умумий ўхшашликлар, фарқлови белгилар ҳам кўзга ташланади.

Турли халқларнинг оламини лисоний идрок қилиш жараёнидаги ассоциатив реакцияларининг қиёсий таҳлили у ёки бу маданиятнинг ўзига хос менталликларини, шунингдек, турли ижтимоий гуруҳлар ва этносларга мансуб маданий концептларнинг мазмунини ва моҳиятини аниқлаш имкониятини беради. Тадқиқот натижаларига кўра, концептнинг миллий ўзига хослиги қуйидаги билан белгиланади:

- 1) концепт структурасида тилнинг миллий ўзига хос лингвوماданий бирликларининг мавжудлиги;
- 2) бундай ментал муҳит этноснинг лисоний онгида тақсимланишининг ўзига хослиги;
- 3) тилнинг структурал ўзига хослиги.

**Хамидов Бехзод Ахадович (Андижон Давлат университети)**  
**ТУРЛИ ТИЗИМЛИ ТИЛЛАРДА ШАХСНИНГ ИЖТИМОЙ-КАСБИЙ**  
**ХУСУСИЯТЛАРИНИ ИФОДАЛОВЧИ ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАР ҚИЁСИЙ**  
**ТАДҚИҚИ**

***Аннотация.** Ушбу мақолада муаллиф инглиз ва ўзбек тилларида шахснинг ижтимоий-касбий хусусиятларини ифодаловчи бирликларнинг қиёсий тадқиқини фразеологик иборалар воситасида фактик мисоллар ёрдамида талқин этган.*

***Аннотация.** В данной статье автор с помощью фактических примеров интерпретирует единицы, выражающие социально-профессиональные особенности человека в сравнительных исследованиях фразеологизмов английского и узбекского языках.*

**Annotation.** In this article, the author investigates the units expressing socio-professional features of a person in English and Uzbek on the basis of phraseological units by the help of factual examples.

**Калим сўзлар:** фразеологик ибора, шахс, жамият, ижтимоий-касбий хусусият, лексик хусусият, семантик хусусият, грамматик хусусият, эмоционал-экспрессивлик.

**Ключевые слова:** фразеологическая единица, личность, общество, социально-профессиональная особенность, лексическая особенность, семантическая особенность, грамматическая особенность, эмоциональная экспрессивность.

**Key words:** phraseological unit, person, society, socio-professional feature, lexical feature, semantic feature, grammatical feature, emotional expressiveness.

Маълумки, фразеологик бирликлар сўзлар бирикмасидан иборат бўлиб, улар тилнинг алоҳида бирлигидир. Тузилишига кўра, сўз бирикмаси ёки гапга тенг, тўлиқ ёки қисман семантик қайта шакланган образли, турғун сўз бирикмаларини ўз ичига олади.<sup>1</sup> Фразеологизмларнинг муаллифлари маълум эмас, уларнинг келиб чиқиш манбалари аниқ эмас, улар халқ томонидан яратилган деган фикрлар ҳам мавжуд. Бу ҳақда фразеолог олим А.В.Кунин инглиз тили фразеологизмларининг кўпчилигини халқ томонидан яратилган, деган фикрни билдирган. Аммо бу ҳамма фразеологизмлар дегани эмас, чунки баъзи фразеологик бирликларнинг келиб чиқиш манбаларини аниқлаш мумкин. Шунинг учун фразеология тилнинг умумий тизимига кирувчи микросистема ва ўзида ўтмиш меросни, қадриятларни акс эттиради, авлоддан-авлодга ўтади ва фразеологик бирликларнинг кўпчилиги маълум тилнинг бойиш манбаидир. Фразеологизмлар маъно ва шакл жиҳатдан турғун бўлган бирдан ортиқ сўзлардан ташкил топган бўлади. Фразеологизмлар кўчма маънода ва образли ифодаларда қўлланилади. Улар тарихий қўлланиш меъёрларига эга бўлиб, маънолари муайян нутқ жараёнида ойдинлашади. Фразеологизмлар нутқ бирлиги бўлган гаплардан фарқ қилади. Улар луғавий бирлик сифатида кўп жиҳатдан сўзларга яқин туради, сўзларга хос бўлган жуда кўп хусусиятлар фразеологизмларга ҳам хосдир.<sup>2</sup>

Ҳозирги замон инглиз ва ўзбек тилларининг фразеологик бирликлари жисмоний меҳнат соҳасида касб бўйича умумий компонент номи мавжудлиги билан бирлашган. Бу компонентлар қуйидагилар:

Инглиз тилида: *backer, cobbler, cook, driver, fisher, hunter, nurse, tailor, shepherd;*

Ўзбек тилида: *нонвой, этикдўз, ошпаз, ҳайдовчи, балиқчи, овчи, ҳамшира, тикувчи, чўпон.*

Инглиз тилидаги қуйидаги фразеологизмларга эътиборингизни қаратамиз:

**Backer's Dosen** – *Mrs. Joe has been out a dosen times, looking for you, Pip. And she's out now, making it a backer's dosen* (“*Great Expectations*” by Ch. Dickens).

**To spell the backer** – *If an old man marry a young wife, why then—why then—why then he must spell the Backer!* (“*Giles Corey from the Salim Farms*” by H. Longfellow)

**Pull devil, pull backer** – *The wrestling match could be seen plainly from the boats;...So it went on, pull devil, pull backer, the wretched girl screaming all the time, and Bob letting out a yell now and then to warn his boat to keep well clear of the ship* (“*Lord Jim* by J. Conrad”).

Ўзбек тилида шунга ўхшаш фразеологик бирликлар мавжуд бўлиб, улар қуйидагилар: *ўйнашмагин арбоб билан, арбоб урар ҳар боб билан, ўйчи ўйини ўйнагунча, таваккалчи ишини битиради, бўзчи белбоққа ёлчимас; ошпазнинг қозони ҳамма вақт қора.*

Мисолларнинг гувоҳлик беришича, инглиз тилидаги *backer* оти ўзбек тилидаги *нонвой* отидан анча унумдорли компонент экани билан фарқланапти.

Фразеологизмлар тўғри маънода ва кўчма маънода бўлади. Бу ерда *the Backer's Dosen* фразеологизми тўғри маънода ишлатилапти.

*Backer* компонентли фразеологизмларнинг барчаси соф инглиз тилидан олинган бўлиб, уларнинг айримлари инглиз турмуш тарзининг баъзи бир томонларини кўрсатиб беради. Масалан, **the Backer's Dosen** – *шайтон дюжинаси*. Инглиз тилидаги *to spell the backer* фразеологизми касб номларида метафорик маъно кўчиш йўли асосида ифодаланса, ўзбек тилида айтиб ўтилган фразеологизмларнинг компонентлари кўчма маънода ишлатилади.

<sup>1</sup> Ҳайдаров А., Чориева З. Инглиз тилида фразеологик бирликларнинг семантик-грамматик ва услубий хусусиятлари. Тилнинг лексик-семантик тизими ва қиёсий типологик изланишлар: синхрония, диахрония материаллар тўплами. Т., “Муҳаррир”, 2012, 8 – 10-бетлар.

<sup>2</sup> Кунин А.В. Курс фразеологии современного английского языка. М., 1986, с. 52.



Қадимда инглиз нон сотувчилари қолипли нон сотадиганлардан 12 та нон ўрнига 13 та нонни олганлар ва ўн учинчи нон сотувчилар даромади ҳисобидан бўлган. Бундан маълум бўлишича, *pull devil, pull backer* – қўғирчоқли томоша билан боғлиқ ибора бўлиб, қолипли нон сотувчи билан шайтоннинг муштлашиш саҳнасида келиб чиққан.

Хукмингизга яна бир мисолни ҳавола этсак, *cook* компонентли фразеологик бирлик.

*Too many cooks spoil the broth, Every cook praises his own broth, head cook and bottle washer* фразеологик бирликларида *cook* компоненти образли асосни яратиб маъноли марказ бўлиб хиз-мат қилаяпти. Ушбу ҳолатда *cooks* семантик марказда ўз маъносида келаяпти, масалан, *God sends us meat and the devil sends us a cooks*.

Инглиз фразеологизми ҳисобланган *Too many cooks spoil the broth* ўзбек тилида *қўйчивон кўпайса, қўй ҳаром ўлади* фразеологизми орқали ифодаланади.

Инглиз тилида жисмоний меҳнат соҳасида касб отларидан *driver* учта фразеологик бирликнинг компоненти бўлса, ўзбек тилида эса *ҳайдовчи* оти битта фразеологизмнинг компоненти-дир. Масалан, **backseat driver** – *Aunt Mary drives us all crazy with her instructions; she's incurable backseat driver.*

– **To swear like a truck Driver.**

– **To be in the driver's seat** – *It was nice to be in the driver's seat again, after two years of being chauffeured around.*

Инглиз тили лексик бирлигида *shepherd* учта фразеологик бирликнинг компонентидир. Ўзбек тилидаги *қўйчивон* оти инглиз тилидаги *shepherd* оти билан таққосланганда кўпроқ унумдор бўлиб ҳисобланади. Масалан, – *I can concive that an assamblage of some sixty notabilities of Cham-pagne needs a chairman to guide it; for no flock of sheep can get on without a shepherd* (“*The Deputy of Arcis*” by H de Balzac).

Касбга оид фразеологик бирликларнинг кўпчилиги инсон ва инсон меҳнат фаолияти билан боғланган тушунчаларни ифодалайди. Уларнинг қуйидаги гуруҳлар орқали ифодаланишини кўриб чиқсак:

а) инсон табиатининг тавсифини ифодаловчи фразеологик бирликлар:

Инглиз тилида:

*Clay in the hands of the potter* – *тез таъсирга бериладиган одам.*

*Mad as a hatter* – *жинни.*

*Fortune hunter* – *бой хотин ахтарадиган одам.*

*Lion hunter* – *маишхурлик ахтарувчи.*

*To work a like a navy, not to care a tinker's curse* – *e'tiborsiz bo'lmoq.*

Ўзбек тилида:

*Аравакашининг оғзи бузуқ* – *оғзидан боди кириб шоди чиқади* – *вайсақи.*

*темирчининг сўзи сассиқ;*

б) бирор ҳодиса ёки ҳолатга инсон муносабатини билдирувчи фразеологик бирликлар:

*Not to care a tinker's curse* – *эътиборсиз бўлмоқ, тупурмоқ;*

в) инсон меҳнат фаолиятини ифодоловчи фразеологик бирликлар: инглиз тилида:

*Tillers of soil* – *қишлоқ хўжалиги ишчилари.*

*Dry nurse* – *“энага” бошиқаларга қарайдиган одам.*

*Wet nurse* – *боқувчи.*

*Hewers of wood, drawers of water* – *қора ишчилар.*

*White collar worker* – *(амер.) – хизматчи.*

*Merchant tailor* – *ўз материалдан кўйлак тикадиган тикувчи.*

*Cold cook* – *гўрков.*

*The butcher, the backer, the candlestick maker* – *ҳар хил соҳа вакиллари.*

Ўзбек тилида:

*Энагалик қилмоқ* – *ялинмоқ.*

*Қул бўлмоқ* – *хизматкор;*

г) инсон хулқ-атворини кўрсатувчи фразеологик бирликлар: инглиз тилида:

*Backseat Driver* – *ўзининг маслаҳатлари билан ҳайдовчини чалғитадиган пассажир.*

Ўзбек тилида:

*every cook praises his own broth* – *ҳар бир лойхўрак ўз ботқоғини мақтайди.*

*All are not hunters that blow the horn* – *ҳамма ярқираган нарса ҳам олтин бўлмайди;*

д) ҳар хил тушунчаларни ифодоловчи фразеологик бирликлар: инглиз тилида:

*The great fisher of souls – шайтон.*

*Baker's Dosen – шайтон дюжинаси.*

*Cold cook – гўрков.*

Ўзбек тилида:

*Энагалик қилмоқ – ялинмоқ.*

*Ошпаз кўпайса, ош шўр бўлади.*

*Бўзчи белбоққа ёлчимайди.*

*Дурадгор бор жойда кўлингни тий, тилчи бор жойда тилингни тий.*

Ўзбек ва инглиз тилларида касб оти компонентига эга отли фразеологик бирликлар фраземалар ва қисман номинативли предикативли фразеологик бирликларга бўлинади. Инглиз тилида қуйидаги олд қўшимчалар ишлатилади: *before, for, on, of, about, in, among, without* ва бошқалар. *Of* ва *in* олд қўшимчалари сермахсул ҳисобланади. *Of* олд қўшимчаси ёрдамида “*Tillers of soil*” лексемалари бирлашадилар, лексема ва лексемалар бирикмаси *son of a sea cook, the great fisher of souls*. Кўпгина касбга оид субстантивли фраземалар қаратқич келишигида от сўз туркуми билан ясалади: Масалан, *Baker's Dosen, busman's holiday, butcher's bill, butcher's meat, printer's devil, shepherd's pie, shepherd's plaid, shoemaker's stock, tailor's dummy*.

Ўзбек тилида касбга оид субстантив фраземалар қаратқич келишигидаги фраземалардир. Масалан, *бўзчининг мокиси*. Айрим касбга оид фраземалар ўзларига алоқадор бўлган отлар билан боғландилар. Масалан, *бўзчи белбоққа ёлчимайди; чўпон кўпайса, қўй ҳаром ўлади*. Инглиз тилида бир маромдаги урғуга эга бўлган ва ёзувда алоҳида бўлиб ёзиладиган фраземалар ҳам учрайди. Улар: *cold cook, dry nurse, wet nurse*; биринчи компоненти мураккаб сўздан ясалган фраземалар: *back-seat driver*; от+от сўз туркумларидан ясалган фраземалар: *lion hunter, fortune hunter, merchant tailor* ва бошқалар.

Ўзбек фразеологиясида ижодий субстантив фразеологизмлар кам учрайди. Инглиз ва ўзбек тилларида касбга оид фразеологик бирликлар семантик жиҳатдан номинатив характерга эга бўлган ва коммуникатив фразеологик бирликлардир. Шунингдек, фразеологик бирликлар эмоционал-экспрессивликни ҳосил қилиб, образлиликни юзага келтиради.

Хулоса қилиб айтганда, касбга оид фразеологик бирликларнинг семантик жиҳатлари ҳар иккала тилда ҳам инсоннинг жисмоний меҳнати билан боғлиқ эканлигини кўрсатади, улар бевосита инсон меҳнат фаолияти билан боғланган тушунчаларни ифодалайди. Касбга оид фразеологик бирликлар лексик-семантик, грамматик ҳамда эмоционал-экспрессивлик хусусиятларига эга бўлиб, улар касб-корнинг ўзига хос хусусиятларини мужассамлаштиради ва образлилик яратади. Яна шунини таъкидлаш жоизки, касбга оид фразеологик бирликлар нафақат бадий асарларнинг таъсирчанлигини оширади, балки уларда миллий менталитетни ҳамда лингвопрагматикани шакллантиришга хос хусусиятларни ҳам ифодалайди. Касбга оид фразеологик бирликлар мақолларда ҳам, мақол типда бўлмаган фразеологик бирликларда ҳам учрайди. Масалан:

*Дорбознинг ўлими дордан,*

*Морбознинг ўлими мордан.*

*Мулла билганин ўқир,*

*Бўзчи билганин тўқир.*

Ушбу йўналишлар масаласига келгуси изланишларимизда батафсил тўхталамиз.

**Yandashova Tursunoy Rustam qizi (ToshDO‘TAU tayanch doktoranti; [yandashova92@mail.ru](mailto:yandashova92@mail.ru))**  
**O‘ZBEK VA INGLIZ TILLARIDA GO‘ZALLIK KONSEPTINING LEKSIK-SEMANTIK ASOSLARI**

**Annotatsiya.** Maqolada go‘zallik konsepti va uni ifodalovchi leksik-semantik vositalarning o‘zbek va ingliz tillaridagi qiyosiy tadqiqi amalga oshirilgan. Bu orqali inson va uning ichki, tashqi go‘zalligini aks ettiruvchi mazkur leksemalarning ikki til lug‘at fondida, so‘zlashuv nutqida hamda badiiy matndagi o‘rnini belgilash maqsad qilingan.

**Аннотация.** Статья представляет собой сравнительное исследование понятия «красоты» и его лексико-семантических средств в узбекском и английском языках. Он направлен на определение места этих лексем, отражающих человека и его внутреннюю и внешнюю красоту, в двуязычном словаре, в разговорной речи и в художественном тексте.

**Annotation.** The article performed a comparative study in Uzbek and English languages of beauty concept and lexical-semantic tools representing it. Through this, in two languages dictionary found of these lexemes reflecting man and its internal, external beauty is aimed at setting a place in a conference and poetic text.

**Kalit soʻzlar:** goʻzallik, assotsiativ soʻz, lugʻaviy maʼnodoshlik, ichki goʻzallik, tashqi goʻzallik, milliy-mental dunyoqarash.

**Ключевые слова:** красота, ассоциативное слово, лексическая синонимия, внутренняя красота, внешняя красота, национально-ментальное мировоззрение.

**Key words:** beauty, association word, lexic synonym, internal beauty, external beauty, national-mental worldview.

Goʻzallikning izohi sifatida “Oʻzbek tilining izohli lugʻati”da chiroy va husn soʻzlari keltiriladi. Koʻpchilik shaxslarda ham goʻzallik deganda, birinchi boʻlib assotsiatsiyalanadigan tushuncha sifatida “chiroy” va “chiroyli” tushunchalarini eʼtirof etish mumkin. Ikkinchi oʻrinda esa “tashqi koʻrinish, shakl” leksik birliklari turadi.

Goʻzallik konsepti qaysi til aspekti doirasida voqelanishidan qatʼiy nazar leksik-semantik, morfologik, sintaktik, frazeologik vositalar orqali ifodalanadi. Goʻzallik konseptining leksik-semantik tadqiqida xuddi shu konsept atrofida toʻplanuvchi jamiki leksemalarning kelib chiqishi, lugʻaviy maʼnosi bilan bogʻliq maʼlumotlar toʻplab oʻrganiladi. Bu goʻzallik konsepti bilan bogʻliq assotsiativ til fondini yaratish uchun juda samarali tadqiqot boʻlib xizmat qilishi mumkin. Chunonchi, birgina “goʻzal” soʻzining oʻzini leksik-semantik tahlilga tortsak, bu soʻz oʻzbek tilining besh jildli izohli lugʻatida “juda ham chiroyli, husndor, xushroʻy” kabi sinonimlar va “kishi koʻzini quvontiradigan, kishini maftun etadigan, zavqlantiradigan”, “zavq-shavqqa boy, serzavq, unutilmas (davr, vaqt haqida)”<sup>1</sup> kabi sifatlar bilan izohlangani, shuningdek, u muloqot jamiyatida xotin-qizlar ismi vazifasini bajarishi ham aytib oʻtilgan. Bunda eʼtibor berishimiz kerak boʻlgan asosiy nuqta ham aynan shu – oxirgi izohdir. Nega aynan xotin-qizlar ismi? Chunki goʻzal soʻzi tilmizda hamisha ayollarga, tabiatga va baʼzi bir voqea-hodisalarga nisbatan qoʻllaniluvchi leksema hisoblanadi. Bu bevosita mazkur leksemaning gender ahamiyatga ega soʻz ekanligiga ishora qiladi. Fikrimizni asoslash uchun tilimizda mavjud “goʻzal” soʻzining sinonimlariga murojaat qilamiz. “Goʻzal” leksemasi oʻzbek tilining jonli muloqot sharoitida hech qachon erkaklarga nisbatan qoʻllanilmaydi. Yoinki, “nozli, ishvali” soʻzlari goʻzallik parametrlarida ayollarga nisbatan ijobiy semantik voqelikni gavdalantirsa, bilʼaks, erkaklarga nisbatan salbiy semantik boʻyoqdorlik kasb etadi. Goʻzal soʻzining mutlaq gender ahamiyatga ega ekanligini “Oʻzbek tilining etimologik lugʻati”da keltirilgan quyidagi izoh ham yaqqol isbotlaydi. “Goʻzal – xushroʻy, husndor. Bu sifat asli qadimgi turkiy tildagi “nazar sol” maʼnosini anglatgan koʻs feʼliga -al qoʻshimchasi qoʻshilishi bilan yasalgan. Keyinchalik, soʻz boshidagi k undoshi g undoshiga, unlilar oraligʻidagi s undoshi z ga almashgan; oʻzbek tilida oʻ unlisining yumshoqlik belgisi yoʻqolgan. Bu sifat, asli, “oʻziga eʼtiborni tortadigan” maʼnosini anglatgan boʻlib, xushroʻy maʼnosi shu maʼno asosida oʻsib chiqqan”<sup>2</sup>.

Leksemaning etimologik maʼnosi ham mazkur sifatning koʻrish, his qilish ongli faoliyat turlari bilan bogʻliq estetik xususiyat ekanligini anglatmoqda. Shu ikki lugʻatning oʻzidayoq goʻzal soʻzining ham gender (lingvokulturologik), ham estetik jihatga ega ikki eng muhim tomonini taʼkidlab koʻrsatish mumkin. Shu jihatdan, goʻzallik konseptining assotsiativ til fondini leksik-semantik tadqiq etish qimmatli ahamiyatga ega. Bundan tashqari, goʻzal soʻzi semasiologik nuqtayi nazardan, tilimizda darajalanish xususiyatiga ega leksema hisoblanadi. Uning maʼno taraqqiyotida oʻziga yondash leksemalar orasida sezilarli maʼno nozikliklari bilan ajralib turuvchi baʼzi jihatlarni ilgʻab olish qiyin emas. Chunonchi, goʻzal soʻzi “istarali” soʻzi bilan qiyoslanganda, mazkur soʻzning semantik tarkibi goʻzal soʻzi ifodalagan mukammal etaloniga nisbatan biroz qashshoq, biroz quyiroq darajani ifodalagani bois, garchi ikkisi ham bir xil nutq sharoitida qoʻllanilsa-da, har doim ham kontekstda teng munosabatni ifodalamaydi. Shu boisdan ham, tilda, ayniqsa, oʻzbek tilida soʻzning maʼno qirralari, leksik-semantik tadrijiy taraqqiyoti bilan bogʻliq hosilalar muhim ahamiyatga ega hisoblanadi.

Inglizcha “beauty” soʻzining etimologiyasiga nazar tashlaydigan boʻlsak, bu soʻz, dastlab, lotincha “yaxshi, kelishgan” maʼnosida qoʻllaniluvchi “bellus”, “bellitale” sifat soʻzidan “bealte”, “beaute” shaklida yevrofransuz tiliga oʻzlashgan. 1325-yilga qadar mustaqil soʻz sifatida isteʼmolda boʻlgan. Ke-

<sup>1</sup> Oʻzbek tilining izohli lugʻati. 530-bet.

<sup>2</sup> Oʻzbek tilining izohli etimologik lugʻati. 88-bet.

yinchalik mazkur tildan ingliz tiliga o'zlashib, hozirgi "chiroy", "go'zallik" ma'nosida qo'llana boshlagan. Har ikkala tilda ham bu so'zlarning sinonimik qatori juda uzun hisoblanadi. Chunonchi, o'zbek tilida go'zallik konseptini ifodalovchi leksik-semantik birliklarga quyidagilarni misol keltirishimiz mumkin: *go'zal, nozik, nafis, latif, yoqimli, chiroyli, sohibjamol, hurliqo, asal, shirin, shakar, jonon, ko'rkam, xushbichim, kelishgan, alpqomat, xushsurat, xushro'y, jozibali, maftunkor, latofatli, barkamol, mukammal, ko'hlik, ajoyib, suqsur, yaxshi, zebo, dono, xushqad, pahlavon, malohatli, bokira, sharmli, hayoli, iboli, suluv, vafoli, tabiiy, betakror, sodda, haqiqiy, pok, mard, jo'mard, komil, soliha, oqila, aqli, nazokatli, shirinso'z, shirinsuxan, mehribon, rahmdil, farosatli, fahmli, fasohatli, nozanin, diyonatli, zamona-viy, samimiy, ideal, istarali, nozli, ishvali, zehnli, sabrli, zukko...* Bu qatorni cheksiz davom ettirish mumkin. Boisi, o'zbek milliy mentalitetida ichki go'zallik tashqi go'zallikdan yuqori turadi. Bu tanlov o'zbek tilining lug'at fondida ham o'z aksini topgan.

Ushbu sifat so'zlarning yasalishi til rivoji jarayonida to'xtab qolmaydi. Chunonchi, -li, -xush, -kor kabi unumdor sifat yasovchi qo'shimchalar yordamida yangi yangi so'zlarni yasash, iste'molga kiritish mumkin. Masalan,

-li qo'shimchasi bilan yasaladigan go'zallik konsepti sifat so'zlari: *chiroyli, yoqimli, jozibali, latofatli, malohatli, sharmli, hayoli, iboli, vafoli, aqli, nazokatli, fahmli, farosatli, diyonatli, muomalali, ishvali, nozli, vijdonli, istarali, ko'rkli, zehnli, sabrli...* va b. ot + li = sifat qolipi asosida yasaluvchi ushbu sifatlar muayyan mavhum yoki aniq tushuncha (predmet, xususiyatlarga nisbatan)ga egalikni, xoslikni bildiradi.

-kor qo'shimchasi bilan yasaladigan go'zallik konsepti sifat so'zlari: *maftunkor, jilokor, ishvakor, diyonatkor.*

-dor qo'shimchasi bilan yasaladigan go'zallik konsepti sifat so'zlari: *jozibador, vafodor, mazmundor.*

*Xush* old qo'shimchasi bilan yasaladigan go'zallik konsepti sifat so'zlari: *xushqad, xushro'y, xushqomat, xushbichim, xushsurat.* Umuman, tashqi va ichki go'zallikni ifodalovchi sifat so'zlar va sifat qo'shimchalar o'zbek tilida boy va rang-barangdir.

Endi ingliz lingvomaneriyatiga xos go'zallik konsepti sifatlarini tahlilga tortamiz. Oldingi boblarimizda aytilganidek, inglizlar tashqi go'zallikka ko'proq ahamiyat qaratishadi, va bu tanlov ham ularning til birliklarida yaqqol o'z aksini topgan. Ingliz tilida: *beautiful, smart, handsome, attractive, fine, good, nice, beauteous, cute, fair, good-looking, gorgeous, sheen, hot (slang), lovely, nice-looking, pretty, shapely, fit (slang), clear, pleasant, excellent, exceptional, great, marvelous, perfect, stylish, wonderful, sunny, alluring, dazzling, fascinating, graceful, magnificent, appealing, charming, delicate, delightful, elegant, exquisite, grand, pleasing, splendid, stunning, superb, well-formed, taking, symmetrical, sublime, statuesque, slightly, resplendent, refined, ravishing, radiant, pulchritudinous, ideal, foxy, enticing, divine, comely, classy, bewitching, angelic, admirable*<sup>1</sup> etc.

Bu so'zlar qatorini yana davom ettirish mumkin. Chunki ingliz tili ham Shekspir ijodi, dunyo tamadduni markazi sifatida juda katta lug'at fondiga ega. Ayniqsa, mazkur tilda yaratilgan tezaurus lug'atlar bu tilni o'rganish va o'rgatishda katta ahamiyatga ega. Mazkur tilda ham yasaliş holatlari ko'p uchraydi. Birgina *beauty* so'zidan *beautiful, beautifier, beautify, beautifully, beautifulness* kabi so'zlar yasalgan. O'zbek tilidan farqli ravishda, bu so'zlar turli morfologik turkumga mansub. *Beautifully* – ravish, *beautify* – fe'l, *beautiful* – sifat, *beautifulness* – ot. Har ikki tilda mavjud mazkur leksemalar emotsional ekspressivligiga ko'ra, nutq jarayonidagi ishtirokida bir-biridan farqlanishi mumkin. Masalan, *dilbar, go'zal, barno, lobar; beauteous, gorgeous, sheen, marvelous, appealing* so'zlari badiiy uslubga; *chiroyli, aqli, yaxshi, farosatli; good, nice, fine, smart, pretty* – neytral uslubga; *yoqimli, shirin, shakar, asal, sodda, tabiiy; cute, fair, hot, fit, attractive* so'zlari so'zlashuv uslubiga xos leksemalar hisoblanadi.

Bunday xoslangan so'zlar milliy til madaniyatini ochishda kalit vazifasini bajarishi mumkin. Axloqshunoslikdagi "yaxshi odam" tushunchasi hammaga – ayolga ham, erkakka ham, yosh-u qariga ham tegishli bo'lishi mumkin. Estetikada esa "go'zal odam" tushunchasi yo'q; yo "go'zal yigit", yo "go'zal qiz" degan tushunchalargina mavjud. Chunki erkak kishidagi chiroyli mo'ylov faqat erkakning yuzida, ayol kishidagi husnlardan biri – uzun soch faqat ayol kishi vujudida go'zallikka ega. Endi mo'ylov burab so'zlayotgan ayolni-yu, sochpopuk taqib yurgan erkakni tasavvur qiling! Boyagi go'zalliklar xunuklikka aylanadi-qoladi. Shuningdek, go'zallik bir vujudda ham faqat o'z o'rnini talab qiladigan "o'ta injiqlik" xususiyatiga ega. Shu joyda olmon nafosatshunosi Fexner qo'llagan misolni keltirish o'rindir.

<sup>1</sup> <https://www.thesaurus.com/browse/beautiful>

Mutafakkirlarning fikricha, qiz bola yuzidagi qizillik uning go‘zalligidan dalolat beradi. Biroq qizillik uning burni ustiga ko‘chsa – xunuklikka aylanadi. Demak, axloq uchun – umumiylik, nafas uchun esa muayyanlik mavjudlik sharti hisoblanadi.

Bundan tashqari, go‘zallik bilan bog‘liq har bir leksemaning go‘zal so‘zi bilan muayyan darajada bog‘liqliklari bo‘lgani kabi, ba‘zi semantik farqlari ham mavjud. Bu, ayniqsa, kontekstda yorqinroq ko‘rinadi. Yuqorida biz ularning uslubiy ma‘no nozikliklariga e‘tibor qaratgandik. Quyida esa “beautiful” so‘zining sinonimlari orasidagi ba‘zi bir ma‘no qirralariga e‘tiborimizni qaratamiz. merriam-webster.com saytida bu haqida quyidagi ma‘lumotlarga duch keldik: “Some common synonyms of *beautiful* are *comely*, *fair*, *handsome*, *lovely*, and *pretty*. While all these words mean “exciting sensuous or aesthetic pleasure”, beautiful applies to whatever excites the keenest of pleasure to the senses and stirs emotion through the senses. For example: *beautiful mountain scenery*”.<sup>1</sup> Ingliz tili so‘zlashuv nutqida “beautiful” so‘zining *comely*, *fair*, *handsome*, *lovely* va *pretty* kabi sinonimlari eng ko‘p qo‘llanilishga ega.

Comely ajoyib degan ma‘noda, kishiga beixtiyor o‘zgacha emotsional his uyg‘ota oladigan xatti-harakat yoki holatga nisbatan ishlatiladi. Masalan, raqqosning ajoyib harakati. *Fair* go‘zallikning eng ko‘p qadrlanuvchi sifati: soflik, beg‘uborlik, poklikka nisbatan qo‘llaniladi. Kishilardagi yuz go‘zalligini ta‘riflashda eng ko‘p asqotadi, beg‘ubor, tiniq yuz ma‘nosida. Proporsion, simmetrik mutanosiblik inglizlarda *handsome* so‘zi bilan ifodalanadi. Bizda bu so‘zning eng muqobil variantlari: *kelishgan*, *xushqomat* kabi so‘zlardir. *Pretty* va *beautiful* so‘zlari ko‘pincha kontekstda bir xil ma‘noda keladi. *Pretty*, asosan, tashqi go‘zallikka nisbatan faolroq ishlatilsa, *beautiful* ham tashqi, ham ichki go‘zallikni ifodalash uchun birday munosib so‘z sanaladi.

Butun dunyo xalqlari lingvomadaniyatining go‘zallik tavsifida, eng avval, ayol siymosi gavdalani-shi, tabiiy hol. Ayniqsa, Sharq xalqlari adabiyotida ayol go‘zalligi, latofati uning sharm-u hayosi, odob-axloqi bilan nihoyatda katta qadr-qimmatga ega bo‘lgan. Bu haqda avvalgi keltirilgan tajribamiz tavsifida ham to‘xtalgan edik. O‘zbek milliy mentalitetida go‘zallik konsepti yadro maydonida go‘zal, go‘zallik, tashqi go‘zallik, ichki go‘zallik, chiroyli, betakror, kelishgan, ayol, tabiat tushunchalari jonlansa, periferik maydonda vafo, sadoqat, farosat kabi ichki go‘zallik asoslari aks etadi. Bu haqda mashhur o‘zbek shoiri A.Oripovning “Ayol” she‘ridan olingan quyidagi misralarda Sharq xalqlari idealidagi go‘zal ayol qiyofasi juda ta‘sirchan ravishda ochib berilgan:

...*Shu cho‘lpon ko‘zlarning buyuk hurmati,*

*Shu aqiq lablarning rost so‘zi deya,*

*So‘ylang-chi, vafoning nadir qimmatini –*

*Siz ham kutganmisiz biror soniya?!*

She‘rda keltirilgan *cho‘lpon ko‘z*, *aqiq lab*, *olovli nafas*, *parishon sochlar*, *vafo shevasi* kabi o‘xshatishlar ayol go‘zalligining mukammal tavsifi desak, mubolag‘aga yo‘l qo‘ymagan bo‘lardik.

Umuman, go‘zallik konsepti, ichki go‘zallik, tashqi go‘zallik mikrokonseptlari har bir millat uchun xos umumiy lingvomadaniy birlik hisoblanadi. Shunday ekan, uning milliy til egalari lingvomadaniyatida aks etishini ta‘minlovchi lingvistik vositalar tadqiqi tilshunoslikka bir-biridan qiziqarli ilmiy tadqiqotlarni berishi, shubhasiz.

**Ишаев Жўрабек (Ажиниёз номидаги НДПИ 2-курс магистранти)**  
**ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ ВА ШЕВАЛАРИДА ИСЛОМИЙ ЛЕКСИКАНИНГ**  
**ТАДҚИҚИ**

**Аннотация.** Мақолада ўзбек адабий тили ва унинг шеваларида исломий лексиканинг қўлланилиши имкониятлари, нутқий воқеаланишиши ёритилган.

**Аннотация.** В статье рассматриваются возможности использования исламской лексики, речевые события в узбекском литературном языке и его диалектах.

**Annotation.** Possibilities of using Islamic lexicon in Uzbek literary language and its dialects in the article, speech events are covered in the article.

**Калим сўзлар:** адабий тил, шевалар, исломий лексика, чегараланган лексика, араб манбалари ва ҳ.к.

**Ключевые слова:** литературный язык, диалекты, исламская лексика, органическая лексика, арабские источники и т.д.

<sup>1</sup> <https://www.merriam-webster.com/thesaurus/beautiful>

**Key words:** *literary language, Islamic lexicon, limited lexicon, Arabic sources and others.*

Истиклол шарофати билан эндиликда диний лексиканинг ва диний мавзуга алоқадор матиннинг моҳиятига муносабат ўзгарди. Ўз навбатида, ҳозирги, ўзбек адабий тили диний лексика ҳисобига бойиб бошлади. Муносабатнинг ўзгариши эса ўзбек тилида ва тилшунослигида диний лексикага, уни ўргаришга янги имкониятлар очди.

Авваламбор, мавзуни нега “диний” эмас “исломий”, яъни “исломий лексика” тарзида олинининг сабаби, биринчидан, динлар жуда кўп ва улар Ислому, Буддизм, Оташпарастлик, Христианлик тарзида алоҳида номларга эга.<sup>1</sup> Иккинчидан, ҳозирги ўзбек адабий тилидаги *будда, бутхона, ибодатхона, қоҳин, крест, лот, лот-манот, монах, пасха, поп, роҳиб, роҳиба, руҳоний, санам, сектант, тангри, теология, топинмоқ, христиан, худо, черков, чироқ қўйиш, чўқиниш* каби барча динларга оид бирикма ва лексемалар диний тушунчаларнинг номи ҳисобланади. Учинчидан, ўзбек тилидаги диний лексиканинг асосий қисми ислом динига оид лисоний бирликлардан иборат.

Ана шуларни ҳисобга олиб, қолаверса, тараккиёт, илм-фан ҳар бир нарсага аниқ ёндашувни ва ҳар нарсани ўз номи билан аташни талаб қилаётган, айна пайтда, умумий тарзда диний лексика эмас, балки ўзбек адабий тилидаги исломий лексика тадқиқот объекти сифатида олинди. Исломий лексика, аввало, ислом дини, ислом манбалари ҳамда араб тили лексикаси билан боғлиқ бўлганлиги учун ўзбек тилидаги исломий лексика таҳлил қилинди. Зеро, ҳозирги даврда мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида ислом динининг ҳаётдаги ўрнига алоҳида эътибор берилмоқда. Жумладан, ҳозирга келиб, Халқаро Ислом академияси, Ислом Цивилизацияси маркази ва Ҳадис илми мактаби очилиши, булардан ташқари, Мусулмонлар идораси ҳамда Ислом олий маъҳадининг обрў-эътибори тикланган бир пайтда айна мавзуни ўрганиш ва таҳлил қилиш исломийликдан меъёрлашган адабий тилга, лингвистикага томон фикр юритишни талаб қилади.

Исломий дунёқараш – оламнинг, инсонлар ўртасидаги муносабатларнинг яхши ва ёмон жиҳатлари умумий тарзда Қуръон ва ҳадисларда (бевосита ва билвосита) ўз аксини топган ёки унга ишора қилинган. Қуръон, ҳадис ва шу иккисига асосланган манбаларга кўра, бутун оламни, жумладан, одамзотни Аллоҳ яратди, ...унга тил, нутқ ато этди. Аллоҳнинг измидан ташқарида ...на инсон ва на бир калима сўз ёки товуш мавжуд эмас. Шу маънода, ҳазрат Навоий:

*Йўқ эрди ҳар не бор ул қилди изҳор,  
Борин йўқ айлабон ҳам бўлғуси бор.*<sup>2</sup> –

дейди. Ёки бошқа бир ўринда, Худодан айру бўшлиқ ва Унингсиз ҳеч қандай тўлиқлик ҳам йўқ деган фикрни айтади.

Бироқ Аллоҳ таоло оламни – “бу дунё” ва “у дунё”; моддий ва номоддий (руҳий), бутун ва қисм тарзидаги жуфтлик (бутунлардан иборат) қилиб, айна пайтда, ҳар бир жуфтликни навбатдаги жуфтликларни юзага келтирувчи қилиб яратди. Табиийки, “бу дунё” ва “у дунё” модий ва руҳий дунё жуфтликлари онгда – оламни дунёвий ва диний идрок этиш, англаш жуфтлигини вужудга келтирди.<sup>3</sup> “Оламни дунёвий идрок этиш” тилда – “адабий тил” сифатида намоён бўлди.

Ҳар қандай адабий тилда бўлгани каби, ўзбек тилида бўлгани сингари, ўзбек тилида ҳам илоҳиётга оид лексик бирликлар мавжуд. Таъкидлаганимиздек, исломий дунёқараш орқали ўзбек адабий тилидаги исломий лексикани чегаралаш, аниқлаш мумкин бўлмаса-да, адабий тил ва унда исломий лексика мавжуд эканлигини ҳам инкор этиб бўлмайди.

Қуръон ва ҳадислар лексикаси асосида ўзбек тилидаги исломий лексикани аниқлаш масаласида қуйидаги уч гуруҳ лексемани ўзаро фарқлаш керак бўлади:

а) фақатгина Қуръондан ўзлашган ва ҳозирги ўзбек тилида кенг қўлланадиган *адоват, адолат, азоб, аскар, азиз, асал, аломат, амал, баҳил, бўҳтон, дунё, жоҳил, жадал, жазо, жасад, жавоб, заъиф, зарар, зилзила, золим, зулмат, илм, илтимос, имтиҳон, интизор, инқилоб, исм, китоб, лақаб, одам, олам, омонат, рози, сабр, савол, салом, сулҳ, сир, султон, табассум, такаббур, талоқ, таом, таслим, тафаккур, тафовут, таълим, тижорат, тобе, умр, уфқ, фалак, фарқ, фикр, хабар, хазина, халқ, хиёнат, шароб, шарт, шоир, шифо, эътибор, эълон, қабр, қалб, қарз, қувват.*

<sup>1</sup> “Дин” сўзи ҳозирги ўзбек адабий тилида ислом дини учун умумий ном сифатада қўлланади. Мазкур мақолада, балки, Ислом (исломий) Одам Атодан бошлаб, барча пайғамбарлар ва уларнинг издошлари амал қилган, Қуръон орқали ҳужжатлаштирилган диннинг номи олинди.

<sup>2</sup> Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик, 16-том, Сирож ул-муслимин, Т., 2000, 273-бет.

<sup>3</sup> “Исломий” атама ўрнида.

ганим, ҳаёт, ҳайрон, ҳалол, ҳаром, ҳасад, ҳасрат, ҳозир, ҳоким, ҳомила, ҳужжат, ҳурмат каби юзлаб лексемалар борки, булар ҳозирги ўзбек тилида исломий эмас, балки адабий меъёрдаги (нейтрал) лексика ҳисобланади;

б) бошқа “дин”ларга оид *роҳиб, роҳиба, санам, таврот* каби луғавий бирликлар ҳамда ўзга динлардаги худоларнинг, бут – санамларнинг номлари мавжуд ва булар ҳозирги ўзбек адабий тилида исломий лексика ҳисобланмайди;

в) *авлиё, ибодат, илоҳ, тақводор, шайх, ҳамд* каби исломий лексемалар бошқа динларга оид маъноларда ҳам қўлланади. Бу эса, ўз навбатида, Қуръон ва ҳадислар лексикаси асосида ҳозирги адабий тилдаги исломий лексикасини аниқлаш масаласини бирмунча мушкуллаштиради.

Араб тили, шубҳасиз, исломий лексиканинг асосидир. Бироқ араб тили лексикаси юз фоиз исломий лексика эмас, албатта. Чунки, биринчидан, араб мамлакатлари орасида мусулмон бўлмаган, яъни исломдан бошқа динларга эътиқод қилувчи араблар ҳам бор. Табиийки, ана шу динларга оид лексемалар ҳам араб тили луғат бойлигининг бир қисми ҳисобланади; *иккинчидан*, Қуръондан ўзлашгани каби, ҳозирги ўзбек тилига араб тилидан ўзлашган *алифбе, алоҳида, амма, анҳор, арава, ариза, атир, бадий, баёнот, байналмилал, вабо, вазоҳот, вазият, давомат, дадил, жамият, завқ, замонавий, идора, касал, лаёқат, латофат, маҳалла, маданият, маданий, назария, раис, расом, сиёсат, табрик, фан, шакл, эҳтимол, яқун, яқин, гаввос, галла* каби бир неча юзлаб луғавий бирликлар ҳозирги ўзбек адабий тилида исломий лексика эмас, балки умумадабий меъёрлашган сўзлар ҳисобланади.<sup>1</sup> Чунки ҳозирги ўзбек тилида араб тилидан ўзлашган ана шу луғавий бирликларсиз бирон-бир бадий ёки илмий асар, журнал ёки матбуот матнлари, сиёсий-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар юзага келмайди.

Миллий тиллардаги исломий лексика араб бўлмаган мусулмон халқларнинг миллий тилларига оид, яъни ислом дини қабул қилиниши билан исломий маънога эга бўлган *беҳишт, дўзах, гуноҳкор, дарвеш, намоз, намозиом, пайгамбар, Парвардигор, рўза, Худо, чорёр* каби кўплаб *форсча; Биру бор, жонлиқ (к), –кўза, тангри, тамуз, ужомоҳ, Эгаси, Ялавоч, Яратган, яратувчи, қурбонлик* каби бир қанча лисоний бирликлар борки, булар ҳам ҳозирги ўзбек тилида, асосан, исломий лексика манбаларидан ҳисобланади.<sup>2</sup>

Юқорида эслатилганидек, исломий лексиканинг манбалар: 1) ислом дини; 2) ислом манбалари; 3) араб тили лексикаси) ҳозирги адабий тилда исломий лексикани аниқлашда қўрилган натижаларни бермайди. Шунинг учун ҳозирги ўзбек тилидаги исломий лексикани мана шу манбалар билан бирга, ўзбек адабий тили ва унинг лексикологик имкониятлари муштараклашган принциплар асосида қўйидагича аниқлаш ва гуруҳлаштириш лозим бўлади:

I. Қўлланма сўзлар,<sup>3</sup> яъни ҳозирги ўзбек тили нуқтаи назаридан, муайян лексик маънога эга бўлмай бирон-бир исломий кўрсаткич вазифасида қўлланадиган бирликлар: *алайҳиссалом, соллаллоҳу аълайҳи васаллам, лавҳул маҳфуз, росуллulloҳ, сафийulloҳ, розияллоҳу анҳу, сунний, шиа* ва х.к.

II. Ислом таълимотига кўра, оламни Аллоҳ яратган. Адабий тилда Аллоҳ яратганлик мавзусида келадиган лексик бирликлар: *Азроил, ари, дунё, буроқ, ваҳий, дўзах, жаннат, жаҳаннам, жин, забур, зам-зам, зулфиқор, иблис, инжил, меърож, Мийқоил, Одам, охират; сирот, кавсар* у дунё, *фаришта, шайтон, Қуръон, Ҳаво* ва х.к.

III. Шаръий<sup>4</sup> (исломий муносабатларга асосланган) маънодаги бирликлар: *ал-ҳазар, алҳамдуллоҳ, амри маъруф, астағфируллоҳ, бисмилло(ҳ), бомдод, валад, валий, ваъз, гуноҳ, гуноҳкор, даргоҳ, даҳа, даҳрий, дулдул, дуо, дўзахий, жаннатий, жаноза, жиҳод, жойнамоз, жума, жимо, закот, зиёрат, зикр, зино, ибодат, ибодатхона, ийд, илтижо, имом, истиғфор, итоат, ифтор, калима, каломулло(ҳ), каломи шариф, каъба, каъбатулло(ҳ), мавлуд, мадраса, масжид, маърака, маҳшар, мулла, муфтий, никоҳ, талоқ, ҳалол, ҳаром, шайх, шарм. қози* ва х.к.

IV. Матннинг мазмунига кўра, исломий маъно ифодаладиган тил бирликлари: *дўст, ёр, ишиқ, маъшуқа, меҳмон, мусофир, неъмат, ориф, ошиқ, ожиз, рози, сен, таваккал, шукр, ўзи, ҳақ* ва х.к.

<sup>1</sup> Қуръондаги айрим лексемаларнинг миллий тиллардаги синонимлари.

<sup>2</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1–2-жилдлар, М., 1981.

<sup>3</sup> Ўзбек тили лексикологияси. Тошкент, “Фан”, 1981, 88-бет.

<sup>4</sup> Исломнинг ўзаро ва бутун оламга бўлган (исломий) муносабати.

Ана шу принциплар асосида аниқланган ҳозирги ўзбек адабий тилидаги имломий лексик бирликларни қўлланиши ҳамда исломий маъно ифодалашига кўра, қуйидагича тасниф қилиш мумкин:

1. Доминант исломий лексика – ўзбек тилида, асосан, исломий матнда қўлланидиган бирликлар, олинма сўзлар: *алайҳиссалом, алҳамдулилло(ҳ), вали, байтулло(ҳ), дажжол, дарвеш, жаноза, жойнамоз, зоҳид, ибодат, ийд, кавсар, мазҳаб, масжид, маҳрам, маҳшар, муаззин, охират, оят, парвардигор, рақъат, рукн, саҳоба, сўфи, тавоф, такбир, таровех, тасбеҳ, таяммум, тақводор, таҳорат, тиловат, тоъат-ибодат, уламо, фарз, фатво, фитр, хатм, хатна, Ҳизр, худоя, хутба, чорёр, шиъа, эшон, газот, гайридин, гозий, гусл, ҳаж, ҳидоят, ҳожиди каби*

2. Барқарор исломий лексика исломий маъносини сақлаган ҳолда, адабий тилда кенг қўлланидиган сўзлар: *азон, дўзах, жаннат, жума, закот, иблис, илоҳ, иймон, каромат, мадраса, мулла, намозшом, никоҳ, савоб, сажда, суннат, сура, тавба, талоқ, уламо, фаршита, фотиҳа, ҳалифа, шайтон, шаккоклик, шаҳид, шом, эътиқод, эҳсон, қози, қори, қибла, қиёмат, қироат, ҳадис, ҳур каби.*

3. Чегараланган исломий лексика – муайян матндагина исломий маънога эга бўлиб, матндан ташқарида эса умумистеъмолдаги сўз ҳисобланадиган луғавий бирликлар:<sup>1</sup> *гуноҳ, гуноҳкор, неъмат, ожиз, рози, таваккал, ҳақ, шарм, шуқр* каби, ҳатто сўзлашув нутқидан *сен, ўзинг* каби олмошлар ҳам Худо маъносида қўлланади:

*Подшо халқ томонда. Ўзинга шуқур, Ўзинга....*

*...Берсанг ҳам бермасанг ҳам, Ўзинга шуқур, Ўзинга....*да ажратиб кўрсатилган бирикмадаги олмош исломий маънода бўлиб, у орқали Аллоҳ таоло назарда тутилмоқда: *дўст; ёр, шиқ, маъшуқа, меҳмон, мусофир, ориф, ошиқ* кабилар ҳам тасаввуфга доир адабиётларда Аллоҳга нисбатан ёки исломий маънода қўлланади. Ҳозирги ўзбек адабий тили луғат таркибига кирувчи лексемаларнинг асосий қисмини исломий нуктаи назардан, аксинча, исломий лексемаларни адабий норма тарзида изоҳлаш мумкин. Бироқ доминант исломий лексикани умумида адабий тилдаги нейтрал лексика тарзида изоҳлаб бўлмайди. Чунки булар, таъкидланганидек, қўлланма сўзлар бўлиб, ҳозирги адабий тилда, эркин қўлланмайди, фақат тегишли махсус матнлардагина “донор” тилдаги (исломий) маъноси билан қўлланади.

Ўзбек тилида услубий жиҳатдан нейтрал лексикадан умумдиний лексикани ва ундан исломий лексикани тўғри фарқлаш; умумдиний лексиканинг<sup>2</sup> исломий маънога эга бўлиши ҳодисаси, аксинча, исломий лексиканинг умумдиний маънода ҳамда нейтрал лексиканинг исломий маънода қўлланишини аниқлаш масаласи ўзбек тилининг кўп жилдли изоҳли луғати тузилаётган айни пайтда яна-да муҳим аҳамият касб этади. Тузилаётган изоҳли луғатда ана шу масалага ҳозирги давр талаблари асосида ёндашилиб, исломий лексиканинг маъно қирралари имкон даражасида очиб берилса, шубҳасиз, луғатнинг савияси ва илмий қиймати яна-да ошади. Бу билан эса тилшунослар луғат орқали” ислом динини тўғри англаш ва тушуниш”дек жиддий муаммони ҳал қилишга ҳам муносиб ҳиссаларини қўшган бўлардилар.

Хулоса шуки, араб тили, араб манбаларида қўлланилиб келаётган исломий лексиканинг ҳозирги ўзбек адабий тили ва унинг шевалари луғат таркибини бойитишдаги ўрнини аниқлаш, таҳлил этиш муҳимдир.

<sup>1</sup> Тилдаги уда кўп луғавий бирликларни исломий нуктаи назардан талқин этиш, шарҳлаш мумкин.

<sup>2</sup> Бошқа динларга оид лексик бирликлар.



Эшмухамедова Марям (филология фанлари номзоди, доцент)  
АҲМАД ЯССАВИЙНИНГ МЕРОСИ ВА УНИНГ МАНБАЛАРИ

**Аннотация.** Ушбу мақола Аҳмад Яссавий ижоди, айниқса, унинг меросини халқимиз маънавий тақомилига қўшган ҳиссаси ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш имконини беради.

**Аннотация.** Данная статья даёт возможность получить полное представление о творчестве Ахмада Яссави, достойном вкладе его наследия в нравственном развитии нашего народа.

**Annotation.** This article gives an opportunity to obtain literary activity of Akhmad Yassaviy. Especially, about contribution of his heritage to the spiritual prosperity of our nation.

**Калим сўзлар:** туркий халқлар, тарихий хизмат, ўғит, ахлоқ, мураббий, тасаввуф, таълим-тарбия, ҳалол луқма, шеърлий қиссачилик.

**Ключевые слова:** тюркские народы, историческая заслуга, нравоучение (мораль), нравственность, наставник, тасаввуф (аскетизм, суфизм, мистицизм) образование и воспитание, честная пища (халляль локма), поэтическая эпика.

**Key words:** Turkic nations, historical merit, moral, ethic, mentor, asceticism, education and sufism, honest food, poetic epos.

Ўрта асрларда ислом минтақасида туркий тилда ижод қилган бирор шоир йўқки, у Аҳмад Яссавийдан ўрганмаган бўлсин, унинг ижодидан илҳомланмаган бўлсин. Аишер Навоийдек зот уни "...Туркистон аҳлининг шайхул-машойихи..."<sup>1</sup> еб улуғлаган. Аҳмад Яссавийнинг ҳаётлигида ҳам, вафотидан кейин ҳам унга бўлган ҳурмат ортиб бораверган. Соҳибқирон Амир Темур жангдан қайтар экан, улуғ шайхнинг қабри устига маҳобатли макбара қурдиради.

Мана, орадан тўққиз асрдан ортиқ вақт ўтди, "Пири Туркистон" номи тилдан тушмай келаяпти. Унинг тарихий хизматларини қуйидагиларда кўриш мумкин:

1. Аҳмад Яссавий туркий тилнинг шаклланишига ва тараққиётига кўп ҳисса қўшган зотдир.

Маълумки, у яшаган даврда илм ва ижод тили араб ҳамда форс тиллари эди. Яссавий бу тилларни яхши билишига қарамай, ўша давр шароитидан келиб чиқиб, омма савиясига мос бир йўлни топди. Яъни, содда туркий халқларга уларнинг ўз тилида мурожаат этиб, оддий тилда ҳикмат айтди. Уларга шарият аҳкомларини шу тилда етказиб беришга муваффақ бўлди. У ёзади:

*Xuʃlamaydur 'ālimlar bizni aygʻan türkiyni,*

*Āriflardan eʃitsāḡ āčar köḡil mülkini.*

*Āyat, hadis ma'nāsi türkiy bolsa muvāfiq,*

*Ma'nāsiga yetgānlār qoyar borkini.*

Натижада туркий тилнинг ҳам имкониятлари чексиз эканлиги, бу тилда ҳам ҳеч иккиланмай ижод қилиш мумкинлигини амалда исботлаб берди.

Унинг "Ҳикматлари"нинг бугунгача севилиб ардоқланиб келинишининг сабаби ҳам уларни ҳамма тушунадиган содда ва равон тилда ёзилганлигидадир.

2. Унинг тарихий хизматларидан яна бири ўзбек адабиёти тарихида "Ҳикмат" жанрига асос солганидир.

"Ҳикмат" сўзининг маъносига эътибор қаратадиган бўлсак, "Ақл, мантиққа, илмга ва ирфонга оид сўз"дир. Аҳмад Яссавий инсонларга ўғит берган, илму ифрондан хабар бериб, "Ҳикмат"лар айтган буюк сиймодир. У ёзади:

*Hikmatimdan bahra ālgʻan közgä sursin,*

*Ixlās birlä közgä surtib diydār körsin.*

Хожа Аҳмад ҳикматлардан ахлоқ ва тарбия воситаси сифатида фойдаланади. Инсонийлик одоби, маърифат, ахлоқ нормаларини белгилаб, уларни ҳикматлар орқали халққа етказди.

У камолотга эришиш йўлларини ахтарди, комил инсоннинг сифатларини кўрсатиб беради. Унингча, камолот йўлини танлаган киши ёлғон гапирмайди, манманликдан узоқ бўлади, киши молига хиёнат қилмайди, ўз меҳнати эвазига кун кечиради, ҳаммага яхшилик қилади, нафсини тарбиялайди, вақтини беҳуда сарфламайди, кофирга ҳам озор бермайди. Хуллас, Яссавий ҳикматнавислиги ўз даври кишиларининг камолот йўлини босиб ўтишида бир дастур вазифасини ўтаган

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Асарлар. 15-томлик, Т., 1968, 153-бет.

бўлса, иккинчи томондан, хикматларни туркий дунёда шеърий ифода сифатида қўллаш расм бўлди. Унинг издошлари, кейинги даврда ижод қилган туркий шоирлар бу жанрни анъана сифатида қўлладилар ва бу анъанага содиқлик XIX асргача давом этиб келди.

3. Аҳмад Яссавийнинг тарихий хизматларидан яна бири туркийлар орасида биринчилардан бўлиб мустақил бир тариқат тузганлигидир.

Алишер Навоий ёзади: "...Муриду асҳоби беҳисоб эрмиш".<sup>1</sup>

Инсон кўнгли софлигига эришишни кўзлаган Яссавия – жаҳрия тариқати катта худудга тарқалди. Улуғ шайхнинг ҳаётлик чоғидан бошлаб, то Нақшбандия тариқати шаклланишга қадар туркий халқларнинг маънавий тақомилида катта роль ўйнади.

4. Аҳмад Яссавийнинг сўз санъатидан фойдаланиб ёзган "Ҳикмат"лари жамланган асари "Девони хикмат" номи билан машҳур. У ўз фикр-қарашлари, ўғитлари ва Яссавия маданиятини шеърий шаклда ифодалаб, халққа етказиб берди. Чунки оммага энг тез ва яхши таъсир қиладиган восита – бу шеър эканлигини у яхши биларди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Аҳмад Яссавий ҳеч қачон шоирликни даъво қилмаган. Балки шеърдан таълим-тарбия ва ахлоққа оид қоидаларни халққа етказиш воситаси сифатида фойдаланди.

У, аввало, оят ва ҳадисларни туркийлаштирди, уларнинг мазмуни халққа тушунарли бўлишини таъминлайди:

*"Al-kazzabu lā ummatiy" dedi biliñ Muhammad,  
Yālğāncılar qavmīni ummat demäs Muhammad.  
Toğri yürğän qulini istāb Haqni yolini,  
Rāst yürmägän qulini ummat demäs Muhammad.*

"Девони хикмат" ахлоқ дарслигидир. Унда улуғ шайхнинг исломга мувофиқ ахлоқий қарашлари мужассамлашган. Унга кўра, маърифат йўлига кирган инсон, аввало, нафсини тарбияламоғи шарт. Чунки ҳар қандай тубанликнинг манбаи нафсдир ёки инсон ўз нафсини жиловлаб Ҳақ йўлини топади ёки нафси унинг устидан ҳукмрон бўлади:

*Nafsini seni bāqib türsän nelär demäs,  
Zāri qilsañ Allāh sarī boyunsumas.  
Qolga ālsañ yābān quşdek qolga qonmas,  
Qolga ālib tün uyqusin qilğil bedār.*

Яссавий шахсий ҳаётда ҳам ўрнатилган ахлоқ кишидир. У муриду асҳоблари беҳисоб бўлишига қарамай, ҳалол луқма билан кун кечирди. Дехқончилик ва қўл меҳнати эвазига келадиган маблағ билан яшади. Унга кўра, ҳар бир тани соғ инсон ўз пешона тери билан кун кечириши шарт, ҳатто у шайх бўлса ҳам. Инсонлардан тамаъ қилиб, бировлар ҳисобига яшайдиган, назр эвазига кун кўрадиган айрим кишиларни у қоралайди.

"Ҳикмат"ларда кўзланган асосий ғоялардан бири таълим-тарбия, аниқроғи, комил инсонни тарбиялашдир. Тангри инсонга беҳисоб неъматлар: ақл, вужуд ато этган. Унга бошқа неъматлар ҳам берилган. Инсон ўзига берилган шу имкониятларидан фойдаланиб, гўзалликнинг тимсоли бўлиб яшамоғи, атрофини ҳам гўзал қилмоғи лозим. Бошқаси унга ато қилинган. Ўзини гўзал ахлоқлар билан безай олган инсон энди ўзгалар олдида ўзини масъул ҳисоблайди. Уларнинг қалбида ҳам гўзаллик уйғотишга, уларни ҳам гўзалликка ошно бўлишга ундайди, атрофини гўзалликка тўлдирди. Мана, Яссавий кўришни истаган комил инсоннинг ахлоқи.

Яссавийга кўра, инсон доимо илм ўрганиб, изланишда бўлмоғи лозим. Чунки илм орқали у ўзини танийди, ўзини танигач, Ҳақни танийди. Ҳақни таниганлар ёлғончилик, манманлик, дунёга ҳирс қўйиш, дилозорлик, риёкорлик ва бошқа иллатлардан пок бўлади. Ўз олдига аниқ вазифалар қўядилар ва унинг ижросига ошиқадилар. Шу тариқа, олам гўзаллашиб, тозариб бораверади. Яссавий таълимотининг асоси – ана шу. Бу таълимот асрлар давомида комил инсонни тарбиялашда асосий дарслик бўлиб хизмат қилиб келди.

5. Ўзбек адабиёти тарихида шеърий қиссачиликнинг шаклланиши ва тақомили ҳам Аҳмад Яссавий ҳамда унинг издошлари фаолияти билан боғлиқ.

Маълумки, ўзбек адабиёти тарихида шеърий қиссаларда жанговарлик, қаҳрамонлик, севги вафо билан бир қаторда, элнинг кечмиши, орзу-армонлари ўз ифодасини топган. Улар кишилар қалбида эзгулик уруғларини сочишга, меҳр улашишига, элнинг расо фарзандларини тарбиялашга

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Асарлар. 15 томлик, Т., 1968, 153-бет.

эришишга ундайди. Бу қиссаларда халқ оғзаки ижодига хослик билан бирга, Яссавий ҳикматларининг уйғун жиҳатларини кўришимиз мумкин. Улар бизга қўлэзма манбалар орқали етиб келган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлэзма фондларида ва Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейи фондида кўплаб учрайди. Улар сирасига “Иброҳим қиссаси”, “Вафотномаи расул”, “Биби Фотима қиссаси”, “Қиёматнома”, “Махшарнома”, “Баҳром ва Гуландом”, “Қиссаи Ҳамроҳ ва Хурлиқо”, “Қиссаи Сайқалий” ва яна кўплаб қиссаларни киритиш мумкин.

Буларнинг ҳаммаси Аҳмад Яссавий ахлоқий-фалсафий меросининг халқимиз маънавий тақомилидаги беқиёс хизматларини белгилайди. Шу сабабли унинг асари қўлэзмалари сони кўп ва кенг тарқалган, шу сабаб унинг мактаби шоирлари сафи кенг, шу сабаб унинг асари бугунгача қўлдан тушмай келмоқда.

“Девони ҳикмат” ахлоқ дарслигидир. Унда улўғ шайхнинг исломга мувофиқ ахлоқий қарашлари мужассамлашган. Шунингдек, бу асардаги ҳикматлар мазмунини Ҳаққа ошиқ бўлиш, сабру қаноат, тавбаю тазарру, дунё хирсу ҳавасларидан пок бўлиш, фақру фано, ҳалоллик, тўғрилиқ каби инсоний фазилатларга чорлаш ташкил этади.

“Девони ҳикмат” машҳур асар бўлганлиги сабабли, унинг қўлэзма нусхалари кўп.

Ҳозирги кунда бу асар қўлэзмалари Туркия, Татаристон, Туркменистон,<sup>1</sup> Қозоғистон, Берлин, Кембриж, Санкт-Петербург, Москва, Украина, Париж, Принстон каби жойларда сақланади.<sup>2</sup> Шунингдек, Хитойнинг Шинжон – Уйғур мухтор ўлкасида ҳам бу асар қўлэзмаларининг мавжудлиги ҳақида маълумот бор.<sup>3</sup> Бундан ташқари, кўп сонли адабиёт мухлислари кутубхоналарида ҳам мазкур асар қўлэзма нусхалари сақланади.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг расмий фондларида “Девони ҳикмат” асарининг 188 та қўлэзмаси мавжуд бўлиб, улар қуйидаги фондларда сақланади:

1. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлэзмалар фондида 67 та.

2. Шу институтнинг дублет фондида 11 та.

3. Мазкур институтнинг Ҳамид Сулаймонов фондида 94 та.

4. ЎзРФА Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейи фондида 16 та.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти олимлари томонидан тузилиб, 1952–1987 йиллар оралиғида чоп этилган 11 жилдди каталогда мазкур институт фондида сақланаётган Аҳмад Яссавий ҳикматлари ўрин олган 10 та қўлэзманинг тавсифи берилган. Улар қуйидаги рақамли қўлэзмалардир: 574/III, 378/1, 3764, 1564/1, 4700/IV, 377, 1777, 3966, 361/1, 3430/II.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Ҳамид Сулаймонов номидаги собиқ Қўлэзмалар институти (мазкур институт иш фаолияти 1988 йили тўхтатилган, фонддаги қўлэзмалар Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Ҳамид Сулаймонов фонди номи билан сақланмоқда) олимлари томонидан тузилиб, 1988–1989 йиллар оралиғида чоп этилган 2 жилдди каталогда эса Аҳмад Яссавий ҳикматлари ўрин олган қўлэзмалардан 22 тасининг тавсифи берилган. Улар мазкур фондда қуйидаги рақамлар билан сақланмоқда: 3388, 1132, 2758/Н, 974, 714/IV, 178/III, 542/II, 1010, 2471/II, 846, 575, 3390, 2824, 2990, 2045/I, 2738/II, 1322/IX, 1717/VIII, 2611/II, 1510/II, 2962/I, 3158. Бу қўлэзмаларнинг кўпи мажмуа ва баёзлардир.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейи олимлари томонидан тузилиб, 2006 йили чоп этилган каталогда ҳам Аҳмад Яссавий ҳикматлари ўрин олган деб ҳисобланган 5 та қўлэзманинг тавсифи берилган. Улар қуйидаги рақамли қўлэзмалардир: 431/XVII ва XXI, 349/VII, 411/II, 349/XIII.

Лекин 431 рақамли қўлэзманинг XXI қисмидан ўрин олган “Арвоҳнома” асарини қўлэзмани тавсифловчи Аҳмад Яссавийга мансуб деб билган. Аслида, бу бошқа муаллифга тегишли. Шу би-

<sup>1</sup> Коллектив. Хожа Аҳмад Яссавий (Ҳаёти, ижоди ва анъаналари) Келдиев Қ. Туркменистонда Аҳмад Яссавийнинг ўрганилиши. Тошкент, 2001.

<sup>2</sup> Hofman H.F. Turkist literature a bio-bibliographical survey. Utrecht: The library of the University of Utrecht, 1969. Part 1. Vol. 6.

<sup>3</sup> Шығыстану институтындағы Қожа Ахмет Исау Хикметлеринин, қолжазба Каталогы. Туркистон, 2006, Муқаддима.

лан бирга 411/II рақамли қўлёзмани тавсифловчи ҳам бу нусхадан Аҳмад Яссавий ҳикматлари ўрин олган деб ҳисоблаган. Аслида, қўлёзма матни Аҳмад Яссавийга тегишли эмас. Демак, қайд этилган “Девони ҳикмат”нинг 188 қўлёзмасидан 37 таси турли даврларда чоп этилган каталоглардан ўрин олган (улар ҳаволаларда берилган). Қолган 151 қўлёзманинг тавсифи бирор жойда берилганми деган савол туғилади.

2003 йили мазкур сатрлар муаллифи томонидан “Девони ҳикмат” қўлёзмалари каталоги нашр этилиб, унда бу асарнинг 100 та қўлёзма нусхасининг тавсифи берилган эди.

Кейинги йилларда Аҳмад Яссавий ижодига бўлган қизиқиш ва эътиборнинг ортиши натижасида “Девони ҳикмат”нинг яна бир каталоги нашр этилди. Ушбу каталогда Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган 67 та, шу институтнинг Ҳамид Сулаймонов фондида сақланаётган 95 та, Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти дублет фондида сақланаётган 11 та – жами 173 дона қўлёзманинг тавсифи берилган. Албатта, бу каталогга 2003 йили биз томонимиздан тузилган каталогни асос қилиб олганликларини каталог тузувчилар эътироф этишган.

Орадан йиллар ўтди. Қўлёзма фондлари бойиб, фондга Аҳмад Яссавий ҳикматлари ўрин олган янги қўлёзмалар келиб тушди. Энди аввал тузилган “Девони ҳикмат” қўлёзмалари каталогини тўлдирилган қайта нашрини амалга ошириш зарурияти туғилди. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, 2006 йили Туркистонда чоп этилган каталогда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейи фондида сақланаётган Аҳмад Яссавийга мансуб ҳикматлар ўрин олган қўлёзмалар, умуман, тавсифланмаган.

Шу мақсадда “Девони ҳикмат” қўлёзмаларининг янги нашри чоп этилди. Мазкур каталогда “Девони ҳикмат”нинг 188 қўлёзмаси тавсифи берилган бўлиб, улар юқорида “расмий фондда сақланувчи қўлёзма” сифатида тилга олинган.

Таъкидлаб ўтилганидек, “Девони ҳикмат” қўлёзмалари сони Навоий асарлари қўлёзмалари сонидан кам эмас. Лекин тенг бўлмаган жиҳатлари бор. Навоий асарлари қўлёзмалари турлича китобат қилинган. Бу хилма-хиллик турли давр ва “турли ижтимоий табақаларнинг маънавий дунёси, талаби ва эстетик завқининг ифодаси ўлароқ дунёга келган”, Девони ҳикмат” қўлёзмаларида эса бу ҳолатни кузатмаймиз. Уларнинг деярли ҳаммаси содда, оддий халқ талабидан келиб чиқиб кўчирилган қўлёзмалардир.

Навоий асарлари қўлёзмалари орасида шоир ҳаёт чоғида кўчирилган, “ўша давр хаттотлик ва бадиий қўлёзма санъатининг ютуқларини акс эттирган” мукамал нусхалари ҳам бор. Лекин “Девони ҳикмат”нинг бундай қадимий нусхаларини учратмадик. Фондлардаги бу асар қўлёзмаларининг деярли барчаси XVIII ва XIX, ҳатто XX аср бошларига мансуб. Улар ичида энг қадимийси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида 4700 рақами билан сақланади, кўчирилиш санаси 1130/1718 йил.

“Девони ҳикмат” қўлёзмаларининг миниатюралари нусхасини учратмадик. Эътибор билан кўчирилган, китобат санъати учун аҳамиятга эга бўлган нусхалари кам учрайди. Улар: 1161, 340, 178 ва 412 рақамли қўлёзмалардир.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, Аҳмад Яссавий ҳикматлари ўзи каби содда халқлар талабидан келиб чиқиб китобат қилинган. Ҳикматлар аввал оғзаки ҳолда яратилган ва Яссавий дарвешлари орқали туркий ўлкаларга оғиздан-оғизга ўтган ҳолда тарқалган. Маълум давр ўтгач, уларни китобат қилинган.

“Девони ҳикмат” қўлёзмаларида ҳикматлар сони ҳар хил. Айримида 50 та, бошқасида 80 та, яна бирида 100 дан ортиқ, ҳикматлар сони 20 дан ошмайдиган, ҳатто бундан кам ўрин олган қўлёзмалар ҳам бор.

“Девони ҳикмат” қўлёзмалари устида иш олиб борилган изланишлар бир қўлёзмадан ўрин олган ҳикматнинг иккинчи қўлёзмада мавжуд эмаслигини, аксинча, учинчи қўлёзмада биринчи ва иккинчи қўлёзмадаги шеърларнинг айримлари ёки буткул янги ҳикматлар ўрин олганлигини кўрсатди. Бу эса ўтган давр мобайнида ҳикматларнинг бир неча хаттот томонидан турлича кўчирилганини билдиради ва натижада асл нусхадан четга чиқиш ҳолати юзага келган.

Юқорида таъкидланганидек, “Девони ҳикмат” қўлёзмалари ичида қадимгиси ҳисобланган 4700 рақамли қўлёзмада ҳам, бу асарнинг XVIII асрда кўчирилган бошқа нусхаларида ҳам ҳикматлар тўлиқ эмас. Эътибор билан кўчирилган “Девони ҳикмат” қўлёзмасининг аксариятидан ўрин олган ҳикматлар бу қўлёзмаларда йўқ. Асарнинг 178, 5716 ва 3764 рақамли нусхалари XIX асрда

саводли котиблар томонидан кўчирилган бўлиб, уларнинг матни тўлиқ, ҳикматлар сони ҳам кўп. Бундан бир неча қўлёзма асосида янги нусха кўчирилган деган хулосага келиш мумкин.

178 ашё рақамли қўлёзма ҳижрий 1311/1883 йилда кўчирилган бўлиб, унга Аҳмад Яссавийнинг 200 та ҳикмати киритилган. Шу ўринда “Девони ҳикмат”нинг бошқа қўлёзмаларига тўлиқ тўхталмадик.

“Девони ҳикмат” қўлёзмаларининг аксарияти Қўқон қоғозига турли хил: жуда чиройли, ўртача ва хунук настаълиқ хатида ёзилган. Шарқ қўлёзмаларининг кўпида учрайдиган безаклар бу асар нусхаларида учрамайди. Лекин айримларида матн тилла суви ва қизил сиёҳ билан жадвалга олинган. Бундай қўлёзмалар сирасига 3630, 3562, 3764 ва 5716-рақамли ҳикматлар киради.

Ҳикматлар жамланган аксарият қўлёзмаларга дастлабки босма нақшли шарқ муқоваси ишланган, айримлари эса кейинчалик қилинган чарм муқовада.

“Девони ҳикмат” қўлёзмаларида кўпинча кўчирилган жойи, санаси ва хаттотлари кўрсатилмаган. Айримларида эса котиб исми ва сана келтирилган. Масалан, 4700 рақамли қўлёзма 1130/1718 йилда Мирзо Маҳмуд котиб, 5716 рақамли қўлёзма 1298/1881 йилда Мулла Муҳаммад Намангоний, 1925 рақамли қўлёзма 1294/1877 йилда хаттот Муҳаммад Ниёз Охунд, 1777 рақамли қўлёзма 1321/1903 йилда Мулла Ўтаназар, 378-рақамли қўлёзма эса XIX аср бошида Абдуғафур ибн домла Абдусаттор Бухорий томонидан кўчирилгани қайд этилган.

“Девони ҳикмат” қўлёзмаларининг айрим нусхаларида Аҳмад Яссавий ҳикматлари билан бир қаторда унинг издошлари бўлмиш шоирлар ҳикматлари, мумтоз адабиётимиз вакиллари шеърлари, “Қиёматнома”, “Биби Марям қиссаси”, “Вафотномаи Фотима”, “Қиссаси Иброҳим” каби шеърӣ қиссалар ҳам ўрин олган.

Бу асарнинг жуда оз нусхасидагина фақат Яссавийга нисбат берилган ҳикматлари ўрин олган.

Ўз вақтида Абдурауф Фитрат ва А.К.Боровков Яссавий ва унинг мактаби шоирлари хусусида тадқиқот олиб бориб, 20 га яқин Яссавий мактаби шоирларини тилга олганлар. Бироқ қўлёзмалар устида олиб борилган кейинги тадқиқотлар Яссавийга эргашган ҳикматнавис шоирлар сафи янада кенглигини, аниқроғи, 40 дан ортиқ эканини кўрсатмоқда.

Шу ўринда Яссавий мактаби шоирлари деганда шеърлари Яссавий ҳикматлари билан бирга кўчирилган шоирларнинг барчаси назарда тутилгани ёки бу мактабга фақат ҳикматнавис шоирларгина дахлдор, деган фикрга аниқлик киритиб олиш лозим. Фикримизча, бу мактабга Аҳмад Яссавийга издош, у каби ҳикматлар ёзган шоирларнигина киритиш мумкин. Чунки ҳикматнавислар саидан ҳикмат ёзган, ҳамсанавислар сафидан эса “Хамса” ёзган ижодкорлар ўрин олади.

“Девони ҳикмат” қўлёзмаларига эътибор берсак, Яссавий ҳикматлари сўнгида, албатта, унинг издошлари бўлмиш Кул Сулаймон, Шамсиддин Ўзгандий, Ғариб Адҳам, Кул Ғариб, Кул Шариф, Кул Темурий, Холис, Мискин Қосим, Баҳоуддин, Неъматуллоҳ, Кул Убайдий, Кул Зоҳид, Соҳиб Назар, Занги Кул, Кул Умурий, Иқоний, Кул Назирӣ, Азим хўжа эшон, Кул Камина, Худойдод, Кул Ниёзий, Залилий, Кул Сайфуддин, Кул Яъқуб, Эшон Сўфӣй ва яна бошқа шоирларнинг шеърлари ўрин олган.

Маълумки, бу мактаб шоирлари ижодида ҳикматнавислик етакчи жанр ҳисобланади, лекин уларнинг ғазал, муножот, шеърӣ қисса ва бошқа жанрларда ҳам ижод қилганини кузатиш мумкин. Уларнинг шеърлари бошқаларга нисбатан содда, халқона усулда экани, бадий ижод воситаларидан ҳам камтарона фойдалангани, мавзуларининг бир-бирига яқин, лекин ўзига хослиги билан ажралиб туради. Асарларида содда баён тарзи, баъзан тарихий воқелиқдан узоқлашиш, айрим ўринларда вазнининг бузилиши ҳолати ҳам учрайди. Лекин ғоя битта – эзгулик, инсонларга яхшилик улашиш, огоҳликка чорлаш.

“Девони ҳикмат” қўлёзмаларида ҳикматлар сони ҳар хил бўлганидек, бундай қўлёзмаларга ҳикматлари киритилган издошлари сони ҳам турлича. Масалан, 1 қўлёзмага 7 та шоир ҳикматлари киритилган бўлса, 2 қўлёзмага 15 та, 3 қўлёзмага эса 5 та ҳикматнавис шеърӣ киритилган. Демак, қайси қўлёзмадан ҳикматнавис шоирнинг қанча ва қайси ҳикматлари ўрин олганини тадқиқ этиш навбатдаги муаммолардан бири ҳисобланади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Аҳмад Яссавий мактаби шоирларининг ижоди ўзига хос бир олам. Қўлёзмалари ҳам кўп, улар юқорида санаб ўтилган фондларда сақланади. Бу қўлёзмаларнинг ўзига хос хусусиятлари тадқиқи галдаги вазибалардандир.

“ONG OQIMI” BADIY – YAXLITLIKNI TA’MINLOVCHI UNSUR SIFATIDA

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada “ong oqimi”ning insonni anglash hamda estetik qamrov imkoniyatlarini yanada kengaytirish, uning ruhiyati haqidagi tasavvurlarni boyitish bilan bog‘liq jarayonlarning ayrim jihatlarini T.Rustamning “Kapalaklar o‘yini” romani misolida tadqiq qilingan. Ayni paytda, ong oqimi unsurlarining asar badiiy yaxlitligiga ta’siri masalasida ham mushohada yuritgan va bir qancha fikrlarni ilgari surgan.

**Аннотация.** В данной статье рассматриваются некоторые аспекты процессов «потока сознания», связанные с пониманием человека, а также с расширением возможностей эстетического освещения, обогащением представлений о его психике, в примере романа Т.Рустама «Игра бабочек». При этом автор заметил влияние элементов сознания на художественную целостность произведения и выдвинул ряд идей.

**Annotation.** This article examines some aspects of the “stream of consciousness” processes associated with understanding a person, as well as expanding the possibilities of aesthetic illumination, enriching ideas about his psyche, in the example of T.Rustam’s novel “The Game of Butterflies”. At the same time, the author noticed the influence of the elements of consciousness on the artistic integrity of the work and put forward a number of ideas.

**Kalit so‘zlar:** ong oqimi, badiiy yaxlitlik, xarakter, assotsiatsiya, modern adabiyot, ramziylik, grotesk, taassurot.

**Ключевые слова:** поток сознания, художественная целостность, характер, ассоциация, литература модерна, символизм, гротеск, воображение.

**Key words:** stream of consciousness, artistic integrity, character, association, modernism, symbolism, grotesque, impression.

Ma’lumki, “ong oqimi” shartli atamasi ruhiyatda kechuvchi jarayonlarni bevosita, haqqoniy tasvirlashga intilgan adiblarning asarlariga nisbatan qo‘llanadi. Mazkur atama XIX asr oxirlaridayoq amerikalik faylasuf U.Jemsning inson ongida daryo oqimiga monandlikni ko‘rish bilan bog‘liq qarashlari asosida ommalasha boshlagandi. Jahon adabiyotining V.Vulf, M.Prust, J.Joys, E.Xeminguey, U.Folkner kabi mashhur yozuvchilari inson ongidagi his-tuyg‘ular, o‘y-fikrlar, kutilmaganda paydo bo‘luvchi assotsiatsiyalarning bir-biri bilan betartib almashinib turishi, mazkur chatishuvni mantiqan izohlash mushkulligiga e’tibor qaratishgan. Bunday izlanishlar, keyinchalik, surrealizm, ya’ni yangi romanchilik namoyandalari izlanishlarida davom ettirildi. Inson ongidagi jarayonlar voqelik bilan bog‘lab tasvirlandi. Natijada ong oqimi badiiy idrok etish vositalaridan biri sifatida ham talqin etila boshlandi. Bundan ko‘zlangan maqsad inson ruhiyatiga yanada chuqurroq kirib borish, uning qorong‘i puchmoqlariga nazar solishdir. Bu usul inson ruhiyatida kechuvchi jarayonlarni tasvirlash, xatti-harakatlarini turli yo‘llar bilan ijtimoiy va ruhiy jihatdan asoslashga intilgan yangi adabiyotda, ayniqsa, yorqin namoyon bo‘ldi. Mazkur eksperimentlar uchun xarakterli xususiyat an’anaviy eposga xos rivoya strukturasi buzilishi hamda xarakter butunligiga munosabatning o‘zgarishidir.

Milliy nasrimizning hozirgi bosqichi, xususan, romanchiligimizda yangilanish, odatiy an’anaviy yo‘ldan birmuncha o‘zgacharoq, o‘tgan asr boshlarida G‘arbda paydo bo‘lgan “modernistik adabiyot” deb ataluvchi adabiy oqimga monand sifatlar namoyon bo‘layotganligi XX asrning 90-yillaridayoq tadqiqotchilar diqqatini jalb qilgan edi.<sup>1</sup> Illo, badiiy nasrning tasvir maydoni kengayishi, chuqurlashishi, murakkablashishi, xarakter yaratishning yangicha usullariga faol murojaat etilishi, o‘ziga xos shakllarning vujudga kelishi, insonni atroflicha o‘rganish, uning ruhiyatini tahlil etish romanning asosiy sifat belgisi va badiiylik mezoniga aylanganligi singari belgilar ilgari tizim sifatida ko‘zga tashlanmagandi. Yozuvchining bayon tarzi, hikoyachi tiplari, sujet tuzilishi, uning tarkibidagi unsurlar o‘rni va roli o‘zgarishi, konflikt strukturasi va ko‘rinishlari xilma-xillashuvi, qahramonning o‘z tasavvurlari asosida vujudga kelgan personajga aylanishi, kitobxon uning tafakkuri bilan muloqotga kirishishi kabi o‘nlab belgi-xususiyatlar romanchilikda sodir bo‘layotgan o‘zgarishlar polifonik tafakkur tizimi bilan chambarchas bog‘liq ekanligini ko‘rsatadi.

Darhaqiqat, so‘nggi yillar romanchiligida qalam tebratayotgan ayrim ijodkorlar rivoyada oddiy tasvir yo‘ldan borishmayapti. Ular yaratgan asarlarda biz ko‘nikkan an’anaviy sujet, kompozitsiya quri-

<sup>1</sup>Жўраев Т. Онг оқими ва тасвирийлик. Филол. фанлари номзоди... дисс., Тошкент, 1994, 162-бет.

lishlari, xronologik mutanosiblik asosida hikoya qilinadigan voqea-hodisalar silsilasi uchramaydi. An'anaviy tasvir usullari emas, balki ong oqimi aks ettirilib, shunga mos tasviriylik yo'llari tanlanadi.

Anglashiladiki, "ong oqimi"ning insonni anglash hamda estetik qamrov imkoniyatlarini yanada kengaytirish, uning ruhiyati haqidagi tasavvurlarni boyitish bilan bog'liq ushbu jarayonlarning muayyan jihatlari zamonaviy o'zbek romanchiligini ham chetlab o'tmadi. Ayni paytda, yaqin o'tmish jamiyatining inqirozi sabablarini anglagan o'zbek adiblari yaratgan romanlarda jamiyat va inson munosabatlariga nisbatan norozilik ruhi yorqin namoyon bo'ldi. Bu esa ijtimoiy-tanqidiy pafosning o'tkirlashuvi: ijtimoiy adolatsizlik, shaxsning toptalishi, shovinizm, inson erkinligining bo'g'ilishi, ma'naviy inqirozning kuchayish sabablari kabi masalalarga e'tibor qaratishning ortishiga olib keldi. Muhimi shundaki, ekspressionizm adabiy-madaniy an'analardan butkul uzilgan hodisa sifatida paydo bo'lmadi. Yangilangan obrazlar va ifoda tarzi inson tafakkuri va ko'nglida kechayotgan davr ruhiga monand nidolarni aks ettirdi. Muallif qalbi, uning ichki "men"i ifodasini obyektiv voqelikdan ustuvor deb bildi. Buning natijasi o'laroq, ifodalash tasvirlashdan, intuitsiya esa mantiqdan ustun sanala boshladi. Abstraksiyalash, umumlashma obrazlar yaratish, ramziylik, fantastika, groteskning roli ortdi. Shuning uchun ham zamonaviy romanlarda murakkab hayotiy muammoning o'zi emas, balki u tug'dirgan taassurot, iztirob va alamlar o'z ifodasini topdi.

"...Gulnozning yonoqlarini yuvib tushgan ko'zyoshi ko'ksingni ho'l qilgan chog'da ham uni sen aniq his etding, aks holda, qizga qo'shilib, ho'ng'rab yuborishing tayin edi, xullas, o'zing bu paytda yupanchga muhtoj, o'zing dardingga malham, topolmay halak esang-da, ozroq yupanch bo'lar. Harna malham o'rnini bosar, degan ilinjda qizning ko'ksingga qo'yilgan boshini ohista silab, so'ng beixtiyor yuzingni tekkizding, va dimog'ing xuddi boya ko'zlari charos, qoshlari payvasta dilbar juvondan ufurganga o'xshash xushbo'y atirni tuydi, ammo, ko'zlari charos, qoshlari payvasta dilbar juvonnikidan farqli o'laroq, tuyqus qutqu solgan qo'rquvga omixta emas edi u, achchiq alam bilan to'kilgan rosmana ko'zyoshining, xiyol sho'r, achimsiq ta'mi kelardi undan, buni sen o'z dimog'ingda tuyding, chunki qizning yupanch ilinjida yelkangga qo'yilmish boshiga beixtiyor yuz bosgan chog'ing uning ko'zyoshi nam qilgan soch tolalarini lablarning bir lahza ohista o'z og'ushiga olgan edi, achchiq alam bilan to'kilgan rosmana ko'zyoshining xiyol sho'r, achimsiq ta'mi kelsa-da, bu atir yaxshigina elitdi seni, bir on, bir lahzaga emas, xiyla oshiqroq muddatga, achchiq alam-la to'kilgan rosmana ko'zyoshining xiyol sho'r, achimsiq ta'mi bilan emas, uni dimog'ing tuygach, shuurni chulg'amish totli taassurotlar girdobi bilan, girdobning tinimsiz gir aylangan halqalari baayni nurga yo'g'rilgan, biri-biridan zarrin, biri-biridan serjilo, ayniqsa, shuurga dangalroq nur taratayotgan, birisi zarrin, serjilo zarralari zabtliroq yoyilayotgan, shunchaki o'tkinchi ehtiros nash'asila xayolda tug'ilgan, xayolning zo'ri bilan zarrin jilo taratayotgan girdobning halqasi emas, bamisli Hulkar... yo'q, Noiba... yo'q, yo'q, Hulkar... yo'g'-ey, Noiba, ha, Noibaning... yo Hulkarningmi? Hulkar... Noiba... Noiba... Hulkar... e-ey-y, ishqilib, ikkovidan birining-da, unisi bo'lmasa, bunisi, bunisi bo'lmasa, unisining quloqlaridagi baldoq, faqat biriniki shapaloqday, ikkinchisini esa shapaloqdan picha kattaroq, biri, aslo, o'tkinchi ehtiros nash'asi-la xayoldan tug'ilgan, o'tkinchi ehtirosga bandi bo'lgan xayolning mahsuli emas, balki chindan ham mavjud, hatto qo'l bilan tutsa ham bo'ladi uni, mabodo, egasi yig'lab, yupanch ilinjida boshini yelkangga qo'ysa, ko'zyoshining xiyol sho'r, achimsiq ta'mini tuyish ham mumkin, agar u chindan ham yupanch ilinjida boshini yelkangga qo'ysa va sen, yupatmoq bahona, qizning yelkangga qo'yilmish boshiga beixtiyor yuz bossang, lablarning uning ko'zyoshi nam qilgan soch tolalarini bir lahza ohista o'z og'ushiga olsa, lekin, ming afsuski, yig'lamaydi u, mabodo, biror kor-hol yuz berib shunday bo'lgan taqdirda ham, u boshini sening yelkangga qo'ymaydi, senda n yupanch izlamaydi, sening yelkang va yupanchingga muhtoj emas u, ha, muhtoj emas, mabodo, yig'lasa, boshini bemalol yelkasiga qo'yishi mumkin bo'lgan o'z yupanchig'i bor uning, ha, o'ziniki, istasa, yupatmoq bahona uning sochlariga hayiqmay yuz bosishi mumkin bu yupanchig'i, istasa, hech qanday bahonasiz ham shunday qilishi mumkin, bunga to'la haqqi bor uning, dimog'i ko'z yoshining xiyol sho'r, achimsiqmi, yo faqat sho'r yoki faqat achimsiqmi, yo mutlaqo sho'r ham, achimsiq ham emasmi – buni sen bilmaysan, bundan sen bexabarsan, bilganing – faqat ko'rganing, ko'rganing esa uning ozib-yozib bir yig'lagani, yo'q, yig'laganidan ham battar bo'lgani, duv-duv to'kilmish ko'z yoshlari yonoqlarini yuvib, boshini yupanchig'ining yelkasiga qo'ygani, yupanchig'i esa rang-quti o'chgan, ko'zlari besaranjom, silamoq uchun qo'lini uning boshiga yaqin keltirib, so'ng fikridan qaytib tuyqus pastga tushirgani va uning boshini yupatgan kabi o'zining bu yelkasidan u yelkasiga olish bilangina kifoyalangani, boshini yupanchig'i yupatgan kabi o'zining bu yelkasidan olib, u yelkasiga qo'ygan chog'da quloqlaridagi shapaloqdan sallof sukunatni buzib, bezovta silkingani va uning yelkalari, ha, baldoqlari hayhotday hovliga cho'kkan odatga xilof sukunatni buzib, bezovta silkingani va yelkalari, ha, baldoqlardan dadil, lekin unsiz silkingayotgan nozik yelkalari, qo'llari, ha, yolg'iz o'ziga tegishli emasligi ma'lum bo'lgan yupanchig'ining ba-

quvvat belidan bemajolgina quchgan va yelkalariga monand titrayotgan novasta dilbar juvonnikidan qolishmaydigan, biroq tuyqus qutqu solgan qo'rquvga omixta hang-manglik emas, daf'atan yog'ilgan malomat boisini anglab, bo'yniga olganlik alomati zohir...".<sup>1</sup>

Shubhasiz, ushbu jarayonlarning barchasi u yoxud bu romanda tasvirning aniq va muayyan belgi-xususiyatlarini uyushtirish, tartibga solish hamda harakat maydoni – holat ruhiyatini ta'min etish vazifasini bajaruvchi kompozitsiyada to'la bo'y ko'rsatgan. Chunki kompozitsiya, o'z tabiatiga ko'ra, real voqelik mohiyati va uning tasvirda namoyon bo'lish tarzini badiiy shakllantiradi. Unda ichki mohiyat va tashqi tarkib uyg'unligi, maqsadga muvofiqlik va o'zaro ta'sir nisbati, sharoit taqozosi va xarakter mantig'i uzviyligi, hayotiy aqida va badiiy tasvirni bir-biriga ulash aks etadi.

Yuqoridagi parchada qahramon ruhiyatida ro'y berayotgan holatlar ong oqimi yo'nalishida sistemaga solinmagan holda bayon qilinadi. Bu esa muallif oldiga qo'ygan g'oyani, ya'ni, insonlar tabiatidagi illatlar, ulardagi nomukamallik, o'y-xayollaridagi qarama-qarshi fikrlarini yalang'och holda ochib berishga xizmat qiladi. Bu holat, ayni paytda, J.Joys ijodidagi ong oqimining to'xtovsiz, tizginsiz harakatini esga soladi. Inson tabiatidagi ochiq aytishga lozim topilmaydigan, hatto zuhurida ham tan olishga o'zi ham botinmaydigan holatlarini muallif obrazning uzundan uzun ichki tartibsiz monologi orqali ifoda etadi. Bundan ko'rinadiki, qahramonlar faoliyati va voqelikni tasvirlash orqali muallif o'z g'oyasini ilgari surmaydi, balki voqelik zahirida yotgan katta falsafiy haqiqatni qahramonlar hayotida kechayotgan nohaqliklarni, ularning ichki monologlari orqali ko'rsatib berishga intiladi. Zero, Anri Bergson (1859–1941) ong o'z imkoniyati bilan olamni to'la tushunishga qobil emasligini, inson faqatgina intuitsiya bilan haqiqatni topishi mumkinligini ta'kidlaydi.<sup>2</sup>

Demak, "Kapalaklar o'yini" qahramonlari o'z o'y-xayollari, ong oqimi misol o'z zuhuridagi fikrlarida hayotni teran tahlil qilib, borliq va inson muammosini anglatishga harakat qilishadi, shuningdek, voqelikdagi illatlarni sinchiklab kuzatadi va shafqatsiz fosh qilishga intilishadi. Biroq, ko'rinadiki, maqsad va intilishlarini amalga oshira olmagach yoki to'siqlarga duch kelgach, tushkunlik kayfiyatiga tushadi, natijada qahramon muammoning yechimini topa olmagach, jamiyatga nisbatan norozilik kayfiyati paydo bo'ladi.

“– Nega? – deb qichqirgan ko'zlari yoshlanib, jazavali bir tarzda va yelkasidagi movut kamzulni yulib otgan. – Nima uchun?”

“Nima uchun?”

Bu ovoz o'shanda tun bag'rini parchalab, olis-olislarda ham aks sado bergan, deb o'zicha taxmin qiladi Badal. Tag'in ko'z oldiga keltiradiki, uni shiftga termulgan ko'yi bedor yotgan shumshuk ham eshitgan va yuziga ko'rpani tortib, takrorlagan: “Axir, aytmovmidim, unga, a? Aytmovmidim, a?”

Bugungi mustaqillik jarayoni va unda yuz berayotgan voqealar oqimi roman janriga yangi mohiyat inkishof etmoqda va shunga yarasha o'zgacha uslubiy-shakliy izlanishlarni hayotiy zaruratga aylantirmoqda. Romanchilikning bu ruhiy ehtiyojni amalga oshirishdan ko'zlangan asosiy maqsad kitobxonda yangicha badiiy tafakkurni shakllantirish hamda yanada barqarorlashtirishdan iborat.

T.Rustamning "Kapalaklar o'yini" romanida ta'kidlanganiday, personajlar ongidagi xayolotlar tarqoq holda namoyon bo'ladi. Erkin ijodiy aralashuv chegaralangaligi voqea-hodisot hamda hayoliy olam muvozanatining nisbatan daxlsiz rivojlanishini ta'minlaydi. An'anaviy qarashlar va real hayotni muqoyasa qilish orqali kompozitsion markazni shakllantirish muallifning adabiy mahoratidan darak beradi. An'anaviy qarashlar va real hayotni muqoyasa qilish orqali kompozitsion markazni shakllantirish muallifning adabiy mahoratidan darak beradi. Asarda mazmunga singib ketgan qahramon ruhiyatining muhitga ishonish va aldanishdan milliy o'zlikni anglashga qadar siljishi badiiy intizomda yaxlitlashadi. Romannavis, aksar hollarda, ma'no juzvlarini detallashtirishni ma'qul ko'radi. Aynan muallifning adabiy mahorati ham sujet qismlarini, ham xarakterlar teranligini yagona estetik markazda birlashtira olishida namoyon bo'ladi. Tasavvur qiling, psixologik keskinlik bir nechta harakat yo'nalishlarini muvofiqlashtirib turadi. Romanda insonning mo'jaz tuyg'u va xislatlari, hatto ong-idrokdan tashqari anglanmagan ruhiy kechinmalari ijtimoiy borliqqa qarshilantiriladi. Aytish mumkinki, adashgan inson umri va faoliyatining bema'niligi ramziy-majoziy talqindan qabariq umumlashmaga qadar yuksalib boradi. Aniqrog'i, shaxs ruhiyati va hayot falsafasi orasidagi ixtilof markazda birlashadi. Nafaqat o'z hayotini, balki hamyurtlari va tengdoshlarining turmush tarzini baholashga odatlangan Badal Armon oxir-oqibat o'zligini ham, fojialar man-

<sup>1</sup> T.Rustam. Kapalaklar o'yini. T., 2000, 56 – 59-betlar.

<sup>2</sup> Бергсон А. Творческая эволюция. Материя и память. Минск, "Харвест", 1999, с. 28.



tig‘ini ham anglab yetadi. Asarda qahramonlar amal qilgan aqida va sharoit taqozosi mushtarakligi kitob-xonda dag‘al reallik haqida tasavvur uyg‘otadi.

**Зиямухамедов Жасур Ташпулатович (филология фанлари номзоди, Тошкент Давлат Шарқшунослик университети Хитойшунослик факультети, Хитой филологияси кафедраси доценти; [jas76@mail.ru](mailto:jas76@mail.ru))**

**РОССИЯДА “ЛЯО ЖАЙНИНГ ҒАРОЙИБОТЛАР ҲАҚИДАГИ ҲИКОЯЛАРИ” АСАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИГА ДОИР**

**Аннотация.** *Мазкур мақола мумтоз хитой адабиётини ўрганиш бўйича россиялик хитойшунос олимлар, хусусан, Пу Сунглинг асарларини ўрганиш бўйича уларнинг самарали меҳнатларининг талқинига бағишланган. Бунда турли даврларда “Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари” асарининг таржималари ва уларнинг нашрлари борасида ҳам мулоҳазалар юритилади.*

**Аннотация.** *Данная статья посвящена изучению научных работ российских ученых китаеведов по изучению классической китайской литературы, в частности, творчества Пу Сунлина. В ней также анализируются переводы и издания произведения «Рассказы Ляо Жай о чудесах» в разное время.*

**Annotation.** *This article is dedicated to the study of scientific works of Russian-Chinese scientists on the study of classical Chinese literature, in particular, the work of Pu Songling. It also analyzes the translations and editions of Strange Tales from a Chinese Studio.*

**Калим сўзлар:** *мумтоз адабиёт, новелла, Ляо Жай, ғаройиб, парилар, арвоҳлар ва ҳайвонлар, ўзгарган инсоният.*

**Ключевые слова:** *классическая литература, новелла, Ляо Жай, чудо, пери, призраки и животные, измененное человечество.*

**Key words:** *classical literature, novel, Lyao Jay, the supernatural, fairies, ghosts and monsters, transformed humanity.*

Хитой адабиётини ўрганилиши бўйича Россия хитойшунослик мактаби дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Ўзбекистонда хитой адабиёти ҳозирда, гарчанд тўғридан-тўғри хитой тилидаги манбалар орқали тадқиқ этилаётган бўлса-да, лекин эътироф этмоқ лозимки, мумтоз хитой адабиётининг ўрганилишига бир қатор рус олимларининг ёзган ижодлари ҳам бизга кўмак берган ва ҳозиргача бериб келмоқда.<sup>1</sup>

Россиялик хитойшунослар, таржимон ва тадқиқотчилар томонидан “Ляо Жай” тахаллуси билан ижод қилган хитойлик буюк новеллист Пу Сунглинг (蒲松齡)нинг<sup>2</sup> “Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари” асари устида олиб борган тадқиқотлари ва амалга оширган таржималари бошқа таржималардан ажралиб туриш билан бир қаторда, анчагина сифатли таржималар сирасига киради, десак, муболаға бўлмайди.

XIX асрнинг 80-йилларидаёқ “Ляо Жайнинг ғаройиб ҳикоялари”ни рус тилига ҳам таржима қилиш ишлари бошлаб юборилган эди. Ушбу ҳикояларни биринчилардан бўлиб рус тилига таржима қилган хитойшунос Монастырев Николай Николаевич (1851–1881) бўлиб, 1878 йилда Россиянинг “Миллий янгиликлар” журналининг 195-сони 5-саҳифасида унинг таржимасида Ляо Жайнинг «Бепарво сув ўти» (水莽草) ҳикояси босиб чиқарилди. 1880 йилда россиялик хитойшунослардан бири Василий Павлович Васильев (1818–1900) “Хитой адабиёти тарихи” қўлланмасини нашр эттирди. У хитой адабиёти бўйича дунёдаги машҳур қўлланма бўлиб, унда “Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари” асари ҳақида ҳам тўхталиб ўтилади. 1883 йилда В.П.Васильев рус тилига “А Бао” (阿宝), “Генг хоним” (庚娘), “Мўйнали тулки” (毛狐) каби Ляо Жайнинг бир неча новелларини таржима қилди. Борис Клементьевич Пашков (1891–1970) Пу Сунглинг асарлари ҳақида монография ёзган ilk олимлардан бири эди. У 1921 йилда “Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари” мундарижасини таҳлили” номли мақоласини эълон қилди. Ушбу мақолада асарнинг турли тиллар (манжур, немис, инглиз, француз)даги мундарижаси ўрганилиб чиқилган.

<sup>1</sup>Зиямухамедов Ж. Пу Сунглинг ва ўрта аср хитой новеллалари. Т., “Чўлпон”, 2016, 5-бет.

<sup>2</sup>Пу Сунглинг (蒲松齡, 1640–1715) – Ляо Жай тахаллуси билан новеллалар ёзган машҳур Хитой ёзувчиси. У “Ляо Жайнинг ғаройиб ҳикоялари” асарининг муаллифи бўлиб, асарнинг 16 жилдлик таркибига жами 431 та новелла кирган. VIII – XVI асрлар хитой адабиётининг нодир дурдонаси ҳисобланади.

Борис Пашков, шунингдек, Ляо Жай асарларининг содда таснифини ҳам яратган. Унга кўра, ёзувчининг асарларини ғоявий мансублиги жиҳатидан конфуцийлик, даосизм ва буддизм каби гуруҳларга ажратган. Аммо, юқоридаги таржималар ва тадқиқотлар орасида Василий Михайлович Алексеев (1881–1951) меҳнатларини алоҳида тилга олиш лозим. В.М.Алексеев томонидан “Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари” асарининг таржималари бир неча тўпламлар тарзида нашр қилинган. 1922 йилда “Тулки афсунлари”<sup>1</sup> асари нашрдан чиқди ва унинг таркибига 29 та новелла таржимаси киритилди. 1923 йилда нашр этилган “Сехргар роҳиблар” асарида<sup>2</sup> умумий ҳисобда 40 дан ортиқ новеллалар таржимаси жамланган. “Ғаройиботлар ҳақида ҳикоялар” асари эса 1928 йилда Ленинград нашриётида босиб чиқарилган эди.<sup>3</sup> Бу асар 21 та новеллани камраб олган. 1937 йилда эса 62 та ҳикоя таржимасини ўзида жамлаган “Ғаройиб одамлар ҳақида ҳикоялар”<sup>4</sup> китоби нашр этилади.

1910 йилда, энди йигирма тўққиз ёшни қаршилаган ёш хитойшунос В.М.Алексеев Санкт-Петербург университетида хитой тили ва адабиётидан дарс бера бошлаган эди. У “Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари” асосида “Хитой фонетик адабиёти”ни яратди. Шу йилнинг ўзидаёқ рус тилига “Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари”дан иккита ҳикоясини таржима қилиб нашр этади. Шундай қилиб, у Хитой мумтоз адабиётининг ўрганилишига ўз ҳиссасини қўша бошлайди. У баъзан хитойликлар ёки талабалар қаршисига чиққанда “Ляо Жай” услубида нутқ сўзларди. В.М.Алексеев “Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари” хусусида мақолалар ёзган йирик хитойшунос олим ҳисобланади. У 1920 йилда “Шарқ адабиёти” китобининг “Хитой адабиёти” бўлимида “Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари”га ажойиб таъриф беради. Жумладан, у шундай деб ёзади. “Ғаройибот олаmidан келган “Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари”да тасвирланган севги одамлар қалбида порлайди, у инсон руҳиятига ўзининг таъсирини ўтказа олади”. У яна Пу Сунглиннинг ушбу асари ҳақида қуйидаларни келтиради: “Асарда муҳаббат турли хил шаклларда намоён бўлади: парилар, арвоҳлар, ўзгарган инсоният, ҳайвонларнинг муҳаббати. Буларнинг барчаси Ляо Жайнинг асарларида ўзгача тарзда келтирилган ва айнан шу сабабли у буюк ижод намунаси бўла олади. Хитойликлар учун ушбу асар Хитой маданияти ва адабиётининг барча олижаноб анъаналарини ўзида мужассам этган ҳолда ҳикоя қилишда ёзувчининг мислсиз қобилиятларни намоён этади”.<sup>5</sup>

Юқорида таъкидлаганимиздек, В.М.Алексеев Петроградда Ляо Жайнинг “Тулки афсунлари” (狐魅) тўпламини рус тилига таржима қилиб босмадан чиқаради. У бу тўпламнинг кириш сўзида Пу Сунглиннинг ҳаёти, босиб ўтган ҳаёт йўли ва бир қанча новеллаларини китобхонларга таништиради ҳамда ёзувчининг заковоти ва адабиётига хос бўлган хусусиятларига алоҳида тўхталиб ўтади. “Сехргар роҳиблар” (魔僧) ҳикоялар тўпламининг кириш сўзида В.М.Алексеев роҳиблар ва даослар ҳақида гапирганда, Пу Сунглин шундай мўъжизаларга ишонадими, деган саволни кўтариб чиқади. Мураккаб саналган Веня тилида Ляо Жайнинг халқ орасидаги ҳикоялар ёки афсоналарни, кундалик турмушдаги мавзуларни гўзал тарзда баён эта олиш қобилияти ҳақида фикр билдиради. В.М.Алексеев Пу Сунглинни инсонларнинг нафс ёхуд ақлга сиғмас ҳолатларини ҳам кўрсата оладиган ёзувчи сифатида юқори баҳолайди. Заифларни қоралаб, қаҳрамонларни улуғлайди. Унинг ёзишича, ўша даврдаги одамлар “Табиат уларни шафқатсиз равишда ақлга сиғмайдиган нарсалар билан бошқаради”,<sup>6</sup> деб фикрлайди. Балки, айнан, шу сабабли бўлса керак, “Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари”да роҳиблар ва даосларнинг ғалати тасвирларини ҳам учратишимиз мумкин. Лекин, асарда оддий одамлар бундай роҳибларга нисбатан қарши муносабатда бўлишади. Бир томондан, улар ўзларини бундай буюк одамларга ишониб топширсалар, бошқа бир томондан эса улардан нафратланар эдилар, чунки бундай ғайритабиий инсонлар билан оддий одамлар ўртасида алдовлар жуда кўп мартаба содир бўлган эди. Ёзувчи роҳиблардан фойдаланиб дунёда адолат борми, деган саволни ўртага ташламоқчи бўлади. В.М.Алексеевнинг фикрича, “Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари”да роҳиблар ва даослар қадимий юнон ёки рим-

<sup>1</sup>Ляо-Чжай. Лисья чары. Пер. с кит. В.М.Алексеева. Петроград, изд-во «Всемирная литература», 1922, 160 с.

<sup>2</sup>Ляо-Чжай. Монахи-волшебники. Пер. с кит. В.М.Алексеева. Петроград, ОГИЗ, 1923, 280 с., ил. (Всемирная литература).

<sup>3</sup>Ляо-Чжай. Странные истории. Пер. с кит. В.М.Алексеева. Л., ОГИЗ, 1928.

<sup>4</sup>Ляо-Чжай. Рассказы о людях необычайных. Пер. с кит. В.М.Алексеева. М., изд-во АН СССР, 1937, 494 с.

<sup>5</sup>Алексеев В.М. Хитой адабиёти. Йиғма жилд, Москва, 1978, 64-бет.

<sup>6</sup>Алексеев В.М. 319-бет.

даги худоларга ўхшарди гўё. Роҳибнинг ҳаракатлари одамзотнинг орзуларини амалга ошириш учун хизмат қиладигандек. Бўлмаса, бундан инсонлар зулматда қийинчиликлар қоладилар, дейди. В.М.Алексеев Пу Сунглинг асарлари ёзувликни қоралаб, эзгуликни тарғиб қиладиган асарлар деб ҳисоблайди.

XX асрнинг 50-йилларида рус хитойшуноси Николай Трофимович Федоренконинг муҳаррирлиги ва сўзбошиси билан Ляо Жайнинг юзга яқин ҳикоялари нашр қилинди. Бу асар 1957 йилда Москвадаги “Бадий адабиёт” нашриётида босилиб чиқади. XX асрнинг 70-йилларида хитойшунос Лев Залманович Эйдлин (1909–1985) 90 та ҳикоядан иборат “Ляо Жайнинг ғаройиб ҳикоялари” номли таржима китобини нашрдан чиқаради. XX асрнинг 80-йилларига келиб, Л.З.Эйдлин 101 та ҳикояни таржима қилади. Унинг бу китоби эса 1983 йилда Москвада чиқади. Л.З.Эйдлин шу ўринда Алексеевнинг таржима қилган ишларини юқори баҳолаб, унинг ишлари таҳсинга лойик эканлигини таъкидлайди. В.М.Алексеевнинг юқори даражада қилинган “Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари” таржима китоби рус адабиётига ҳам ўз таъсирини ўтказа олди.

Россиянинг Ижтимоий фанлар академияси академики Борис Львович Рифтин (1932–2012) ҳам Ляо Жайни Россияда ўрганишга катта ҳисса қўшган олимлардан бири эди. Б.Л.Рифтин 1978 йилдан бошлаб, Ляо Жай асарларини таржима қила бошлаган, Пу оиласига алоқадор йигирма тўққизта асарни рус тилига таржима қилган ва мана шу ҳикоялар асосида йигирмадан ортиқ мақолалар ёзган. Чин сулоласининг вакили Пу Сунглинг қаламига мансуб “Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари”, кейинчалик, бошқа рус хитойшунослари томонидан ҳам ўрганила бошланди. В.М.Алексеевдан кейин 1950-йилларнинг охирида Пётр Матвеевич Устин Пу Сунглинг асарларини тадқиқини давом эттирди. У 1956 йилда “Пу Сунглинг новеллалари” мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлади. Диссертация 1955 йилда биринчи марта нашр этилган “Ляо Жай” қўлёзмасига асосланган бўлиб, унда тадқиқотчи Пу Сунглингнинг қўлёзмаси ва журналларда берилган новеллалар ўртасидаги турли хил матнларни таққослайди ва нашр этилмаган мақолаларни муҳокамаларига эътибор қаратади. П.М.Устин Пу Сунглинг асарларининг манбасини тадқиқ этиб, нафақат Ганбао (干宝)нинг “Соу Шен Джи” (搜神记)си ва Тан сулоласи сеҳрли новеллалари, балки бошқа матнлар устида ҳам тўхталиб ўтади. Пу Сунглинг асарлари ҳақида сўз юритганда П.М.Устин, айниқса, аёл образи масаласида алоҳида тўхталади. Шу билан бирга, ёзувчининг ҳикояларда акс этган ўз халқининг дардига бўлган эътиборини очиб беради. П.М.Устин қисман Пу Сунглингнинг адабий услуби ҳақида ҳам фикр билдиради, унинг маҳорати ва тил хусусиятлари борасида ҳам айрим мулоҳазаларини билдиради. Россияда Пу Сунглинг ижодий меросига аёл хитойшунослар ҳам эътибор қаратганлар. Ольга Лазаревна Фишман (1919–1986) шулар жумласидандир. Унинг “Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари” асарини тадқиқ этиш усули бошқаларникидан тубдан фарқ қилади ва ажралиб туради. У ўз тадқиқотини, авваламбор, Пу Сунглиннинг воқислари Жиюн (纪昀, 1724–1805) ҳамда Юанмей (袁枚, 1716–1797)ларни ижодини ўрганишдан бошлайди. 1974 йилга келиб, у Жиюннинг “Кичик чайла (ҳикоялари) ҳақида бицилар” (阅微草堂笔记)ини, 1977 йилда эса Юанмейнинг “Янги Чи уйғунлиги” (新齐谐) асарини нашр эттиради. Икки тўплаган бу материалларига асосланиб, О.Л.Фишман ўзгача тадқиқот тизимини яратади. У “Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари”ни тўлиқ концепцияга эга бўлган асар, деб баҳолайди. 1980 йилда О.Л.Фишман “XVII ва XVIII асрлардаги уч хитойлик ёзувчи: Пу Сунглинг, Жи Юн ва Юан Мей” деб номланган асарини нашр эттиришга муваффақ бўлди. Бу китоб орқали у Пу Сунглинг ҳаёти ҳамда дунёқараши билан ўқувчиларни таништирди. “Пу Сунглинг дунёқараши асосида Конфуцийлик ётади, лекин бу қарашлар эски қолипда эмас, балки одамларни тарбиялашга, ўзаро меҳрибон бўлишга қаратилган эди”.<sup>1</sup> У Пу Сунглингнинг асарларини ижтимоий қарама-қаршилиқларга (кучлилар ва кучсизлар, бойлар ва камбағаллар, аҳмоқ зодагонлар ва истеъдодли олимлар) асосланган ғоявий тизимни тадқиқ қилди. Дарҳақиқат, Пу Сунглинг воқеалар талқинида, китобхонни кишининг ижтимоий келиб чиқиши унинг тақдирига таъсир этади, ким бўлишини белгилайди, деган фикрга олиб келади. Ижтимоий адолатсизлик янги сулола ҳукмронлигида асосий ҳаракатлантирувчи куч эканини кўрсатади. Бу жамиятда айримларга ҳокимият ва бойлик, бошқаларга эса ҳуқуқсизлик ва қашшоқлик берилган. Аввалгилар ўз мавқеини сақлаб қолиш, мустаҳкамлашга интилса, бошқалари эса аҳволларини яхшилашга ҳаракат қилади. Бутун китобдаги асосий муаммони таҳлил қилгандан кейин, О.Л.Фишман куйидаги хулосага келади: “Ляо Жайнинг

<sup>1</sup>Фишман О. Три китайских новеллиста XVII–XVIII вв., Пу Сунглинг, Цзи Юн, Юан Мей. М., 1980, 46-бет.

гаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари” бўлимлардан ташкил топган ёки яхлит бир мавзуга эга десак бўлади. Ёхуд деталлар йиғиндиси дея таъриф берсак ҳам бўлади”.<sup>1</sup> Пу Сунглинг, Жи Юн ва Юан Мей асарларини тадқиқ этиш орқали О.Л.Фишман уларнинг тегишли асарлар тўпламлари ҳар бирининг карама-қарши характерга асосланган ўзига хос “бирлаштирилган” мавзуларига эга, деб ҳисоблайди. Масалан, Жи Юннинг мактов ва танқидга қаратилган асарлари “яхшилиқ” (善) ва “ёвузлик” (恶) карама-қаршиликка асосланган. Бундан ташқари, Юан Мей асарларида одоб-ахлоқ билан бир қаторда, афсоналар бош мавзу бўлиб, инсон ва арвоҳлар карама-қаршиликка акс этган. О.Л.Фишман хулоса сифатида шундай деб ёзади: “Пу Сунглинг яшаган даврда жамиятда адолат-сизлик ҳукм сурарди, таълим тизими, давлат имтиҳон тизимини ўзгартиришни кўтариб чиққан шахслардан эди”.<sup>2</sup>

Бугунги кунда ҳам Россияда Пу Сунглинг ижодини ўрганиш давом этмоқда. Ёзувчининг адабий меросини Санкт-Петербург Давлат университети Хитой филологияси кафедраси мудир, профессор Александр Георгиевич Сторожук тадқиқ этиб, хитойлик адибнинг ҳали рус тилига таржима қилинмаган новелларини рус тилига ўгириш билан шуғулланмоқда. 2021 йилнинг 28–30 январь кунларида Россиянинг Санкт-Петербург Давлат университети ХХРнинг Нанкин университети билан ҳамкорликда Хитойнинг буюк ёзувчиси Пу Сунглинг таваллудининг 380 йиллигига бағишланган “Узоқ Шарқ адабиёти муаммолари” туркумидан анъанавий 9-халқаро илмий-амалий онлайн конференциясини ташкил этди. Ушбу илмий анжуманда дунёнинг ўндан ортиқ мамлакатларидан юздан зиёд олимлар иштирок этдилар. Ўзбекистондан доцент Ж.Зиёмухамедов ҳам ушбу анжуманда Пу Сунглинг ижодига доир илмий маърузаси билан иштирок этди ва Ўзбекистонда ҳам Ляо Жай асарлари тадқиқи ва таржималари борасида кизиқарли маълумотлар билан тингловчиларни таништирди.

#### Қаршибаева Улжан (ф.ф.д., СамДЧТИ) АНГЛИЯ БОЛАЛАР АДАБИЁТИ ВА ЧАРЛЬЗ ДИККЕНС

**Аннотация.** Ушбу мақолада Англияда XIX асргача ота-оналар ва ўқитувчиларнинг болаларга нисбатан шафқатсизликларига, умуман, қонунлар йўқлиги, уларнинг эксплуатация қилиниши Диккенс ижоди мисолида ёритилган. Инглиз адабиётининг буюк ёзувчиси Диккенс асарларида бола ва болалиқ – адабиётнинг энг олди ва муҳим мавзулари ўз аксини топган.

**Аннотация.** В данной статье на примере произведения Диккенса освещается отсутствие в Англии до XIX века законов о жестокости родителей и учителей к детям в целом, их эксплуатация. В произведениях великого писателя английской литературы Диккенса отражены ребенок и детство – самые избранные и важные темы литературы.

**Annotation.** This article uses the example of the work of Dickens to highlight the lack of laws in England before the 13<sup>th</sup> century on the cruelty of parents and teachers to children in general, their exploitation. The works of the great writer of English literature Dickens reflect the child and childhood – the most selected and important topics of literature.

**Калим сўзлар:** реализм, ижтимоий роман, болалар адабиёти, универсаллик, Рождество байрами.

**Ключевые слова:** реализм, социальный роман, детская литература, универсальность, праздник Рождество.

**Key words:** realism, social novel, children’s literature, universalism, Christmas holiday.

Танқидий реализм жанри жаҳон адабиёти тарихида XIX асрнинг 20-йиллари охирда пайдо бўлади, сўнгра 30–40-йилларга келиб, юқори даражага чиқади. Ушбу жараённинг ривожланиши Европада, яъни Англия ва Францияда XIX асрнинг биринчи ярмига, Америка Қўшма Штатлари ҳамда славян мамлакатларида XIX асрнинг иккинчи ярмига тўғри келади. Танқидий реализм, асо-сан, ижтимоий роман жанрида Бальзак, Диккенс асарларида ўз ифодасини топади.

Буюк рус ёзувчиси Толстой учун Диккенснинг асарлари, Гюго, Достоевский ва бошқа кўп-лаб Ғарб ёзувчиларнинг асарлари каби инсонларнинг бирлиги ва қардошлиги туйғусини ифода-лайди. Ҳаётининг сўнгги ўн йилликларида у замонавий адабиётдан ниҳоятда кўнгли қолганини

<sup>1</sup> Фишман О. Три китайских новеллиста XVII–XVIII вв., Пу Сунглинг, Цзи Юн, Юан Мей. М., 1980, 105-бет.

<sup>2</sup> Фишман О. 363-бет.

хис қилди, ўзининг бу ҳолатини эстетик манифести – “Санъат нима?” рисоласида яққол кўрсатиб берди. ”Кўпгина замонавий ёзувчилар Диккенсни, Теккерияни ва бошқаларни XIX асрнинг эпигон вакиллариининг “атоқли арбоблари” деб аташди.<sup>1</sup>

Чарльз Диккенс (1812–1870) инглиз реалист ёзувчилари авлодининг буюк намояндасидир. Диккенс ижодини тўрт даврга бўлиш мумкин.

Биринчи даври 1833–1841 йилларни қамраб олган. Бу даврда Диккенс, асосан, юмористик асарлари билан ном чиқарди. «Боз очерклари», «Пиквик клубининг мактублари», «Оливер Твист», «Николас Никльби» номли асарлари ёзувчини машхур қилди.

Иккинчи даври 1842 йидан то 1848 йилгача давом этади. «Америка хатлари», «Мартин Чезлвит», «Домби ва ўғли» сингари асарларини яратади. Бу вақтда Европада ўзаро синфий кураш авж олган эди. Диккенс асарларининг сиёсий таъсири ушбу жиҳатлари билан ўлчанади.

Учинчи даври 1849–1859 йилларда Диккенс ҳажвиянавис ёзувчи сифатида танилади. Бу йилларда «Давид Копперфильд», «Совуқ уй», «Мудҳиш замонлар», «Митти Доррит» каби ўткир ижтимоий масалаларга бағишланган асарларини яратади.

Тўртинчи даври 1859–1870-йиллар. Диккенс қарашларида умидсизлик кайфиятлари устунлик қилади. Бу йилларда адиб «Икки шаҳар ҳақида қисса», «Катта умидлар», «Бизнинг умумий дўстимиз» каби асарларини яратади.

1830–1850-йиллар реалистик романларида, айниқса, Диккенс романларида камбағал, ночор, ишидан маҳрум бўлган, оиласидан, айниқса, тирания қурбонлари бўлган болаларнинг образлари пайдо бўлади, бироқ болаларнинг ўзлари, бир вақтнинг ўзида, содда ва айбсиз бўлиб қолишади. Бадий тадқиққа оилавий “қулба” тушади ва бу ерда бундай илиқ қобиқ остида қаҳрли куллик, жабр-жафо ва болага шикаст етказувчи иккиюзламачилик яширинган эди.

Тарихчилар А.Пинчбек ва М.Хьюиттнинг фикрига кўра, фақатгина XIX асрга келиб, инглиз жамиятида қисмангина болаларни ҳимоя қилишга доир қонунлар пайдо бўлди, буларда озиқ-овқат, кийим-кечак, парваришлаш ва шафқатсиз муносабатлардан ҳимоя қилиш инobatга олинди.<sup>2</sup> Англия саноатлашгунга қадар, кўплаб ота-оналар, албатта, болаларини яхши кўришар, аммо уларни “қандай яхши кўриш” лозим деган саволни турли хил шарҳлашар эди. Ўша пайтда болаларнинг ҳаётини юмшатишга уринишлар жуда кам эди, натижада болалар катталар масъулиятини ўз зиммасига олишга мажбур эди. XIX асргача ота-оналар ва ўқитувчиларнинг болаларга нисбатан шафқатсизликларига, умуман, қонунлар йўқ эди, улар эксплуатация қилинар эди.<sup>3</sup>

Кейинчалик, аниқроғи, XIX асрнинг ўрталарида кўплаб хайрия ташкилотлари “масъулиятсиз ва зарарли ота-оналар фарзандларига бепарво ва шафқатсиз муносабатда бўлиши оқибатида қанча-қанча болалар ҳали ҳам қабул қилинаётганини аниқ кўрсатиб беришди”. Аслида, янги ижтимоий тушунча зарурат сабабли ўтказилган сўровнома натижасида пайдо бўлган эди, шундай қилиб, охир-оқибат ота-оналар фарзандлари учун жавобгарлиги ҳақида махсус қонунлар қабул қилинди.<sup>4</sup> Диккенс ва унинг ватандошлари болаларнинг азоб-укубатлари ва ўлими, ислохотларни амалга ошириш қудратига эга бўлганлар учун муҳим туртки бўлиши керак, деб ҳисоблашган. У жамоатчилик онгини уйғотиб, тақдирни Покет ибораси билан танқид қилди: ‘Нохотки, ҳеч ким уларни (болаларни) қутқара олмайди?’

Бола ва болалик – адабиётнинг энг олди ва муҳим мавзуларидан бири. Маълум маънода, бу мавзу, гарчи у баъзи даврларда ўзига хос алоҳида мазмунга эга бўлса-да, универсал, қандайдир миллий адабиётнинг рамкаси ёки даврнинг конкрет вақти билан чекланмаган. Бу универсаллик шундай тушунтирилади, болалик худди туғилиш, ҳаёт, ўлим каби умуминсоний категориялардек. Истисносиз ҳар бир одамга тегишли бўлган ва бир умрлик ҳодисалар, бу адабиётда ўз аксини топмаслиги мумкин эмас.

Инглиз болалар адабиёти – Европа болалар адабиёти орасида энг аҳамиятлиларидан бирidir. Унинг умумий типологик қонуниятларга бўйсунган шаклланиши ва ривожланиши кўплаб ҳолатларда, айнан, рус ва француз болалар адабиёти билан ўхшаш, лекин, шу билан бирга, алоҳида

<sup>1</sup> О «блестящей плеяде» американских писателей Толстой писал в обращении к американскому народу 21 июня 1900 (Толстой, т. 72, с. 397).

<sup>2</sup> Pinchbeck Ivy and Margaret Hewitt. Children in English Society. Vol. 2. London, Roulledge and Kegan Paul, 1973, p. 347.

<sup>3</sup> Ўша манба. 347-бет.

<sup>4</sup> Ўша манба. 385-бет.

специфик миллий белгилар билан ҳам бойитилган. Болалар ўқиш доираси шаклланишининг асоси ҳамдир: махсус болаларга мўлжалланган асарлар ва болалар учун танлаб олинадиган “катта” адабиёт – болалар адабиётининг, инглиз халқининг бутун миллий адабиёти билан узилмас алоқасини аниқлайди.

Викториан Англия Жон Уэслининг интеллектуал анъаналарига таъсир кўрсатади, унинг кальвинистик фалсафасида таъкидланишича, туғилганидан гуноҳга ботганлиги сабабли, болалар яхши ишлар қилишга қодир эмас. Бу фикрга қарши Ж.Ж.Руссо боланинг асл бегуноҳлиги ва унинг ёвузликка қодир эмаслиги ҳақидаги ғояни илгари сурди.<sup>1</sup> Викторианлар икки фикрга содиқ қолишди, лекин Ч.Диккенснинг ўзи Руссо ғояларини қўллаб-қувватлади.

“Ахлоқий бузилиш” мотиви билан боғлиқ яна бир аспект мавжуд. Жамиятдаги маънавий муҳитга фақатгина болалар образи таъсир қилишга қодир эмас, балки бола позициясида турган, дунёга унинг кўзи билан қараган катталар, ўзини ҳам теварак-атрофни ҳам ўзгартиришга қодирдир.<sup>2</sup> Шунга ўхшаш усулни Чарльз Диккенснинг “Рождество арчаси” (1850) ҳикоясида кўриш мумкин. Бу асарда бола образи Болаликка қайтган катта одамнинг хотиралари, эмоцияси ва ҳислари орқали ифодаланган.

Рождество байрами – христиан оламида энг сеvimлиларидан бири саналади. Бир томондан, бу Вифлеем Исус Христнинг туғилиши билан боғлиқ диний байрам. Шунинг учун жуда кўп тимсол, образ ва шу тимсолларда амалга ошган байрам ғоялари, аввало, евангель текстлари ва инсон ҳаётининг рухий оламга мос нарсалар кўпдир. Бошқа томондан, Рождествони нишонлаш кунлари (Россияда уларни яна Табаррук деб аташган) аввалдан мистик, сирли ёруғлик гардиши билан ўралган деб аталган. Бу кунларда энг ғайриоддий, фантастик ҳодисалар юз бериши мумкин деб ҳисобланган.<sup>3</sup>

Диккенс ижодида болаларга хос бўлган соддадиллик, ишонувчанлик, доимий равишда мўъжизаларга бўлган ишонч, асосан, унинг Рождество байрамига бағишланган “Рождество арчаси” ҳикоясида ўз аксини топган, унда бутун дунё болалари кечинмаларига хос бўлган хусусиятларни мужассам қила олган.

Болалар ва бола характерини тушуниш ва тасвирлаш эволюцияси Диккенснинг бутун ижоди давомида кузатилади. Ёзувчининг эътибори асосий қахрамон, яъни болалар характерида эмас, балки вақт нима яратиши ва шакллантиришига қаратилган, мавжуд, лекин аниқ лаҳзагача яширин нарсани кўрсатади, шунинг учун персонажлар на вақтнинг таъсирини, на ўзгараётган вазиятларни сезмаётгандек туюлади. Бундан уларнинг азалий ва доимий эзгулиги кўришиб турибди.

Ч.Диккенс Рождествони фақат оилавий байрам эмас, балки умумий тенглик, йилда бир марта “камбағал ҳам бу байрамда йил давомида унга паст назарда қараганлар билан тенг бўлади”<sup>4</sup> деб ҳисоблар эди.

Чарльз Диккенс ижодидаги болалар образлари ҳақида аллақачон ўз ватани ва чет эл адабиёт-шунослигида етарлича айтиб ўтилган. Ёзувчи томондан яратилган Оливер Твист, Николас Никльби, Нелли Трент, Поль ва Флоренс Домби, Эмми Доррит ва кўплаб бошқа образлар бутун умрга бутун жаҳон Болалик тарихига кириб бўлган. Бу персонажлар ўзининг реаллиги, таниқлилиги, шу билан бирга, таъсирлилиги, самимийлиги ва лиризми, баъзан эса аниқ сезиларли комик деталлари билан ҳайрон қолдиради. Бир қанча вазиятларда бу Диккенснинг шахсий болалигига муносабати, унинг ўша вақт ҳақидаги хотиралари билан боғлиқ. Бежизга А.Цвейг ўзининг “Диккенс” мақола-сида қахрамонини қўйидагича таърифламайди: “...Диккенснинг ўзи – бошқа ҳеч кимга ўхшамасдан ўз болалигининг қувонч ва қайгуларини ўлдирган ёзувчи”.<sup>5</sup>

Таъкидлаш лозимки, замондош ижодкорлар ичида Диккенснинг машҳурлиги сири унинг Англия ҳаётидаги ўзгаришларни кучли сезгани, минглаб одамларнинг умидларини ва интилишларини ифодаловчиси бўлганидир. Ёзувчининг вафотидан сўнг, унинг асарлари қаттиқ танқидга

<sup>1</sup> Grylls David. *Guardians and Angels: Parents and Children in Nineteenth-Century Literature*. London: Faber and Faber, 1978, p. 23 – 33.

<sup>2</sup> Диккенс Ч. Рождественская елка. Собрание сочинений в 30 т. М., “Художественная литература”, т.19, 1960, с. 393 – 412.

<sup>3</sup> Шу манба.

<sup>4</sup> Тугушева М. Чарльз Диккенс. Очерк жизни и творчество. “М., Детская лит-ра”, 1979, с. 88.

<sup>5</sup> Цвейг А. Диккенс. Тайна Чарльза Диккенса. М., “Книжная палата”, 1990, с. 243 – 263.

олина бошлаганлигини ва фақатгина ХХ асрга келиб, Диккенс ижодининг аҳамияти бутунлай аниқ бўлганлигини кўриш мумкин.

Болалик дунёсининг акси, боланинг ички дунёси таҳлили, эндиликда ғарб ва ўзбек адабиёт-шуносларининг эътиборини тортмоқда. Болалар ҳақидаги проза худди адабиётнинг алоҳида ва тўла ҳуқуқли соҳасидек қабул қилинапти. Болалик тарихига жанрли ёндашиш билан боғланган. Шу вақтнинг ўзида, замонавий адабиётшуносликнинг характерли хусусиятларидан бири миллатлараро адабий алоқаларни ўрганиш, миллий адабиётнинг мавзулари, образлари, жанрлари киёсий-тарихий таҳлилга интилишидир.

Диккенс жамиятдаги ҳолатларга қараб, жамиятнинг болага муносабати яхшилик ва ёвузлик урушини акс эттиради, деб ҳисоблаган. Шунинг учун болалик мавзуси – унинг ижодида энг муҳимларидан бири бўлиб қолган.

**Равшанова Гулрухбегим Қахрамон кизи (филология фанлари бўйича фалсафа доктори,  
Қарши Давлат университети; [gulruh.ravshanova@mail.ru](mailto:gulruh.ravshanova@mail.ru))**  
**САТИРИК ШЕЪРЛАРДА ИНСОН МАЪНАВИЯТИ ВА АХЛОҚ МУАММОЛАРИ**

***Аннотация.** Ушбу мақолада Абдулла Ориповнинг ҳажвнавислик маҳорати, ҳажвиеътидаги ўткир кулгининг шакллари, ҳажвий асарларида инсон маънавияти ва ахлоқ муаммолари тадқиқ этилган. Шу жиҳатдан, Абдулла Орипов ҳажвлари таҳлили шуни кўрсатадики, унда, кўпинча, сатирик кулги ва унинг шакллари учрашини кўрамиз. Шоир ҳажвларида кулги ниқоблари бир-бирига уйғунлашадиган киноя, заҳарханда, сарказм, пичинг, фош қилувчи кулги асосий ўринни эгаллаши кўрсатиб берилади ва ҳажвий асарнинг қимматини оширувчи қуроли бўлмиш кулгини ҳосил қилувчи воситалар ўрганилган.*

***Аннотация.** В статье исследуется комедийное мастерство Абдуллы Арипова, формы острого смеха в комедии, человеческая духовность и нравственные проблемы в комедийных произведениях. В этой связи анализ комедий Абдуллы Арипова показывает, что мы часто видим сатирический смех и его формы. В комиксах поэта маски смеха сочетаются с иронией, сарказмом, сарказмом, подачей, разоблачительным смехом, изучаются средства создания смеха, которые являются инструментами, повышающими ценность комического произведения.*

***Annotation.** This article examines Abdulla Aripov's mastery of comedy, forms of sharp laughter in comedy, human spirituality and moral problems in comic works. In this regard, the analysis of Abdulla Aripov's comedies shows that in it, we often see satirical laughter and its forms. In the poet's comics, the masks of laughter are combined with irony, sarcasm, pitching, exposing laughter, and the means of creating laughter, which are the tools that increase the value of the comic work, are studied.*

***Калим сўзлар:** ҳажвия, санъат, маънавият, ахлоқ муаммолари, кулги, юмор, муболага, сарказм, драма, сатирик кулги, масҳара қилувчи кулги, физиологик кулги.*

***Ключевые слова:** юмор, искусство, духовность, моральные проблемы, смех, юмор, преувеличение, сарказм, драма, сатирический смех, издевательский смех, физиологический смех.*

***Key words:** humor, art, spirituality, moral issues, laughter, humor, exaggeration, sarcasm, drama, satirical laughter, mocking laughter, physiological laughter.*

Абдулла Ориповнинг шеърларида шоирларга бағишланган туркум мавзулар етакчилик қилади. Бу туркумни икки йўналишда тасниф қилиш мумкин. Улар икки хил: 1. Жиддий шеърлар. 2. Ҳазил шеърлар. Масалан, биринчи йўналишдаги шоирлар мавзусида ёзилган “Оқ қоғоз”, “Танишлар”, “Шоир” (1967), “Икки шоир”, “Шоир умри”, “Шоир Чорижон марсияси”, “Шоирнинг ўғли”, “Шоирнинг юраги”, “Шоир қалби”, “Қардош шоирга”, “Оқ тулпор” каби туркум шеърларда, асосан, шоирлар ҳаёти тасвирланган. Уларда шоирликнинг ўзига хос қийинчиликлари, уларнинг қисмати, кўнглидан кечаётган ҳислари, сирини ягона дўсти бўлмиш оқ қоғозгагина айтиши, яхши кунда дўсту ёронларининг, танишларининг кўп бўлиши-ю бошига иш тушганда уларнинг бировини ҳам топиб бўлмаслиги ўзига хос маҳорат билан акс эттирилади. Шунда ҳам шоир бундайларга парво қилмаслиги лозим: “Танишсиз қолсанг ҳам, шоир бўлиб юр” дея насиҳатлар беради. Баъзи шеърларнинг сарлавҳаси бир хил (“Шоир”) бўлиб, баттаси жиддий, биттаси ҳазил шеърлар сирасига киради. Шунинг учун улар йилига қараб тасниф қилинди.

Юқорида шоирнинг эътирофи билан “ҳазил”лар изоҳи остида жуда кўп шеърлар яратилди. Аммо, уларнинг барчасини ҳам шунчаки юморга қиёслаб бўлмайди, таг замирида чуқур маъно, халқни ўйлантирган дард-аламлар ётади. Жумладан, “Шоирлар ҳаёти” бунга мисол бўла олади:

*Шоирлар сурати турибди қатор,  
Мана бу – Лермонтов, мана бу – Фурқат.  
Дунёга сизмаган буюклар ночор  
Бугун рамкалардан боқишар фақат.  
Нима ҳам қиларди бир жонсиз бўёқ,  
Парчалаб ташларди тирик бўлганда.*

Шоир ҳаётдан олган таассуротларини шеърга солади, шеър шаклида моддийлаштиради. Юқоридаги шеърида шоирнинг рамкага солинган суратларига боқиб ўйга чўмади: дунёга сизмаган буюклар ҳақида, уларнинг “рамкага” солинган фикрлари ҳақида ўйлайди. Рус шоири Лермонтовнинг ёш ва қисқа умр кўрганлиги, Фурқатнинг дарбадар ҳаёти, Ватанга сизмаганлиги нафақат юртга, дунёга сизмаган буюклар, балки, рамкага солинган фикрлар ҳақида ўйлайди. Гўёки инсон вафот этгандан сўнг эъзозланади, сурати рамкага солиб деворга илиб қўйилса, эътибор қилгандек, қадрлангандек туюлади. Тарихга назар ташласак, бундай ҳодисаларга кўплаб гувоҳ бўламиз. Ҳамзанинг тошбўрон қилиниши, Машрабнинг осилиши, Қодирий ва Чўлпонларнинг отилиши...

Шоир аччиқ алам, танқид, киноя билан шундай хулоса ясайди:

*Шоирлар ҳаёти ҳамиша шундоқ,  
Рамкага тушади фақат... ўлганда.<sup>1</sup>*

Аслида, ҳақиқий ижодкорларни маънан ўлдириб бўлмайди, уларни жисмонан ўлдирсаларда, улар ўзларининг ўлмас асарлари билан абадиятга дахлдордирлар. Зеро, ҳақиқий шоирларни “рамка”да ушлаб бўлмайди, фақат гапира олмагандагина, рамкада жим туриши мумкин.

Кўринадики, “Шоирлар ҳаёти” шеъри, гарчанд шоир таъбири билан “ҳазил” деб изоҳ берилган бўлса-да, шеър бироз жиддий, унда шоирнинг ҳаётда ва бу дунёни тарк этгандан кейин ҳам жамиятда тутган ўрнига эътибор қаратилади. Аслида, ҳақиқий ижодкорни маънан ўлдириб бўлмайди, улар гарчи жисман маҳв этилса-да, улар ўзларининг ўлмас асарлари билан абадиятга дахлдордир. Аслида, “рамка”да ушлаб бўлмайдиган ҳақиқий шоирлар ўлгандагина (гапира олмаганида, ижод қилмаганида) “рамка”да жимгина турадилар, деган ҳазил остидаги зил китобхонни мушоҳада юритишга чорлайди.

Иккинчи йўналишга мансуб “Турмуш ташвишлари”, “Шоир ва илҳом”, “Шоир” (1989, ҳазил), “Икки шоир” каби шеърларда ҳажв у ёки бу даражада намоён бўлади. “Турмуш ташвишлари” шеърида барчанинг, барча касб эгаларининг ўз ташвиши борлиги санаб ўтилади:

*Хотин иш буюрар,  
Бола йиғлайди.  
Боғча деб қайгадир югурмоқ даркор.  
Балки шу ташвишлар бўлмаса эди,  
Шоир бўлармидим анча улугвор.*

Шоир агарда турмушнинг мана шундай майда икир-чикирлари бўлмаганда, инсоният қанчадан-қанча буюк ишларни удаллаши мумкинлигини таъкидлайди. Аммо шу турмуш ташвишлари бўлмаса ҳам яшашдан маъно-моҳият бўлмайди. Бунга англаган шоир шеърни қуйидаги ҳазил билан яқунлайди:

*Шириндир шу ҳаёт  
Холи фироқдан,  
Майли битмасин ҳеч унинг ишлари,  
Ҳаволаб кетсак гоҳ  
Тортсин оёқдан.*

“Шоир” номли шеърда шоирларнинг ўзига хос табиати, характери юмористик йўналишда очиб берилади. Оддий киши билан шоир ўртасида ер билан осмонча фарқ борлиги, агарда шаҳарга эълон осиб бизга “эси бутун одам керак” дейилса, талотўп бўлиб, бутун шаҳар ёпирилиб келиши, ёхуд бунинг акси сўралса, қандай ҳодиса рўй бериши шеърда зўр маҳорат билан очиб берилади, тазод орқали ҳажв ҳосил қилинади:

*Эълон оссанг агар шаҳарда шу кун,*

<sup>1</sup> Д.Курунов, З.Мамажонов, М.Шералиева. Адабиётшунослик луғати. Т., “Akademnashr”, 2013, 111-бет.



*Жунунваш, девона кимсага доир.  
Тарқаб кетар эди қолганлар, бутун,  
Фақат қолар эди “У мен”, – деб, шоир...*

Албатта, шоирлик бу Аллоҳ томонидан инсонга берилган олий неъматдир. Ана шу неъматнинг қадрига етиш, истеъдодини ўстириш, меҳнат қилиш лозимлигини Абдулла Орипов кўпчилик шеърлари орқали талқин ва ташвиқ қилиб келган. Шоирнинг сатирик шеърларида ҳам инсон маънавияти ва ахлоқ муаммолари биринчи ўринга қўйилгани унинг муҳим хусусиятларидан биридир. Буни бошқа жанрлардаги шеърларда ҳам яққол кўриш мумкин.

Абдулла Ориповнинг қайта куриш йилларида (1987) ёзилган “Айтишув” номли шеъри ҳам ҳажвий йўналишдаги ўзига хос шеърлари сирасига киради. Ушбу шеър суҳбат-диалог усулида етилган бўлиб, унда “Аждодлар” ва “Авлодлар” каби образлар акс эттирилган. Уларнинг ўзаро суҳбатидан характер-хусусиятлари очиб берилган:

Аждодлар:

– Самарқанду Бухорони бизлар қурганмиз.

Авлодлар:

– Бизлар эса сиз қурганни бориб кўрганмиз.<sup>1</sup>

Шеър давомида аждодлар томонидан қурилган, барпо этилган барча нарсаларни авлодларнинг барбод қилишлари хусусида сўз боради:

Аждодлар:

– Биздан қолди шўх дарёлар, кўллар мусаффо.

Авлодлар:

– Уларни ҳам қуритгаймиз бир кун, иншолло...

Аждодлар:

– Биз порохни хумга тикдик кашф этган они.

Авлодлар:

– Хум устига ўтиргиздик бизлар дунёни.<sup>2</sup>

“Бошқа бирорта ортиқча сўз, изоҳ, шарҳ, поэтик талқин ёхуд таҳлил шарт эмас, уларнинг бари диалогнинг ўзида жо бўлган. Шоир матнда айтилмаган қанчадан-қанча маънони топишни, унинг тагига етиб, идрок этишни ўқувчининг ўзига қолдиради. Шеърхон бу ишнинг урдасидан чиқишга ишонади”.<sup>3</sup> Аччиқ киноя, сарказм шоир шеърлятида ҳажвий йўналишга ўзгача, бироз кескин руҳ бағишлайди.

Шоирнинг сатирик мазмундаги шеърлари мустақилликдан кейинги йилларда ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришларни, ўзгаришлар жараёнида инсонлар характерида шаклланган иллатларни кўрсатиб, уларни бартараф қилишга қаратилган бўлса, унинг юмористик шеърларида эса ҳаётдаги бирорта нуқсонли ҳолатдан энгил кулиш билан унга ишора қилиниб, ундан озод бўлишга ундалади. Бу унсурлар шоирнинг мустақилликдан кейинги ижодида ҳам ўзига хос бўй кўрсатади.

Юқорида айтганимиздек, ҳажвий шеърлятдаги поэтик образлар, икки хил: бири-сатирик, иккинчиси – юмористик характерда бўлади. Абдулла Орипов кўпроқ инсонлардаги салбий хислатларни ҳажв остига олишга интилади, буни қуйидаги “Узр” шеърида кўрсатиб беради. Шеърда кекса бир қаламкашнинг шоирдан узр сўраши, ёмонлик қилганини тан олиши ҳақида фикр юритилади. Гуноҳини бўйнига олганига ҳам раҳмат дейиш керак, деб ўйлайди қаҳрамон. Аммо:

*Сен гугурт чаққанда ёнсаю олам,*

*Узрингдан не фойда, эй, сўқир, нодон.*

*Аттангки, қайдадир ношуд шифокор*

*Кимнингдир дилбандин айлади нобуд.*

*Унга узрларнинг не кераги бор,*

*Кўлма-кўл кетмоқда кичкинтой тобут.*

*Сиз менинг умримни қилдингиз адо,*

*Турфа пучмоқлардан бўлган хужумлар.*

*У темир панжалар юракни борҳо*

*Анорни сиққандек, эзиб гижимлар.*

<sup>1</sup> Abdulla Oripov. Tanlangan asarlar. G‘.G‘ulom nomidagi Adabiyot va san‘at nashriyoti, T., 2001, 1-jild, 70-bet.

<sup>2</sup> Shu yerda.

<sup>3</sup> Н.Каримов ва бошқалар. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1999, 475-бет.

Доно халқимизда "Узри гунохидан баттар" деган мақол бор. Қилгуликни қилиб қўйиб, бир гуноҳсизни ботқоққа ботириб, дилини топтаб, умрини хазон, қалбини вайрон қилиб, сўнгра узр сўраш гуноҳдан ҳам баттар, ўлганни устига чиқиб тепганда ўхшайди. Лекин шоир шунга ҳам шукур қилиш керак, дейди. Ана шу узр сўралмасдан олдин, ҳар бир одам ўз ҳаракатларини назорат қилиши керак. Масалан, бир саводсиз шифокор бировнинг дилбандини ўлдириб қўйиб, сўнгра узр сўраса, уни кечириб бўладими? Бир инсонни умрини барбод қилиб қўйиб, сўнгра узр сўраса, уни кечириб бўладими? Бир умр турли пучмоқлардан қилинган тухматлар, ғийбатлар, ҳасад-хусуматлар шоир юрагини "анорни сикқандек, эзиб ғижимлар" экан, буларни хотирадан бутунлай ўчириб бўладими? Шеър мисраларидаги залворли ҳазин юк киши қалбини эзиб, ана шундай кимсаларга нисбатан нафрат пайдо қилади. Шеър Абдулла Орипов услубига хос тарзда ҳажвиёна яқунланган: *"Кун-бакун тараққий этмоқда дунё, Ногоҳ одамқушни топмоқ ҳам қийин. Ҳозирги маданий жаллодлар ҳатто, Аввал узр сўраб, сўйишар кейин"*.

Ҳа, бу қадим дунё қанчалик тараққий этмасин, дилозорлар, ҳасадгўйлар қанчалик либосларини, қиёфаларини ўзгартирмасинлар, барибир, асл башараларини яширолмайдилар. Шоир таъбири билан айтганда, "маданий жаллодлар" қиёфасида яшайдилар, бошқа қиёфада ўз фаолиятларини давом эттираверадилар. Ниқобланган ҳолда ёвузлик уруғини сочаверадилар. Ҳажв бу шеърда ўткир сарказм, аччиқ киноя шаклида намоён бўлган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ижоди давомида кучли сатирик асарлар билан бир қаторда шоир ўз таъбири билан айтганда, 30 га яқин "ҳазил"лар ҳам яратган Абдулла Орипов ҳажвиётда турли адабий жанрлар (баллада, ривоят, қисса, тўртлик), воқеабанд ҳазиллар, ҳазил шеърлар кўплаб учрайди. Шоир баъзан жиддий шеърларида ҳам кулги чиқарувчи унсурларга эътибор қаратиб, сатиранинг кучига урғу беради. Барча жанрлар ва шаклллар шоир ҳажвий тафаккурининг турли даражада, турли бўёқларда намоён бўлишини таъминлашга хизмат қилган.

Ўзбек ҳажвиёти ижтимоий жамият кишисига хос бўлмаган сифатларни ўзида мужассамлаштирган шахсларни тарбиялаш вазифаси турибди. Бундай инсонларни тарбиялашда ундаги қусур ва иллатларни фош этишда сатира ва юмордан кенг фойдаланилади ва шу орқали ундаги салбий хислатларни йўқотишга ҳаракат қилинади. Абдулла Орипов поэзиясида замонамиз кишиси характеридаги лаганбардорлик, порахўрлик, ифвогарлик, манманлик сингари иллатларни йўқотишга қаратилган кураш тамойиллари устунлик қилади.

Шоирнинг ҳажвий характер ва тип яратиш маҳорати шикоятчи, хожи бобо, ғаламис, порахўр, ифвогар, манман каби жуда кўп образларда ёрқин намоён бўлганлигини таҳлил этган шеърлар яққол кўрсатиб турибди. Шоир бундай инсонларнинг образини яратиш учун уларнинг қиёфасини белгиловчи характерли хусусиятларни маълум бир образларда жамлаб бера олганлиги унинг ҳажвиётдаги маҳоратини кўрсата олади. Абдулла Орипов ҳажвий асарларида ҳажвий қаҳрамондаги камчилигу нуқсонларни шунчаки кўрсатиш билан чекланмайди, у ҳажвнавислик маҳоратига таяниб, уларни бўрттириб кўрсатиш йўлини танлайди. Айтайлик, у ҳажвга олган шахснинг манфаат-парастлигини очиб бермоқчи бўлса, у ўзи таниган ва билган барча манфаатпарастларда учрайдиган оригинал белгиларни кўшиб образни бойитади, натижада юксак маҳорат билан яратилган образлар дунёга келади.

Абдулла Орипов ҳажвиётда бадиий нияти: ҳаётдаги, жамиятдаги ноқисликлар устидан қулиш ва уларни йўқотиш "Ранжком" драмасида, айниқса, яққол намоён бўлади. Адибнинг ғоявий позициясини, асарда ифода этилаётган воқеа-ҳодисалар моҳияти, қаҳрамонлар табиатидан келиб чиқадиган туб маънони тезда аниқлаб, англаб олиш мушкул. Бу ўқувчидан бироз мушоҳада юриштишни талаб этади. Ижодкорнинг бадиий нияти, мақсади, ғоявий позициясини ўрганиш, билиш ва тасаввур қилиш учун ўқувчи ўзининг маънавий-руҳий имконияти, турмуш ҳақидаги тушунчаларига таянади. Драмадаги шоир томонидан тасвирланган ҳам кулгили, ҳам фожиали воқеалар мустақиллик даври ёшларини тарбиялашга, ўзига хос хулосалар чиқаришга ундаши билан аҳамиятлидир. Сатирик персонажларнинг характерларидан, ички дунёсидан кулги келтириб чиқарилади. Улар кулгили қиёфада кўрсатилиб, ҳатти-ҳаракатлари, сўзларининг мазмуни билан кулгили аҳволга тушадилар, кулгили вазиятлар, ҳолатларда тасвирланадилар, қаттиқ масҳара қилинадиларки, мана шунда шоир позицияси яна-да аниқ намоён бўлади.

Абдулла Орипов мураккаб ҳажвий персонажларни кулги билан фош этиш мақсадида ҳар бир шахсни умумлаштирди, типиклаштирди ва шу йўл билан индивидуаллаштирди. Юқорида тилга олган сатирик образларнинг муваффақияти шундаки, уларнинг ҳар бири (шикоятчи, Ҳожи бо-

бо, ғаламис, ранжкомчилар ва ҳ.к.) ёрқин индивидуал характерга эга. Ҳар бир сатирик персонажнинг ўзига хос индивидуал сифатлари, хусусиятлари, белгиларини аниқлаб чиқиш муҳимдир.

**Садуллаев Моҳира Атавуллаевна**  
(Бердақ номидаги ҚҚДУ Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси мустақил тадқиқотчиси)  
**РУҲИЙ ТАҲЛИЛ – БАДИЙЛИК МЕЗОНИ**

***Аннотация.** Ушбу мақолада замонавий ўзбек ҳикояларида руҳий таҳлил ва унинг бадиийлик мезони сифатидаги ўрни, фаол ва истеъдодли ҳикоянавис Муҳаммад Шарифнинг бадиий характер яратилиш жараёни сирлари, хусусан, қаҳрамон руҳиятини бадиий талқин қилиш усулларининг ўзига хослиги каби масалалар тадқиқ этилади.*

***Аннотация.** В статье исследуется место психологического анализа и художественных критериев в современных узбекских рассказах, секреты процесса создания художественного образа активного и талантливого сказочника Мухаммада Шарифа, в частности, специфика приемов художественной интерпретации сюжета, психики героя.*

***Annotation.** This article examines the role of psychological analysis and artistic criteria in modern Uzbek stories, the secrets of the process of creating an artistic character of an active and talented storyteller Muhammad Sharif, in particular, the specificity of the methods of artistic interpretation of the hero's psyche.*

***Калим сўзлар:** образ, руҳийлик, бадиийлик, ҳикоячилик, муаллиф нутқи, характер, персонаж, сюжет, концепция.*

***Ключевые слова:** образ, духовность, искусство, повествование, авторская речь, персонаж, персонаж, сюжет, концепция.*

***Key words:** image, spirituality, art, storytelling, author's speech, character, plot, concept.*

Реалистик насрнинг қарийб барча жанрлари намуналарида акс эттирилган ҳар битта образ ўзининг фикру ўйлари, қувончу изтироблари, жамият ва табиат ҳодисаларига нисбатан хайрихоҳлигию антипатиялари билан боғлиқ турфа хил қалб кечинмалари, ҳис-ғуйғулари ила китобхон кўзи олдида жонли киши сифатида гавдаланади. Муаллиф китобхонни ўзи яратган бадиий олам билан қай даражада ошно қилиши, ўша олам сеҳри билан ром эта билиши, бинобарин, асар орқали ўртага ташланаётган ғоя, муаммолар билан «озиклантириш» маҳорати худди мана шу образларнинг тирик инсонга хос белги-ҳомиятлар билан таъминланишига боғлиқдир. «Қаҳрамон ички дунёсига чуқур кириб бориб, уни атрофлича тасвирлаш, қалб қирраларининг турли ҳолатларини таҳлилга тортиш, кечинмалари турфалигига эътибор қаратиш адабиётда психологик таҳлил (аксари ҳолда қисқача психологизм) деб юритилади».<sup>1</sup>

Европа илмида, хусусан, рус адабиётшунослигида адабий қаҳрамон образи руҳияти тасвирига жиддий эътибор билан ёндашув, яъни психологизм XVIII аср охирида Ғарбий Европа адабиётида, сентиментализм оқими бағрида пайдо бўлганлиги урғуланади. Кейинчалик, XIX аср охири ва XX аср бошларида инглиз ва француз адабиётида теран илдиз отгани, ушбу бадиий-эстетик ҳодиса маншъаида ирланд ёзувчиси Жеймс Жойс ва француз адиби Марсель Пуст турганлиги қайд этилади.<sup>2</sup>

Биз ушбу иддаоларга қўшилишдан йироқмиз. Фикримизча, Шарқ халқлари сўз санъатида қаҳрамон образи руҳиятини очишга интилиш, ушбу усулнинг ранго-ранг намуналаридан фойдаланиш анча аввал, ўнлаб асрлар олдин шаклланган. Ҳатто усулнинг ноёб кўринишлари халқ оғзаки ижоди асарларида ҳам мавжудлиги фикримизни далиллайди.

Туркийзабон халқларнинг умумий маънавий-эстетик қарашлари бадиий инъикоси бўлган, минг йиллик тарихга дахлли «Алпомиш» достонидаги Ҳакимбек, Барчин, Қалдирғоч, Қоражон, Бойсари ва Бойбўри сингари (улар жуда кўп) образларни эслайлик. Мазкур образларнинг қай бирини руҳий таҳлилдан мосуво, қайси бирининг у ёки бу ҳаракати руҳий-манتيкий асосланмаган, дея оламиз. Миллий мумтоз адабиётимиз булоқбошиси соҳиби Алишер Навоийнинг эпик асарларидаги Искандар, Фарҳод, Ширин, Меҳинбону, Қайс ва Лайли кабиларнинг қалб кечинмалари, ки-

<sup>1</sup>[www.philol.msu.ru/library](http://www.philol.msu.ru/library)

<sup>2</sup>Буҳақдақаранг: [www.texnologiya.ru/literature](http://www.texnologiya.ru/literature)

тобхоннинг ҳам ақлу ҳисларини чархлашга қодир руҳий дунёси манзаралари тадқиқи ҳам худди шундай хулосалар чиқаришимизга асос бўлади...

Биз ушбу мақоламизда замонавий ўзбек ҳикоячилигининг фаол вакили Муҳаммад Шарифнинг бадиий характер яратиш жараёни сирларини, хусусан, қахрамон руҳиятини бадиий талқин қилиш усуллариининг ўзига хослигини тадқиқ қилишга ҳаракат қилдик. Адабиётимизга ўтган асрнинг 90-йилларида кириб келган Муҳаммад Шариф «С.А. хотиралари» қиссаси билан Марказий Осиё мамлакатлари орасида ўтказилган новеллалар танловида қатнашиб, ғолибликни қўлга киритишга мушарраф бўлган ижодкор саналади. Унинг қисса ва ҳикоялари инглиз ва рус тилла-рига таржима қилинган. Таъкидлаш ўринлики, М.Шариф яратиларининг миллий сарҳадлардан ташқарида ҳам шухрат қозониб, ўз мухлисларини топаётганлигини уларда қаламга олинган воқеа-ҳодисалар, инсон характери тадқиқ ва талқинидаги ўзига хосликдир. Ёзувчи ўз ҳикояларида ҳаётий кечмишлар, табиат ва жамият манзараларини, инсон руҳий олами ва ақлу шууридаги баъзан долғали, гоҳида маҳзун ва гоҳида фараҳли тўлғанишларини бор бўйи-баста, йўсини, ранги, жаранги билан, ғоят самимий ва бегараз акс эттиради. Унинг қахрамонлари ҳар қадамидан фазилат ва манфаат ёғилиб, ўз фаолияти ва хулқи билан китобхонга ҳар ўрнак бўладиган тақлид намунаси – идеал инсон эмас, балки ўзимиз билан бир ҳаводан нафас олиб, оддий ўзбек кишлоғида умргузаронлик қилаётган замондошларимиздир. Улар сиймоси ёзувчи етовига юрмайдиган, мавжуд адабий қолип ва стереотипларга сиғмайдиган, қарашлари муайян шароит ва маиший вазиятнинг манتيқий самараси ўлароқ, шаклланган ўта соддадил ва самимий одамлар сифатида гавдаланади.

Файласуф шоир Абдулла Шер бадиий ижод психологияси ва асарда муаллиф шахсияти иштироки хусусида ёзаркан: «Ижодкор шахсининг руҳий тип сифатидаги мураккаблиги шундаки, унда бир эмас, икки МЕН яшайди. Биринчиси, ташқаридан қараганда, кўзга ташланадиган, сиз билан бизнинг орамизда юрадиган, жамият қонун-қоидалари, миллий урф-одатлар, оилавий ёки касбий шарт-шароитлар мезонлари билан, тўлиқ бўлмаса-да, маълум маънода, ўлчанадиган ва баҳоланадиган МЕН. Иккинчиси – ҳеч қайси қонун-қоидани тан олмайдиган ички – ботиний МЕН, уни юқоридаги мезонлар билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайди, Биринчи МЕН ҳамма одамларга хос, иккинчи МЕН эса фақат ижодкорда мавжуд бўлади»,<sup>1</sup> дея таъкидлайди. Демак, образларнинг жонли ва таъсирчан, ўзига хос бўёқдорлигини таъминлаш учун, аввало, муаллифнинг ўзи эркин руҳ эгаси, яъни юқорида урғуланган иккинчи МЕН соҳиби бўлмоғи даркор. Муҳаммад Шариф айни мана шу хил муаллифлар тоифасига мансуб, унинг қарийб барча персонажлари зўраки жимжима ғоялардан ҳоли, ўз ҳаёти билан яшовчи, бир қарашда ўқувчи эътиборига арзийдиган биронта хосиятга эга бўлмаган одамлардир.

Ёзувчи қаламига хос яна бир фазилат борки, унинг ҳикояларида воқеа баёнидан кўпроқ қахрамоннинг кўнгил куйи, муайян нарса-ҳодиса, тушунча атрофида мулоҳазалари, кўрган-кечирмишдан олинган таассуротлар самари бўлмиш меҳри, нафрати, қувончу изтиробли туйғулари тасвири устуворлик қилади. Мухтасар қилиб айтганда, унинг қахрамонлари суратлари ва жисмоний ҳаракатлари билан эмас, балки ўз сийратлари – ботиний дунёси манзаралари билан китобхон қалбига кириб боради ва сирдошига айланади. Айниқса, унинг «Ҳадик» ва «Толқўприк» каби ҳикоялари образларнинг индивидуал бўёқларга бойлиги, руҳияти тасвирида ҳам характерига мос хос чизги ва оҳанглар истифода қилингани диққатга лойиқдир.

«Ҳадик» ҳикояси сюжети фақат битта воқеа асосига қурилган. Китобхон ўша яккаю ягона воқеа ҳақидаги маълумотни ҳам ғайриодатий тарзда – асар қахрамони (номи берилмаган) кўнгилдан кечган ҳаёллар оқими воситасида олади:

«Ким бўлди экан, тонг сахарда безовта қилган?! Намунча дағдаға қилмаса?! Қуёш ҳали бош кўтардимми ўзи?! Ёзнинг бунақанги узун кунларида қуёш соат саккиздан кейин, кунчиқардаги икки қават уйнинг томи оша унинг ҳовлисига мўралайди. Бунга қадар унинг серсоя ҳовлиси тонгги сокинлик ва салқинлик оғушида мудраб ётади.

Ким бўлди экан, Миршаб эмасмикан?»<sup>2</sup>

Ҳикоя бош қахрамони мана шу алфоздаги ҳадикли ҳаёлларига эрк беради. У кийиниб, дарвозани очишга тайёрланаркан, каллаи сахарлаб дарвоза қоқиши эҳтимоли бўлган маҳаллабоши, тиланчи лўли, сабзавотфуруш, сут-қатиқ сотувчи хотин, «ичбуруғдан огоҳлантирувчи варақа» тар-

<sup>1</sup> Abdulla Sher. Estetika. Toshkent, "O'zbekiston", 2015, 306-bet.

<sup>2</sup> Шу манба.

қатиб юралиган ҳамшира, солиқчи, газ-электр ҳақи илинжида юрган ходим, тўй-маърака хабарчиси, қарз сўровчи бирор таниши кабиларни бир-бир кўз ўнгидан ўтказди.

Асосийи, қаҳрамон ҳаёлида тикланаётган муайян қатлам ёки тоифа вакили, улар баҳонасида эсланаётган ҳаётнинг деталлар ўзига хос бадиий-эстетик юк ташишга йўналтирилган. Мана, унинг маҳаллабоши ҳақидаги ўйларидан бир парча: «Маҳаллабоши бўлиши мумкин. Унда ҳам баъзан ўдағайлаш одати бор. Халқнинг дарвозасини даранглатиб тепадиган салобати бор... Анов куни келганда жаҳлини ёмон чиқарди. Нима эмиш, катта ўғли қаерда, деб сўрайди. Ҳа, қаерда бўларди, эл қатори, Россияга ишга кетган деса, манзилини айт, қачон кетган, қайси шаҳарда ишлайди, деб эзворди. Ҳа, энағар, бола меники бўлса, сени нима ишинг бор, деди жаҳли чиқиб...».<sup>1</sup>

Ҳикоянинг бадиий концепцияси тадрижи қаҳрамон шуурида тобора муайянлашиб, катъий ҳукм мақомини оладиган фикр ва хулосалар занжири кўринишини касб этади.

Назарий манбаларда ички монолог, диалог, онг оқими, туш каби воситалар қаҳрамон руҳий дунёсини акс эттиришнинг муҳим омиллари қаторида тилга олинади. Бу, албатта, исбот талаб қилмайдиган аксиоматик фикрлардир. Аммо ёзувчи Муҳаммад Шарифнинг ҳикоячиликдаги баъзи экспериментларини кузатарканмиз, унинг муаллиф нутқи структурал имкониятларининг кенгайтиришга эришгани, онг оқими усулининг миллий кўринишларини инкишоф этганининг гувоҳи бўламизки, бу бизга қаҳрамон руҳиятини бадиий ишғол этмоқнинг янги усуллари саналади, дейишга ҳуқуқ беради.

Шу ўринда, адибнинг «Толкўприк» ҳикоясига тўхталиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу ҳикоя қаҳрамонлари ҳам исмсиз, десак, хато бўлади. Асарнинг бош қаҳрамони Толкўприк. Анҳор бўйида ўсган, вақт ўтиб, кексайган Тол баҳорий тошқинга тоб беролмай, анҳорга қулаган, йиқилгач ҳам, ўсишда давом этиб, қарши қирғоққача етган ва одамларнинг узоғини яқин қилувчи Толкўприкка айланган. Толкўприк, албатта, рамзий образ. Ҳаёт, ёвузлик ва эзулик, бу тушунчаларнинг абадийлиги, бахт ва бахтсизликнинг ҳам давомийлиги ҳақида хабар берувчи рамздир.

Ҳикоя сюжети марказида бири анҳорнинг кун чиқиш томонидан, иккинчиси кун ботиш тарафидан келадиган «лабининг чап устида кичик хол кўниб турган абжир қизгина» ва «норғил, елкалари кенг, жағ суяклари бўртиб турган, тим қора қошлари қалин йигит» ораларидаги оилавий можаро ётади. Оталар хоҳиши билан юз берган никоҳ ғоят аянчли яқунланади – «лабининг устида кичик холи» бор келин кўлида икки яшар боласи, қорнида ҳомиласи билан бедарак йўқолади... Адиб бу асарида ҳам муаллиф тилининг хилма-хил сатҳларини ишга солиб, ҳикоя қаҳрамонлари руҳиятини нозик қирраларини бадиий таҳлил ва талқин қилишга эришади.

Хулоса қилиб айтганда, ўткир қалам соҳиби Муҳаммад Шариф қаҳрамон характерининг энг муҳим руҳий қирраларини кашф этишда ўзига хос йўл танлаган, бу йўналишнинг сара кўринишларини топиб, миллат бадиий тарфактури такомилга ҳисса қўшаётган адибдир. Ёзувчининг ижодий лабораториясига чуқурроқ кириб, асарларининг сеҳру синоатларини тадқиқ қилиш замонавий адабиётшуносликнинг долзарб масалаларидан биридир.

**Тоирова Дилфуза Файзуллаевна (доктор философических наук, доцент)**

## **ВЗГЛЯДЫ СТЕНДАЛЯ НАД ФИЛОСОФСКИМИ И ИСТОРИЧЕСКИМИ ПРОБЛЕМАМИ**

***Annotatsiya.** Maqolada Stendal falsafasi, uning estetikasi, psixologiyasi, siyosiy va boshqa zamondoshlar qarashlari ko'rib chiqilgan, keyinchalik, tadqiqotchilar taassurot qoldirish istagidan kelib chiqadigan fikr bilan jonglyorlikka o'xshash narsa, aqliy koketikaning bir turi. Biroq, Stendalning asosiy, ayniqsa, yorqin xususiyati paradokslarga va aqliy improvizatsiyaga bo'lgan muhabbat emas, balki ketma-ketlik uchun tashnalik edi. U muhokama qilgan masalalarda, urf-odatlariga e'tibor berish, asossiz yangiliklardan qo'rqish, hukmlarning mustaqilligi, aqlning mustaqilligi va fikrlarning o'ziga xosligi kabi o'ziga xosdir.*

***Аннотация.** В статье рассмотрено философия Стендаля, его эстетику, психологию, политические и любые другие взгляды современники, да и более поздние исследователи понимали как нечто ни с чем не сопоставимое, как жонглирование мыслью, вызванное желанием произвести впечатление, своего рода умственное кокетство. Однако основным и особенно ярким свойством Стендаля была жажда последовательности, не любовь к парадоксам и к умственной импровизации. Замечательная осведомлённость в вопросах, которые он обсуждал, внимание к традициям,*

<sup>1</sup> Ўша манба.

боязнь необоснованного новаторства для него так же характерны, как самостоятельность суждений, независимость ума и оригинальность взглядов.

**Annotation.** *The article examines Stendhal's philosophy, his aesthetics, psychology, political and any other views of his contemporaries, and later researchers understood as something not consistent with anything, as a juggling of thought caused by the desire to make an impression, a kind of mental coquetry. However, the main and especially striking feature of Stendhal was a thirst for consistency, not a love of paradoxes and mental improvisation. His remarkable awareness of the issues he discussed, his attention to tradition, and his fear of unwarranted innovation are as characteristic of him as his independence of judgment, independence of mind, and originality of view.*

**Kalit so'zlar:** *muammo, janr, ish, badiiy, tarixiy, yozuvchi, vaqt, siyosiy, yozuvchi va boshqalar.*

**Ключевые слова:** *проблема, жанр, труд, художественный, исторический, писатель, время, политический, писатель и другие.*

**Key words:** *problem, genre, work, artistic, historical, writer, time, political, writer, etc.*

В исторических сочинениях Стендаля особенно интересуют анекдоты, повествующие о мелких событиях придворной жизни, скандальная хроника двора, романические, сугубо ничтожные причины больших политических событий. Это был «особый историографический жанр, называемый анекдотическим, который имеет своей задачей заполнить проблемы большой истории», как характеризовал его в 1781 г. Шамфор.<sup>1</sup> Так понимал этот жанр и Стендаль. Он читает «Мемуары Фелиции Л.» мадам де Жанлис, заинтересовавшие его как сборник анекдотов о XVIII в., но поучения, которыми автор сопровождал свои воспоминания, показались ему скучными и вызвали резкие возражения.<sup>2</sup> Он с удовольствием прочёл воспоминания маркизы де Келюс, непринуждённо изображавшей двор Людовика XIV.<sup>3</sup> Затем пришла очередь «Мемуаров Шевалье де граммона», которые радуют Стендаля своим остроумием и весёлыми приключениями, и ему кажется, что это и есть стиль придворной жизни Людовика XIV.<sup>4</sup>

Мемуары Стендаля рассматривают как подлинные исторические документы, не учитывая намеренного – в политических и художественных целях – искажения фактов. Исторические материалы его интересуют только как средство изучения людей и характеров, а в этом смысле мемуары и собственно исторические сочинения, мало чем от них отличающиеся, представляют для него одинаковую ценность. Наставляя свою сестру, он советует ей, чтобы спастись от скуки и «познать себя», читать Тацита, Сен-Реаля, Верто и Тита Ливия<sup>5</sup> – такие книги позволяют увидеть лица, не скрытые маской.<sup>6</sup> Тот же смысл имели для него «Lettres de cachet» Мирабо (1782), сыгравшие свою роль в революционных событиях XVIII в., его же «Тайная история берлинского двора» («Histoire secrete de la cour de Berlin»), сожженная рукою палача, и «Esprit de Mirabeau», откуда Стендаль мог почерпнуть много интересных для него сентенций.

В записях Стендаля сохранились отклики на эти сочинения. Ещё Альфьери убедил его в том, что Монтескье вступил в компромисс с монархическим принципом. Глава IX «Lettres de cachet» называется: «Опровержение правила Монтескье, считающегося, что в некоторых случаях следует подавлять свободу». Стендаль видит в этом правила компромисс: Монтескье часто «отказывался от права ради факта», и потому Мирабо справедливо упрекал Монтескье в том, что, вступая в компромисс со священниками и королями, он жертвует естественным правом ради права исторического.<sup>7</sup> Сочинения Мирабо привлекают Стендаля в этот «якобинский» его период стра-

<sup>1</sup> Coix de discours de reception à l'Académie Française, t. II. Paris, 1808, p. 219.

<sup>2</sup> 10 и 18 апреля 1804 г., Journal, t.I, p. 104; Pensées, t.I, 210–211; ibid., t.II, p. 295. См. также: V. delLitto., a vie intellectuelle, p. 191.

<sup>3</sup> Эти воспоминания были опубликованы в 1770 г. с примечаниями и предисловием Вольтера.

<sup>4</sup> 11 июня 1804 г., Corr., t.I, p. 104. Впрочем, галантные манеры и длинные комплименты, бывшие в XVII в. Верхом изящества, кажутся Стендалю чрезвычайно скучными: теперь мы говорим лучше и изящнее, утверждает он.

<sup>5</sup> 4 марта 1806 г., Corr., t.I, p.292. См.: Josué Montello. Un maître oublié de Stendhal. Paris, 1970. Значение Сен-Реаля для Стендаля в этой книге сильно преувеличено. Ср.: V[ictor] d[el] L[itto]. Josué Montello. Un maître oublié de Stendhal. Stendhal Club, 15 avril 1971, p. 255–256.

<sup>6</sup> V.de del Litto. La vie intellectuelle, p. 203.

<sup>7</sup> 11 июля 1804 г., Pensées, t. II, p. 166–167; Mirabeau. Des lettres de cachet et des prisons d'Etat, chap. III, IX. Дата записи указана в кн.: V. del Litto. La vie intellectuelle, p. 196.

тной критикой монархии, в частности двора и политики Людовика XIV, описанием двора Фридриха II, психологическими портретами и анекдотами. Из «Истории Берлинского двора» он делает выписки и радуется разоблачению этих придворных «тайн».<sup>1</sup> Стендаля могла поразить мысль Мирабо о том, что история не нужна, потому что она прославляет царей и героев и учит лицемерию<sup>2</sup>. Это был выпад против «королевской» историографии, вызывавшей негодование Альфьери и многих других публицистов и историков.

Стендаль, как прежде, искал в истории «зрелище сердца человеческого», специфические формы «погони за счастьем», обусловленные нравами эпохи. Стендаль уловил доктринерский характер исторической методологии Минье, подчеркнув его сходство и критические замечания, касающиеся несущественных деталей.

Нравы у Стендаля как будто даже отрываются от государственного устройства, так же как от личности правителя. Он относится к ним скорее как художник и структуру общества рассматривает как «колорит», более или менее выгодный для романиста. XIII век в Провансе был эпохой счастья и утонченных наслаждений, во всяком случае для высших классов общества. Для народа это была пора рабства и невежества, как в Польше до 1780 г. Эти контрасты драгоценны для романиста, который должен ходить по земле и беседовать с людьми, а не улетать в заоблачные выси, как то делает д'Арленкур.<sup>3</sup>

Значит, общественные противоречия интересны для художника как красочный материал, а не как источник бедствий, не как яд, которому правдивый и непредубежденный художник должен противопоставить спасительное противоядие. Так, очевидно, в иные моменты понимал Стендаль и искусство Вальтера Скотта, преследовавшего совсем другие цели. Но, восхищаясь «бешеными львами» XV в., якобинцами и Наполеоном, Стендаль не забывал, что это «бешенство» и эта сила должны быть направлены не на личное благоденствие, а на общественную пользу и что эти противоречия интересны для художника потому, что ставят глубокие и острые проблемы, захватывающие каждого мыслящего человека.

В разных планах эта жажда энергии среди выходцев из низших слоев народа и боязнь энергии в высших классах проявляются почти во всех произведениях Стендаля – в новеллах и хрониках; в «Красном и черном» герой хочет подражать Наполеону, в «Пармском монастыре» участвует в сражении при Ватерлоо, в «Ламбель» героиня влюбляется в каторжника и убийцу, поджигает здание суда и погибает в огне.

Политическая борьба, оппозиция к правительству и господствующим классам формируют душу, утверждает Стендаль, и если бы у него было свободное время, он поехал бы на остров Корфу, потому что оппозиция там очень сильна.<sup>4</sup> Французы – республиканцы по своим политическим взглядам, говорил Шатобриан, и монархисты по нравам. Очевидно, эта мысль отчасти соответствовала точке зрения Стендаля, потому что, по его мнению, монархия парализует энергию и личную инициативу.<sup>5</sup>

Стендаля иногда называли индивидуалистом. Однако индивидуализм в каждом данном случае может иметь различный смысл. У Стендаля личность никогда не противопоставляется обществу, она должна работать на общество в широком смысле этого слова.

---

<sup>1</sup> Выписки Стендаля из книги Мирабо «Histoire secrete de la cour de Berlin ou correspondance d'un voyageur français depuis le mois de juillet 1786 jusqu'au janvier 1787» (2 vls. Paris, 1789). См.: Pensées, t. II, p. 1786 jusqu'au janvier 1787" (2 vls. Paris, 1789). См.: Pensées, t. II, p. 330–337. Дата 28 июля 1804 г. указана в кн.: V. del Litto. La vie intellectuelle, p. 200, n. 332.

<sup>2</sup> Esprit de Mirabeau, t. II, Paris, 1804, p. 392 – 393.

<sup>3</sup> 1 марта 1823 г., Courrier, t. II, p. 48.

<sup>4</sup> RNF, t. II, p. 14.

<sup>5</sup> “Les pays uses par la monarchie”, – пишет он в одном из предисловий к «Любви».

Усанов Шамсиддин Ҳамидович (физика-математика фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси),  
Жуманиёзова Муҳайё Тожиевна (педагогика фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети)

### ЎЗБЕКИСТОНДА КАДРЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТИЗИМИНИНГ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАР

**Аннотация.** Мақолада Ўзбекистон мустақилликка эришгач, узлуксиз таълим тизимида амалга оширилган ислохотлар, кадрлар малакасини ошириши ва уларни қайта тайёрлаш тизимининг ривожланиши тараққиёти, Ўзбекистонда малакасини ошириши таълими мазмунини шакллантиришидаги замонавий ёндашувлар ҳақида сўз юритилади.

**Аннотация.** В статье рассматриваются реформы, осуществленные в системе непрерывного образования после обретения Узбекистаном независимости, развитие системы повышения квалификации и переподготовки, современные подходы к формированию содержания повышения квалификации.

**Annotation.** The article examines the reforms carried out in the system of continuous education after Uzbekistan gained independence, the development of the system of advanced training and retraining, modern approaches to the formation of the content of advanced training.

**Калим сўзлар:** узлуксиз таълим, малака ошириши ва қайта тайёрлаш тизими, тизимли таҳлил, ўқув дастурлари, малака талаблари, бевосита ва билвосита таълим шакллари, муаммоли курс, мақсадли курс.

**Ключевые слова:** непрерывное образование, система повышения квалификации и переподготовки, системный анализ, учебные планы, квалификационные требования, прямые и косвенные формы обучения, проблемный курс, целевой курс.

**Key words:** continuous education, system of advanced training and retraining, system analysis, curricula, qualification requirements, direct and indirect forms of education, problem course, target course.

Узлуксиз таълим жараёнида малака ошириш тизимининг роли. Жамиятда ёндашувларнинг ўзгариши ва илмий билимларнинг кенгайиши таълим жараёни, унинг мақсадлари, вазифалари ва имкониятлари тўғрисида янги қарашларни вужудга келтирмоқда. Ҳаёт инсоннинг барча ўзгаришларга тезкорлик билан муносабатда бўлиш қобилиятини ривожлантириш, ташаббускорликни намоён этиш, мулоқот қобилиятини ривожлантириш каби ўз талабларини илгари сурмоқди. Тез ўзгарувчан дунёда жуда яхши маълумот ҳам ўз касбининг устаси бўлиш учун етарли бўлмаслиги мумкин. Шу сабабли таълимнинг мақсади ва мазмуни инсоннинг доимий ўзгарувчан ҳаёт шароитларига мослашиш қобилияти билан боғлиқ.

Ҳозирги кунда узлуксиз таълим тизимини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. “Узлуксиз таълим” атамаси биринчи марта 1968 йилда ЮНЕСКО материалларида қўлланилган, 1972 йилда ЮНЕСКО томонидан таълим соҳасидаги янгилликлар ва ислохотлар учун узлуксиз таълим асосий тамойил сифатида қабул қилинган ва бу тамойил барча мамлакатларда таълимни ташкил этишнинг асос ғояси сифатида тан олинган.<sup>1</sup>

Узлуксиз таълим – бу замон билан ҳамнафас бўлиш зарурати, мавжуд касбий ва ижтимоий муҳитда доимий равишда ўз фаолиятини, касбий билимлари ва кўникмаларини такомиллаштириш талабидир. Узлуксиз таълим фан, иқтисодиёт ва таълимнинг ўзаро таъсирида муҳим таркибий қисми бўлиб, фан ва ишлаб чиқаришдаги динамик ўзгаришларга жавоб сифатида пайдо бўлган.

Мавжуд таълим турларини ўзаро боғлаш, таълим сифатини таъминлаш, таълим олувчиларнинг эҳтиёжи ва қизиқишини рағбатлантириш педагоглардан юқори касбий маҳорат, билим ва кўникмаларни, креатив ёндашувларни талаб этади ҳамда барча таълим турларида сифатни кафолат-

<sup>1</sup> Пережовская А.Н. Непрерывное образование: цели, задачи, содержание, функции, перспективы развития. Текст : непосредственный. Проблемы и перспективы развития образования. Материалы VI междунар. науч. конф. (г. Пермь, апрель 2015). Пермь, “Меркурий”, 2015, с. 38–41. URL: <https://moluch.ru/conf/ped/archive/149/7617/>(дата обращения: 18.02.2021).



ловчи омил ҳисобланади. Чунки ҳар қандай миллат ва давлат имкониятларининг ҳал қилувчи белгиси – бу маърифат, инсонларнинг интеллектуал, касбий ва маънавий салоҳиятидир.

Ўзбекистонда давлатнинг инновацион ривожланиш салоҳияти рақобатбардош кадрларга бўлган эҳтиёжни ва талабни кучайишига олиб келди. Педагог кадрларнинг узлуксиз таълим олишини ташкил этиш муаммоларига бутун дунёда катта эътибор берилмоқда. Жумладан, Ўзбекистонда ҳам ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётга ўтишни тезлаштиришга ёрдам берувчи асосий омиллардан бири таълим сифатини ошириш ҳисобланади. Бу жараёнда узлуксиз таълим тизимининг қайта тайёрлаш ва малака ошириш тури алоҳида аҳамиятга эга. Чунки кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш жараёнини сифатли ташкил этиш, унинг ўқув-методик ва ахборот таъминотини мустаҳкамлаш, таълим муассасаларини юқори малакали педагог кадрлар билан таъминлаш масаласини ижобий ҳал қилишга олиб келади.

Кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишдан мақсад – уларнинг ижодий имкониятларини шакллантириш, уларнинг илмий савиясини такомиллаштириш, дунёқарашини кенгайтириш ҳамда касбий компетенцияларини ҳамда креативлигини ривожлантиришдан иборатдир. Бу тизимда амалга оширилган ислохотлар натижасида педагог кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашнинг замон талабларига мослашувчан, таълимнинг юқори сифатли ва барқарор ривожланишини кўзловчи тизими вужудга келтирилди.

Таълим-тарбия жараёнига илғор технология ва инновацияларнинг шиддат билан кириб келиши, аммо ўқитувчилар бу янгиликларни, аксарият ҳолларда, ўз фаолиятида қўллай олмаганлиги, ўқитувчиларнинг асосий қисмини таълимдаги инновацион жараёнларга тайёр эмаслиги ўқитувчиларни малакасини ошириш тизимида ислохотларни амалга ошириш учун асосий туртки бўлди.

**Малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида амалга оширилган ислохотлар, уларнинг моҳияти.** Мустақиллик йилларида малака ошириш тизимидаги ислохотлар – ўқитувчиларга бериладиган назарий билим ва касбий кўникмалар самарадорлигини ошириш, ўқитувчининг психологик, педагогик маҳоратини яна-да кучайтириш, ўқитиш ва тарбиялашнинг янги методларини ўз вақтида ўрганиб олишларига шароит яратиш, уларнинг маданий, шахсий такомиллашувларига ёрдам бериш, рақобат шароитида ишлаш кўникмасини ҳосил қилиш ва таълим тизими олдида турган долзарб вазифаларни тўла тушуниб етишига қаратилди.

Янгидан шакллантирилаётган тизимда ҳар бир педагогнинг педагогик фаолиятга илмий-методик жиҳатдан тайёргарлигини таҳлил қилиб, камчиликларга барҳам бериш мақсадида ўз эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда, танлаб олиши мумкин бўлган малака ошириш шакллари белгиланди.

Педагог кадрлар тайёрлаш, уларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимида ҳам инновациялар киритилди. Жумладан, ўтган асрнинг 90-йилларида Республикада мактаб, ўрта махсус ва олий таълим муассасалари тармоқларининг ривожланиши билан бирга, ўқитувчи ва илмий-педагог кадрларнинг етишмовчилиги ўртасидаги номутаносибликни камайтириш учун малака оширишга ихтисослаштирилган таълим муассасалари тармоқлари ва уларнинг вазифалари аниқ белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонунида кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш алоҳида таълим тури деб, кадрларни касбий билим ва кўникмаларини чуқурлаштириш ҳамда янгилашни таъминлаш унинг асосий вазифаси этиб белгиланди. Мос равишда, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қўйиладиган давлат талаблари, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ҳақидаги диплом ва уларнинг малакасини ошириш ҳақидаги сертификатнинг давлат намуналари тасдиқланган, норматив ва ўқув-методик ҳужжатлар, кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш таълим муассасаларининг намунавий ташкилий тузилмаси, намунавий штатлари, маблағларни режалаштириш ва сарфлаш тартиби тасдиқланди, раҳбар, педагог ва бошқа мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этишнинг асосий мақсадлари, вазифалари, шакллари, услублари ва тартиби белгилаб берилган.<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони, “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли қарори.

такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларининг қабул қилиниши ушбу таълим турининг норматив ҳужжатлари ва ўқув-методик базасини шаклланиши учун асос бўлди.

**Малака ошириш тизимида ўқитувчиларни инновацион жараёнларга тайёрлаш: орттирилган тажриба ва амалиёт.**

**Инновацион жараён** – бу педагогик янгиликлар, бу янгиликларнинг педагогик ҳамжамият томонидан ўзлаштирилиши ва улардан илмий асосда амалиётда самарали фойдаланишнинг ўзгариб боровчи яхлитлигидир”.<sup>1</sup>

Педагогикада **инновация, инновацион фаолият, инновацион педагогика, таълимда инновацион жараёнларни бошқариш** каби тушунчалар таълим технологияси тушунчаси эътироф этилган вақтда пайдо бўлди. Олиб борилган илмий изланишлар натижасида педагогик фаолият – бу ижодий жараён ва педагогик инновациялар бирлашмаси, деган ўзига хос илмий йўналиш таркиб топган.

Малака ошириш тизимида ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатадики, малака ошириш курслари шакллариининг хилма-хиллиги унинг самарадорлигини тўла таъмин эта олмайди, бу борада курснинг мазмуни асосий роль ўйнайди.

Бугунги кунда куйидагилар қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг вазифалари ҳисобланади:

- раҳбар ва педагог кадрларнинг касбий билимлари, кўникмалари ва маҳоратларини узлуксиз янгилаб бориш механизмларини жорий этиш, замонавий талабларга мувофиқ олий таълим сифатини таъминлаш учун зарур даражада касбий тайёргарликни ошириш, қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг тўғридан-тўғри ва бавосита шакллариини амалиётга жорий этиш;

- олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрлари томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш;

- қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини таъминлаш, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимида яна-да ривожлантириш ва модернизация қилиш.

Белгиланган вазифаларни ижобий амалга ошириш мақсадида қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқув машғулотларининг куйидаги асосий турлари қўлланилади: маъруза, интерактив семинарлар, амалий машғулот, сайёр машғулот, тажриба алмашиш, мустақил ўқиш, педагогик (малака) амалиёт, лойиҳа ишини ҳимоя қилиш.

Тегишли ахборот-методик ва ташкилий-техник база мавжуд бўлган тақдирда, қайта тайёрлаш ва малака ошириш ўқув курслари масофадан ўқитиш усуллари қўлланилган ҳолда ташкил этилиши учун зарур моддий-техник база яратилди. Масофадан ўқитиш усуллари асосидаги курсларда ўқув машғулотлари онлайн ва оффлайн шаклларида ташкил этилади.<sup>2</sup>

Таълим тизимига инновациялар киритишда инсон капиталига йўналтирилган инвестицияларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Малака оширишнинг “Устоз–шогирд” усули ўқитишга яқка тартибда ёндашувнинг мавжудлиги, шунингдек, таълим жараёнини мослашувчанлиги ва амалий йўналтирилганлиги билан ажралиб туради. Малакасини оширишга эҳтиёж сезадиган педагоглар учун муносиб педагог-устозларни танлаш имкониятининг мавжудлиги малака оширишнинг ушбу шаклини асосий устунлиги ҳисобланади. “Устоз–шогирд мактаби” усулида малака ошириш дастурининг мазмуни ва ўқитиш методологиясини устоз-педагог томонидан белгиланиши ёш ўқитувчининг касбий фаолияти мониторинги натижалари асосида малака оширишни ташкил этиш имконини беради. Малака оширишнинг “Устоз–шогирд” усули амалиётга жорий этилиши таълим тизимида фаолият олиб бораётган ўқитувчиларнинг рақобатбардошлик сифатларини кучайтиришга, таъ-

<sup>1</sup> Сайидахмедов С., Абдурахмонов М. Педагогик инновация: асосий тушунча моҳияти ва мазмуни. Узлуксиз таълим журнали. 2010, 5-сон, 13-бет.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 242-сонли қарорининг 1-иловаси “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тўғрисида”ги НИЗОМ.

лим беришнинг сифатини оширишга хизмат қилади. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқиётган тингловчилар учун очиқ маърузалар ва амалий машғулотлар ўтказиш, ўтилган дарсларни муҳокама қилиш ва танқидий таҳлил этилишига йўналтирилган бўлиб, у педагог кадрларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид инновацияларни фаол ўзлаштириш ҳамда амалиётга татбиқ этиш, фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш мақсадида курс тингловчилари қисқа муддатли педагогик амалиёт ўташи йўлга қўйилган.

**Малака ошириш жараёнига модуль-кредит тизимини жорий этилиши.** Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари тингловчилари қуйидаги назорат турлари бўйича қайд этган кўрсаткичлари асосида аттестациядан ўтказилади:

*Ўқув модуллари бўйича назорат.* Ҳар бир модуль якунида бажариладиган жорий (ассисмент) топшириқлари. Тингловчиларга ўқув режасидаги модуль якунлангандан кейин модуль таркибига кирувчи фанлар бўйича умумлашган топшириқлар берилади ва унинг натижалари жорий назорат кўрсаткичи сифатида қайд этилиб борилади.

*Педагогик (малакавий) амалиёт натижалари.* Ўқув режасидаги модуллар бўйича ўқув жараёни якунлангандан кейин тингловчилар (педагог кадрлар) бириктирилган профиль кафедраларда (ташкilotлар, таълим муассасаларида) педагогик (малакавий) амалиёт ўтадилар. Педагогик амалиёт даврида тингловчилар профиль кафедраларининг етакчи профессор-ўқитувчиларининг дарсларини кузатадилар ва таҳлил қиладилар. Ҳар бир тингловчи педагогик амалиёт даврида кафедра аъзолари иштирокида талабалар гуруҳи учун очиқ дарс ўтказилади.

*Тингловчиларнинг касбий фаолият кўрсаткичлари.* Курслар давомида тингловчиларга Бош илмий-методик марказнинг электрон тизимида ўзларининг касбий фаолиятларида мустақил малака ошириш шаклларида охириги 3 йил давомида эришган натижаларини ҳамда талабалар учун ўзлари дарс бераётган фандан ўқув-методик мажмуалар ва бошқа дидактик материалларнинг электрон шаклда жойлаштириш учун махсус портфолио-дастурий платформаси тақдим этилади.

Портфолиода тингловчилар мустақил малака ошириш шакллари: илмий конференцияларда қатнашиш, илмий журналларда мақолалар чоп этиш, очиқ дарслар ўтказиш, тажриба ортириш, педагогик маҳорат мактабида ўқиш, базавий таълим муассасаларида ўқиш, хорижий мамлакатларда малака ошириш, илмий лойиҳаларда иштирок этиш, дарслик ёки ўқув қўлланмалар ёзиш, докторлик диссертациясини ҳимоя қилиш бўйича тегишли маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда киритадилар ва электрон тизим кўрсаткичларга мос баллни ажратади.

*Онлайн якуний тест синовлари.* Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси ўқув режасидаги ҳар бир модуль бўйича саволларни камраб олган ҳолда, тайёрланган тест саволлари асосида онлайн якуний тест синовлари ўтказилади.

*Аттестация комиссиясида битирув ишини ҳимоя қилиш.* Тингловчиларнинг битирув ишини аттестация комиссиясида ҳимоя қилиниши асосида амалга оширилади. Бунда тингловчи битирув ишининг асосий натижалари бўйича тақдимотини ўтказилади.

**Хулосалар.** Таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш жараёнлари очиқ ўқув машғулотлари ва маҳорат дарсларини ташкил этиш; иқтидорли ва истеъдодли ўқувчилар билан ишлаш; ёш ўқитувчиларга устоз сифатида бириктирилганлиги ва ишининг самараси; илмий конференцияларда маъруза билан қатнашиш; онлайн курслар орқали ташкил этиладиган халқаро ва республика даражасидаги семинар-тренингларда қатнашиш; илмий журналларда мақолалар чоп этиш; кўргазма ва танловларда иштирок этиш; илмий лойиҳаларда иштирок этиш; ихтиро (патент), рационализаторлик таклифлари, инновацион ишланмаларга муаллифлик қилиш; монография, муаллифлик ижодий ишлар каталогини тайёрлаш ва нашрдан чиқариш; ўқув адабиётлари (дарслик, ўқув қўлланма, методик қўлланма)ни тайёрлаш ва нашрдан чиқаришни ўз ичига олиши лозим:

◆ шу билан бирга, педагогларнинг узлуксиз малакасини ошириш тизими жорий этилиши учун педагогларнинг ҳар 5 йилда малакасини ошириш тизимидан воз кечилиши ва ҳар йили 28 – 30 соат ҳажмида малака ошириш тизими жорий этилиши керак;

◆ малака ошириш тизими эҳтиёжга қаратилган бўлиши лозим. Эҳтиёжга асосланган қисқа курсларнинг (6, 12, 18, 24 ва 30 соатга мўлжалланган) дастурлари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилиши лозим.

Маълумки, шахснинг ҳислат ва фазилатлари фаолият кўрсатиш жараёнида шаклланади ва фаолиятнинг натижаси ҳисобланади. Шу сабабли ўқитувчиларда янгиликка интилувчанлик ва мустақил мутолаа қилишга доимо зарурият сезиш психологиясини сингдириш лозим. Чунки янги-

лик – инсонга улуғворликдан кўра кўпроқ завқ бағишлайди. Мустақил таълим эса таълим жараёнининг истиқболини белгилайди.

**Зарипов Лочин (ЎзРес ОЎМТВ ҳузуридаги ОРТТИТЭ маркази бош мутахассиси, педагогика  
фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD))**  
**ТЕХНОЛОГИК КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИНГ ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ “ТЕХНОЛОГИЯ”  
ЎҚУВ ФАНИДА ТАҚДИМ ЭТИЛИШИ**

***Аннотация.** Ушбу мақолада технологик компетенцияларнинг турлари ва уларнинг “Технология” ўқув фанида тақдим этилишининг назарий муаммолари ёритиб берилган. Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларида технологик компетенцияларни шакллантириш мазмуни, технологик таълим жараёнида ўқувчиларда меҳнат фаолияти кўникмаларини шакллантириш методикаси ва воситаларини ишлаб чиқиш муаммосини тадқиқ қилиш тўғрисида маълумотлар келтирилган.*

***Аннотация.** В статье описаны типы технологических компетенций и теоретические проблемы их представления по предмету «Технология». Содержание формирования технологических компетенций у учащихся общеобразовательных школ. Приведены сведения об изучении проблемы разработки методов и средств формирования трудовых навыков у студентов в процессе технологического обучения.*

***Annotation.** The article describes the types of technological competencies and theoretical problems of their presentation on the subject of “Technology”. The content of the formation of technological competencies among students of secondary schools. The article provides information about the study of the problem of developing methods and means of forming labor skills among students in the process of technological learning.*

***Калим сўзлар:** технология, шакл, метод, қобилият, эҳтиёж, компетенция, қизиқиш, интеграция, дидактика.*

***Ключевые слова:** технология, форма, метод, способность, потребность, компетенция, интерес, интеграция, дидактика.*

***Key words:** technology, shape, capacity, competence, demand, interest, integration, didactics.*

Ҳозирги замон педагогикаси ўқувчиларни нафақат оддий меҳнат фаолиятига, балки реал ижтимоий-иқтисодий жараёнларга тайёрлашни ҳам назарда тутди. Шунга асосан, умумий таълим назарияси ва амалиётида “меҳнат таълими” тушунчаси ўрнига “технологик таълим”, тушунчаларни кенг қўлланила бошлади. Технология фани мазмунини такомиллаштириш масаласи умумий ўрта таълим тизимининг энг устувор замонавий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўқувчиларда технологик компетенцияларни шакллантиришда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилиши лозим: ўқувчиларнинг қизиқишига кўра, технологик таълим олишлари учун педагогик шарт-шароитларни яратиш; технологик таълимнинг касбга йўналтириш асосларини такомиллаштириш, технологик таълим шароитда ўқувчиларда меҳнат кўникмаларини шакллантириш ва келгусида касбни мукамал эгаллашларига замин яратиш, умумий ва касбий таълимнинг узвийлигини таъминлаш.

“Технология” таълим соҳасида тақдим этилган технологик компетенцияларнинг қуйидаги турларини ажратиш кўрсатиш мумкин:

Ўзбекистон Республикасида таълимнинг узлуксизлиги, узвийлиги, ўқувчи шахси устуворлигидан келиб чиқиб, уларнинг ёш хусусиятларига мос равишда, қуйидаги таянч компетенциялар шакллантирилади.

**1. Коммуникатив компетенция** ижтимоий муносабатларда, энг аввало, она тилида ҳамда бирорта хорижий тилда ўзаро самарали мулоқотга кириша олиш, мулоқотда муомала маданиятига амал қилиш, ижтимоий мослашувчанлик, ҳамкорликда жамоада самарали ишлай олиш лаёқатини назарда тутди.

**2. Ахборотлар билан ишлаш компетенцияси** медиаманбалардан зарур маълумотларни излаб топа олиш, саралаш, қайта ишлаш, сақлаш, улардан самарали фойдалана олиш, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш кўникмаларини эгаллашни ҳамда медиа маданиятга эга бўлишни назарда тутди.

**3. Ўз-ўзини ривожлантириш компетенцияси** доимий равишда ўз-ўзини жисмоний, маънавий, руҳий, интеллектуал ва креатив ривожлантириш, камолотга интилиш, ҳаёт давомида мустақил ўқиб-ўрганиш, когнитивлик кўникмаларини ва ҳаётий тажрибасини мустақил равишда мунтазам ошириб бориш, ўз хатти-ҳаракатини адекват баҳолаш ва мустақил қарор қабул қила олиш кўникмаларни эгаллашни назарда тутати.

**4. Ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияси** жамиятда бўлаётган воқеа, ҳодиса ва жараёнларга дахлдорликни ҳис этиш ва уларда фаол иштирок этиш, ўзининг фуқаролик бурч ва ҳуқуқларини билиши, унга риоя қилиши, ижтимоий-иқтисодий муносабатларда муомала ва ҳуқуқий маданиятга эга бўлиш лаёқатини назарда тутати.

**5. Миллий ва умуммаданий компетенция** ватанга садоқатли, инсонларга меҳр-оқибатли ҳамда умуминсоний ва миллий кадриятларга эътиқодли бўлишни, бадиий ва санъат асарларини тушуниш, ораста кийиниш, маданий меъёрларга ва соғлом турмуш тарзига амал қилиш лаёқатини назарда тутати.

**6. Математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш компетенцияси** аниқ ҳисоб-китобларга асосланган ҳолда, шахсий, оилавий, касбий ва иқтисодий режаларни туза олиш, кундалик фаолиятда турли формула, модель, чизма ва диаграммаларни ўқий олиш, инсон меҳнатини енгиллаштирадиган, меҳнат унумдорлигини оширадиган, қулай шарт-шароитга олиб келадиган фан ва техника янгиликларидан фойдалана олиш кўникмаларини назарда тутати.

Технологик таълим жараёнида куйидаги масалаларни ечиш тақозо этилади:

◆ўқитишнинг дастлабки босқичларидаёқ ўқувчиларнинг меҳнат фаолиятининг у ёки бу турига бўлган қобилиятини аниқлаш ва уларни ривожлантириш;

◆ўқувчиларнинг ҳаётий, шу жумладан, технологик кадриятлар ҳақидаги тасаввурларни кенгайтириш мақсадида уларга психологик-педагогик ёрдам кўрсатиш;

◆технология фани мазмунининг сифатий ўзига хослигини ва ўқувчиларда шакллантириладиган шахсий меҳнат тажрибаси ва фаолият кўникмалари компонентларини аниқлаш;

◆ўқувчиларнинг қўл меҳнати соҳасидаги амалий фаолият турлари ва лойиҳалаш фаолиятининг бирлиги асосида технология фани мазмунини босқичма-босқич эгаллашларига имкон яратиш;

◆педагогик жараён иштирокчиларининг ёш хусусиятлари, қизиқиши, эҳтиёжи, қобилиятига таяниб, моддий маҳсулотлар яратиш жараёнида уларнинг шахсий меҳнат тажрибаси ва кўникмаларини шакллантиришга қаратилган ўқув топшириқлари, вазифа ва вазиятлар тизимини ишлаб чиқиш;

◆технология фанининг ташкил этувчилари (компонентлари) мазмуни, тузилмаси ва функционал йўналишларини ишлаб чиқиш.

Жамият ривожланишининг ҳозирги босқичида ўзгараётган ижтимоий-иқтисодий шароитлар технологик таълимда прогрессив инновацияларга олиб келди. Таълимни ахборотлаштириш, технологиялаштириш, глобаллаштириш, фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси шароитида мактаб ўқувчиларида технологик компетенцияларни шакллантиришга янги талаблар қўйилмоқда. Ўқувчиларни технологик фаолиятга тайёрлаш, уларда мақсадга интилувчанлик ва технологик фикрлаш сифатларини шакллантириш заруратдир. Бу эса шаклланган кадриятий йўналишлар тизимини, ўқитиш, тарбиялаш ва технологик фаолиятга тайёрлашнинг амалий асосларини замонавий нуқтаи назардан қайта қуришни, ўқувчиларда амалий фаолият кўникмаларини ривожлантиришни тақозо этади. Чунки меҳнат фаолияти ўқувчиларда нафақат технологик билимларни, балки ахлоқий сифатларни ҳам шакллантириш мактабидир.

Технологик таълим жараёнида ўқувчиларда меҳнат фаолияти кўникмаларини шакллантириш методикаси ва воситаларини ишлаб чиқиш муаммосини тадқиқ қилиш заруратдир.

“Меҳнат фаолияти кўникмаларини шакллантириш” тушунчаси психология ва педагогикада кўп қиррали маънога эга. Билиш назариясидан маълумки, меҳнат фаолияти инсоннинг билиш фаолияти турларидан биридир. Бетартиб эмпирик билиш фаолиятдан фарқли ўлароқ, у билишнинг махсус воситалари ёрдамида изчил амалга оширилади, муайян мақсад қўйишни ва тушунча-атамаларнинг аниқ ифодаланишини талаб этади. Меҳнат фаолиятини амалга ошириш жараёнида нафақат бевосита амалиётда фойдаланиладиган объектлар, балки фаннинг ривожланиши натижасида аниқланган янги объектлар ҳали амалий қўлланилгунигача қадар ҳам ўрганилади. Натижада олинган

янги билимлар ишончилиги, асосланганлиги, исботланганлиги ва аниқлиги билан характерланади.

Юқорида келтириб ўтилган мулоҳазалар ўқувчиларда технологик компетенцияларни шакллантириш мазмунини лойиҳалаш ва жорий этишнинг ташкилий-методик шарт-шароитларини ойдинлаштириш, ўзига хослигини аниқлаш ҳамда тегишли методик таъминотини ишлаб чиқиш муаммосининг долзарб эканлигини кўрсатади. Ана шунга боғлиқ ҳолда, айтилишича олиб борилган назарий тадқиқотлар ва тажриба-эксперимент жараёнида ойдинлаштирилган хулосалар ва маълумотлар куйидагича умумлаштирилди:

– инновацион ёндашув контекстида ўқувчиларда технологик фаолият кўникмаларини шакллантириш мақсадини белгилаш;

– технологик таълим жараёнида ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолияти мазмунининг технологик аспекти кучайтириш;

– ўқувчиларга меҳнат фаолиятининг баъзи турлари ва усулларини бевосита амалиёт жараёнида бажаришларига имкон яратиш.

Технологик тайёргарлик – ижодий фаолият тури. Технологик тайёргарлик мутлақо янги ва ижтимоий аҳамиятга эга маънавий маҳсулот, яъни келгусида ҳам моддий, ҳам маънавий ишлаб чиқариш соҳаларида қўлланиладиган билимларни яратишга олиб келади.

Ўқувчиларга ижодий меҳнат асосларини пухта ўргатиш уларни амалий ишларга қизиқтиради, меҳнат фаолиятга ижодий муносабатни мустақкамлайди. Ўқувчиларнинг меҳнат фаолиятига ижодий муносабатлари фаол тадқиқотчилик, рационализаторлик, кейинчалик эса ихтирочилик фаолиятида намоён бўлади. Ижодий амалий топшириқлар воситасида ижодий меҳнат асосларини ўзлаштириш ўқувчиларнинг меҳнат фаолияти ва ижтимоий фаоллигини оширади.

Таълим-тарбия самарадорлигини оширишнинг муҳим омилларидан бири – мактаб ўқувчиларини меҳнат фаолиятига тайёрлаш ишларини тўғри йўлга қўйиш ва ташкил этиш. Тажрибалардан маълум бўлдики, ҳар қандай меҳнат фаолияти (хоҳ ақлий, хоҳ жисмоний бўлсин), ҳатто у ўзида буюк натижаларни мужассамлаштирмаган бўлса-да, лекин ўқувчининг ижодий камол топишига ижтимоий тажрибани узатишнинг шакллари, методлари, услуб ва воситалари, шунингдек, бу жараённинг техник жиҳозланиши катта таъсир кўрсатади.

Технологик тайёргарликка касбий билим олиш шакли сифатида қаралади. Бу жараёнда ўқувчиларнинг ақлий ва амалий меҳнат маданияти шаклланишига ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Чунки бунда ўқувчи нафақат билимнинг турли манбалари, яъни маърузалар, китоблар, ахборотлар, тажриба натижаларини таҳлил қилади, балки у фан ва техника ютуқлари, амалий иш натижалари билан таништирилади, аниқ меҳнат фаолияти, топшириқлар, ижодий ишларни бажариш имконига эга бўлади.

Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларида технологик компетенцияларни шакллантириш мазмуни ҳозирги шароитда жамият ва давлат томонидан шахсга бўлган талаблар билан белгиланади. Унинг умумий мақсади мактаб ўқувчиларида технологик қайта қуриш фаолиятининг ўзига хослиги ҳақидаги билимлар тизимининг шаклланиши ҳамда ўз фаолиятида юқори натижаларга эришишга интилан, интеллектуал-маънавий, жисмонан ривожланган ва технологик билимларга эга шахснинг шаклланиши билан аниқланади.

Биз мактаб ўқувчиларида технологик компетенцияларни шакллантириш мазмунига нисбатан интегратив-технологик ёндашувни афзал ҳисоблаймиз. Бу ерда умумий технология фани гуманитар ва табиий-математик фанлар билимлари билан бирга қўшилиб кетади ва ижодий лойиҳалар, топшириқлар, машқларни бажариш, ишлаб чиқариш меҳнати объектларини тайёрлаш ўқувчиларнинг фаол фаолияти, уларнинг кичик ишлаб чиқаришдаги иштирокини назарда тутаяди.

Бизнинг назаримизда, таълимнинг гуманистик йўналиши мактаб ўқувчиларини технологик компетенцияларини шакллантиришга тайёрлашда ҳам намоён бўлади. Бунда лойиҳалаш, дизайн-таҳлил, машқлар, буюмларни тайёрлаш, хизмат кўрсатиш методи, яъни ўқувчиларни ижодий технологик фаолиятга жалб этиш ва натижаларининг таҳлиliga ёрдам берадиган барча воситалардан фойдаланилади.

Технология таълим соҳасининг асосий мақсади янги ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларда ўқувчиларни мустақил ижодий меҳнат фаолиятига тайёрлашда ёрдам кўрсатиш ҳисобланади. Технология таълим соҳаси олинган билимларни амалиётда татбиқ этишга, ижодий, аналитик фикрлашга, ўқувчиларни яратувчанлик фаолиятининг ҳар хил турларига жалб этиш асосида уларда ҳамкорликда ишлаш тажрибасини шакллантиради.

Инновацион ёндашув асосида ўқувчиларда технологик компетенцияларни шакллантириш жараёни муайян муҳитда, аниқ ижтимоий шарт-шароитларда кечади. Мактаб ўқувчиси мазкур муҳитда ўқийди, тарбияланади ва ривожланади, у билан ўзаро таъсирда бўлади, ана шу муайян шарт-шароитларда ўз вазифаларини бажаришга мослашади. Шундай қилиб, ўқитиш жараёнига таъсир қиладиган муҳитнинг ўзи муайян ўзгаришларга дуч келади, оқибатда ўқувчиларда технологик компетенцияларни шакллантириш мазмунини аниқлаш омилига айланади.

**Қодирова Ҳамидахон Нурмухамедовна (Андижон Давлат  
университети эркин тадқиқотчиси; e-mail: [hamida1983@vavdex.com](mailto:hamida1983@vavdex.com))  
ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА “ФИЗИКА” ФАНИНИНГ ОПТИКА БЎЛИМИНИ  
ЎҚИТИШДА ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ УСЛУБИЙ  
ЖИҲАТЛАРИ**

***Аннотация.** Мақолада олий таълим тизимида физика фанининг оптика бўлимини ўқитишда интерфаол методлардан фойдаланишнинг услубий жиҳатлари, маъруза, амалий ва лаборатория машғулотларини таъкиллаштиришда таълим жараёнига мақбулини танлаб олиш ҳамда улардан самарали фойдаланиш ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Дарс жараёнида интерфаол методлардан унумли фойдаланиш талабаларда ўзлаштирилаётган мавзулар бўйича фикр ҳамда муносабатни уйғотиш, ҳаётий зарур кўникма ва малакаларни шакллантиришга олиб келиши баён этилган.*

***Аннотация.** В статье представлена информация о методических аспектах использования интерактивных методов преподавания оптики в физике в системе высшего образования, выборе наиболее подходящих для учебного процесса и их эффективном использовании при организации лекционных, практических и лабораторных занятий. Утверждается, что эффективное использование интерактивных методов на занятиях приводит к развитию мышления и отношения студентов к изучаемым темам, формированию жизненно важных навыков и компетенций.*

***Annotation.** The article provides information on the methodological aspects of the use of interactive methods of teaching optics in physics in higher education, the choice of the most suitable for the educational process and their effective use in organizing lectures, practical and laboratory classes. It is argued that the effective use of interactive methods in the classroom leads to the development of thinking and attitudes of students to the topics studied, the formation of vital skills and competencies.*

***Калим сўзлар:** интерфаол метод, интерференция, дифракция, ёруғликнинг қутбланиши, маъруза машғулоти, амалий машғулоти, лаборатория машғулоти, талаба, кўникма ва малака.*

***Ключевые слова:** интерактивный метод, интерференция, дифракция, поляризация света, лекция, практическое занятие, лабораторное занятие, студент, навыки и квалификация.*

***Key words:** interactive method, interference, diffraction, light polarization, lecture, practical lesson, laboratory lesson, student, skill and qualification.*

Замонавий таълимни ташкил этишга қўйиладиган муҳим талаблардан бири ортиқча руҳий ва жисмоний куч сарф этмай, қисқа вақт ичида юқори натижаларга эришишдир. Қисқа вақт орасида муайян назарий билимларни ўқувчиларга етказиб бериш асосида маълум фаолият кўникма ва малакани шакллантириш, фаолиятини назорат қилиш, улар томонидан эгалланган назарий ва амалий билимлар даражасини баҳолаш педагогдан юксак педагогик маҳоратни, таълим жараёнига нисбатан янгича ёндашувни талаб этади.

Дарҳақиқат, педагогик технология амалиётда жорий этиш мумкин бўлган маълум педагогик тизимнинг лойиҳаси ҳисобланади. Педагогик технология: таълим технологияси, замонавий педагогик технология, ахборот технологияси, янги тажриба сингари таълим-тарбия методлари тушунчаларини қамраб олади. Демак, педагогик технология дидактик вазифаларни самарали амалга ошириш, шу соҳада мақсадга эришиш йўли ҳисобланади.<sup>1</sup>

Бугунги кунда ривожланган мамлакатларда ўқувчиларнинг ўқув ва ижодий фаолликларини оширувчи, таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини кафолатловчи педагогик технологиялар-

<sup>1</sup>Тўраев Х. Педагогик технологияларни жорий этиш – давр талаби. “Таълим тизимини ривожлантиришда таълим босқичлари ўртасидаги интеграция жараёнларини чуқурлаштириш”. Республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. Тошкент, 2014, 1 март, 32–35-бетлар.

ни қўллашга доир катта тажриба тўпланган бўлиб, бу тажриба асосини интерфаол методлар ташкил этмоқда. Бу каби методлар ўз моҳиятига кўра, таълим оловчиларда ўқув-билиш фаоллигини ошириш, уларни кичик гуруҳ ва жамоада ишлаш, ўрганилаётган мавзу, муаммолар бўйича шахсий қарашларини дадил, эркин ифодалаш, ўз фикрларини ҳимоя қилиш, далиллар билан асослаш, тенгдошларини тинглай олиш, ғояларини янада бойитиш, билдирилган мавжуд мулоҳазалар орасидан энг мақбул ечимни танлаб олишга рағбатлантириш имкониятига эгаллиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Таълим ва тарбия жараёнида педагоглар томонидан интерфаол методларнинг ўринли, мақсадли, самарали қўлланилиши таълим оловчи (ўқувчи, талабалар)да мулоқотга киришувчанлик, жамоавий фаолият юритиш, мантикий фикрлаш, мавжуд ғояларни синтезлаш, таҳлил қилиш, турли қарашлар орасидаги мантикий боғлиқликни топа олиш қобилиятларини тарбиялаш учун кенг имконият яратади.<sup>1</sup>

Ҳар бир қўлланилган технология ўқув жараёнининг самарали ва ўтилаётган машғулот билан мос келишлиги таълим методикасининг диққат марказида бўлиши лозим. Ҳозирги кунда замонавий педагогик технологияларнинг қўлланилиш турлари бир нечта бўлиб, ҳаммаси ҳам машғулотлар (маъруза, семинар, амалий, лаборатория)га мос келиши ёки мослаштирилганда қандай натижага эришиш мумкинлиги муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, аниқ фанлар, яъни физика фанининг маъруза, амалий, лаборатория машғулотларида замонавий педагогик технологияларнинг қўлланилиши изланувчан педагогларга қай даражада қулайлик келтираётганлиги, катта аудиторияларда (талабалар сони 60 нафар ва ундан кўп) ҳам мослаштирилганда талабалар фаолиятини назорат қилиш мумкин эканлигини келтириб ўтмоқчимиз. Педагог таълим жараёнида интерфаол таълим ёрдамида ўқувчиларнинг қобилиятларини ривожлантириш, мустақиллик, ўз-ўзини назорат ва бошқариш, самарали суҳбат олиб бориш, тенгдошлари билан ишлаш, уларнинг фикрларини тинглаш ва тушуниш, мустақил ҳамда танқидий фикрлаш, муқобил таклифларни илгари суриш, фикр мулоҳазаларини эркин баён қилиш, ўз нуқтаи назарларини ҳимоя қилиш, муаммонинг ечимини топишга қаратиш интилиш, мураккаб вазиятлардан чиқа олиш каби сифатларни шакллантиришга муваффақ бўлади. Энг муҳими, интерфаол методларни қўллаш орқали педагог ўқувчиларни аниқ таълимий мақсадга эришиш йўлида ўзаро ҳамкорликка асосланган ҳаракатларини ташкил этиш, йўналтириш, бошқариш, назорат ва таҳлил қилиш орқали холис баҳолаш имкониятини қўлга кирилади.

Гап ютуқлар ҳақида кетганда машғулотга интерфаол усулларни киритиш орқали эришиладиган муваффақиятларни кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Масалан, АҚШ Миллий тренинг марказининг маълумотига кўра, интерфаол усул ўқувчининг онгига, туйғусига, ирода-сига таъсир кўрсатиб, тафаккурини оширади. Шу билан бирга, дарс усулларида қуйидагича ўзлаштириш амалга ошади: маъруза машғулоти усулида 5%, дарсдан ташқари мустақил ўқиш 10%, аудио-видео материаллари орқали ўқиш 20%, кўргазма – намоёниш материаллари орқали ўқиш 30%, баҳс-мунозара орқали ўқиш 50%, кичик гуруҳларга бўлиб ўқиш 60%, ўқув жараёнини амалиёт билан боғлаш 75%, ўқувчини яқка тартибда ўқитиш 90% кўрсаткичга эга эканлигини билган ҳолда педагогик технологияларнинг афзаллик жиҳатлари келтириб ўтилган.<sup>2</sup>

Таълимда интерфаол методларни қўллашнинг асосий мақсади талабаларни фаол таълим олиш жараёнига жалб қилиш, уларда билиш ҳамда изланиш малака ва кўникмаларни ривожлантириш, фанга бўлган қизиқишини оширишдан иборат.

Интерфаол методлар педагог билан талабанинг фаол муносабати, бир-бирини тўлиқ тушунишга асосланади. Бу методларни ўқув жараёнига жорий этишнинг асосий мақсади, машғулотда устоз билан шогирднинг ҳамкорликда ишлашини ташкил этишдир.<sup>3</sup>

Олий таълим тизимида умумий физика курсининг оптика бўлимига доир ҳар бир машғулотни ташкиллаштиришда ахборот технологиялари ва компьютер дастурларини, дидактик мате-

<sup>1</sup> D.Ro'ziyeva M. Usmonova Z. Xoliqova Interfaol metodlar: Mohiyati va qo'llanilishi (metodik qo'llanma). T., Nizomiy nomidagi TDPU nashriyoti, 2013, 4-bet.

<sup>2</sup> Kokanbayev I.M., Ne'matova Sh. Oliy ta'lim fizika darslarida interfaol metodlarni qo'llashning avfzalligi. "Zamonaaviy mikroelektronikaning rivojlaniшида фан, таълим ва инновация интеграцияси". Республика илмий-услубий анжумани материаллари. Андижон, 2020, 417–418-бетлар.

<sup>3</sup> Djurayeva L.T., Sapayev B. Fizika fanini o'qitishda interfaol metodlarning o'rni. "Таълим тизимини ривожлантиришда таълим босқичлари ўртасидаги интеграция жараёнларини чуқурлаштириш". Республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. Тошкент, 2014, 21–23-бетлар.



риалларини, шу билан бирга, мавзуларга мос замонавий педагогик технологияларини қўллаш таълим самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.


Улардан “Силлабус”, “Кейс-стади”, “ФСМУ”, “Ассесмент”, “Инсерт”, “Тушунчалар таҳлили”, “Венн диаграммаси”, “Блиц-ўйин”, “Брифинг”, “Портфолио” “Ақлий хужум”, “Биламан. Библиони хоҳлайман. Билиб олдим” (БББ) жадвали, “SWOT”, “Делфи”, “Кластер”, “Зинама-зина” ва кўплаб интерфаол услублари таълимга кенг жорий қилинган.

Педагогларга, юқоридаги технологияларнинг дарсларда қўлланилиши, катта аудиторияларда талабаларни кичик гуруҳларга бўлиб фаолият кўрсатишларини назорат қилиш имконини берса, талабаларда эса кичик гуруҳларда ишлаш жараёнида мулоқот маданиятини ривожланиши, ўзаро фикр алмашилиши ва бир-бирини тинглаш кўникмасини шакллантириш имконини беради.

Маълумки, маъруза машғулоти катта аудиторияларда ўтказилади ва машғулот давомида кўп ҳолатларда педагогнинг диққат маркази янги билимларни беришга қаратилган бўлади. Бу ҳолат педагогнинг фақатгина сўзловчи, талабалар эса тингловчи бўлиб, маъруза дарсларидаги фаолиятлари сусайишига олиб келади. Шунинг учун маъруза машғулотларини ташкиллаштиришда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Маъруза дарсларини ташкиллаштиришда талаба фақатгина тингловчи эмас, балки иштирокчи бўлиши мумкинлигини дарс жараёнида замонавий педагогик технологияларни қўлланилиши мисолида кўрсатиб ўтмоқчимиз.

Умумий “Физика” курси “Оптика” бўлимининг ёруғлик нурларининг интерференция ва дифракцияси маърузаларини ташкиллаштириш ва машғулот якунида “Венн диаграммаси” интерфаол методидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Талабалар ёруғлик нурларининг интерференцияси ва дифракцияси мавзусига доир олган билимларига таяниб, топшириқни бажаради, яъни ёруғлик нурларининг интерференция ва дифракцияланганда, умумий ва хусусий ҳолларда берилган маълумотларни чизма кўринишида ёритиб бериши керак бўлади (1-расм).



1-расм. Ёруғлик нурларининг интерференция ва дифракцияси мавзусига доир “Венн диаграммаси”.

Мазкур интерфаол методни дарс жараёнида қўллаш натижасида талабалар кичик гуруҳларда ишлаш имкониятига, ўзлаштирган билимларни таҳлил қилиш, тизимли фикрлаш, мушоҳада қилиш, солиштириш, таққослаш ва янги билим олишда эса диққатларини жамлашга эришади.<sup>1</sup>

Оптика бўлимидаги “Ёруғликнинг қутбланиши. Малюс ва Брюстер қонунлари” маъруза машғулотида, янги дарсни бошлашдан олдин “Биламан. Библиони хоҳлайман. Билиб олдим” (БББ) интерфаол методидан фойдаланиш мумкин. Бунда талабаларга жадвал тақдим этилади ва қандай фойдаланиш кераклиги тушунтирилади. Талабалар умумтаълим ва ўрта махсус таълим физика дарсларида мавзуга доир ўтилган тушунчаларни ёдга олган ҳолда жадвални тўлдирди. Педагог томонидан мавзу юзасидан яна-да атрофлича тўлиқ тушунча берилгандан сўнг куйида келтирилган 1-жадвалнинг сўралган саволларига жавоб беради.

<sup>1</sup> Н.Эркабоева, М.Усмонбоева. Педагогик маҳорат. Схема ва расмларда. Методик қўлланма, Т., 2013, 65-бет.

Бу методдан дарс жараёнида фойдаланиш орқали талабаларнинг янги мавзуга муносабатини, улар нималарни билишни хоҳлашини ойдинлаштириб олиш, машғулот ўтказилгандан сўнг эса талабаларнинг янги мавзунини ўзлаштириш даражаларини аниқлаштириб олиш мумкин бўлади.

*1-жадвал*

**“Ёруғликнинг қутбланиши. Малюс ва Брюстер қонунлари” мавзусига доир “Биламан. Билишни хоҳлайман. Билиб олдим” (БББ) жадвали**

№	Мавзу саволи	Биламан (+)	Билишни хоҳлайман (-)	Билиб олдим (+)
1.	Табиий ёруғликни биласизми?			
2.	Қутбланган ёруғликни биласизми?			
3.	Ёруғликнинг қутбланиши деганда нимани тушинасиз?			
4.	Қутбланган ёруғликни қўлланилишини биласизми?			

Амалий ва лаборатория машғулотларида педагог томонидан мавзуларга мос ҳолда “Тезкор саволлар”, “Ақлий хужум”, “Муаммоли саволлар” тузиб, кичик гуруҳларга тарқатиш билан талабаларнинг фанга қизиқишини ортиришда мотивация яратади.

Машғулот жараёнида унинг турига қараб, интерфаол методларни танлаб олиш ва улардан самарали фойдаланишда қуйидаги натижаларга эришилади:

- талабаларда билимларни ўзлаштиришга бўлган қизиқишни уйғотади;
- таълим жараёнининг ҳар бир иштирокчисини рағбатлантиради;
- ҳар бир талабанинг руҳиятига ижобий таъсир кўрсатади;
- ўқув материалининг самарали ўзлаштирилиши учун қулай шароит яратади;
- талабаларга ҳар томонлама таъсир кўрсатади;
- талабаларда ўзлаштирилаётган мавзулар бўйича фикр-муносабатни уйғотади;
- талабаларда ҳаётий зарур кўникма, малака шакллантиради;
- талабаларнинг хулқ-атвори ижобий томонга ўзгаришини таъминлайди.

Шундай қилиб, таълим жараёнида замонавий интерфаол методларни қўллаш натижасида талабалар қайсидир муаммонинг ечимини топишдан аввал унинг сабабларини аниқланиши кераклигини, яъни сабаб ва оқибат боғлиқлигини излаш, сўнгра уларни ўрганиш ва бартараф этиш учун зарур бўлган услуб ва усулларни танлаш лозимлигини ҳамда муаммони ҳал этишда ўз ҳаракатларини аниқ белгилаб олишлари кераклигини англаб етадилар. Ечимини топган муаммолар эса уларнинг хотираларида узоқ вақт сақланади. Шу билан бирга, талабаларда мустақил изланувчанлик, фикрларини кўркмасдан мазмунли ифодалаш, ўзларига бўлган ишончни мустаҳкамлаш ва илмий изланишлар олиб бориш кўникмаси шаклланади.

**Jumaniyozova Muhabbat, Sharipova Guloy (UrDU)**

**BADIIY MATN TAHLILI JARAYONIDA BOSHLANG‘ICH SINIF O‘QUVCHILARINI MUSTAQIL FIKRLASHGA O‘RGATISH**

***Annotatsiya.** Mazkur maqolada boshlang‘ich sinif o‘qish darslarida badiiy matn tahlili jarayonida o‘quvchilarini mustaqil fikrlashga o‘rgatish masalasi haqida so‘z boradi. Unda badiiy matn ustida ishlashda qo‘llaniladigan bir qancha metodlar ko‘rsatilgan, ularning o‘quvchilarni mustaqil fikrlashga o‘rgatishdagi o‘rni belgilangan.*

***Аннотация.** В статье рассматривается вопрос обучения школьников самостоятельному мышлению в процессе анализа художественного текста в начальной школе. В ней описывается ряд методов, используемых для работы над художественным текстом, и их роль в обучении школьников независимому мышлению.*

***Annotation.** This article discusses the issue of teaching students to think independently in the process of literary text analysis in primary school. It outlines a number of methods used in working on a literary text, and their role in teaching students to think independently.*

***Kalit so‘zlar:** boshlang‘ich ta‘lim, o‘qish darsi, mustaqil fikrlash, badiiy matn, matn tahlili, kichik guruhlarda ishlash, “Kubik” metodi, “Galereyani aylanish” metodi, dars smaradorligi.*

**Ключевые слова:** начальное образование, урок чтения, самостоятельное мышление, художественный текст, анализ текста, работа в малых группах, метод «Кубик», метод «Вращения галереи», эффективность урока.

**Key words:** primary education, reading lesson, independent thinking, literary text, text analysis, small group work, “Cube” method, “Gallery rotation” method, lesson effectiveness.

Bugungi davrda mamlakatimizda har bir sohada ulkan islohotlar amalga oshirilayotgan sharoitda mustaqil fikrlovchi yoshlarga bo‘lgan talab davr taqozosidir. Chunki shaxsiy dunyoqarashga ega bo‘lgan insonlarga jamiyat taraqqiyotini ta‘minlovchi muvaffaqiyatlarga erishishga qodir bo‘ladilar. Respublika olib borilayotgan davlat siyosatining bosh omillaridan biri ham mustaqil fikrlovchi, keng dunyoqarashga ega, iqtidorli, barkamol shaxslarni kamol toptirish va tarbiyalashdir.

Fikrlash inson mavjudligi, aqlan va ruhiy sog‘lomligining asosiy belgilaridan hisoblanadi. Mustaqil fikrlash esa insonning o‘z oldida turgan muammoni aniq belgilangan maqsad va vazifalarga muvofiq holda bilimi hamda hayotiy tajribalariga tayanib, o‘z intellektual imkoniyati darajasida turli yo‘l, usul, vositalar yordamida, mustaqil ravishda hal qilishga qaratilgan aqliy faoliyatidir.<sup>1</sup>

Ma‘lumki, o‘quvchilarda mustaqil fikr shakllanmasa, ular hayotdagi har xil muammolar yechimini topa olmaydilar, ularda mustahkam e‘tiqod ham shakllanmaydi. Shuningdek, o‘zgalar fikriga qaram bo‘lish, turli yot mafkuralarga ergashish psixologiyasi jamiyat ma‘naviyatini tanazzulga olib kelishi, shubhasiz. Mustaqil fikrlash borliqni, voqelikni idrok etish usuli sifatida tafakkur jarayonining mahsuli sanaladi. U aqliy faoliyat bilan chambarchas bog‘liqdir. Fikrsiz inson yaratish va o‘shiga qodir bo‘lmagan o‘lik jussaga aylanadi.

Demokratik jamiyatda bolalar, umuman, har bir inson mustaqil fikrlaydigan etib tarbiyalanadi. Agar bolalar erkin fikrlashni o‘rganmasalar, berilgan ta‘lim samarasi past bo‘lishi muqarrar. Shu nuqtayi nazardan, boshlang‘ich ta‘lim o‘qish darslarida badiiy matnlar tahlili jarayonida o‘quvchilarni mustaqil fikrlashga o‘rgatish masalasi muhim metodik masalalardan hisoblanadi.

Shu o‘rinda, o‘quvchini mustaqil fikrlashga o‘rgatish qachondan boshlanadi, degan savol tug‘ilishi, tabiiy. Buning uchun insonning fikrlash jarayonining shakllanish bosqichlarini bilish lozim. Insonning fikrlash jarayoni hayotni, insonlarni, ular orasidagi munosabatlarni, tabiatni sezgilar yordamida kuzatish jarayonida shakllana boradi. Bola dunyoga kelgandan boshlab, hayotni, kattalar faoliyatini, tabiatdagi voqea va hodisalarni ko‘rib, kuzatib, ularni o‘zicha o‘zlashtira boshlaydi va natijada unda tasavvurlar paydo bo‘ladi, nutq shakllanadi. Shuning bilan birgalikda, bola sezgilari yordamida to‘plagan ma‘lumotlari asosida ko‘plab tasavvur boyliklariga ega bo‘ladi va uni tushunishga, anglashga intiladi.

Bolaning nutqi maktab ta‘limiga tayyorgarlik bosqichida kattalar bilan muloqatga kirishib, kishilarning fikrini uqib olish va to‘g‘ri idrok qilish darajasida shakllana boradi. U eshitgan va ko‘rganlari to‘g‘risidagi ma‘lumotlarni tushuna oladi. O‘zidagi axborotlarni muayyan tartibda bayon qila biladi, aqliy faoliyat operatsiyalaridan o‘rinli foydalanadi (ularni taqqoslaydi, oydinlashtiradi, guruhlarga ajratadi, haqli xulosa chiqarishga harakat qiladi). Shunday qilib, unda fikrlash bosqichi paydo bo‘ladi.

Boshlang‘ich ta‘lim o‘qish darslarida o‘quvchilar tabiat va jamiyat, unda yashovchi kishilar hayoti haqida, ularning o‘tmishi, hozirgi yashash tarzi haqidagi asarlar bilan tanishadilar. O‘quvchilarga tabiat, ob-havo, tabiiy boyliklar, hayvonot va o‘simliklar dunyosi va h.k.lar haqida bilim beriladi. Bilim olish jarayonida munosabat uyg‘otiladi. Bilim berish bilan o‘quvchi shaxsi ham tarbiyalanib boriladi. Bunga boshlang‘ich sinf “O‘qish kitobi” darsliklarida berilgan turli janrdagi va hajmdagi, turli mavzu va mazmundagi asarlarni o‘qish jarayonida erishiladi. Shu bois bu asarlarni o‘qib-o‘rganish jarayonini to‘g‘ri tashkil qilish maqsadga muvofiqdir.

Boshlang‘ich sinf o‘quvchilari, ayniqsa, badiiy asar namunalarini juda sevib o‘qiydilar. Badiiy asarni o‘rganish hayotni obrazlar orqali anglashga yordam beradi, bolalar qalbida chuqur iz qoldiradi. Badiiy asar bolalarni mustaqil fikrlashga o‘rgatishda ham muhim orin tutadi. Shuningdek, ularning axloqiy va estetik tarbiyasida ham katta ahamiyat kasb etadi. She‘r, hikoya, masal, ertak, topishmoq kabi turli janrlardagi badiiy asarlarni o‘qish o‘quvchilarda adabiyot va ona tiliga muhabbatni o‘stiradi.

Boshlang‘ich sinf o‘quvchilari matn ustida ishlashda quyidagi malakalarga ega bo‘lmog‘i lozim:

- o‘qilgan asar namunasidagi voqeaning izchillik bilan rivojlanib borishini kuzatish;
- matn qismlarining mazmunan bir-biriga bog‘lanishni belgilay olish;

<sup>1</sup> Husanboyeva Q. Adabiyot – ma‘naviyat va mustaqil fikr shakllantirish omili. Toshkent, Alisher Navoiy nomidagi O‘zbekiston Milliy kutubxonasi nashriyoti, 2009, 12-bet.

- o‘qilgan matn mazmuniga mos reja tuzish;
- kitobdan o‘qilgan matnda ishtirok etuvchilar haqida so‘zlash uchun material tanlash;
- matn qahramonlarining xatti-harakatiga baho berish;
- o‘qilgan matn qahramonlari haqida hikoya tuzish;
- matn mazmunini mustaqil tuzilgan reja asosida qisqacha so‘zlay olish;
- matndan asosiy fikrni mustaqil ravishda ajrata olish;
- matnda uchragan so‘z ma‘nosidagi farqni ajrata bilish;
- tabiat va kishilarni xarakterlash uchun bo‘lgan obrazli so‘z va iboralarni matndan tanlash;
- o‘qilgan ertak, masal, hikoya, she‘rlar haqidagi tushunchalarini umumlashtira olish.

Boshlang‘ich sinf o‘quvchilarida o‘qilgan matnning mazmunini mustaqil ravishda tushunish malakasi yana ham kuchaytiriladi.

Boshlang‘ich sinflarda badiiy asarni tahlil qilish metodikasida kichik yoshdagi o‘quvchilarning badiiy asarni idrok qilishidagi psixologik xususiyatlar hisobga olinadi. Psixolog olimlarning tekshirishlaridan ma‘lum bo‘lishicha, asarni idrok qilishga, bilim olishga xizmat qiladigan komponentlar bilan birga, uni emostional-estetik his etish ham kiradi. Badiiy asarni yaxshi idrok etish uchun uni tushunishning o‘ziga yetarli emas. Asarni idrok etish murakkab jarayon bo‘lib, asarga unda tasvirlangan voqealikka qandaydir munosabatning yuzaga kelishini o‘z ichiga oladi.

Hozirgi davrda maktab oldiga qo‘yilgan vazifalar, kichik maktab yoshidagi o‘quvchilar umumiy rivojlanishining o‘sganligi, psixologiya va xususiy metodika sohasidagi yutuqlar sinfda o‘qish mazmuni va o‘qitish metodlariga o‘zgartirish kiritishni talab etmoqda. Shularga bog‘liq holda, badiiy asarni tahlil qilish metodikasi takomillashtira borildi: takroriy bayon qilish mashqlari kamaytirildi, ijodiy va o‘qilgan matn yuzasidan o‘z fikrini bayon qilish ko‘nikmasini o‘stiradigan mashqlar ko‘paytirildi, asar qismlari ustida emas, balki yaxlit asar ustida ishlanadigan bo‘ldi, asar g‘oyasi va obrazlarini tushuntirishda o‘quvchilarning mustaqilligi ortdi, matn ustida ishlashda xilma-xil topshiriq turlaridan, ta‘limda axborot hamda ilg‘or pedagogik texnologiyalardan ko‘proq foydalanila boshladi.

Asarni tahlil qilishda hisobga olish zarur bo‘lgan muhim omillardan biri uning o‘quvchilarga hissiy ta‘siridir. O‘quvchilar muallifning asosiy fikrini tushunibgina qolmay, muallif hayajonlangan voqeadan ham hayajonlansinlar. Matnni tahlil qilish o‘quvchida fikr qo‘zg‘atishi, hayotiy tajribasining muallif qayd etgan dalillarga to‘g‘ri kelish-kelmasligini aniqlashi zarur. Tahlil davomida asarning estetik qimmati, badiiy go‘zalligi ham alohida qayd qilib o‘tiladi.

Badiiy asar ustida ishlashda o‘qituvchi quyidagi masalalarni hal qilishi maqsadga muvofiq bo‘ladi:

1. Asar ustida ishlashning maqsad va mazmunini aniqlab olishi.
2. Asarni tahlil qilish uchun dars bosqichlarini belgilab olishi.
3. Har bir asar tahlili uchun topshiriqlar tizimini ishlab chiqishi.
4. Asarni qanday metodlar asosida o‘rganishni aniqlashi.
5. O‘quvchilar egallaydigan bilim, ko‘nikma va malakalar doirasini belgilab olishi.<sup>1</sup>

Metodik adabiyotlardan ma‘lumki, boshlang‘ich sinflarda badiiy asarni o‘qishga bag‘ishlangan izohli o‘qish darslarida o‘qilgan asar mazmunini ochish, lug‘at ustida ishlash, o‘qilgan matnni qayta hikoyalash kabilar asosiy ish turlaridan hisoblanadi.

O‘rganilayotgan matnning mazmuni savollar asosida tahlil qilinadi. O‘quvchilarga beriladigan so‘roqlardan ikki maqsadda: asar mazmunini tahlil qilish hamda dalillar, mulohazalar, xulosalarni taqqoslash, voqea-hodisalar, xatti-harakat o‘rtasidagi bog‘lanishni aniqlash va umumlashtirish uchun foydalaniladi. Shu bilan birga, bu matnlarni o‘qish darslarida o‘quvchilar tushunmaydigan so‘z va iboralar ma‘nosini tushuntirish ham muhim, bo‘lmasa, o‘quvchilar asar mazmunini tushuna olmaydilar.

Badiiy matnlarni o‘qishda uning mazmunini tahlil qilish va shu asosda o‘quvchilarni mustaqil fikrlashga o‘rgatish hamda nutqni o‘stirish markaziy o‘rin egallaydi. Matn o‘qib bo‘lingach, o‘quvchilar o‘ylashi, o‘z mulohazalarini aytishi uchun tayyorlanishga vaqt berish kerak. O‘qilgan asar yuzasidan beriladigan dastlabki savollardan maqsad asar bolalarga yoqqan-yoqmaganligi, undagi qaysi qahramonning xarakteri bolaga ta‘sir etganini bilishdan iborat. Shundan keyingina asar sujeti, voqeaning yo‘nalishini ochishga, personajlar xarakterini tushunishga, nihoyat, asarning asosiy g‘oyasini bilib olishga yordam beradigan savollardan foydalaniladi.

<sup>1</sup>Qosimova K., Matchonov S., G‘ulomova X., Yo‘ldosheva Sh., Sariyev Sh. Ona tili o‘qitish metodikasi. T., “Nosir”, 2009, 88-bet.

Badiiy asarni tahlil qilishda sujetni to'liq tushuntirishga berilib ketib, qahramonlarga tavsif berish, asar qurilishi va tilini tahlil qilish kabi ish turlari e'tibordan chetda qolmasligi lozim. Shuning uchun ham badiiy asar matni ustida ishlash orqali o'quvchilarni mustaqil fikrlashga o'rgatishda kichik guruhlar bo'linib, topshiriqlar asosida matn tahlilini amalga oshirish joiz bo'ladi. Masalan, 4-sinfda Sh.Sa'dullaning "Qovun sayli" hikoyasini<sup>1</sup> o'qish darsida o'quvchilar 5 guruhga bo'linadi. O'quvchilar 1,2,3,4,5 deb sanaydilar. O'z raqamlari bo'yicha guruhlanib, stol atrofiga o'tiradilar. Har bir stol atrofidagi o'quvchiga hikoyaning qismlari bo'lib beriladi va topshiriqlar konvertlarda uzatiladi.

**1-topshiriq.** Guruhingizga nom qo'ying. Uni ta'riflang.

1. «**Handalak**» **guruhi.** Handalak bahor faslining oxirgi oyida erta pishadi. Odamlar uni sog'inib kutishadi. Handalak dumaloq, uning hidi yoqimli, o'tkir bo'ladi. Ustki qismi serto'r, mazasi tilni yorar darajada shirin bo'ladi.

2.«**Qo'zivo**y» **guruhi...**

3.«**Umrboqi**» **guruhi...**

4.«**Ko'kalampish**» **guruhi...**

5.«**Doniyor**» **guruhi...**

Shundan so'ng guruhlar topshiriq beriladi.

**1-topshiriq.** Hamma guruhga bir xil topshiriq beriladi. Berilgan qismni, to'g'ri va ifodali o'qishga tayyorlaning. Ma'nosi tushunarsiz so'zlarni o'qish daftaringizga yozing. Asosiy fikrni aniqlang.

**2-topshiriq.** 1. O'qigan qisimingizni matnga yaqinlashtirib qayta hikoyalab bering. 2. Ma'nosi tushunarsiz so'zlarning ma'nosini izohlashga harakat qiling. 3. O'z qisimingizdagi berilgan ko'chma ma'noli so'zlarni toping va izohlang. 4. O'qigan qisimingizga sarlavha qo'ying va daftaringizga yozing.

O'quvchilar har bir guruhning lug'atini va topgan sarlavhasini davtarlariga yozib boradi. Ular aniqlay olmagan so'zlarni o'qituvchi aytib, izohlab beradi.

Shundan so'ng har bir guruh o'z qismini o'qib gapirib beradi.

Darsda hikoya matni ostida berilgan 1-, 2-, 3-, 5-savollarga ham har bir guruh javob beradi. Bunda o'quvchilarga qo'shimcha savollar ham berilishi mumkin. Bu savollar ham o'quvchilarning mustaqil fikrlashlariga yordam berishi lozim hisoblanadi.

4-sinf "O'qish kitobi" darsligining "Yoz o'tadi soz" bo'limida berilgan X.To'xtaboyevning "Nihollar nolasi" hikoyasi<sup>2</sup> o'qish darsini tashkil qilishda sinf o'quvchilari 3 guruhga bo'linib, guruhlar mavzuga mos nom beriladi:

1-guruh – "Nihol"; 2-guruh – "Suv"; 3-guruh – "Quyosh".

Guruhlar quyidagi savollar bilan murojaat qilinadi:

1-guruh uchun: Hikoya nima haqida ekan? Hikoya voqealari kimning tilidan bayon qilingan? Hikoyani nega qismlarga bo'lib o'qidik?

2-guruh uchun: Hikoya nima uchun "Nihollarning nolasi" deb nomlangan? Jo'nab ketishgan bolalar ketidan qanday nihollar qarab qolishadi? Novcha niholcha nima uchun qo'rqib ketadi?

3-guruh uchun: Nihollar qaysi paytda nobud bo'lishgan? Qaysi niholcha tirik qoladi? Novcha niholcha kimlardan umidvor edi? Novcha niholcha qachon jon berdi?

Guruhlar uchun berilgan savollar o'quvchilarni o'z mustaqil fikrini aytishga undaydi. O'quvchilar hikoya mazmuni yuzasidan o'z bilimlari darajasida fikrlarini bayon qiladilar.

O'qish darslarida badiiy math tahlili jarayonida o'quvchilarni mustaqil fikrlashga o'rgatishda "Kubik" metodidan ham foydalanish mumkin.<sup>3</sup> Metodni qo'llash uchun tomonlari 15–20 sm. atrofida bo'lgan kubik yasaladi. Undagi olti tomonga mavzuga doir, matn tahlili bilan bo'g'liq olti xil topshiriq yoziladi. Bu topshiriqlar har bir tomonning yoritilishini, o'quvchilar ana shu muammoning olti xil ko'rinishini muhokama qilishni ko'zda tutadi. Bu metodni yakka holda ham, guruhlarda ham qo'llasa bo'ladi. Kubik tomonlaridagi topshiriqlar yozma yoki og'zaki bajariladi. Bunga ma'lum vaqt ajratiladi.

"Qora yashik" konkursida o'qituvchi topshiriq variantlari yozib qo'yilgan kartochkalarni tayyorlaydi. O'quvchilar tavakkaliga kartochkalardan oladi. Savollarga javoblar yozma shaklda beriladi. Bu savol-

<sup>1</sup> Matchonov S., Shojalilov A., G'ulomova X., Sariyev Sh., Dolimov Z. O'qish kitobi.4-sinf uchun darslik, T., "Yangiyul poligraph service", 2020.

<sup>2</sup> Matchonov S., Shojalilov A., G'ulomova X., Sariyev Sh., Dolimov Z. O'qish kitobi. 4-sinf uchun darslik, T., Yangiyul poligraph service, 2020, 154–156-betlar.

<sup>3</sup> Avliyaqulov N., Musayeva N. Pedagogik texnologiya. Toshkent, "Tafakkur bo'stoni", 2012.

lar o‘qilgan badiiy asar matnidan bo‘ladi. Masalan, “Halollik” o‘zbek xalq ertagini (3-sinf)<sup>1</sup> yuzasidan topshiriqlar:

1. Boy dehqon nima uchun o‘z yerini sotdi deb hisoblaysiz?
2. Kambag‘al dehqon va uning oshnasi nima uchun donishmand huzuriga borishdi?
3. Kambag‘al dehqon to‘g‘ri ish qildimi? Sizing fikringiz.

“Galereyani aylanish” metodi qo‘llanilganda, o‘rganilayotgan badiiy asar matni yuzasidan kichik guruhlarga bitta muammo taklif etiladi. Har bir guruh o‘n minut davomida o‘z fikrlarini yozadi-da, javob yozilgan varaqlarni ikkinchi guruh bilan almashtiradi. Keyingi guruh oldingi guruhning javoblarini baholashi va javob to‘liq bo‘lmasa, o‘z javobi bilan to‘ldirishi kerak. Masalan, “Davlat” ertagi matnini tahlil qilishda “Davlatni qanday ushlash kerak?” yoki “Ertak mazmuniga mos maqollar toping va uni izohlang” kabi. Javoblar yozib bo‘lingach, varaqlar doskaga osib qo‘yiladi va birgalikda muhokama qilinadi.

Yuqoridagi kabi metodlardan o‘qish darslari badiiy matn tahlili jarayonida foydalanish o‘quvchilarni mustaqil, ijodiy va tanqidiy fikrlashga, faollashtirishga xizmat qiladi.

Hozirgi zamon ta‘lim va tarbiyaning yangicha mazmuni: o‘quvchilarning yanada ongini oshirish; o‘quv-tarbiya jarayonini yanada takomillashtirish; o‘qitish metodlarini hozirgi kun talablari darajasiga ko‘tarish; bolalarning bilim qobiliyatlarini yuqori darajada rivojlantirish; berilgan bilim va ko‘nikmalarining ongli, puxta o‘zlashtirilishiga erishish; o‘quvchilarning mustaqil aqliy mehnat ko‘nikmalarini o‘stira borish kabi vazifalarni ko‘zda tutadi. Shunday ekan, boshlang‘ich sinf o‘qituvchilari o‘quvchilarni mustaqil fikrlashga o‘rgatishda interfaol metodlardan foydalanishi, ulardan foydalanishda esa kutilgan natijalarni olish uchun muayyan bir maqsadni ko‘zlashi, muammoni yuzaga keltirib, o‘quvchilarni shu jarayonda qatnashishga tayyorlashi hamda ularni ma‘lum malakalarga ega bo‘lgan holatlarda qo‘llashi lozim bo‘ladi.

**Ziyamuhamedova Umida Alijanovna (Toshkent davlat Transport universiteti**

**Materialshunoslik va mashinasozlik kafedrasida professori; [z.umida1973@yandex.ru](mailto:z.umida1973@yandex.ru)),**

**Maxsudova Xolisxon Ummatovna (Andijon Mashinasozlik instituti O‘zbek tili va adabiyoti kafedrasida tayanch doktoranti; [xolisxon@mail.ru](mailto:xolisxon@mail.ru))**

## **TA‘LIM JARAYONIDA TALABALAR BILIMINI BAHOLASHNING O‘RNI VA AHAMIYATI**

***Annotasiya.** Hozirgi vaqtda o‘qituvchilarning talabalar bilimini baholashi, asosan, dars jarayonida sodir bo‘ladi. Bu esa talabalarning bilim olishlari uchun bir qancha muammolar va noqulayliklarni keltirib chiqaradi. Talabalar bilimlariga baho berish faqat o‘quvchilarning zimmasida bo‘lganligi sababli, o‘qituvchining talabalar ishlarini baholashda, ularga nisbatan fikr-mulohaza bildirishda qiyinchiliklarga duch keladi. Shunday qilib, ushbu maqola talabalarga bilim berish va ularning ta‘lim olish jarayonida o‘zini-o‘zi, bir-birlarini va o‘qituvchining talabalarning bilimlarini baholashdagi rollarini tushuntirishga qaratilgan. Yig‘ilgan ma‘lumotlar shuni ko‘rsatdiki, o‘qituvchilar talabalar bilimini baholashi baholashning dominant turi bo‘lib qolmoqda.*

***Аннотация.** В настоящее время учителя оценивают знания учеников в основном во время урока. Это создает ряд проблем и неудобств для получения знаний учащимися. Поскольку оценка знаний учащихся является исключительной ответственностью учащихся, учителю сложно оценивать работу учащихся и выражать свое мнение о них. Таким образом, эта статья направлена на то, чтобы объяснить учащимся роль себя, друг друга и учителя в оценке знаний учащихся в процессе обучения. Собранные данные показывают, что оценка учителями знаний учащихся остается доминирующим типом оценивания.*

***Annotation.** Nowadays, teachers assess students' knowledge mainly during the lesson. This causes a number of problems and inconveniences for students to acquire knowledge. Since the assessment of students' knowledge is the sole responsibility of the students, the teacher has difficulty in evaluating the students' work and expressing opinions about them. Thus, this article aims to explain to students the role of self and each other and the teacher in assessing students' knowledge in the learning process. Writing the article was based on data collection and document analysis. The data collected show that teachers' assessment of students' knowledge remains the dominant type of assessment.*

***Kalit so‘zlar:** o‘zini-o‘zi baholash, o‘zaro baholash, o‘qituvchi baholashi, ta‘lim berish, bilim olish, o‘quv materiallari ishlab chiqish.*

<sup>1</sup> Umarova M., Hamroqulova X., Tojiboyeva R. O‘qish kitobi. 3-sinf uchun darslik, Toshkent, “O‘zbekiston”, 2019.

**Ключевые слова:** самооценка, взаимооценка, оценка учителей, преподавание, обучение, разработка учебных материалов.

**Key words:** self-assessment, peer assessment, teacher evaluation, teaching, learning, development of teaching materials.

Baholash sifatli ta'limni alamga oshirish va yanada yaxshiroq natijalarga erishish uchun juda muhim, buni ta'limning sifatini baholash orqali ko'rsatib berish mumkin.<sup>1</sup> Bu talabaniq bilimiga aniq baho beradigan, uning tushunish darajasini belgilab beradigan, ya'ni talabaniq tushunchalarini, bilimlarini, kuchli va zaif tomonlarini tekshirish orqali hamda o'qituvchining o'qitish samaradorligini baholay oladigan jarayondir.<sup>2</sup>

Talabalar bilimlarini baholash maqsadiga ko'ra, ikkita turga hamda kim tomonidan baholanyotganligiga qarab, uchta turga bo'lish mumkin. Avvalo, bilimlarni baholashni ikkita katta turga tasniflashimiz mumkin: shakllantiruvchi va yakuniy baholash,<sup>3</sup> "formativ (shakllantiruvchi) baholash talabaniq bilimidagi o'sish yoki pasayish to'g'risida ma'lumot beradigan va bilimlarni boshqarish uchun mo'ljallangan ko'rsatmalardir". "Summativ (yakuniy) baholash jarayonni kuzatadigan bo'lsak, u, asosan, ikkita jarayonni, ya'ni o'quvchilarning bilim olishda erishgan muvaffaqiyatlarini va uzoq muddatga rejalashtirilgan o'quv dasturlarini baholash uchun mo'ljallanganligini ko'rishimiz mumkin. Bir so'z bilan aytganda, shakllantiruvchi baholash bilim olish jarayonida amalga oshiriladigan baholash bo'lsa, yakuniy baholash esa umumiy yakunlovchi baholashdir. Formativ baholash talabalarni o'zlarini ustida ishlashga majburlovchi fikr-mulohazalar bildirish orqali nafaqat talabalarining malakasini, balki ularning bilimlarini ham nazorat qiladi. Summativ baholash esa ma'lum belgilangan muddat so'ngidagi bilim, ko'nikma va malakalarni umumiy baholash hisoblanadi. Ushbu baholash shakli talabalarining bilimlarini baholashi va malakasini aniqlab berishi kerak. Bu jarayon, shuningdek talabalarga ta'lim berishga qaratilgan o'quv jarayoni uchun ishlatiladigan o'quv dasturlari va xizmatlarini samaradorligini baholaydi.<sup>4</sup>

Baholash, kim tomonidan baholanyotganiga ko'ra, uch turga bo'linishi mumkin. Bular, talaba o'z-o'zini baholashi, talabalar o'zaro bir-birlarini baholashi va o'qituvchi talabalar bilimini baholashidir. Kelvin va Lengning so'zlariga ko'ra, talaba o'z-o'zini baholashi ularning o'zlari olgan bilimlarini o'zlari tomonidan baholanishi va o'zlari o'rganganlarini muhokama qilishlaridir. Baholashning yana bir turi – talabalar o'zaro bir-birlarini baholashi. Ushbu turdagi baholashda talabalar bir-birlarining ishlarini baholash va muhokama qilish, fikr-mulohaza bildirish bilan shug'ullanadilar.<sup>5</sup> Bu baholash turi talabalar uchun mas'uliyatni oshirish, shuningdek, fikr almashish jarayonida aniq va to'g'ri fikr yuritish, yakuniy natijalarni bir-birlari bilan taqqoslash imkoniyatini beradi.<sup>6</sup> O'qituvchining talabalar bilimini baholashi–talabalarining bilimlarini baholash orqali ularning bilim olishida muhim ahamiyat kasb etadi, chunki ular talabalarining olgan bilimlarini baholash orqali ularning o'rganganlarini yodda saqlab qoluvchi (ya'ni, qaysi talaba qanday o'zlashtirishini) yagona shaxs hisoblanadi.<sup>7</sup>

Bilimlarni baholashda oldindan baho berish deganda, bu avvalgisiga asoslanib, talaba ma'lumoti va talabaniq faoliyati haqida tuzilgan hukmni anglatadi. O'qituvchi buni oldindan boshqa o'qituvchilarning ma'lumotlari yoki talabaniq avvalgi mashg'ulotlaridan olgan baholaridan bilib olishi mumkin. Qisqacha qilib aytganda, o'qituvchi talabalarga nisbatan noto'g'ri xulosa chiqarishi, bu talaba bilimini noto'g'ri baholashiga olib keladi. Ikkinchidan, o'qituvchi talabalarining ba'zi xususiyatlari haqidagi nazariyasini taxmin qilish orqali o'ylab topadi. Boshqacha qilib aytganda, o'qituvchi iqtidorli talabalarni berilgan topshi-

<sup>1</sup> Black P., & Wiliam D. (1998). Assessment and classroom learning. Educational Assessment: Principles, Policy and Practice, 5(1), p. 7.

<sup>2</sup> Thomas K. & Vincent G. (2001). Using assessment to improve the quality of education. UNESCO. <http://unesdoc.unesco.org/images/0012/001262/126231e.pdf>

<sup>3</sup> Glancoe & McGraw. (2000) Formative and summative assessment [www.readingnavigator.com/mkt/.../formative\\_and\\_summative\\_assessment.pdf](http://www.readingnavigator.com/mkt/.../formative_and_summative_assessment.pdf)

<sup>4</sup> Glancoe & McGraw. (2000). Formative and summative assessment [www.readingnavigator.com/mkt/.../formative\\_and\\_summative\\_assessment.pdf](http://www.readingnavigator.com/mkt/.../formative_and_summative_assessment.pdf)

<sup>5</sup> Falchikov N. (1986). Product Comparisons and Process Benefits of Collaborative Peer Group and Self Assessments. Assessment and Evaluation in Higher Education, 11(2), p. 146.

<sup>6</sup> Liu N-F & Carless D. (2006). Peer feedback: the learning element of peer assessment. Teaching in Higher Education, Vol. 11, No 3, p. 279.

<sup>7</sup> Winnie Cheng & Martin Warren. (2005). Peer assessment of language proficiency [lib.polyu.edu.hk/jspui/bitstream/10397/618/1/LT\\_298.pdf](http://lib.polyu.edu.hk/jspui/bitstream/10397/618/1/LT_298.pdf)

riqlarni o'zgacha bir tarzda amalga oshirishadi deb taxmin qilishi mumkin, albatta. Shuning uchun o'qituvchi ularning ishlarini baholashda o'quvchilarga yon bosish mumkin.

Hozirda, asosan, o'qituvchilar talabalar bilimni baholash usulidan foydalanishning bir qancha sabablari bor. Buning asosiy sabablaridan biri, o'zini o'zi baholash va o'zaro baholash uchun sinf-dars sharoitida bir nechta muammolar yoki cheklovlarni mavjudligidir. O'z-o'zini baholashda talabalar o'zlari o'quv jarayonini nazorat qilishadi va baholashadi. Kelvin Tan va Leng Xoit o'z-o'zini baholash subyektiv bo'lishi mumkin, lekin obyektiv bo'la olmasligini aytib o'tishgan. Chunki o'quvchilar o'zlarini bilimlarini baholashda o'zlariga kam yoki yuqori baho berishlari mumkin.<sup>1</sup>

**O'zaro. ya'ni bir-birlarini baholash.** Vinni Cheng va Martin Uorren bir-birini baholash tushunchasi yangi deb hisoblashadi. Ularning fikricha, o'zaro baholash bo'yicha faqat bir nechta tadqiqotlar va loyihalar bor, xolos. Shuning uchun hozirda talabalarning bir-birlarini baholash jarayoni bo'yicha aniq g'oyalar, usullar yoki biror-bir baholash tizimi mavjud emas. Bu kabi ma'lumot yetishmasligi, o'qituvchilarni darslarda bir-birlarini baholash usulidan foydalanmaslikka majbur qiladi. Bundan tashqari, talabalar ham o'zlarini yetarli darajada professional sanamaganliklari sababli, ularda o'zaro baholash usuliga nisbatan salbiy munosabat mavjud. Talabalar tengdoshlari tomonidan baholanish yoki ball qo'yilishini xohlashmaydi, chunki ularda baholash uchun bilim yetishmasligi tufayli baho haqiqiy va ishonchli bo'lmaydi deb o'ylashadi. Yana bitta muammo shuki, o'qituvchilar talabalar bir-birlariga adolatli baho qo'yganligini tekshirish uchun biror-bir usul yo'qligi.

Ushbu maqolada ta'kidlanishicha, talabalarning bilimni baholashning aynan samarali bir turi mavjud emas. Shuning uchun ushbu maqola o'zini-o'zi, bir-birini va o'qituvchi talabalar bilimni baholash rolini integratsiyasi orqali o'quv jarayoni hamda o'quv materiallarini darslarga moslashni amalga oshirishga yordam beradi. Ushbu maqola bilim olish jarayonida o'zini, bir-birini va o'qituvchilar talabalar bilimni baholash rollarni tushuntirishga qaratilgan. Bu shuningdek, ushbu baholash turlari o'quv materiallarni yaxshilash uchun qanday qilib ularni birlashtirish usullarini ham tushuntiradi.

#### **Ta'lim jarayonida o'z-o'zini baholash roli.**

**I. Reflektiv ta'lim.** O'z-o'zini baholash o'quv jarayoni davomida olgan bilimlarini o'quvchilarni o'zlari muhokama qilib, o'zlarini baholashda faol ishtirok etishni taqozo qiladi. Boshqacha qilib aytganda, bu reflektiv ta'limga yordam beradi. Bu o'quvchilarning baholash ko'nikmalarini rivojlantiradi, shuningdek, reflektiv ta'limga bir vaqtning o'zida jalb qilish imkoniyatini beradi. Reflektiv ta'lim olish jarayonida talabalarni o'zlari olayotgan bilimlarini muhokama qilishga va o'ylashga majburlash orqali talabalar o'zlari olayotgan bilimlarini ko'ra olishi, ularning olgan bilimlarini tushunishga va ularni sifatini oshirishga yordam beradi.<sup>2</sup>

Reflektiv ta'lim olish haqida turli xil ta'riflar mavjud. Karen Xinettning fikriga ko'ra, "Aks ettirish harakati bizni nimani o'rganganimizni, nima uchun o'rganganimizni va ta'lim turining ushbu o'sishi qanday sodir bo'lganligini tushunishga majbur qiladi Bundan tashqari, aks ettirish, ta'limning bir bosqichi orqali boshqa bir kattaroq bosqichini egallashga yo'naltirilgan ta'lim bilan bog'lashdir".<sup>3</sup> Biggsning yana bir tavsifi mavjud, "Oynada aks ettirish – uning oldida turgan narsani aniq nusxasini aks ettirish hisoblanadi. Aks ettirish – bu professional amaliyotdir, ammo asl nusxasini yaxshilash uchun nima bo'lganini emas, balki nima bo'lishi mumkinligini aks ettiradi."<sup>4</sup> Ushbu ta'riflar va tavsiflarga asoslanib, ushbu maqolada reflektiv o'rganishni o'quvchilarga o'zlari bilgan narsalar, nimalarni o'rganishlari haqida mulohaza qilishga yordam beradigan bilim olishdagi yondashuv yoki usul sifatida qaraladi. Bu, shuningdek, o'quvchilarga ta'lim jarayonida kuchli va zaif tomonlarini aniqlashga imkon beradi, shunda o'quv jarayonida o'sishlar bo'ladi.

Ushbu reflektiv ta'lim olishga o'z-o'zini baholash orqali erishish mumkin. Aniqrog'i, o'z-o'zini baholash talabalar o'zlarining faoliyatini mezonlar asosida kuzatish, tahlil qilish va baholash qobiliyatlarini rivojlantiradi va uni qanday qilib yaxshilashi mumkinligini aniqlaydi. Ya'ni, o'quvchilarni ta'lim jarayonida aks ettirishga majbur qiladi. Karen Spear va boshqalar o'zlarining ishlarida aytib o'tganlaridek,

---

<sup>1</sup> Falchikov N. (1986). Product Comparisons and Process Benefits of Collaborative Peer Group and Self Assessments. *Assessment and Evaluation in Higher Education*, 11(2), p. 150.

<sup>2</sup> Karen Hinett (n.d.). Improving learning through reflection – part one [www.new1.heacademy.ac.uk/id485\\_improving\\_learning\\_part\\_one.pdf](http://www.new1.heacademy.ac.uk/id485_improving_learning_part_one.pdf)

<sup>3</sup> Shu yerda.

<sup>4</sup> Biggs J. (1999). What the student does: teaching for enhanced learning. *Higher Education Research and Development*, April, 1999.



o'zini o'zi baholash kuzatish va o'zini tahlil qilishni talab qiladigan o'z ustida ishlash amaliyoti hisoblanadi, bunday baholash avtonom tarzda bilim oluvchi talaba uchun baholashning zaruriy qismidir. Boshqacha qilib aytganda, bu umrbod ta'lim olish konsepsiyasiga oz hissa qo'shadi, chunki bu talabalarga ke-lajakdagi bilimlari, xulq-atvori to'g'risida xulosa qilishga to'g'ri kelganda o'z bilimlari va tajribalariga asoslangan holda fikr-mulohaza yuritish imkoniyatini beradi. Demak, o'quvchilar o'quv jarayonida ref-lektiv o'rganish muhimligini his qilishadi.<sup>1</sup>

O'z-o'zini baholash o'quvchilarning bilim olishiga jida katta foyda keltiradi. Avvalo, bu qobiliya-tiga nisbatan o'z-o'zini anglashni rivojlantiradi. Mulohaza yuritish orqali talabalar o'zlarining hozirgi da-rajalari/qobiliyatlari va kuchli va zaif tomonlarini aniqlashlari orqali talabalar o'zlarini qaysi sohada yax-shi va qaysi sohada no'noq ekanligini bilish imkoniyatiga ega bo'ladilar. O'z-o'zini anglash qobiliyatini bilish borasida talabalar o'zlarining kuchli tomonlarini saqlab qolish va rivojlangan tomonlarini o'stirish imkoniyatiga ega bo'ladilar. Shuningdek, bu o'quvchilarning bilim olishdagi mustaqil ta'lim olish ko'nik-masini shakllantiradi. Ta'lim olishdagi mustaqillik – bu ta'lim olishni umrbodlik jarayonga aylantirishda katta rol o'ynaydi. O'quv jarayonidagi mas'uliyat bilan yondoshish judayam muhim hisoblanadi, chunki o'z-o'zini baholash talabani o'z taraqqiyotini qay darajada yuqorilashi uchun javobgar qiladi. Baholash-ning bu turi, nafaqat bilimlarning rivojlanishiga, balki o'quvchilarning bilimlarini samarali o'sishiga ham ta'sir qiladi. Talabalarining samarali rivojlanishi haqida gap ketganda, bu o'quvchilarning hissiy intellek-tiga olib keladi.<sup>2</sup> Ta'lim jarayonida hissiyot muhimdir, chunki bu o'quvchilarning bilim olishga bo'lgan motivatsiyasi va munosabatiga ta'sir qiladi.

**II. Mustaqil ta'lim olish.** O'z-o'zini baholash – bu o'z-o'zini mustaqil ravishda, alohida bilim olishga yordam beradigan yo'l va vositadir. O'z-o'zini baholash talabalarga nafaqat o'zlarini baholash qo-biliyatini rivojlantirish, balki o'zaro o'rganish orqali ta'lim olishdagi o'z tezligini aniqlash imkonini ham beradi, chunki ular o'zlarining kamchiliklari va zaif nuqtalarini anglagandan keyin o'zlarining bilimlarini rivojlantirishlari mumkin. Shunday qilib, o'z-o'zini baholash davomida talabalar o'zlarining o'rganish tezligini aniqlay olishlari mumkin, chunki bu jarayon samarali va sifatli ta'lim olishni amalga oshirishi mumkin. O'quv jarayoni mazmunli bo'lsa, talabalarda bilim olishga nisbatan qiziqish kuchayadi, hamda ular o'quv jarayonida ko'proq yutuqlarga erishadilar.<sup>3</sup> Shunday qilib, ushbu mazmunli va samarali ta'lim olishga talabalarni o'zlarining bilimlari va natijalarini baholash jarayoni orqali erishish mumkin. Talaba-lar ta'lim olishlari uchun o'zlari mas'ul bo'lsalar, ular o'zlarining o'rganish uslublarini o'z odatlariga ko'-ra o'zgartirishlari mumkin.<sup>4</sup>

Shu bilan birga, individual o'rganish va o'z-o'zini o'qitish atamallari Kemp, Morrison va Ross to-monidan ham qo'llanilgan.<sup>5</sup> O'z-o'zini baholash orqali rivojlantirish mumkin bo'lgan ushbu mustaqil ta'-lim olish talabalarining o'ziga xos bo'lgan xususiyatlari uchun juda muhimdir, chunki ular o'zlarining o'quv uslublari, qiziqishlari, ko'nikmalari, bilimlari, tajribalari va kuchli va zaif tomonlariga ega. Bu omillar talabalarining bilim olishiga ta'sir qiladi, shuning uchun talabalar o'qituvchi ko'rsatgan yo'riqno-ma va o'quv materiallari bilan o'zlarini baholashda ishtirok etishlari kerak, shunda ular o'zlarining o'r-ganish tezligi va uslubini bilib olishlari mumkin, o'z bilimlarini o'stirish uchun o'zlarining ehtiyojlari va bilish darajalari haqida bilimlarga ega bo'lishlari kerak.

### **Ta'lim jarayonida talabalar bir-birlarini baholashi.**

#### **I. Hamkorlikda o'rganish.**

Talabalar bir-birlarini baholashi, bu butun jarayon davomida hamkorlikda o'rganishni osonlashti-radigan manba va vositadir. Bu talabalarga bir-birining ta'lim olish natijalarini va o'quv vazifalarini ba-holashda, bir-birlariga yordam berish va qo'llab-quvvatlashga imkon beradi. Ular tengdoshlariga o'zlari-ning xulosa qilish qobiliyati orqali fikr-mulohazalar bildiradilar. Kooperativ o'rganish talabalarining bi-limlarini rivojlantirishga katta hissa qo'shadi. O'zaro baholash kooperativ ta'limni osonlashtiradi, chunki u hamkorlikda o'rganish tamoyillarini bajaradi. Hamkorlikda o'qitish tamoyillari: “geterogen guruhlash, hamkorlik qobiliyatlari, avtonom guruh, bir vaqtning o'zida, o'zaro ta'sir, teng ishtirok etish, individual

<sup>1</sup> Karen Hinett. (n.d.) Improving learning through reflection – part one [www.new1.heacademy.ac.uk/id485\\_improving\\_learning\\_part\\_one.pdf](http://www.new1.heacademy.ac.uk/id485_improving_learning_part_one.pdf)

<sup>2</sup> Goleman D. (1996) Emotional Intelligence. Bloomsbury Publishing, London.

<sup>3</sup> Miller B. (2001). Technology and learning in the undergraduate classroom. UMI Proquest Digital Dissertation. 3. 16. 02.

<sup>4</sup> Runvi V. (2003). Effects of self-paced learning on academic achievement and attitude towards economics of col-lege students of Angelicum college. A thesis paper submitted to DLSU, p .12.

<sup>5</sup> Kemp J., Morrison G. and Ross S. (1994). Designing Effective Instruction. NY:Teachers College Press.

javobgarlik va ijobiy o'zaro bog'liqlik".<sup>1</sup> Hamkorlik asosida o'qitishning birinchi tamoyili, geterogen guruhlash tamoyilidir. Bu tamoyilga ko'ra, talabalar o'zaro baholash imkoniyatiga ega bo'lishlari mumkin, chunki ular jinsi, millati, ijtimoiy tabaqasi, dini, shaxsiyati va boshqalar bilan ajralib turadigan guruhlariga birlashtirilishi yoki sherik bo'lib ishlashi mumkin. Keyingi tamoyil, hamkorlik qobiliyatlari, o'zaro baholash talabalarni qaror qabul qilish jarayoniga jalb qilish, boshqalar bilan muloqot qilish va boshqalar orasida ishonchni rivojlantirish imkoniyatini beradi.

Yana bir tamoyil – avtonom guruh tamoyili ham o'zaro baholash jarayoni orqali takomillashtirilishi mumkin, bu o'quvchilarni o'qituvchiga bog'lanib qolmasdan, balki o'zlari uchun resurslarni topishga yordam beradi. Shu sababli, o'zaro baholash, shuningdek, bir vaqtning o'zida o'zaro ta'sirni va teng ishtirok etishni ta'minlaydi, chunki ko'proq talabalarning faol bo'lishi, barcha o'quvchilar bir vaqtning o'zida faqat o'qituvchi gapiradigan odatdagi faoliyat bilan taqqoslaganda, ishtirok etish uchun o'zgarishlarni qo'lga kiritishga da'vat etiladi. Bundan tashqari, o'zaro baholash, barcha o'quvchilarga o'z g'oyalari va o'zlarining o'rganganlarini o'rtoqlashishda faol bo'lish imkoniyatini beradi, shu bilan birga ular shaxslar va jamoalarning o'zaro bog'liq ijobiy yutuqlari uchun bir-birlariga yordam berish, qo'llab quvvatlash, hatto bir-birlariga ta'lim berishlari ham mumkin. Bularning hammasi o'zaro baholash jarayonida bir-birlariga yordam beradi, shuningdek, bir-birlarini yuqorilashlariga yordam berganda o'rganish natijalarini yaxshilaydi. Qanchalik bilimdon talabalar o'zlarining o'rgangan materiallarini boshqalarga taqdim qilsalar va kam bilimga ega bo'lganlar o'zlari va ko'proq vakolatli bo'lganlar orasidagi farqni bartaraf eta olsalar va o'qishning yaxshi natijalariga erishishlari mumkin bo'ladi.

**II. Mustaqil ta'lim.** O'zaro baholash, odatda, guruh ishida amalga oshiriladi, asosan, o'z tengdoshlari faoliyati haqida fikr-mulohazalar bildirishdan iborat. Ba'zan talabalar o'zlarini boshqalarga baho berishga qobiliyatsiz deb o'ylaganliklari tufayli o'zaro baholashga salbiy munosabatda bo'lishadi, ushbu baholash turi talabalarning bilim olishida samarali baholash sifatida qaraladi. O'zaro baholash mustaqil o'rganishga yordam beradi, shu sababli, ko'pincha, talabalarga mas'uliyat yuklaydi. Talabalarning bilim olish jarayonidagi mas'uliyati, ularning ma'lum bir vazifani bajarishdagi faolligini tavsiflaydi. Bir-birini baholash talabalarni ongli ravishda qaror qabul qilishga va mas'uliyatni o'z zimmlariga olishga, tanlovlardan ichidan eng yaxshilarini tanlay olish qobiliyatini o'stiradi. Bundan tashqari, talabalar o'z maqsadlarini belgilashda, berilgan topshiriqni bajarish muddatlarini belgilashda mustaqil bo'ladi. Ular shuningdek, o'zlarini ishlarini tartibga solish, vaqtdan foydalanishni o'rganish va ularni baholashga qodir o'qituvchi sifatida ishlashni ham o'rganishadi. Talabalar zimmasiga tengdoshlarning ish jarayonini kuzatib borish va uni tegishli usulda tahlil qilish, jarayon va natijaga aniq baho berish ham yuklanadi.

Goldfinch o'qituvchining talabalar bilimlarini baholashida asosiy masala potensial tarafkashlik va subyektivlik ekanligini aniqladi va bu masala o'zaro to'liq baholashni takomillashtirish orqali hal qilinishi mumkin. O'zaro baholashda bir nechta baholovchi qatnashadi va bu baholarni yanada adolatli va shaffof bo'lishiga yordam beradi, bu jarayon faqat o'qituvchining bahosidan ko'ra obyektiv hisoblanadi.

#### **Ta'lim jarayonida o'qituvchi bahosining roli.**

**I. Professional yo'l-yo'riq ko'rsatuvchi.** O'qituvchining talabalarning bilimlarini baholashi, bu ularning bilimlarini faqat o'qituvchi tomonidan baholanishi tushuniladi. Bu yerda faqat o'qituvchi talabalar bilimlarni ekspert nuqtayi nazaridan ham tekshirib, ham baholaydi. O'qituvchi talabalarning bilim olishlarini, bilimlarini ko'rsata olishlarini va natijalarini kuzatib boradi, ularga zaif tomonlarini yaxshilashlari uchun fikr-mulohazalarini bildiradi. Bu baholashda mulohazalar professional, o'zaro baholash natijalari bilan taqqoslaganda aniqroq, chunki o'qituvchilarga fikr-mulohazalar berish haqida o'qitilgan, talabalarga esa yo'q. O'zaro baholash bo'yicha mulohazalar muhim bo'lsa-da, o'qituvchidan olingan mulohazalar ham juda muhimdir, chunki talabalar o'zaro baholash natijasida o'zlari bilmagan ehtiyojlarini tanib olishlariga yordam beradi. O'qituvchilar talabalarning ehtiyojlarini, kuchli va zaif tomonlardan xabardor bo'lishsa, ularning ehtiyojlariga mos keladigan va yanada samarali bo'lgan turli xil o'qitish strategiyalariga ega bo'lgan dars rejalarni tuzishlari va ba'zi o'zgarishlarni amalga oshirishlari mumkin.

**II. Baholashning ishonchliligi va asosiligin ta'minlash.** Kirish qismida aytib o'tilganidek, baholashning ikki shakli mavjud: summativ baholash va shakllantiruvchi baholash. Ushbu turkumda biz, asosan, o'qituvchilarning summativ baholashlari to'g'risida gapirib o'tmoqchimiz. O'qituvchilar summativ baholash haqida gap ketganda, odatda, standart testlar va natijaga erishish testlari nazarda tutiladi. O'qituvchilarning summativ baholashi hozirda muammoli deb hisoblansa ham, bu o'qitish va bilim olish

<sup>1</sup> Jacobs G. (n.d.). Cooperative learning: Theory, principles, and techniques. <http://www.readingmatrix.com/conference/pp/proceedings/jacobs.pdf>

jarayonida haligacha hal qiluvchi va muhim baholash hisoblanadi. Bu faqat o'qituvchini baholashida ko'rsatilishi mumkin bo'lgan xususiyat. O'zini-o'zi va o'zaro baholashdan farqli o'laroq, baholovchilar, ya'ni, o'qituvchilar professional tayyorgarlikka ega, shuning uchun o'qituvchilar tomonidan berilgan baho haqiqiyliги va ishonchliligi bilan yuqori baholanadi. Aniqrog'i, baholashda haqiqiylik deganda, uning ma'lum bir mavzuga muvofiqligi nazarda tutiladi. Shuning uchun baholashdagi haqiqiylik deganda, baholashda beriladigan savollar aniq mavzuning o'ziga mos bo'lishi kerak, boshqachasiga aytganda, o'qituvchilar talabalarning yanada kengroq yutuqlari va ta'lim natijalarini baholashlari mumkin.

Ikkinchidan, baholashda ishonchlilik deganda, bu aniqlik va test natijalarining izchilligini nazarda tutadi. Baholashda, ayniqsa, summativ baholashda ishonchlilik hal qiluvchi qism bo'lib xizmat qiladi. Tegishli va kasbiy tayyorgarlik bilan o'qituvchilar ishonchlilikning yuqori darajasidagi baholashni amalga oshirishlari mumkin.

O'qituvchilar tomonidan berilgan baho haqiqiy va ishonchli bo'lgani uchun, bu ma'lumot shuningdek haqiqiy va ishonchli test natijalaridan kelib chiqadi. O'qituvchilar haqiqiy va ishonchli ma'lumotlarni, test natijalari to'g'risida yozuvlarni saqlashlari va boshqa o'quvchilarga, ota-onalar va o'quvchilarga ham va berishlari mumkin. Sinov natijalari o'qituvchilarga talabalarning hozirgi bilim darajasi, talabalar oldida turgan muammolar, ularning bilimini rivojlantirish strategiyasi, test natijalari asosida har bir talabning zaif tomonlarini yaxshilash kabi o'z o'quvchilari haqidagi ma'lumotlarni olish imkonini beradi.

Xulosa o'rnida shuni aytishimiz mumkinki, bu maqola, asosan, o'qitish va ta'lim jarayonida o'zini, tengdoshlarini va o'qituvchilar talabalar bilimini baholashning ta'siri va roliga qaratilgan. XXI asr asosan shakllangan, bilim olish ko'nikmalari va ta'lim berishdagi mazmunli yondashuvlar, masalan, reflektiv o'rganish, individual va kooperativ o'rganish, mas'uliyat va shu kabilar o'z-o'zini, tengdoshlarini va o'qituvchilar baholash jarayonida rivojlanishi mumkinligi uchun baholash, ta'lim berish va bilim olish jarayonini yanada samarali olib borishda yordam beradi.

**Мурадкасимова Камола Шухратовна (Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),  
Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети; email: [kmuradkasimova@yahoo.com](mailto:kmuradkasimova@yahoo.com))  
ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ТЕСТЛАРНИ ТУЗИШНИНГ АМАЛИЙ БОСҚИЧЛАРИ**

***Аннотация.** Мазкур мақолада таълим жараёнида тестларни тузишнинг амалий босқичларидан бири тест усулини тузиш жараёни асосий компонент сифатида ёритилган бўлиб, халқаро тажрибалар намунасида ўрни ёритилган. Асосий ҳая таълим тизимида талабаларнинг таълим натижаларини баҳолашда тузиладиган тест усулини тўғри тузиш, таҳлил ва ташиқ қилиш маҳоратини ўқитувчиларда такомиллаштиришидан иборат. Мазкур муаммо юзасидан олиб борилган тадқиқот натижасида таклиф ва тавсиялар тақдим этилган.*

***Аннотация.** В данной статье описывается один из практических шагов по разработке тестов в учебном процессе, процесс разработки метода тестирования как ключевого компонента и его роль на примере международного опыта. Основная идея – улучшить у учителей навыки правильного построения, анализа и методики тестирования, которая предназначена для оценки результатов обучения студентов в системе образования. В результате исследования данного вопроса были внесены предложения и рекомендации.*

***Annotation.** The following article describes one of the practical steps in the development of tests in the educational process, the process of developing a test method as a key component, and its role in international experience. The main idea is to improve the teachers' assessment literacy in designing, analysing and implementing the methods of test items, which is designed to assess the learning outcomes of students in the education system. As a result of research on this issue, suggestions and recommendations were made.*

***Калим сўзлар:** баҳолаш фаолияти, баҳолаш компетенцияси, тест усули, тест усулининг қийинлик даражаси, тест усулининг дискриминацияси, муқобил жавоб.*

***Ключевые слова:** оценочная деятельность, оценочная компетентность, метод тестирования, уровень сложности метода тестирования, дискриминация метода тестирования, альтернативный ответ.*

***Key words:** assessment activity, assessment competence, test method, test method difficulty level, test method discrimination, alternative response.*

Таълим жараёнида талабаларни самарали баҳолаш, назорат турларини тўғри тузиш ва мавжудларни таҳлил қилишни билиш лозим. Ушбу жараённи маҳоратли олиб бориш учун ўқитувчи ўзидан қуйидаги танқидий саволларни сўраши лозим:

- Тест олишдан мақсад нима? Ушбу тестни тузишдан мақсад нима? Талабанинг мавжуд билимини баҳолашми? Талабаларни билим даражаси бўйича курсларга ажратишми? Ёки курс давомида ўзлаштирган билимларини баҳолашми?

- Тестнинг вазифалари нималардан иборат? Талабанинг тилдаги қайси қобилиятини баҳолаш, билим, малака ёки кўникма?

- Тест спецификациясининг тест мақсад ва вазифаларини қай даражада ёритиши? Яъни, тест усулининг баҳоланаётган компетенцияга мослиги?

- Тест усулини танлаш мезони? Тест усулининг баҳолашнинг бешта тамойилига мос келиши?

- Тестларни баҳолашнинг ва қайта алоқанинг қайси турларини қўллаш кутилмоқда? Тестларнинг турлари, баҳолашиши ва бериладиган қайта алоқаси унинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб фарқланади.<sup>1</sup>

Юқорида келтирилган саволлар тестларни тузиш жараёнига бўлган ёндошувнинг асоси сифатида қўлланиши лозим. Бу саволлар ўқитувчиларга тест тузиш жараёнида меъзон бўлиб хизмат қилиши керак. Мазкур жараёнлар Н. Douglas Brown томонидан “Language assessment: Principles and Classroom Practices” асарида бешта босқич кўринишида тасвирлаб берилган.<sup>2</sup> Мазкур мақолада тест усулини тўғри тузиш ҳақида кенгроқ маълумот бериб ўтамыз.

Бу жараёнда тест усулининг белгиланган ўқув мақсадини баҳолашда тўғри қўлланиши асосий мезондир. Бу жараённи самарали ўтказишда қуйидаги босқичлар асос бўлиб хизмат қилади.

- ҳар бир тест усули аниқ ўқув мақсадни баҳолаши;

- ҳар бир тест усулининг савол ва жавоблари аниқ бўлиши;

- кўп танловли тест усулида битта тўғри жавоб бўлиши;

- тест усулини таҳлил қилиш натижасида қабул қилиш, қабул қилмаслик ёки қайта ишлаш.<sup>3</sup>

Таълим тизимининг барча босқичларида профессор ўқитувчиларининг олдида турган муҳим вазифаларидан бири бу назорат турларини самарали тузиш ва ўтказиш, бунинг учун тест бирлигини таҳлил ва ташхис қилиш маҳоратлари бўлиши лозим. Тест бирлигинини таҳлил қилиш тестдаги ҳар бир тест усулининг вазифасини аниқлашга ва бу тест усули самарали ёхуд самарасиз бўлганлиги ҳақида маълумот беради. Тест усулларини таҳлил қилишдан асосий мақсад тестларни қайтадан кўриб чиқиб, юзага келган камчиликларни бартараф этишдир. Тест усулининг таҳлили тест топширувчининг маълумотни билиш ёки билмаслиги ҳақида маълумот беради. Тест усулларини таҳлил қилишнинг бир қанча жараёнлари мавжуд.

Тест бирлигининг таҳлили тестлар тузилганидан, ўтказилганидан ва баҳроланганидан кейин келади. Ҳар бир тест усулини таҳлил қилишда қуйидаги муҳим индикаторларга юзланамиз:

- ◆қийинлик даражаси ёки тест усулининг қийинлиги;

- ◆тест усули кучининг дискриминацияси ёки тест усулининг дискриминацияси;

- ◆муқобил жавобнинг самараси.<sup>4</sup>

Юқоридаги индикаторлар тестларни охириги босқичга самарали етиб боришини таъминлайди.

**1. Тест усулининг қийинлик даражаси.** Тест усулининг қийинлик даражаси деганда, тестни тўғри жавобини белгилаган талабаларнинг қисми назарда тутилади. Тест усулининг қийинлик даражаси тестни тўғри белгилаган талабаларнинг проценти бўлиб, баъзи ҳолларда уни Р-қиймати деб ҳам айтилади. Орадаги масофа 0% дан 100 % гача ташкил этади, қиймат юқори бўлса, тест усули осон тузилганлигини билдиради. Р-қиймати 0.90 кўрсаткичидан юқори бўлса, тест усули осон ва ушбу тест усулини қўллаш нотоғри фикр бўлади. Р-қиймати 0.20 кўрсаткичидан паст бўлган тест усуллари тест усулининг қийинлик даражасини кўрсатади ва уни қайта ишлаш ва кўриб

<sup>1</sup> Lopez A.A. Potential impact of language tests; Examining the alignment between testing and instruction. Saarbrücken; Vdm Publishing (2008).

<sup>2</sup> Н. Douglas Brown. Language Assessment Principles and Classroom Practices. Longman. P-54.

<sup>3</sup> Campbell C. and Collins V.L. Identifying essential topics in general and special education introductory textbooks. Educational Measurement; Issues and Practice, 26 (1), 2007.

<sup>4</sup> Bryan C., Clegg K. Innovative Assessment in Higher education. New York, Routledge, 2006.

чиқиш кераклигининг белгиси ҳисобланади. Тест усулининг қийинлик даражасини кўрсатувчи оптимал кўрсаткич 0.50 бўлиб, бу юқори ва паст натижаларнинг оптимал даражада дискриминациясини кўрсатади. Тест усулининг қийинлик даражасини аниқлаш учун қуйидаги формулани қўллаш мақсадга мувофиқ.

$$DL=Ru+RI/Nu+NI$$

**Ушбу формулада:**

**Ru**= Юқори гуруҳдаги саволга тўғри жавоб берган талабалар сони.

**RI**= Қуйи гуруҳдаги саволга тўғри жавоб берган талабалар сони.

**Nu**= Юқори гуруҳдаги талабалар сони.

**NI**= Қуйи гуруҳдаги талабалар сони.

**2. Тест усули дискриминацияси.** Тест усулининг дискриминацияси ёки тест усулининг дискриминацион кучи, тест усулини тўғри ёки хато ечканлик даражаси эгалланган қобилият ўлчовини кўрсатади. У ушбу усул томонидан ўлчанган қобилият тест топширувчилар орасида қандай фарқланиш борлиги даражасини белгилайди. Тест усулининг дискриминацияси вазифаси кучли ва билим даражаси пастроқ бўлган талабарнинг даражасини маълум тест топшириғи фарқлашини аниқлашдан иборат. Бир нарсани доим ёдда тутмоқ даркор, баҳолашнинг мақсади талабаларнинг ўзлаштиришлари ва уларга нима ёрдам керклиги, келажакда қандай ўзгартиришлар киритилиши лозимлиги ҳақида маълумот беришидир. Агар ўзлаштириши юқори ва паст даражадаги талабалар саволга тўғри жавоб беришса демак, тест усулининг дискриминацион кўрсаткичи паст ва бу тест паст қийматга эга. Тест усули дискриминациясини ҳисоблаш учун гуруҳни юқори ва паст натижаларга ажратиб олиш лозим. Ушбу таҳлил учун юқори ва паст даражадаги натижалар олинади, ўртадаги натижалар бизни қизиқтирмайди, бунинг учун гуруҳдаги талабалар сонини 4 га бўлиш лозим. Мисол учун, талабалар сони 40 та, 4 га бўлганда, 10 тадан тўғри келади. Биз таҳлил учун юқори ва паст 10 та натижани оламиз, орадаги 20 та натижа бизни қизиқтирмайди.<sup>1</sup>

Унинг кўрсаткич қиймати 0.0 ва 1.00 орасида белгиланади. Кўрсаткич қиймати баланд бўлса, тест усулининг дискриминацион кучи шунча юқори бўлади. Юқори дискриминацион кучга эга бўлган тест усули шуни кўрсатадики, юқори натижага эга бўлган талабалар тестни тўғри ишлаган, ҳолбуки, паст натижага эга бўлган талабалар тестни нотўғри ишлаган.

Дискриминацион кучни қуйидаги формула билан аниқлаш мумкин.<sup>2</sup>

**Дискриминацион куч=  $Ru-RI/Nu(or)NI$ .** Жараён қуйидаги босқичларни тақозо этади:

1. Тестни режалаштирилган синолувчиларда ўтказиш.
2. Бутун тест жавобларидан келиб чиқиб, юқори ва паст кўрсаткичларга эга бўлган (1/3) ҳисобидан, тартиб даражасида белгилаб чиқиш.
3. Ҳар бир тест усулининг ҳисобини чиқариш.
4. Дискриминацион индексини юқоридаги формула орқали аниқлаш.
5. Дискриминацион индекснинг қиймати – 1.00 дан +1.00 гача бўлиши мумкин.
6. Салбий дискриминацияга эга бўлган тест усуллари рад этилади. Дискриминацион индексини 20 дан юқори бўлган тест усуллари академик мақсадда фойдаланиш учун яроқли ҳисобланади.<sup>3</sup>

Этиборга олиниши зарур бўлган икки муҳим шарт мавжуд:

1. Ушбу тест усулининг таҳлили кичик гуруҳларда қўлланиши мақсадга мувофиқ эмас.
2. Паст гуруҳдаги талабарнинг тўғри жавоблари натижаси юқори гуруҳдаги талабаларнинг сонидан баланд бўлса, демак, юқори натижали талабаларни савол чалғитяпти. Саволни кўриб чиқиш керак, осонлиги туфайли талабарни чалғитяпти.

**3. Муқобил жавоб самараси.** Тест усуллари тузишда тўғри жавобни бериш билан қиёяланмаймиз, муқобил жавобларни ҳам самарали танлаш ва тузиш ҳам катта аҳамиятга эга. Ушбу таҳлил муқобил жавобларни тўғри ёхуд хато тузилганлигини кўрсатади. Мисол қилиб бир тест усулининг натижаларини оламиз:

<sup>1</sup> Christine Coombe, Keith Folse, Nancy Hubley. A practical guide to assessing English language learners. University of Michigan, 2007, 164, 202 p.

<sup>2</sup> С.Boopathiraj Dr.K. Chellamani. Analysis of test items on difficulty level and discrimination index in the test for research in education. International Journal of Social Sciences and Interdisciplinary Research, Vol.2 (2), February 2013, p. 15 – 20.

<sup>3</sup> Taylor L., Developing assessment literacy. Annual Review of Applied Linguistics 29; 21–36, 2009.

Choices	A	B	C*	D	E
High-ability students(10)	0	1	7	0	2
Low-ability students (10)	3	5	2	0	0

\*Note: C is the correct response.

Жавоблардан кўриниб турибдики, юқори натижага эришган 10 та талабалардан 7 таси тўғри жавобни белгилаган. Паст натижага эришган 10 та талабалардан 2 таси тўғри жавобни белгилаган. Юқорида кўрсатилган тест усулининг қийинчилиги 50 ни ташкил қилишини ҳисобга оладиган бўлсак, бу тест усулини самарали деб олишимиз мумкин. Аммо муаммони қуйидаги иккита муқобил жавобда кўришимиз мумкин:<sup>1</sup>

1. D. жавобини ҳеч ким танламаганини кўришимиз мумкин. Демак, ушбу муқобил жавоб ишлатилишга лойиқ эмас ёки бу жавобни қайта кўриб чиқиш лозим.

2. E. жавобини юқори натижага эришган (2) та талаба танлаган, паст натижага эришган талабалардан эса (0) та талаба. Шу ерда савол туғилади, нима учун юқори кўрсаткичга эга талабалар нотўғри жавобни танлашди. Демак, ушбу муқобил жавоб юқори ўзлаштиришга эга бўлган талабаларда танкидий фикрлашни юзага келтириб, уларни чалғитади.

Қолган A. ва B жавоблари муқобил жавоб вазифасида тўғри ва самарали қўлланилганини кузатамиз.

Тест тузиш жараёнида, албатта, уни баҳолаш усули ҳақида ўйлаш лозим. Асосий қийинчилик продуктив малакани баҳолаганда туғилади. Гапириш ва ёзувни баҳолаш жараёнида баҳоловчи кўп қийинчиликларга учраши мумкин.<sup>2</sup> Продуктив малакани баҳолашдаги энг катта қийинчилик – бу объектив баҳолашдир. Объектив баҳолашни амалга ошириш учун ўқитувчидан баҳолаш маҳоратига эгалик, продуктив малакани баҳолашда тажриба, албатта, мезонга эгаллиги талаб этилади. Мезон (rubric) стандар асосида тузилиб, талабанинг тилдаги малакасининг сифатини белгилайди. Мезонлар вазифа ва унинг мақсадидан келиб чиқиб тузилса, мақсадга мувофиқ. Мезонлар тест вазифаларидан келиб чиқиб, турли кўринишларда бўлади.

Тест усулини синондан ўтказиш расмий жараён бўлмагани сабабли, уни талабгорларнинг бўш вақтларида ўтказиш мумкин. Бу босқичнинг ягона шарт, талабгорларнинг ёши, даражаси ва дунё қарши факторлари тест топширувчи талабаларнинг факторлари билан бир хил бўлиши керак. Бундай ёндашув тестнинг ишончлилигини таъминлайди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, таълим жараёнида юз бераётган ўзгаришлар нафақат дарс контентига, балки қўйилган мақсадларга эришилганлик даражасини назорат қилишда ҳам ўз аксини топади. Таълим жараёнидаги ҳар бир даврнинг методикасига асосланиб, уни назорат қилиш, баҳолаш механизми ҳам ўзгаради. Юқоридаги босқичларга тест тузиш жараёнида амал қилиш, тест тузувчига самарали ва ишончли тест усулларни тузишга ва баҳолашга ёрдам беради.

**Умарова Раъно Убайдуллаевна (Андижон Давлат университети Ахборот технологиялари кафедраси ўқитувчиси; e-mail: [r.umarova90@mail.ru](mailto:r.umarova90@mail.ru))**

### **ЎҚУВЧИЛАРДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**Аннотация.** Ушбу мақола таълим тизимида ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришда таълим технологиясининг аҳамияти тўғрисида фикрлар баён этилган. Дарс жараёнида таълим технологияларини қўллаш натижасида ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳияти ва илмий-назарий билими яна-да мустаҳкамланади. Шунинг билан биргаликда, таълимда ахборот ва коммуникация технологиялар ва замонавий педагогик технологияларни яна-да бойитиш, такомиллаштиришга олиб келади.

**Аннотация.** В данной статье обсуждается важность интеллектуальных технологий в развитии интеллектуального потенциала учащихся в системе образования. Использование умных технологий в классе еще больше укрепляет интеллектуальный потенциал и научные и теорети-

<sup>1</sup> Шу манба.

<sup>2</sup> Brown D and Abeywickrama T. Language assessment. Principles and classroom practices, New York, Pearson Longman, 2010.

ческие знания учащихся. В то же время внедрение информационных и коммуникационных технологий и современных педагогических технологий в образование приведет к дальнейшему обогащению и совершенствованию образования.

**Annotation.** This article discusses the importance of intelligent technologies in the development of the intellectual potential of students in the education system. The use of smart technology in the classroom further enhances the intellectual potential and scientific and theoretical knowledge of the students. At the same time, the introduction of information and communication technologies and modern pedagogical technologies in education will lead to further enrichment and improvement of education.

**Калим сўзлар:** таълим, ахборот технологиялари, таълим технологияси, информатика, инновация, педагогик технологиялар.

**Ключевые слова:** образование, информационные технологии, образовательная технология, информатика, инновация, педагогические технологии.

**Key words:** education, information technology, informatics, innovation, pedagogical technology.

Интеллект ёки онг – бу янги ҳолатларга мослашиш, тажрибага асосланган ўрганиш ва ёдлаш қобилиятидан, мавҳум тушунчаларни тушуниш ва қўллаш, билим орқали инсоний муҳитни бошқариш учун ишлатишдан иборат. Интеллект фақат онгнинг бир қисмидир: ҳамма инсонларда интеллект мужассам ва у инсонларни бир-биридан ажратиш туради, бу бизнинг шахсиятимизнинг бир қисмидир. Биз интеллект ҳақида гапирганимизда, кўпроқ, у “нимадир”ни қандай ўлчашга ҳаракат қилишимизни, у бизни бир-биримиздан қандай фарқ қилишимизни, миямизнинг қаерида яширинганлигини, ота-онамиздан мерос бўлиб ўтиши ёки уни ривожлантира олиш ёки олмаслигимизни тушунамиз. Қатъий айтганда, интеллект – бу мулк эмас, балки хусусиятлар йиғиндиси: тушуниш, ўйлаш, эслаб қолиш, кейин эшлаш, хулоса чиқариш, экстраполяция қилиш ёки, умуман, бошқа нарса билан боғланиш масалаларидан иборат жараёндир.

Интеллект – бу ҳақиқат ва яхшилиқнинг мослигини ҳисобга олиб, мақсадга эришиш учун ўз ҳаракатларини режалаштириш, тартибга солиш ва бошқариш қобилиятидир. Интеллектни фақат ахборотли жамиятда янгилаш мумкин. Ҳар бир фаолият тури ўзига хос ахборот маконини ташкил қилади. Уни ўқитиш ва фойдаланиш усули интеллект фаолиятини ташкил этиш тамойилларига асосланади. Ахборот маконига янги маълумотларни киритишни ташкил этиш тамойиллари, сақлаш ва қўпайтириш усуллари ҳам интеллект ишининг ўзига хос хусусиятларига, яъни хотирани ташкил этишга мос келади. Шу сабабли ахборот макони ҳам интеллектуал макондир, чунки у аллақачон режалаштириш, фойдаланишни ташкил этиш ва мақсадга эришиш учун босқичма-босқич бошқариш тамойилларини ўз ичига олади.

Интеллектуал салоҳият сифатида, одатда, бошқа қобилиятлар ёрдамида амалга оширилади. Билиш, ўрганиш, мантикий фикрлаш, маълумотни таҳлил қилиш орқали тизимлаштириш, унинг амал қилиш қобилиятини аниқлаш (таснифлаш), уланишларни, нақш ва фарқларни топиш, уни ўқитиш нарсалар билан боғлаш ва бошқалар.

Инсон интеллектининг муҳим фазилатлари – бу қизиқувчанлик ва онг чуқурлиги, унинг мослашувчанлиги ва ҳаракатчанлиги, изчиллик ва далиллардир. Шуни яна-да чуқурроқ тушунтирадиган бўлсак:

- қизиқувчанлик – бу муҳим муносабатларда у ёки бу ходисани ҳар томонлама билиш истаги. Ақлнинг бу сифати фаол когнитив фаолиятга асосланади;

- онгнинг чуқурлиги асосийни иккиламчи, заруриятни тасодифан ажратиш қобилиятида ётади;

- онгнинг мослашувчанлиги ва ҳаракатчанлиги – одамнинг мавжуд тажрибадан кенг фойдаланиш, янги алоқалар ва муносабатлардаги объектларни тезда ўрганиш, стереотипли фикрлашни енгиш қобилияти:

- фикрлашнинг изчиллиги ўрганилаётган объектдаги барча муҳим жиҳатларни, барча мумкин бўлган муносабатларни ҳисобга олган ҳолда, мулоҳазаларнинг қатъий кетма-кетлиги билан тавсифланади;

- далилларга асосланган фикрлаш, тўғри хулосалар ва хулосаларнинг ишончилигини тасдиқлайдиган бундай далилларни, нақшларни ўз вақтида ишлатиш қобилияти билан тавсифланади;

- танқидий фикрлаш ақлий фаолият натижаларини қатъий баҳолаш, уларни танқидий баҳолашга жалб қилиш, нотўғри қарорни рад этиш, агар улар вазифа талабларига зид бўлса, бошланган ҳаракатлардан воз кечиш қобилиятини назарда тутади.

● тафаккур кенглиги – мос келадиган муаммонинг дастлабки маълумотларини эътибордан четда қолдирмасдан, муаммони тўлиқ ёритиб бериш, муаммони ҳал қилишдаги қобиляти.

Фаолиятнинг ҳар хил мазмуни шахснинг маълум интеллектуал қобилятларини ривожлантиришни талаб қилади. Аммо барча ҳолатларда кишининг янги, долзарб муаммоларга, вазиятнинг ривожланиш тенденцияларига нисбатан сезгирлиги зарур. Бу эрда ақлнинг ривожланишининг кўрсаткичи субъектнинг ташқи чекловлар билан боғлиқ эмаслиги, ксенофобиянинг йўқлиги – янги, ғайриоддий кўрқувдир.

Шахс онгининг муҳим сифати у томонидан қилинган ҳаракатларнинг оқибатларини олдиндан кўриш, кераксиз тўқнашувларнинг олдини олиш қобилятидир. Ривожланган интеллектнинг асосий хусусиятларидан бири – бу мураккаб муаммоларни интуитив равишда ҳал қилиш қобилятидир.

Интеллектнинг индивидуал фазилатларининг ривожланиши маълум турининг генотиби билан ҳам, ҳаётий тажрибаси билан ҳам белгиланади. Тоталитар ижтимоий режимларда “мақсадли тафаккур” деб номланувчи мос келадиган инсонларда шаклланади – шахснинг фикрлаш доираси жуда чекланган кундалик чегаралар билан торайтирилган, интеллектуал инфантилизм кенг тарқалган, фикрлаш интеллектуаллар орасида кенг тарқалган. Гуруҳ тафаккурида умумий стереотиплар, стереотиплар йўналишлари ва схематик хатти-ҳаракатлар матрицалари устунлик қила бошлайди. Ақлнинг мазмунида деформациялар юзага келади. Деформациялар ақлнинг тузилишида ҳам, уни ташкил этишда ҳам мумкин. Ақлнинг салбий сифати тафаккурнинг қатъийлиги – ҳодисага салбий таъсир қилиши, ҳиссий таассуротларини бўрттириб кўрсатиш, стереотипларга асосланган баҳоларга риоя қилишдир. Шундай қилиб, ақл бу жуда умумий ақлий қобилят бўлиб, у хулосалар чиқариш, режалаштириш, муаммоларни ҳал қилиш, мавҳум фикрлаш, мураккаб ғояларни тушуниш, тез ўрганиш ва тажрибадан ўрганиш қобилятини ўз ичига олади. Бу нафақат китоб ўқиш, тор академик билимлар ёки билимларни синаб кўришдан иборат. Аксинча, ақл атрофимиздаги дунёни билиш, нарсаларнинг моҳиятини тушуниш ва муайян вазиятда нима қилиш кераклигини аниқлаш учун кенгрок ва чуқуррок қобилятни акс эттиради ва бу эрда яна бир фикр бор: ақл – бу инсоннинг ўз олдига қўйилган мақсадга эришиш учун ахборот қидириш, идрок этиш, таҳлил қилиш, тизимлаштириш ва ундан самарали фойдаланиш қобиляти. Фақатгина тор фикрли, чекланган инсонгина ўрганиб олинмаган ва қўлланилмаган маълумотни шахснинг ақл-идроки сифатида қабул қилиш мумкин.

Бугунги кунда интеллект ҳақидаги ғояларни ривожлантиришда иккита асосий тенденция мавжуд:

- ақлнинг умумий омилини тан олиш;
- интеллектуал фаолиятнинг ҳар қандай умумий бошланишини рад этиш.

Шу билан бирга, ақлни ўрганишда тестологик ёндашувнинг маълум бир инқирози мавжудлигини таъкидлаш керак: интеллектуал қобилятларни ўрганишда кучли услубий ёрдамга қарамай, тестология ақлнинг мақбул кон цепциясини келтириб чиқара олмади. Бундан ташқари, ягона тузилма сифатида ақлга қарашлар тарафдорлари ҳар хил, ҳар доим бир-бирига, қобилятларга боғлиқ бўлмаган жуда кўп турли хил нарсалар тўғрисида парадоксал хулосага келишди ва кўп сонли интеллектлар ғояси тарафдорлари ақлнинг барча кўринишларининг умумий келиб чиқиши борлигига ишонч ҳосил қилдилар. Яқиндан ўрганиб чиқсак, тестларнинг мазмуни, кўпинча, ақл ва тушунчани таълимнинг ва маданий ривожланишнинг умумий даражаси билан алмаштиради (бундан ташқари, вазифаларни ҳал қилишнинг “тўғрилиги-нотўғри” баҳоси тегишли маданиятга боғлиқ ёки ўрганиш қобиляти, умуман, бошқача эмас. Аслида, ақл билан бир хил). Бундан ташқари, паст синов баллари ташвиш, тажовузкорлик, интroversия, яъни, ўзини-ўзи бошқаришнинг индивидуал механизмлари шаклланишини ўлчаш орқали интеллектуал қобилятни ўлчаш билан алмаштириш мумкин.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Джордж Томсон. Предвидимое будущее. М., издательство иностранной литературы, 1958, с. 153 и 154–155. Источник: <https://vikent.ru/enc/3396/>
2. Лапыгин Ю.Н. Теория организации и организационное поведение. Учебное пособие, М., ИНФРА-М, 2011, с. 215 – 216.
3. Дружинин В.Н. Психология общих способностей. СПб., “Питер”, 2002, с. 27 – 28.



4. Калачева Н.В. История и анализ научного знания в психологии интеллекта. [https://superinf.ru/view\\_helpstud.php?id=5646](https://superinf.ru/view_helpstud.php?id=5646)

5. Ясперс К. Вопрос о виновности. О политической ответственности Германии. М., “Прогресс”, 1999.

**Асатуллоев Иномжон Абобакир ўғли (Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),  
ТАЪЛИМ ТИЗИМИ БОШҚАРУВИДА ҲИСОБДОРЛИКНИ ОШИРИШ ОРҚАЛИ  
КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ВА ШАФФОФЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ  
ТАЪСИРЧАН МЕХАНИЗМЛАРИ**

***Аннотация.** Мазкур мақолада таълим тизими бошқарувида ҳисобдорликни ошириш орқали коррупцияга қарши кураш ва бошқарув шаффофлигини таъминлашнинг таъсирчан механизми таҳлил қилинган.*

***Аннотация.** В статье анализируются эффективные механизмы противодействия коррупции и обеспечения прозрачности управления за счет повышения подотчетности в управлении системой образования.*

***Annotation.** This article analyzes the effective mechanisms to combat corruption and ensure transparency in governance by increasing accountability in the management of the education system.*

***Калим сўзлар:** таълим, таълим тизими бошқаруви, ҳисобдорлик, коррупция, очиқ бошқарув тизими.*

***Ключевые слова:** образование, управление системой образования, подотчетность, коррупция, открытая система управления.*

***Key words:** education, education system management, accountability, corruption, open management system.*

Мамлакатимизда олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, унинг сифати ва самарадорлигини ошириш, олий ўқув юртларига қабул жараёнининг шаффофлигини таъминлаш борасида муайян ишлар олиб борилмоқда. Сўнги уч йилда олий таълим соҳасига оид 200 дан ортиқ қонун ҳужжатларининг қабул қилинганлиги, 6 та олий таълим муассасаси, 17 та филиал ва 14 та хорижий олий ўқув юртларининг янгидан ташкил этилганлиги, бунинг натижасида ёшларни олий таълим билан камраб олиш даражаси 20 фоизга ошганлиги соҳага бўлган эътиборни кўрсатмоқда.

Жанубий Африка Республикаси Стелленбосс университети пештоқида ёзиб қўйилган қуйидаги иборани иқтибос сифатида келтирди. “Ҳар қандай миллатни йўқ қилиш учун атом бомбаси ёки узок масофали ракета шарт эмас. Бунинг учун таълим сифатини тушириб, имтиҳонларга алдов аралаштиришнинг ўзи кифоядир. Бу тарзда таълим олган шифокорлар қўлидан беморлар ўлим топади, қурувчилар қурган уй ва бинолар вайрон бўлади, иқтисодчи ва ҳисобчилар қўлида молиявий ресурслар совурилади, адолат ҳам шундай ҳуқуқшунос ва судьялар қўлида заволят топади. Таълимнинг инқирози – бу миллат инқирозидир”. Мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили ва Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Коррупцияга қарши конвенцияси”га қўшилиши бу соҳадаги ишларни тубдан ўзгартиришни талаб этмоқда. Бугунги кунда жаҳон бозори конъюктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани давлатимизни яна-да барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун коррупция ҳолатларига ораётгани давлатимизни яна-да барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун коррупция ҳолатларига қарши курашишга мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларини ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақозо этмоқда.

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси<sup>1</sup> ва «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни<sup>2</sup> самарали ижросини таъминлаш, жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни ўз

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодекси. “Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси”, 1995 йил, 1-сон, 3-модда.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январда қабул қилинган ЎРҚ-419-сонли “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни. «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2017 йил 9 январь, 1-сон, 2-модда.

вақтида ва сифатли амалга ошириш мақсадида қабул қилинган давлат дастури<sup>1</sup> ижросини таъминлаш бўйича махсус комиссия ташкил этилиб, унинг асосий йўналишлари сифатида:

◆коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларининг ва бошқа дастурларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилишини ташкил этиш;

◆коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва ҳамкорлигини таъминлаш;

◆аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга доир чора-тадбирларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилишини ташкил этиш;

◆коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга, уларни аниқлашга, уларга чек қўйишга, уларнинг оқибатларини, шунингдек, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга доир чора-тадбирлар самарадорлиги оширилишини таъминлаш;

◆коррупциянинг ҳолати ва тенденциялари тўғрисидаги ахборотни йиғиш ҳамда таҳлил этиш;

◆коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилиши юзасидан мониторингни амалга ошириш, ушбу соҳадаги мавжуд ташкилий-амалий ва ҳуқуқий механизмларнинг самарадорлигини баҳолаш;

◆коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва ушбу соҳадаги ишларни яхшилаш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

◆коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳудудий идоралараро комиссиялар фаолиятини мувофиқлаштириш масалалари белгиланди.

Замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси қабул қилинди. Унинг доирасида коррупцияга қарши курашиш ва шаффофликни таъминлашнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш, ушбу иллатнинг ҳар қандай кўринишига барҳам бериш, олий таълим муассасаларида тажрибали, ҳалол, пок виждонли, масъулиятли профессор-ўқитувчи ва ходимлар сафини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимиз таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, унинг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш, таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга, олий ўқув юртларига қабул жараёнларининг шаффофлигини таъминлаш, таълимдаги коррупция ва порахўрликнинг олдини олишга ҳам астойдил киришилган.

Ўзбекистонда коррупция кўринишларининг камайишининг барқарор тенденцияси кузатилмоқда. Бу комплекс ва тизимли олдини олиш чоралари кўрилганининг натижаси бўлди. Бугунги кунда мамлакатда коррупция билан курашишнинг барча қонуний-ҳуқуқий воситалари яратилган. Коррупция билан кураш стратегияси тасдиқланди, «Коррупция билан кураш ҳақида» каби муҳим қонунлар қабул қилинди. Ўз навбатида, коррупцияни ижтимоий ҳодиса сифатида қабул қилмасликка қаратилган очиқ фикрлаш, ҳуқуқий ва молиявий маданиятни шакллантириш, шунингдек, кундалик ҳаётда учрайдиган коррупцияни илдизи билан йўқ қилиш умумий вазифалардан бири бўлиб қолиши керак.<sup>2</sup>Кундалик ҳаётдаги коррупция оддий фуқаро давлат ташкилотларига: таълим, соғлиқни сақлаш ёки қонунни ҳимоя қилиш (куч ишлатар) муассасаларига келганда, одатда, дуч келадиган коррупциядир.

Коррупциянинг иқтисодий сабабларидан бири давлат ходимлари маошларнинг кам экани ҳамда тақиқловчи меъёрлар сонининг ҳаддан ортиқлигидир. Амалдорларга етишмай турган маблағни тасарруф қилиш учун кенг ваколат берилган жойларнинг барчасида коррупция гуллаб-яшнайти. Давлат идоралари ишининг яширин-ёпиқлиги, ҳисоботдорликнинг чалкаш оғир тизими, қонунчилик тизимида шаффофликнинг йўқлиги институционал сабаблар қаторига киради. Жамиятнинг бундай аҳволи, етарлича ахборотнинг берилмаслиги ва фуқароларнинг уюшқоқ эмаслиги,

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги ПҚ-2752-сон «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори. «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2017 йил 6 февраль, 5-сон, 62-модда.

<sup>2</sup> <https://daryo.uz/k/2019/03/25/O'zbekiston-respublikasi-talim-sohasidagi-korrupsiyani-qanday-yoq-qilsa-boladi/>

«кучни қўлларида ушлаб турганларнинг» ўзбошимчалигига нисбатан ижтимоий фаолликнинг йўқлиги ижтимоий-маданий сабаблардир.

Дунёдаги барча мамлакатлар тараққиётига салбий таъсир этаётган муаммолардан бири коррупциядир. Эътиборли жиҳати шундаки, жиноятнинг бу тури учун дунё бўйлаб жазо муқаррарлиги таъминланмоқда. Коррупцияни ҳеч иккиланмай “тараққиёт кушандаси” деб аташ мумкин, чунки БМТ олдида турган энг глобал муаммолардан бири саналган коррупцияга қарши курашнинг ҳуқуқий меъёрлари ишлаб чиқилган. Коррупция – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини, ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек, бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этишидир. Коррупцияга қарши кураш механизмини такомиллаштириш, унинг ҳуқуқий асосларини яратиш дунё микёсида халқаро ташкилотларнинг диққат марказида бўлиб турибди. Бу борада дастлабки муҳим қадам сифатида 2003 йил 31 октябрда БМТ томонидан қабул қилинган коррупцияга қарши конвенцияни олишимиз мумкин. 2008 йил 7 июнда “Коррупцияга қарши конвенцияга қўшилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинган.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2017 йилнинг 3 январь куни коррупцияга қарши курашнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамловчи “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни қабул қилинди. Қонунда коррупция тушунчаси, коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятини амалга оширувчи давлат органлари, уларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича ваколатлари, коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга чек қўйиш, жавобгарликнинг муқаррарлиги кўрсатиб ўтилган. Шундай экан, коррупциянинг ҳар қандай кўришнишини бартараф қилиш учун биргаликда курашишимиз зарурдир. Қабул қилинган қонун эса давлат ва жамият тараққиётига салбий таъсир этувчи мазкур иллатга қарши курашнинг ҳуқуқий механизми сифатида хизмат қилади.

Давлатимизда коррупцияга қарши курашнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришга қаратилган қатор муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди, яъни «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонун, Ўзбекистон Президентининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармон билан тасдиқланган 2019–2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш давлат дастури шулар жумласидандир.

Давлатимизда коррупцияга қарши курашишга масъул бўладиган алоҳида орган ташкил этилиши Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил Олий Мажлисга Мурожаатномасида илк бор қайд этилган эди. Кейинчалик, ушбу фикрлар Давлат дастурида ҳам акс этди. 2020 йил 29 июнда «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президентнинг фармони қабул қилинди. Фармонга мувофиқ, жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишга қаратилган давлат сиёсатининг самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилди. Агентлик олдида коррупция хавфи юқори бўлган соҳаларни аниқлаш, коррупциоген ҳолатларга сабаб бўлувчи шароитларни бартараф этиш, коррупцияга қарши самарали тарзда курашиш ва шаффофлик таъминлаш устувор вазифа, деб белгиланди. Демократик ислохотлар амалга оширилиб, қадриятлар қарор топиб бораётган бугунги шароитда давлат хизматчилари томонидан коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг содир этилиши бошқарув тизимининг бузилишига ёки зарарланишига сабаб бўлади, давлатнинг сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий тизимига путур етказди. Юқори даражадаги коррупция давлатни инқирозга олиб келади, давлат ҳокимияти шахсий манфаатларга бўйсундирилгани боис, халқнинг норозилигига сабаб бўлади.

Хулоса қилганда, таълимда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш бугунги кунда ниҳоятда долзарб масала бўлиб, бу борада нафақат масъул идоралар, балки кенг жамоатчилик ҳам ҳамжиҳат ва ҳамфикр бўлмоғи мақсадга мувофиқдир. Шундан келиб чиқиб, қаердадир таъмагирлик, порахўрлик ҳолатларига дуч келсак, ҳар биримиз бу нохуш ҳодисага нисбатан бефарқ бўлмаслигимиз, лоқайдлик қилмаслигимиз, аксинча, коррупция иллатини таг томири билан қуритишга қаратилган саъй-ҳаракатларни виждонан бажаришга киришмоғимиз бурч ва масъулиятимизга айланмоғи даркор. Зеро, адолатсизликка нисбатан муросасиз бўлишни ўзимиздан бошлашимиз зарур.

**Olimova Nilufar Qosimjon qizi**  
(Farg‘ona davlat universiteti Boshlang‘ich ta‘lim uslubiyoti kafedrası o‘qituvchisi)  
**XALQ OG‘ZAKI IJODI VOSITASIDA BOSHLANG‘ICH SINIF O‘QUVCHILARINING**  
**TALAFFUZI VA NUTQINI O‘STIRISH TEXNOLOGIYASI**

**Annotatsiya.** Maqolada, asosan, boshlang‘ich sinf o‘quvchilarni talaffuziga bo‘lgan qarashlar berib boriladi. Xalq og‘zaki ijodi vositasida nuqtani o‘stirish texnologiyasi haqida va uning yo‘nalishlari keltirib o‘tiladi. Boshlang‘ich ta‘limda talaffuz tushunchasi va uni rivojlantirish bosqichlari haqida ma‘lumotlar mavjud.

**Аннотация.** В статье, в основном, дается представление о произношении учащихся начальных классов. Рассказывается о технологии развития речи средствами устного народного творчества и ее направлениях. В начальном образовании содержатся информации о понятии произношения и этапах его развития.

**Annotation.** The article mainly gives an idea of the pronunciation of primary school students. The technology of developing speech grapes by means of oral folk art and its directions have been described in the article. Primary education contains information about the concept of pronunciation and the stages of its development.

**Kalit so‘zlar:** texnologiya, nutq, xalq og‘zaki ijodi, xulq, diksiya, tafakkur.

**Ключевые слова:** технология, речь, устное народное творчество, поведение, дикция, мышление.

**Key words:** technology, speech, folklore, behavior, diction, thinking.

Madaniyatli inson darajasining eng muhim ko‘rsatkichlaridan biri uning bu uning nutqidir. Shaxs madaniyati, uning tafakkuri, aql darajasi saviyasining eng muhim ko‘rsatkichlaridan biri ham nutqdir. Bolalik davrida birinchi marta paydo bo‘ladigan, hali aniq grammatik dizaynga ega bo‘lmagan alohada so‘zlar, nutq asta-sekin boyib boradi va murakkablashadi. Bu bolaning nutqi qanday rivojlanayotganiga qarab, uning umumta‘lim maktabining mavzularini o‘rganishda muvaffaqiyati bog‘liq bo‘ladi. Bolaning nutqini rivojlantirish umuman nutqqa, xususan, uning nutqiga qiziqishni shakllantirish bilan, uni takomillashtirish va boyitish zarurati bilan o‘zaro bog‘liqdir.

Maktabga qabul qilish paytida bolaning so‘z boyligi shunchalik ko‘paydiki, u har qanday vaziyatda boshqa odam bilan o‘zini erkin ifoda eta oladi, nutqni tinglash va tushunish qobiliyatini namoyon qiladi, suhbatni davom ettiradi, savollarga javob beradi va ularga mustaqil ravishda murojaat qiladi. Ammo bu yerda juda ko‘p “iflar” kiritilishi kerak: agar bola madaniy muhitda rivojlangan bo‘lsa, uning atrofida-gi kattalar tushunarli bayonotni talab qilsa, boshqalarga nima deyishini tushunib yetsa, agar bola allaqachon nutqini boshqarish kerakligini tushunsa. Rivojlangan og‘zaki nutqi bo‘lgan bola nutqni kattalardan ajratib olganligini va uning kontekstli nutqida ishlatilishini anglatadi. Aynan u o‘qituvchini inson madaniyati ko‘rsatkichi sifatida, bola rivojlanish darajasining ko‘rsatkichi sifatida, birinchi navbatda, qiziqtiradi. Ammo olti yoki yetti yoshli bolaning juda yaxshi rivojlangan og‘zaki nutqi ham bolalar nutqidir. Kontekstli nutqni yanada rivojlantirish uchun o‘qituvchi javobgar bo‘ladi. Maktabga kelgach, bola nutqni o‘qitish bo‘yicha “o‘z dasturidan” maktab taklif qiladigan dasturga o‘tishga undash zarur.

**Nutqning asosiy funksiyalari:**

Nutq – bu aloqa vositasi, hissiyotlar, fikrlar almashish vositasi.

Nutq – bu ma‘lum ma‘lumotlarni uzatish va o‘zlashtirish vositasi, insoniyatning kollektiv tajribasi, ya‘ni dunyoni bilish maqsadiga xizmat qiladi.

Nutq – odamlarning fikrlari, hissiyotlari, xulq-atvoriga ta‘sir etuvchi vosita.

Nutq odamlar faoliyatini tashkil etish va rejalashtirish vositasidir.

Bolalar nutqning inson hayotidagi ma‘nosini anglaydilar va asta-sekin nutqni uning turli funksiyalarida ishlatishda yordam beradigan muayyan ko‘nikmalarni o‘zlashtira boshlaydilar. 6–7 yoshli bolalar maktabga kelishadi, ular 3 dan 5–6 minggacha so‘zlardan foydalanadilar va amalda o‘z ona tili grammatikasini biladilar, ya‘ni to‘g‘ri rad etish, uyg‘unlashtirish, gaplarni qurish. Iqtidorli bolalar she‘rlar yozadilar, ertaklar ixtiro qiladilar, xayol qiladilar. Ammo 3–4 yillik o‘qish so‘ng. Ilm-fan asoslarini tushunishni boshlagan bolalar tabiiy ravishda ko‘plab maxsus so‘zlarni egallaydilar, nutqning ta‘limiy va ilmiy uslubini o‘zlashtiradilar. Biroq, ularning izchil nutqining rivojlanishi inhibe qilinadi; nutq kamroq erkin va hissiy, stereotipli, hatto qashshoqlashadi. Natijada boshlang‘ich maktabni bitiruvchisi hech qachon ona tilini to‘g‘ri o‘zlashtirmaydi. Biz bolalarda insoniy sovg‘a – nutq sovg‘asini qanchalik tez rivojlantira bosh-

lasak, tilshunos V.I.Xernishevning soʻzlari bilan aytganda, “bolalarning ogʻzini ochish” uchun hamma narsani tezroq qilamiz, shuncha tezroq erishamiz kerakli natijalar.

Bolalarda xalq ogʻzaki ijodida, uning oʻziga xosligi va oʻziga xos xususiyatlari. Xalq ogʻzaki ijodida sheʼriyatining oʻziga xos turlaridan biri – bu bolalar folkloridir. Ushbu atama 20-asrning oʻrtalarida folklorshunos G.S.Vinogradov tomonidan ishlab chiqilgan. Bungacha bolalar ijodini belgilash uchun olimlar bolalar qoʻshiqlari, bolalar hazillari, bolalar oʻyinlari qoʻshiqlari va boshqalarni ishlatganlar. “Bolalar folkloriga kattalar tomonidan, ayniqsa, bolalar uchun yaratilgan ogʻzaki asarlarning barcha turlari va ogʻzaki soʻzlar kiradi. Bolalarning oʻzlarining ijodkorligi bu bolalar folklorining barcha asarlarini funksional rolga koʻra ikki guruhga boʻlish mumkin: oʻyin harakatlari bilan bogʻliq ishlar (chizmalar, qofiyalar, oʻyin jumalari va xorlar); ogʻzaki mazmuni bilan bolalarni qiziqtiradigan va oʻyin harakatlaridan qatʼiy nazar, bajariladigan asarlar (beshiklar, ashulalar, sukunatlar, hazillar, ertaklar, til egriliklari yoki iboralar). Boshlangʻich sinf oʻquvchilarining xalq ogʻzaki ijodida kichik janrlari orqali nutqini rivojlantirish. Nutqni rivojlantirish boshlangʻich maktab uchun eng muhim muammo.

“Nutqni rivojlantirish” mavzusidagi ishda xalq ogʻzaki ijodida sanʼatining turli shakllari, elementlaridan foydalanishadi. Shuning uchun kichik folklor janrlarini oʻrganish va ularni boshlangʻich maktabda qoʻllash bilan bogʻliq masalalarning dolzarbligini, ayniqsa, shakllangan axloqiy qadriyatlar boʻlgan davrimizda aniq namoyon boʻladi. asrlar davomida, koʻpincha, yoʻqoladi, vatanparvarlik hissi susayadi, oʻrganishga qiziqish va oʻzbek tilidagi jonli soʻz yoʻqoladi. Bolalik dunyosini ertaksiz, shuningdek, toppishmoqlarsiz, tillarni burishsiz va sanoqli qofiyalarsiz tasavvur etib boʻlmaydi. Bu bolalar uchun yaqin, tushunarli. Oʻqituvchining vazifasi nutq funksiyalarini rivojlantirish uchun xalq donoligi, amaliy falsafa va xalq tajribasidan foydalanishdir. Oʻquvchilar nutqini rivojlantirish uchun xalq ogʻzaki ijodida elemental-ridan har qanday sinfda har qanday darsda foydalanish mumkin.

Darsning u yoki bu bosqichida tarixiy ashulalar yoki rivoyatlardan, maqol va topishmoqlardan foydalanish oʻquvchilarning dunyoqarashini kengaytiradi, ularning vatanparvarlik tuygʻularini rivojlantiradi, tarixga, adabiyotga qiziqishni uygʻotadi, nutqni rivojlantiradi, uni belgi, boy va ifodali qiladi. Men oʻzining ish tajribamni taklif qilaman: “xalq ogʻzaki ijodi sanʼati elementlaridan foydalanish”. Ertak yolgʻon, ammo unda bir ishora bor, yaxshi doʻstlar uchun saboq. Oʻz sinfining (6 yosh) asosiy xususiyatini hisobga olgan holda, darslar ertak qahramonlaridan foydalangan holda oʻyin tarzida olib boriladi. Ishonchim komil: siz har qanday ertakni, ham xalq, ham muallifning ertaklarini urishingiz, sozlashingiz mumkin. Bolalar bajonidil oʻyinga qoʻshilishadi, sujetni eslashadi, ertaklarni aytib berishadi, aytib berishadi, qahramonlarga yordam berishadi, taqlid qilishadi, taqqoslashadi, turli vaziyatlardan, shu jumladan, nutqdan chiqish yoʻlini qidirishadi. Bularning barchasi bolalarning hayollarini hayajonga soladi, kichkina odamda axloqiy fazilatlarini tarbiyalaydi: oʻz qoʻshnisiga, ona zaminiga muhabbat tuygʻusi, mehnatni hayotning asosi sifatida tushunish, ular tarixiy voqealar, jamiyatdagi ijtimoiy munosabatlar, vatan himoyasi va madaniyat. Bolaga tilni oʻrgatish kerak – xalq oʻz hayoti va tarixi davomida oʻrnatgan umumiy meʼyorlarni. Ushbu meʼyorlarni oʻrganish, bola nutq shakllanadi, yaʼni uning qarashlari shakllanadi, shaxsning oʻzi shakllanadi. Axir, inson har doim, har qadamda, har bir masalada, kattalar yoki bola boʻlsin, nutqqa muhtojdir. Nutq – bu fikrlarni ifodalashning eng nozik vositasi, odamlar orasidagi aloqa, insonning ichki dunyosini yaxshilash.

Afsuski, bugun men tez-tez kuzatib boramanki, boshlangʻich sinf oʻquvchilari, ayniqsa, katta yoshdagi maktab oʻquvchilarining kundalik nutqi kambagʻal, qoʻpol, ibtidoiy va baʼzan, umuman, maʼnosizdir. Talaba darsga zerikarli, monoton javob berganida, men uchun oʻqituvchi sifatida boshqa bolalar uchun bu qanchalik qiziq emas. Koʻpgina bolalar oʻzlaridan shikoyat qilmoqdalar: “Men hamma narsani oʻrgandim, lekin doskaga chiqqach, ikkita soʻzni birlashtira olmayapman”. Muammo ularning gapira olmasliklarida. Gapirishning iloji yoʻqligi keng tarqalgan kasallikdir. Yaxshi, ishonarli, aniq, aniq, uygʻun gapirish, oʻz fikrlarini buzilmagan holda yetkazish katta ahamiyatga ega sovgʻadir. Afsuski, hammaga ham tegishli emas. Bunga, mening fikrimcha, har xil holatlar sabab boʻladi. Birinchidan, bugungi kunda oilada turli sabablarga koʻra bolaning nutqini rivojlantirishga etarlicha eʼtibor berilmayapti. Bola, koʻpincha, oʻz-oʻzidan qoladi, uning kattalar bilan samarali aloqasi musiqa, kompyuter, televizor bilan almashtiriladi. Ikkinchidan, hamma joyda biz nutqni notoʻgʻri, nuqsonli, qoʻpol, parazit soʻzlar bilan toʻldirganlarini koʻrayapmiz: “bu juda narsa”, “bu”, “xuddi shunday” va boshqalar. Shuning uchun oʻqitish jarayonida oʻquvchilar nutqiy tafakkurni oʻstirish, nutq madaniyatini shakllantirish uchun oʻqituvchilarga quyidagi tavsiyalardan foydalanish joiz deb hisob hisoblayman:

Endilikda nutq odobi, nutqiy mahorat, notiqlik, notiqlik mahorati maktablar hayotidan keng oʻrin olmogʻi lozim. Ayniqsa, oʻqituvchining nutqida ifodalilik yetarli boʻlsa, albatta, bunday nutq bolalar nut-

qiga ham ta'sir etadi. Muloqot madaniyatining jamiyat taraqqiyotidagi o'rni, kishilar o'rtasidagi tinchlik va osoyishtalikning eng muhim tamal toshi ekanligi avvaldan ma'lum.

Xalq og'zagi janrlaridan faol foydalanish natijasida bolalarning ta'lim va bilim qobiliyatlari oshadi; bolalar yanada aniqroq gapirishni o'rganadilar, o'z fikrlarini chuqurroq ifoda etadilar, bu boshqa darslarda ham aks etadi; ko'ngilochar vazifalar bolalarning fikrlash mantig'i, fazoviy tasavvurlari, tasavvurlari va irodasini rivojlantirishga, dunyoqarashini va atrof olam haqida umumiy ongini kengaytirishga yordam beradi; artikulasiya yaxshilanadi, yaxshi diksiya ishlab chiqiladi. Binobarin, rus tili va o'qish bo'yicha bilim, ko'nikma va ko'nikmalarni shakllantirish folklor materiallari yordamida amalga oshirilishi mumkin va bu bolalarni qiziqtirishga imkon beradigan va aqliy faoliyatni rivojlantirishga yordam beradi.

Boshlang'ich maktab o'quvchilarining nutqni rivojlantirish darajasiga qo'yiladigan talablar. Bolalar nutqini rivojlantirish ustida ish olib borayotganda, bolalarning og'zaki nutqi ma'lum talablarga javob berishi kerakligiga rioya qilish kerak.

**Birinchi**dan, og'zaki nutq mazmunli bo'lishi kerak. Bolalarning suhbatlashishiga yo'l qo'ymaslik kerak, ular gapiradigan narsa, hodisa yoki hodisani yaxshi bilmaslik. Bolalar nutqda ishlatadigan so'zlarning orqasida aniq narsalar, hodisalar bo'lishi kerak. Og'zaki nutqning eng salbiy belgilari: bo'sh mazmun, fikrning bo'shligi; og'zaki nutq, ya'ni ma'ruzachi bilmagan so'zlarning ishlatilishi.

**Ikkinchi**dan, og'zaki nutq mantiqiy bo'lishi kerak, qaysi fikrlarning izchil taqdimotida o'zini namoyon qiladi. Fikrlarni izchil ifoda etish, avvalo, reja asosida izchilik bilan taqdim etishdir. Alohida jumlar ketma-ket joylashgan va bir-biriga bog'langan bo'lishi kerak. Talabalarning og'zaki javoblarida muhim dalillarni, takrorlanishlarni, qarama-qarshiliklarni qoldirmaslik muhim ahamiyatga ega.

**Uchinchi**dan, og'zaki nutq aniq bo'lishi kerak, ya'ni bunga qodir hammaga teng ravishda va ko'p qiyinchiliksiz tushunilishi. Aniqlik bog'liq ko'plab shartlar: fikrlar qanchalik to'liq va izchil bayon etilganligi, jumlar to'g'ri tuzilganligi, xususan, gapdagi so'z tartibi fikrga qanchalik mos kelishini, olmoshlar, yuklamalar, bog'lovchilar va boshqalarning to'g'ri ishlatilishini. xorijiy so'zlar va dialektizmlardan foydalanish bilan taqdimot, ko'pincha, buziladi. Boshqacha qilib aytganda, nutqning ravshanligi uning sofliigi – og'zaki so'zlar va parazitlar so'zlardan qochish va to'g'riligi – adabiy me'yorga muvofiqligi bilan rivojlanadi. Og'zaki nutqda orfoepik va talaffuzning to'g'riligi ajralib turadi. Orfoepiya qoidalariga rioya qilish – bu tilning talaffuz normalari belgilab beradi.

**Xulosa.** Xalq og'zaki ijodi vositasi turli shakllarda nutqni rivojlantirish, ijodkorlikni va shaxsiyatni rivojlantirish uchun ulkan imkoniyatlar yaratadi. Yuqoridagi mashqlarning barchasi xalq og'zaki ijodining kichik shakllaridan foydalanish imkoniyati, zaruriyati va samaradorligini ko'rsatadi. Nutqni o'rgatishni faqat uning grammatik yoki sintaktik rolini o'rganishga qisqartirish mumkin emas, chunki so'z, nutq tafakkur bilan bog'langan. Bolani gapirishga o'rgatish, bolani fikrlashga o'rgatish demakdir. Shunday qilib, xalq og'zaki ijodi san'ati elementlaridan foydalanish o'quvchilarga "dunyoga ko'z ochish"ga yordam beradi, aqliy faoliyatini faollashtiradi, ularning qalbini rivojlantiradi, o'z-o'zini takomillashtirish, o'zini rivojlantirish zarurligini shakllantiradi. Nutq o'stirish texnologiyasi ishlab chiqish, kelajak avlod yoshlar uchun juda katta natijadur.

**Artiqova Muhayyo Botiraliyevna (Andijon davlat universiteti,  
pedagogika fanlari doktori; e-mail: mirkamilovamahliyo@gmail.com),  
Mirkamilova Mahliyo Poziljon qizi (Andijon davlat universiteti Maktabgacha ta'lim yo'nalishi  
1-bosqich magistranti; mirkomilovamuhayyo@gmail.com)  
MUSTAHHAM POYDEVOR – PORLOQ KELAJAK ASOSI**

**Annotatsiya:** Ushbu maqola maktabgacha ta'lim tizimini barkamol shaxs tarbiyasidagi, jamiyat hayotidagi o'rni va ahamiyatini belgilaydi. Maktabgacha ta'lim tashkilotlarida sog'lom va raqobatbardosh muhitni tarbiyalash, yutuqlarga erishish yo'nalishlarini kashf qilish, shu bilan bir qatorda, mavjud muammolarni hal qilish, kamchiliklarni bartaraf etish yo'llarini yoritib beradi.

**Аннотация.** В статье определены роль и значение системы дошкольного образования в воспитании гармонично развитого человека, в жизни общества. В нем освещаются способы создания здоровой и конкурентной среды в дошкольных учреждениях, исследуются способы достижения успеха и в то же время устраняются существующие проблемы и недостатки.

**Annotation.** This article defines the role and importance of the preschool education system in the upbringing of a harmoniously developed person, in the life of society. It highlights ways to foster a health-

hy and competitive environment in preschools, explore ways to achieve success, and at the same time address existing challenges and short comings.

**Kalit soʻzlar:** innovatsion qobiliyat, intellektual salohiyat, kreativ yondashuv, metodik qoʻllanma, metin iroda, rivojlanish koʻrsatkichi, maʼnaviyat, mafkura.

**Ключевые слова:** инновационные способности, интеллектуальный потенциал, креативный подход, методическое пособие, железная воля, показатель развития, духовность, идеология.

**Key words:** Innovative ability, intellectual potential, creative approach, methodical manual, hard will, development indicator, spirituality, ideology.

Oʻzbekiston Respublikasi istiqbolni dastlabki yillaridayoq oʻz milliyligini qadr-qimmatini, ajdodlardan qolgan boy maʼnaviy merosini tiklash yoʻlida, jamiyat hayotining har bir jabhasida sobitqadamlik bilan ish olib bormoqda. Xususan, bugungi kunda barcha sohalarida rivojlanish boʻlgani kabi, taʼlim tizimida katta oʻzgarishlar amalga oshirilmoqda. Buning isbotini esa Yurtboshimiz rahbarligida uzluksiz taʼlimning eng asosiy boʻgʻini fundamenti hisoblangan maktabgacha taʼlim tizimini rivojlantirishning konseptual yoʻnalishlari ishlab chiqilishi, qonun, qarorlarni qabul qilinishi hamda yangi vazirlik tasarrufida amalga oshirilayotgan keng koʻlamli ishlar miqqiyosida ham yaqqol koʻrishimiz mumkun. Yurtimizning shahar tuman markazlaridan olisda boʻlgan eng chekka qishloqlarda ham jahon andozalariga mos keladigan zamonaviy jhozlar bilan taʼminlangan osmonoʻpar binolar qad koʻtarmoqda va bunyodkorlik ishlari jadal surʼatlarda uyushqoqlik hamjihatlikda olib borilmoqda.

Mutaxassis va pedagoglarning ilmiy xulosalariga koʻra, inson oʻz umri davomida oladigan barcha axborot va maʼlumotning 70 foizini 5 yoshgacha boʻlgan davrda oladi. Bu esa bolalarimizni har tomonlama aqlan yetuk, manan barkamol shaxs boʻlib voyaga yetishida, jamiyat hayotida maktabgacha taʼlim tizimining oʻrni beqiyos ekanligidan dalolat beradi.

Bugungi kunda eng dolzarb muammo, eng ogʻriqli nuqta bu yuqori malakali pedagog kadrlarning yetishmasligidir. Maktabgacha taʼlim tizimida pedagog xodimlarga boʻlgan talab yuqori boʻlishi bilan birgalikda, kelajagimiz egalari boʻlgan yoshlarni tarbiyalashdek muhum va zalvorli vazifa turgan ekan, bu pedagoglarga zimmasiga katta masʼuliyat yuklaydi. Shunday ekan, pedagog oʻzi ustida tinimsiz izlanishlar olib boradigan, yangilik yarata oladigan, zamon talablarini tez va chuqur anglab yetadigan, oʻzining ilmiy, ijtimoiy, siyosiy saviyasini izchillik bilan olib boradigan, mustaqil gʻoya va mafkura bilan qurollangan, kasbini yaxshi biladigan, yuksak matonat egasi boʻlishni talab etadi. Inson shaxsini maʼnaviy kamolga yetkazishda, yuksak xulq-odob, ilm-fanni chuqur egallash asosidagina amalga oshirish mumkun.

Qadim-qadimdan ota-bobolarimiz yoshlarning taʼlim-tarbiyasiga katta eʼtibor berganlar. Xususan, Sharq mutafakkirlaridan boʻlgan Abdulla Avloniy oʻzining, “Turkiy guliston yoxud axloq” asarida tarbiya haqida qimmatli fikrlarni bildirgan. “Tarbiya bizlar uchun yo–hayot, yo–mamot, yo–najot, yo – halokat, yo – saodat yo – falokat masalasidir” deb bejizga aytmaganlar. Bu fikrlarning zamirida bola bir niholga qiyoslanadi, niholni qaysi tomonga yoʻnaltirsa, oʻsha tomonga qarab oʻsadi va uning toʻgʻri oʻsishi, rivojlanishi, kamol topishida ota-onalar hamda pedagoglarning hamkorlikdagi olib boradigan saʼy-harakatlari va ish faoliyatlari bilan chambarchas bogʻliqdir.

Darhaqiqat, bugungi kunda maktabgacha taʼlim tizimida bolalarni har tomonlama barkamol shaxs qilib tarbiyalashda qator muammolarga va kamchiliklarga duch kelamiz. Bu muammolar quyidagilar: sohada jahon andozalariga mos keladigan axborot-kommunikatsiya texnologiyalari bilan taʼminlanmaganligi, 3 yoshdan 7 yoshgacha boʻlgan bolalarning toʻliq maktabgacha taʼlim tashkilotlariga qamrab olinmaganligi, bolalarni innovatsion fikrlash qobiliyati, intellektual rivojlanishi uchun zamin boʻlgan metodik qoʻllanmalar mavjud emasligi, bolalarni qobiliyatlarini, qiziqishlarini, kreativ yondashuvini hisobga olgan holda, individual mashgʻulotlar olib borish imkonining yoʻqligi, jismoniy chiniqtirish borasida suv muolajasi boʻyicha gigiyenik talablarga javob beradigan moddiy-texnik bazaning mavjud emasligi, turli xil chet tillarni oʻrgatish imkoniyatlarining kamligi shular jumlasidandir.

Chunonchi, yuqoridagi muammolarni hisobga olgan holda, bu kamchiliklarni bartaraf etishda maktabgacha taʼlim tizimida ijodkorlik muhitini jadallashtirish, taʼlim-tarbiya sifatini tubdan isloh qilish maqsadida mustahkam bilimga, metin irodaga ega boʻlgan pedagog xodimlarni sohaga jalb etish va bolalarga shaxsiy madaniyat asoslarini, uning hissiy farovonligini, individual qobiliyatini, moyilligini shakllantirish, shu bilan birgalikda, tarbiyalanuvchilarni mustaqil fikriga ega boʻlishi, tashabbuskorligi, ijodkorligi, qiziquvchanligi, kommunikativ va intellektual salohiyatini rivojlantirish muhum ahamiyatga ega boʻlib, bu zamon talabidir. Yuksak natijalarga erishish yoʻlida davlat va nodavlat maktabgacha taʼlim tashkilotlari faoliyatini rivojlantirish barobarida, bolalarni, imkon qadar, barchasini qamrab olish, ularning rivojlanganlik

darajasi, qiziqishi va individual ko'rsatkichlarni inobatga olgan holda qisqa muddatli guruhlar faoliyatini takomillashtirish, turli yo'nalishdagi xoreografiya, kitob savodxonligi, tasviriy san'at, musiqa to'garaklarini tashkil qilish hamda amaliyotda tatbiq etish maqsadga muvofiqdir.

Hayotimizni hal qiluvchi ahamiyatga ega bo'lgan ta'lim-tarbiya tizimi sifati, natijadorligi haqida gap ketganda zamon talablariga to'liq javob beradigan metodik qo'llanmalar va innovatsion axborot texnologiyalarisiz yutuqlarga erishish imkoni yo'q. Buni hisobga olgan holda, har qanday ta'limning asosini, ya'ni negizini metodik qo'llanmalar tashkil qiladi desak, mubolag'a bo'lmaydi, maktabgacha ta'lim tashkilotini sifat ko'rsatkichlarini yuqori pog'onalarga ko'tarishda metodik qo'llanmalar yetakchi rol o'ynaydi.

Xususan, maktabgacha ta'lim tashkilotlarida pedagogik faoliyatni, ya'ni mashg'ulotni mazmunli, tushunarli, esda qolarli bo'lishi uchun bolalarning diqqati tarqoq ekanligini hisobga olgan holda, kommunikatsion axborot texnologiyalaridan foydalanib, multimediali o'quv mashg'ulotlar olib boriladi. Bu multimediali mashg'ulotlar asosida bolalarning turli xususiyatlari: kuzatuvchanligi, diqqatini barqaror ushlay olishi, tushuna olishi, bilish faolligini qamrovini kengayishi, yangiliklarga qiziqishi, nutq malakasi, kelajakni tasavvur qilishi, mustaqilligi, tashkilotchiligi, tashabbuskorligi, vaziyatni to'g'ri baholay olish kabi ko'nikma va malakalari takomillashib boradi.

Maktabgacha yoshdagi bolalarni moyilligini, qiziquvchanligini, individual xususiyatlarini va motivatsiyasining yo'nalganligini e'tiborga olib turli to'garaklar faoliyatini yo'lga qo'yish joizdir. Bu to'garaklar orqali bolalarning talanti, qobiliyati rivojlanadi. Masalan, musiqa to'garagi orqali turli no'talarni ajrata oladi, ritmik harakatlarni bajara oladi, musiqa asboblarni chalishni o'rganadi, xoreografiya to'garagi orqali raqsga tushishni, qo'lning nozik harakatlarini o'rganadi, tasviriy san'at to'garagi orqali bolalarning estetik didi, nafasoti, rasm chizish mahorati shakllanadi, kitob savodxonligi to'garagi orqali bolalarning nutqi, diqqati, xotirasi, tafakkuri, bilish jarayonlarini rivojlantirish bilan bir vaqtning o'zida, qobiliyatlarini mustahkamlashda to'garaklar faoliyati benihoya kata u bolalarni kreativ g'oyalar tomon yo'naltiradi, yangiliklar kiritishi uchun zamin hozirlaydi.

Haqiqatdan ham, xulosa qilib aytish joizki, maktabgacha ta'lim tashkilotlarida sog'lom va raqobatbardosh muhitni shakllantirish bilan birgalikda, bugungi kun pedagog-tarbiyachilar ongiga yangilik kiritish, yangi pedagogik texnologiyalar bilan qurollangan holda ta'lim sifatini yaxshilash maqsadida yangi metodikalarni kashf qilish va amaliyotga joriy etish muhim ahamiyatga ega zamon talabi desak ham, mubolag'a bo'lmaydi. Biz bu sa'y-harakatlarimiz orqali yuqori malakali, zamonaviy fikrlaydigan, ongi yuksak, aqli teran, xulq-atvori bilan o'zgalarga ibrat bo'ladigan ma'nan baquvvat, jismonan sog'lom, farzandlarimizning ta'lim tarbiyasida misli ko'rinmas zafarlar quchishi, ulkan marralarga erishishi yo'lida bor kuch g'ayratimizni safarbar etamiz. Zero, kelajagimiz, ertangi kunimiz yoshlar qo'lida ekan, ularni har tomonlama yetuk, barkamol inson qilib tarbiyalash barchamizning muqaddas burchimizdir.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. F.R.Qodirova, Sh.Q.Toshpo'latova. Maktabgacha pedagogika. "Tafakkur", Toshkent, 2019, 218-ber.
2. O'.M.Asqarova, M.Hayitboyev, M.S.Nishonov. Pedagogika. "Talqin", T., 2008, 106-ber.
3. Sh.Sodiqova. Maktabgacha pedagogika. "Sharq", Toshkent, 2013, 135-ber.
4. A.Xoliqov. Pedagogik mahorat. "Iqtisot-moliya", Toshkent, 2011, 27-ber.
5. Sh.Shodmonova. Maktabgacha ta'lim pedagogikasi. O'quv-metodik qo'llanma, Toshkent, 2008, 41-ber.
6. N.Atayeva, F.Rasulova, M.Salayeva, S.Hasanov. Umumiy pedagogika, "Fan va texnologiya", Toshkent, 2012, 306-ber.
7. X.To'raqulova. Maktabgacha ta'lim muassasalarida ma'naviy-ma'rifiy ishlar. "Fan va texnologiya", Toshkent, 2013, 83-ber.

**Buvajonova Mohiraxon Usmonali qizi (Farg'ona davlat universiteti Maktabgacha va boshlang'ich ta'lim fakulteti Boshlang'ich ta'lim uslubiyoti kafedrasida o'qituvchisi)**

#### **KICHIK YOSHDAGI O'QUVCHILARNING TALAFFUZI VA NUTQINI RIVOJLANTIRISHGA KREATIV YONDASHUV ONA TILI TA'LIMIDA O'QUVCHILARNING INDIVIDUAL SO'Z BOYLIгинINI OSHIRISH**

*Annotatsiya. Ushbu maqolada kichik yoshdagi o'quvchilarning talaffuzi va nutqini rivojlantirishga kreativ yondashuv, ona tili ta'limida o'quvchilarning individual so'z boyligini oshirish va uni rivojlanti-*



rish yo'lida qilinadigan ishlar va amaliy ko'rsatmalar berilgan. Maqola mavzu asosida to'liq yoritilgan va kerakli ma'lumotlar keltirilgan.

**Аннотация.** В этой статье представлен творческий подход к развитию произношения и речи учащихся младшего школьного возраста с практическими рекомендациями и работами, направленными на повышение индивидуального словарного запаса учащихся и его развитие в обучении родному языку. Статья полностью освещает тему и содержит необходимую информацию.

**Annotation.** In this article, we present a creative approach to the development of the pronunciation and speech of young learners in the field of mother tongue education, in order to increase the individual vocabulary of learners and to develop it, the work to be done and practical instructions are given. The article is fully covered on the basis of the topic and contains all the necessary information.

**Kalit so'zlar:** nutq, madaniyat, nutq qobiliyati, kreativ, talaffuz.

**Ключевые слова:** речь, культура, речевые навыки, креатив, произношение.

**Key words:** speech, culture, ability to speak, creative, pronunciation.

Nutq – bolaning yuqori nerv faoliyati rivojlanishini baholashning eng muhim parametrlaridan biridir. Uning rivojlanishi chaqaloqning birinchi oyi bilan boshlanadi va 5–6 yoshga qadar faol davom etadi.

Tug'ilgandan buyon chaqaloq nutq qobiliyatiga ega emas va onasining e'tiborini jalb qilish uchun u qichqiradi. Asta-sekin miyaning miyelinatsiyasi (rivojlanishi) bilan birga, yangi imkoniyatlar ham paydo bo'ladi: hayotning 5–6 haftaligacha bola "agukatga", ya'ni oddiy tovushlarni (masalan, a, gu, uh, uh) talaffuz qilishni boshlaydi. Aslida, bu yurish deb nomlanadi va yosh bolalar nutqining rivojlanishida muhim bosqichdir. Keyingi oylarda siz chaqaloqning "uzoqroq" vaqtga, to'rt yoki besh oyga va har xil tovushlarga to'g'ri kelganligini sezasiz.

Olti oydan so'ng, bola "ma-ma-ma", "ba-ba-ba", "gu-gu-gu" kabi shaxsiy she'rlarni takrorlaydi. Bundan tashqari, siz rivojlanayotganingizda chaqaloq sizning ovozingizni takrorlaydi, lekin o'z tilida "suhbatlashganda".

Hayotning birinchi yilining oxiriga kelib, bola 8 dan 14 gacha so'zni gapiradi, u tushunadigan ma'nosi (ona, ayol, ber, yo'q). Ikki yil davomida bolalar so'zma-so'z so'zlashuvlarida yoshi 200 ga yaqin so'zlar bilan rivojlanadi. Uch yoshga to'lgan bola vaqtini, ishlarni qanday ishlatishni tushunishga tushadi.

Yoshligida nutqni rivojlantirish uchun nima qilish kerak?

Nutqni rivojlantirishning dastlabki ikki bosqichi – yurish va chayqalish bir-birini ta'qib qiladi va bolada o'zboshimchalik bilan ro'y beradi. Biroq, chaqaloqni davom ettirish uchun, normal rivojlanish bilan "qadam" bo'lgan edi – u bilan shug'ullanishingiz kerak.

Hech bo'lmasa, bolangiz bilan aniq gapirish, so'zlarni buzib ko'rsatish, nima qilayotganingizni tushuntirish, o'yinchoqlarning nomlarini e'lon qilishdan ko'ra, gapirish. Albatta, agar bola sog'lom, tinch va yaxshi kayfiyatda bo'lsa, bu usul ishlaydi. Bolalar pediatri, bolaning jismoniy jihatdan ancha rivojlanganligini, nutqni shakllantirish qobiliyatini qanchalik yaxshi bilishini ta'kidladi, ya'ni faol nutqni o'rganish osonroq bo'ladi.

Lekin nima qilish kerak, agar siz bolangiz bilan uyda ishlasangiz, u hamma gaplar bilan gaplashishi kerak, lekin bu sodir bo'lmaydi. Men ogohlantiruvchi ovoz kerakmi? Ushbu savolga javobni tajribali terapevt, KBB va nevrolog bilan maslahatlashib olish mumkin. Agar patologiya tashqarida bo'lsa, mashqlarni o'zingiz boshlang.

Bolalarda izchil nutqni ishlab chiqish. Yosh bolalarda izchil nutqni rivojlantirish uchun ularning ruhiyatining ba'zi xususiyatlarini hisobga olish kerak. Faqat bu holda siz natijaga erishishingiz mumkin.

Bolaga ishlaydigan tamoyillar quyidagilarga asoslangan:

- bola erta yoshda, har bir narsada kattalarga taqlid qilishga harakat qiladi, shuning uchun ish samaradorligini oshirish uchun "kattalar" o'yinlarida u bilan o'ynaydi. Lilyuyu silkit, "o'simlik" qumdagi gul, kublarning uyini qurish. Bunday holatda, ismlarni aniq talaffuz qilishingiz kerak, shuning uchun bolangiz o'z harakatlaringizni takrorlashi, oxirida ishlata oladigan passiv so'zlar to'plashi kerak;

- bola, agar bilim unga o'yin shaklida taqdim etilsa va u yaxshi kayfiyatda bo'lsa, o'qitiladi;

- yosh bolalarning izchil nutqini rivojlantirish;

- bolaning biror narsani eslashi uchun bir xil so'zlarni takror-takror aytish juda zerikarli. Faqat shu tarzda uning xotirasida yangi so'zlar aniqlanadi;

- bolaning tajribasiga mos keladigan o'yinlarni – u duch kelgan narsalar haqida o'ylang. Misol uchun, agar bola hech qachon sigir ko'rmagan bo'lsa, uni "mo'jiza" deb aytishni o'rgata olmaydi. Sinflar oldidan bolani mavzu bilan tanishtiring va faqatgina davom eting;

●bola uzoq vaqt davomida diqqatni jamlashni qiyinlashtiradi – o‘yinlarni qisqa, lekin sizning ma’lumotingizni berishga harakat qiling;

●bolani maqtang. U sevgi va qo‘llab-quvvatlashingizni his qilishi kerak.

To‘liq aqliy rivojlanishning eng muhim sharti – bu bolaning nutqini o‘z vaqtida to‘g‘ri bajarishdir.

Maktabgacha ta’lim muassasasida bolalar nutqini rivojlantirish o‘qituvchilar tomonidan turli xil faoliyat turlari bo‘yicha amalga oshiriladi: to‘g‘ridan to‘g‘ri o‘quv mashg‘ulotlarida, shuningdek, mashqlar o‘tkaziladi, ularning maqsadi nutqning sog‘lom tomonini rivojlantirish va bolalar lug‘atini boyitish; nutqning grammatik tuzilishini va bog‘liq nutqni rivojlantirish bo‘yicha o‘yinlar va mashqlar o‘tkaziladi.

O‘qituvchilar o‘zlarining mavzularini, qismlarini to‘g‘ri va aniq nomlash, uning xususiyatlarini, xususiyatlarini turli xil faoliyat turlarida (yurish uchun, guruhda, turli xil rejim jarayonida, o‘yinda) tavsiflash imkoniyatidan foydalanadilar. Shu bilan birga, o‘qituvchilar vazifani aniq ifodalaydilar, savollarni aniq ko‘taradilar. Bu so‘zlarni tushunish va ishlatish o‘rtasidagi munosabatni saqlab turishga imkon beradi, bu, o‘z navbatida, bolalarning o‘z fikrlarini aniq va to‘liq ifoda etish qobiliyatini yaxshilaydi, og‘zaki muloqotning samaradorligini oshiradi.

Bolalarning nutqini maksimal darajada oshirish uchun o‘qituvchilar bolalarni muayyan mavzu bo‘yicha suhbatlarga jalb qilishga qaratilgan va o‘yinlar kattalar duch keladigan bir qator masalalar bo‘yicha o‘z fikrlarini bildirishga imkon beradigan o‘yinlarni o‘tkazadilar. O‘yinlarda bolalar ba’zi rollarni o‘ynashadi, lekin ularni o‘ynashmaydi, balki gapirishadi. O‘qituvchilar aniqlik, aniqlik, bog‘liqlik, ifodalilik kabi nutq fazilatlarini amalga oshirishga erishadilar. Bolalarning og‘zaki ko‘rsatmalarini bajarishda mashq qilish, nutqni tushunishni rivojlantirishga alohida e’tibor beriladi. Bolalar aytadigan so‘zlariga katta qiziqish bildirishadi: “...bola talaffuz fiziologiyasiga nisbatan qiziquvchanlik uchun begona emas. U talaffuzda qaysi organlar ishtirok etayotgani bilan qiziqadi, hatto bu yo‘nalishda tajriba o‘tkazishga tayyor».

O‘qituvchilar katta yoshdagi bolalar o‘rtasidagi og‘zaki muloqotning faol ishtirokchilari va tashkilotchilaridir. Ular bolani boshqa bolalarga o‘z yangiliklari haqida gapirib berishga, bolalarning savollari va bayonotlariga e’tiborni jalb qilishga, ularni javob berishga va gapirishga undashga taklif qilishadi.

Bola bilan suhbatda o‘qituvchilar xabarning mazmuni va shakliga e’tibor berishadi, grammatik xatolarni nozik tuzatishadi. Bo‘sh vaqtlarida o‘qituvchilar bola bilan individual shug‘ullanishadi, bu esa bolada qiyinchiliklarga olib keladigan nutqni rivojlantirish tomonini rivojlantiradi. Tarbiyachilar bolalarga sayrda, bolalar bog‘chasiga borishda nimalarni ko‘rganliklari to‘g‘risida gapirish, motivatsiya, kuzatish savollaridan foydalangan holda, so‘zlar yaratish, bolaning so‘z bilan namoyon bo‘lishiga faol javob berishlari uchun imkoniyat yaratadilar. bu sizga majoziy nutqni rivojlantirishga imkon beradi.

O‘qituvchilar bolalarga to‘g‘ri adabiy nutq namunalarini berishga, nutqni aniq, ravshan, rang-barang, to‘liq, grammatik jihatdan to‘g‘ri, ifodali, ixcham qilishga harakat qiladilar. Nutq odob-axloqining turli xil shakllari nutqga kiritilgan. “Bolalar bilan sekin, tushunarli va tushunarli tilda gapiring, qiyin, tushunarsiz iboralardan qoching, lekin, so‘zsiz, to‘g‘ri adabiy tilda gapiring, umuman, bolalar nutqini yoqimli, ammo har doim ham noto‘g‘ri deb bo‘lmaydi”.

Topishmoq va topishmoq topish, shuningdek, katta maktabgacha tarbiyachining nutqining ko‘p qirrali rivojlanishiga ta’sir qiladi. Jumboqdagi turli xil ifoda vositalaridan foydalanish metaforik tasvirni yaratish (personifikatsiya, so‘zning noaniqligini, ta’riflar, epitetsiyalar, taqqoslash va maxsus ritmik tashkil etish) katta maktabgacha tarbiyachining nutqining badiiy shakllanishiga yordam beradi.

Topishmoqlar so‘zlarning noaniqligi tufayli bolalarning so‘z boyligini boyitadi, so‘zlarning ikkinchi darajali ma’nolarini ko‘rishga yordam beradi, so‘zning majoziy ma’nosi haqida g‘oyalarni shakllantiradi. Ular rus tilidagi nutqning ovozli va grammatik tuzilishini o‘rganishga yordam beradi, ularni lingvistik shaklga e’tibor qaratishga va uni tahlil qilishga majbur qiladi, bu FAning tadqiqotlarida tasdiqlangan.

Xalq qo‘shiqchlari, bolalar bog‘chalari va gulbarglar, shuningdek, nutqni rivojlantirish uchun darslarda ishlatilishi mumkin bo‘lgan ajoyib nutq materialidir. Ularning yordami bilan siz fonemik quloqni rivojlantirishingiz mumkin.

Maktabgacha ta’lim muassasasida diksiyani rivojlantirish ham katta maktabgacha yoshdagi nutqni rivojlantirishning dolzarb vazifasidir. Ma’lumki, bolalarda nutq organlari, vosita apparatlari hali ham yetarlicha muvofiqlashtirilmagan va aniq ishlamaydi. Ba’zi bolalar uchun haddan tashqari shoshqaloqlik, so‘zlarning noaniq talaffuz qilinishi. Yana bir ekstremal holat kuzatiladi: so‘zlarni talaffuz qilishda haddan tashqari sekin, cho‘zilgan uslub. Maxsus mashqlar bolalarga diksiyani yaxshilash orqali bunday qiyinchiliklarni engishga yordam beradi.

Diktant mashqlari, maqollar, maqollar, qo'shiqlar, topishmoqlar, til sirlari ajralmas materialdir. Folklarning kichik shakllari qisqa va aniq shaklda, chuqur va ritmikdir. Ularning yordami bilan maktabgacha yoshdagi bolalar aniq va aniq talaffuzni o'rganadilar, badiiy fonetika maktabidan o'tadilar. O'rtacha ta'rif bilan K.D.Ushinskiyning maqollari va so'zlari "bolaning tilini rus tilida sindirishga" yordam beradi.

Bola yetti yoshga yetganida, og'zaki nutqning grammatikasini amaliy yo'l bilan egallab oladi deyish mumkin. Bolaning nutqni ana shunday amaliy egallab olishi, keyinchalik, savod chiqarish va tiliing grammatikasini o'rganishga imkon beradi. Maktabga kelish arafasida bolaning so'z boyligi o'z fikrini bayon eta oladigan darajada ortadi. Agar bu yoshdagi normal rivojlanayotgan bola o'z nutqida 500–600 so'zni ishlatadi, olti yoshli bola 3000–7000 so'zni ishlatadi. Boshlang'ich sinf yoshidagi bolalar nutqi asosan ot, fe'l, sifat, son va bog'lovchilardan iborat bo'ladi. Bu yoshdagi bolalar o'z nutqlarida qaysi so'zlarni ishlatgani afzalu, qaysilarini ishlatish mumkin emasligini farqlay oladilar. 6–7 yoshli bola o'z jumllarini murakkab grammatik tizimda tuza oladi. Bola butun bolalik davrida nutqni jadal ravishda egallab boradilar va nutqni o'zlashtirish ma'lum bir faoliyatga aylana boradi. 7–9 yoshli bolalarning o'ziga xos yana bir xususiyati, bola nutqida o'z fikrini bayon etibgina qolmay, balki o'z suhbatdoshining diqqatini o'ziga jalb qilishini ham biladilar. Bu davrda yozma nutq ham shakllana boshlaydi.

Yozma nutq jumllarini to'g'ri tizimli va so'zlarni to'g'ri yozilgan ma'lum talablar qo'yilganligi bilan xarakterlanadi. Bola so'zlarni qanday eshitgan bo'lsa, shundayligicha yoza olmasligini bilishi, uchun to'g'ri talaffuz etishga va yozishga o'rgatishi zarur. Yozma nutqni egallashi asosida bolalarda turli matnlar haqidagi ma'lumotlar yuzaga keladi. Bu davrda yozma nutq endigina shakllana boshlaganligi bo'lsa, bolada hali o'zi yozgan fikrlarni so'z va harflarni nazorat etishi malakasi hali rivojlanmagan bo'ladi. Lekin unga ijod qilish imkoniyati beriladi. Ushbu mustaqil ijodiy ish maktab yoshidagi o'quvchilarda berilgan mavzuni anglash, uning mazmunini aniqlash fikrini bayon etish uchun ma'lumot to'plash, muhim jihatlarini ajratib olish, uni ma'lum ketma-ketlikda bayon etish, reja tuzish malakasini yuzaga keltiradi. Jumllarni to'g'ri tuzish, aynan shu mazmunga mos so'zlarni topish va ularni to'g'ri yozish, tinish belgilarini to'g'ri qo'yish, o'z holatlarini topa olish va to'g'irlash aqliy rivojlanishning ko'rsatkichlaridan hisoblanadi.

**Бованова Умида Абдувахобовна (Денов Тадбиркорлик ва педагогикаси  
институтини ўқитувчиси, мустақил изланувчи; [umidabovanova@gmail.com](mailto:umidabovanova@gmail.com))**

### **БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА АТРОФ-МУҲИТГА ИЖОБИЙ МУНОСАБАТНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ**

**Аннотация.** Мазкур мақолада бошлангич синф ўқувчиларида атроф-муҳитга ижобий муносабатни шакллантиришнинг илмий-педагогик жиҳатлари атрофлича очиб берилган. Шунингдек, бошлангич синф ўқувчиларида атроф-муҳитга ижобий муносабатни шакллантиришда болалар билан ишлашда қўлланилиши мумкин бўлган баъзи усул, техника ва инновациялар кўрсатиб ўтилган.

**Аннотация.** В статье подробно описаны научно-педагогические аспекты формирования положительного отношения к окружающей среде у младших школьников. В нем также показаны некоторые методы, приемы и нововведения, которые можно использовать в работе с детьми для формирования у учащихся начальной школы положительного отношения к окружающей среде.

**Annotation.** The article describes in detail the scientific and pedagogical aspects of the formation of a positive attitude to the environment in primary school children. It also shows some methods, techniques and innovations that can be used in working with children to form a positive attitude to the environment in primary school students.

**Калим сўзлар:** бошлангич синф, ўқувчи, атроф-муҳит, ижобий муносабат, экологик таълим, экологик тарбия, экологик маданият, экологик лойиҳа, принцип.

**Ключевые слова:** начальный класс, ученик, окружающая среда, позитивное отношение, экологическое образование, экологическое воспитание, экологическая культура, экологический проект, принцип.

**Key words:** primary school, student, environment, positive attitude, environmental education, environmental culture, environmental project, principle.

**Кириш.** Мамлакатимизда мавжуд аксарият мактабгача таълим муассасаларида болаларни табиат ва атроф-муҳит билан таништириш машғулоти ташкил қилинганлиги эътиборга молик. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев тўғри таъкидлаганидек, «Энг муҳим масала – аҳолининг экологик маданиятини ошириш ҳақида жиддий бош қотиришимиз зарур. Албатта, бундай муаммоларни фақат маъмурий йўл билан ҳал этиб бўлмайди, бунга ёш авлод қалбида она табиатга меҳр-муҳаббат, унга дахлдорлик ҳиссини тарбиялаш орқали эришиш мумкин».<sup>1</sup> Шу боисдан ҳам мамлакатимизда мактабгача таълим муассасаларнинг 70 фоизида экологик таълим учун махсус хоналар бор ва уларнинг 16 фоизида болалар табиатни парвариш қилишни ўрганадиган «Атроф-муҳит сўқмоқлари» ташкил қилинган. Ўзбекистонда барча бошланғич мактабларда атроф-муҳит мавзулари 1- ва 2-синфларда «Атрофимиздаги дунё» ва 3- ва 4-синфларда «Инсон ва табиат» фанларида ўтилади. Бироқ умумтаълим ва ўрта мактабларда айнан экология дарслари йўқ. Фақатгина атроф-муҳитга тегишли баъзи мавзулар табиий фанлар ва саломатлик ва соғлом турмуш тарзи фанлари мавзуларига сингдирилган, холос. Шунингдек, биохилма-хиллик, инсон ва ер, сув – ҳаёт манбаи мавзуларида 5–9-синфга қадар қўшимча ўқув материали сифатида қўлланмалар яратилган, холос. 2005 йилда «Бошланғич мактабда экологик таълим» методологик қўлланма ишлаб чиқилган бўлса, 2009 йилда 5–9-синфгача ўқитувчилар учун «Инсон ва табиат» қўлланмаси чоп этилган.

**Асосий қисм.** Тадқиқот мавзудан келиб чиққан ҳолда, шуни таъкидлаш мумкинки, бошланғич синф ўқувчиларида атроф-муҳитга ижобий муносабатни шакллантиришнинг асосий йўналиши – аниқ-образли тафаккурдан мавҳум-манتيкий тафаккурга ўтиш ҳисобланади. Бошланғич синф ўқувчиларида атроф-муҳитга ижобий муносабатни шакллантириш жараёни, дастлаб, билишнинг ҳиссий босқичида содир бўлади. Яъни, бола атроф-муҳит ҳақида, дастлаб, 5 та сезги аъзо орқали тасаввурга эга бўлади. Бошланғич синф ўқувчиларида атроф-муҳитга ижобий муносабатни шакллантиришда тафаккур шакллари ҳам устувор аҳамият касб этади. Шунингдек, бошланғич синф ўқувчиларида атроф-муҳитга ижобий муносабатни шакллантиришда таснифлаш, таққослаш, ўхшатиш, синтез, мавҳумлаштириш, умумлаштириш, тизимлаштириш ёрдамида амалга оширилади. Шундай қилиб, ўқувчиларда атроф-муҳитга ижобий муносабатни шакллантириш тўғрисида доимий қайғуришга йўналтирилган ўқув фаолиятини ташкил этиш устувор аҳамият касб этади.

Афсуски, бугунги кунда биз кундалик ишларга ва ташвишларга берилиб, тирик ва жонсиз табиат дунёси абадий эмаслигини, унга инсоният томонидан кўпроқ зарар кўрсатаётганлигини бевосита ҳис қилмаяпмиз. Бу жараён, албатта, болаликдан таълим ва тарбияни узвийлигини таъминлаш асосида олиб борилиши лозим.

Бундан келиб чиқадики, экологик таълимнинг асослари, ҳатто мактабгача ёшда болалар онги ва руҳиятига сингдириб бориш долзарб ҳисобланади. Шу ўринда, экология сўзининг этимологиясига тўхталиб ўтсак. Экология сўзи юнонча *oikos* – «ватан, уй» ва *logos* – «фан, таълимот» маъносидаги сўзлардан ташкил топган бўлиб, биргаликда яшайдиган тирик организмларнинг ўзаро ва теварак-атрофдаги муҳит билан муносабатини, шунингдек, олам ва биосфера ўртасидаги муносабат масалаларини ўрганувчи фан номини билдиради.<sup>2</sup>

Экологик тарбия, авваламбор, болаларни инсонпарварлик, хайрихоҳлик, ҳиссий муносабат ва уларнинг атрофидаги дунёга қизиқишини тарбиялашга хизмат қилади. Зеро, атроф-муҳитни болага таъсири жуда катта. Чунки ҳар куни болалар у ёки бу шаклда атроф-муҳитдаги турли нарсалар ёки ходисалар билан алоқага киришадилар, яъни улар қушларни, хашаротларни, ҳайвонларни, қишда, қор парчаларини, кузда, сарғайган барглари, ёмғирни кузатишади, табиат ҳақидаги шеърлар ва ҳикояларни тинглашади ва табиат ходисалари, ўсимликларга ғамхўрлик қилишни ўрганадилар. Табиат болаларни, биринчи навбатда, ўзининг гўзаллиги, рангларининг ёркинлиги, хилма-хиллиги билан ўзига жалб қилади. Шу боисдан «Экологик тарбия мактабгача ёшда, мактаб даврида, мактабдан кейинги, маҳалла, меҳнат жамоаси ҳамда кексалик даврида турлича мазмун, шакл ва методлар ҳамда ёндашувларда амалга оширилади».<sup>3</sup> Болалар биринчи аниқ билим ва тажрибани ҳам шу табиатдан олади.

Атроф-муҳит билан бундай алоқа, бир томондан, боланинг ҳиссий тажрибасини бойитади, бошқа томондан, унинг тасаввурини кенгайтиради ва боланинг атроф-муҳит тўғрисида турли са-

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т., «Ўзбекистон», 2018, 570-бет.

<sup>2</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли, 5-жилд, Т., Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008, 25-бет.

<sup>3</sup> Исмоилов А., Аҳадов Р. Экологик таълим-тарбия. Т., «Ўқитувчи», 1997, 18-бет.

воллари ва қизиқишларини пайдо бўлишига катта ёрдам беради. Болалар, одатда, жуда қизиқувчан, табиат ҳодисалари ва нарсаларига катта эътибор билан қарайдиган бўладилар. Бу эса ота-оналар ва ўқитувчилар учун болани атроф-муҳит тўғрисида яна-да кўпроқ билим олишлари учун муносиб шарт-шароит яратиб беришни тақозо этади. Ота-оналар ва ўқитувчилар олдида турган бундай вазифалар жумласига болаларда атроф-муҳит жонли ва жонсиз нарсаларга бўлган муҳаббат ва ҳурмат туйғусини ривожлантириш, уларнинг табиат ҳақидаги ўз тасаввурларини бойитиш, болага нафақат билим бериш, балки ўз ҳиссиётларини эркин ифода этиш имкониятини бериш жуда муҳимдир. Шу боисдан ҳам бошланғич синф ўқувчиларида атроф-муҳитга ижобий муносабатни шакллантириш уларни ўзларини ва атрофида содир бўлаётган барча нарсани тўғри тушунишга ўргатади. Болаларнинг ўзи меҳр ва муҳаббатга муҳтож. Шу билан бирга, улар барча жонзотларга бепарқ ва бекиёс даражада ўзларининг меҳрларини беришга қодирдир. Қани, энди улардаги бу меҳроқибатни сақлаб қолишнинг имкони бўлса. Бунинг учун, аввало, болаларни табиатда ҳам, одамлар орасида ҳам ўзини тўғри тутишга ўргатиш лозим. Боланинг меҳрибон, сабр-тоқатли, тинч ва осойишта бўлиб ўсиши ва бахтли бўлиши учун биз, катталар болалик инсон ҳаётининг муҳим қисми эканлигини эсдан чиқармаслигимиз керак.

Бошланғич синф ўқувчиларида атроф-муҳитга ижобий муносабатни шакллантиришда болалар билан ишлашда қўлланилиши мумкин бўлган баъзи усул ва методларни кўриб чиқишимиз эътиборга молик. Атроф-муҳитга ижобий муносабат нуқтаи назаридан, метод – бу тарбиячи ва болаларнинг биргаликдаги фаолияти усули бўлиб, унинг давомида экологик билим, кўникмаларни шакллантириш қобилиятлари ва атроф-муҳитга муносабатни тарбиялаш жараёни самарали амалга ошириладиган усулдир. Атроф-муҳитга ижобий муносабатни шакллантиришдаги техника эса бу муайян усулнинг ўзига хос элементидир.

Атроф-муҳитга ижобий муносабатни шакллантириш усулини ташкил этадиган техникалар қанчалик бой ва хилма-хил бўлса, ўқув ва билим вазифаси шунчалик муваффақиятли ҳал қилинади. Шу боисдан ҳам Н.Ж.Исакулова «Узлуксиз таълим жараёнида ўқувчиларга фанлараро экологик тарбия беришда вариатив дидактик функцияларни қуйидагилардан иборат эканлигини алоҳида қайд этади:

- экологик мазмунда машқ бажариш, масалалар ечиш, диктинат ва баёнлар ёзишда кўшимча топшириқлардан фойдаланиш;
- экологик мазмундаги дарсларни фанлараро боғланишда турли услубларнинг бир нечтасидан фойдаланган ҳолда ташкил этиш;
- дарсдан ташқари машғулотларни ўқувчининг турли қизиқишлари асосида турли услублардан фойдаланиб олиб бориш;
- экологик мазмундаги тестларни ўтказишда мазмуннинг бир хиллигига эътибор берган ҳолда, савол-жавоблар хилма-хиллигига эришиш;
- фанлараро экологик тарбия бериш юзасидан ўқувчи билими, кўникма ва малакаларини баҳолаш хилма-хиллигини инобатга олиш. Мазкур вариатив дидактик функцияларнинг ҳар бири бажарилишида, бир вақтнинг ўзида, ҳар хилликка эришишга эътибор берилади»,<sup>1</sup> деган эди.

Атроф-муҳит ҳақида фикрлашнинг асосий шакллари ва болалар фаолияти услубларига мувофиқ, 4 та усул мавжуд:

1. Атроф-муҳит ҳақидаги визуал усуллар (кузатиш, намойиш қилиш, намойиш қилиш, текшириш). Визуал усуллар–ўсимликлар, ҳайвонлар, жонсиз ва тирик табиатнинг табиий ҳодисалари тўғрисида аниқ маълумот тўплашнинг энг мақбул усуллари дир. Унинг ёрдами билан бола нафақат объектларнинг ташқи параметрларини (ранги, тузилиши, ҳиди, шакли ва бошқалар), балки уларнинг атроф-муҳит билан алоқаларини ҳам ўрганади.

2. Атроф-муҳит ҳақидаги етарли даражада тасаввур ҳосил бўлиши учун оғзаки усуллар (сухбат, ҳикоя, бадий адабиётни ўқиш усуллари: тушунтириш, кўрсатма, педагогик баҳо, савол, тушунтириш, масалан, уй гуллари ёки уй ҳайвонлари ҳақида ҳикоя тузиш) ҳам муҳим аҳамият касб этади.

3. Атроф-муҳит ҳақидаги муҳим тасаввурларни шаклланишида амалий усуллар ҳам қўл келади. Амалий усуллар бу турли машқлар, элементар тажрибалар, моделлаштириш, болалар тажри-

---

<sup>1</sup> Исакулова Н.Ж. Узлуксиз таълим жараёнида ўқувчиларга фанлараро экологик тарбия бериш назарияси ва амалиёти. Педагогика фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати, Тошкент, 2012, 17-бет.

басига, амалий вазиятларга, қидирув ҳаракатларига, сўрономаларга асосланиб, моделга мувофик иш тутишдир.

4. Ўйин усуллари эса бу атроф-муҳит ҳақидаги дидактик ўйинлар, ўйин ҳолати, ўйинчоқлар билан ҳаракатлар, ҳаракатларга тақлид қилиш, яшириш ва қидириш, очиқ майдонда ўйнаш, эпизодик ўйин техникаси, топишмоқлардан иборатдир. Бошланғич синф ўқувчиларида атроф-муҳитга ижобий муносабатни шакллантиришда экологик лойиҳалар ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Экологик лойиҳа – бу, аввало, тадқиқот жараёнида муайян вазифаларни ҳал этиш. Экологик лойиҳаларнинг вазифалар кўлами ҳар хил бўлиши мумкин, у лойиҳанинг вақти, ёши ва шунга мос равишда болаларнинг имкониятлари, мактабгача таълим муассасасининг таълим дастурларининг мазмуни билан белгиланади (ҳар қандай лойиҳа умумий таълим майдонига мос келиши керак). Экологик лойиҳалар болалар фаолиятининг барча турлари ва барча таълим соҳаларини бирлаштиришни ўз ичига олади, шунинг учун лойиҳа фаолияти давлат ва жамият талабларига мувофик яратилади. Зеро, «...Ўзбекистон бой қазилма ва табиий ресурсларга, қудратли иқтисодий ва инсоний салоҳиятга эга. Бироқ бизнинг энг катта бойлигимиз – бу халқимизнинг улкан интеллектуал ва маънавий салоҳиятидир».<sup>1</sup>

Бошланғич синф ўқувчиларида атроф-муҳитга ижобий муносабатни шакллантириш жараёнидаги турли шакл ва усуллар болаларнинг ёш хусусиятларига қараб танланиши керак. Кичик ва ўрта мактабгача ёшдаги болалар, табиийки, энг оддий кузатиш усулларида фойдаланадилар ва ўз тадқиқотлари натижаларини, асосан, расм ва қисса шаклида умумлаштирадилар. Болаларнинг ёши қанчалик катта бўлса, ўқитувчининг етакчилик роли шунчалик кам, тадқиқотнинг ҳажми эса шунчалик катта бўлади.

Экологик лойиҳаларни амалга оширишда ота-оналар иштирок этиши ҳам муҳим зарурат ҳисобланади. Бу, айниқса, болаларни ўз ота-оналари билан биргаликда хунармандчилик, расм чизиш ва биргаликда тажриба ўтказишда жуда муҳимдир. Шу боисдан ҳам ота-оналарни турли даражадаги танловлар ва кўргазмаларда фаол иштирок этиши жуда муҳимдир. Чунки ота-оналар ҳам ўз фарзандлари билан биргаликда турли даражадаги расмлар, фотосуратларни тўплайдилар ва фарзандлари билан биргаликда табиат маҳсулотларидан хунармандчилик буюмларини тайёрлайдилар. Бу жараёнда ҳар бир оиланинг фаол иштироки эътибордан четда қолмайди. Бошланғич синф ўқувчиларининг экологик тарбияси барча оила аъзоларининг экологик маданиятини шакллантиришга қаратилган доимий тарбиялаш жараёни билан чамбарчас боғлиқдир.

Экологик лойиҳа натижалари турли хил кўргазмалар, байрамлар, кўнгилочар тадбирлар, ярмаркалар, китоблар ва буклетлар дизайни ва бошқалардан иборат бўлиши мумкин.

Бошланғич синф ўқувчиларида экологик маданиятни тарбиялаш ушбу йўналишдаги ишлар қуйидаги тамойилларни ҳисобга олган ҳолда амалга ошади:

1. Илмийлик принципи бошланғич синф ўқувчиларини дастлабки экологик билимлар билан таништиришни назарда тутаяди, улар боланинг ҳаракатлари учун мотивацияни шакллантириш, билимга қизиқишни ривожлантириш ва унинг дунёқараши асосларини шакллантириш учун асос бўлиб хизмат қилади. Ҳатто Ушинский ҳам «болалар учун фанни рад қилмасликни», яъни, «илм-фаннинг турли соҳаларидан болага ва унинг дунёқарашини ривожлантиришга фойдали бўлиши мумкин бўлган хабарларни» тавсия қилади. Шу билан бирга, у таъкидлаганидек, бир томондан, илмий билимларни болаларнинг тушунчаси даражасига сунъий равишда туширмаслик керак, бошқа томондан, бошланғич синф ўқувчиларига уларнинг ақлий ривожланиш даражасидан юқори бўлган билимларни бермаслик керак.

2. Мавжудлик принципи. Маълум бир ёшдаги бола учун материалнинг мавжудлиги принципи жуда муҳимдир ва у илмий характер принципи билан чамбарчас боғлиқдир. Бошланғич синф ўқувчиларининг экологик таълимидан илмий атамаларни чиқариб ташлаш керак, аммо уларнинг баъзиларининг мазмуни болаларга тушунарли ва жозибали шаклда тушунтирилиши ҳам мумкин.

3. Инсоният принципи. Ушбу принцип, биринчи навбатда, экологик маданият тушунчаси билан чамбарчас боғлиқ. Таълим нуқтаи назаридан уни қўллаш янги кадриятлар, истеъмол маданияти асосларига эга бўлган, ўз соғлиғига ғамхўрлик қиладиган ва соғлом турмуш тарзини олиб боришни хоҳлайдиган шахсни шакллантиришни англатади. Экологик таълимнинг мазмуни, шунингдек, боланинг табиатнинг бир қисми сифатида инсон тўғрисида ва табиатнинг ички кадрият-

<sup>1</sup> Шавкат Мирзиёев. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Т., “Ўзбекистон”, 2016, 13-бет.

лари ҳақидаги ғояларини шакллантиришга, сайёрамиздаги барча ҳаёт шаклларига ҳурмат билан муносабатда бўлишга ёрдам бериши керак. Экологик таълим методикасини танлашда инсонпарварлик принципи ўқитиш ва тарбиялашнинг авторитар моделидан шахсга йўналтирилган моделга, катталар ва бола ўртасидаги ҳамкорлик педагогикасига, ўқитишни интерактив шаклига ўтишни англатади.

4. Башорат қилиш принципи. Башорат қилиш принципи одатларни ўстиришни ва баъзи бир кундалик ҳаракатларни атроф-муҳит билан боғлиқ ҳолда баҳолашни, табиатга зарар етказадиган бўлса, ўз хоҳиш-истакларини чеклашни ўз ичига олади.

5. Фаолият принципи. Фаолиятга асосланган ёндашув мактабгача ёшдаги болалар учун экологик таълимнинг асосини ташкил этади. Бола ўқув жараёнида ўрганадиган экологик билим унинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича турли хил амалга ошириладиган тадбирларда фаол иштирок этиш мотивациясини шакллантириш учун асос бўлиб хизмат қилади. Фаолият принципи турли хил экологик лойиҳаларнинг марказида жойлашади.

6. Интеграция принципи. Интеграция принципи боланинг турли хил фаолиятларини экологлаштиришни назарда тутаяди.

7. Изчиллик принципи. Изчиллик принципи (ҳар бир кейинги шаклланаётган ғоя ёки концепция олдингисидан келиб чиқади ва бутун тизим унинг марказий ядроси вазифасини бажарадиган маълум бир бошланғич позицияларга таянади) бўлса, билимларни кетма-кет ўзлаштиришдир.

Болаларни табиат билан таништириш жуда ҳам мураккаб жараён ҳисобланади. Бу, бир томондан, расмий мантиқнинг қатъий доирасига мос келмаслиги билан боғлиқ. Бошқа томондан, бола доимо катталар табиат ҳодисалари, нарсаларга нисбатан элементар нормалар ва хатти-ҳаракатлар қоидаларини қандай бузаётганини кўради: дарахт шохларини синдириш, ахлатларни дам олиш жойларида қолдириш шулар жумласидандир. Бундай ҳолларда, агар бола бунга эътибор берган бўлса, сиз унга катталар нотўғри иш қилаётганини ўз вақтида айтишингиз керак бўлади. Инсон табиат бойликларидан оқилона ва эҳтиёткорлик билан фойдаланиши керак, шундагина табиат ҳам инсонни саҳийлик билан муқофотлайди. Шу боисдан ҳам боланинг экологик маданиятини тарбиялашга қаратилган барча ҳаракатлар катталарни бефарқ қолдирмаслиги керак.

Бугунги кунда экологик таълим долзарб муаммоларни ҳал этишда устувор аҳамият касб этмоқда. Шу ўринда нега айнан бугунги кунда экологик таълим ва тарбия масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда? Деган ўринли савол туғилади. Одамларнинг билимсизлиги атроф-муҳитни бузилишига олиб келмоқда, натижада ўсимлик ва ҳайвонларнинг айрим турлари йўқ бўлиб кетмоқда, бу эса экологик мувозанатнинг бузилишига олиб келади, албатта.

Экологик таълим – бу маънавият, ақл, ахлоқ тарбияси бўлиб, уни энг кичик ёшдан бошлаш талаб этилади. Табиат болага турли товушлар, ҳидлар орқали катта таъсир кўрсатиб уни нафақат қувонтиради ёки ҳайратга солади балки уни атрофдаги олам гўзаллиги ҳақида туйғуларини тарбиялайди. Болани ўз атрофидаги гўзалликни кўришга ўргатиш, унга жонли ва жонсиз табиат тўғрисида, сайёрамизнинг келажакда боғлиқ бўлган энг ақлли мавжудот сифатида инсоннинг роли тўғрисида элементар ғоялар беришдан бошланади. Бу жараёнда ўқитувчи олдида турган вазифалар қуйидагилардан иборат бўлади:

1. Ахлоқий тарбия. Яқин атроф-муҳит билан танишиш асосида атроф-муҳитга нисбатан инсонпарвар, эмоционал ижобий, ғамхўр муносабатни тарбиялаш айнан ахлоқий тарбия асосида амалга ошади. Шунингдек, бу жараёнда боладаги атрофдаги олам гўзаллигини кўриш қобилиятини тарбиялаш; табиат объектларига нисбатан хушёқинлини ривожлантириш ҳам устувор аҳамият касб этади.

2. Интеллектуал ривожланиш. Бу жараёнда болаларда жонли ва жонсиз табиат ҳақидаги тушунчаларни шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, табиатдаги муносабатлар тўғрисида элементар ғояларни шакллантириш, уларнинг баъзи ҳаракатларининг атроф-муҳит билан боғлиқ оқибатларини олдиндан билиш қобилияти, болалар орасида табиатдаги тирик мавжудотларнинг аҳамиятини тушунишга ёрдам бериш; табиатни асраб қолиш истагини тарбиялаш, агар керак бўлса, унга ёрдам бериш (жонли нарсаларга ғамхўрлик қилиш) жараёни бу интеллектуал ривожланиш босқичида алоҳида ўринни эгаллайди.

3. Эстетик ҳиссиётларни ривожлантириш босқичида табиатнинг гўзаллигини кўриш ва ҳис қилиш қобилияти, унга қойил қолиш, уни асраб қолиш истаги устувор ўринни эгаллайди.

4. Мактабгача ёшдаги болаларни дунё билан таништириш жараёнида тирик объектлар билан амалий фаолият, кузатувлар, тажрибалар, тадқиқот ишлари ва дидактик материаллар билан ишлаш орқали экологик маданият асосларини шакллантириш мумкин бўлади.

Бошланғич синф ўқувчиларида атроф-муҳитга ижобий муносабатни шакллантириш вазифини амалга ошириш тамойиллари қуйидагилардан иборат: материал ҳажмини босқичма-босқич ошириш; табиий муҳитдан бирламчи фойдаланиш: болалар боғчаси ва мактаб, маҳалла худудларининг яшил майдонидаги ўсимликлар ва ҳайвонлар; болаларни сезгир таассуротларининг хилма-хиллигига, сўнгра аниқ ғояларга, кейин ғояларни умумлаштиришга ўтиш; амалий фаолиятнинг ҳар хил турларидан кенг фойдаланиш; болаларда қизиқиш ва ижобий ҳис-туйғуларни уйғотадиган методлардан фойдаланган ҳолда, когнитив материалларни тақдим этиш ва бошқалар шулар жумласидандир.

Н.Ж.Исакулова фикрича, «Атрофимиздаги табиат ҳақидаги билимлар қуйидагича ўзлаштирилади:

- жонли, жонсиз табиатнинг ўзаро алоқадорлиги ва фарқи;
- табиат жисмлари ва уларнинг хусусиятлари;
- табиат компонентлари ва уларнинг ўзаро алоқадорлиги;
- табиат ҳодисалари ва уларнинг таъсири;
- коинот ва унинг Ер сайёраси билан алоқадорлиги;
- Ўзбекистон табиати ва уни муҳофаза қилиш;
- атрофимиздаги табиатга оқилона муносабатларни шакллантириш;
- ҳайвон ва ўсимликлар иштирокида машқ-масалалар ечиш, расм ва ҳайкалларга ишлов бериш, ижодий топшириқ ва муаммоли саволларни ҳал этиш».<sup>1</sup>

Бошланғич синф ўқувчиларида атроф-муҳитга ижобий муносабатни шакллантириш экологик таълимсиз амалга ошмайди. Масалан, синфда табиат бурчаги яратилди, у ерда гулларга ғамхўрлик қилиш пайтида болалар гулларни тўғри парвариш қилиш қобилиятига эга бўладилар, ҳар бир гул ўзига хос гўзаллиги ва ғамхўрликка муҳтожлигини билиб оладилар. Амалий фаолиятда болаларнинг индивидуал намоён бўлиши уларнинг экологик тарбияси ва маданияти даражасининг кўрсаткичидир. Одатда биз болаларнинг эътиборини гулзорларга, дарахтларга, қушларга, йилнинг турли вақтларида содир бўладиган ўзгаришларга қаратамиз. Болалар ўқитувчи ёрдамида куннинг давомийлиги, об-ҳаво, ўсимликлар ва ҳайвонлар ҳаётидаги ўзгаришлар тўғрисида хулоса чиқардилар. Шунингдек, болаларда когнитив қизиқишни ривожлантириш учун кум, ер, лой, қор, муз, сув хусусиятлари билан танишиш бўйича муҳим тажрибалар ўтказилади. Бундай тажриба асосида биз кузатилган ҳодисанинг сабабини очиб берамиз, болаларни мустақил фикр ва хулосалар чиқаришга ўргатамиз. Бу жараёнда табиий материаллар билан ўйинлар ташкил этилади. Шунингдек, сайр қилиш пайтида дидактик ўйинлар ўтказилади, масалан, «Мевага ном беринг», «Мавсумлар», «Таърифи бўйича топинг», «Бу содир бўлганда» ва бошқалар. Шамол билан ишлайдиган ўйинчоқлар ёрдамида биз шамол йўналиши ва унинг кучини аниқлашга ҳаракат қиламиз. Биз ўқувчиларда атроф-муҳитга ижобий муносабатни шакллантиришда бадиий адабиётдан ҳам самарали фойдаланишга ҳаракат қиламиз.

Табиат ҳақидаги бадиий-фалсафий ғоялар болалар ҳиссиётларига чуқур таъсир қилади. Булар Худойберди Тўхтабоев, Абдулла Суюмов, Тўхта Бобоев, Ҳакимжон Каримов, Баҳодир Саримсоқов, Сафо Очил, Қозоқбой Йулдошев, Саид Алимов, Асқар Зуннунов, Ҳамидулла Болтабоев, Тулан Низом ва бошқаларнинг асарларида ёрқин ифодаланган. Болалар билан бу бадиий адабиёт дурдоналарини ўқиганимиздан сўнг, биз улар билан яқиндан суҳбат ўтказамиз, саволлар берамиз. Бу суҳбат асносида, болалар атроф-муҳитдаги гўзаллик, қувонч, завқни ифода этадилар. Болаларга ғамхўрлик ва муҳаббат намоён бўладиган саволларни беришлари жуда ёқимлидир: «Уни кимдир қутқармайдими?», «Ва улар музлаб қолмайдими?», «Нега унга ҳеч ким ёрдам бермади?» каби саволлар орқали биз болаларга ишнинг мазмун-моҳиятини етказишга ҳаракат қиламиз. Гуруҳ болаларга маълум бўлган «Она-ватан табиатининг билимдонлари», «Табиатни асранг», «Қушлар куни» викториналарини, интеллектуал ўйинларини ўтказиш ҳам бу жараёнда муҳим ҳисобланади.

<sup>1</sup> Исакулова Н.Ж. Экологик тарбияга оид тушунчаларни шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари. Узлуксиз таълим тизимида инновацион педагогик технологиялар. Мақолалар тўплами. Т., «Extremum press», 2010, 40-бет.



**Хулоса.** Бошланғич синф ўқувчиларида атроф-муҳитга ижобий муносабатни шакллантиришда байрамлар ва ўйин-кулгиларнинг роли катта. Бу каби байрамларда таниш бўлган мусиқа асарлари, шеърларни ёдлаш ва янгиларини яратиш жуда муҳимдир. Болаларга экологик таълим бериш бўйича ота-оналар билан ишлашда анъанавий шакллардан фойдаланилади (ота-оналар йиғилишлари, консультациялар, суҳбатлар). Бунда куйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш муҳим: «Дарахт экинги», «Кушларга ёрдам беринг», «Она-Ватан табиатини асрайлик». Бундай аксияларда болалар ота-оналари билан биргаликда фаолият олиб бориш имкониятига эга бўладилар. Болалар учун ота-оналарининг ўрни ва табиатига муносабати жуда муҳимдир. Шундай қилиб, комплекс ёндашувни муваффақиятли амалга оширишнинг энг муҳим шарты – бу катталар шахсий намунаси билан болаларга табиатга тўғри муносабатни намоёниш этадиган ва ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, табиатни муҳофаза қилишда фаол иштирок этадиган муҳитни яратишдир.

**Raxmedova Manzura Azadovna (Urganch davlat  
universiteti Pedagogika va psixologiya kafedrasi o'qituvchisi)**  
**MAHMUD ZAMAXSHARIY ASARLARIDA TA'LIM-TARBIYAGA OID MASALALAR**

**Annotatsiya.** *Mazkur maqolada Mahmud Az-Zamaxshariy va uning asarlaridagi ta'limiy-axloqiy masalalar pedagogik jihatdan yoritilgan bo'lib, yoshlarga ta'lim-tarbiya berishda, ularning ma'naviyatini rivojlantirishda alloma yaratgan asarlar muhim pedagogik manba bo'lib xizmat qiladi. Allomaning "Navobig' ul-kalim", "Maqomat az-Zamaxshariy", "Atvok uz-zahab" kabi asarlari pedagogik jihatdan tahlil qilingan.*

**Аннотация.** *В данной статье педагогически решаются воспитательно-нравственные вопросы Махмуд Аз-Замахшари и его произведений, а созданные ученым труды служат важным педагогическим источником в воспитании молодежи и развитии ее духовности. Педагогически проанализированы такие произведения ученого, как «Навобиг уль-калим», «Макомат аз-Замахшари», «Атвок уз-захаб».*

**Annotation.** *In this article, educational and moral issues of Mahmud az-Zamakhshari and his works are pedagogically solved, and the works created by scholars serve as an important pedagogical source in the education of young people and the development of their spirituality. Such works of the scientist as "Navobig ul-kalim", "Makomat az-Zamakhshari", "Atvok uz-zahab" are analyzed pedagogically.*

**Kalit so'zlar:** *hikmatli so'z, maqomat, komil inson, ma'naviy-axloqiy tarbiya, insoniy fazilatlar, olijanoblik, ilmiy-nazariy yo'nalish, tarbiyaviy ta'sir, ilm-fan, taraqqiyot.*

**Ключевые слова:** *мудрость, авторитет, совершенный человек, духовно-нравственное воспитание, человеческие качества, благородство, научно-теоретическая направленность, воспитательное влияние, наука, развитие.*

**Key words:** *wisdom, authority, perfect man, spiritual and moral education, human qualities, nobility, scientific and theoretical orientation, educational influence, science, development.*

Jamiyatdagi ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, ma'naviy-ma'rifiy o'zgarishlar pedagogika sohasida ham yangi zamonaviy ilmiy-nazariy yo'nalishlarini belgilashni, kam o'rganilgan yoki alohida tadqiq etilmagan allomalar hayoti va ijodini o'rganishni kun tartibiga qo'yimoqda.

Keyingi yillarda O'zbekistonda ham mazkur yo'nalishga alohida e'tibor qaratilmoqda. Ana shu yangilanishlar zamirida pedagogik asarlar, xususan, buyuk allomalar ilmiy merosini tadqiq qilish ham yangi pog'onaga ko'tarildi.

Prezident Sh.Mirziyoyev ta'kidlaganidek: "Jo'shqin Amudaryodan suv ichib, muqaddas va tabaruk Xorazm tuprog'ida unib-o'sgan, xalqimiz tarixida o'chmas iz qoldirgan Abu Rayhon Beruniy, Muhammad Muso al-Xorazmiy, Mahmud Zamaxshariy, Najmiddin Kubro, Pahlavon Mahmud, Nosiruddin Rabg'uziy, Sulaymon Boqirg'oniy, Sakkokiy, Munis, Feruz, Ogahiy, Bayoniy va boshqa ko'plab allomalar, shoir va mutafakkirlarning nomlari jahon sivilizatsiyasi tarixiga haqli ravishda oltin harflar bilan bitilgan".<sup>1</sup> Ushbu fikrlarning o'zi ham allomalarning pedagogik qarashlarini, ularning yashash tarzi aks etgan asarlarni o'rganishni taqozo qiladi.

<sup>1</sup>Mirziyoyev Sh. Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalqimiz bilan birga quramiz. T., "O'zbekiston", 2017, 241-bet.

Ilm-fan taraqqiyotiga o'zining beqiyos hissasini qo'shgan Sharq allomalaridan biri bo'lgan Az-Zamaxshariy Xorazm zaminidan yetishib chiqqan olimlardan biri. Uning bebaho ilmiy merosini o'rganish, turli sohalar bo'yicha yozib qoldirilgan asarlarni har jihatdan keng ko'lamda tadqiq etish, hozirgi kunda dolzarb masala deb qaralmoqda.

Az-Zamaxshariy haqidagi ma'lumotlar, asosan, o'rta asr arab manbalarida, qisman ma'lumotlar esa olimning o'z asarlarida keltirilgan. Az-Zamaxshariyning hayoti va faoliyatini yoritishda Ibn Xallikon («Vafoyot al-a'yon»), Ibn al-Anbariy («Nuzhat ul-alibbo fi tabaqat il-udabo»), Yoqut al-Hamaviy («Mu'jam al-udabo»), Ibn al-Javziy («Al-Muntazam»), Jaloluddin as-Suyutiy («Bug'yot al-vuot»), Ibn al-Qiftiy («Inbah ar-Ruvot») va boshqa arab mualliflarining asarlari asosiy manbalar rolini o'taydi.<sup>1</sup> Ushbu mualliflar keltirgan daliliiy ma'lumotlarni umumlashtirgan holda, Az-Zamaxshariyning oilasi, yoshlik yillari haqida muayyan tasavvurga ega bo'lish mumkin.

Alloma Zamaxshariy yetmishdan ortiq asarlar yozgan. Hozirgi davrgacha ularning aksar qismi bizgacha yetib kelgan. Olimning ko'p asarlari qayta-qayta nashr qilingan va hozirgi vaqtda ham tadqiqotchilar tomonidan yangidan yangi nashrlar tayyorlanib, chop etilmoqda.

Hozirgi vaqtda sodir bo'layotgan ulkan o'zgarishlardan biri boy va qadimiy madaniy merosimiz, tariximiz, dinimiz, qadriyatlarimiz, madaniyatimizni munosib baholash va yanada ravnaq toptirishiga alohida ahamiyat berilayapti. Shu nuqtayi nazardan, Maxmud Zamaxshariyning hayoti va samarali ijodiy faoliyati o'rganilmoqda. Asarlari o'zbek tiliga tarjima qilinmoqda va tadqiqotlar olib borilmoqda. Mahmud Zamaxshariyning «Navobig' ul-kalim», «Maqomot az-Zamaxshariy», «Atvoq uz-zahab» asarlari va boshqa kitoblarning ayrim qismlari badiiy nasrning yuksak namunalari sifatida e'tirof etiladi.

Maxmud Zamaxshariy «Navobig' ul-kalim» asarida ta'limiy va axloqiy g'oyalarni ilgari suradi. Az-Zamaxshariy Makkada yashagan paytida yozilgan bu asari «Al-Kalim an-navobig'» deb ham yuritiladi.<sup>2</sup> Alloma ushbu asarida insonga xos fazilat va xususiyatlarni yuksak darajada hikmatli so'zlar orqali ko'rsatadi. Jumladan,

Yoki ilmi bo'l, yoki ilmga tayanib ish tutadigan bo'l, loaqal ilmni tinglab eshitadigan bo'l, biroq to'rtinchisi bo'lma, chunki kasodga uchrab halok bo'lasan. Zamaxshariy ilm insonning ziynati ekanligini va hayotda ilmi kishilar ko'p, ammo unga amal qilmaydigan shaxslar borligidan kuyunadi. U ilmi va donishmand insonlarni osmondagi yulduzlarga qiyoslaydi.

*Yer-u zaminning ko'rkamligi olimlar bilan bo'lsa, osmon-u falakning ziynati esa yulduzlar bilan-dir, deydi u.*

*Ilm-u ma'rifatli odam takabburlik qiluvchi doimo nodon kimsalarning burnini to'zon-tuproqqa to'l-dirur. Ya'ni alloma o'zini boshqalardan ustun qo'yadigan axmoq kishilarni ma'rifatli va ziyoli inson hamisha oz bilimi salohiyati orqali dog'da qoldiradi deb ta'kidlaydi*

Mard va olijanob kishining eng go'zal fazilatlaridan biri o'z birodarining ayblarini bekitib, uning barcha ishlarini bamisoli o'zining ishlari o'rnida ko'rib ish tutishidir.

Biz bilamizki, insonga xos bo'lgan fazilatlardan biri – bu mardlik, jasurlik va olijanoblikdir. Az-Zamaxshariy ushbu hikmatli so'zida inson o'z do'stini aybini o'ziniki deb bilishi, doimo birodariga yordam ko'rsatishini shu ikki sifat orqali ifodalaydi.

*Vijdonli kishi xavfdan xoli yashasa, xiyonat qiluvchi kishi behalovat yashaydi.*

Az-Zamaxshariy vijdoni pok, iymoni but kishi har doimo tinch, osuda yashaydi, ammo xiyonatkor kishi hamisha halovatsiz umr kechiradi, deb uqdiradi.

Mahmud Zamaxshariy ushbu asarida keltirgan hikmatli so'zlarida ilm insonlarga hayotda o'z o'rnini topishiga yordam berishini va barkamol shaxs bo'lib yetishida asosiy poydevor ekanligini, do'stlik, birodarlik kabi sifatlarni ulug'laydi.

Zamaxshariyning pedagogik qarashlari aks etgan asarlaridan biri uning «Maqomat» asari hisoblanadi. «Maqomat» («Maqomlar») – ellik maqomdan iborat bo'lib, qofiyali nasr – saj uslubining nozik namunalarini o'zida mujassam etgan muhim asardir.<sup>3</sup> Bu ellikka maqom turli mavzularni o'z ichiga qamrab olgan bo'lib, turli majlislarda, o'tirishlarda pand-nasixat, o'git tarzida so'zlash uchun kerak bo'ladigan hikmatli so'zlar, badiiy san'atlar, she'riy parchalar, masallar, hikoyatlardan iborat. Alloma bu asarida yaxshilik va yomonlik haqida ma'lumot beradi. Unda yaxshilik va yomonlikni bir-biriga taqqoslab, yax-

<sup>1</sup>Nozik iboralar (Sharhlar muallifi va tarjimon U.Uvatov. Nashrga tayyorlovchi Asad Dilmurod). T., «Kamalak», 1992, 4-bet.

<sup>2</sup> Shu manba.

<sup>3</sup><https://kh-davron.uz/kutubxona/islomiy-adabiyot/har-kunning-bir-hikmati-bor-zamaxshariy-hikmatlari.html>

shilik qancha bo'lsa ham, oz, yomonlik esa ozgina bo'lsa ham, qanchalik halokatli oqibatlariga olib kelishini ko'rsatgan, shuning uchun ham u insonlarni ogohlikka va mehr-oqibatga chaqirgan.

Demak, hayotda inson yaxshilik qilsa, yomonlikdan qochsa, axloqiy yuksaklikka, farovonlikka, tezroq erishadi; shaxsiy munosabatlarda xiyonat, g'azab, kibr, hasad, munofiqlik kabi illatlar asta-sekin yo'qolib, xushxulqlik, shirinsuxanlik, halollik, bag'rikenglik singari fazilatlar ko'proq o'rin egallab boradi, natijada yaxshilikning ustuvor bo'lishiga olib keladi.

Maxmud Zamaxshariyning "Atvoq uz-zahab fi-l-mavoi'z va-l-xutab" ("Xutbalar va va'zlar bayonida oltin shodalar") – nasihatomuz maqolalar to'plamidan iborat. Asar birinchi marta 1835-yili olmon olimi Fon Xomir tomonidan nemischaga tarjima qilinib, arabcha matni bilan nashr etilgan. O'ttiz yilcha o'tgach, fransuzchaga tarjima qilinib, 1886-yili Parijda chop etilgan. 1873-yili esa usmonli turk tiliga tarjima qilinib, Istambulda nashrdan chiqqan...<sup>1</sup>

Ushbu asarda inson tarbiyasi, yetuk komil inson masalasi, jamiyat hayotiga salbiy ta'sir qiluvchi illatlar haqida fikr yuritiladi. Zamaxshariy insonga doimo ilmlil, adabli, taqvodor bo'lishni, ular insonga eng mehribon ota-ona kabi yaqin bo'lishini uqdiradi. Ota-ona farzandlariga doimo yaxshi niyat qilib, ularga ezgulik tilaganlari kabi, ilm, adab taqvo insonga to'g'ri yo'lni ko'rsatadi. Insonning asl otasi bu uning adabidir. Adab bebosh farzand uchun otadan ham yaxshi tarbiyachi. Taqvo-parhezkorlik esa insonning asl onasidir. U onadan ham dilkashroqdir. O'zingni shu ikki mehribon murabbiy bag'riga topshir va ulardan zinxor ayrilma. Shundagina seni Tangri taolo o'zining ne'matlari bilan serob qilur hamda hayoting fayzu barokotli bo'lur. Maxmud Zamaxshariy insonni kamtarlikka undab, manmanlikdan yiroq bo'lishga chaqiradi. Demak, Maxmud Zamaxshariy insonni komillikka yetaklovchi ezgu xislatlar haqida gapirib ularni to'g'ri yo'lga boshlaydi.

Xulosa o'rnida shuni aytish lozimki, Maxmud Zamaxshariyning ushbu asarlarida ta'limiy-axloqiy sifatlar yaqqol ochib berilgan. Xususan, yaxshilik insonning axloqiy va amaliy faoliyatida yuzaga chiqib, unda kamtarlik, ochiqko'ngillilik, mardlik, halollik, olijanoblilik, adolat, rostgo'ylik kabi fazilatlar mujassam bo'ladi. Yomonlik – yaxshilikning ziddi, shaxs va jamiyat taraqqiyotiga to'sqinlik qiluvchi illat. Yolg'ochilik, pastkashlik, munofiqlik, behayolik, rahmsizlik, nomardlik, xiyonat kabi tushunchalarda namoyon bo'ladi. Ilm esa eng yuksak darajadagi fazilatli amaldir, chunki u ikki dunyo saodatining kalitidir. Inson ilm va ma'rifat bilangina chinakam shaxsdir. Insonning hayotini to'g'ri yo'lga solmagan, uning fe'l-atvorida, amalida ta'siri bilinmagan, to'g'ri yo'lga yetaklamagan ilmda yaxshilik, xayr-baraka yo'qdir. Shuning uchun o'rganilgan emas, amal qilingan ilm haqiqiy ilm sanaladi.

Mahmud Zamaxshariyning pedagogik asarlari insonlarni ezgulik, xayrli ishlarga undab, ularni buzg'inchilik, yomon ishlardan qaytarishga qaratilgan bo'lib, bu, o'z navbatida, yoshlarimizni tarbiyalashda va ularning ma'naviyatini rivojlantirishda muhim manba bo'lib xizmat qiladi.

**Qosimova Mavluda Navro'zovna (Toshkent davlat Texnika universiteti**

**Olmalik filiali O'zbek tili va adabiyoti kafedrasi katta o'qituvchisi)**

### **CHET TILI FANLAR SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA DIDAKTIK O'YINLARDAN FOYDALANISH**

***Annotasiya.** O'yin vositasida talabalarning bilim olishlari qulaylashadi va ular turli xil narsalar bilan munosabatda bo'lishga o'rganadilar. Dars davomida didaktik o'yinlardan foydalanish talabalarni muammoli vaziyatga tushirish, muammoni hal qilishda atrofdegilarning ta'siri kerakligini his qilish, o'zaro muomala qilish malakalarini oshiradi hamda ko'rish, eshitish, tahlil qilish, fikrlash qobiliyatlarini va hamkorlikda ishlash ko'nikmalarini rivojlantiradi.*

***Аннотация.** Через посредство игр обучаемым создаются благоприятные условия для получения знаний. Применение дидактических игр во время проведения занятий "погружает" обучаемых в проблемные ситуации, создаёт у них ощущение необходимости воздействия окружающих на решение проблем, повышает их квалификацию в вопросах взаимодействия, развивает у них такие способности обучаемых как видеть, слышать, анализировать, размышлять, а также навыки совместной работы.*

***Annotation.** Through intermediary of teaching games is creating appropriate conditions for getting knowledge by students. Implementation of didactical games during lesson "absorbs" students into case*

<sup>1</sup>Ma'naviyat yulduzlari (markaziy osiyolik mashhur siymolar, allomalar va adiblar). T., «Xalq merosi», 1999, 123-bet.

*studying, creates the filling of impressing to environment necessity for the problem solving, increasing their qualification in the inter personal relationship, develops such abilities as seeing, listening, analyzing, thinking, as well as working in partnership.*

**Kalit so‘zlar:** talaba, didaktik o‘yinlar, muammoli vaziyat, ko‘rish, eshitish, tahlil qilish, fikrlash qobiliyati, hamkorlikda ishlash.

**Ключевые слова:** студент, дидактические игры, проблемная ситуация, способности видеть, слышать, анализировать, размышлять, совместная работа.

**Key words:** student, didactical games, case study, abilities of seeing, listening, analyzing, and thinking, working in partnership.

Shu usullardan biri bo‘lgan individual o‘qitish jarayonini amalga oshirishga yo‘naltirilgan jamoa bo‘lib, qo‘llab-quvvatlash usuli talabiga ko‘ra, talabalar individual topshiriqlar ustida kichik guruhlariga bo‘lingan holda ishlaydilar. Bu jarayonda ular bir-birlariga maslahat, ko‘mak so‘rab murojaat qiladilar, o‘zaro fikr almashadilar. Shu bilan bir qatorda, talabalar bir-birlarining ishlarini tekshirib, yo‘l qo‘yilgan xatolarni tuzatishda o‘zaro yordam ko‘rsatadilar.

O‘qituvchi navbatma-navbat guruh a‘zolarining ishlarini kuzatadi, guruhlar bo‘yicha o‘quv materiallarini oydinlashtiradi.

Chet tillarning asosiy maqsadi talabani o‘qishga bo‘lgan ijobiy munosabatini, bugungi kunda eng zarur bo‘lgan o‘qish, yozish savodxonligi, turli ma‘lumotlar bilan ishlash, asosiy bilimni o‘zlashtirishda bilish va ularni kundalik hayotda qo‘llay olish, mantiqiy va ijodiy fikrlash, o‘z-o‘zini boshqarish, jamoada va jamiyatda o‘zini tuta bilish, yozma va og‘zaki muloqot madaniyati qoidalarini egallash, ta‘limiy faoliyatni tashkil etish kabi ko‘nikmalarni shakllantirishdan iborat.<sup>1</sup>

Hozirgi kunda ta‘lim jarayonida innovatsion texnologiyalar, pedagogik va axborot texnologiyalarini o‘quv jarayoniga qo‘llashga bo‘lgan qiziqish, e‘tibor kundan kunga kuchayib bormoqda. Buning asosiy sabablaridan biri – an‘anaviy ta‘limda talabalar faqat tayyor bilimlarni egallashga o‘rgatilgan bo‘lsa, talabalarga chet tillarni o‘rgatishda zamonaviy texnologiyalar asosida egallayotgan bilimlarini o‘zlari qidirib topishlariga, mustaqil o‘rganib, tahlil qilishlarga, hatto xulosalarni ham o‘zlari keltirib chiqarishlariga o‘rgatadi. O‘qituvchi bu jarayonda shaxsning rivojlanishi, shakllanishi, bilim olishi va tarbiyalanishiga sharoit yaratiladi.

Pedagogik texnologiya – bu, ta‘lim shakllarini optimallashtirish maqsadida texnik vositalar, inson salohiyati hamda ularning o‘zaro ta‘sirini inobatga olib, o‘zlashtirishning barcha jarayonlarini aniqlash, yaratish va qo‘llashning tizimli metodidir. Aniqroq qilib aytganda, pedagogik texnologik deganda ta‘lim funksiyasini amalga oshirishdagi san‘at va mahorat tushinilib, u juda qulay usullar asosida talabalarning bilim, ko‘nikma va malakalarni rivojlantirishga asoslanadi.

Ilg‘or pedagogik texnologiyalar ta‘lim jarayoni unumdorligini oshiradi, talabalarning mustaqil fikrlash jarayoni shakllantiradi, talabalarda bilimga ishtiyoq va qiziqishni oshiradi, bilimlarni mustahkamlash, o‘zlashtirish, ulardan amaliyotda erkin foydalanish ko‘nikma va malakalarni shakllantiradi.<sup>2</sup>

Chet tili fanlar turkumiga kiruvchi darslarni inovatsion-pedagogik texnologiyalar asosida tashkil etishda didaktik o‘yinlardan foydalanish tavsiya etiladi. Didaktik o‘yinlar chet til fanlar turkumiga kiruvchi fanlar orqali talabalarda ma‘lum sifatlarni shakllantirish uchun xizmat qiladi.

Chet tili fanlar turkumiga kiruvchi didaktik o‘yinlar vositasida darslarni olib borish talabalarning aqliy faoliyatiga tezroq kirishishlari va adaptatsiya hosil qilishlariga ko‘mak beradi. Yana dars boshlanishida yoki o‘tgan darsni mustahkamlash paytida “Kim qayerda?”, “Kim hozirjavob?”, “Kim zukko?”, “Shartni to‘g‘ri bajar” kabi didaktik o‘yinlardan foydalanib, talabalarning darsga bo‘lgan qiziqishlarini oshirish mumkin. Pedagogik izlanishlarning maqsadi xuddi mana shu ehtiyojni qondirishga qaratilmoqda. Biz quyida shunday usullar orqali chet tili fanlar samaradorligini oshirish yo‘llari ustida to‘xtalamiz.

Quyida shunday didaktik o‘yinlarning bir nechtasi misol tariqasida keltiriladi.

**“Mavzuni davom ettir” o‘yini.** O‘qituvchi matn mazmunini hikoya qilishni boshlaydi, bir talaba uni davom ettiradi. Shu tariqa, barcha talabalar matn hikoyasi mazmunini so‘zlab berishda faol ishtirok etadilar. Ayrim o‘yinlarda boshqa talabalar matn mazmunini nazorat qilib boradilar, to‘ldirish kerak bo‘lgan joylarni qo‘shimchalar orqali to‘ldirib borishadi. Bu usul talaba diqqatiningina tortmasdan, mavzuga e‘tiborli yondashuvni ham talab qiladi.

<sup>1</sup> Yo‘ldoshev J., Usmonov S. Zamonaviy pedagogik texnologiyalarni amaliyotga joriy etish. T., 2006, 70-bet.

<sup>2</sup> Yo‘ldoshev J., Usmonov S. Zamonaviy pedagogik texnologiyalarni amaliyotga joriy etish. T., 2006, 256-bet.

**“Zanjir” usuli.** Bu usul, ayniqsa, chet tilini o‘rganishda qo‘l keladi. Talabalar bu usuldan so‘z ustida ishlashda, lug‘at boyligini oshirishda, matnni o‘zlashtirishda foydalanishlari maqsadga muvofiq. Matndagi bir nechta so‘z vositasida bu o‘yinini o‘ynash mumkin. Talaba bir so‘z aytadi, bir talaba shu so‘z tugaydigan harfdan boshlanadigan so‘zni aytadi, shu tarzda talabalarining barchasi bu o‘yinda qatnashishlari mumkin. Bu o‘yindan yangi mavzuni o‘zlashtirish darslarida ham foydalanish yaxshi samara beradi.

**“Tez javob qaytar” o‘yini.** O‘qituvchi yoki boshlovchi qator oralab yurib, talabalardan biriga biror-bir joy nomini aytadi. Talaba shu joy nomi bilan bog‘liq so‘zlarni javob tariqasida aytishi lozim. Javob uchgacha sanaguncha aytilishi kerak. Javob bera olmagan talaba o‘yindan chiqadi. Bunday o‘yin davomida talabalarda hozirjavoblik, mustaqil fikrlash, atrof-muhitni, biror-bir narsa yoki joyni sinchkovlik bilan kuzatish qobiliyatlari rivojlanadi va tevarak-atrofdagi sodir boladigan hodisalarga qiziqishlari ortadi. Bu o‘yinlardan, mavzuga bog‘lab, dars davomida, darsning mustahkamlash qismida yoki dam olish daqiqasida foydalaniladi.

O‘yin vositasida talabalarining bilim olishlari qulaylashadi va ular turli xil narsalar bilan munosabatda bo‘lishga o‘rganadilar. Dars davomida talabalarni muammoli vaziyatga tushirish, muammoni hal qilishda atrofdegilarning ta’siri kerakligini his qilish, o‘zaro muomala qilish malakalarini oshirish, ko‘rish, eshitish, tahlil qilish, fikrlash qobiliyatlarini va hamkorlikda ishlash ko‘nikmalarini rivojlantirishda “Aqliy hujum”, “Muammoli o‘qitish”, “Bumerang”, “BBB”, “3x4” va “6x6” kabi metodlar yuqori natija beradi. Didaktik o‘yinlar chet tillari fanlar turkumiga kiruvchi fanlarning sifat va samaradorligining ortishiga yordam beradi. Bular:

- “O‘zim tekshiraman”(Chet tili darslarida);
- “U kim, bu nima?”( Chet tili darslarida);
- “Topog‘on”(Chet tili darslarida);
- “Notog‘ri jumla” (Chet tili darslarida);
- “Bo‘lishi mumkin emas” (Chet tili darslarida);
- “Harflarni top” (Chet tili darslarida);
- “O‘qib ko‘r-chi!” ( Chet tili darslarida);
- “Sirli so‘z” (chet tili darslarida);
- “Zanjir” (maqollar, tez aytishlar, kichik she‘rlar aytishda);
- “O‘yin topishmoq” (barcha fanlarda darsning ma’lum bir qismida) va boshqalar.

Chet tillari fanlar turkumiga kiruvchi didaktik o‘yinlar vositasida darslarni olib borishda ta’lim vositalarim, ta’limning texnik vositalari va o‘quv-uslubiy materialini ko‘rgazmali taqdim etish, shu bilan birga, o‘qitish samaradorligini oshiruvchi yordamchi materiallar hisoblanadi.

Ta’limning texnik vositalari (TTV) talabalar darsni o‘zlashtirishlarida o‘quv materialini ko‘rgazmali namoyish etishga, uni tizimli yetkazib berishga yordam beradi, talabalarga o‘quv materialini tushunishlariga va yaxshi eslab qolishlariga imkon beradi.

O‘quv-uslubiy materiallar (O‘UM) o‘qituvchi taqdim etgan o‘quv materiallari, o‘zlashtirilgan o‘quv materiallarini mustahkamlash uchun mashqlar bo‘lib, ular talabalarni mustaqil ishlarini faollashtirishga imkon beradi .

Ta’lim vositalarini tanlashni aniqlovchi omillar dars beruvchi va ta’lim oluvchi tomonidan amalga oshiriladi, ular quyidagilar:

- maqsadni belgilash;
- o‘quv-axborot mazmuni;
- ta’lim vositalari;
- yetakchi bilim manbayi;
- o‘quv materiallarining yangiliga va murakkabligi;


Misol tariqasida quyidagi ta’lim vositalarini keltiramiz.

Grafikli organeyzlar (tashkil etuvchilar) – fikriy jarayonlarni ko‘rgazmali taqdim etish vositasi.

Ma’lumotlarini tarkiblashtirish va tizimli o‘rganishda o‘rganilayotgan tushunchalar (voqea va hodisalar, mavzular) o‘rtasidagi aloqa va o‘zaro bog‘liqlikni o‘rnatish usul va vositalari: “Klaster”, ”Toifalash jadvali“, “Insert”, “BBB” orqali amalga oshiriladi.

Ma’lumotlarni tahlil qilish, solishtirish usul va vositalari: “T-jadvali”, ”Venn diagrammasi“. Bunda muammoni aniqlash, uni hal etishda tahlil qilish va rejalashtirish usullari va vositalari: “Nima uchun?”, “Baliq skeleti”, “Piramida”, “Nilufar guli” sxemasi, “Qanday?” diagrammasi ”Kaskad” tarkibiy mantiqiy

sxemasidan foydalanish maqsadga muvofiq. Masalan, “Klaster”, “Klaster tuzish qoidasi”, “Insert” metodlarini amalga oshirish texnikasi quyidagi rasmlarda aks etilgan.<sup>1</sup>




### Klaster tuzish qoidasi

1. Aqlingizga nima kelsa, barchasini yozing.  
G‘oyalar sifatini muhokama qiling, faqat ularni yozing.
2. Xatni to‘xtatadigan imlo xatolariga va boshqa omillarga e‘tibor bermang.
3. Ajratilgan vaqt tugaguncha yozishni to‘xtatmang. Agar miyangizda g‘oyalar kelishi birdan to‘xtab qolsa, u holda yangi g‘oyalar kelmaguncha qog‘ozga rasm chizib turing.

### Toifalash sharxini tuzish qoidasi

1. Toifalar bo‘yicha ma‘lumotlarni taqsimlashning yagona usuli mavjud emas.
2. Bitta kichik guruhda toifalarga ajratish boshqa guruhda ajratilgan toifalardan farq qilishi mumkin.
3. Ta‘lim oluvchilarga oldindan tayyorlab qo‘yilgan toifalarni berish mumkin emas, bu ularning mustaqil tanlonlovi bo‘la qolsin.

<sup>1</sup> Yo‘ldoshev J., Usmonov S. Zamonaviy pedagogik texnologiyalarni amaliyotga joriy etish. T., 2006, 210-bet.



Hozirgi kunda o'qitishning ilg'or pedagogik va axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan ijodiy yondashgan holda foydalanib, dars o'tish ta'lim samaradorligining keskin o'sishiga yordam beradi. Didaktik o'yinlar va ta'lim metodlaridan ijodiy foydalanish ijtimoiy fanlar bo'yicha tahsil olayotgan talabalarining ta'lim jarayoniga bo'lgan qiziqishlarini oshiradi va darsning qiziqarli, zamon talablariga mos bo'lishini ta'minlaydi.

**Турсунов Шахзод Рамонович (ТДПУ Ҳарбий таълим факультети,  
мустақил тадқиқотчи; e-mail: shaxzod.tursunov.86@mail.ru)  
ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИ ТУШУНЧАСИНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ**

***Аннотация.** Ватанпарварликнинг роли ва аҳамияти, тарихнинг кескин бурилишларида, жамият ривожланишининг объектив тенденциялари, жамиятдаги фуқаролар кучларининг кескинлиги ошиши (урушлар, босқинлар, ижтимоий тўқнашувлар, инқилобий силкинишлар, инқирозли ҳодисаларнинг кескинлашуви, ҳокимият учун кураш, фавқулудда ва бошқа кулфатлар ва ҳ.к) ортиши билан биргаликда кечадиган даврда яна-да ошади. Бундай даврларда ватанпарварликнинг намоён бўлиши юксак олижаноб интилишлар, ўз халқи, ўз ватани учун ўзини қурбон қилиш сифатлари билан намоён бўлади. Мақолада ватанпарварлик тўғрисида мураккаб, мислсиз ҳодиса эканлиги тўғрисида сўз юритилган.*

**Аннотация.** Роль и значение патриотизма сопровождается резким поворотом в истории, объективными тенденциями развития общества, сопровождающимися усилением гражданского общества (войны, вторжения, социальные конфликты, революционные потрясения, кризисы, борьба за власть, чрезвычайные ситуации и другие катастрофы) период. Проявление патриотизма в такие периоды проявляется в высоких благородных устремлениях, качествах самопожертвования за свой народ, свою Родину. Далее в статье говорится, что патриотизм – сложное и, безусловно, беспрецедентное явление.

**Annotation.** The role and significance of patriotism is accompanied by a sharp turn in history, objective trends in the development of society, accompanied by the strengthening of civil society (wars, invasions, social conflicts, revolutionary upheavals, crises, power struggles, emergencies and other disasters) period. The manifestation of patriotism in such periods is manifested in high noble aspirations, qualities of self-sacrifice for their people, their Motherland. The article goes on to say that patriotism is a complex and certainly unprecedented phenomenon.

**Калим сўзлар:** Ватан, туйғу, мамлакат, талаба, жамият, давлат, Ватанга муҳаббат, маърифат, ёшлар, тарбия, таълим, маънавият, жасурлик, миллий гоя.

**Ключевые слова:** Родина, чувство, страна, студент, общество, государство, любовь к Родине, просвещение, молодёжь, воспитание, образование, духовность, отвага, национальная идея.

**Key words:** Motherland, wedding, country, student, society, state, love for the Motherland, enlightenment, youth, upbringing, education, spirituality, courage, national idea.

Дарҳақиқат, инсонийлик фазилати унинг фуқаролик бурчини, ватан ва халқ олдидаги шахсий масъулияти қанчалик чуқур ҳис этиши билан тавсифланади. Ватан тарихи, асосан, жасур, маърифатли, садоқатли ўғил ва кизлар томонидан яратилган. Буюк аждодларимизнинг қилмишлари ва меҳнатлари тарихий хотирани уйғотади, фуқаролик онгини шакллантиради ва ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг манбаи ҳисобланади.

Ватан тушунчасининг илмий, педагогик, фалсафий, бадий, жиҳатларига тўхталадиган бўлсак, 1981 йилда нашр этилган “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да ватан тушунчасига куйидагича таъриф берилган: Киши туғилиб ўсган ва ўзини унинг фуқароси ҳисоблаган мамлакат; кишининг туғилиб ўсган ўлкаси, шаҳри ёки қишлоғи; турар жой, бошпана, маскан, уй сифатида талқин этилган.

Ўзбекистон миллий энциклопедиясида эса ватан тушунчасига шундай таъриф келтирилади: Ватан – кишиларнинг туғилиб ўсган жойи, юрти, мамлакати; тарихан муайян халққа тегишли ҳудуд ҳамда унинг табиати, аҳолиси, ўзига хос тараққиёти, тили, маданияти, турмуши ва урф-одатлари мажмуи. Ватан она каби муқаддас. Ватан олдидаги қарздорлик туйғуси, масъулияти ҳар бир етук инсонга хос хусусиятдир. Ватанни севиш ватанпарварликда намоён бўлади.

Бу иккала таъриф бир-биридан анчагина фарқли бўлганини кузатиш мумкин. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида бирмунча умумийликка йўл қўйилган. Ўзбекистон миллий энциклопедияси таърифида эса тўлароқ, хусусийроқ ҳолда ёндашилган, яъни тарихан муайян халққа тегишли ҳудуд ҳамда унинг табиати, аҳолиси, ўзига хос тараққиёти, тили, маданияти, турмуши ва урф-одатлари мажмуидан иборатлиги айtilган.

Олим Улфат Маҳкамов «Ахлоқ-одоб сабоқлари» китобида ватан тушунчасини куйидагича ифодалайди: “Ватан – ҳар бир кишида ўз уйига, туғилиб ўсган юртига, энг яқин кишилари ота-она, ака-ука, опа-сингилларига бўлган муносабатида акс этади. Она-Ватан шундай тушунчаки, у киши қалбида ҳеч қачон ўзгармайди. Ватанга муҳаббат туйғуси она сути билан қонга киради. Бу азиз туйғуни она алласи парвариш этади, вояга етказди».

Жамият ва давлатнинг ғояси ҳамда ҳаракатлантирувчи кучи сифатидаги ватанпарварлик ўта қадимдаги мутафаккирлар томонидан кўриб чиқилган. Ушбу ижтимоий маданий ҳодисанинг турлитуман жиҳатлари Платон, Аристотель, Цицерон, Ф.Бэкон, А.Шартье, Н.Макиавелли, Ш.Монтескье, Ж.-Ж.Руссо, И.Г.Фихте, Г.Гегель, З.Фрейд, Ж.П.Сартр, К.Ясперс ва бошқалар сингари мутафаккирларнинг асарларида очиб берилган.

●Жан Жак Руссо – “Саховатнинг энг буюк жасурликлари Ватанга муҳаббат туфайли юзага келган”.

Цицерон – “Бизга ота-оналар, болалар, яқин хеш-ақраболар қимматлидирлар, лекин муҳаббат бобидаги барча тасаввурларимиз биргина “Ватан” отли сўзда мужассамлашгандир. Ватанга нафи теккудек бўлса, ахир қайси виждонли одам унинг учун жон бермоққа иккиланар экан?”



Г.Гегель – “Маърифатли халқларнинг ҳақиқий жасорати ватан йўлида қурбон бўлишига ҳозир эканликларида акс этади”.

Н.А.Некрасов – “Ватанга муҳаббат, аввало, унга самимият, қизғинлик билан, самарали истак билан эзгулик ва маърифат тилашдан иборатдир, унинг меҳробига ҳамма нарсани, ширин жонни ҳам фидо этиш, ундаги барча яхши нарсаларга қизғин ҳамдардлик билдириш ҳамда унинг камолот йўлига ғов тушаётган нарсаларга қахрли бўлмоқликдир, деган фикрларни илгари сўришган”.

Рус мутаффакири ва ватанпарвари И.А.Ильиннинг бутун асосий мулоҳазалари ҳамда сайъи ҳаракатлари Россияни ўтмиши, бугунги куни ва келажаги, яъни уни тиклашга бағишланган эди. Ватанпарварлик моҳиятини маънавий-ахлоқий табиий тушунишга таяниб, рус маданиятида ҳамда рус халқи қалбини улуғлаган ҳолда, И.Ильин Россиянинг алоҳида вазифаси бор эканлиги борасида, умуман, шубҳаланмаган. Унинг, рус халқининг, унинг маданиятининг, онги ва ҳиссиётларининг хатти-ҳаракатларининг ва охир-оқибатда тақдирининг ўзига хослиги мустақиллигига бағишланган фикрлари Ватанга нисбатан улкан муҳаббат билан йўғрилгандир.

Л.П.Карсавин “русча ғоя”ни мамлакатимиздаги диний-фалсафий анъаналарнинг бош йўналишида кўриб чиқади. Рус маънавиятининг асл мумтоз мавзулари – худо ҳақидаги инсон ҳақидаги, унинг ҳаёти илдизлари ҳақидаги, энг аввало, Россия тақдирига нисбатан бу халқнинг маънавий ёндашувлари, буюк вазифаси тўғрисидаги мавзулар унинг таҳлили мавзулари бўлган.

Л.Карсавиннинг мулоҳазасига кўра Россиянинг “буюк келажаги” рус халқининг маънавий қудрати, унинг миллий ўз-ўзини англашини ривожлантириш, Худога муҳаббат, ўз мамлакатининг буюклиги ва алоҳида вазифасига ишониш билан белгиланади.

А.Радишев “Мамлакатнинг ўғли борлиги тўғрисида суҳбат” асарида ватанпарварлик моҳиятини тадқиқ қилган. Унинг фикрига кўра, асл ватанпарвар Ватанининг гуллаб-яшнаши учун, унда бошқарувнинг демократик тартибини ривожлантириш ва санъатни қарор топтириш учун хизмат қилишга беғараз интилиш хусусиятлайди. “Ким мақтов ва шуҳрат ортидан қувиб, буларга эришиш ўрнига кўпроқ уни йўқотади”.

Н.М.Карамзин “Ҳар ким ўз Ватанида ўсиши лозим” ва фақат “биргина Россиядагина яхши рус бўлиш мумкин”, деган фикрни илгари суради. Н.М.Карамзин “Ватанга муҳаббат ҳамда халқона ғурур тўғрисида” Ватанга жисмоний, маънавий ва сиёсий муҳаббатни кўриб чиқади. Жисмоний муҳаббат – инсон ўз туғилган ерига (“кичик ватанига”) боғланганлигидир. Ватанга маънавий муҳаббат миллий мулоқот, ота ва она томонидан инъом этилган, унга ўз ватандошларини севиш, уларга эзгу ишлар қилиш, ҳаётни қадрлаш меъёрларини ўз ичига олади. Муҳаббатнинг олий шакли бўлган сиёсий муҳаббатни тарихчи ватанпарварлик билан боғлайди, ватанпарварлик бу “Россиянинг фаровонлиги ва шуҳратига нисбатан муҳаббат ҳамда барча маънода буларга имкон яратиш истагидир”. Карамзиннинг фикрига кўра, Ватанга муҳаббат бу, шунингдек, ўзининг буюк аждодларига муҳаббат ҳамдир. У Шундай деб ёзган эди: “Майли юнонлар, римликлар, тасаввуримизни сеҳрлайверсин, улар инсон авлоди оиласига мансубдир. Бирок рус деган ном биз учун алоҳида гўзалликка эга, менинг юрагим Фемистокл ва Спициондан кўра Пожарскийни эшитганимда кўпроқ тўлқинланади”.

Ватан – бу биз туғилиб, вояга етаётган замин; бу биз қадрлайдиган қадриятларимиз; бу меҳнаткаш халқимиз, маҳалла, оила, кўни-қўшнилариимиз; бу аждодларимиздан мерос қолган жонажон Ўзбекистонимиз.

Ватан, ватанпарварлик, ватанпарварлик руҳи, ватанга эътиқод, ватанга садоқат сўзлари доимо бири-иккинчисини тўлдириши, ифодалашини инобатга олиб, “ватанпарварлик” тушунчасининг мазмуни, моҳиятини тушуниб олиш лозим. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”да ватанпарварлик – кишиларнинг она-юртига, ўз ватанига муҳаббати ва садоқатини ифодалайдиган тушунча. Ватанпарварлик барча кишилар, халқ, миллатлар учун умумий бўлган асрлар давомида сайқалланиб келган умуминсоний туйғу, маънавий қадриятлардан бири. Тарихий жиҳатдан ватанпарварлик кишиларнинг ўз ватанлари тақдири билан боғлиқ ижтимоий ривожланиш, халқларнинг ўзлари яшаётган ҳудуднинг дахлсизлиги ва мустақиллиги йўлидаги кураши жараёнида такомиллашиб келган ҳис-туйғулар жамланмаси ҳамдир. Бу ватаннинг ўтмиши ва ҳозирги билан фахрланишда, манфаатларини ҳимоя қилишда намоён бўлади.

А.Эркаевнинг “Маънавият миллат нишони” китобида ватанпарварлик туйғуси ҳақида қуйидагича фикр билдириб ўтилади: “ватанпарварлик”, энг аввало, мустақилликни мустаҳкамлашга ижобий ҳиссий муносабатдир. Ватанпарварлик, шунингдек, эътиқод сифатида тегишли тушунчалар, қарашлар, ғоялар, идеаллардан ҳам таркиб топади. Ватанпарварлик минглаб, миллионлаб халқ томонидан истиқлолни мустаҳкамлашни, ривожлантиришни, уни ижтимоий ҳаётнинг барча

соҳаларида кенгайтириш заруриятининг асосий тамойилларини тўғри тушуниш, истиклол манфаатларини шахсий, гуруҳий, синфий, маҳаллий-минтақавий манфаатлардан устун қўйишдир”.

Т.Қурбоновнинг “Миллий ғурур ва маданий мерос диалектикаси” китобида ҳам ватанпарварликка тўхталиб ўтилади, унда “ватанпарварлик” – ватан олдидаги масъулият ва бурчни англаш тушунилади. Ватанпарварлик ниҳоятда серкирра бўлиб, тарихий, ижтимоий, сиёсий, иктисодий тараққиёт жараёнида доимо такомиллашиб, ривожланиб боради. Ватан манфаати, кадр-қимматини, тақдирини, истикболини қанча кўп англатилса, кишиларда ватанпарварлик туйғуси шунча баланд бўлади. Ҳар бир шахсдаги ватанпарварлик туйғуси жамият тараққиёти билан узвий боғлиқ. Ҳақиқий ватанпарварлик миллат, ватан манфаати билан яшаш, унинг истикболи, манфаати йўлида меҳнат қилиш ҳамда курашишдир”.

Энг аҳамиятли ва ижтимоий маънога эга ҳодисалардан бири сифатидаги ватанпарварликни ўрганишга катта эътибор қаратган рус фундаментал фан вакиллари орасида А.А.Агаев, А.Н.Выршиков, Н.И.Губанов, С.Д.Емец, В.М.Зарванский, А.Н.Колесников, М.М.Кучуков, В.В.Макаров, Р.Я.Мирский, В.Ш.Нахушев, Ю.С.Петросян, П.Н.Поспелов, П.М.Рогачев, П.Е.Сапегин, М.А.Свердлин, Л.П.Стариков, В.А.Хмелевский ва бошқалар ажралиб туради.

Дунё мамлакатлари мутафаккирларининг хулосаларидан келиб чиққан ҳолда, миллий ғоя маданият ҳодисаси, дунёқараш намунаси ҳамда ижтимоий воқеликни, оламнинг онтологик тасвирини инсон ва муайян шахснинг моҳияти ва вазифасини билишнинг миллий ўзига хослигини акс эттирувчи маданият ҳодисаси сифатида кўриб чиқилганлигини таъкидлаш мумкин.

Ватанпарварлик ва миллий ўзига хослик бир бутуннинг икки қаноти – инсон ва фуқаронинг маънавий оламидир. Халқимизнинг ватанпарварлиги ватандошларимизнинг шаъни, кадр-қиммати, маданияти, урф-одатлари ва тарихига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишда мужассамдир.

Ватанпарварлик ғояси бутун замонларда нафақат жамиятнинг маънавий ҳаётида, балки жамият ҳаётининг мафкура, сиёсат, маданият, иктисодиёт, экология ва ҳоказолар сингари барча энг муҳим соҳаларида алоҳида ўрин эгаллаган. Ватанпарварлик ўзбек миллий ғоясининг таркибий қисми, асрлар давомида яратилган мамлакатдаги маданият ва фаннинг ажралмас бўғинидир. Бу доимо мардлик, қаҳрамонлик манбаи ҳамда давлатимизнинг буюклиги ва қудратининг зарурий шартли сифатидаги ўзбек халқининг қудрати сифатида баҳолаб келинган.

Ватанпарварликнинг мазмуни ва йўналиши, энг аввало, жамиятдаги маънавий ва ахлоқий иқлим, авлодларнинг ижтимоий ҳаётини озиклантирувчи жамиятнинг тарихий илдизлари билан белгиланади. Ватанпарварликнинг роли ва аҳамияти тарихни кескин бурилишларида, жамият ривожланишининг объектив тенденциялари, жамиятдаги фуқаролар кучларининг кескинлиги ошиши (урушлар, босқинлар, ижтимоий тўнашувлар, инқилобий силқинишлар, инқирозли ҳодисаларнинг кескинлашуви, ҳокимият учун кураш, фавқулудда ва бошқа кулфатлар ва ҳ.к.) ортиши билан биргаликда кечадиган даврда яна-да ошади. Бундай даврларда ватанпарварликнинг намоён бўлиши юксак олижаноб интилишлар, ўз халқи, ўз ватани учун ўзини қурбон қилиш сифатлари билан намоён бўлади. Бу ватанпарварлик тўғрисида мураккаб, албатта, мислсиз ҳодиса тўғрисида сўз юритишга мажбур этади.

Айрим ўзбек тадқиқотчи олимларимиз ҳам эътиқод тушунчасини қуйидагича ифодалаганлар. Хусусан, А.Иброҳимов, Х.Султонов, Н.Жўраевларнинг «Ватан туйғуси» китобида “Эътиқод” – бу ўз фикр ва қарашларига маҳкам, собит қадамлик билан ишониш ва ўзгаларни ҳам ўзидек ҳисоблаб, уларнинг лафзига самимият билан ишонишдир. Эътиқод журъатни, мардликни, фидойиликни тақозо қилади. Буларсиз у қуруқ ғоя бўлиб қолаверади» дея талқин этилади.

А.Эркаевнинг “Маънавият миллат нишони” китобида “Эътиқод – шахс, жамоа, гуруҳ, жамият томонидан муайян ғояларга, баҳо ва меъёрларга иккиланмасдан, шубҳа қилмасдан, қатъий ишонч асосида шаклланган энг муҳим ва баринчи даражали собит тушунчалар, тасаввурлар ва қарашлардир (илм), уларни фаол ақлий ва ҳиссий қабул қилиш, севиш (ишқ), уларга ихлос қилиш, вафодор бўлиш, ўз идеалларини, ижтимоий интилишлари ва амалиётини мослаштиришдир”.

Машҳур шоиримиз А.Орипов ҳам ўзининг «Эҳтиёж фарзанди» китобида “Эътиқод – инсоннинг шахс сифатида шаклланиши, хулқи-одоби, унинг фаолиятида ғоялар юзага келиши билан характерланади”, деб айтиб ўтиши билан биргаликда, “Ҳар бир ғоя эса чуқур билиш, англаш ва ҳаётда ўша нарсага интилиш, хоҳиш-истак асосида эътиқодга айлана боради. Демак, эътиқод чуқур анланган, ҳис этилган ғоялар, яъни ҳаётга, сиёсатга, мафкурага, маънавиятга, санъатга нисбатан шахснинг чуқур ҳаётий муносабатини, фаолиятининг характерини белгилайди. У шахснинг шаклланишида мураккаб интеллектуал-эмоционал жараён натижасида инсоннинг ҳаётий тажрибаси,

ўзлаштирган билими ва ғоялари асосида юзага келади, инсон иродасини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Эътиқод инсон чуқур англаган, фикрлаган, ҳис-ҳаяжон билан бошидан кечирган, ҳар қандай шароитда ҳам қаттиқ туриб ҳимоя қиладиган бир кучдир”, деб таъкидлаб ўтади.

Б.Қораеванинг фикрларича, эътиқод – бу объектив ҳаётийликнинг субъектив тасвирланиши, жамоат ва алоҳида шахслар тажрибасини ўзлаштиришнинг натижасидир. Эътиқоднинг замирида эса бир-бирига муштарак боғланган ахлоқий фазилатлар, яъни ватанга эътиқод, соф виждонлилик, поклик, садоқат, меҳр-оқибат ётади. Эътиқод шахс фаолиятининг мустаҳкам мотивидир, унинг ёрдамида шахс ўзини бошқаради, келгуси дастурини амалга оширади.<sup>1</sup> Жумладан, биз ҳам юқоридаги олим ва адибларнинг эътиқод ҳақидаги фикр-мулоҳазаларга асосланиб, қуйидаги фикрга келдик.

Эътиқод ҳар бир шахсда мавжуд бўлиши лозим бўлган дунёқарашнинг бир кўриниши бўлиб, шахс, жамоа, гуруҳ, жамият томонидан муайян ғояларга, кишиларга, динга чин дилидан ишониш, эргашиш, содиқ ва вафодор бўлишдир. Чин эътиқод таълим-тарбия жараёнида шаклланади. Айниқса, эътиқод ўз бурчини англаган, қаттиқ ишонч ва мустаҳкам иродага эга бўлган, ҳар қандай вазиятларда ҳам садоқатли бўла олган, виждонини унутмаган инсонларда мустаҳкам бўлади. Эътиқодсиз киши жуъратсиз, ўз сўзида қаттиқ турмайдиган, ҳар хил куч ва таъсирга берилувчан, бугун бир нарсага, эртасига иккинчи бир нарсага интилувчан бўлади. Бу эса кишида мустаҳкам эътиқоднинг йўқлигидан далолат беради. Чин эътиқодли кишиларда ватанга бўлган эътиқод ҳам шаклланган бўлади. Ватанга бўлган эътиқод ватанпарварлик билан уйғун ҳолда намоён бўлади ва ўзида кўпгина сифат, жиҳатларни ҳосил қилади. Жумладан, ҳар қандай вазиятларда ҳам ватанга садоқатли бўлиш, ватан равнақи йўлида хизмат қилиш, ўз манфаатларидан ватан манфаатларини юқори қўйиш, уни кўриклаш ҳамда керак бўлса, жонини фидо қилиш, ўз ватани ҳақида миллий ғурур ва ифтихорга эга бўлиш, унинг табиати ва бойликларини асраб-авайлаш, ватанпарварлик ғояларини тарғиб қилиш каби кўплаб хислатларга эга бўлган инсонларгина ҳақиқий ватанга эътиқодли инсонлар бўла олади.

Агар узоқ тарихимизга назар ташлайдиган бўлсак, ватанга эътиқод туйғуси халқимиз томонидан қадимдан эъзозланиб келинганининг гувоҳи бўламиз. Аждодларимиз орасидан етишиб чиққан машҳур инсонларнинг хатти-ҳаракатлари, ватан равнақи йўлида чеккан заҳматларини, бизгача етиб келган асарлари ҳамда халқ оғзаки ижоди орқали билиб олишимиз мумкин. Ал-Хоразмий, Ибн Сино, Умар Хайём, Юсуф Хос Ҳожиб, Ат-Термизий, Боҳоуддин Нақшбандий, Аҳмад Яссавий, Имом Бухорий, Мирзо Улуғбек, Увайсий, Нодирабегим, Зебунисо, Маҳзуна, Гулбаданбегим, Сўфи Оллоёр каби донишмандларимиз Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Анбар Отин, Бехбудий, Чўлпон каби мутафаккирларимизнинг ҳаёти ва фаолияти, ижоди, айниқса, ватанга эътиқод ҳақидаги ғоялари бугунги янги жамиятимиз тараккиёти учун ниҳоятда аҳамиятлидир. Миллатимизни дунёга машҳур қилган адабий ва илмий мерослар «Авесто», «Қуръони карим», Ал-Хоразмийнинг «Алжабр вал муқобала-Алгебра», Имом Ал-Бухорийнинг «Ал-жомеъ ас-сахих», Форобийнинг «Фозил шаҳар одамлари қарашлари», Берунийнинг «Осор ал-боқия», Ибн Синонинг «Тиб қонунлари», Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асари, Маҳмуд Кошғарийнинг «Девони луғатит турк», Амир Темурнинг “Темур тузуклари”, Алишер Навоийнинг «Ҳайрат ул-аброр», «Садди Искандарий», “Фарҳод ва Ширин”, “Лисон ут-тайр” Бобурнинг «Бобурнома», Улуғбекнинг «Зижи жадиди Курагоний», Аҳмад Яссавийнинг «Девони ҳикмат» каби ноёб манбаларда, аждодларимизнинг эзгу фаолиятларида, илғор фикрларида ўз аксини топган.

**Саидова Сурайё Яркуловна, Мусаллам Сафарова (НавГПИ)**

### **РОЛЬ СТРАТЕГИИ ЧТЕНИЯ ПО УЛУЧШЕНИЮ ПОНИМАНИЯ, ПРОЧИТАННОГО У ЧИТАТЕЛЕЙ НА УРОКАХ АНГЛИЙСКОГО ЯЗЫКА**

*Annotatsiya. Ushbu maqola maxsus maqsadlarga yo'naltirilgan soha talabalarining ingliz tilida o'qish malakalarini rivojlantirishga qaratilgan strategiyalarga bag'ishlangan. Shuningdek, maqola talabalarining til tayyorligi darajasi va o'qish strategiyasi o'rtasidagi bog'liqlikni aniqlashniham o'z oldiga maqsad qilib qo'ygan. O'qitish strategiyasi ESP yo'nalishlari uchun o'qish ko'nikmalarini o'stirishda an'anaviy o'qitish usullariga ko'ra samaraliroq ekanligini isbotladi. Yana bir muhim xulosa shuki, o'qish strategiyasini tilni turli darajada biladigan talabalar o'qish qobiliyatiga teng darajada ta'sir qilmaydi va qobiliyati past talabalar o'rganishdan ko'proq foyda olishlarini isbotladi.*

<sup>1</sup> Қораева Б. Захириддин Муҳаммад Бобур асарлари асосида юқори синф ўқувчиларида ахлоқий эътиқодни тарбиялаш. ПФН илм. дар. олиш учун ёзил. дисс., Низомий номидаги ТДПУ, Т., 1999, 20-бет.

**Аннотация.** Данная статья посвящается стратегиям обучения чтению на улучшении понимания читателей ESP. Он также предназначен для выяснения, существует ли какая-либо взаимосвязь между уровнем подготовки читателей и эффективностью обучения стратегии чтения. Результаты исследования показали, что обучение стратегии чтения было более эффективным в улучшении навыков чтения у читателей ESP, чем традиционные методы обучения чтению. Другой важный вывод заключался в том, что обучение стратегии чтения не влияет одинаково на способность к чтению учащихся с разным уровнем владения языком и что менее способные читатели могут получить больше пользы от обучения.

**Annotation.** This article focuses on reading teaching strategies to improve the understanding of ESP readers. It is also designed to find out if there is any relationship between the level of readiness of readers and the effectiveness of teaching reading strategy. Study results showed that teaching reading strategy was more effective in improving reading skills for ESP readers than traditional reading teaching methods. Another important finding was that learning a reading strategy does not equally affect the reading ability of students with different levels of language proficiency, and that less capable readers may benefit more from the learning.

**Kalit so‘zlar:** o‘quv strategiyasi, o‘qish strategiyasi, maxsus maqsadlar uchun ingliz tili (ESP), strategik o‘qish, muvaffaqiyatli talabalar.

**Ключевые слова:** стратегии обучения, стратегии чтения, английский язык для специальных целей (ESP), стратегическое чтение, успешные студенты.

**Key words:** learning strategies, reading strategies, English for Special Purposes (ESP), strategic reading, successful readers.

Речевая компетенция на уроках иностранного языка включает в себя различные виды речевой деятельности: говорение, чтение, письмо и аудирование. Чтение – это рецептивный вид речевой деятельности, связанный с восприятием и пониманием письменного текста. Для понимания иноязычного текста предполагается владение набором фонетических, лексических и грамматических информативных признаков, которые делают процесс опознавания мгновенным.

Целью настоящей статьи было изучить влияние стратегий обучения чтению на улучшение понимания, прочитанного у читателей ESP. Он также предназначен для выяснения, существует ли какая-либо взаимосвязь между уровнем подготовки читателей и эффективностью обучения стратегии чтения. Результаты исследования показали, что обучение стратегии чтения было более эффективным в улучшении навыков чтения у читателей ESP, чем традиционные методы обучения чтению. Другой важный вывод заключался в том, что обучение стратегии чтения не влияет одинаково на способность к чтению учащихся с разным уровнем владения языком и что менее способные читатели могут получить больше пользы от обучения.

Поскольку навык чтения имеет первостепенное значение, его обучение – непростая задача. Обучение навыкам чтения для тех, для кого английский язык не является родным, сопряжен с уникальными проблемами и проблемами на всех мыслимых уровнях обучения. Студентам явно нужна помощь в обучении чтению на иностранном языке. Без посторонней помощи многие студенты изучают стратегии, которые препятствуют эффективному пониманию смысла печатного текста<sup>1</sup>.

Текущий взрыв исследований в области чтения на втором языке начал фокусироваться на стратегиях читателя. Стратегии чтения представляют интерес тем, что они рассказывают о том, как читатели управляют своим взаимодействием с письменным текстом; и как эти стратегии связаны с пониманием текста.<sup>2</sup>

Чтение языка предполагает, что учащиеся используют различные стратегии, чтобы помочь им в получении, хранении и поиске информации. Некоторые исследователи, такие как Каррелл (1998), проводят различие между навыками и стратегиями. Она использует термин «навык», потому что хочет сосредоточиться на действии, которое читатели активно выбирают и контролируют для достижения желаемых целей или задач.

Навыки относятся к методам обработки информации, которые являются автоматическими, будь то на уровне распознавания соответствия графема-фонема или резюмирование рассказа. На-

<sup>1</sup> Хозенфилд К. (1984). Примеры из жизни девятиклассников. В J.C.Alderson&A.H.Urquhart (Ed.), иностранный язык: прикладная лингвистика и языковедение (с. 231–240). Нью-Йорк, Лонгман.

<sup>2</sup> Каррелл П.Л. (1998). Можно ли успешно научить стратегиям чтения? Получено 4 февраля 2009 г.

выки применяются к тексту бессознательно по многим причинам, включая опыт и практику, соблюдение указаний, облизывание и наивное использование. Напротив, стратегии – это действия, выбранные более сознательно. Для достижения определенных целей. Стратегии становятся более эффективными и продвинутыми, когда они генерируются и применяются автоматически в качестве навыков.

Стратегии чтения показывают, как читатели выполняют задачу, на какие текстовые подсказки обращают внимание, как они понимают смысл прочитанного и что они делают, когда не понимают.<sup>1</sup> Стратегии – это продуманные когнитивные шаги, которые учащиеся могут предпринять, чтобы помочь в получении, хранении и извлечении новой информации, и, таким образом, к ним можно получить доступ для осознанного отчета<sup>2</sup> (Андерсон, 1991). Стратегии чтения варьируются от простых стратегий исправления, таких как просто читать сложные фрагменты и угадывать значение неизвестного слова из контекста, до более всеобъемлющих стратегий, таких как обобщение и соотнесение прочитанного с базовыми знаниями читателя<sup>3</sup>.

Согласно Оксфорду и Круколлу (1989), стратегии – это методы обучения, модели поведения, решения проблем или учебные навыки, которые делают обучение более эффективным и действенным. В контексте чтения на втором языке можно провести различие между стратегиями, которые делают обучение более эффективным, и стратегиями, которые улучшают понимание.<sup>4</sup>

Обучение английскому языку для конкретных целей обычно рассматривается как отдельный вид деятельности в рамках преподавания английского языка (ELT), а исследования ESP – как идентифицируемый компонент прикладных лингвистических исследований.

Ключевой отличительной чертой ESP является его открытость для понимания других дисциплин. Основная задача ESP всегда заключалась в анализе потребностей, анализе текста и подготовке учащихся к эффективному общению при выполнении заданий предписано их учебной или рабочей ситуацией.

В Узбекистане с конца 2019 года английский язык для специальных целей (ESP) стал важным и новаторским видом деятельности в обучении английскому как второму и иностранному. ESP является частью более общего движения языка обучения для конкретных целей. ESP – это предприятие, которое включает образование, обучение и практику и опирается на три основных области знаний: язык, педагогику и области разной специализации студентов.

Учитывая важность обучения стратегиям чтения для читателей ESP, настоящее исследование представляет собой попытку выяснить, оказывает ли обучение стратегии существенное влияние на способность читателей ESP. Кроме того, исследуется взаимосвязь между уровнем способностей читателей и эффективностью обучения стратегии. Чтение ESP влияет на стратегии чтения EFL и понимание прочитанного на английском языке. Более того, мы исследовали, если стратегическое обучение чтению ESP влияет на стратегии чтения на родном языке. Данные в нашем исследовании получены из протоколов обдумывания, наблюдения, анкетного опроса, полуструктурированного интервью и компонента чтения ПЭТ (предварительный экспериментальный тест по английскому языку).

Результаты показали, что обучение стратегии положительно влияет на стратегии чтения на родном и английском языках и понимание прочитанного на английском языке. Этот вывод согласуется с результатами исследования Фоук и Веби (2007), в котором изучалось влияние явных инструкций по чтению на эмоциональные/поведенческие расстройства. Их результаты показывают, что прямое обучение предлагает многообещающий подход к повышению успеваемости – и, возможно, поведенческих результатов – студентов с эмоциональными расстройствами поведения.<sup>5</sup>

Обучение стратегии чтения также привлекло некоторое внимание в учебном процессе. В исследованиях влияние стратегий чтения на запоминание и удержание учащихся английского языка

<sup>1</sup> Блок Э. (1986). Стратегии понимания читателей на втором языке. *TESOL Quarterly*, 20 (3), 165–187.

<sup>2</sup> Андерсон Н. Дж. (1991). Индивидуальные различия в использовании стратегии при чтении и тестировании второго языка. *Журнал современного языка*, 75 (4), с. 460 – 472.

<sup>3</sup> Janzen J. (2001). Обучение стратегическому чтению. В J.C.Richards & W.A. Renandya (Eds.), *языковое обучение: антология текущей практики* (стр. 287-294). Кембридж: Кембриджский университет.

<sup>4</sup> Crookall D. (1989). Исследование стратегий изучения языка: методы, выводы и учебные вопросы. *Журнал современного языка*, 73, с. 404 – 419.

<sup>5</sup> Фальк К.Б. и Вехби Дж. (2007). Влияние обучения чтению на успеваемость учащихся: результаты исследования.

как иностранного мы рассмотрели две стратегии чтения: подчеркивание и ведение заметок. Через анализ субъектов результативность по фактическим и концептуальным вопросам, пришли к выводу, что в обоих экспериментах делающие заметки могли значительно превосходить подчеркивающих по фактическим вопросам; но что касается концептуальных вопросов, между этими двумя стратегиями не было значительной разницы.

В своем эксперименте мы изучили влияние обучения использованию стратегий чтения на улучшение понимания, прочитанного у студентов на факультете исторического Навоийского государственного педагогического языка. Наше исследование состояло из трех этапов. На первом этапе мы провели описательное исследование, чтобы изучить стратегии, которые используют преподаватели чтения для обучения пониманию, прочитанного в группах. На этом этапе мы обнаружили, что преподаватели по-прежнему используют традиционный метод обучения языку без достаточного стратегического содержания. На втором этапе мы провели исследование, чтобы описать стратегии, которые используют хорошие и плохие читатели при чтении своих заданий по чтению ESP. Наконец, на третьем этапе, который был экспериментальным, мы исследовали влияние обучения использованию стратегий чтения на улучшение понимания прочитанного. Выявлено, что обучение стратегии чтения улучшает понимание студентов.

Стратегическое обучение по сравнению с традиционным обучением пониманию прочитанного. Более того, это исследование имеет целью выявить студентов, с какого уровня владения они с большей вероятностью получают наибольшую пользу от обучения стратегии. В то время как мы сосредоточились только на обучении нескольким стратегиям перед чтением, настоящее исследование намерено изучить влияние всех инструкций по стратегиям перед чтением, во время чтения и после чтения на способность чтения читателей ESP.

Итак, мы можем сказать, что обучение стратегии чтения оказало большее влияние на улучшение читательских способностей, чем традиционный метод обучения чтению. Чтобы выяснить, влияет ли обучение стратегии чтения по-разному на способность к чтению студентов с разным уровнем владения языком, был проведен односторонний дисперсионный анализ.

Целью нашей статьи было изучить влияние обучения стратегии на способность читателей ESP. Она также была направлена на ознакомление с дифференцированным влиянием обучения стратегии на уровень владения чтением учащихся. Результаты этого исследования предоставили эмпирические доказательства того, что подробное обучение стратегиям понимания прочитанного может улучшить способность понимания прочитанного. Этот вывод подтверждает результаты исследования Каррелла, Фариса и Либерто (1989), в котором было обнаружено, что учащиеся могут улучшить свои навыки чтения с помощью стратегий обучения, подтвержденных успешными учащимися.<sup>1</sup>

Кроме того, настоящий опыт показал, что менее способные читатели могут получить больше пользы от обучения, чем более способные читатели. Было обнаружено, что количество успехов, достигнутых группой с низким уровнем владения чтением, намного больше, чем у групп со средним и высоким уровнем владения иностранным (английский) языком. Этот вывод подтверждает результат нашего исследования Сонга (1998 г.) с участием 40 студентов второго курса высших учебных заведений, специализирующихся на историю Узбекистана, которые обнаружили, что менее опытные читатели извлекли пользу из обучения стратегиям чтения больше, чем более опытные читатели.

Тот факт, что менее опытные читатели ESP извлекли больше пользы из обучения стратегии чтения, можно объяснить тем, что они часто не знают об эффективных стратегиях чтения и используют неэффективные стратегии при решении задач чтения, с которыми они сталкиваются. Вот почему получение инструкций по эффективному использованию этих стратегий значительно улучшает их навыки чтения и помогает им использовать стратегии, которые приводят к успешному чтению. С другой стороны, более опытные читатели могут уже быть знакомы со стратегиями чтения или даже если они не осознают их, они используют эти стратегии бессознательно или используют другие методы, которые компенсируют их некомпетентность в использовании стратегии чтения.

Более того, обучение стратегии чтения делает студентов самостоятельными изучающими язык, что считается конечной целью изучения языка. Узнав, как эффективно использовать страте-

---

<sup>1</sup> Каррелл П., Фарис Б. и Либерто Дж. (1989). Тренировка метакогнитивной стратегии для чтения ESL.

гии, читателям не нужно постоянно смотреть на своего наставника, чтобы дать им правильный ответ или определить новый словарный запас. Это означает, что студенты ESP становятся автономными изучающими язык, которые могут справиться со своими требованиями к чтению и наилучшим образом понять смысл печатных материалов.

Более того, как показывают многие исследования (см., например, Alderson, 2000; Pang, 2008), обучение стратегиям чтения на иностранном языке положительно влияет на способность студентов к чтению и на уровне L1, потому что многие читатели применяют неэффективные методы чтения даже на родном языке и не умеют читать эффективно, что приводит к их низкой успеваемости в академической образовательной среде.<sup>1</sup> Поэтому кажется, что нашим преподавателям чтения пора пересмотреть свои методы обучения и включить инструкции по стратегии чтения в свои ежедневные планы уроков.

Результаты настоящего эксперимента по эффективности обучения стратегии чтения для читателей ESP показывают, что обучение стратегии чтения действительно улучшает навыки чтения учащихся ESP. Также показано, что обучение стратегии чтения не влияет одинаково на способность к чтению учащихся с разным уровнем владения и что менее способные читатели могут получить больше пользы от обучения, чем более способные читатели. Было обнаружено, что количество успехов, достигнутых группой с низким уровнем владения языком, намного больше, чем у группы с высоким уровнем владения чтением. Обучая читателей ESP, как использовать данную стратегию, их также необходимо научить, как определять, успешно ли они используют эту стратегию.

**Tukhtaeva Kuysin (associate professor of NavSPI)**

#### **DEVELOPING COMMUNICATIVE COMPETENCE OF LINGUISTIC STUDENTS USING INTERNET TECHNOLOGIES**

***Annotatsiya.** Maqola lingvistik talabalarning kommunikativ kompetensiyasini o'stirish jarayonida muhim ahamiyatga egadir. Axborot jamiyatida yosh avlodni tarbiyalashda ta'lim jarayonini, ta'limning qulayligi va samaradorligini oshirish uchun zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalarining zarurligi isbotlandi. Ushbu maqolada internet va ta'limning o'zgaruvchan qadriyatlarini, internet texnologiyalaridan foydalangan holda, lingvistik talabalarning kommunikativ kompetensiyasini rivojlantirishning innovatsion yo'llari keng tahlil qilingan. Shuningdek, maqolada lingvist talabalarning kommunikativ kompetensiyasini rivojlantirish tamoyillari va usullarini muhokama qilingan.*

***Аннотация.** Статья посвящена интернет-технологиям, повышающим коммуникативную компетентность студентов-лингвистов. Доказана необходимость современных информационно-коммуникационных технологий для улучшения образовательного процесса, доступности и эффективности образования в подготовке молодого поколения в информационном обществе. Интернет и меняющиеся ценности образования, компоненты коммуникативной компетенции студентов-лингвистов с использованием интернет-технологий, принципы и методы развития коммуникативной компетенции студентов-лингвистов с помощью интернет-технологий обсуждались в данном исследовании.*

***Annotation.** The article is about internet technologies which enhance linguistic students' communicative competence. The necessity of modern information and communication technologies to improve the educational process, accessibility and effectiveness of education in preparation of the young generation in the information society has been proved. The Internet and the changing values of education, components of communicative competence of linguist students with internet technologies, principles and techniques in developing communicative competence of linguist students through internet technologies have been discussed in the certain research.*

***Kalit so'zlar:** internet-texnologiya, muloqot uchun vosita, IKT effektivligi, kommunikativ kompetentlik, Microsoft Word, Google Drive, Dropbox, tarmoq.*

***Ключевые слова:** интернет-технологии, средство для общения, эффективность ИКТ, коммуникативная компетентность, Microsoft Word, Google Drive, Dropbox, сеть.*

***Key words:** internet technology, tool for communication, effectiveness of ICT, communicative competence, Microsoft Word, Google Drive, Dropbox, network.*

---

<sup>1</sup> Олдерсон К. (2000). Оценка чтения. Нью-Йорк: Издательство Кембриджского университета.

**2. Creative**, role-playing games are one of the ways to learn foreign languages. Concepts such as role-playing, simulation, drama, and acting are often used interchangeably, but in reality, they have different meanings. The difference between role-playing games and simulations lies in the authenticity of the roles played by students. When simulating, students play their natural role, in other words, the role they play in real life (for example, the role of a buyer or booking tickets for transport). In role-playing, students play a role that they do not play in real life (for example, prime minister or rock star). The role-playing game can be considered as one of the components or elements of the simulation. Thus, in a role-playing game, participants are assigned the roles they play in the scenario. The simulation focuses on the interaction of one role with other roles, rather than playing out individual roles. Either way, role play prepares students for social interaction in a different social and cultural context.

Thus, role play is a highly flexible learning activity with a wide range of possibilities for variety and imagination. In role-playing games, various communication techniques are widely used, thereby developing fluency in the language, interaction in the classroom and increasing motivation. Role play improves speaking skills students in any situation, because almost all educational time in the role-playing game is allocated for speech practice, while not only the speaker, but also the listener is as active as possible, so how he should understand and remember the partner's remark, correlate her with the game situation, to determine how relevant it is to the situation and the task of communication and to respond to it correctly. For shy students, role play helps by providing a mask with which students have difficulty communicating are released. Plus, it's fun and most students agree that pleasure leads to better learning. In turn, role-playing games can be classified as follows:

**1. Short-term** role-playing game, which is the simplest and fastest way to conduct a game of duration from 10 to 30 minutes. It can be built from text or dialogue. An example of this game can be found in the form of an interview. Students are divided into pairs, after which they are given pictures depicting various problem situations (pollution, deforestation, lack of food in zoos). One of the students takes on the role of the interviewer, the other the role of the respondent. The task is to describe the problem and propose a solution. The game component is that experts are also appointed among students, whose task is

---

<sup>1</sup> Heyd G. *Deutsch lehren*. Frankfurt am Main, 1990, s. 208.

<sup>2</sup> Wagner J. *Spielbergian und Bonspiels im Fremdsprachenunterricht*. Materialien Deutsch als Fremdsprache. Heft 10. Regensburg, DAAD, 1979.

to set a criterion for evaluating and subsequently evaluate all speakers and point out mistakes made. During this game there is a high motivation and desire of students to show yourself, because one of the evaluation criteria can be artistry.

**2. Long-term** role-playing games, is a more complex type of games, lasting from a series of sessions or more. In preparing long-term role plays, the teacher should provide students with handouts, familiarize students with the play setting through a Case Study, and provide students with a clear definition of the play situation. In this archetype of games, students are given the opportunity to create your playable character. Students can choose gender, race, age, profession, depending on the proposed game. An example of these games is the Dungeons and Dragons series, a board role-playing game. In D&D, students try on the role of fantasy heroes with their own skills and characteristics. The teacher takes on the role of a mentor who creates and describes an adventure in which the heroes of the students take participation, setting goals for them to fulfill and giving rewards for motivation. The purpose of this game is to get students to work together, solving problems and puzzles that are in front of them puts the teacher in the process of exploring the world of the game. In this way, allowing you to achieve the main goal – the development of communicative competence. The characters created by students during this game can be used in subsequent lessons, giving students the opportunity to be who they want, thereby turning monotonous stories about themselves into fascinating stories.

**3. Computer** role-playing games. It's hard nowadays imagine a person unfamiliar with computer role-playing games. Moreover, in the XXI century, the language learner spends most of his free time at the computer. It is computer games that can motivate a student studying a foreign language and play a huge role in his self-development. For those teachers whose students have free internet access, computer role-playing games can be a good thing choice. These games give interest to students the opportunity to establish direct contact with people from all over the world who have common interests but who need to use English to communicate, thus highlighting the value of language learning beyond grades. Most computer role-playing games have an opportunity for training both listening and reading skills. The games have a lot of stories, dialogues, screensavers, presented in a foreign language.

Of course, it is difficult to use a computer role-playing game to study grammar, but an experienced teacher can create an algorithm for training exercises. An example of a computer role-playing game is Minecraft. This game is made in the style of a sandbox, the participants of which can build and survive, cooperating with others players. Computer role-playing games, with the right approach, can help students learn not only a foreign language, but history, geography and other subjects, as well as contribute to the formation of students' meta-subject skills.

However, when using computer games, it is important to follow the rules that help preserve the health and vision of students, as well as not let a good hobby take them away from reality.

Thus, gaming technology plays an important role one hundred in the educational process. Wide variety of role-playing games allows you to use them in any part of the curriculum. When they are therefore a very useful tool for making learning a foreign language interesting and memorable. Role-playing games provide a positive emotional state of students and a communicative orientation of the lesson. Game activity is the most attractive for students, which affects the effectiveness of teaching a foreign language. Games have a positive effect on the formation of students' cognitive interests, contribute to conscious development foreign language. They contribute to the development of such qualities, as independence, initiative, ability to work in a team. Students work actively, with enthusiasm, help a friend friend, listen carefully to their comrades, and the teacher only controls their learning activities.

**Panayev Salay Satimovich (Urganch davlat universiteti Geodeziya, kartografiya, geografiya kafedrası o'qituvchisi), Otaboyev Ixtiyor Baxtiyor o'g'li, Panayev Sotimboy Salay o'g'li (Urganch davlat universiteti Geodeziya, kartografiya, geografiya kafedrası talabalari)**

**YUQORI ANIQLIKDAGI GEOMETRIK NIVELIRLASHNI ZAMONAVIY USLUBI**

***Annotatsiya.** Maqolada turli muhandislik vazifalarini hal qilish uchun balandlik asosini geometrik nivelirlash usuli bilan yaratishning zamonaviy uslubi to'g'risida ma'lumotlar berilgan. Qo'llanib kelayotgan geometrik nivelirlash usullarini kamchiliklari, afzalliklari va o'lchov aniqligiga qo'yilgan talablar bo'yicha fikrlar berilgan. Nivelirlash bekatidagi nisbiy balandlik o'lchovini nazorat qilishni bir-biridan ma'lum bir masofada joylashgan ikki kallakli qoziqlar usulini tahlil natijalari keltirilgan. Ushbu usul bo'yicha geometrik nivelirlashning bosqichma-bosqich amalga oshirish tartibi va o'lchov natijalarini olish uchun ishlatiladigan asosiy formulalar tavsiflanadi.*

***Аннотация.** В статье описана методика создания высотной основы для решения различных инженерных задач методом геометрического нивелирования. Приведены описание, недостатки и преимущества существующих способов геометрического нивелирования. Представлены требования к точности измерений при геометрическом нивелировании. Предложен авторский способ контроля измерения превышений на станции нивелирования с использованием костыля с двумя головками, смещенными относительно друг друга на фиксированную величину. Представлена практическая пошаговая реализация данного способа геометрического нивелирования. Описаны основные формулы, используемые для получения результатов измерений.*

***Annotation.** This article describes the method of creating a high-rise basis for solving various engineering problems by geometric leveling. The description, disadvantages and advantages of the existing methods of geometric leveling are given. The requirements for measurement accuracy in geometric leveling are presented. The authors propose a method of controlling the measurement of excess at the levelling station using a crutch with two heads offset relative to each other by a fixed value. The practical step-by-step implementation of this method of geometric leveling is presented. The basic formulas used to obtain the measurement results are described.*

***Kalit so'zlar:** geodeziya, geometrik nivelirlash, balandlik asoslari, nisbiy balandlikni o'lchash, ikki kallakli qoziqlar, geometrik nivelirlash formulalari, nivelirlash bekatidagi nisbiy balandlik.*

***Ключевые слова:** геодезия, геометрическое нивелирование, высотная основа, измерения условных высот, костыль с двумя головками, формулы геометрического нивелирования, условная высота на станции нивелирования.*

***Key words:** geodesy, geometric leveling, the altitude-based measure of excess, a spike with two heads, formulas geometric leveling, in excess of station leveling.*

Turli muhandislik vazifalarini hal qilishda yuqori aniqlikdagi balandlik asosini yaratish, odatda, geometrik nivelirlash usuli bilan balandlik tarmoqning boshlang'ich va balandligi aniqlanadigan reperlari o'rtasidagi nisbiy balandlik o'lchovlarni ketma-ketlikda o'lchash orqali amalga oshiriladi. Nivelir yo'lidagi nuqtalar orasidagi nisbiy balandliklarini hisoblash orqa va old reykalardan olingan sanoqlar farqlari bilan hisoblab chiqiladi. Nivelirni qarash o'qini gorizontol holatda o'rnatish nivelirni konstruksiyasiga bog'liq.

Yuqori aniqlikdagi H-05 tipidagi nivelirlar qarash trubasiga mahkamlangan yuqori sezgir silindrik adilak bilan, Ni002 va raqamli nivelirlarda (Dini-03) esa yuqori sezgir qiyalik burchagini kompensatsiyalovchi kompensator bilan ta'minlangan.

Shuni ta'kidlash kerakki, barcha mavjud nivelirlar funktsional imkoniyatlar va aniqlik xususiyatlariga ko'ra tasniflanishi mumkin. Hozirgi davrda nivelir ishlarini ishlab chiqarishning bir yoki bir nechta nivelir turini tanlash, bizni qiziqtirgan obyektlarning balandlik belgilarini aniqlashning aniqligiga, ushbu ishlarni bajarish shartlariga va ekologik maqsadga muvofiqligini aniqlaydi.

Geometrik nivelirlash aniqligi nivelirlash stansiyasida o'rta kvadratlik xato bilan belgilanadi. Hozirgi qo'llanilayotgan yo'riqnomaga ko'ra, I sinf nivelirlash uchun yelka uzunligi 30 m dan kam bo'lsa, uning qiymati 0,15 mm belgilangan. Ushbu natijaga erishish uchun dala sharoitida o'lchash vaqtini tan-

lash, nivelirlash uslubi va I, II, III, IV sinflar bo'yicha yo'riqnomaning barcha talablariga qat'iy rioya qilish kerak.<sup>1</sup>

H-05 adilakli nivelirini qo'llab nisbiy balandlik o'lchanganda xato yuqorida keltirilgan talablarning bajarilishiga PH-05 invar reykalarning asosiy va qo'shimcha shkalalaridan olingan sanoqlar o'rtacha qiymatlari orqali erishiladi. Nivelirlash stansiyasidagi nisbiy balandlikni aniqlashda kompensatorli nivelirlarda qiyalik burchagi xuddi shunday invar reykalarning asosiy va qo'shimcha shkalalari orqali nazorat qilinadi. Shunga qaramasdan, qarash chizig'ining avtomatik o'rnatilishi nivelir qarash o'qining qiyalik burchagini kompensatsiyalashishi o'lchovlarning aniqligini oshirishga imkon beradi.

Ma'lumki, reyka yo'naltirish va hisobga olish xatosi yechimi tanlangan yo'naltirish usuli "R"ga va qarash trubasining kattalashtirish darajasi "G"ga bog'liq:

$$m_{qarash} = \frac{R}{Gx} \quad (1)$$

Qarash trubasining kattalashtirish darajasi qanchalik katta bo'lsa, reyka bo'yicha sanoq olishni bir xil usulida xato kamroq bo'ladi.

H-05 adilakli nivelirlar uchun kattalashtirish darajasi  $40^x$  ga teng, yuqori aniqlikdagi kompensatorli nivelirlar uchun esa  $32^x$  ga teng bo'lishi mumkin. Shu bilan birga, H-05 nivelirida reyka bo'yicha mos sanoqlar olinganida, nivelierning qarash trubasidagi silindrik adilakni pufakchasi nolpunktdan siljishi mumkin, bu esa nisbiy balandlikni o'lchashda xatolikga olib keladi, chunki silindrik adilakdagi o'q nivelirni qarash o'qiga parallel bo'ladi, kompensatorli nivelir bilan reyka bo'yicha sanoq olish vaqtida qarash o'qining qiyalik burchagi holati o'zgarishsiz qoladi.<sup>2</sup>

Bu omil o'lchovlarning samaradorligiga hissa qo'shadi va mehnat unumdorligini oshiradi.

Raqamli nivelirlar bilan nisbiy balandliklarni aniqlashda ishchi chora-tadbir sifatida bir tomonlama shtrix kodli reykalardan foydalaniladi. Bunda, nivelirning kod niqobi kodli reyka shtrixlari bilan solishtiriladi, o'lchangan nisbiy balandlik qiymatini avtomatik hisoblaydi va undan keyin ularni qayta shakllantirib tabloga uzatadi.<sup>3</sup>


Nivelirning kod niqobiga mos shtrix kodlarni reyka tushirish aniqligi qanchalik yuqori bo'lsa, nivelirlash bekatidagi nisbiy balandlik aniqligi shunchalik yuqori bo'ladi.

Shuni ta'kidlash kerakki, reykaning bir tomonidan nazoratsiz sanoq olinishi o'lchash aniqligiga ta'sir qiladi, xuddi shunday dala sharoitida o'lchash aniqligiga aniqlikni kamaytiradigan ko'plab omillar ta'sir qilishi mumkin. Bunday holda, ularning nazorati faqat to'g'ri va teskari yo'nalishlardagi farqlar yoki yopiq poligonda amalga oshirilishi mumkin.

Shu nuqta nazardan, nivelirlash bekatidagi nisbiy balandlikni nazorat qilish uchun nivelirni asbob balandligini o'zgartirgan holda qayta o'lchovlarni amalga oshirish tavsiya etiladi.

Nivelirlash bekatidagi nisbiy balandlikni nazorat qilish uchun, bir-biriga nisbatan ma'lum bir oraliqda joylashtirilgan ikki kallakli qoziqchani qo'llash tavsiya etiladi (1–2-rasmlar).

Qoziqchani ikki kallagi orasidagi oraliq 25 mm.ni tashkil etadi. Qoziqchani qoqish uchun qoziqchaga xavfsizlik qalpoqchasi (vtulka) kiygiziladi (1–2-rasmlar).



**1-tashqi ko'rinish: a) ikki kallakli qoziqcha; b) xavfsizlik qalpoqcha.**

<sup>1</sup> ГОСТ 10528-90. Нивелиры. Общие технические условия. М., 2013.

<sup>2</sup> Яковлев Н.В. Высшая геодезия. Учебник для вузов, М., "Недра", 1989, 454 с.


<sup>3</sup> Малков А.Г. Об оценке точности измерения превышений на станции геометрического нивелирования. ГЕО-Сибирь, 2009, V Междунар. науч. конгр., сб. материалов в 6 т., Новосибирск, 20 – 24 апреля 2009, Новосибирск, СГГА, 2009, т. 1, ч. 1, с. 82 – 84.

Ushbu qoziqchani qo‘llaganda, nivelirlash bekatidagi nisbiy balandlikni aniqlashning quyidagi usulini qo‘llash mumkin:

– toq bekatda:  $Or\ Ol'\ Ol'' Or;$  (2)

– juft bekatda:  $Ol\ Or'\ Or'' Ol;$  (3)

bu yerda:  $Ol', Ol'', Or', Or''$  qoziqchanning birinchi va ikkinchi kallagiga o‘rnatilgan old hamda orqa reykalardan olingan sanoqlar.



**2-rasm. Ikki kallakli qoziqcha va xafsizlik qalpoqcha shizmasi. Nisbiy balandlikni hisoblash jarayonida o‘rtachasi hisoblab topiladi:**

$$h_{or} = \frac{h_1 + h_2 - 25 \text{ mm}}{2} \quad (4)$$

bu yerda:  $h_1 = Or - Ol'$  va  $h_2 = Or - Ol''$

O‘lchov natijalarini nazorat qilish o‘lchangan nisbiy balandlik farqini  $h_2 - h_1$  taqqoslanishi orqali amalga oshiriladi. Ruxsat etilgan qiymat  $\Delta = 2m_{sist} = 0,3 \text{ mm}$ , bilan qoziq kallaklarining balandligidagi doimiy farqi 0,5 mm.ga teng.

H-05 adilakli nivelirini I sinf nivelirlashda qo‘llaganda nisbiy balandlikni o‘lchashni reykani birinchi va ikkinchi kallakga ketma-ket o‘rnatib, bir qoziq bilan nivelirlash bekatida o‘lchashni quyidagi uslubga muvofiq bajarish mumkin:

– toq bekatda:  $Or_A Ol'_A Ol''_Q Or_Q;$   $Or_A Ol''_A Ol'_Q Or_Q;$  (5)

– juft bekatda:  $Or_A Ol'_A Or_Q Ol_Q;$   $Ol_A Or'_A Or_Q Ol_Q.$  (6)

Kerakli nisbiy balandlik orqa va old reykalarning asosiy va qo‘shimcha shkalalaridan olingan sanoqlar farqlari bo‘yicha topladi. Birinchi qolpoqqa reykaning o‘rnatilganida:

$$h'_A = Or_A - Ol'_A; h'_Q = Or_Q - Ol'_Q; h'_{or} = \frac{h'_A + h'_Q}{2}. \quad (7)$$

Ikkinchi qolpoqqa old reykaning o‘rnatilganida:

$$h''_A = Or_A - Ol''_A; h''_Q = Or_Q - Ol''_Q; h''_{or} = \frac{h''_A + h''_Q}{2}. \quad (8)$$

Nivelirlash bekatida nisbiy balandlik o‘rtacha qiymati quyidagi formula bo‘yicha hisoblanadi:

$$h_{orlch} = \frac{h'_{or} + h''_{or} - 25 \text{ mm}}{2}; \quad (9)$$

$$m_k = \sqrt{\frac{[\Delta^2]}{n}} \quad (10)$$

bu yerda:  $\Delta$  – nisbiy balandlikni haqiqiy xatosi, quyidagiga teng:


$$\Delta = \Delta h_{bosh} - \Delta h_{haq} (25 \text{ mm}). \quad (11)$$

Nivelir bekatida o‘lchanadigan nisbiy balandlikni nazorat qilish turli kallaklardan olingan o‘rtacha nisbiy balandlik farqlari va qoziqchani kallaklarining balandligidagi doimiy farq bilan ruxsat etilgan qiymatni taqqoslash yo‘li bilan amalga oshiriladi. Bizning fikrimizcha, nivelirlar uchun chetlashish miqdori

0.3 mm oshmasligi kerak, davlat standartlariga ko'ra, nivelirlash bekatida o'lchangan nisbiy balandlik aniqlikning ikki barobar kattaligiga mos keladi. Bizning fikrimizcha, nivelirlar uchun chetlashish miqdori 0.3 mm oshmasligi kerak, davlat standartlariga ko'ra, nivelirlash bekatida o'lchangan nisbiy balandlik aniqlikning ikki barobar kattaligiga mos keladi. Chetlashish miqdori ruxsat etilganidan oshib ketsa, u holda nivelir balandligini o'zgartirib, qayta o'lchov amalga oshirilishi lozim.<sup>1</sup>

Taklif qilayotgan yuqori aniqlikdagi geometrik nivelirlash texnologiyasini tekshirish uchun biz amaliy tajriba o'tkazdik.

O'lchovlarni amalga oshirish uchun Stonex STAL 1132 kompensatorli nivelirni tanladik. Zoziq sifatida uzunligi 12 mm o'lchamdagi burama vint maxkamlangan metall ustundan foydalanildi. Sanoqlar logaritmik chizg'ichni millimetrlilik shkalasidan olindi, unga tushirilgan striklar aniqligi 0,05–0,1 mm.ni tashkil qiladi.



3-rasm. Nivelir yo'li sxemasi.

Tajriba tadqiqotlari uchun nivelir yo'li sxemasi va ustunlar joylashishi 3-rasmda ko'rsatilgan. O'lchovlarni amalga oshirish davomida, 1- va 3-sonli ustunlarda nazorat qilish maqsadida vintga o'rnatilgan chizg'ich bo'yicha qayta sanoqlar olindi. Hammasi bo'lib 4 qabul bajarildi. Har bir qabul oxirida, nivelir balandligi o'zgartirildi va nivelir yo'li yana takrorlandi. Barcha qabullardan olingan qiymatlar o'lchov jurnalida ko'rsatilgan (1-jadval).

Har bir yo'l uchun nisbiy balandlik summasi nolga teng edi. Vintli qalpoq yordamida ustunlar orasidagi nisbiy balandlik qiymatlari 120 mm ga farqlanadi, bu ustunga buralgan vintning o'lchamiga mos keladi. O'lchoqlar laboratoriya sharoitida bajarildi, vint o'lchami miqdoridan chetlashish qiymati skalaga tushirilgan shtrixlar aniqligidan oshmadi.

O'lchov jurnali

1-jadval

№	$i_{as}, sm$	Ustun raqami	$h_1$	$h_2$	$h_i, mm$	$\sum h_i$
						yo'l bo'yicha
1	163	3	1740	1620	60	0
		2	1710	1590	30	
		4	2010	1890	270	
		1	1650	1530	-360	
2	166	3	2080	1960	90	0
		2	2060	1940	20	
		4	2320	2200	240	
		1	2010	1850	-350	
3	168	3	2090	1970	-20	0
		2	2040	1920	50	
		4	2410	2290	320	
		1	2060	1940	-350	
4	165	3	2060	1940	100	0
		2	2100	1980	-40	
		4	2350	2230	290	
		1	2000	1880	-350	

<sup>1</sup> Малков А.Г. Об оценке точности измерения превышений на станции геометрического нивелирования. ГЕО-Сибирь, 2009, V Междунар. науч. конгр., сб. материалов в 6 т., Новосибирск, 20–24 апреля 2009, Новосибирск, СГГА, 2009, т. 1, ч. 1, с. 82 – 84.

Dala sharoitida bir xil o'lovlarini amalga oshirib olingan chetlashish qiymati, nivelirlash bekatida va nivelirlash yo'lida o'lovlarining aniqligini tavsiflashi mumkin.

Bizning fikrimizcha, bu usul nivelirlash bekatida nisbiy balandlikni nivelir bilan o'lash jarayoni sezilarli soddalashtiradi, o'lov natijalarini nazorat qilish imkonini beradi va ularning samaradorligini, iqtisodiy maqsadga muvofiqligini oshiradi.

**Ўролова Дилшодабону Олимжон қизи (Ўзбекистон Журналистика ва оммавий  
коммуникациялар университети 1-босқич таянч докторанти; [dilshodabonu6@gmail.com](mailto:dilshodabonu6@gmail.com))  
ЁШЛАР АУДИТОРИЯСИ УЧУН МЎЛЖАЛЛАНГАН ҲУҚУҚИЙ МАТЕРИАЛЛАРНИНГ  
ЎРИТИЛИШИ: ҲОЛАТИ, МУАММОЛАРИ, ИСТИҚБОЛЛАРИ**

***Аннотация.** Ушбу мақолада оммавий ахборот воситаларида ёритилган ҳуқуқий материалларнинг ёшлар аудиторияси учун мўлжалланмаганлиги танқид остига олинган. Шунингдек, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш учун бу мавзудаги материаллар қандай бўлиши лозимлиги ҳақида фикрлар билдирилган.*

***Аннотация.** В статье критикуется тот факт, что правовые материалы, освещаемые в СМИ, не предназначены для молодежной аудитории. Также были высказаны комментарии о том, какие материалы по этой теме должны быть в целях повышения правовой культуры молодежи.*

***Annotation.** This article criticizes the fact that the legal materials covered in the mass media are not intended for a youth audience. There are also comments on what materials on this topic should be in order to improve the legal culture of young people.*

***Калим сўзлар:** ҳуқуқий маданият, ёшлар, журналист, оммавий ахборот воситалари, матбуот, телевидение.*

***Ключевые слова:** правовая культура, молодежь, журналисты, СМИ, пресса, телевидение.*

***Key words:** legal culture, youth, journalists, mass media, press, television.*

Оммавий ахборот воситаларида ҳуқуқий мавзуларни ёритиш ўз мураккаблигига эга. Агар у ёшлар аудиторияси учун тайёрланса, яна-да мураккаб жараёнга айланади. Бундан вазиятда журналистдан мавзунини яна-да содда тилда, ёшларга тушунарли тарзда баён этиш талаб этилади.

Эътироф этиш жоизки, ОАВда ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, бундай мавзудаги журналистик материаллар сон жиҳатдан катта кўрсаткични ташкил этмоқда. Бироқ уларнинг аксарияти ўта расмий тилда баён этилгани, жумлаларнинг ҳаддан зиёд мураккаблиги, матнда ортиқча гапларнинг кўплиги ҳам яққол кўзга ташланади.

Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш мақсадида тайёрланган журналистик материалларнинг юқорида таъкидланган камчиликлари боис аксарият ёшлар уларни ўқиш ёки томоша қилишдан бош тортишади. Қўпинча, ёшлар томонидан газета ҳамда журналларнинг сўнгги саҳифаларидан ўрин эгаллаган ҳажвиялар, мунажжимлар башорати ва шу каби содда баён этилган матнлар ўқилади, интерактив теле ва радио дастурлар кузатиб борилади. Демак, ҳуқуқий билимларни сингдиришда аудиториянинг ёши ва унинг саводхонлик даражасини ҳисобга олиш лозим.

Таниқли адиб, журналист ва олим Хуршид Дўстмуҳаммад шундай деб ёзади: “Журналист матбуот орқали, биринчи навбатда, халқ билан, ўз муштарийлари ва ўқувчилари билан мулоқотга киришади. Мулоқотга киришаётиб, ҳозирги тил билан айтганда, аудиторияни ҳисобга олмаслик барча саъй-ҳаракатларини чипакка чиқаради. Ҳақиқатдан ҳам, халққа етиб бормаيدиган матбуот сўзининг нафи бўлмайди”.<sup>1</sup> Демак, ёшлар масалалари билан ишловчи журналистнинг энг муҳим вазифаларидан бири – ёшлар ҳақида гапириш, ёшларга яқин муаммоларни кўтариш, ёшларга тушунарли сўзлар билан ёзишдир.

Юқоридаги фикрларни далиллаш мақсадида кичик ижтимоий сўровнома ўтказилди. Матбуотда акс этган мавзуга доир биргина жумла намуна тарзида олиниб, 160 нафар ёшлардан уни қандай тушунганлари сўралди. Жумла қуйидагича: “Ярашув ва хабиас корпус институтларининг жорий қилиниши, санкция бериш ҳуқуқининг прокуратура органларидан суд органларига ўтказилгани суд-ҳуқуқ тизими қиёфасини яна-да инсонийлаштирди”.

<sup>1</sup> Дўстмуҳаммад Х. Журналистнинг касб одоби муаммолари: назарий-методологик таҳлил. Монография, Т., “Янги аср авлоди”, 2007, 85-бет.

Сўровнома натижаларига кўра, иштирокчиларнинг атиги 12,5 фоизи (20 нафар катнашчи) айтилган фикрни тўғри таҳлил қилиб берди. Уларнинг 38 фоизи матннинг қисман мазмунини ифода қилаётган бўлса, 49,5 фоизи жумлани мутлақо тушунмади. Сўровнома натижаларидан хулоса шуки, бундай матнлар барча ёшларга тушуниши осон бўлиши учун соддароқ жумлалардан фойдаланишни тақозо этмоқда.

“Қисқалик – истеъдоднинг синглиси” (Чехов), “Ҳаёт, аслида, содда, биз уни мураккаблаштиришга уринамиз” (Конфуций), “Ҳаётнинг, тилнинг, одатларнинг соддалиги халққа куч беради. Уларни мураккаблаштириш эса халқни мағлубият сари етаклайди” (инглиз адиби Жон Рёскин) каби фикрлар қисқалик ва оддийликнинг нафақат ҳозирги давр журналистикасига, балки ҳаётимизга ҳам нечоғлик кераклигини кўрсатиб беради.

Яқинда Фавқуллода вазиятлар вазирлиги ахборот хизмати томонидан қуйидаги маълумотлар тақдим этилди.<sup>1</sup> “Биламизки, аудитория дастлабки эшитган ахборотига ишонади. Шу жиҳатдан олиб қараганда, биз воқеликни, иложи борича, тезроқ етказишга интиляпмиз. Бироқ негадир кўрсаткич ўзгармаяпти. Биз турли мақсадларни кўзлаб ноҳолис ахборот тарқатадиган манбалардан анча олдинроқ бўлиб ўтган воқеликни ёритишимизга қарамай, аудитория ФВВнинг расмий порталидан эмас, “Озодлик”, “ББС Ўзбек” сингари ноҳолис хорижий сайтлардан маълумотлар олишмоқда. Масалан, ўтган йили Сурхондарё вилоятида қор кўчиш хавфи юзага келган. Фавқуллода вазиятлар вазирлиги ходимлари аҳолини хавфли ҳудудлардан вақтида эвакуация қилишди, керакли буюмлар, озиқ-овқат билан таъминлашди. Берилган кўмак ҳақида ФВВнинг расмий сайтига биринчилардан бўлиб ахборот жойланди. Бироқ аҳоли орасида хориж сайтлари томонидан тарқатилган хабар оммалашди. Уларга кўра, аҳолига ҳеч қандай кўмак берилмаган эмиш. Бундай ҳолатда нима қилиш кераклиги бизни қаттиқ ўйлантирмоқда”.

Мазкур муаммонинг ечими, бир қарашда, мураккабдек туюлиши мумкин. Аммо миллий ва ўзбек тилидаги муҳолиф хорижий сайтларни кўздан кечириш ҳамда уларни ўзаро таққослаш давомида муаммо нимада экани дарҳол кўринди. Хорижий сайтларнинг ютуғи шундаки, маълумотлар расмий қолип асосида эмас, содда ва раво, ҳаммага тушунарли тарзда берилган. Расм ва видеороликлар тақдим этилган. Миллий сайтларимиз, хусусан, Фавқуллода вазиятлар вазирлигининг расмий сайти [www.fvv.uz](http://www.fvv.uz) да эса бунинг аксига гувоҳ бўлиш мумкин: барча янгиликлар бир хил, муайян қолип асосида тайёрланган, воқелик ўта расмий тилда баён этилган, расм ва видеороликлар деярли учрамайди. Шундай экан, хорижий сайтларнинг қўллаётган услубидан эзгу мақсадда уларга қарши ҳимоя воситаси сифатида фойдалансаккина, ҳукукий-демократик давлат қуришдек улуғ мақсадимизга эриша оламиз.

Кўплаб ОАВнинг ёшлар орасида оммалашиб кета олмаётганига сабаблардан яна бири уларнинг дизайнидир. Ёшлар психологик жиҳатдан гўзалликка интилувчан бўладилар. Улар бу ёшда нарса-буюмларнинг мазмун-моҳиятига эмас, ташқи кўринишига кўпроқ эътибор қаратадилар. Шунинг учун, ёшлар аудиториясига мўлжалланган ОАВ дизайни мукамал ишлаб чиқирилиши керак. Ранглардан тортиб шрифт тури ва ҳажмигача энг мақбулини танлаш яхши самара беради.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ёшлар аудиторияси билан ишлаш бўйича нафақат босма ва онлайн нашрлар, балки телевидение фаолиятида ҳам оқсаш кузатилмоқда.

Аслида, ижтимоий-ҳукукий ахборотни инсон онгига сингдириш, миллий-ҳукукий кадрларимизни шакллантиришда телевидениенинг роли беқиёсдир. Таниқли инглиз социологи Энтони Гидденс таъбири билан айтганда, “Британиялик болалар бир йил давомида телеэкран олдида мактабда ўтказилган 100 кунга тенг вақт сарфлайдилар. Тадқиқотлар кўрсатишича, воқеалар газета ва телевидениеда турлича ёритилса, телевизион версияга газетага нисбатан икки баравар кўпроқ одам ишонар экан”.<sup>2</sup>

Аслида, юртимизда ёшлар аудиториясига мўлжаллаб ташкил этилган телеканал мавжуд. “Ёшлар” телеканали Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, диний ақидапарастликнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1998 йил 26 мартдаги қарори асосида Ўзтелеерадиокомпания таркибида ташкил қилинган. Бироқ телеканал ўз аудиториясининг қизиқишлари, дунёқарашидан келиб чиқиб, материал

<sup>1</sup> Фавқуллода вазиятлар вазирлиги ахборот хизмати ходимларининг 2017 йил май ойида Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети Халқаро журналистика факультети талабалари билан учрашувидаги нутқи.

<sup>2</sup> Гидденс Э. Социология. Олий ўқув юртлари учун қўлланма. Тарж. Н.Маматов ва Ж.Бегматов. Тошкент, “Шарқ”, 2002, 489 – 490-бетлар.



тайёрламагани сабабли, унинг фаолияти кенг жамоатчилик томонидан танкид қилинди. Томошабинлар ижтимоий тармоқлар орқали “Ёшлар” телеканали ўз номига мутаносиб эмас, дея фикр билдиришди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 30 июнь куни ёшлар билан учрашувида “Ёшлар” телерадиоканали ўз имкониятларидан самарали фойдалана олмаётгани” таъкидланганди.<sup>1</sup> Шу муносабат билан, ушбу канал фаолияти кучайтирилди, унинг 50 фоиз акцияси Ўзбекистон Ёшлар иттифокига ўтказилди.

Тўғри, ўтган бир неча йил ичида телеканал ўз фаолиятини тубдан ўзгартирди, ёшларга хос дастурлар эфир юзини кўра бошлади. Бироқ хусусий телеканаллар ёшлар аудиториясини жалб этишда ҳали-ҳануз устунлик қилмоқда. Тижорий мақсадларни кўзлаб ташкиллаштирилган бу каналларни томоша қилиш ёшлар маънавиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу туфайли ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришни ўзининг асосий вазифаси сифатида белгилаган “Ёшлар” телерадиоканали ўз ғояларини сақлаб қолган ҳолда, тақдимотга креатив ёндашишни йўлга қўйиши лозим.

Президентимиз таъкидлаганларидек, “Аввало, қуруқ расмий гаплардан қочиш, танқидий таҳлил, креатив ёндашув, бугунги ҳаётни бутун кўлами, мазмуни, керак бўлса, мураккаблиги билан ёритишда журналистларимиз фаоллик кўрсатиши керак”.<sup>2</sup>

Ҳуқуқий нашрларда: расмийлик, ҳужжатлилик, аниқлик устуворлик қилади. Бунинг натижасида чоп этилаётган материалларда таъсирчанлик пасаяди. Аудитория расмий характердаги мақолаларни ижобий қабул қилолмайди. Демак, ҳуқуққа оид материалларни ёритишда журналист зиммасидаги энг муҳим вазифа – *ҳужжатларга асосланган аниқлик ва эҳтирослилик мувозанатига эришиши*дир. Бундан ташқари, журналист асарида сюжет қурилиши, касб одоби, аниқлик ва умумийлик уйғунлиги, ўхшатиш ва муболағаларни қўллаш маҳорати каби масалалар ҳам муҳим ўрин тутади.

Ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга кўмаклашувчи журналист юридик термин ва ибораларни, процессуал қонун меъёрларини нафақат тўғри қўллаши, ўзлаштириши, шу билан бирга, ҳуқуқий маърифат тарғиботчиси сифатида мазкур тушунчаларни кенг аудиторияга тушунарли қилиб етказиши зарур. Бироқ журналистларнинг ихтисослашуви, маҳорати, ҳуқуқий саводхонлиги, касб этикаси борасидаги мавжуд камчиликлар журналистик фаолият самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Таниқли журналист Норали Очилов миллий матбуот амалиётидаги бу каби камчиликларнинг сабабини куйидагича изоҳлайди: “...айрим йирик газеталаргина ҳуқуқ бўлимлари ва шу соҳага ихтисослашган ходимларга эга. Баъзи газеталарда эса фуқаролардан келаётган шикоят ва аризаларни ўрганиш учун мавзуга ихтисослашмаган хатлар бўлими ходимига ёки таҳририятдаги ишталган бошқа журналистга берилади. Баъзида бундай вазифа газетанинг вилоят муҳбири зиммасига ҳам юклатилади. Натижада, аксарият ҳолларда, “Ҳуқм” билан “Қарор”нинг “Ажрим” билан “Тақдимнома”нинг фарқига бормайдиган журналистнинг мақоласи газетада эълон қилинади. Кейин таҳририят ё тузатиш беришга мажбур бўлади ёки йўл қўйган хато учун судда тушунтириш беришига тўғри келади”.<sup>3</sup>

Дарҳақиқат, бугун матбуотда ҳуқуқий мавзуда ёритилаётган айрим мақолалар суд ҳукмини, ҳал қилув қарорини ёки адвокат шикоятини эслатади. Бунинг сабаби, аввало, журналистларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва ихтисослашуви билан боғлиқ бўлса, иккинчиси, мақолаларнинг манфаатдор шахслар томонидан тақдим этилган суд ҳужжатлари (ҳукм, ажрим, ҳал қилув қарори) асосида иш чуқур таҳлил этилмасдан тайёрланишидир.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Ўзбекистондаги энг катта ижтимоий қатлам – ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда жуда муҳим аҳамиятга эга. Ёшларга ҳуқуқий ахборотларни етказишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни етакчилик қилади. Бироқ, ОАВ ҳуқуқий мавзуларни ёритишда ёшлар аудиториясининг қизиқишлари, дунёқарашини ҳисобга олмаяпти. Шу туфайли:

<sup>1</sup> <https://kun.uz/uz/news/2017/07/01/savkat-mirzиеev-eslar-nasriet-ujini-taskil-etis-vakti-keldi>

<sup>2</sup> Ўша манба.

<sup>3</sup> Очилов Н. Журналистларнинг суд-ҳуқуқ соҳасига ихтисослашиши муаммолари. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг Ахборотномаси. Тошкент, 2004, 9-сон, 47-бет.

●биринчидан, ёшлар масалалари билан ишловчи журналистнинг энг муҳим вазифаси – ёшлар ҳақида гапириш, ёшларга яқин муаммоларни кўтариш, ёшларга тушунарли сўзлар билан ёзишдир;

●иккинчидан, ёшлар психологик жиҳатдан нарса-буюмларнинг мазмун-моҳиятига эмас, ташқи кўринишига кўпроқ эътибор қаратадилар. Демак, ёшлар аудиториясига мўлжалланган ОАВ дизайни мукамал ишлаб чиқилиши керак;

●учинчидан, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришни ўзининг асосий вазифаси сифатида белгилаган телеканаллар ўз ғояларини сақлаган ҳолда, тақдимотга креатив ёндашишни йўлга қўйиши лозим;

●тўртинчидан, юридик маълумотлар қандай бўлса, шундайлигича оммавий ахборот воситаларида тарқатилиши эмас, ихтисослашган журналистлар томонидан соддалаштирилиб оммага ҳавола этилиши керак;

●бешинчидан, ҳуқуқий ахборотларни қайта ишлаш жараёнида унинг мазмунига путур етказмаслик, юридик жиҳатдан хатоликларга йўл қўймаслик зарур.

**Каримова Нилуфар Умнатқул қизи (Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети**

**таянч докторанти; [lilyielte@mai.ru](mailto:lilyielte@mai.ru))**

### **КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ ЙЎНАЛИШИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ СОФТ СКИЛСНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ**

***Аннотация.** Мақолада корпоратив бошқарув йўналиши учун софт скилсни такомиллаштиришнинг хусусиятлари ҳақида сўз юритилади. Муаллиф софт скилс тушунчасини юзага келтирувчи тенденцияларни таҳлил қилиб, корпоратив бошқарув мутахассислари учун муҳим бўлган софт скилс турлари ва уларни такомиллаштиришда олий таълим тизимининг ўрнини ўтказилган тадқиқот натижалари орқали далиллайди.*

***Аннотация.** В статье рассказываются особенности совершенствования софт скилс для направления корпоративного управления. Автор анализируя тенденции, порождающие понятие софт скилс, доказывает, на основе результатов исследований, какие типы софт скилс важны для специалистов в области корпоративного управления, а также роль системы высшего образования в их совершенствовании.*

***Annotation.** The article discusses the features of improving soft skills for corporate governance. The author analyzes the trends that give rise to the concept of “soft skills”, and, based on the results of research, proves which types of soft skills are important for professionals in the field of corporate governance, as well as the role of the higher education system in their improvement.*

***Калим сўзлар:** софт скилс, корпоратив бошқарув, XXI аср кўникмалари, олий таълим тизими, меҳнат бозори, инсон капитали.*

***Ключевые слова:** софт скилс, корпоративное управление, навыки 21 века, система высшего образования, рынок труда, человеческий капитал.*

***Key words:** soft skills, corporate governance, skills of the 21<sup>st</sup> century, higher education system, labor market, human capital.*

**Кириш (Introduction).** Маълумки, “олий таълим” атамаси заминда иқтисод, фан, техника ва маданият соҳасида фаолият олиб борувчи, иш мобайнида илм-фан, маданият, техника янгиликларини қўллаган ва ўз устида ишлаган ҳолда, назарий ва амалий муаммоларни бартараф этувчи юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш тушунилади. Олий таълим битирувчилари олий маълумотли мутахассис сифатида меҳнат бозорига тўғридан-тўғри узатилади. Шу сабабли олий таълим тизими талабаларни зарур кўникмалар билан таъминлаш орқали жамиятнинг талаб ва эҳтиёжларига жавоб берадиган инсон капиталини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга.<sup>1</sup>

Таълим соҳасида илк бор америкалик олим Девей ўз ишларида таълим муассасаларини яхлит ёндашув асосида таълим беришга чақириб, ҳам жамият, ҳам шахс эҳтиёжларини ўзида акс эттирган қолипни кўрсатиб берди. Ўз замонасидан олдинда бўлган олим, гарчи айнан софт атамаси-

<sup>1</sup> Обшонка М.&Силберсен Р.К. (2015). The effects of work-related demands associated with social and economic change on psychological well-being: A study of employed and self-employed individuals. Journal of Personnel Psychology, 14, p. 22.

ни қўлламаган бўлса-да, таълим тизимини ўқувчиларнинг тўлақонли ҳаёт ва муваффақиятли карьера қуришга қодир, ҳар томонлама етук шахслар этиб тарбиялашга ундаган ва бунга ўқиб ёдланган билимлар ва тўғри ёки нотўғрилиқ қолипдаги баҳолаш тизими билан эришиб бўлмаслигини таъкидлаган.<sup>1</sup> Шу тариқа, олим ўқувчиларда бугунга келиб, XXI аср кўникмалари сифатида аталаётган фазилатларни такомиллаштириш ғоясини илгари сурган.

**Тадқиқот методологияси (Research Methodology).** Глобализация жараёни, тўртинчи саноат инқилоби дея тан олинаётган ишлаб чиқариш технологиялари, ахборот коммуникацион технологияларнинг ривожланиб бориши ишлашнинг янги шакллари юзага келиши, ишчи тузилмаларнинг қайта шаклланиши, хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиб боришига улкан ҳисса қўшди. Бу, ўз навбатида, меҳнат бозорига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Мазкур ўзгаришлар XXI аср жамиятида юқори даражадаги ижтимоий фаоллик, ўз фаолиятига ижодий, конструктив муносабатда бўла оладиган, юқори даражада таълим ва тарбия топган, касбий тайёргарлик ва маҳсус, шахсий, индивидуал, ижтимоий каби турли касбий компетенцияларга эга мутахассисларга талабни юзага келтирди. Бунда муқаддам этиборга олинмаган инсонпарварлик, глобал фуқаролик ҳисси, ташаббускорлик, тадбиркорлик, ностандарт фикрлаш қобилияти, ижодий изланиш, ижодий салоҳиятни амалга ошириш истаги каби софт скилс, бошқача қилиб айтганда, шахсий фазилатлар олдинги ўринга чиқарди. Энг ишга олувчиларнинг иш жойида боғлиқликнинг муҳимлигини ва мотивация, тиришқоқлик, мослашувчанлик каби кучли когнитив бўлмаган кўникмаларга эга ишчиларни ишга олишнинг муҳимлигини тушунишга ундайди.<sup>2</sup> Боғлиқлик тушунчасида ишчиларнинг биргаликда турли гуруҳ ва бўлимлар аро самарали ишлаши назарда тутилади. Олим ташкилотлар ўзгалар ҳақида ҳаққоний қайғурадиган, ҳамкорлик туза оладиган, соҳалараро ишлай оладиган ишчиларни ишга олишга мажбур эканлигини уқдириб ўтади.

Ўзбекистан Республикасида ҳам олий таълим тизимини ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқлари эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг мустаҳкам интеграциясини таъминлаш асосида таълим сифатини яхшилаш, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, илмий ва инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида, 2019 йилда “Олий ва ўрта маҳсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4391-сонли қарори ижроси юзасидан олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси ишлаб чиқилди. Концепцияда узоқ истикболдаги мақсадли вазифалардан келиб чиқиб, олий таълим тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ўз аксини топган. Қарор олти та йўналишни ўз ичига олади. Уларнинг иктаси эса бевосита тадқиқот ишимизнинг долзарблилик даражасини кўрсатишга хизмат қилади:

- олий таълим билан қамровни кенгайтириш, олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш;
- юқори малакали мутахассислар тайёрлаш жараёнига кадрлар буюртмачиларини фаол жалб этиш.


Кўриниб турганидек, Концепция замон талабларидан келиб чиққан ҳолда, олий таълим тизимини ислоҳ қилиш, ўқитиш сифатини эътиборни дозарб соҳаларга қаратган ҳолда оширишни кўзда тутди. Бундан, албатта, корпоратив бошқарув йўналиши мутахассислиги ҳам мустасно эмас.

**Таҳлил ва натижалар (Analysis and results).** Ҳар бир мутахассислик учун энг зарур бўлган софт скилсни аниқлаш, таълим жараёнида талабаларда уларни такомиллаштириб боришга эришиш учун мазкур соҳанинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли корпоратив бошқарув йўналиши мутахассислари учун софт скилснинг аҳамияти, мавжуд олий таълим тизимининг бу борадаги самарадорлик даражасини аниқлаш каби масалалар ҳақида сўз юритишдан олдин битирувчиларнинг меҳнат фаолияти олиб бориш соҳаларини аниқлаб олдик. Тошкент Давлат Техника университети, Наманган Муҳандислик-қурилиш институти, Тошкент Давлат Иқтисодиёт университетларида олиб борилган битирувчиларнинг иш билан таъминланганлик тўғрисидаги маълумотларини таҳлил қилиш натижасида корпоратив бошқарув йўналиши битирувчиларининг қуйидаги соҳаларда фаолият олиб бораётгани аниқланди.

<sup>1</sup> Девей Ж. (1902). The child and the curriculum. Chicago, IL, University of Chicago Press.

<sup>2</sup> Дипа С. & Сез М. (2013). Do soft skills matter? Implications for educators based on recruiters' perspective. IUP Journal of Soft Skills, 7(1), p. 237.

## Корпоратив бошқарув йўналиши битирувчиларнинг фаолият соҳалари



**1-расм. Корпоратив бошқарув мутахассисларининг ишга жойлашиш контингенти.**

Жадвалдан кўринадики, корпоратив бошқарув йўналиши битирувчиларнинг аксарият қисми тижорат банклари, хўжалик бирлашмалари, қўшма ва хорижий корхоналар, ассоциациялар, концерн ва уюшмаларда фаолият олиб бормоқдалар.

Бундан келиб чиққан ҳолда, мазкур соҳаларда фаолият олиб бораётган мутахассисларни тадқиқотимизга жалб этдик. Навбатдаги мақсадимиз олий таълимни тамомлаб, ўз меҳнат фаолиятини бошлаган, бир неча йиллик тажрибага эга корпоратив бошқарув мутахассисларидан ва муассаса раҳбарларидан сўровнома орқали энг муҳим софт скилсни аниқлаб олиш бўлди. Бу мақсадни амалга ошириш учун сўровнома қатнашчиларимиздан халқаро ташкилотлар ва олимлар томони-

дан софт кўникмалар сифатида энг кўп эътироф этилаётган 15та софт скилсдан ўз соҳаларидаги муҳимлилик даражасига кўра, энг муҳим бештасини белгилаш сўралди. Мазкур сўровнома натижалари куйидагиларни акс эттирди: айнан шу кўникмаларга меҳнат тажрибасига эга респондентларимиз бирламчи муҳим кўникмалар сифатида баҳо беришган.

Софт кўникмалар	Мутахассислар ва муассаса раҳбарлари
Жамоада ишлаш	1
Мулоқот кўникмаси	4
Ижодий фикрлаш	3
Танкидий фикрлаш	2
Вақтни самарали бошқариш	5

## 2-расм. Софт скилснинг мутахассислар томонидан энг кўп юқори овозларни тўплаган турлари.

Натижалардан кўриниб турганидек, берилган жамоада ишлаш, ижодий фикрлаш, мақсад кўйиш ва унга эришиш йўллари ишлаб чиқиш, вақтни самарали бошқариш, таҳлилий фикрлаш, мулоқот кўникмаси, муаммоларни ҳал қилиш, танкидий фикрлаш, бошқарувчилик кўникмаси, мослашувчанлик, масъулиятлилик, қарор қабул қилиш, ташкилотчилик, профессионализм, ўз-ўзини таҳлил қилиш (ўз имконият ва камчиликларини баҳолай олиш), ўз-ўзини (ўз хулқ-атвор ва ҳиссиётларини) бошқариш, хайрихоҳлик (ўзгаларнинг ҳис-туйғуларини англаб тушуниш) каби софт скилсдан юқорида келтириб ўтилганлари корпоратив бошқарув йўналиши учун муҳим эканлигини кўрсатади.

Кейинги саволимиз орқали мутахассисларимиз ўз софт кўникмаларининг ривожланганлик даражасини қандай баҳолашларини аниқлаш мақсадида “Иш фаолиятингизда софт кўнималаринингизнинг етишмаслиги ёки етарли даражада ривожланмаганлиги сиз учун қийинчилик туғдирганми?” шаклида берилди. Мазкур саволга респондентларимизнинг

- 17% “Йўқ. Софт кўникмаларим етарли даражада ривожланган, деб ҳисоблайман”.

- 42% “Ҳа. Ҳали ҳам қийинчилик туғдиради”.

- 6% “Йўқ. Софт кўникмаларга деярли эҳтиёж сезмаганман”.

- 35% эса “Дастлабки вақтларда кўп қийинчилик бўлган, аммо иш жараёнида уларни қисман ривожлантиришга эришдим”, деган жавобни белгилашган.

Натижалардан шу нарса аён бўладики, бир неча йиллик иш тажрибасига эга бўлишларига қарамадан, респондентларимизнинг атиги 17% ўз софт кўникмаларининг даражасидан қониқишади. 35% қатнашчиларимиз эса фаолиятларининг дастлабки босқичларида бу билан боғлиқ қийинчиликларга дуч келганликларини ва доимий зарурият туфайли уни қисман бўлса-да, ривожлантиришга муваффақ бўлганликларини кўрамыз. 42%, яъни респондентларимизнинг қарийб ярми учун эса мазкур масала ҳанузгача оғриқли нуқта бўлиб, меҳнат жараёнида қийинчилик туғдириши маълум бўлди.

Сўровноманинг навбатдаги саволи орқали респондентларнинг софт кўникмаларни ривожлантиришда томонларнинг (олий таълим муассасаси, иш берувчи ташкилот, мутахассис) масъулиги ҳақидаги фикрларини билишга ҳаракат қилдик. Берилган жавобларга кўра, куйидаги натижаларни олдик.

Чизмадан кўринганидек, респондентларнинг юқори яъни 49% софт кўникмаларни ривожлантириб боришда барча бўғинлар бирдек масъул деган жавобни билдиришган. Натижаларнинг қувонарли жиҳати шундаки, мутахассисларимиз софт кўникмаларни ривожлантириб боришда айнан бир томонга масъулиятни юклаш фикридан йироқ ва мазкур вазифани амалга оширишда барча томонлар ўзига хос ўринга эга эканлиги, шунингдек, мутахассисларнинг ўзи ҳам бирдек жавобгар эканлигини тушуниб етадилар.

Сўровномамизнинг кейинги саволи олдинги саволимиз билан бевосита боғлиқ бўлиб қатнашчиларимиз олий таълим тизимининг бўлажак мутахассислар софт кўникмаларини ривожлантириб боришдаги фаолиятини қандай баҳолашига қаратилган. Ушбу саволга респондентларимизнинг 9% ОТМлари талабаларнинг софт кўникмаларни ривожлантиришда самарали фаолият олиб бормоқда деб жавоб беришган бўлса, 27% ОТМларида софт кўникмаларни ривожлантиришга, умуман, эътибор қаратилмайди, деган жавобни беришган. Қолган 64% респондентлар эса софт кўникмаларни ривожлантиришга эътибор берилади, аммо етарли даражада эмас, дея жавоб бериб,

унинг баъзи ўқитувчиларнинг, айрим ҳолларда, олиб бориладиган машқлари билан чегараланганлигини таъкидлашган. Натижалардан кўриниб турганидек, ОТМ корпоратив бошқарув йўналиши



битирувчилари меҳнат фаолиятида софт кўникмаларнинг аҳамиятини тушунган ҳолда ОТМларида бўлажак мутахассисларда мазкур кўникмаларни ривожлантириш даражасини қониқарсиз дея баҳолашади. Қатор респондентларимизнинг изоҳларидан келиб чиққан ҳолда, шуни айтишимиз мумкинки, талабаларда софт кўнималарни ривожлантириш эҳтимолий вазиятларда амалга оширилади, яъни баъзи ўқитувчилар талабаларда мазкур кўнималарни такомиллаштириб боришга аҳамият берган ҳолда дарс жараёнини турли машқлар билан бойитадилар. Аммо мазкур ҳолатлар ўқитувчининг бевосита ихтиёрий ташаббуси билан амалга оширилади ва фақатгина шу ўқитувчининг талабаси бўлишга муваффақ бўлган “омадли” талабаларгагина насиб этади. Афсуски, айнан ана шундай иқтидорли ўқитувчилар билан юз берадиган эҳтимолий вазиятлар ҳам тизимли равишда амалга оширилмайди, ривожлантириш жараёни узлуксиз олиб борилмайди. Муайян дарс жараёнида ўқитувчи томонидан софт кўникмаларнинг қайсидир турлари қамраб олинса, кейинги икки дарсда мазкур кўникмаларни такомиллаштиришга эътибор берилмайди. Чунки юқорида таъкидлаганимиздек, мазкур вазифа таълим жараёнининг узлуксиз қисми сифатида эмас, балки ўқитувчининг ўз иштиёқ ва ташаббуси натижасида олиб борилганлиги сабабли, бевосита ўқитувчининг хоҳиш ва истакларига боғлиқ бўлади. Ўқитувчи ўз кайфияти, тайёргарлиги, дарс шароитидан келиб чиққан ҳолда, софт кўникмаларни дарс жараёнига интеграция қилади ёки бошқа аксарият ўқитувчилар каби дарс материални етказиш билангина чекланади.

**Хулоса (Conclusion).** Олиб борган диагностик хусусиятга эга сўровномаларимиз орқали корпоратив бошқарув мутахассислиги учун софт кўникмаларнинг ўрни ва аҳамияти, респондентларимиздаги мазкур кўникмаларнинг ривожланганлик даражаси ҳамда уларни ривожлантириш билан боғлиқ йўналишлар бўйича фикр-мулоҳазаларини билиб олишга муваффақ бўлдик. Сўровномаларнинг эса икки томонлама, яъни талабалар ва меҳнат фаолиятига қамраб олинган мутахассислар билан олиб борилиши таҳлил учун яна-да объектив маълумотларни тўплашга замин яратди.

**Исмаилов Икрамжон Анваржонович (Наманган Муҳандислик-технология институти  
Ижтимоий фанлар кафедраси ўқитувчиси; [ikismoilov@vandex.ru](mailto:ikismoilov@vandex.ru))  
ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАРНИ ОЛИЙ ТАЪЛИМГА ЖАЛБ ҚИЛИШ БОРАСИДАГИ  
ИСЛОХОТЛАР**

**Аннотация.** Мақолада Ўзбекистон Республикасида сўнги йиллардаги олий таълим тизими-ни ривожлантиришига қаратилган чора-тадбирлар натижасида амалга оширилаётган ижобий ўзгаришлар ҳамда бу соҳада мавжуд бўлган муаммолар ҳақида фикр юритилган. Хусусан, бунда асосий эътибор республика ёшларини, таълим муассасаларининг битирувчиларини олий таълимга қамраб олишни кенгайтиришига қаратилган ислохотлар таҳлил қилинган.

**Аннотация.** В статье рассматриваются позитивные изменения, происходящие в Республике Узбекистан в результате мер, направленных на развитие системы высшего образования в последние годы, а также существующие проблемы в этой сфере. В частности, анализ сосредоточен на реформах, направленных на расширение охвата молодежи страны, выпускников учебных заведений в высших учебных заведениях.

**Annotation.** The article is devoted to the positive changes taking place in the Republic of Uzbekistan as a result of measures aimed at developing the higher education system in recent years, as well as the existing problems in this area. Particularly, the analysis focuses on reforms aimed at expanding the coverage of youth and graduates of educational establishments of the country to higher education.

**Калим сўзлар:** Ўзбекистон Республикаси, олий таълим, олий таълим муассасаси, фармон, концепция, квота, битирувчи.

**Ключевые слова:** Республика Узбекистан, высшее образование, высшее учебное заведение, указ, концепция, квота, выпускник.

**Key words:** Republic of Uzbekistan, higher education, higher educational establishment, Decree, Concept, quota, graduate.

XXI асрга келиб дунё мамлакатларининг ривожланиш ҳолати ва келажагига баҳо берилганда бу давлатларнинг табиий ер ости ва ер усти бойликларидан келиб чиқиб эмас, балки инсон капиталига йўналтирилаётган сармоянинг салмоғи ва бу ишларни самарали ташкил қилинганлигига қараб баҳо берилмоқда. Бу борада энг ишончли йўл эса ёшларни сифатли таълим олишлари учун етарли бўлган шарт-шароитларни яратиб бериш ҳисобланади. Иқтисодиётнинг турли тармоқларини замон талабларига жавоб берадиган олий маълумотли мутахассис кадрлар билан таъминлаш таълим тизимининг юқори босқичи бўлган олий таълим тизимининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Чунки жамиятимизда олий маълумотга эга, юксак малакали мутахассислар қанча кўп бўлса, ривожланиш шунча тез ва самарали бўлади.<sup>1</sup>

Ўзбекистон мустақилликни қўлган киритгандан сўнг, жамият ҳаётининг барча соҳаларида бўлгани каби, олий таълим тизими ҳам ўзгаришлар ва ривожланиш йўлини босиб ўтди. Миллий таълим тизимининг меъёрий-ҳуқуқий асослари яратилди. Олий таълим тизimini молиялаштиришнинг янги усулда, яъни бюджет ва шахсий маблағлар ҳисобидан амалга ошириш йўлга қўйилди. Абитуриентларни олий таълим муассасаларига ўқишга киришида уларнинг билимига ҳолис баҳо берувчи миллий тест тизими амалиётга жорий қилинди. Олий маълумотли мутахассис кадрларни бакалавр ва магистратура босқичидан иборат икки босқичли тизим асосида кадрлар тайёрлашга ўтилди.

Мустақилликнинг дастлабки 25 йилида республика олий таълим тизимида амалга оширилган ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда, соҳада ўз ечимини қутаётган баъзи муаммолар ҳам мавжуд эди. Бу муаммоларнинг асосийларидан бири ёшларни олий маълумот олишга бўлган интилишларини чекланганлиги ва давлат томонидан қатъий белгиланган миқдор асосида шакллантирилган квоталар асосида олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш амалиётига йиллар давомида риоя қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2018 йил якунлари ва 2019 йилда амалга оширилиши керак бўлган устувор вазифалар юзасидан Олий Мажлисга қилган Мурожатномасида қуйидагиларни таъкидлади: “Ўзбекистонда олий ва ўрта махсус таълим масканлари битирувчиларини олий таълим билан қамраб олиш ўтган даврда 9–10 фоиз даражасида бўлиб келаётган эди. Сўнги икки йилда қўрилган чора-тадбирлар туфайли, биз бу рақамни 15 фоиздан

<sup>1</sup> <https://uza.uz/uz/posts/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyevning-oliy-28-12-2018> (30.12.2018)



оширишга эришдик. Лекин бу ҳали етарли эмас. Чунки дунёдаги ривожланган давлатлар тажрибасига қарайдиган бўлсак, бу кўрсаткич уларда 60–70 фоизни ташкил этади”.<sup>1</sup>

Дарҳақиқат Ўзбекистонда ёшларни олий таълимга қамраб олиш кўрсаткичининг пастлиги оқибатида аҳолининг олий маълумотли бўлган қатлами сони камайди. 1991 йилда республика аҳолиси 20 миллионни ташкил қилган бўлса, 2016 йилга келиб, 30 миллионга етди. Шунга мос ҳолатда аҳолининг олий маълумотли қатлами сони ортиши лозим эди. Лекин бундай бўлмади, аксинча, республика бўйича олий маълумотли аҳоли сони камайди. Масалан, 1991 йилда республикада ҳар 10000 аҳолига 26 та олий маълумотли мутахассис тўғри келган бўлса, 2000 йилга келиб, бу кўрсаткич 13 тани ташкил этган ва 1991 йилга нисбатан 50 фоизга қисқарган. 2016 йилда бу кўрсаткич 20 тани ташкил қилди.<sup>2</sup> Юқорида келтирилган рақамларга эътибор қаратилса, 1991 йилдан то 2016 йилгача республикада олий маълумотли мутахассис кадрлар сони 23,0%га камайганлигини кўришимиз мумкин. Бу камайишга ёшларни олий таълим билан қамраб олиш кўрсаткичларини оширилмаганлигини сабаб қилиб келтириш мумкин. Ўзбекистонда олий маълумотли мутахассис кадрлар сонининг камайиши, ўз навбатида, соҳалар бўйича олий маълумотли мутахассис кадрлар етишмовчилигига ҳам сабаб бўлди.

2017 йилга келиб, жамият ҳаётининг барча соҳаларида бўлгани каби, олий таълим тизимида ҳам кенг ислохотлар амалга оширишга катта эътибор қаратилди. Бунда республика олий таълим тизимидаги мавжуд муаммоларни аниқлаган ҳолда уларни ҳал қилишга қаратилган чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқилиб босқичма-босқич амалиётга жорий этиш асосий вазифалардан бири қилиб белгиланди. Бу соҳадаги энг асосий ҳал қилиниши лозим бўлган вазифалардан бири бу ёшларни олий таълимга қамраб олиш кўрсаткичларини ошириш орқали битирувчиларни олий таълим олишга бўлган интилишларини рўёбга чиқариш, бошқа томондан эса республиканинг ижтимоий-иқтисодий соҳаларида олий маълумотли кадрларга бўлган талабни қондиришга эътибор қаратилди.



Изоҳ: Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги расмий веб сайти. (<https://www.edu.uz/uz/pages/enrollment-plan>) 9.12.2020 й. <http://www.erasmusplus.uz/images/shared/file/TAM%2014/4%20MHSSE%20Ulugbek%20Khodiev.pdf> (10.12.2020).

Хусусан, сўнгги йилларда бу соҳада амалга оширилаётган ислохотларга эътибор қаратсак, умумий ўрта таълим, касб-ҳунар таълим, академик лицей битирувчиларини олий таълим олишга бўлган интилишларини рўёбга чиқариш мақсадида босқичма-босқич равишда олий таълимга қабул квоталарининг ошириб борилаётганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Масалан, республика бўйича ОТМларига ёшларни қабул қилиш квоталарига эътибор қаратсак, 2018 ўқув йилида талабаларни қабул қилиш 2017 йилга нисбатан 30%га, 2016 йилга нисбатан эса 62,4% га оширилди.<sup>3</sup> Бу ҳақида қуйидаги жадвалда батафсил маълумотлар келтирилган.

<sup>1</sup> <https://uza.uz/uz/posts/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyevning-oliy-28-12-2018> (30.12.2018)

<sup>2</sup> Хошимов Ў.Қ. Мустақиллик йилларида Фарғона водийси вилоятларида таълим соҳасидаги ўзгаришлар. Тарих фан. бўйича фалсафа док. (PhD) ...дисс., Тошкент, 2020, 115-бет.

<sup>3</sup> ЎЗР ОЎМТВ ЖА. 12.12.2018. №89-02-3735-сонли хати, 1-варақ.



Юқоридаги таққослашдан кўриш мумкинки, 2016-2017 ўқув йилида олий таълим муассасаларига 57907 та абитуриент талабалikka қабул қилиниши белгиланган бўлса, 2020-2021 ўқув йилига келиб бу рақам 150375 ни ташкил қилди. Бу кўрсаткич 2016 йилга нисбатан 2020 йилда 159,6% га ошди. Бу, ўз навбатида, ўқувчиларни олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш кўрсаткичининг 9–10% дан 25 фоизга ошишига имкон яратди.

Шу ўринда олий таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг бир жиҳатига алоҳида эътибор қаратиш лозим, яъни 2016/2017 ўқув йилидаги республикадаги мавжуд олий таълим муассасаларининг моддий-техник базаси 2020/2021 ўқув йилида олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабалар контингенти ва қабул квоталари талабларига тўлиқ жавоб бермас эди. Шундан келиб чиқиб, республика олий таълим тизимида янги ихтисосликлар бўйича мутахассислар тайёрлашни йўлга қўйиш билан бир қаторда, нафақат республика пойтахтида, балки вилоятларда ҳам янги олий таълим муассасалари ва мамлакатнинг етакчи олий таълим муассасалари филиаллари, шу билан бирга, хорижий олий ўқув юрглари фаолиятини йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилди.



Изох: <http://www.erasmusplus.uz/images/shared/file/TAM%2014/4%20MHSSE%20Ulugbek%20Khodiev.pdf> (10.12.2020), <https://edu.uz/uz#universs> (9.12.2020). Ўзбекистон Республикаси Ш.Мирзиёевнинг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли фармони. <https://edu.uz/uz#universs> (9.12.2020)

Хусусан, агар мустақилликнинг дастлабки йилларида, яъни 1991 йилда Ўзбекистонда 52 олий таълим муассасалари фаолият юритган бўлса, 2017 йилга келиб, уларнинг сони 77 тага етди.<sup>1</sup> Яъни, шу 26 йил вақт мобайнида мамлакатда олий таълим муассасалари сони 25 тага кўпайди. Бироқ бу ҳолат аҳоли сонининг ўсиши ва ёшларни олий таълим олишга бўлган интилишларига мос равишда бўлмади. Натижада биз юқорида келтирган ҳолатлар, яъни ёшларни олий таълимга камраб олиш чекланди. Сўнгги йилларда битирувчи ўқувчи-ёшларнинг олий таълим олиш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирлар нафақат республикада мавжуд олий таълим муассасаларга қабул қилиш квоталарининг оширилиши ҳисобига, балки янги олий таълим муассасалари ва уларнинг жойлардаги филиалларини очиш ҳисобидан ҳам амалга оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу ҳақида қуйидаги жадвалда батафсил маълумот келтирилган.

Юқоридаги жадвалда кўриш мумкинки, 2016–2017 ўқув йилида республикада 77 та олий таълим муассасаси фаолият юритган бўлса, 2020 йилнинг декабрь ойи ҳолатига кўра, олий таълим муассасаларининг сони 122 тага етди. Яъни, шу йиллар давомида Ўзбекистонда олий таълим

<sup>1</sup> <http://www.erasmusplus.uz/images/shared/file/TAM%2014/4%20MHSSE%20Ulugbek%20Khodiev.pdf> (10.12.2020)

муассасалари сони 45 тага кўпайди. Таққослаш учун шуни келтириш мумкинки, 1991–2016 йиллар давомида республикада олий таълим муассасалари сони 48% га (25 та) ўсган бўлса, 2017–2020 йиллар давомида Ўзбекистонда олий таълим муассасалари сони 58,4% га (45 та) кўпайди. Республикада олий таълим муассасалари сонининг ортиши нафақат маҳаллий институт, университет ва уларнинг жойлардаги филлалари ҳисобига, балки дунёнинг ривожланган давлатларининг етакчи олий таълим муассасалари ва уларнинг филиалларини республикада фаолиятини йўлга қўйиш ҳисобига ҳам ортди. Хусусан, 2017 йилга қадар республикада хорижий олий таълим муассасалари ва уларнинг филиаллари сони 7 тани ташкил қилган бўлса, 2020 йилга келиб, уларнинг сони 22 тага етди. Бу, ўз навбатида, республика олий таълим тизимининг халқаро стандарларга интеграциялашувига хизмат қилиш билан бир қаторда, ёшларга дунё талабларига жавоб берадиган олий маълумотли мутахассис кадр бўлиб етишишлари учун яратилган кенг имкониятдир.

Хулоса қилиб таъкидлаш лозимки, сўнгги йилларда республика таълим тизимининг ҳар бир босқичида ислохотларни амалга оширилиши натижасида катта ўзгаришлар юз берди. Бундай ижобий ўзгаришларни олий таълим тизимида ҳам кузатиш мумкин. Биргина республика ёшларини олий таълим олишга бўлган интилишларини қондиришга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрда “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли фармони қабул қилинди. Фармонга биноан, республика олий таълим тизимида бир қатор устувор вазифаларни амалга ошириш белгиланди. Булардан энг асосийларидан бири бу олий таълим олиш истагида бўлган ёшларни олий таълимга қамраб олиш, 2030 йилга бориб, 50% га етказиш кўзда тутилди. Шундан келиб чиқиб, олий таълим тизимини яна-да ривожлантириш учун қуйидагиларни тақлиф қиламиз:

- ёшларни олий таълим муассасаларига кириш учун топшириладиган имтиҳонларни, имкон қадар, соддалаштириш ва олий таълим муассасаларидаги курсдан-курсга ўтиш босқичларини халқаро стандартлар асосида ташкил этиш;

- сифатли таълим беришнинг электрон тизимини яратиш;

- талабалар ва профессор-ўқитувчиларнинг эркин ҳаракатланишига шарт-шароит яратиш;

- янги нодавлат таълим муассасаларини ташкил этиш орқали битирувчиларни олий таълимга қамраб олиш даражасини ошириш.

**Самандарова Нилуфар Кодировна (УрДУ ўқитувчиси)**  
**ФРАНЦУЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДАГИ ДИРЕКТИВ ФЕЪЛЛАРНИНГ ЛИСОНИЙ**  
**ХУСУСИЯТЛАРИ**

***Аннотация.** Ушбу мақолада француз ва ўзбек тилларидаги муайян маконда йўналтирилган директив феъллар хусусида гап боради. Йўналтирилган ҳаракат координациясида иштирок этувчи объект ҳаракатланувчи ёки таъсирни қабул қилувчи ҳаракатларга ажралиши, бу хусусият эса ҳар икки хил тил ички структурасида бир хил хусусият касб этиши мисоллар ёрдамида очиб берилган.*

***Аннотация.** В данной статье речь идёт о директивных глаголах в локуме во французском и узбекском языках. Разделение объекта наблюдается в координации под влиянием директивного движения и это свойство проявляется во внутренней структуре обоих языков, все эти явления иллюстрированы языковыми примерами.*

***Annotation.** This article highlights about the directive verbs denoting place in French and Uzbek languages. Using examples, it is explained that an object participating in the coordination of a directed action is divided into moving or accepting actions and this feature acquires the same feature in the internal structure of both languages.*

***Калим сўзлар:** макон, локум, объект, предмет, ҳаракат, директив, йўналтирилган ҳаракат, типология, лексик-семантик чегара, лексик-семантик гуруҳ.*

***Ключевые слова:** пространство, локум, объект, предмет, действие, директив, директивное действие, типология, лексико-семантическая граница, лексико-семантическая группа.*

***Key words:** space, object, subject, action, direct, direct action, typology, lexical-semantic border, lexical-semantic group.*

Лингвистик типология мунтазам ривожланиб борувчи ҳозирги замон тилшунослигининг истиқболли соҳаларидан бирига айланган. Сўнгги йилларда типологик тадқиқотлар чегараси кескин кенгайиб, унинг хусусияти ва йўналиши хилма-хил бўлган типологик изланишлар соҳаларини камраб олди.

Турли тизимга мансуб бўлган тилларнинг изчил қиёсланиши типологик тадқиқотларнинг илмий ва амалий қимматининг ортишига, типологик тадқиқотлар соҳасидаги хилма-хил йўналишда бўлган тадқиқотларнинг самарадорлиги ошишига ижобий таъсир этди.

Йўналтирилган ҳаракат тушунчаси семантик хусусият касб этиб, тушунча категориялари доираси билан боғланади. Шунингдек, йўналтирилган ҳаракат тушунчаси категориал хусусият касб этиб, нутқдаги ифодаси учун лексик ҳамда синтактик сатҳларга мансуб ифода воситаларини талаб этади.

Нутқда ушбу категория ифодаси учун хизмат қилувчи тил бирликлари структураси хилма-хил бўлиб, миқдорий хусусият касб этади. Шу боисдан қиёслаш француз ва ўзбек тиллари ўртасидаги ўзаро хослашган тил бирликларининг меъёрий, миқдорий қирраларини муфассал очиб беришга хизмат қилади.

Хуллас, йўналтирилган ҳаракатни ифодаловчи тил номинациялари ўз ифодасини феълларда, феъл билан боғланиб келаётган объектли ва ҳолли бирикмаларда топади. Шу жиҳатдан йўналтирилган ҳаракат категорияси лексик-синтактик хусусият касб этади.

Йўналтирилган ҳаракатни англатувчи феълларнинг йўналиш хусусияти локум ва объектга нисбатан координациялашади. Локум ва объект йўналиш хусусиятини ойдинлаштириш мазмунини очиб бериш учун хизмат қилади.

Локум – бу макон ёки предмет бўлиб, унга нисбатан йўналтирилган ҳаракат хусусияти аниқланади. Локум сифат ва миқдор хусусиятини касб этади. Масалан, “Самолёт 35 гектарли майдонга келиб қўнди”, “Найза деворга санчилди”.

Предметнинг локум билан мантиқий боғланиш жараёни локализация ҳодисасини юзага келтиради. Одатда, локум макондаги жойни англатади: **ўрмон, пахтазор, бедазор, ўтлоқ, шаҳар, тепалик** ва бошқалар.

Йўналтирилган ҳаракат координациясида иштирок этувчи объект ҳаракатланувчи ёки таъсирни қабул қилувчи ҳаракатларга ажралади. Мисоллар келтираемиз: *Бола туздонни отасига узатди. Ғазабланган меҳмон консьерж юзига мушт туширди.*

Бу ҳолат ҳар икки хил тил ички структурасида бир хил хусусият касб этади:

*Француз тилида:* Et prenant la fleur de cassie qu'elle avait à la bouche, elle **me lança** d'un mouvement du pouce, juste entre les deux yeux (P. Mérimée. Nouvelles. Carmen. p. 507).

*Ўзбек тилида:* У оғзидаги акас гулини олиб, менга қараб **чертиб юборди**, гул қаншаримга келиб тегди (П. Мериме. Новеллалар. Кармен. 33-бет).

*Француз тилида:* Elle **partit** pour Rouen; le lendemain dimanche, afin d'aller chez tous les banquiers dont elle connaissait le nom (G. Flaubert. Mme Bovary. Troisième partie. p. 412).

*Ўзбек тилида:* Эртасига яқшанба куни Эмма Руанга **кетди** ва ўзи билган ҳамма банкирларнинг уйига бирма-бир кириб чикди (Г. Флобер. Бовари хоним. Учинчи қисм. 325-бет).

*Француз тилида:* Charles **piqua** la peau: on entendit un craquement sec. Le tendon était coupé, l'opération était finie (G. Flaubert. Mme Bovary. Deuxième partie. p. 258).

*Ўзбек тилида:* Шарль терига пичоқ **санчди**, шитир этган товуш эшитилди. Пай қирқилди. Операция тугади (Г. Флобер. Бовари хоним. Иккинчи қисм. 195-бет).

Йўналтирилган ҳаракат икки босқичли бинар оппозиция кўрсаткичига эга, маконга йўналтирилганлик – объектга йўналтирилганлик, ўз навбатида, бинар оппозиция асосида транзитив йўналтирилганлик кўрсаткичларига ажралади. Ушбу оппозиция кўрсаткичлари *jeter – lancer – couper – trancher – s'en aller – venir* феъллари ҳамда *отмоқ – улоқтирмоқ – кесмоқ – чопмоқ – кетмоқ – келмоқ* каби йўналтирилганлик ҳаракатни англатувчи феъллар семантик оппозициясида намоён бўлади.

Йўналтирилганлик категорияси ҳам лексик, ҳам синтактик хусусиятларни ўзида акс эттирувчи тил категорияси ҳисобланади. Мисол келтираемиз:

*Француз тилида:* Lui faire peur, secria-t-il tout à coup en **jetant** le livre au loin (Stendhal. Le Rouge et Le Noir, p. 440).

*Ўзбек тилида:* Юрагига доимо ғулғула солиб турмоқ керак! – дея хитоб қилди у бирдан кўлидаги китобни бир четга улоқтирар экан (Стендаль. Қизил ва Қора. 410-бет).

Ушбу қиёсий мисолда француз тили йўналтирилганлик ҳаракати *en jetant le livre au loin* бирикмасида ўз ифодасини топган бўлса, ўзбек тилида эса *қўлидаги китобни бир четга қараб улоқтирар экан* бирикмасида намоён бўлади. Француз тилида йўналтирилганлик категорияси ўз ифодасини *jeter* феъли ҳамда *au loin* семантемасида топади. Синтактик жиҳатдан эса йўналтирилганлик кесим, объект ва ўрин ҳоли ўзаро муносабатида юзага келади.

Оппозицияга солиб таққослаш жараёни икки босқичли бўлиб, биринчи босқич йўналтирилганлик ҳаракатни англатувчи феълларнинг лексик-семантик чегарасини фарқлаш учун хизмат қилса, иккинчи босқич йўналтирилганлик ҳаракатни англатувчи лексик-семантик гуруҳларга мансуб феълларнинг ички семантик хусусиятларини очиб бериш учун хизмат қилади. Зеро, йўналтирилганлик ҳаракатни англатувчи феъллар семантик жиҳатдан маконда йўналтирилганликни (*jeter, lancer, tirer, rouler, aller, venir, arriver, partir, entrer, sortir*) ҳамда объектга йўналтирилганликни (*totaliser, réunir, couper, trancher, casser, arracher*) ифода этади.

Лексик-семантик жиҳатдан ушбу феъллар учта лексик-семантик гуруҳни қамраб олади: а) директив феъллар; б) катнов феъллари; в) объектга йўналтирилган феъллар.

Оппозиция асосида бўлақларга ажратиш маъно семалари таҳлили асосида ўтказилди ва унинг замирида оппозиция бўлақларининг семантик дифференцияси аломатларини очиб бериш ётади. Бинобарин, сўзнинг семалар<sup>1</sup> таркиби изоҳли луғатлар талқини маълумотларига суянган ҳолда ажратилган.

Сема тушунчаси остида бошқа бўлинмайдиган минимал элементар маъно англашилади. Ҳар бир сўзнинг семантик структураси муайян семалар таркибидан ташкил топиб, алоҳида семантема кўринишида яхлитлашади. Йўналтирилган ҳаракатни англатувчи феъллар семантик структурасидаги семалар мажмуаси ушбу феъллар семантемаларининг ўзига хослигини, имманент хусусиятини белгилайди.

Маъно компонентлари таҳлили, сўзларнинг лексик-семантик гуруҳи, семантик майдон<sup>2</sup> назарияси йўналтирилган ҳаракатни англатувчи феъллар семантик таснифини очиб беришда алоҳида ўрин тутади. Мақолада қуйидаги илмий фараз олға сурилади, яъни инвариант хусусият касб этувчи ҳаракатни англатувчи феъллар, мазмун ҳамда ифода планлари уйғунлигида нутқда намоён бўлиб, тилда ифода воситалари вариативлигини шакллантирувчи хусусият касб этади.

Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ушбу вариативлик нутқ вазияти, маъно ва шаклни қамраб олган коммуникатив яхлитликни тақозо этади ҳамда ситуатив, инвариант, ковариант муносабатлардаги тил бирликлари аналогиясини юзага келтирувчи омил даражасига кўтарилади. Одатда, нутққа кўчган ҳаракат англатувчи феъллар ўзига хос тиллар қуршовида намоён бўлади ҳамда зарурий ифода бирликлари валентлигини талаб қилади. Шу жиҳатдан феъл семалар доираси ва таркиби синтактик муносабатга киришувчи бирликлар доирасида орта боради.

Хулоса қилиб айтганда, ҳаракат англатувчи феълларнинг ифода потенцияси хусусида тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш учун унинг синтактик қуршовини ўрганиш заруриятини тақозо этади. Айниқса, қиёсланаётган тиллардаги ушбу феълларнинг меъёрий жиҳатларини очиб бериш тиллар одатларига хос қирраларини аниқлаш алоҳида аҳамият касб этади.

**Абдиримова Интизор Комиловна (Тошкент вилояти Чирчиқ Давлат Педагогика институти Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси)**

### **АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИДА БАРКАМОЛ ИНСОН ВА МУКАММАЛ ЖАМИЯТ ТАСВИРИ**

*Аннотация. Ушбу мақолада баркамол инсон, мукаммал жамият тушунчалари буюк мутафаккир шоир Алишер Навоий адабий меросининг бош мавзуси эканлиги, шоир қаламига мансуб асарларда ёрқин лавҳалар орқали акс эттирилган Одам ва Олам камолоти ҳақида фикр юритилган.*

<sup>1</sup> О.С.Ахманова ва бошқалар. Основы компонентного анализа слова. М., 1969; М.Д.Степанова. Методы синхронного анализа лексики в современном немецком языке. М., 1968; С.Ульманн. Семантические универсалии. «Новое в лингвистике», вып. V, М., 1970; А.Ж.Креймес. Sémantique structurale. p. 1966; В.Роттер. Linguistique générale. p. 1974; А.Саважот. Le portrait du vocabulaire français. p. 1964.

<sup>2</sup> Г.С.Щур. Теории поля в лингвистике. М., 1974.

**Аннотация.** В статье рассматривается концепция гармоничного человека и совершенного общества, которая является основной темой литературного наследия великого мыслителя и поэта Алишера Навои, совершенство Человека и Вселенной, отраженное в творчестве поэта яркими набросками.

**Annotation.** The article examines the concept of a harmonious man and a perfect society, which is the main theme of the literary heritage of the great thinker and poet Alisher Navoi, the perfection of Man and the Universe, reflected in the poet's work with vivid sketches.

**Калим сўзлар:** баркамоллик, инсон, камолот, онг, илм-маърифат, эстетик идеал, дунёқараиш, мукамаллик, одамийлик.

**Ключевые слова:** гармоничность, человек, зрелость, сознание, просвещение, эстетический идеал, мировоззрение, совершенство, человечность.

**Key words:** perfection, man, maturity, consciousness, enlightenment, aesthetic ideal, worldview, humanity.

Инсоният пайдо бўлган даврдан бошлаб ўзини ва олами тадқиқ қилишга, табиат қонуниятларига бўйсунган ҳолда жамиятни ҳам мувозанатда ушлаб туришга ҳаракат қилади. Турли дунёқарашлар, умуминсоний ва миллий қадриятлар замирида, аслида, мукамаллика интилиш ғояси туради. Бу мақсаднинг яққол намоён бўлишини биз бадиий адабиёт намуналарида кўришимиз мумкин. Минг йиллик тарихга эга халқ оғзаки ижоди намуналари, шарқ ва ғарб даҳоси ҳосиласи ўлароқ, яратилган бой адабий мерос, аслида, Одам ва Олам инкишофига бағишланган.

Ўрта Осиёга ислом динининг кириб келиши, унинг замирида майдонга келган тасаввуф ғоялари, сўфийлар илгари сурган ва интилган маснад, аслида, комиллик, софлик, самимийлик орзуларининг фалсафий мушоҳадалари эди.

Эстетиканинг муҳим категорияси – идеал, аввало, онг шаклидир. Одатда, унга ҳиссий билиш тўғрисидаги фан деб баҳо берилган. Демак, идеал ҳам ижодкор онгида анланган жараёнлар маҳсули. Ташқи муҳитдан қабул қилинган ахборотлар унинг бадиий тафаккурида таҳлил қилиниб, яна-да мукамал шаклда инъикос этади. Ҳали мавҳум, амалга ошмаган орзулар тизимида ижодкорнинг ижтимоий-эстетик идеали яширинган бўлади. Насрий асарларда эстетик идеал, албатта, бадиий образлар воситасида тасвирланади. Идеал қаҳрамон – бу тўлақонли бадиий образдир. Ижодкор тафаккурида шаклланган ғоялар, гўзаллик, нафосат, замонавийлик ва шу каби ўлчамлар инсоният бугуни ва келажакга хизмат қилувчи эстетик идеални яратишда иштирок этади. «Энг олий эстетик қимматлар амалий, ахлоқий, маърифий ва хусусий эстетик қимматларнинг ёнида турадиган моҳият эмас, у мазкур қимматларнинг яхлитлигидан ташкил топади». Яъни, мукамалликни таъмин этувчи бу хилдаги шартлилик бирлашмасидан бадиий асарда тимсол образ ҳосил бўлади. Ўзига хос бетакрор характер – моҳиятнинг образи сифатида инсоннинг иқтисодий, сиёсий, маънавий камолоти масалалари ечимида иштирок этади. Дарҳақиқат, ижодкор ғояни реал воқеликнинг ўзидан эмас, балки моҳиятидан олгани сингари, қаҳрамонларга ҳам реал одамларнинг у ёки бу жиҳатларини олиши мумкин. Воқеалар ривож, мақсади, орзу-идеалларини қай тарзда ифодалаш унинг ихтиёрида. Масалан, тарихий романларда акс этган ижтимоий-эстетик иделлар илгари содир бўлган ҳодиса ёки муайян халқ қаҳрамонини айнан такрорламайди. Аслида, бунинг иложи ҳам йўқ. Негаки, ижодкор ёритмоқчи бўлган масала ёинки шахс фаолиятини бевосита кўзатган эмас. Қолаверса, ҳаётда идеал шахснинг мавжуд бўлиши ҳам, ҳақиқатдан, бирмунча йироқ.

Шундай экан, санъаткор ўзлаштирган факт орқали тасаввур ҳосил қилади, бадиий идрок, илҳом манбаи билан уни «жонлантиради». Бунда ҳам воқелик – содир бўлганнинг асли сақланиб қолса-да, амалда асар воқелиги ва уни ҳаракатлантираётган қаҳрамонлар ёзувчининг замондошлари ҳамда ижтимоий муҳити руҳини бериши мумкин. Одатда, асардаги бундай қаҳрамонлар мукамал идеал образнинг гўзал хислат ва хатти-ҳаракатини, ҳолатини яна-да равшанроқ намоиш қилиш учун кўзгу вазифасини ўтайди.

Мана шундай мукамаллик орзуси Алишер Навоий адабий меросининг бош мавзуси ҳисобланади. Насрий, назмий, фалсафий асарларининг барчасида Одам ва Олам камолати ҳақида сўз боради. Навоий ижоди туркий адабиётнинг энг юксак чўққисидир, чунки ҳеч ким унга қадар бу тилда бунчалик кўп ижод этмаган эди. Навоий барча халқларнинг энг буюк шоирдир, чунки у ўзини туркий қавмларнинг бир адабий тил байроғи остида бирлаштирди, “яққалам” қилди.

Шоир Алишер Навоий умуминсоний тарбия соҳасида бир бутун асар яратмаган бўлса ҳам, ўзининг умуминсоний тарбия тўғрисидаги фикрларини турли илмий ва адабий асарлари билан

бирга бадий асарларида баркамол инсон образини яратиш йўли билан баён этди. Навоий илм-маърифатни кадрлаган ва унга ҳомийлик қилиш билан бирга, инсоннинг маънавий камолотини, аввало, унинг илм ва дониш соҳиби бўла олганлигида деб билади. Илм ўзидан-ўзи бўлмайди, киши фақат ҳавас ва иштиёқ билангина илмга эга бўла олади, деб ҳисоблайди. Алишер Навоий инсонга, биринчи навбатда, ҳаётдаги амалига қараб баҳо беради. Уйғоқ қалб соҳиби наздида, ҳар қандай ҳолатда ҳам тўғри сўзни айта олган, ҳақиқат тарафида туриб ҳаракат қилган кишигина инсон номига муносиб бўлиши, аксинча, шароитга қараб ўзгаравериш, ўз шахсиятини асраб, ҳақ гапни айтишдан кўркиш – бу имонсизлик белгиси эканлигини айтиб ўтади. Алишер Навоий илм ўрганишга интилишни инсон камолотини таъминлаш учун хизмат қилувчи энг зарур фазилатлардан бири деб билади. Илмни инсонни, халқни нодонликдан, жаҳолатдан қутқазувчи омил сифатида таърифлайди. Шоир илм ўрганишни ҳар бир кишининг инсоний бурчи дея эътироф этиб, илм ўрганишдан мақсад ҳам халқнинг фаровон, бахтли-саодатли ҳаёт кечирешини, мамлакатнинг обод бўлишини таъминлашга ҳисса қўшишдир, дея таъкидлайди. Билимли ва доно кишилар ҳаммаша ўз халқининг манфаати ҳамда мамлакатининг равнақи йўлида фаолият олиб боришларига ишонади.

Унинг асарларида илм-маърифат, меҳр-оқибат, инсонийлик каби масалалар марказий ўринни эгаллайди. Шоир олим аҳлини кадрлайди, улуғлайди. Олимларга таъзим қилиш – пайғамбарга таъзим қилиш билан баробар эканлигини таъкидлайди.

Алишер Навоийнинг илм-маърифат, таълим-тарбия масалаларидаги фикрларида инсонпарварлик ғоялари бош ўринда туради. Алишер Навоийнинг фикрича, инсон дунёда ҳаммадан юксак, азиз ва кадрлидир. Шунинг учун Ҳазрат Навоий комилликка элтувчи йўлнинг, энг аввалида, илм-маърифат туришини таъкидлайди. Дарҳақиқат, инсонни бошқа яратилардан фарқлаб турадиган, улуғ ва азиз қиладиган фазилатлардан бири, шубҳасиз, илмдир. Инсон илм орқали ўзини танийди, ёмонлик ва зулмдан ҳазар қилади, иймони комил бўлгани сари, ўзи ҳам баркамоллик касб этиб бораверади. “Қуръони карим”да илм сўзининг 751 марта қўлланилганини алломалар кўп бора таъкидлайдилар. Алишер Навоий ҳам буюк истеъдод ва камолот намунаси сифатида илмни жуда кўп тарғиб қилди. Масалан, “Ҳайрат ул-аброр”, “Маҳбуб ул-қулуб” асарларида кишиларни илм олишга ундаса, “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Садди Искандарий”, “Лисон ут-тайр” асарлари орқали илм соҳиби бўлган бадий қаҳрамонларнинг турли синов ва муаммолар қаршида илми, қатъий саботи билан енгилмаганлигини тараннум этади. Қолаверса, “Назм ул-жавоҳир” асарида ҳам мукамал инсон ва етук жамиятга эришиш ғояларини илгари сурган ҳолда, ҳазрат Алининг илми тўғрисидаги ҳикматларини рубоий оҳанглари орқали ўқувчига маҳорат билан етказиб беради. Бу рубоийларда одамларни жаҳолатдан, ғафлат комидан халос бўлишига ундайди. Ҳаёт мазмунини, одамийлик моҳиятини англаган ҳолда, Инсон деган шарафга лойиқ бўлмоқлик учун илм заруратини қайта-қайта эслатади.

*Ким бор эса Ҳақга хок даргоҳлиги,  
Илм ортуққим, ики жаҳон шоҳлиги,  
Олам фисқиди бордур огоҳлиги,  
Оми киши зуҳди бўлди гумроҳлиги.<sup>1</sup>*

Рубоийнинг мазмуни шундаки, шоир “ким Ҳақ даргоҳи хоки бўлмоқни, Яратганни танимоқни истаса, илмга рағбат қилсин”, деган қарашлар акс этган. Нафақат диний билимлар, балки дунёвий билимлар ҳам ҳаётимизнинг беазабига, чиройли турмушга сабаб бўлишини бошқа асарларида ҳам кенг ёритади. Масалан, Фарҳод образи орқали тараннум этилган касб-хунур ҳам, аслида, бир илмдир. Фарҳод шоҳнинг фарзанди бўлишига қарамай, бутун сарой измида бўлса-да, ўзини қандайдир кемтик ҳис қилди. Кези келганда, бу кемтикликни сангтарошлик, рассомлик ва бошқа илмлар бироз бўлса-да, тўлдирди. Энг асосийси, мана шу илму ҳунар орқали ўз мақсади сари дадил йўл топа олди.

*Ким олим эса нуктада барҳақ де они,  
Гар базм тузар беҳишти мутлақ де они,  
Ҳар кимсада йўқ илм анга аҳмақ де они,  
Мажлисдаги илм бўлса, учмақ де они.*

Демак, нуктадон воизлик ҳам, мажлисларнинг нафосати ҳам, базмларнинг фазилати ҳам олим одамлар билан гўзал бўлар экан. Сўз санъати ҳам бир илм эканлигини, инсонлар эътибори ва

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз, Т., “Ўзбекистон”, 2016, 154-бет.

этирофи, мазлумлар дардига малҳам бўлиш ҳам, энг аввало, чиройли одобга сабаб бўлган илм шарофатиданлигини шоир бетакрор ифода этган. Шунингдек, юқоридаги рубойда тазод санъати ҳам қўлланилган бўлиб, илми ва нодон кишилар қаршилантирилган. Доно одамнинг барча каломи ибратга, бошқаларга хузур етказишга қартилган бўлса, нодон, илмсиз киши эса ақли йўқ кабир, деган хулоса чиқарилади. Асарда бу каби мисоллар жуда кўп.

Алишер Навоийнинг ўлмас фикрлари, орзу-мақсадлари асрлар давомида инсон ва жамият комиллиги учун хизмат қилиши, шубҳасиз. Алишер Навоийнинг яқин дўсти бўлган Ҳусайн Бойқаро ҳам улуғ шоирни этироф этиб, жумладан, шундай деган эди: *“Мир Алишер турк тилининг ўлган жасадига Масиҳ нафаси ила руҳ-жон киргизди.. У ҳар бир шеър тури майдонига топқир отини сурар экан, ўша мамлакатни тил қиличи бирла ўзига тобе этди. Унинг назмини мақташга тил нуқсонли, қалам ожиздир ва бу кун назм дунёсининг рубъи маскуниди қаҳрамондурур ва ул зотни бу мамлакатни қўлга киритган соҳибқирон деса бўлур”*.

Олис юлдузларнинг нурлари улар сўнганидан кейин ҳам минг-минг йиллар мобайнида она еримизга ёғилиб туради. Алишер Навоий ҳам буюк даҳолар сафидан мустаҳкам ўрин олиб, ўзбек номини жаҳонга машхур қилиб, она халқимиз тимсолига айланди. Бобомизнинг уммон каби бепоён ижодидан ҳар ким ўз истеъдодига яраша баҳраманд бўлади. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, учинчи Ренессансга қадам кўяётган бугунги кунда Алишер Навоийга бўлган эҳтиром миллат таракқиётига бўлган муносабатнинг асосий пойдевори сифатида асрлар оша миллат маънавиятининг кўеши бўлиб порласин.

**Jumayev Ruzokul Xoliqulovich (Buxoro davlat universiteti o‘qituvchisi)**  
**SADRIDDIN AYNINING “ESDALIKLAR” ASARIDA OYKONIM TURLARINING**  
**QO‘LLANISHI**

***Annotatsiya.** Muallif S.Ayniyning “Esdaliklar” oykonimlarini qurilish jihatidan oddiy, sun’iy, murakkab va frazotoponimlarga bo‘lib o‘rganishni ta’kidlaydi.*

***Аннотация.** Автор обращает внимание на изучение простых, искусственных, сложных фразотопонимов в произведении С.Айни «Воспоминания» с точки зрения построения ойконимов.*

***Annotation.** The author emphasizes the study of S.Ayni’s “Memories” in terms of simple, artificial, complex and phraseotonyms in terms of construction.*

***Kalit so‘zlar:** toponim, oykonim, ergonim, xoronim, agronomiya, polionim, komonim, urbanonim, kompleks, tuzilish, so‘z birikma-toponim, til, tarkib, toponimlar, foydali, go‘zal yerlar, qadimiy, sinonim.*

***Ключевые слова:** топонимы, ойконимы, эргонимы, хоронимы, агрономия, полионим, комоним, урбаноним, комплекс, строение, словосочетание-топоним, язык, состав, топонимы, полезно, красивые земли, древний, синоним.*

***Key words:** toponym, oikonym, ergonym, khoronim, agronomy, polyionym, comonym, urbanonym, soda, sokhta, complex, toponym phrase, language, structure, toponyms, useful, beautiful land, ancient, synonym.*

Badiiy asarni muayyan makonga nisbat bermay tasavvur etish qiyin. Hatto, lirik janrning ham makoni bor. Bu makon aniq biror yer bilan bog‘lanmasa-da, qalbdan chiqqan so‘zning manzili juda bo‘lmaganda insonning ko‘nglidir.

Badiiy proza esa o‘ziga xos bo‘lib, unda voqea hodisa muayyan manzil-makon bilan, albatta, bog‘lanadi. Hatto voqeabandlik (sujet) asotiriy makonda ro‘y berishi ham mumkin. Biroq, eng muhimi, badiiy asarning mazmuni bog‘langan makon albatta biror nom bilan ataladi. Bu makon nomi “Chambil bel”mi, “Alamazon”mi, “Avesto”dagi “Xvanirata”mi, Maxmurning “Hapalak” qishlog‘imi, “Buxoroning jin ko‘chalari”mi, Marg‘ilon yoki Toshkentmi – xullas, joy nomlari har qanday badiiy asarning jon tomiri, uning mazmuni, tutib turuvchi ustuni, sinchidir.

Badiiy asarda joy nomlaridan, ularning asar talabidan kelib chiquvchi tarixiy yoki mahalliy shakllaridan ustalik bilan foydalanish yozuvchining nafaqat badiiy mahoratidan, balki o‘zi yoritayotgan hayotiy vaziyatning butun borlig‘i, ichki mazmunidan, unda ishtirok etuvchi unsurlarning tabiatidan chuqur xabardorligidan dalolat beradi. Ustoz S.Ayniyning “Esdaliklari” ham O‘rta Osiyo xalqlarining XIX asr oxiri va XX asr boshlaridagi turli voqealarni o‘z ichiga olgan biografik asarlardan biri bo‘lib, bu voqealarni aks ettirishda O‘rta Osiyo xalqlarining tarixiy joylari eslatib o‘tilgan. Shunga ko‘ra, biz asarning geografik xususiyatlarini lingvistik nuqtayi nazardan ko‘rib chiqishga va ularning xususiyatlarini aniqlashga

qaror qildik. Oykonimlar yordamida aholining qadimiy xo'jalik yuritish shakllari, ishlab chiqarishning yetakchi tarmoqlari, qazib olingan foydali qazilma joylari, o'tmishdagi karvon yo'llari, rivojlangan hunarmandchilik turlari, xalqlarning tarqalish areali kabi masalalarga oydinlik kiritish mumkin.

Oykonimlar joy nomlari doirasida alohida guruhni tashkil etadi. Oykonim grekcha "oykos" – uy ma'nosini anglatadi. Aholi punktlari va uning ichki bo'linishlari – qishloq, qo'rg'on, ovul, mahalla, guzar, ko'chalar nomi oykonim deb yuritiladi. Oykonimlarning o'ziga xos xususiyatlari sifatida shuni aytish lozimki, joy tarixiga oid ba'zi ma'lumotlar oykonimlarda yaxshi saqlanib qolgan. Aholining o'tmishdagi etnik tarkibi – qaysi urug', qabila, qavm, toifaga mansubligi, iqtisodiy turmush sharoiti – qanday kasb-hunar bilan shug'ullanganligi, shuningdek, obyektning biron kishiga qarashlilikini ifodalovchi oykonimlar fikrimizning dalilidir.

Tadqiqotchilar oykonimlarni turar joylariga qarab quyidagi guruhlarga ajratishgan:

*Komonim* – har qanday qishloqning atoqli oti; *Polionim* – har qanday shaharning atoqli oti; *Urbanim* – shahar ichidagi maydon, ko'cha, bozorning nomi. *Ergotoponim* – muassasa korxonasi va fabrikalar nomlari to'plami; *Xrematonim* – madaniy va ma'rifiy hayot bilan bog'liq ismlar to'plami; *Xoronim* – kasbga oid ko'chalar va joylarning nomlari to'plami.

S.Ayniyning «Esdaliklar» asaridagi oykonimlarni quyidagi guruhlarga ajratish mumkin: a) *polionim*; b) *komonimlar*; d) *urbanimlar*; e) *agronimlar*; f) *xrematonimlar*; g) *ergotonim*.

**a) Polionimlar** oykonimlarning ajralmas qismi bo'lib, poly-shahar +onimiya – nomdan tarkib topgan va shahar nomlarini bildiradi. Ko'rib chiqilgan asarda muallif tarixiy voqealarni aks ettirish uchun quyidagi shahar nomlaridan foydalangan: Buxoro (2.16, 17, 31, 32, 52, 70, 86, 93, 105, 106, 108, 109, 117, 118, 121, 124, 126, 130, 133, 146, 147, 149, 150, 152, 153, 156, 157, 158; 2-qism: 159, 160, 161, 162, 163, 164, 165, 167, 170, 171, 173, 174, 177, 179, 180, 182, 195, 196, 198, 199, 201, 207, 209, 218, 220, 234, 247, 252, 260, 261, 271, 307, 309), *Samarqand* (128, 161, 162, 163, 194, 195, 196, 197), *G'ijduvon* (9, 30, 70, 74, 89, 93, 103, 112, 115, 151), *Shofirkon* (9, 17, 25, 30, 67, 68, 69, 71, 80). Buxoro, Samarqand, G'ijduvon, Shofirkon polionimlari hanuzgacha shu shaklda ifodalanadi va qadimiy shaharlarning nomi sifatida qaraladi. Asar tarkibida ushbu polionimlarni o'z ichiga olgan ayrim misollarni keltiramiz: Yog'och yo'nishda va yog'ochga qabartama va o'yma naqshlar solishda *Buxoro shahrida* ham u kabi ustalar kam topiladi derdilar [35]. Bu orada mulla Turob yana bir marta *Samarqandga* borib keldi [194]. Bizning xatib bir kuni *G'ijduvon* bozorida shunday chilimlardan uchtasini sin-dirib tashlabdi [112]. Uning gapiga ko'ra, *Shofirkon* tumanining xalqi o'tgan yil o'z tashabbusi, o'z ku-chi bilan qum bosgan eski rudni ochmoqchi bo'lipti [67];

**b) Komonimlar** oykonimning ajralmas bir qismi bo'lib, qishloq nomlari ma'nosini bildiradi (komo – qishloq+onimiya – nom.). Muhokama qilinayotgan asarda muallif tarixiy voqealarni tasvirlash uchun quyidagi qishloqlar nomlaridan foydalangan: *Dehnavi Abdullojon* (Dehnav) (29, 223), *Boloi Ro'd* (27), *Ro'baho* (72,75), *Qaraxoni* (25,75), *Tezguzar* (29,221, 223), *Bog'i Afzal*, *Qarayag'och*, *Muhammad Boqi*, *Qochixo'ron* (29), *Yalangi* (118), *Dahbed* (128), *Tagi Qo'rg'on* (150), *Mahalla* (152, 218), *Galaosiyo* (226), *Karki* (232), *Xariz* (223, 230), *Rozmoz* (229), *Gulobiyon* (48), *Bozorcha* (248, 252). Keltirilgan komonimlardan *Dehnavi Abdullojon*, *Bog'i Afzal*, *Muhammad Boqi* antrokonimlar guruhiga taalluqli bo'lib, komonimlarning tuzilishida kishilarning nomi qatnashgan. *Tezguzar*, *Darveshobod*, *Obekanda*, *Sayidkent*, *Dahbed*, *Jo'gixona*, *Galaosiyo*, *Galajo'y* murakkab komonimdan tarkib topib, ikki juz'dan iborat. *Tabariyon*, *Ro'boh*, *Qaraxoni*, *Karki*, *Yalangi*, *Bozorcha* soxta komonimlar qatoriga kiradi. Sodda komonimlar tarkibida *Burkut*, *Mahalla* arabcha *G'arbut* turkcha.

*Dehnavi Abdullojon*ning shimol tomoni, *Muhammad Boqi* qishlog'ining bir qismi va *Kochixo'ron* qishlog'i butunlay qum ostida qolgan (29). Bugun *Istamze* bilan *Mahallai Boloni* sug'oramiz. Ertaga ro'dning suvi *Dehnavgacha* boradi... Hashar *Mahallai Bolo* qishlog'ining janubidagi "Ro'bohho" (Tulki-lar) qishlog'iga kelgan ekan (72,76). Biz *Mahallai Bolo* qishlog'ining shimolida bo'lgan *Boloi Ro'd* qishlog'iga yetdik (27). Biz Qoqyovonining oxirida *Qoraxoni* qishlog'iga yondosh bo'lgan bobomning bog'iga borib etdik (25). U bir necha kundan beri *Tezguzar* qishlog'ida bironing binokorlik ishida ishlar edi (29). *Bog'i Afzal* va *Tezguzar* qishloqlarining bog' va ekinzorlari, *Qarayag'och* qishlog'i ekinzorlari, *Dehnavi Abdullojon*ning shimol tomoni, *Muhammad Boqi* qishlog'ining bir qismi va *Kochixo'ron* qishlog'i butunlay qum ostida qolgan (29). Xo'jalar *Dahbed* qishlog'iga borib, to'yxonaga tushganlar (128)... *Mahalla* degan qishloqqa Buxorodan mehmon kelgan ekan (152)...shahardan sakkiz kilometr uzoqlikda bo'lgan *Galaosiyo* degan manzilga yetdik (226). Biz Childuxtaronidan o'tib *Xariz* degan joyga yetdik (223). Biroq o'g'rilar bu ishdan xabardor bo'lgan ekanlar, soliq karvoni *Rozmoz* qishlog'iga yetganda yo'lni to'sib, amlakdor odamlarini mag'lub etib, naqd pulni va tortiq qilish uchun olib borilayotgan nar-



salardan bir qismini olib ketganlar (229). Bizning qishlog‘imiz – Bozorchada Nasim degan eshakchi bor edi (252);

**d) Urbonimlar** polionimlarning ajralmas qismi bo‘lib, shahar ichidagi xiyobon va mahallalarning nomini anglatadi (urb. – “shahar” va onim – nom). Asarda muallif tarixiy voqealarni aks ettirish va qiziqarli obraz yaratish uchun quyidagi urbonumlardan foydalangan: *Bozorxo‘ja* (124), *Kemuxtgaron* (124), *Ja‘farxo‘ja* (205, 210), *Degrizon*, *Ximchagaron*, *Kalobod* (210), *Ko‘chai Sangin*, *Xoja Zayniddinm Hammomikunjak*, *Siddiqxon*, *Tagi Manor* (262). Akalarim uch kun joy izlab yurib, *Bozorxo‘ja* nomli guzardan bir joy topdilar (124). Biz *Kemuxtgaron* nomli mahallaga kelganimizda akam muzlagan qorda toyilib yiqildi, xum sindi, ko‘mir sochilib yer bilan bitta bo‘ldi (124). Ahmad Maxdum, asosan, o‘zining *Ja‘farxo‘ja* mahallasidagi hovlisida turar... (205). *Degrizon*, *Ximchagaron*, *Kalobod* va boshqa mahallalardan o‘tib, *Ja‘farxo‘ja* mahallasiga yetdik (210). U tor ko‘cha bilan *Ko‘chai Sangin*, *Xoja Zayniddinm Hammomikunjak* va *Siddiqxon mahallalari orqali*, *Tagi Manor* va G‘o‘za bozoriga chiqib, u yerdan Mir Arab madrasasiga kirdik (262);

**e) Agronomlar** oykonimlarning ajralmas qismi bo‘lib, shahar va qishloqlardagi dala, maydon va ekinzorlarning nomini anglatadi (agros – dala, ekinzor, bog‘ va onim – nom). Asarda muallif tarixiy voqealarni aks ettirish va qiziqarli obraz yaratish uchun quyidagi agronimlardan foydalangan: *Sari Puli Eshon* (Eshonko‘prik, 116), *Registon* (2.234, 235, 236, 237, 238, 239, 240, 243, 244, 245, 246, 247, 254, 256, 261, 262, 263, 264), *Naddoflik rastasi* (261). Bizning qishloqdan ikki kilometr narida, Zarafshon daryosining ko‘prigi boshida *Sari puli Eshon* (Eshonko‘prik) degan bozorcha bor edi (116). ...*Registon* maydoniga bostirib kira boshladilar... (244). Biz *Naddoflik* rastasidan o‘tib, to‘qimado‘zlik hammomiga yaqinlashganimizda, hammomning oldida ikki tomonidan kelayotgan odamlarning to‘planganlarini va o‘zaro shovqin-so‘ron va janjal qilayotganlarini ko‘rdik (261);

**f) Ergotonimlar** oykonimlarning bir bo‘limi bo‘lib, muassasa, kompaniya, korxonalar, klublarni yaratishda yoki shakllantirishda rol o‘ynaydigan bir guruh odamlar nomlari to‘plamidir. Ushbu toponimik atama yunon tiliga mansub va *ergo* – “mehnat”, “faoliyat” va onimiya – ismdan iborat bo‘lib, muassasa, korxonalar, zavod va fabrika nomlari to‘plamini ifodalaydi: *Miri Arab* [118, 121, 123, 124, 177, 179, 180, 182, 184, 185, 186, 188, 190, 195, 196, 198, 199, 200, 202, 205, 210, 213, 216, 234, 248, 261, 262, 266, 268]: Men *Miri Arab* madrasasida kunda uch dars o‘qirdim (179). *Badalbek* madrasasida turadigan mulla Bozorning oldida o‘qishga kirishdim (180). Men bu fursatdan foydalanibm chavkiyni tomosha qila boshladim: chavkiy madrasa sahni bilan *Masjidi Kalon* – katta masjid orasidagi bir chuqur maydonchada bo‘layotgan edi (119). *Boloyi Hovuz* (236, 247): *Boloyi Hovuz* binosining devori ostida ham arqon sotiladigan do‘koncha bor edi (247). *Ja‘farxo‘ja madrasasi*: Buxoro madrasalarining eng serdaromadi *Ja‘farxo‘ja madrasasi* edi (163). *Zargaron* toqi toqi ostidan, *Zargarlik* rastasidan, *Ulug‘bek Mirzo* madrasasi oldidan o‘tib, *Ja‘farxo‘ja* mahallasiga etdik (210). *Ko‘kaldosh* (234, 265). ...Zohid qori *Ko‘kaltosh madrasasida* ko‘p hujraning egasi bo‘lib, uning ustiga sudxo‘rlik ham qilar ekan (264). *Xiyobon* (madrasa): ...uning *Xiyobon* madrasasida, mulla Turob degan hamqishlog‘i bilan turgani ma‘lum bo‘ldi (268). *Dorushshifo* (madrasa) (235, 236), 238, 240): ...*Dorushshifo madrasasi*, *Registon* maydoni va *Poyanda* jome‘ning g‘arb tomonlaridan o‘tib ketardi (236). *Xonayi Ka‘ba*: Hoji Zokir gapirardi. Makkada *Xonayi Ka‘baga* qanday kirganini so‘zlardi va arab shayxlaridan naql qilib, “*Xonayi Ka‘baga* kirgan odam hamma gunohlaridan pok bo‘lib, onadan yangi tug‘ilganday bo‘lib chiqar ekan”, derdi (249);

**g) Xoronimlar** ekonomlarning ajralmas qismi bo‘lib, u O‘zbekiston, Rossiya Federatsiyasi, Fransiya Respublikasi, Birlashgan Arab Amirliklari kabi hududlar, viloyatlar, tumanlar, hududiy-ma‘muriy va iqtisodiy-ma‘muriy yoki tabiiy-geografik birliklarning nomlarini o‘z ichiga oladi.

So‘z yunoncha bo‘lib, xoros – “mamlakat” va onim – ism komponentlaridan iborat. “Esdaliklar” asarda Sadridin Ayniy tarixiy voqealarni aks ettirish va qiziqarli obraz yaratish uchun quyidagi xoronimlardan foydalangan: Rossiya (17(2), 137, 149, 163, 167, 198, 201), Hindiston (110, 183, 184), O‘rta Osiyo (160, 167), Qozon (198 (6), 201). “Esdaliklar” dan misollar: ..., chunki *Rossiya* bilan savdo-sotiq rivoj topgan va Buxoro tomonlaridan *Rossiyaga* olib boriladigan asosiy mol paxta edi (17). Buxoro madrasalarining binolari O‘rta Osiyoning boshqa joylaridagi madrasalarga o‘xshagan, asosan, pishiq g‘ishtdan ikki qavatli yoki bir qavatli qilib (160) bu kavushni urus ustalari emas, *Qozondagi* musulmon ustalar tikkanlar (198). Hindiston bosmasi ekani va nomi “Mahmud va Ayozi”ligi ma‘lum bo‘ldi (183).

Shuni ta‘kidlash kerakki, odamlar nomi ishtirok etgan deb ataladigan, ko‘pincha, u yoki bu shaxs-ga tegishli joy, yer, do‘kon, yo‘lak va boshqalarni bildiradi.

Xulosa qilib aytganda, Sadridin Ayniyning “Esdaliklar” avtobiografik asarida Buxoro amirligidagi oykonimlaridan turli maqsadda o‘rinli foydalanilgan.

### Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Айни Садриддин. Куллиёт. Ҷ.6, Душанбе, “Ирфон”, 1966, с. 7–191.
2. Айни Садриддин. Эсдаликлар. 1–2-қисм. “Тошкент”, 1965, 12-бет.
3. Begimov E. Nomlar va odamlar. Toshkent, “Fan”, 1966, 52-бет.

### Абдуллаева Набия Идрисовна (Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислар институти Бухоро филиали Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси) “АТЛАС” ШЕЪРИЙ ДРАМАСИДА ТАЛАБАЛАР ОБРАЗИНИНГ БЕРИЛИШИ

**Аннотация.** Мақолада ўзбек адабиёти шеърий драмасида илк бора талаба ва талабалик даври спецификаси муҳокама қилинган. Унда У.Носирнинг “Атлас” шеърий драмаси орқали гавдалантирган талаба ва домла образлари муносабати, нутқи, спецификаси ва портрети мисоллар орқали очиб берилган.

**Аннотация.** В статье впервые в поэтической драматургии узбекской литературы рассматривается специфика студента и студенческого периода. В нем раскрываются взаимоотношения, речь, специфика и портрет персонажей ученика и учителя, воплощенных У.Насиром в поэтической драме «Атлас».

**Annotation.** The article discusses the specifics of students and the student period for the first time in the poetic drama of Uzbek literature. It reveals the relationship, speech, specifics and portrait of student and teacher characters embodied by U. Nasir through the poetic drama “Atlas”.

**Калим сўзлар:** талаба ва талабалик даври, домла, портрет, специфика, менгзамоқ.

**Ключевые слова:** студент и студенческий период, преподаватель, портрет, специфика, аналогично.

**Keywords:** student and student period, teacher, portrait, specification, similar.

Жаҳон адабиётида талаба образи ҳамда талабалик ҳаёти ўтмишда ҳам, ҳозир ҳам яратилган асарларда кўп учраши ва муайян бадиий вазифаларда тасвиру талқин этилиши унга хос поэтик хусусиятларни киёсий-типологик жиҳатдан ўрганишни тақозо этади. Ўзбек адабиёти намуналарида ҳам учрайдики, адабиётда унинг ўрнини, генезисини, миллий табиатини, поэтик-типологик хусусиятларини, специфик белгиларини киёсий аспектда ёритиш турли тизимли бу тил вакилларининг бадиий ижодига хос муштарак жиҳатларни билиб олиш учун зарурдир. XX аср ўзбек шеърияти осмонидан порлоқ бир юлдуз каби бирдан пайдо бўлган шоир Усмон Носирнинг ҳар бир асарида уйғониш, яшариш, маърифат, муҳаббат талқинини учратиш мумкин. У, гарчи қисқа умр кечирган эсада, шеърлари билан ўзига мангу ҳайкал ўрнатиб кетди.

Усмон Носир кўплаб шеърий асарлар ҳамда бир неча пьесалар муаллифи бўлиб, унинг “Атлас” шеърий драмаси ўзида ўша давр талабаларининг реал ҳаётига дахлдор воқеликларни ҳам қамраб олганлиги жиҳатидан эътиборни тортади.

Албатта, талаба образи бор жойда бевосита уларга таълим-тарбия берадиган устозлар ва домлалар образи ҳам ёритилади. Уларнинг муносабати бевосита расмий, дўстона, ота-она сингари, самимий. Бу фазилатлар билан бирга, талаба ва домло ўртасидаги муҳаббат мавзуси ҳам асарларда ўритилади. Бу мавзу XX асрда биринчи бўлиб, ўзбек адабиётида Усмон Носирнинг “Атлас” шеърий драмасида пайдо бўлди.

Ўз талабалик йилларида, 1933 йилда ёзилган ушбу шеърий драмада, аввало, ёшлик энг чиройли, бахтли, бетакрор давр сифатида таърифланиб, унга хос самимий муҳаббат туйғулари чиройли ёритилган:

*Нақадар шириндир – тотлидир ҳаёт,*

*Ёшлик, у баҳорги япроқдир, сабий.*

*Бахтлилар... ишлари тоқату сабот*

*Бахтлилар тоғларнинг бургути каби!<sup>1</sup>*

Ўтган асрнинг ёшлари ҳаёти ҳақидаги “Атлас” драмасида пок севги, муҳаббат талаба ва талаба, профессор-ўқитувчи ва талаба муносабатлари асосида тасвирланган. Ўн бир кўринишдан иборат бўлган асарда олий мактабнинг Орзуманд ва Атлас исмли талабаларининг бир-бирига бўлган севгиси, ёшлик кечинмалари, Атласнинг домласи алдовларига учиб йўл кўйган жиддий хато-

<sup>1</sup> Усмон Носир. Атлас. Т., Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988, 194-бет.

лари, шундай бўлса-да, Орзуманднинг устози ўғитларига эргашиб, уни кутқариши воқелари келтирилган.

Драмада икки хил характердаги ўқитувчи қиёфаси очиб берилган. Профессор Семён Николаевич Маматов талабаларнинг отаси каби ғамхўр бўлса, доцент Нозим Камолов талаба шаънини бўлғашдан ҳам тап тортмайди.

Асар Орзуманд билан Атласнинг бир-бирига севги изҳор қилиши билан боғлиқ бахтли онларининг тасвири билан бошланади. Уларни кўрган ҳар бир кўз қувонади. Шунинг назарда тутиб, ижодкор Атлас ва Орзуманд имтиҳонларга тайёрланиб ўтирган аудиторияга беҳосдан кириб келган профессор Семён Николаевич Маматов тилидан ёшлик, ҳаёт ва севгининг гўзаллиги ҳақида куйидаги сўзларни келтиради:

*Нақадар шириндир – тотлидир ҳаёт  
Ёшлик, у баҳорги япроқдир, сабий  
Бахтлилар... ишлари тоқату сабот  
Бахтлилар тоғларнинг бургути каби!*<sup>1</sup>

Лекин Орзуманд, дастлаб, профессорнинг ўз ёшлиги, севгиси ҳақида Атласга беғараз сўзлаётган гаплари маъзини тушунмайди. Уларнинг суҳбати устига кириб келган Орзуманд профессорни Атласга ошиқликда гумон қилиб, рашкка берилади. Ҳатто бу рашки туфайли профессорнинг ҳар бир ҳаракатини нотўғри англаб, ўзини ноҳақ жабрланаётган сифатида ҳис эта бошлайди. Ҳатто кунларнинг бирида маъруза вақтида профессорнинг сўзларидан хато топиб, уни уялтирмоқчи бўлади. Бу ҳаракати билан талаба дўстлари қаторида Атласни ҳам хафа қилади. Шундан сўнг Атлас Орзуманддан кўнгли совиб, унга эътибор қилмай қўяди. Орзуманд ҳам Атласдан аразлаб, ундан узоқлашиб, қизни ўз ҳолига ташлаб қўяди. Бу ҳолатдан фойдаланган янги муаллим – доцент Нозим Камолов талаба қизни ширин гаплар, буюк кишиларнинг муҳаббат ҳақидаги сўзларини айтиб, шу йўл билан уни ўз “севгиси”га ишонтириб алдайди ва йўлдан уради. Натижада унинг нафси қурбонига айланган қизнинг келажаги барбод бўлади. Камоловни қизнинг келажаги, умуман, қизиқтирмайди. “Сен мен кўрганларнинг биридек келдинг, кетдинг... Сен, фақат ва фақат нафсининг моли эдинг. Мен сендан бошқа нарса изламадим. Нозимга ўз вақтида бўлак нарса даркор эмас! У яшагани, роҳат, лаззат кўргани келган ва ўз бахтини излайди, ўз нафсини кўзлайди”, – дейди у юзсизларча.<sup>2</sup>

Макри баланд сохта ошиқ Нозим ўзини устамон “сайёд” деб билади ва бундан фахрланади ҳам. У Атласнинг номусини поймол этади, унга уйланмайди. Ўз ёвуз мақсадига, нафсига эришгандан сўнг Атласга эътибор бермай қўяди. Ҳатто онаси ҳам Атласни таҳқирлайди. Унинг фарзандини тан олмайди. Натижада Атлас уларнинг уйдан чиқиб кетади.

Драмада ўта содда, оддий талаба қиз Атлас ҳамда қизиққон, ёшлик нодонликлари домига тушган Орзуманднинг лирик кечинма ва туйғулари ўртасидаги иккиланишлар кескин кураш сахналарида очилиб боради. Орзуманд қизиққонлиги ва ўринсиз рашки оқибатида Атласни бой бериб қўйганлигини отаси тенги кекса профессор ўғитлари орқали англаб етгач, яна севгилиси ёнига қайтади. Улар билан кекса ва меҳрибон профессор ўртасида яна самимий устоз-шогирдчилик муносабатлари давом этади.

Шоир Нозимга алданган Атласни “Ўз баҳорини йўқотган бечора капалак”ка менгзайди. Чунки капалак бир кўнган гулига қайта кўнгани каби Атлас ҳам ўз хатоларини англагач, Орзуманд хузурига бош эгиб келади. Орзуманд ҳам рашк туфайли йўл қўйган хатоларини англаб етади. У севгилиси Атласни мардлик билан кечиради. Фарзандини ўз боласидай қабул қилади. Шу тариқа, ҳаётдан кўнгли қолган қизни – бир инсонни олижаноблиги билан яна ҳаётга қайтаради. Улар биргалликда бахтли ҳаётга қадам қўядилар. Бу йўлда профессор Семён Николаевич Маматов иккала ёшга ўз маслаҳатлари, доно ўғитлари билан катта ёрдам беради. Унинг “Боражак жамиятимиз одамнинг бутун ҳислари ва хусусиятларининг гуллаш давридир”<sup>3</sup> деган сўзлари, аслида, шоир Усмон Носирнинг келажак ҳақидаги орзуларини ўзида ифода этган.

Шоир разил, нафси бузуқ домла Камолов характери мисолида шундай кимсаларнинг образини типиклаштиришга уринган бўлса, аксинча, талабаларга ўз отасидек бўлиб қолган, яхши ва самимий, талабаларни эъзозлайдиган, уларга ҳар томонлама маслаҳатлар берадиган домлалар обра-

<sup>1</sup> Шу ерда.

<sup>2</sup> Усмон Носир. Атлас. Т., Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988, 215-бет.

<sup>3</sup> Носир У. Атлас. Шеъринг драма. Т., Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988, 219-бет.

зини профессор С.Н.Маматов образида умумлаштирган. Хусусан, профессорнинг адашган талабага ҳаётнинг фақат севгидан иборат эмаслигини, бунинг учун ўзлигидан воз кечиш лозиммаслигини, бор меҳр-муҳаббатини ўз келажагига қаратиши кераклигини бир отадек маслаҳат бериши алоҳида эътиборни тортади. Шундай ўғитлар асосида мард талаба йигит Орзуманд ўз севгилисини оғир кунида ташлаб қўймайди. У талаба бўлса ҳам, ақл-фаросатда ва инсонийликда разил доцентдан анча устун эканини намоён этади. Орзуманд ҳақиқий севги йўлига ҳеч нима тўсиқ бўлмаслигини билади.

Адиб қисқа шеърӣ драмасида бутун бошли талабалар ва профессор-ўқитувчиларнинг ҳаётини кўрсатиб ўтган. Асар воқеалари ранг-баранг туйғулар курашида давом этади. Асар қаҳрамонига Орзуманд деб ном танланишида ҳам ўзига хос рамзийлик мужассам. Бу билан шоир инсоннинг ҳар қандай вазиятда ҳам тушқунликка тушмаслиги кераклигини билдиради. Ўз даврида ҳукмрон тузум ваъдаларининг сохта ва алдамчи эканига Камолов тимсоли орқали киноявий муносабатини акс эттиради. Ундан озор кўрган Орзуманд кечинмаларида ўз қалб оғриқларини ифодалашга уринади.

**Холикова Нодира Джохонгировна (Тошкент вилояти Чирчиқ**

**Давлат Педагогика институти доценти; [nodira.79@inbox.ru](mailto:nodira.79@inbox.ru))**

### **ЖАДИД ШЕЪРИЯТИДА ЯНГИ ЭСТЕТИК ПРИНЦИПЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ**

***Аннотация.** Ушбу мақолада жадид шеърӣятига доир айрим жиҳатлар таҳлил қилинган. Бу йиллар оралигида ёзилган манзум асарларда маърифат тушунчаси асосий эстетик идеал сифатида кўзга ташланади. 1917 йилга қадар Авлоний, Тавалло, Сўфизода каби жадид шоирлари, асосан, илмга тарғиб қилган ҳолда, ўз идеалларини бевосита маърифат тушунчаси билан боғлаган бўлсалар, кейинги йилларга келиб, инсон руҳий ҳолати, туйғулар ифодаси рангин бўёқларда акс этди.*

***Аннотация.** В статье анализируются некоторые аспекты поэзии джадидов. В стихотворениях, написанных между этими годами, концепция просветления рассматривается как основной эстетический идеал. До 1917 года поэты-джадиды, такие как Авлони, Тавалло, Суфизода, в основном пропагандируя науку, напрямую связывали свои идеалы с концепцией просвещения, но в более поздние годы душевное состояние человека, выражение эмоций отражалось в разноцветных окрасках.*

***Annotation.** The article analyzes some aspects of the Jadeed poetry. In the poems written between these years, the concept of enlightenment is seen as the main aesthetic ideal. Until 1917, Jadeed poets, such as Avloni, Tavallo, Sufizoda, mainly promoting science, directly linked their ideals with the concept of enlightenment, but in later years, the state of mind of a person, the expression of emotions was reflected in multi-colored colors.*

***Калим сўзлар:** эстетик идеал, миллий ўзига хослик, ижодкор шахси, бадий тафаккур, истиқлол орзуси, илм-маърифат.*

***Ключевые слова:** эстетический идеал, национальное своеобразие, творческая личность, художественное мышление, мечта о независимости, наука и просвещение.*

***Key words:** aesthetic ideal, national identity, creative personality, artistic thinking, the dream of independence, science and education.*

Маърифатга даъват кейинги давр ўзбек адабиётининг бош мавзусига айланди. Ўзбек миллий уйғониш адабиётида ифодаланган янги жамият ва замон кишиси, уларнинг тасвири таҳлилини беришда, тарихий-ижтимоий воқелик, ижодкор шахси ва бадий тафаккурининг асар шакл-мундарижасига, образларга таъсирини ҳам назарда тутиш зарур. Бадий асарларда, асосан, жамиятдаги қолоқликлар илғор фикрли шахс томонидан инкор қилинади ва бу зиддиятли қарашлар жамиятда ҳамда инсонлар ҳаётида муаллиф кўрмоқчи бўлган хусусиятларни ёрқинроқ тасаввур қилиш имконини беради.

Ижодкорнинг ижтимоий-эстетик идеалида идеал яратувчининг моддий ва маънавий гўзаллик ҳақидаги тушунчалари яхлитланиб, миллий киёфада намоён бўлади. “Эстетик идеал масаласини фанда махсус тадқиқ қилган олим В.П.Крутос, идеал уч хил тасаввурлар натижасида ҳосил бўлишини таъкидлайди. Биринчидан, муайян ижтимоий-иқтисодий тузумга мансуб бўлган баркамол инсон тасаввурини берувчи, иккинчидан, инсон эстетик фаолиятининг тўлиқ ва мукамал

шаклларда юксалиб бораётганлиги, яъни унинг дунёда эстетик жиҳатдан камолга эришуви тўғрисидаги тасаввурлар, учинчидан эса шу хил баркамол шахсни ва унинг воқеликка нисбатан мукамал эстетик муносабатларини бевосита белгилаб берадиган табиий ва ижтимоий омиллар”<sup>1</sup>.

Жадид шеърлятида эстетик идеал ижтимоий муаммоларни қамраган ҳолда замонавий кўриниш касб эта борди. Бу даврда яратилган аксарият ижод намуналарида мавжуд жаҳолат қобигига ўранган ҳаёт, нафақат миллат турмуши, балки ўз ҳаётига лоқайд кишилар, фикрsizлик қаттиқ танқид қилинди. Асарлардаги гоҳ изтиробли, гоҳ кинояли, баъзан фожиавий сатрлар, лавҳалар ортида, аслида, муаллифнинг орзуидаги жамият, юрт равнақиға масъул шахслар тимсоли турган эди.

Мавжуд реаллик инкор қилиниши орқали ижодкор орзу-истакларининг ифодаланиши Авлоний шеърлярида ҳам учрайди. Жумладан, “Оила мунозараси” шеърляда давр муаммоси зиддиятлар қарама-қаршилигидан англашилади. Шеърлядаги янгиликдан хабардор, мактабни тарғиб қилувчи шахс – эр образини ижодкор идеалини белгилаган, дейиш мумкин. Хотини – она образи эса эскилик тарафдори, янаям аниқроқ айтсак, “ўқиганлар беихлос бўлади”, деган ақидани ҳимоя қиладиган қаҳрамон. 15 банддан иборат бу диалог-мунозарада оила рамзий маъноға эға. Аслида, эр ва хотин бир маслакда, болаларнинг саодати, оиланинг фароғатини ўйлаб, шу йўлда ҳаракат қилишлари лозим. Бу шеърляда эса қаҳрамонлар дунёқарашини, мақсади орасида анча катта тафовут бор. Энди оилани Туркистон деб тасаввур этсак-чи?! Масала яна-да равшанроқ бўлади. Шоир фаровон турмуш гарови сифатида илм, мукамал хулқ-одоб даркорлигини уқдирапти. Авлонийнинг идеали мактаб, маърифат тушунчалари билан бевосита боғлиқ. Унинг барча шеърляри ана шу идеалға хизмат қилади. Масалан, “Мактаб ҳақинда” шеърляда:

*Билинг, ўғлонларим, сизларни ғамдан қутқарур мактаб,  
Сироти мустақим, роҳи адамдин қутқарур мактаб,  
Маишат бобида ранжу аламдан қутқарур мактаб,  
Ҳаёту руҳа душман жаҳли самдан қутқарур мактаб,  
Кўлингға бир кун муҳри Сулаймонни берур мактаб,  
Шаҳодатномаи фирдавси ғилмонни берур мактаб,*

деб мактабға таъриф берар экан, уни барча мушкулларни ечишға кодир, ғам-аламдан қутқариш чораси, дейди. “Сироти мустақим” “муҳри Сулаймон”, “фирдавси ғилмон” сингари диний дунёқараш билан боғлиқ тушунчалар ижодкор ғоясини яна-да кучлироқ ифодалашға, идеални дин нуқтаи назаридан далиллашға хизмат қилган.<sup>2</sup>

Анъанавий, диний тасаввурға замонавий вазифа берилган. Диний-маърифий дунёқарашда “Сироти мустақим” кишиларни энг олий неъмат – жаннатға элтувчи йўл вазифасида келади. Авлоний мактабни ана шундай бир восита ўрнида кўрган эди. Сиддиқий-Ажзий ҳам илм-маърифат кўмагида яхши кунларға эришиш мумкинлигига ишонади. Унинг қарийб барча шеърляри, шунингдек, “Мирьоти ибрат” достонида тасвирланган келажак манзаралари фикримизни тасдиқлайди. Ушбу дostonда ҳам мактаб, маърифат орқали яхши жамият барпо қилиш, кўзланган мақсадға эришиш ғояси акс этган.

Демак, бу йиллар оралиғида ёзилган манзум асарларда маърифат тушунчаси асосий эстетик идеал сифатида кўзға ташланади. “Мирьоти ибрат” достони Исмоил Гаспринскийнинг “Дорур роҳат мусулмонлари”ға ҳам мазмун, ҳам ғоя жиҳатидан жуда яқин. Дoston Гаспринскийнинг Туркистон ижтимоий-адабий ҳаётиға самарали таъсири жараёнида, муаллиф Русияда бўлган, даврининг таниқли зиёлилари Жалил Мамадқулизода, Алиакбар Тоирзодалар билан танишган йилларда ёзилган ва 1914 йили Абдулқодир Шақурий таржимасида ўзбек тилида Самарқандда нашр қилинган. Унда Самарқанд тасвири, келажакдаги қиёфаси ҳақида сўз боради. Биринчидан, шоир шу юрт фарзанди, иккинчидан, бу замин бир вақтлар Темурнинг марказлашган давлати пойтахти сифатида жуда машҳур эди. “Мирьоти ибрат”да ҳам “Дорур роҳат мусулмонлари”даги каби воқеалар мавҳум ҳолат тасвири билан бошланади. Дostonда пир образи бўлиб, у қаҳрамондан шаҳридаги аҳвол тўғрисида сўрайди. Қаҳрамон ғурур билан аҳволи миллатдан сўз очиб кулгуга қолади. Неғаки, пир баридан воқиф, унга махфий асрорнинг ўзи йўқ эди. Кулгуга сабаб бўлган ҳолат эса тамоман ўзгача эди:

<sup>1</sup> Нурматова М. XVII – XIX асрларда Ўзбекистонда эстетик тафаккур тараққийси (Ўзбек мумтоз шоиралари ижоди мисолида). Фалс. фан.ном. дисс., Т., 75-бет.

<sup>2</sup> Авлоний. Танланган асарлар. II жилдлик, II жилд, Т., “Маънавият”, 1998, 82-бет.

*Йўлларда, сўқоқларда атфол  
Кезмак-ла ва ўйнамакла хушҳол,  
Мактаб кўзи интизор аларга  
Ҳар лаҳза умидвор аларга –*

эди. Миллатнинг эртаси ҳисобланган ёшларнинг бири каззоб, шаробхўр, яна бирлари Қатто тарийқ ила падаркуш Ҳаб бодаи фитна ила сархуш эканлигини надомат билан тилга олиб, натижада:

*Бу зумра бори адоӣи миллат,  
Ёлғиз на адо, балойи миллат –*

бўлишини таъкидлайди. Қарийб “Падаркуш” билан бир вақтда яратилган бу дostonда айни муаммолар устида сўз боргани мавзунинг давр масаласи даражасига кўтарилганини исботлайди. Юқоридагилардан маълум бўладики, аксарият жадид ижодкорларининг ижтимоий-эстетик идеали миллат мавзуси асосига қурилган эди. Эстетик идеалнинг миллий ўзига хослигини махсус тадқиқ қилган олима Ю.Г.Нигматуллина бу ҳақда шундай ёзади: “Тўғри, умуминсоний моҳият, шунингдек, (эстетик) ҳақиқат эстетик идеалда, албатта, бўлиши лозим. Лекин у ёки бу ижодкорнинг эстетик идеалидаги умуминсонийлик миллий хусусиятлар орқали акс этишини унутмаслик керак. Бу ерда миллий эстетик идеал ҳар доим ҳам умуминсонийлик касб этмаслиги ҳам мумкин”.<sup>1</sup>

Шунингдек, жадид зиёлиларининг муштарак ғоялари, миллий истиқлол борасидаги идеаллари тарихий шароити бу каби орзуларни тақозо этмайдиган халқлар адабиёти билан таққосланганда жаҳоний аҳамиятга эга эмасдир. Лекин айнан шу идеаллар муайян миллат қобилини ёриб, умумтуркий халқлар ғояси мундарижасидан жой олган, “маърифат”га чорлаш, “жаҳолат”га ижтимоий кулфат сифатида қараш эса айнан умуминсоний хусусиятлардан холи эмаслигини кўрсатади.<sup>2</sup> Ажзийнинг “Миръоти ибрат” достони воқеаларининг айнан Самарқандда содир бўлиши сабаби ҳам ана шу миллийликда эди. Адибнинг шахс сифатидаги эстетик тамойиллари асосидаги дунёқараши асарларига ҳам кўчган. Яъни, унинг қаҳрамонлари ҳар томонлама шаклланиб улгурган, тайёр идеал образлар эмас. Масалан, лирик қаҳрамон дostonдаги Пир образи тарбиясига муҳтож. Агар Пир бўлмаганда, у умуминсоний муаммолар ечимини ахтарган бўлармиди? Масаланинг миллий заминига нечоғлик аҳамият қаратар эди? Бу ерда яна қиёс ёрдамга келади. Худди Авлоний ижодида кузатганимиз каби “айни замон” ва “хоҳланаётган жамият” муқоясасида ижодкорнинг асл мақсади кўзга ташланади. “Бир неча йилдан бери адабиёт отида бир-икки шеър мажмуасидан бошқа нима чиқди? Бу билан адабий ишларимиз тузук борадир, дейиш мумкинми? Албатта, йўқ”.

Вадуд Маҳмуднинг янги адабиёт тақдирдан қайғуриб ёзган фикрларидан кўринадики, адабиётнинг ривожини учун Фитрат айтмоқчи “сингирларни ўйнатиб, қонни қайнатадиган” асарлар даркор. Ва мана шундай асарлар яратилди ҳам. Агар 1917 йилгача ёзилган адабий асарларни таҳлил қилсак, уларда кўпроқ маърифат, жаҳолат мавзуси талқин қилинган. Лекин қисқа 1916–17 йиллар оралиғида содир бўлган талотўплар энди асар мундарижасига бироз тушкун қайфият, умидсизлик учқунларини сингдира бошлади. 1917 йилга қадар Авлоний, Тавалло, Сўфизода каби жадид шоирлари, асосан, илмга тарғиб қилган ҳолда, ўз идеалларини бевосита маърифат тушунчаси билан боғлаган бўлсалар, кейинги йилларга келиб, инсон руҳий ҳолати, туйғулар ифодаси рангин бўёқларда акс этди. Бу даврни тадқиқ этган олимлар адабиётдаги реалистик тасвир ва романтизм айнан мана шундай асарлар ижод қилинишидан бошланди, деган фикрни ҳам айтадилар. Дарҳақиқат, янги жамият ва уни ташкил қилувчи кишиларнинг олий фазилатларини қуйлаган адиблар энди асар марказига инсон омилини олиб чиқа бошлади. 1917 йил миллий истиқлол ҳаракати намоёндалари учун ҳам, халқ учун ҳам ғоят оғир, фожиали келгани тарихий фактдир. Фитратнинг “биз бундай мухториятни кутмаган эдик”, деган ўқсик ноласи ана шу жароҳатнинг азобидан туғилган эди.

Демак, замон қалтис эди, зиёлилар орасидаги ички бўлиниш, “данўс” (Авлоний таъбирича – чакма-чақарлик)чиларнинг фаол ҳаракати қайсидир маънода сўз эркинлигига салбий таъсир кўрсатди. Энди ижодкорлар ўз ғояларини, эзгу идеалларини очиқдан-очиқ эмас, рамзлар тилида ёза бошладилар. Масалан, Саид Аҳрорийнинг 1918 йилда ёзилган “Уйқудан сўнг” шеърини олайлик:

*Кўк юзида қулган ойнинг  
Чехрасида мотам бор,*

<sup>1</sup> Нигматуллина Ю.Г. Национальное своеобразие эстетического идеала. Казань, изд-во Казанского университета, 1970, с. 5.

<sup>2</sup> Ибрат. Ажзий. Сўфизода. Танланган асарлар. Т., “Маънавият”, 1999, 182-бет.

*Юлдузларнинг кўзларида  
Алам бўлди ошкор.*

Одатда, тонг сахарда уйқудан уйғонган одамга ой ҳам, юлдузлар ҳам гўзал кўринади. Тонгда табиат ўзгача қиёфага кирган бўлади. Лекин лирик қаҳрамон ўз қалбида гўзаллик эмас мотамни, аламни туяди. Ён-атрофи, табиат – Туркистондаги бундай вайрон ҳолат қалбига ҳам кўчади. У осмоннинг сийнасида кулиб турган ойнанинг юзини қоплаган қора булутдан хавотирга тушади, яъни лирик қаҳрамон интилган ой – эрк қора булут исқанжасида. Нима қилмоқ лозим? У ҳам амали йўлида ёлғиз: Олдим, кетдим қоронғидир, на чироқ бор, на бир нур, дея давом этиб, кўнглини ёритадиган, истагига элтадиган йўлларнинг зимистонлигидан умидсизланади. *Бош олиб кетмоқдан ўзга чора йўқ. Ҳар тарафни буғ қоплади, Ҳамда борут тумани.*<sup>1</sup>

*Кўнглим йиғлар, кўзим кўрмас  
Бўлди ёруғ жаҳонни...*

Аслида, инсон уйқудан туриб, янги кунни бугуни ва келажаги учун асос бўлишга арзирли амаллар билан бошлайди. Саид Аҳрорийнинг лирик қаҳрамони эса борут тумани гирдобиди адашиб, кўнглига йиғидан бошқа таскин топа олмайди. Бу ерда реал воқелик тасвири орқали шоирнинг истиқлол орзуси – юксак идеали англашилади. Унинг Ватан ҳақида ёзилган кейинги йиллардаги шеърларида бу тушунча яна-да ёрқинроқ акс этган. Масалан, “Юртнинг товуши” шеърида бағрида бир вақтлар карвон изларига бой Ватан хароб ҳолга келгани, “унинг бўғиқ йиғиси” жонларни изтиробга солаётгани афсус билан қаламга олинади. Шоир ғам-аламнинг беҳудуд эмаслигига ишонади, йиғи ўрнини кулги, қоронғиликни эса ёруғ дамлар эгаллашига имон келтиради.

*Эшит болам, ҳар қайғудан кейин аниқ кулмак бор  
Биз йиғлатдик юртни, лекин келажакда сен кулдир!  
Куймак эмас, кулмак учун яратилди бу диёр,  
Бу қайғулар, қора кунлар сенинг учун уятдир!*

Бу нафақат Саид Аҳрорийнинг, балки барча жаҳид зиёлиларининг иқрори, орзулари ифода-сидир. Шоир 28 ёшидаёқ миллат фарзандига ўғит беришга маънавий тайёр ота сифатида мурожаат этади. Ватаннинг истиқболи авлодлар кўлида эканига ишониб, аждодлар хатосини такрорламасликка ундайди. 1928–29 йилларга келиб, миллат зиёлиларини қатағон қилишнинг биринчи босқичи амалга оша бошлади. Дастлаб, бу ҳаракат зиёлиларни масъул вазифаларидан четлатиш кўришида бўлган. Яъни, 1928 йилда Мунавварқори мактаб ўқитувчилигидан ҳайдалиб, 1929 йил қамоққа олинган, жисмоний ва маънавий зарбага дучор бўлаётган вақтлар эди. Мана шундай ҳолатлар бадиий ижодга ҳам бетаъсир қолмади. Саид Аҳрорийнинг кейинги шеърларида замон оқи-мига қарши бормаслик, қайсидир маънода мураса қилиш йўлини танлаганини кўриш мумкин. Масалан, унинг 1929 йилда ёзилган “Эрк кўшиғи” шеъри шундай фикрлашга асос беради:

*Элга қутлуғ бўлсин шодлиқ дамлари,  
Артилсин кўзлардан ҳасрат намлари,  
Кутган кунлар келди, яйраш чоғидир.*

Шоир қутилган яхши кунлар келганини эътироф этади, лекин кўздаги ҳасрат намлари батамом қуримаганини ҳам беихтиёр назмга солади. “Уйқудан сўнг” шеъридаги лирик қаҳрамон кўнглини хижил қилган булутлар “Эрк кўшиғи”да тарқаб кетган:

*Ҳаволарда булут қолмай тарқалган,  
Дардли пайтлар биздан узоқ йўқолган,  
Тиниқ кунлар келди, яйраш чоғидир.*

Лекин шоирнинг, балки, яхши кунлар келганига ростдан ишонгани, балки, бошига тушажак зарбанинг олдини олишга интилгани ваҳиданми, ҳар ҳолда, тақдирдан ризолик оҳанги етакчилик қилган ушбу шеъри ҳам уни балолардан асраб қололмади. Аксинча, номи машъум қатағон қурбонлари рўйхатининг аввалидан ўрин олди. Аслида, бу ҳолат сал бошқачароқ, яъни “тиниқ кунлар” кетиб, “дардли пайтлар” кела бошлаган, “эркнинг тўлқини” бўғилаётган даврнинг дебначиси эди. Агар шоир сатрларини гапнинг келаси замон шаклида таҳрир қиладиган бўлсак, унинг олий идеали яққолроқ намоён бўлади. У “зиндонлар бузилиб, қўллар кишансиз, эллар эркинлик кўйнида қувнаб яшаши”дан умид қилади. “Тиниқ, кўркам, тансиқ, бахтли кунлар” келишини, “ниқоблар йиртилиб”, “кўнгиллар чоғ”, “қафасдаги банди булбуллар озод” бўлишини орзу қилади.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Вадуд Маҳмуд. Танланган асарлар. Т., “Маънавият”, 2007, 102-бет.

<sup>1</sup> Саид Аҳрорий. Танланган асарлар. Т., “Маънавият”, 2001, 39-бет.

Хулоса орнида шуни айтиш жоизки, мутелик, эркисизлик, жамиятдаги чиркин анъаналар, му- тассиблик, онг ҳамда турмуш тарзидаги ўта қолоқликнинг инкори унинг зидди сифатида жадид ижодкорлари интилган энг юксак маснад даражасига айлана борди. Бу эса тарихий воқелик тала- бига кўра гоҳ шўхчан, гоҳ ғамгин, баъзан рамзлар воситасида, турфа ноталарга солиб куйланди.

**Kadirova Zaynura Zaynidinovna (Termiz davlat universiteti stajyor tadqiqotchisi; [godirovaz@tersu.uz](mailto:godirovaz@tersu.uz))**  
**ALISHER NAVOIYNING NASRIY ASARLARIDA INSONGA XOS XUSUSIYATLARNI**  
**IFODALOVCHI PERIFRAZALAR**

***Annotatsiya.** Maqolada Alisher Navoiyning “Mahbub ul-qulub” asarida qo‘llanilgan insonga xos bo‘lgan xarakter va xususiyatni ifodalovchi perifrazalar tahlil qilingan.*

***Аннотация.** В статье анализируются перифразы, используемые в произведении Алишера Навои «Махбуб ул-кулуб» для выражения человеческого характера.*

***Annotation.** The article analyzes the periphrases used in Alisher Navoi’s “Mahbub ul-kulub” to express human character and traits.*

***Kalit so‘zlar:** amri azim, ehson, saxovat, saxovatsiz kishi, hilm, xushfe‘llik, qanoat, foniy dunyo, yolg‘onchi, va‘daboz.*

***Ключевые слова:** великое командование, милосердие, щедрость, нещедрый человек, смире- ние, доброта, удовлетворенность, смертный мир, лжец, обещатель.*

***Key words:** great command, charity, generosity, humility, kindness, contentment, mortal world, liar, promiser.*

Bilimdon, kashshof, tilshunos, shoirlik kabi sohalar bilimdoni va yuqori salohiyat egasi hisoblan- gan Alisher Navoiy faqat turkiy nazmda ijod qilibgina qolmay, pand-nasihah, estalik va xotira kabi mav- zularni o‘zida jamlagan yirik nasriy asarlarning ham muallifidir. Shunday pandnoma ruhda yozilgan “Mahbub ul-qulub” turkiy nasrda o‘zining zalvorli o‘rniga ega. Bu asarning mazmunan yuzaga kelishida musulmon elining muqaddas kitobi “Qur’oni karim” dastur vazifasini o‘tagan. Bu jihatni hayot, kasb-kor, xususiyat kabilarga berilgan ta‘rif va izohlardan ham bilib olish mumkin. Ushbu asar o‘g‘it va nasihat mazmuni bilan yo‘g‘rilgan maqolllar, turkiy tilda yozilgan she‘rlar, hadislar asosida shakllantirilgan bo‘- lib, haqli ravishda “Mahbub ul-qulub”ni paremiologik birliklar jamlanmasi desak, bo‘ladi. Shu jihatdan “Mahbub ul-qulub” lingvistik va adabiy jihatdan tadqiq etilgan<sup>1</sup> va tadqiqotlar davom etmoqda. Olloh to- monidan yuqori salohiyat egasi bo‘la olish imkoni berilgan hazrati insonga xos bo‘lgan ijobiy xususiyat- lar sirasiga axloqlilik, to‘g‘rilik, mehrlilik, andisha, sadoqat, saxovatpeshalik, qanoat kabilar kiradi va bu xususiyatlar ilmiy hamda diniy asarlarda ham o‘z izohi, namoyon bo‘lish shaklini topgan. Aynan shu ha- rakat va xususiyatlar aksi hisoblangan salbiy jihatlar beandishalik, yolg‘onchilik, baxillik, sabrsizlik, qah- ri qattiqlik kabilar esa olim-u ulamolalar tomonidan asrlar davomida shaxsning jamiyatda o‘z o‘rnini topi- shi uchun katta to‘siq vazifasini o‘tashi haqidagi purma’no fikrlari ta‘kidlanib kelmoqda. Navoiyning nas- riy asarlari ichida “Mahbub ul-qulub” olimning 60 yillik hayoti davomida chiqargan xulosalari bayon etil- gan desak, mubolag‘a qilmagan bo‘lamiz. Pand-nasihah mazmunida yozilgan bu asar insonga va har bir insonning hayoti davomida kuzatiladigan xatti-harakat hamda voqealar, bu kabi voqealarni qanday yo‘l bilan yengish kerakligi haqida mulohazalar ifoda etilgan bo‘lib, bu jihatlar sodda til va oddiy so‘z bilan emas, balki birikma, gap qolipidagi badiiy ifodalar orqali izohlangan. Bunday ifodalarning ichida perifra- za orqali bayon etish yetakchi o‘rinni egallaydi. Quyida shu kabi perifrazaik birikmalardan misollar kel- tiramiz.

Yana bir *amri azim*<sup>1</sup> ehsondurkim, aning bayonida ko‘p so‘z ayondur. Al-insonu ubayd al-ehson anga dol va halli jazo al-ehson ilal al ehson anga guvohi hol. Ushbu jumlada qo‘llanilgan *amri azim*da eh- son mazmuni ifodalangan bo‘lib, birikma shaklidagi perifraza ehsonning inson uchun buyuk harakat, bu- yuk ish ekanligini ifoda etadi.

---

<sup>1</sup>Husanxo‘jayev I. Navoiy ta‘lim-tarbiya haqida. T., Oliy va o‘rta va maktab. 1963. Qarang: Haitov Sh. Alisher Navoiy “Mahbub ul-qulub asarining manbalari va g‘oyaviy – badiiy tahlili”. F.f.n. dissertatsiyasi, Buxoro, 1997. Azimov I. Alisher Navoiyning nasriy asarlarida kesim markazli bir bosh bo‘lakli gaplarning shakily va mazmuniy xususiyatlari. F.f.n. dissertatsiyasi, Toshkent, 2001.

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 жилдлик, 14-жилд, Махбуб ул-кулуб. Т., “Фан”, 1998, 76- бет.



*Insoniyat bog'ining dilpisandroq shajari* ehsondur va *odamiylik konining arjumandroq gavhari* ham ehsondur. Yuqoridagi gapda “*Insoniyat bog'ining dilpisandroq shajari*” – insoniyat bog'ining dilga hush yoquvchi daraxti va “*odamiylik konining arjumandroq gavhari*”<sup>1</sup> – insoniylik uchun eng qadrli, aziz hisoblangan gavhari mazmuni ifodalangan bo‘lib, bu perifrazalar murakkab birikma shaklidagi qolipda hosil qilingan.

Ehson *tiriklikda yaxshi otdur, o‘lgandin so‘ng do‘zax azobidin najot*. Bu perifrazaik birikma ham murakkab birikma hamda gap qolipi asosida shakllantirilgan bo‘lib. Gapda qo‘llanilgan *tiriklikda yaxshi ot*, ya‘ni insonning hayotlik davri uchun atrofida gilarning hurmatiga sazovor bo‘lishdek baxtni olib kelsa, *o‘lgandin so‘ng do‘zax azobidin najot*<sup>2</sup> da esa boqiy dunyoda do‘zax azobi, qiynog‘idan qutqaruvchi asosiy xususiyatlardan ekanligi izohlanadi. Bundan kelib chiqadiki, ehson insonga ikki dunyo saodatini beruvchi harakat hisoblanadi.

Qur‘onda ham ehsoga nisbatan, kimdir ehson qilsa, unga ajrini Olloh o‘n barobar qilib qaytaradi degan fikr o‘z ifodasini topgan.<sup>3</sup>

Insoniylik uchun xos bo‘lgan yana bir xulqlarda biri bu saxovatlilik hisoblanib, Navoiy bunga “saxovat *insoniyat bog'ining borvar shajaridur*, balki ul shajarning mufid samaridur. *Odamiylik kishvarining bahri mavjvari*, balki ul mavj bahrining samin gavhari” kabi perifrazalar orqali ta‘rilab, insoniylik bog'ining mevali daraxti va mavjlanadigan dengizning qimmatbaho duri kabi izohlarni berishga harakat qiladi. Saxovatning antonimi bo‘lgan saxovatsizlikka, ziqnalikka nisbatan “saxovatsiz kishi – *yog‘insiz abri bahor va royihisiz mushki totor*”<sup>4</sup> perifrazalar qo‘llanilgan bo‘lib, bu xususiyatga ega insonlarni yomg‘ir yog‘dirmaydigan bulut va hidsiz atirga qiyoslaydi.

Insoniyatga xos bo‘lgan yaxshi xususiyatlardan yana biri bu hilm bo‘lib, bu yumshoq tabiatlilik, sabr-toqatlilik, yuvoshlik kabi ma‘nolarini izohlaydi. “Mahbub ul-qulub”da hilmga berilgan quyidagi ta‘riflarni keltiramiz. “Hilm *inson vujudining favoqihlig‘ bog‘idur, odamiylik‘ olaming javohirlik‘ tog‘i. Tengri do‘stlarining hikoyati*<sup>5</sup> va alar axloqining rivoyati afsonasidurkim, uyug‘on ko‘nglumni uyug‘otur va taronaedurkim, xiralig‘idin qotgan ko‘zni yig‘latur, Yaxshilarg‘a erishmak – itni poklar chergasiga qotti va yomonlarga qorishmoq–anbiyo avlodin jahannamg‘a uzatti”. Yuqoridagi gapda “hilm”ga “inson vujudining favoqihlig‘ bog‘i” perifrazasi qo‘llanilgan bo‘lib, inson tanasining mevali bog‘i ma‘nosini ifodalangan. Yumshoq tabiatlilik tanaga zarar yetkazuvchi xususiyatlardan asraydi, jahlg'a qarshi qo‘llaniluvchi bu jihat mevali daraxt doimiy ravishda xalqni to‘ydirgani kabi, hilm ham ruhni va ruh orqali tanani yaxshi xususiyatlar bilan to‘yintirib, boyitib boradi mazmuni o‘z ifodasini topgan.

Insoniyat uchun tug‘ilish va o‘lim haqdir. Navoiy tug‘ilishning natijasi bo‘lgan umrga va boqiy hayotga nisbatan “Umr *foniydur bevafo*, ul boqiy hayot *mujibi baqo*”<sup>6</sup> perifrazalarni qo‘llagan bo‘lib, tiriklik bu yolg‘onchi, hech qachon vafo qilmaydi, ya‘ni o‘limdan keying hayot haqiqiy hayot, boqiy dunyo bo‘lib, yaxshi inson ham yomon inson ham haqiqiy umrni qazo qilgandan so‘ng yashaydi. Boqiy dunyoning qanday bo‘lishi foni dunyoda qilgan yaxshi-yomon ishlarimizga bog‘liqligi ifoda etiladi.

“Ilm o‘rganmak din tavqiyati uchundur, yo‘qki dini jam‘iyati uchun. Xayrsiz g‘aniy – *yog‘insiz sahob*<sup>7</sup> va amalsiz olim – dobbaki anga yuklagaylar kitob” gapida xayrsiz g‘aniy birikmasi boy va badavlat (g‘ani), daromadi yaxshi bo‘la turib, ehtiyojmand kishilarga, yetim va kambag‘allarga burda nonni ham ravo ko‘rmaydigan, ziqna, baxil insonlarga nisbatan qo‘llanilgan bo‘lib, Navoiy bundaylarni “*yo-g‘insiz sahob*” perifrazasi orqali ifodalaydi, ya‘ni yomg‘irsiz bulutga qiyoslaydi.

“Mahbub ul-qulub”da yolg‘onchi, va‘daboz, gapida muqim tura olmaydigan insonlarga nisbatan quyidagi perifraza qo‘llanilgan bo‘lib, “Yolg‘onchi – *unutquvchi va taammul va ehtiyot yo‘lidin kanora tutquvchi*”,<sup>1</sup> ya‘ni bunday kishilar aytgan gapini hamisha vadasini unutadi, ayyorlik qiladi hamda juda ehtiyotkordirlar kabi ma‘nolari o‘z ifodasini topgan.

“Qanoat – *istig‘no sarmoyasidur va sharaf va izzat piroyasidur*”. Yuqorida insoniylikning, irodalilikning bir ko‘rinishi hisoblangan qanoatga nisbatan sinonim sifatida qo‘llanilgan ikki birlik, ya‘ni *istig‘-*

<sup>1</sup> Шу манба.

<sup>2</sup> Шу манба. 113-бет.

<sup>3</sup> <https://www.sammuslim.uz/oz/articles/actual/ehson-fazilati>

<sup>4</sup> Алишер Навоий. Шу манба. 78-бет.

<sup>5</sup> Алишер Навоий. Шу манба. 83-бет.

<sup>6</sup> Алишер Навоий. Шу манба. 83-бет.

<sup>7</sup> Алишер Навоий. Шу манба. 90-бет.

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Шу манба.

no sarmoyasi – muhtoj bo‘lmaslik asosi<sup>1</sup> va “sharaf va izzat piroyasi” – ulug‘lik va izzat ziynati, bezagi kabilar ham birikma qolipida shakllantirilgan perifr azalar hisoblanadi. “Muflisi qone’– g‘aniy va shoh-u gadodin mustag‘niy” gapida qo‘llanilagan muflisi qone’ birikmasi qanoatli kambag‘al ma’nosini ifodalayotgan bo‘lib, bunday kishilarga nisbatan g‘aniy va shohu gadodin mustag‘niy,<sup>2</sup> ya’ni, shoh-u gadoga ehtiyajsiz, ulardan yordam kutmaydigan, badavlat insondan ehson tilamaydigan kabi mazmuni ifodalovchi perifraza qo‘llanilgan. Bu ifoda qaysidir ma’noda shaxsni g‘ururli, nomusli bo‘lishga ham chorlaydi.

Yuqoridagi izoh va tahlillar shundan guvohlik beradiki, insoniylik ifodasi bo‘lgan saxovat, qanoat, odamoxunlik, rostgo‘ylik, fe’li noziklik kabi xususiyatlar komillik sari yetaklovchi va ikki dunyo saodatiga erishish uchun vojib bo‘lgan eng buyuk harakat va xislatlar hisoblanadi.

**Хасанова Мусаллам Муминовна (ЎзМУ, катта ўқитувчи)  
ГЕНРИХ БЁЛЛЬ АСАРЛАРИДА СИРЛИ АЁЛ ОБРАЗИ**

**Аннотация.** Мақолада немис ёзувчиси, Нобель мукофоти лауреати Генрих Бёлль ижодидида сирли аёл образи таснифи келтирилган. Бунда ижодкор асарларида сирли аёл образи хусусиятлари, шакллари, персонаж трансформацияси масаласи ва муаллиф фалсафий қарашлари маҳсули сифатидаги аҳамиятини очиб берилган. Тадқиқот учун муаллифнинг икки асари “Хоним билан гуруҳ портрети” новелласида ва “Масхарабоз нигоҳида” романи қаҳрамонлари Лени Пфайфер ва Мария образлари танланган.

**Аннотация.** В статье представлена классификация образа загадочной женщины в творчестве немецкого писателя, лауреата Нобелевской премии Генриха Бёлля. В то же время раскрываются особенности, формы, проблема трансформации образа загадочной женщины и его значение как продукта философских взглядов автора. Для исследования были выбраны героиньи двух романов автора – Лени Пфайфер из «Групповой портрет с дамой» и Мария из романа «Глазами клоуна».

**Annotation.** The article presents a classification of the image of a mysterious woman in the work of the German writer, Nobel Prize winner Heinrich Böll. At the same time, the features, forms, the problem of transforming the image of a mysterious woman and its significance as a product of the author's philosophical views are revealed. The heroines of the author's two novels were selected for the study – Leni Pfeiffer from «Group portrait with a lady» and Maria from the novel «Through the eyes of the clown».

**Калим сўзлар:** Генрих Белль, немис адабиёти, уруидан кейинги адабиёт, проза, аёл образи, давр қаҳрамони.

**Ключевые слова:** Генрих Белль, немецкая литература, послевоенная литература, проза, образ женщины, герой современности.

**Key words:** Heinrich Belle, German literature, post-war literature, prose, the image of a woman, a hero of our time

Генрих Теодор Бёлль (1917–1985) XX аср немис адабиётининг йирик намояндаларидан бири, адабиёт йўналишида Нобель мукофоти лауреати (1972). Ҳаёт йўли немис жамиятининг энг оғир тарихий даврларига – Биринчи Жаҳон уруши якуни, иқтисодий инкироз ва ижтимоий тушкунлик, национал-социалистлар ҳокимият тепасига келиши, Иккинчи Жаҳон уруши ва ундан кейинги оғир оёққа туриш даврига тўғри келган муаллиф бутун ижод йўлида романнавислик ва прозанинг турли жанрлари ва йўналишларида самарали ижод қилди, ўз ижод намуналарида нафақат урушдан кейинги Германиядаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий оғир аҳволни, балки ўша давр қаҳрамони концептини турфа хил образлар негизида ўта таъсирчан ва аниқ очиб бера олди. Унинг қаҳрамонлари турли ижтимоий қатлам, мавке, ёш вакиллари, уларнинг орзу-ҳаваслари, интилиш ва қадриятлари доим ҳам ўхшаш эмас, аммо уларни жамиятдаги ижтимоий ва сиёсий ўзгаришлар, қийинчиликлар, адолатсизликлар ва буларга қарши туриш, улардан чиқиб кетиш йўллари қидириш ҳисси бирлаштиради. Шу боис ҳам Г.Бёллнинг бой ижодий мероси адабиёт, фалсафа, лингвистика, филология, немисшунослик йўналишида доимий тадқиқот мавзуси бўлиб келмоқда.

Генрих Бёлль асарларида бадиий образ ва характерлар масаласи юзасидан илмий изланишлар олиб борилган. Хусусан, Германия ва хорижий адабиётшуносликда А.Беккел, Б.Берлин, Г.

<sup>1</sup> Navoiy asarlari lug‘ati. Tuzuvchilar: P.Shamsiyev, S.Ibrohimov. T., Adabiyot va san‘at nashriyoti, 1973, 285-бет.

<sup>2</sup> Алишер Навоий. Шу манба. 104-бет.

Бернард, Г. Фалькенштейн, Э. Ленхарт, Х. Плард, В. Шварц, Дж. Драпер, Д. Дэрроу, Р. Вайтейкер, Л. Зилински, Г. Линдер, С. Хоффман, В. Йенс томонидан Г. Бёлль ижодида образ ва замон, экзистенциализм ва ижтимоий трансформациялар баёни мавзуларига оид кўплаб илмий изланишлар олиб борилган.<sup>1</sup> МДХ ва Марказий Осиё мамлакатлари илмий доира вакиллари орасидан Э.А. Ильина, Б.М. Гаспаров, О.А. Байнова, С.А. Джебраилова, И.Б. Роднянская, С.В. Рожновский, М.Л. Рудницкий, Г.Л. Вирина, Н.А. Бакши, Н.К. Рымарь<sup>2</sup> Г. Бёлль ижодида фалсафий ва структуравий концептлар, характерлар баёни, образ ва сюжет динамикаси боғлиқлиги масалаларини ўрганди.

Бироқ, шунга қарамасдан, Г. Бёлль асарларида аёл образлари хусусиятлари, фарқли ва ўхшаш жиҳатлари компаративистик таҳлили, замондош аёл образи типологияси ва уларнинг бир асар кесимида учрашуви ҳамда аёл шахсиятининг экзистенциалистик трансформацияси масалалари нафақат миллий илмий доиралар, балки халқаро романшунослик ва адабитшуносликда ҳам кам ўрганилган, десак, муболага бўлмайди. Мавжуд хорижий тадқиқотларда ҳам образлар масаласига умумий таҳлил нуқтаи назаридан ёндашган ҳолда, аёл образи масаласи алоҳида, кенг планда махсус ва яхлит бир тадқиқот объекти сифатида кам таҳлил этилган. Шундай экан, мазкур мақола асосий мақсади Г. Бёлль асарларида янги давр аёли образи масаласини сирли аёл концепти таҳлил орқали очиб беришдан иборат.

Таъкидлаш жоизки, Г. Бёлль асарларидаги деярли барча аёл образи ижодкорнинг замондошидир. У оғир ижтимоий-сиёсий, иқтисодий инкирозлар даврида ҳаётда ўз ўрнини топишга интилаётган қаҳрамондир. Уруш ва унинг оқибатлари муаллифнинг барча қаҳрамонлари, жумладан, аёл образлар учун ҳам асосий мотивлардан бири. Яъни, Бёлль асарларидаги давр қаҳрамони концепти муайян универсал ҳодисанинг (уруш) инсонлар тақдирига индивидуал таъсирини очиб беришга хизмат қилади.

Умумий олганда, муаллиф ижодида учрайдиган аёл қаҳрамон образларини куйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

- сирли аёл образи;
- илҳом париси ва маккор аёл образлари;
- урушдан кейинги давр қурбони образи;
- қасоскор аёл образлари.

Сирли аёл концепти эса унинг кўпгина сарларида марказий ғоялардан биридир. Муаллиф, айниқса, сирли аёл концептидан ўзининг икки машхур асарларида “Хоним билан гуруҳ портрети”<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Beckel A. Mensch, Gesellschaft. Kirche bei Heinrich Boell. Osnabrueck: Fromm, 1966, p. 109; Berlin B., Kay P. “Basic colour terms: their universality & evolution. Berkeley, 1969; Bernhard H. Die Romane Heinrich Boells. Berlin: Ruetten&Loening, 1970, p. 424; Falkenstein H. Heinrich Boell. Berlin, 1987, p. 250; Lehnhardt E. Das Romanwerk Heinrich Boells von “Haus ohne Hueter” bis “Gruppenbild mit Dame”. Urchristentum und Wohlstandsgesellschaft. Bern. Ffm. 1983, p. 190; Plard H. Der Schriftsteller Heinrich Boell. Muenchen, 1968, p. 150; Schwarz W. Der Erzähler Heinrich Boell. Bern Muenchen: Francke, 1968, p. 139; James P. Draper. World Literature Criticism. Gale Research. 1992, p. 4209; Kathy D. Darrow, Russel Whitaker. Nineteenth Century Literature Criticism. 2007, p. 352; Zilinski L. Das Engagement Heinrich Boells aus dem Geist der Zeitgenossenschaft. Acta Univ. N. Copernici. Nauki humanistyczno -spolecz. Torun, 1997, z. 321. Filologia germ. T. 23, s. 77 – 88; Linder Gh. Boll. Hamburg, 1973, p. 224; Hoffman C.G. Heinrich Boll. Hamburg, 1972, p. 210; Jens W. Deutsche Literatur der Gegenwart. München, 1962, p. 112.

<sup>2</sup> Ильина Э.А. Романы Генриха Белля. (Вопросы поэтики). Автореф. дисс. . канд. филол. наук, Н.Новгород, 1994, с. 20; Ильина Э.А. «Человек играющий» в романе Генриха Белля «Глазами клоуна». Вопросы взаимосвязи литератур Западной Европы и Америки. Н.Новгород, 1998, с. 66–79; Гаспаров Б.М. Язык. Память. Образ. М., Новое литературное обозрение, 1996, с. 352; Байнова О.А. Синтетические особенности индивидуального стиля романов Генриха Бёлля. Автореферат диссертации кандидата филологических наук, М., 1995, с. 20; Джебраилова С.А. Проблема единства содержания и формы в романах Г.Белля “Где ты был, Адам” и “Биллиард в половине десятого”. Автореф. дисс. канд. филол. наук, Л., 1973, с. 19; Роднянская И.Б. Мир Генриха Белля. “Вопросы литературы”, 1966, № 10, с. 67 – 93; Рожновский С.В. Генрих Белль. М., “Высшая школа”, 1965, с. 103; Рудницкий М.Л. Перед лицом правды. М., “Знание”, 1987, с. 125; Вирина Г.Л. Генрих Белль в русском культурном сознании (первое десятилетие чтения творчества г. Белля в СССР). Вестник Псковского государственного университета, Выпуск 1/2015, с. 92–99; Бакши Н.А. Мистерия бедности: Генрих Белль и Леон Блуа. М., 2012, с. 211–219; Рымарь Н.К. Религиозное начало лирической прозы Генриха Белля. Известие Самарского научного центра Российской академии наук, т.14, №2 (3), 2012, с. 768 – 770.

<sup>1</sup> Gruppenbild mit Dame. Roman. Kiepenheuer & Witsch, Köln, 1971.

новелласида ва “Масхарабоз нигоҳила”<sup>1</sup> романида кенг фойдаланган. Биринчи асар Иккинчи Жаҳон уруши арафасидаги воқеалар билан бошланади ва 1970-йилларнинг ўрталарида тугайди. Асар марказида синган инсон тақдирлари туради. Романдаги барча қаҳрамонлар мавжуд адолатсизликлар ва ёлғонларга қарши норозилик билдирган одамлардир. Асар бош қаҳрамони, бир қарашда, оддий ва қашшоқлик ёқасига келиб қолган 48 ёшли немис аёли Лени Пфайфер. У бева, ягона фарзанди, 25 ёшли ўғли эса қамоқхонада. Асар муаллиф тилидан учинчи шахсда баён қилинади ва ҳар бир саҳифа орқали биз Лени Пфайфер ўтмиши ва бугунги кундаги ҳаёти чизгиларида уйғунлик кўрамиз. Муаллий Ленини “ғалати аёл” дея таърифлади ва у ҳақида кўпроқ маълумот олиш учун унинг яқинлари, дўстлари ва душманлари билан мулоқотга киришади.

Асар давомида Лени сирли аёл эканлигини ва у ўзи учун ҳам кўп ҳолларда тушунарсиз эканлигини кузатамиз. У ички дунёси қарама-қаршилиқларга тўла, уруш вақтидаги ва урушдан кейинги Ғарбий Германия воқелиги билан муросага келишни истамаган қаҳрамондир. Унинг бутун ҳаёти, айниқса, рус офицери ва ҳарбий асир Борис Котловскийга бўлган муҳаббати атрофдагиларга ва уни ўраб турган нохуш реалликка ўзига хос чақирик, даъводир. Аммо, Лениннинг ички дунёси низолаарга тўла эканлиги, бир бутун руҳий уйғунликка эриша олмаганлиги, уни йиллар ўтган сайин одамови, камгап ва атрофдагилар учун ҳам, ўзи учун ҳам тушунарсиз аёлга айлантириб қўяди. Лени нацистлар зуғумига қарши кураша олган, адолатпарсар қаҳрамон аёл, лекин бир вақтнинг ўзиде, у интроверт, бегоналарга ишонмайдиган ва кези келганда, ўзга ҳам ишона олмайдиган ҳақиқий сирли аёлдир. Муаллиф асар сўнгида ҳам Лени образига сўнги нуктани қўймайди, унинг сирлилик хусусиятини сақлаб қолади.

“Масхарабоз нигоҳила” романидаги Мария образи эса муаллифнинг экзистенциал қарашлари акси сифатида яратилган дейиш мумкин. Бу образнинг сирлилиги, Лени каби у ҳам асарни баён қилувчи шахс эмас, у, ҳатто бош қаҳрамон ҳам эмас. Мария Европада ўз номига эга масхарабоз Ганс Шнирнинг муҳаббати. Мария Шнирнинг бутун Европа қитъаси бўйлаб турнеларида доимо ёнида бўлади. Аммо асар бошланишида Мария Ганс Шнирни ташлаб кетади ва бу воқеа қаҳрамоннинг кейинги ҳаётида асосий бурилиш нуқтасини бажаради.

